

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Тошкент молия институти

Ш.З. Абдуллаева

**Халқаро валюта-кредит
муносабатлари**

Дарслик

ЎзР ОЎМТВ Олий ўқув юртлариаро илмий-услубий
бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш
томонидан дарслик сифатида нашр этишга тавсия қилинган

**Тошкент
“IQTISOD-MOLIYA”
2005**

**III.3. Абдуллаева. Халқаро валюта-кредит муносабатлари. Дарслік/ Т.,
“IQTISOD-MOLIYA”, 2005 йыл 588 бет.**

Мазкур дарслік Кадрлар тайёрлаш бүйічі Давлат таълим стандарты ва “Халқаро валюта – кредит муносабатлари” фанининг ўкув дастури асосида яратылған.

Дарслікда халқаро валюта, кредит ва хисоб-китоб муносабатларининг асосий жиһатлари, валюта муносабатлари тизими, унинг турлари валюта курси, валюта сиёсати, валюта операциялари, валюта риски, валютавий инцирорзлар, халқаро кредитлар, халқаро хисоб-китоблар ва уларни ташкил этиш ҳамда олиб бориш, жағон олтін бозори, ташқи савдо ва уни ташкил қылыш асослары өрнітілған.

Дарслік олий ўкув юрти талабалари, магистрлар, аспирантлар ва мазкур соғаға қызықувчилар учун фойдалы бўлиши мумкин.

Тақризчилар: Муругова И.А.-иқтисод факултети номзоди,
доц.
Хасанова Ш.
ТИФ Миллий банкининг Марказий
амалиёт бўлими Бош бухгалтери

Кириш

Ташқи иқтисодий алоқалар моддий, молиявий ва заковат бойликларининг мамлакатлар ўртасида алмашинишнинг турли йўналишлари, шакллари ва воситаларини ифодаловчи яхлит тизимдир.

Бу исталган мамлакат иқтисодиётидаги энг мураккаб соҳа бўлиб, ўз ривожланиши учун атрофлича ёндашишни тақозо этади. Ўзбекистоннинг сиёсий мустақилликка эришиши ва бозор муносабатларига ўтиши, унинг мустақил давлат сифатида жаҳон кўламига кириб келиши мамлакат тараққиётида ташқи иқтисодий алоқаларнинг ролини анча кўтарди. Ўзбекистон учун нафақат узоқ хориж, балки яқин қўшнилар билан ҳам хўжалик ва савдо алоқалари ташқи иқтисодий алоқаларга айланди. Шу муносабат билан миллий иқтисодиётни ривожлантиришда ташқи иқтисодий омилнинг аҳамияти кескин ошди. Айни вактда ҳам айрим хўжалик субъектларининг, ҳам давлатнинг умуман ташқи иқтисодий фаолияти моҳияти сон ва сифат жиҳатидан тубдан ўзгарди. Ташқи иқтисодий омилнинг кучайишини амалга ошираётган бозор ўзгаришлари, мамлакат иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиёти, ички бозорнинг ташқи бозор билан ҳамкорлигининг шаклланаётган бутунлай янги асослари талабларидан келиб чиқади.

Цивилизациянинг ривожланиши алоҳида олинган давлатларни халқаро хўжалик алоқаларига мунтазам равишда жалб этишга олиб келади, бу эса ягона жаҳон иқтисодиётини барпо этишга имкон яратади. Дунёдаги барча мамлакатлар умумий иқтисодий қонунларга кўра ривожланади, улар халқаро муносабатлар иқтисодий характерининг устувор бўлишини шартлайди.

Эҳтиёжларнинг доимо мураккаблашиб борадиган таркиби, ресурсларнинг жуда камлиги, олисадалиги нафақат алоҳида олинган давлат ичидаги ҳудудлар ўртасида, балки турли давлатлар ва жаҳон минтақалари ўртасида ҳам янада самаралироқ айирбошлиш воситаларини талаб этади. Дунёнинг турли мамлакатларида иқтисодий ривожланиш ва аҳолининг ўсиши нотекис юз беради, бу ҳам халқаро айирбошлишни кенгайтириш заруратини юзага келтиради: ушбу жараёнлар янги бозорларни (товарлар, хизматлар,

мехнат, ахборот, молия ва бошқа бозорларни) ривожлантиришга, жом ашёни олиб киришга, технология ва ахборотларни айирбошлишга, илмий, илмий-техникавий, ишлаб чиқариш, маданий ва бошқа ташқи иқтисодий алоқаларга имкон яратади.

Ўзбекистонда кўплаб корхона ва бирлашмалар, корпорация ва компаниялар, фирма ва бошқа ташкилотлар хорижлик шериклар билан ташқи савдо алоқаларини муваффақият билан ривожлантирмоқда, хорижлик инвесторлар иштирокида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширмоқдалар, халқаро ишлаб чиқариш ҳамкорлигини бутун чоралар билан кентайтирмоқдалар ва чуқурлаштирмоқдалар. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ушбу шакллари миллий иқтисодиётни ривожлантиришга таъсир кўрсатади.

Халқаро валюта-кредит ва молия, муносабатлари халқаро иқтисодий алоқаларнинг асосий қисми ҳисобланади. Мамлакатлараро хўжалик муносабатларининг кенгайиши ва чуқурлашуви мамлакатлар ўртасида пул ва капитал, товар ва хизматлар оқимини оширади. Бундай оқимларнинг ҳажми ва салмоғига ривожланган давлатлар ва уларнинг амалиёти катта таъсир кўрсатади. Шу боис валюта-кредит муносабатлари бўйича жаҳон амалиётини ўрганиш, турли хил давлатлар билан халқаро иқтисодий алоқалар олиб бориша жаҳон амалиётини билиш, айниқса, Ўзбекистон жаҳон бозорига интеграциялашиб бориш жараённида жуда муҳимдир.

«Халқаро валюта-кредит муносабатлари» фани «Банк иши» бакалавр йўналишида чуқур ўргатиладиган мутахассислик фанларидан бири ҳисобланади ва бу фанда халқаро иқтисодий муносабатлари ташкил қилиш асослари ва тамойиллари, халқаро валюта-кредит муносабатларининг асоси бўлган валюта тизими ва уларнинг шакллари, ривожланиш тенденциялари, валюта курси, унинг турлари, валюта курсига таъсир қилувчи омиллар, конвертациялаш, валюта режимлари, валюта операциялари, уларнинг турлари, хусусиятлари ва амалга ошириш жараёнлари, валюта сиёсати ва унинг асосий шакллари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюта сиёсатини асосий хусусиятлари, халқаро амалиётда қўлланиладиган ҳисоб-китоблар, уларнинг

асосий шакллари, тўлов баланси, уни тузиш усуллари ва уни бошқариш йўллари, халқаро кредит ва унинг шакллари, ташки савдони кредитлаш операциялари, валютавий инқирозлар каби мавзулар кўриб чиқилган.

Дарсликнинг XI ва XII бобларини яратища кафедра ўқитувчиси О.Ортиков ва банк ходими З. Азимова иштирок этишган.

Мазкур дарслик ушбу фан бўйича яратилган биринчи дарслик бўлиб, у иқтисодиёт соҳасидаги Олий ўқув юрти талабалари, магистрлар, аспирантлар, ташки иқтисодий алоқалар соҳасида фаолият кўрсатувчи ходимлар, банкирлар ва шу соҳага қизиқувчилар учун мўлжалланган.

Дарслик бўйича фикр мулоҳазаларингизни Тошкент Молия институти «Банк иши» кафедрасига юборишингизни сўраймиз. Сизнинг фикр ва мулоҳазаларингиз дарсликнинг сифатини оширишда ёрдам беради, деган умиддамиз.

· I боб. Валюта муносабатлари ва валюта тизими

1-§. Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта муносабатларининг юзага келишининг объектив асослари

Ташқи иқтисодий алоқалар – муайян мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан жалқаро меҳнат тақсимоти, фан ва ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ҳамда бошқа омилларга асосланган ишлаб чиқариш, савдо, сиёсий ва бошқа хил муносабатлардир. Ташқи иқтисодий фаолият – ташқи иқтисодий алоқаларни рўёбга чиқариш жараёнидир. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг субъектлари бўлиб ўз-ўзини бошқарадиган худудлар, уларнинг мулкчилик шаклидан қатъий назар хўжалик юритувчи субъектлари (акциядорлик жамиятлари, давлат корхоналари, кичик ва ўрта корхоналар, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар, хусусий корхоналар, тадбиркорлар ва бошқалар) ҳисобланади.

Ташқи иқтисодий алоқалар жалқаро меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқариш ва фанни ихтисослаштириш, хўжалик ҳаётини байналминаллаштириш жараёнидан объектив равишда келиб чиқади. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг шаклланиши ва ривожланиши алоҳида олинган мамлакатларнинг ўзаро алоқалари ва бир-бирига боғлиқлигининг қучайиши билан белгиланади.

Халқаро меҳнат тақсимотининг иқтисодий мазмуни биргаликда ишлаб чиқаришни ташкил этиш усуулларида ифодаланади, буларда турли мамлакатларнинг корхоналари муайян товарлар ёки хизматларни тайёрлашга ихтисослашади, сўнгра уларни айирбошлайдилар. Товар айирбошлаш пулли ёки пулсиз (товар) асосда амалга оширилиши мумкин.

Кўп ҳолларда айирбошлаш, асосан, биринчи вариант бўйича юз беради, яъни хориждан маҳсулот оладиган тараф унинг эгасига товар қийъатини ҳужжатлаштириш йўли билан тўлайди.

Турли хил тухфалар, инсонпарварлик ёрдами, ишларни мувофиқлаштириш, умумий қарорларни муҳокама ва қабул қилиш, тажриба алмашиш, стандартларни жалқаро миқёсда бирхиллаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир

чора-тадбирлар ва ҳоказолар айирбошлишнинг пулсиз турларига киради.

Давлатнинг ташқи иқтисодий алоқалари турли соҳаларда: ташқи савдо, фаолиятнинг илмий-техникавий, ишлаб чиқариш, инвестиция, валюта-молия ва кредит, ахборот, маданий ва спорт турлари, меҳнат ресурсларини олиб ўтишда ўрнатилади. Ташқи иқтисодий алоқанинг ана шу барча турларини : савдо (товарларни айрибошлиш, хизматлар кўрсатиш), қўшма корхоналар ташкил этиш, ўзаро ҳамкорликнинг бошқа турларига бирлаштириш мумкин

Ташқи иқтисодий алоқани ташкил этиш ва уларни бошқариш механизмининг самадорлиги кўп жиҳатдан ташқи иқтисодий алоқа таснифи билан белгиланади. Одатда, тасниф деганда, биз муайян белгилар бўйича аниқ гуруҳларга тақсимлашни тушунамиз.

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг тасниф тизими алоқа турлари ва шаклларидан иборат.

Ташқи иқтисодий алоқалар тури – битта умумий белги, масалан, товар оқимининг йўналиши ёки таркибий белгиси билан бирлаштирилган алоқалар мажмуудир.

Товар оқимининг йўналиши билан боғланган тасниф белгиси товар(хизмат, иш)ларнинг бир мамлакатдан бошқасига ҳаракатини, яъни товарнинг мамлакатдан олиб чиқилиши ёки товарнинг мазкур мамлакатга олиб кирилишини белгилайди. Ушбу белгига кўра, ташқи иқтисодий алоқа товарни сотиш ва олиб чиқиш билан боғлиқ экспорт алоқаларига бўлинади. Ташқи иқтисодий алоқа таснифининг таркибий белгиси алоқаларнинг иқтисодий манфаатлар соҳаси ва давлат ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий мақсади билан боғланган гуруҳий таркибини белгилайди. Таркибий белгига кўра, ташқи иқтисодий алоқалар ташқи савдо, молиявий, ишлаб чиқариш, инвестиция алоқаларига бўлинади. Алоқа шакли – мазкур алоқа турининг мавжуд бўлиш усули, бирор-бир аниқ алоқа можиятининг ташқи намоён бўлишидир. Ташқи иқтисодий алоқа шаклларига савдо, бартер, туризм, инжиниринг , франчайзинг, лизинг ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ташқи савдо фаолияти товарлар, ишлар, хизматлар, ахборот, интеллектуал фаолият натижалари, шу жумладан,

уларга доир мутлоқ ҳуқуқлар билан ҳалқаро айрибошлаш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида туридир. Бунда товар деганда, ҳар қандай ҳаракатланувчи мол-мулк ва кўчмас мулкка киритилган, ташки савдо фаолиятининг предмети бўлган ҳаво, денгиз кемалари ва ички сузиш кемалари ҳамда фазовий объектлар тушунилади. Ҳалқаро ташишлар тўғрисидаги шартнома чоғида фойдаланиладиган транспорт воситалари товар ҳисобланмайди.

Экспорт – товарлар, ишлар, хизматлар, интеллектуал мулк натижаларини, шу жумладан, уларга доир мутлоқ ҳуқуқларни мамлакат божхонаси ҳудудидан хорижга қайтариб олиб келиш мажбуриятисиз олиб чиқишидир. Экспорт факти товар божхона чегарасини кесиб ўтган, хизматлар ва интеллектуал фаолият натижаларига доир ҳуқуқлар тақдим этилган пайтда қайд этилади. Божхона ҳудудидан хорижга товарлар олиб чиқишиз айрим тижорат операциялари ҳам товарлар экспортита тенглаштирилиши мумкин.

Ҳалқаро савдо ҳажми, яъни жаҳон товар обороти фақат экспорт ҳажмларини кўшиш йўли билан, одатда ФОБ ёки франко – кема борти(инглизча Free on board) нархларида одатдагидек шу пайтгача АҚШ долларида ҳисоблаб чиқилади. ФОБ нархи ташиш ва сугурталаш харажатларининг фақат бир қисмини, товар кема бортига етказиб берилган пайтга қадар, сотувчи ўз зиммасига олинишини англатади. ФОБ етказиб беришнинг базис шарти ҳисобланиб, унга кўра сотувчи товарни юклаб жўнатиш портидан кема портига етказиб бериш ҳақини ва экспорт божларини тўлайди. Юкни кемада жойлаштиришда одатда харидор ҳақ тўлайди. Товарни ташиш, уни сугурталаш ва импорт божларини тўлаш билан боғлиқ кейинги харажатларни ҳам харидор тўлайди.

Ўзбекистон Республикасида экспортни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. МДҲ мамлакатлари билан ҳамкорлик, кооперация ва биргаликдаги экспорт лойиҳалари учун имтиёзли божхона режимлари машина-техника экспортини ривожлантиришнинг муҳим резерви ҳисобланади. 1997 йил ўрталарида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш

бўйича Давлат дастури экспортни юксалтириш йўлида муҳим қадам бўлди.

Импорт – товарлар, ишлар, хизматлар, интеллектуал фаолият натижаларини, шу жумладан, уларга доир мутлоқ ҳуқуқларни божхона ҳудудига қайтариб олиб чиқиши мажбуриятисиз олиб келишдир. Импорт факти товар божхона чегарасини кесиб ўтган, хизматлар ва интеллектуал фаолият натижаларига доир ҳуқуқлар олинган пайтда қайд этилади. Ўзбекистон божхона ҳудудининг мақоми Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси билан белгиланади. Унинг ҳудудида эркин божхона зоналари ва эркин омборлар бўлиши мумкин, уларнинг ҳудуди Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарида жойлашган деб қаралади. Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудининг чегаралари, эркин божхона зоналари ва эркин омборлар тегралари Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси ҳисобланади.

Импорт СИФ нархларида ҳисобланади, бунинг натижасида у (импорт) экспорт қийматидан ошади. СИФ (инглизча CIF – Cost, Insurance and Freight) етказиб бериш шарти бўлиб, унга кўра сотувчи товарни тайинланган пунктга етказиб бериш ҳақи ва ташиб вақтида товарларни сугурталаш харажатларини тўлайди. Шу сабабли СИФ нархи ўз ичига товар қиймати, унинг фрахта ва сугурталанишига доир харажатларни ҳам олади.

Ташқи савдода хизматлар савдоси катта ўрин тутади. Хизматлар ҳам товардир, бироқ кўпинча товарлардан бир қатор мезонлар билан фарқ қиласди.

Хизматлар – бошқа шахслар эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган тадбиркорлик фаолияти бўлиб, меҳнат ҳуқуқига оид муносабатлар асосида амалга ошириладиган фаолият бундан мустасно.

Хизматлар олди-сотдиси бўйича асосий ташқи савдо битимларига транспорт хизматлари, инжиниринг, ижара муносабатлари, туристик хизматлари экспорт-импортига доир операциялар, информатика ва бошқаришни такомиллаштириш соҳасидаги консультация хизматлари, сугурталаш ва бир қатор бошқа хизматлар киради.

Хизматларнинг ташқи савдоси “Кўзга кўринмайдиган экспорт”, деб ҳам аталади.

Ўзбекистон Республикасида экспорт қилинадиган хизматларга хорижий юридик ва жисмоний шахслар билан тузилган шартномаларга мувофиқ белгиланган тартибда Республиканиң жўжалик юритувчи субъектлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар киради.

Хизматлар ташки савдосида илмий-техника тадқиқотлари натижалари савдоси ва муаллифлик ҳуқуқлари савдоси алоҳида ўрин тутади. Илмий-техникавий билимларини айирбошлишга доир келишув нафақат илмий, балки тижорат қийматига ҳам эга бўлган илмий-тадқиқот ишлари якунларининг олди-сотдиси билан боғланган. Илмий-техникавий билимлар савдосига доир операцияларида патентлар, лицензиялар, товар белгилари, саноат намуналари шаклида майдонга чиқадиган интеллектуал меҳнат маҳсулотлари, шунингдек, “ноу-хау” тушунчаси билан бирлаштирилган техник билимлар ва тажриба иштирок этади.

Халқаро кредитлаш, халқаро сугурталаш, халқаро банк хизматларини кўрсатиш молиявий ташки иқтисодий алоқалар шакллари ҳисобланади.

Ташки иқтисодий алоқаларда илмий-техникавий, иқтисодий ҳамкорлик, маданий айирбошлиш ва спорт тадбирлари борган сари кенг тарқалмоқда.

Мамлакатимизнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллиги даврида ташки иқтисодий фаолият соҳасида ижобий ўзгаришларлар юз берди. Ташки иқтисодий фаолиятни ислоҳ қилишда биринчи галдаги вазифа соҳани эркинлаштиришдир. Республиканиза олиб борилаётган қатъий пул-кредит ва валюта сиёсати, жумладан милллий валпотамизнинг жорий операциялар бўйича эркин айирбошланишини тўлиқ таъминлаш мақсадида ҳукумат томонидан босқичма-босқич олиб борилаётган валюта сиёсати натижасида охирги йилларда мамлакат тўлов балансининг барқарорлиги сақлаб қолинмоқда ва ташки савдо операцияларида ижобий қолдиққа эришилмоқда.

1-жадвал

**Ташқи иқтисодий алоқалар кўрсаткичларининг динамикаси
(олдинги йилга нисбатан фоизда).**

	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001
Ташқи савдо айланмаси	124,8	140,8	95,7	76,5	93,1	97,9	101,5
Экспорт	138,3	123,4	95,6	80,4	91,7	100,9	97,1
Импорт	110,9	193,2	95,8	72,7	94,6	94,8	106,4

Жадвалдан кўриниб турганидек, 1997-2001 йилларда олдинги йилларга нисбатан экспорт тушумлари камайганлиги кузатилди. Бунинг асосий сабаби, Шарқий Осиё ва Россиянда содир бўлган иқтисодий инқирознинг таъсири ва дунё бозорида асосий экспорт маҳсулотларимиз бўлган пахта хомашёси, олтин ва бошқаларга бўлган нархларнинг пасайишидир. Импорт товарлари нархининг пасайишни мамлакатда импорт ўрнини қоплайдиган товарларни ишлаб чиқаришнинг кўпайганлиги 1997-2000 йилларда импортнинг камайишига сабаб бўлди.

Ташқи иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга қўшимча имтиёзлар бериш орқали чет эл сармоядорлари билан ҳамкорликда ишлайдиган корхоналарни кўпайтириш мамлакатимиз имкониятларини янада кенгайтиради. Мамлакатимизда меҳнат ресурслари, хом-ашё базаси етарлилиги иқтисодиётда барқарорликка эришишда муҳим манба бўлиб ҳисобланади.

Охириги йилларда Ўзбекистоннинг ташқи товар обороти тўғрисида қўйидаги жадвал кўрсаткичлари маълумот бериши мумкин.

2000-2002 йилларда Ўзбекистоннинг ташқи савдо обороти

	2000 й.		2001 й.		2002 й.	
	Ҳақиқий баҳода, млрд. сўм	Олдинги йилга нисбатан, % да	Ҳақиқий баҳода, млрд. сўм	Олдинги йилга нисбатан, % да	Ҳақиқий баҳода, млрд. сўм	Олдинги йилга нисбатан, % да
Ташқи савдо обороти млн. АҚШ долл.	6212,1	97,9	6307,3	101,5	5700,4	90,4
Экспорт-жами млн. АҚШ долл.	3264,7	100,9	3170,4	97,1	2988,4	94,3
Импорт-жами млн. АҚШ долл.	2947,4	94,8	3136,9	106,4	2712,0	86,5

Макроиктисодий барқарорликка эришишда иқтисодий сиёsat воситаларидан алоҳида-алоҳида эмас, балки умумлаштирган ҳолда фойдаланиш лозим. Келгусида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириши ва эркинлаштириши мақсадида иқтисодиётда макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, инфляция даражасини пасайтириш, қатъий пул-кредит ва солиқ-бюджет сиёсатини ўтказиш зарур. Хусусийлаштириш обьектларига хорижий сармояларни кенг миқёсда жалб қилиш асосида қўшпимча ишчи ўринларини яратиш, мамлакатимизда йилдан йилга ўсиб бораётган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлашга имкон яратади. Ташқи иқтисодий алоқаларни эркинлаштириш мақсадида, божхона тўловларни янада енгиллаштириш, экспортбоп товарларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, валюта курсини биржиллаштириш самарали натижалар беради. Иқтисодий

сиёсат воситаларидан оқилона фойдаланиш жамиятда макроиқтисодий барқарорликка эришиш ва халқ фаровонлигини оширишдә асосий омил бўлади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳеч қайси давлат жаҳон иқтисодиётидан айрим ҳолда, ташки ёрдамларсиз, бошқача айтганда, хорижий сармоя ва кўмакларсиз иқтисодий тараққиётга эришиши мумкин эмас. Ривожланган давлатларнинг тараққиёт тарихи хорижий инвестицияларнинг иқтисодиётни қайта қуриш, модернизациялаш ва юксалтиришдаги ўрни ниҳоятда катта эканлигини кўрсатади.

Ҳозирги пайтда дунёда иқтисодиётни қайта қуриш ва жадал ривожлантириш учун хорижий инвестициялардан фойдаланиш кенг тус олди. Иқтисодиётни молиялаштириш хорижий инвестицияларнинг аҳамияти шундаки, улар давлатга кўп томонлама самара беради: биринчидан, давлатнинг ишлаб чиқаришга ёки бошқа бирор соҳага ажратиладиган харажатлари, иккинчидан, экспорт салоҳияти, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланади; учинчидан, аҳолининг иш билан бандлик даражаси ўсади; тўртинчидан, давлат бюджетига қўшма корхоналардан солиқ тушумлари кўпаяди; бешинчидан, давлатларнинг жаҳон иқтисодиётидаги интеграциялашувини жадаллашади.

Республикамиз дунёдаги ресурсларга бой мамлакатлардан биридир. Мамлакатимиздаги минерал ҳомашё потенциалининг умумий баҳоси 3,3 триллион АҚШ долларидан зиёдроқ. Ҳусусан, Ўзбекистон ишлаб чиқаришда стратегик ҳомашё ҳисобланмиш паҳта толаси, ёқилғи-энергетика ресурслари, кимё маҳсулотлари, пластмасса ишлаб чиқариш бўйича нафақат МДҲ мамлакатлари, балки бутун дунёда ҳам етакчи давлатлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон сармоядан бошқа барча ишлаб чиқариш омилларига бой мамлакатdir. Инвестициянинг киритилиши эса, бевосита ишлаб чиқариш двигателини юргизиб юборади. Бу эса охир-оқибатда экспорт салоҳиятининг ошишига ҳамда иқтисодий тараққиётга олиб келади.

Сўнгги йилларда, дунёда АҚШнинг ўз телекоммуникация тизимини тўла қайта қуриши, Жануби-Шарқий Осиёдаги иқтисодий инқизорзлар натижасида дунё

ялпи инвестициялар миқдорининг камайиши рўй берди. Натижада, хорижий инвестициялар киритилиши барча давлатлар учун қийинлашиб қолди. Энг мукаммал инвестицион муҳит яратилган давлатларгина бунинг уддасидан чиқмоқда.

Баъзи маълумотларга кўра Ўзбекистон ўз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича МДҲ давлатлари ўртасида Россия, Қозоғистондан кейинги учинчи ўринда туради. Шуни ҳисобга олсак, мамлакатимизда яхши инвестицион муҳит яратилганлигига амин бўламиз. Ўзбекистон инвестицион муҳитининг негизида қуйидаги асосий омиллар ётади:

- **Сиёсий барқарорлик.** Маълумки, ҳозирги пайтда Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг барқарор давлатdir. Бу омил инвесторларнинг узок муддатли инвестиция режаларини амалга оширилишига имкон яратади;

- **Бой табиий захиралар.** Жаҳон харитасида Ўзбекистон заминида мавжуд бўлган бойликларга эга давлатлар кўп эмас. Бу бойликларнинг кўпчилиги ҳали ишга солинмаган. Бу эса, дунёдаги машҳур чет эл компанияларининг эътиборини жалб этиши ани;

- **Хуқуқий кафолатланганлик.** Ўзбекистонда 20дан ортиқ қонун ва фармонлар хорижий инвестициялар учун замонавий ҳуқуқий база асосини ташкил этади. Ўзбекистон Республикасига киритилган хорижий инвестициялар 100 фоиз давлат томонидан кафолатланади. Бундай имтиёз дунёда саноқли давлатларда учрайди;

- нисбатан арзои, ишлаб чиқариш ҳамда бошқаришдаги янги технологияларни тезда қабул қила олувчи малакали кадрлар мавжудлиги. Ўзбекистонда аҳолининг саводхонлиги даражаси 98%ни ташкил этиб, ишчи кучи ниҳоятда арzonдир. Мутахассислар ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистонда ишчи кучи Германиядаги ишчи кучига нисбатан 70, Россия ишчи кучига нисбатан 4 баробар арzonдир;

- **Йирик ички бозорнинг мавжудлиги.** Афғонистон можароларининг тинчлик йўли билан ҳал этилиши Ўзбекистон учун янги йирик бозорнинг пайдо бўлишига олиб келди.

• Амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёнлари ва унда хорижий инвесторларнинг иштирок этиш имконияти мавжудлиги.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонга 12 млрд АҚШ долларидан ортиқ хорижий инвестициялар киритилиб, келганилиги ҳам ушбу жараённи накадар тез сұйытлар билан жадаллаштаганидан дарак берувчи омиллардан бири ҳисобланади. Хусусан, хорижий инвестициялар ҳисобига 3500дан ортиқ қўшма корхоналар тузилди ва қўшма корхоналар маҳсулоти, иш ва хизматлар ҳажми 1999 йил 266,6 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2000 йилга келиб бу кўрсаткич 386,7 млрд сўмни ташкил этди. Яъни 2000 йилда 1999 йилга нисбатан 145 %, 2001 йил эса 2000 йилга нисбатан 138 %ни ташкил этди ва натижада, Ўзбекистон экспорти таркибида қўшма корхоналарнинг улуши 18 %га етди. Ўзбекистондаги табиий имкониятлар бундан-да кўпроқ хорижий инвестициялар киритилишига йўл беради.

Мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилишни янада фаоллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- Ўзбекистон инвестицион муҳити ҳақида хорижликларга тўлароқ ва аниқроқ маълумот бериш;
- қўшма корхона ва хорижий сармоялар иштирокидаги бошқа турдаги тадбиркорлик фаолиятини рўйхатдан ўтказишдаги турли тўсиқларни бутунлай олиб ташлаш;
- солиқ ва божхона тизимларида янада қатъий тизимни шакллантириш;
- миллий ва хорижий тадбиркорликни қўллаб-куватлашга қаратилган ҳуқуқий меъёрларни янада такомиллаштириш;
- хорижий инвесторлар билан ишловчи маҳсус ташкилотлар тузиш;
- интернет тармоқларида республикадаги шарт-шароитлар ва имтиёзлар ҳақида кенгроқ маълумот бериш ва бошқалар.

Ушбу вазифаларнинг ижобий ҳал этилиши Ўзбекистонга ҳозирги ўтиш даврида ҳаётий зарур бўлган инвестиция оқими кўпайишига олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон ҳозирги даврда жаҳон хўжалигига фақатгина ҳом ашё етказиб бериш билан кифояланиб қолмоқда. Ўзбекистон ҳам тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи давлатга айланиши керак. Хорижий инвестициялар эса Ўзбекистоннинг ушбу стратегик вазифасини амалга оширишга ёрдам берувчи асосий воситалардан ҳисобланади.

Мамлакатнинг жаҳон хўжалик алоқаларида, ҳалқаро меҳнат кенг миқёсда иштирок этиши, очиқ турдаги иқтисодиётни барпо этишнинг асосидир. Биз иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш тадбирларини изчиллик билан амалга оширмоқдамиз. Бунда бозор иқтисодиёти эркин иқтисодиёт эканлиги, у очиқ тусда бўлиб, яккаланиш унга ёт эканлигидан иборат ҳақиқатга асосланиб иш тутмоқдамиз. Шу боис, иқтисодиётимизнинг келажаги унинг жаҳон хўжалигига қўшилишига боғлик.

Ўзбекистон Конституциясида мамлакатимиз ҳалқаро муносабатларнинг мустақил субъекти сифатида ташқи сиёсатни ўз манфаатларини кўзлаб белгилаши, ҳалқаро ташкилотларга, ялпи хавфсизлик тизимларига, давлатлараро тузилмаларга кириш ҳуқуқига эга эканлиги қонунлар билан мустаҳкамлаб қўйилган. Бу республикамиз ҳақиқий суверенитетини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлганлиги тасодифий ҳол эмас.

Ҳозир Ўзбекистонни дунёдаги 150дан ортиқ давлат тан олди. Улардан 74таси билан дипломатик алоқалар ўрнатилди. Ўзбекистон пойтахтида 30дан ортиқ мамлакатларнинг элчиҳоналари ишлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси кўп томонлама ҳалқаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилотлари фаолиятида қатнашмоқда. БМТнинг иқтисодий муассасалари, Жаҳон Банки, Ҳалқаро Валюта Фонди (ХВФ), Ҳалқаро Молия Корпорацияси (ХМК), Иқтисодий тараққиётга кўмаклашувчи ташкилот, Ҳалқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби ва бошқа обрўли ҳалқаро молиявий иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиб кирди ҳамда улarda фаол сиёсат ўтказа бормоқда.

Кўпгина ҳалқаро ташкилотлар – БМТ, ХВФ, Жаҳон Банки, ЕТТБ, Европа Иттифоқи Комиссияси ва бошқа

ташкилотлар республикада ўзларининг минтақавий ваколатхоналарини очди ва фаол ҳамкорлик қилмоқда.

ХВФ мутахассислари иштирокида Ўзбекистон иқтисодиётини чуқур ислоҳ қилиши мақсадида мунтазам ўзгартириш дастури ишлаб чиқариш ва мазкур дастурни амалга ошириш учун 74 млн. АҚШ доллари миқдорида дастлабки маблағ ажратилди.

ХВФ ва Жаҳон банки билан биргаликда Ўзбекистонга миллий валютамизни мустаҳкамлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш ва тўлов балансини қўллаб-куватлаш, иқтисодиётнинг таркибини ўзгартириш ва микро дараҷада ислоҳотларни амалга ошириш, давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналарни ва янги вужудга келаётган давлатта қарашли бўлмаган тузилмаларни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-куватлаш ҳамда уларга кўмаклашиш учун 160 млн. АҚШ доллари миқдорида тикланиш қарзи бериш тўғрисидаги масала пухта ишлаб чиқилди ва битим имзоланди.

Халқаро Валюта Фонди, Жаҳон банки, Халқаро Молия Корпорацияси иштирокида ишлаб чиқилган, ҳамда Республика кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришга кўмаклашувчи бир қанча лойиҳалар, шунингдек, иқтисодиётнинг энг манфаатли соҳаларидағи лойиҳаларни молиявий жиҳатдан таъминлаш дастури амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари билан биргаликда Туркия, Эрон ва Покистон томонидан тузилган Иқтисодий ҳамкорлик ташкilotига аъзо бўлиб кирди. Мазкур ташкilot доирасида Республика халқаро транспорт йўлларини биргаликда қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқиши ва амалга оширишда фаол қатнашмоқда. Бу йўллар Ўзбекистонга дengiz портларига, жаҳон товар ва капитал бозорларига чиқиши имконини берди.

1994 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Тарифлар ва савдо Бош Битими (ГАТТ)да кузатувчи мақомини олди. Бу ташкilot жаҳон савдосининг ҳозирги тизимини бошқаришща марказий ўринни эгаллаб турибди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкilotига тўла ҳукуқли аъзо бўлиб қўшилиши тўғрисидаги масала ўрганиб чиқилмоқда. Агар бу масала ижобий ҳал этилса, Республикамиз мазкур

бигимнинг тўла ҳуқуқли иштирокчилари бўлмиш 111та мамлакат билан савдо-сотиқ қилиш учун мустаҳкам ҳуқуқий асосларга ва имтиёзларга эга бўлади.

Мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотлар дастурини кўллаб-қувватлаш ва амалга ошириш учун халқаро ташкилотлар ва қарз берувчи 21та мамлакат томонидан Ўзбекистонга кенг миқёсда техникавий ёрдам кўрсатилимокда. Бу ёрдам 1993-1994 йилларнинг ўзида салкам 75 млн. АҚШ долларига тенг бўлди. Мазкур техникавий ёрдам мутахассислар тайёрлашга, иқтисодиётни бошқариш ва бозорга ўтишни давлат томонидан тартибга солиш тизимини такомиллаштиришга, иш кучини ривожлантиришга, энергетика ва транспорт тизимини такомиллаштиришга, соглиқни сақлаш, дори-дармон билан таъминлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги техникавий ҳамда инсонпарварлик ёрдамига, молия, солиқ ва банк тизимларини мустаҳкамлашга, иқтисодиётнинг турли соҳаларини компьютерлаштиришга йўналтирилади.

Шуни айтиш керакки, Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги ҳам узоқ муддатли, ҳам қисқа муддатли аҳамиятта эга бўлган энг муҳим вазифаларни бирга қўшиш мақсадларидан келиб чиқиб амалга оширилди ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолади.

Биринчидан, жаҳон иқтисодиётига қўшилишидан иборат бўлган стратегик интеграцион вазифа - Ўзбекистондаги барча жўжаллик субъектларининг ташки дунё билан ўзаро алоқалари учун тенг ҳуқуқли ва миллий манфаатларга мос келадиган шарт-шароитлар яратиш асосида халқаро валюта-молия ва савдо механизmlарига бевосита қўшилиш назарда тутилади.

Иккинчидан, республиканинг жорий муаммоларини ҳал этишга бевосита кўмаклашиш, мавжуд халқаро тажриба асосида, юқорида санаб ўтилган муассасалардан молиявий, техникавий ёрдам ва маслаҳат олиш йўли билан ўтказилаётган ислоҳотларни кўллаб-қувватлаш кўзда тутилади.

Ислоҳотларни амалга оширишнинг биринчи босқичида республиканинг замонавий ташки иқтисодий комплексини мутлақо янгидан шакллантиришга, ташки иқтисодий

фаолиятни бошқаришнинг моҳият эътибори билан янги механизмини вужудга келтиришга тўғри келди.

Республикада ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиши зарур бўлган барча муассасалар амалда янгидан барпо этилди. Ташқи иқтисодий алоқа вазирлиги, Ташибеков Мажкамасида, вазирликлар ва идораларда, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва маҳаллий бошқарув идораларида тегишли ташқи иқтисодий бўлинмалар тузилди ва иш олиб бормоқда. Хорижий мамлакатлар иштирокида республикада халқаро савдо-сотиқ маркази тузилди. Биз дунёнинг бир қанча мамлакатларида савдо уйлари очдик. Ўзбекистон билан АҚШ, Буюк Британия, Германия ўртасида ҳамда республикамиз билан фаол ҳамкорлик қилишдан манфаатдор бўлган бошқа мамлакатлар ўртасида ҳамжиҳатлик асосида савдо-саноат палаталари барпо этилди.

Ислоҳот амалга оширила бошлаган пайтдан буён ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиларининг таркиби ва тузилиши ўзгарди. Республиkaning 2000дан ортиқ хўжалик субъектлари, шу жумладан, уюшмалар, кичик ва хусусий корхоналар ташқи бозорга чиқиш ҳуқуқини олди.

Ташқи савдо билан бир қаторда ташқи иқтисодий ҳамкорликнинг бошқа шакллари ҳам сезиларли даражада қучайиб бормоқда. Республикада хорижий сармоялар иштирокида фаолият юритаётган корхоналар тобора кўпаймоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ташқи алоқаларни кенгайтириш, республиканинг экспорт имкониятларини ривожлантириши рағбатлантириш мақсадида бутун ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш учун ҳуқуқий негизларни яратиб берган асосий қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Булар республиканинг иқтисодий манфаатларини, Ўзбекистоннинг хориждаги юридик шахслар ва (жисмоний) фуқароларини ҳимоя қилишни таъминлашга, республика ҳудудида ажнабий сармоядорлар фаолияти учун ҳуқуқий кафолатларни белгилаб беришга имконият яратди.

Хорижий сармоя иштирокида корхоналар барпо этиш, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини рўйхатдан

ўтказиш ва четта чиқариладиган маҳсулот учун ружсатнома бериш тартиби анча соддалаштирилди.

Ислоҳотларнинг биринчи босқичида ташқи савдо икки йўналишда: МДҲ мамлакатлари билан ҳукуматларо битимлар асосида ва хорижий мамлакатлар билан эркин муомаладаги валютада ҳисоб-китоб қилиш асосида амалга оширилди. Бундан ташқари, бевосита ташқи иқтисодий алоқалари – кооперация ўрнатилиши рағбатлантирилди.

Хозир анъанавий шериклар – МДҲ мамлакатларидан ташқари экспортнинг анчагина қисми Туркия, Бельгия, Буюк Британия, Франция, Голландия, Польша, Корея, Индонезия, Малайзия каби мамлакатларга тўғри келади.

МДҲга кирган мамлакатлар билан бевосита ва кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан биридир. Ўзбекистон ҳамдўстлик ғоясини қўллаб-қувватлади, унинг муассислари қаторига кирди, яқинлашув ва кооперация алоқаларини мустаҳкамлаш соҳасидаги ишларни жонбозлик билан амалга оширмоқда. Ўзбекистон Иқтисодий Ҳамкорлик муассасалари – Давлатлараро иқтисодий қўмита, Давлатлараро банк ва бошқа муассасаларни шакллантиришда жуда фаол иштирок этмоқда. Ҳамдўстлик доирасида Россия, Украина, Белорусь, Молдова ва бошқа мамлакатлар билан икки томонлама ташқи сиёсий, савдо-иқтисодий ва бошқа шартномалар ҳамда битимлар имзоланди, бу ҳужжатлар чамбарчас ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг мустаҳкам негизини вужудга келтиради.

Ўзбекистон инвестицияларни ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида Германия, Туркия, Миср, Индонезия, Малайзия, Покистон, Финландия, Корея, АҚШ, Франция билан битимлар имзолади ва Канада, Хитой, Туркия, Голландия, Германия, Швейцариянинг банклари ва фирмалари билан 1,5 млрд. АҚШ долларига яқин суммада 32та йирик кредит битими тузди.

Хозирги даврда Ўзбекистон Ҳукумати ташқи савдони ривожлантиришнинг устувор йўналиши экспортга йўналтирилган иқтисодиётни ривожлантириш бўлиб, бу сиёсатнинг муҳим таркибий қисмлари қуидагилардан иборат:

1) экспорт таркибини диверсификациялаш ва жом ашё маҳсулотлари ҳамда материалларини экспорт қилишдан кўра, кўшимча қиймат улуши кўпроқ бўлган тайёр маҳсулотлар чиқаришга ургу бериш;

2) тегишли инфратузилмани ривожлантириш орқали эришиладиган экспорт маҳсулотини фаол йўналтириш;

3) янги технологиялар олиб келиш ва мамлакат экспорт салоҳиятини орттиришга кўмаклашадиган чет эл инвестициялари иштирокида қўшма корхоналар қуриш;

4) импорт ўрнини босадиган товарлар ишлаб чиқариш импорт қилинадиган машиналар, саноат ҳамда қишлоқ хўжалиги учун ускуналар сифатига эътибор беришдан иборат.

Бу сиёсатни амалга ошириш кейинги йилларда экспорт ҳажмини 2 баравар ўстириш имконини берди, лекин 1997-2000 йилларда ўсиш жуда паст суръатлар билан кечди. Экспортнинг камайиши Шарқий Осиё ва МДҲ мамлакатларида юз берган иқтисодий ва молиявий танглик сабабли, дунё бозорида талабнинг пасайиши туфайли юз берди. Шу билан бирга, ички сиёсат шартлари ва табиий омиллар ҳам маълум роль ўйнайди. Сўнгги йилларда пахта, қимматбаҳо металлар улуши камайиб, машиналар, электроника улуши ортиб бораёттани кузатилмоқда. Пахтанинг экспортдаги улуши 60%дан 30%га тушди. Бирок, металлар экспорти улуши 20%га ўсди. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси жом ашё экспортёрглигича қолмоқда. Шу сабабли, мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган тадбирлар мажмуини ишлаб чиқариш ва амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бу тадбирлар, бизнинг назаримизда, ҳақиқий аҳволни ҳисобга олиши ва 2010 йилгача бўлган даврни 2 босқичга бўлиш заруратидан келиб чиқиши керак. Биринчи босқич 2005 йилгача бўлган даврни, 2-босқич эса 2005-2010 йилларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш бўйича яқин келажакка мўлжалланган стратегиясининг асосий йўналишлари қуйидагилар:

- экспортни рағбатлантириш учун, аввало, барқарор макроиктисодий шароит яратиш лозим. Бу инфляциянинг суръатлари барқарор ва башорат қиласидиган тарзда бўлиши,

валюта алмаштириш курси бир жил бўлишини англатади. Бундай шароит экспортёларга ташқи савдо шартномалари тузиш, аккредитивлар очиш, валютани эркин алмаштиришга ишонч ва ўзларини олажак даромадлари ҳақида аниқ тасаввурларга эга бўлиш имконини берди;

- экспорт салоҳиятининг ривожланишига микроиктисодий омиллар ҳам кўмаклашиши лозим. Хўжалик юритувчи барча субъектларнинг мулк шаклидан қатъий назар, импорт қилинаётган ишлаб чиқариш воситаларини олиш учун бир жил имкониятга эга бўлишларини таъминлаш бу омиллар ичида энг муҳим ўрин тутади;

- инсон омилини ривожлантириш экспорт салоҳиятини ривожлантиришнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бу эса турли бўғинлардаги мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш вазифасини ўз зиммасига олиши лозимлигини билдиради. Бунинг учун ишчиларнинг билимлари ва касб малакаларини такомиллаштириш, ишчиларни тайёрлаш замонавий техника ва технологияларда амалга оширилиши керак;

- экспорт салоҳиятини рағбатлантириш учун турли муруватлардан фойдаланиш зарур. Биринчи навбатда, унча узоқ бўлмаган муддатда экспорт субсидиялари киритиши лозим. Аммо бундай субсидиялар уларни амалга ошириш учун қилинадиган бюджет харажатларини кўпайтираслиги керак. Экспортни рағбатлантиришнинг энг қулай шакли эркин иқтисодий зоналар ҳисобланади.

- қулай иқлим шароитлари ва аҳолининг анъанавий малакаларидан мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантиришда кенг фойдаланиш зарур.

Экспортта йўналтирилган иқтисодиётни яратиш стратегиясини амалга оширишнинг 2-босқичида экспорт салоҳиятини, айниқса, саноатнинг қайта ишлаш соҳалари Ўзбекистон иқтисодиётини технологик жиҳатдан модернизация қилиш бўйича ўтказиладиган тузилмавий ўзаришларнинг энг муҳим экспорт элементига айланиши керак.

Экспорт салоҳиятини ривожлантириш стратегияси, булардан ташқари, МДҲ, Жанубий-Шарқий Осиё, Фарбий ва Шарқий Европа мамлакатлари бозорлари бўйича кенг миқёсда маркетинг тадқиқотларини ўтказиш талаб қилинади.

Ривожланган мамлакатларнинг экспортни кенгайтириш ва экспортёrlарни қўллаш бўйича тажрибасини ўрганиш алоҳида эътиборга эга. Бу тажрибани ўрганиши ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар ва экспортёrlар учун шу мамлакатлар бозорларига кириб боришнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиши имконини беради.

Мамлакат экспорт салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантириш чет эл инвестициялари ёрдамида илмий тадқиқотлар, экспорт қилиш мумкин бўлган патентлар, “ноу-хау”, техник ечимлар тайёрлайдиган илмий ва технологик марказлар тузишни талаб қиласди.

Шундай қилиб, яқин йиллар ичида Ўзбекистон Республикаси дунёда энг динамик ривожланаётган мамлакатлардан бирига айланиши керак. Агар иқтисодиёт ва ташки савдони эркинлаштиришга қаратилган кечиктириб бўлмас чоралар мажмуи ишлаб чиқилса ва амалга оширилса, бу мақсадга эришиш мумкин. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва бу жараёнга миллионлаб оддий меҳнаткашларни жалб этиш йўли билан экспорт салоҳиятини ошириш мумкин. Шу сабабли, ҳам давлат асосий эътиборни чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун зарур шартшароитларни яратиш йўли билан экспорт салоҳиятини ривожлантиришга қаратилиши лозим. Мамлакат захиралар ҳисобига эмас, балки инсон салоҳиятидан оқилона ва самарали фойдаланганда бойиб кетиш ва гуллаб яшнаши мумкин.

Иқтисодиётда мамлакатлараро иқтисодий муносабатларнинг юзага келиши улар ўртасида валюта муносабатларининг шаклланишига олиб келади, чунки ҳалқаро иқтисодий муносабатларнинг қиймат ўлчови маълум мамлакат валютасида ифодаланиши лозим. Валюта муносабатларининг юзага келиши ва амалга оширилиши валюта тизимининг қарор топишига асос бўлади.

2-§. Валюта тизими ва унинг турлари

Валюта тизими бу икки элемент, яъни валюта механизми ва валюта муносабатларини ўз ичига олади.

Валюта механизми деганда валюта билан боғлиқ миллий ва халқаро даражадаги ҳуқуқий нормалар ва муассасалар тушунилади.

Хусусий шахслар, фирмалар, банкларнинг валюта ва пул бозоридаги халқаро ҳисоб-китоблар, кредит ва валюта операцияларини амалга ошириш мақсадидаги кундалик алоқаларини ўз ичига олади. Валюта муносабатларининг баъзи бир элементлари қадимий Римда векселлар асосида ва бир мамлакат савдогарининг пулини иккинчи бир мамлакат савдогарига алмаштириб бериш заминида вужудга келган. Валюта муносабатларининг ривожланишининг кейинги босқичи қадимий Лионда ва бошқа Фарбий Европа мамлакатларида ўтказиладиган тратта операцияларининг ривожланиши ҳисобланади. Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, жаҳон бозорининг барпо бўлиши, халқаро меҳнат тақсимотининг чукурлашуви ва жаҳон хўжалик тизимининг ривожланиши халқаро валюта муносабатлари ривожланишининг асосидир. Валюта муносабатлари халқаро иқтисодий муносабатларининг бир бўлаги ҳисобланниб, унинг ҳолати миллий ва жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши даражасига, сиёсий аҳволга, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятига, унинг жаҳондаги мавъқеига ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Халқаро муносабатлар шароитида капиталнинг айланиши жараёнида пул капиталининг миллий пул кўринишидан хорижий валюта кўринишига ўтиш жараёни юзага келади.

Валюта тизими давлатлараро битим ёки миллий қонунларга мувофиқ валюта муносабатларини ташкил қилиш ва бошқариш шаклларини ўз ичига олади. Валюта тизимининг қўйидаги турлари мавжуд. Булар - миллий, жаҳон ва халқаро (минтақавий) валюта тизимлариdir.

Саноат ривожланган давлатлар иқтисодиётлари ўртасидаги интеграциянинг чукурлашуви шароитида валюта тизими жаҳон хўжалик алоқаларида муҳим ва мустақил ўрин тута бошлайти. Валюта тизими мамлакатнинг иқтисодий ҳолатига (яъни ишлаб чиқариш омиллари, суръатларига, нархга, иш ҳақига ва бошқаларга) бевосита таъсир этади.

Миллий, жаҳон ва халқаро (минтақавий) валюта тизимлари тушунчалари бир-биридан фарқланади.

Валюта тизимининг асосий шакллари



3-жадвал

Миллий ва жаҳон валюта тизимларининг асосий элементлари

Миллий валюта тизими	Жаҳон валюта тизими
Миллий валюта	Резерв валюталар, халқаро ҳисоб раҳам валота бирликлари
Миллий валютани конвертациялашнинг шартлари	Валюталарнинг ўзаро конвертациялаши шартлари
Миллий валюта паритети	Валюта паритетларининг унифицирланган режимлари
Миллий валютанинг курс режими	Валюта курсларининг режими тартиби
Валютавий чеклашларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги, валюта назорати	Валюта муносабатларини давлатлараро тартибга солиш
Мамлакатнинг халқаро валютавий ликвидлилигини миллий даражада тартибга солиш	Халқаро валюта ликвидлилигини давлатлараро даражада тартибга солиш
Муомалада халқаро кредит маблағларидан фойдаланиш тартиби	Муомалада халқаро кредит маблағларидан фойдаланишнинг унификацияланган қоидалари
Мамлакатнинг халқаро ҳисоб-китоблар бўйича тартиби	Халқаро ҳисоб-китобларнинг асосий шаклларининг унификацияси

* Международные валютно-кредитные отношения. Под. Ред. Л.Н.Красавиной. М. ФиС. 1994. ст. 9.

Миллий валюта бозори ва олтин бозорининг режими	Жаҳон валюта бозори ва олтин бозорларининг режими
Мамлакатда валюта муносабатларини бошқарувчи ва тартибга солувчи миллий органлар	Давлатлараро валюта муносабатларини амалга оширувчи халқаро ташкилотлар

Миллий валюта тизимининг кўйидаги элементлари мавжуд:

- А) миллий валюта;
- Б) миллий валютанинг алмасиши режими.

Миллий валюта тизими - тарижан юзага келган бўлиб, алоҳида олинган давлатнинг валюта муносабатларини қонун асосида ташкил қилиш ва бошқариш муносабатларини ўз ичига олади. Миллий валюта тизимининг элементлари бўлиб, миллий валюта, валюта резервлари ҳажми ва таркиби, валюта паритети ва миллий валюта курси, валютани конвертираш шартлари, мамлакат валюта муносабатларини бошқарувчи миллий маъжкамалар ва ташкилотлар статуси, валюта ва олтин миллий бозорларининг фаолият юритиш шартлари, валюта назорати, валютавий чекланишлар бор-йўқлиги қоидаларини, халқаро кредит воситаларини миллий пул айланишида қўллаш қоидалари ва бошқалар ҳисобланади. Миллий валюта тизими мамлакат пул тизимининг асосий қисмини ташкил қиласди.

Минтақавий валюта тизими элементлари тегишли шартнома шартлари асосида аниқланади.

Жаҳон валюта тизими халқаро тўлов воситалари ва маълум элементларининг бир йигиндиси бўлиб, валюта курслари ва валюта паритети, конвертираш шартлари, халқаро ҳисоб-китоб шакллари, халқаро валюта ва олтин бозорлари режими, халқаро ва миллий банк ташкилотлари, халқаро кредит воситаларини муомалада қўллаш қоидаларини, валютавий чеклашларни давлатлараро бошқариш усувлари ва бошқаларни ўз ичига олади.

Халқаро ва минтақавий валюта тизимларининг асоси бўлиб халқаро меҳнат тақсимоти, ташки савдо ҳисобланади.

Жаҳон валюта тизими ўз ичига валюта инструментлари (воситалари)нинг амал қилишини таъминловчи халқаро

кредит - молия муассасалари ва жалқаро битим ва давлат ұқуқүй нормалари комплексларни ўз ичига олади.

Минтақавий валюта тизими ривожланган давлатларнинг жақон валюта тизими чегарасида ташкил этилади. Масалан, Европа валюта тизими - ЕВТ бир қатор Европа давлатларининг валюта соҳасидаги ташкилий-иктисодий муносабатлари шакли сифатида намоён бўлади ва фаолият кўрсатади.

Валюта механизми самарадорлиги, давлатнинг ва жалқаро валюта-молия муассасаларининг валюта, пул ва олтин бозорларига аралашиш даражаси иқтисодий ўсиш, давлатнинг ташкил иқтисодий стратегиясига таъсир этади.

Валюта тизими аҳамиятининг ўсиши ривожланган мамлакатларнинг миллний ва маҳаллий доирада валюта соҳасида давлат монополистик бошқарувининг янги усули ва воситаларини излашга мажбур этмоқда.

3-§. Жақон валюта тизими (ЖВТ) ва унинг эволюцияси

Жақон валюта тизими XIX аср ўрталаридан вужудга кела бошлаган. XIX асрдан шу давргача Париж, Генуя, Бреттон-Вуд, Ямайка валюта тизимлари бўлган.

Ривожланган давлатларнинг валюта тизими нафақат улар ўртасидаги пул ҳисоб-китоб муносабатларини, балки ички пул муомаласининг катта қисмини ҳам ўз ичига олади. ЖВТ олтин стандартга асосланган тизимдан аста-секин мақсадли бошқариладиган, қоғоз-кредит пулларига асосланадиган тизимга айланди. Шу билан биргаликда унинг ривожланиши (ўн йилликлар фарқи билан) миллний пул тизимининг ривожланиши босқичларини такрорлайди. Ички иқтисодиётда пул тизими олтин танга стандартидан олтин қуйма (золотослитковый) ва олтин девиз, ундан кредит-қоғоз пул муомаласига ўтди ва охирги босқичда кўпроқ эътибор кредит воситаларига қаратиладиган бўлди.

Цариж валюта тизими жақон валюта тизимининг биринчи босқичи бўлиб, XIX асрда техникавий инқилобдан кейин вужудга келиб, 1967 йилда Париж Конференциясидан кейин расмий асосга эга бўлган. Биринчи жақон валюта тизимининг асосини олтин монометализм тизими ташкил

қиласи. Бир сўз билан айтганда Париж валюта тизимида олтин ягона жаҳон пули сифатида қабул қилинган.

Олтин стандарт талабига асосан банклар миллий валюта бирлигига олтин асосини бериб, миллий валютани олтинга сотиш ва сотиб олиш мажбуриятини олганлар. Олтин стандарт 1880 йилдан 1914 йилгача ва 1925 йилдан 1931 йилгача сақлаб келинган.

Париж валюта тизимининг асосий тамойиллари:

1. Олтин монета стандартини ўрнатиши.
2. Миллий валютага олтин миқдорини бериши.
3. Талаб ва таклифга қараб ўзгарувчан валюта курсларини жорий қилиши.

Миллий валютанинг олтин миқдори олтин паритети деган ном олди. Биринчи жаҳон уруши Париж валюта тизимининг инқизорига олиб келди ва олтин девиз стандартидан фойдаланила бошланди. Олтин девиз стандарти, олтин ва етакчи давлатларнинг олтинга эркин алмашадиган валютасига асосланди.

| 1922 Генуя ўtkазилган халқаро конференцияда иккинчи жаҳон валюта тизими – Генуя валюта тизими юзага келди.

Генуя валюта тизимининг тамойиллари қилиб қўйидагилар белгиланади:

1. Олтин ва девизлар жаҳон пули сифатида қабул қилинди.
2. Олтин паритет сақланиб қолинди.
3. Эркин ўзгарувчан валюта курслари режими тикланди.
4. Валюта сиёсатини юритиш ва бошқаришининг умумий қоидалари келишиб олинди.

1922-1928 йилларда Генуя валюта тизими энг барқарор валюта тизими сифатида тан олинди.

Жаҳон миқёсида бу ҳолат кейинроқ ва мажсус шаклларда намоён бўлди. Бунда олтин-танга стандарти мутлақо бўлмаган, олтин қўйма стандарти асрлар давомида мавжуд бўлган; олтин билан бир қаторда ёрдамчи кредит пуллари вексель, чек ва бошқа кўринишида ривожланган. Аммо XX аср бошига келиб, бу тизим халқаро иқтисодий муносабатларнинг янги шаклига жавоб бермай қолди. Бу даврнинг энг асосий белгиларидан бири капитални экспорт қилиш - ЖВТнинг янги олтин стандарт шакллари билан қарама-қаршиликка учради. Бундан ташқари, олтин

захиралари сифатида тез ривожланиб бораётган давлатлар хазинасида тўплана борди. Шунинг учун ҳам давлатлар ўртасида янги бошқариладиган валюта тизими зарур эди. 30-йилларнинг иккинчи ярмида олтин стандарт шакллари ўрнига қофоз-кредит пул муомаласи келди. У давлатга эмиссия механизмидан иқтисодиётни бошқариш воситаси сифатида фойдаланиш имконини берарди.

Жаҳон валюта тизими ривожланишининг муҳим босқичи Иккинчи Жаҳон урушидан кейин бошланди.

Иккинчи Жаҳон уруши олтин захираларининг янги тақсимотига олиб келди:

барча давлатларнинг деярли 4/5 олтин захиралари АҚШда тўпланди. Долларнинг ЖВТда етакчи ўриндалиги, олтин девиз стандартининг олтин доллар шаклини олганлигидан далолат берарди.

Бу ҳолат расмий равишда 1944 йил, июлда Бреттон-Вудсдаги (АҚШ) БМТ Конференциясида тасдиқланди ва унда урущдан кейинги Жаҳон валюта тизимига асос солинди.

ЖВТининг ташкилий ва фаолият тамойиллари қўйидагилар килиб белгиланди:

олтин ЖВТининг асоси сифатида тан олинди;

доллар ва фунт-стерлингта халқаро ҳисоб-китобларда ва чет эл валюта захираларида асосий ўрин берилди ва уларни олтин ўрнига тақдим этилиш мумкинлиги тасдиқланди;

долларга нисбатан барча мамлакат валюталарининг қатъий паритети ўрнатилди, доллар орқали эса - олтиннинг ва чет эл валюталарининг бир-бирига нисбатан баҳоси аниқланадиган бўлди;

валюта курсининг доллар паритетига нисбатан тебраниши $\pm 1\%$ даражасида белгиланди;

ЖВТни бошқариш мақсадида Халқаро Валюта Фонди (ХВФ) ва Халқаро ривожланиш ва тараққиёт банки (ХРТБ) ташкил этилди;

валютавий чекланиш тизими бекор қилиниб, миллий валюта конвертацияси тикланди.

Бруттон-Вудс валюта тизимига асосан доллар стандарти киритилди. Шуни таъкидлаш лозимки, баъзида талабалар ёки умуман валюта муносабатларига қизиқувчилар орасида «Нега долларнинг мавқеи жаҳонда юқори?», - деган савол учрайди. Долларнинг охирги 80-90-йилларда мавқеининг

юқори бўлишининг бош сабаби Бруттен-Вудс конференциясида валюта тизимига асос солиниш ва доллар стандартининг жорий қилинишидир. Қолаверса, иккинчи жаҳон урушидан кейин АҚШ иқтисодий жижатдан Япония ва Европа мамлакатларига нисбатан барқарорроқ эди. Шу сабаб, бошқа давлатлар ўз валютасини АҚШ долларида ифодалашлари келишиб олинди. Ундан ташқари давлатлар ўз резервларининг аксарият қисмини олтинда (кам миқдорда) эмас, балки АҚШ долларида сақлашлари лозим эди.

Кейнги сабаб АҚШ долларига асосий резерв валюта статуси берилди ва АҚШ давлати бошқа давлатлар Марказий банкларига 1934 йилда ўрнатилган расмий курсда (35 АҚШ доллари = 1 тройца унция олтинга алмаштирилган, 0-1 тройца унция = 31,1035 грамм олтин) долларни олтинга алмаштириб беришни давом қилдирган.

Валюталар курсларининг нисбати ва уларнинг конвертацияси валюта паритети сифатида қабул қилинган АҚШ доллари воситасида амалга оширилган. 10 %дан юқори девальвация ХВФнинг рухсати билан амалга оширилган.

Бу шаклда тузилган Иккинчи жаҳон урушидан кейнги ЖВТ халқаро валюта-молия муносабатларидаги тартибсизликни йўқотишга имкон берди.

Аммо Бреттон-Вудс тизимининг қарама-қаршилиги - тартибсиз бозор (олтинстандарт) ва бошқариладиган доллар тизими бўйича иш юритиш қўйидагиларга олиб келди:

- ўзгармас олтгин нархи ва нархи ўсуви товар ва хизматлар орасида фарқ юзага келишига;

- АҚШдан кўп миқдордаги капиталнинг бошқа давлатларга оқиб кетишига (1957-1971 йилларда 54,2 млрд. АҚШ долларлари миқдорида тўғри инвестициялар тарзида АҚШдан бошқа давлатларга оқиб ўтган);

- чет эллардаги катта ҳарбий харажатларга;

- АҚШнинг тўлов баланси дефицитли бўлишига (унинг миқдори 1953-1972 йилларда - 69 млрд. АҚШ долларни ташкил қилган);

долларнинг реал курси ва унинг олтин паритети орасида узулишнинг бўлишига ва бошқаларга олиб келди.

Бундан ташқари, 60-йилларнинг иккинчи ярмида Фарбий Европа ва Япония АҚШдан ўз олтин захиралари ва экспорт ҳажми бўйича икки баравар ошибб кетди. Натижада ҳатто

олтин девиз стандарти таянадиган умумиқтисодий асос ўз умрини тутатди. Олтин доллар стандартининг бузилиши валюта бозорларида долларнинг «тушиши» ва «валюта иситмаси» деган иборалар тарзида ўз аксини топди.

Шунинг учун 1970 йилда ХВФ чегарасида махсус ҳисоб ва тўлов бирлиги СДР (инг. Special Drawing Rights) киритилди ва у аъзо давлатларнинг валюта захираларини тўлдириш учун мўлжалланганди. СДР жаҳон пулининг бир қатор функцияларини бажарадиган бўлди. У ХВФ аъзоларининг квоталарига пропорционал тарзда тақсимланади, шунинг учун унинг асосий қисми ($2/3$ дан $3/4$ гача) ривожланган давлатларга, $1/4$ қисми ривожланаётган давлатларга тўғри келади. СДРнинг бошланғич курси АҚШ долларининг расмий олтин миқдорига тенглаштирилган. Кейинчалик унинг қобилияти 16 валюта савати бўйича, охириги йилларда эса 5та асосий миллий валюталар бўйича аниқланади. СДР ЖВТнинг асосий захира воситасига айланган.

1971 ва 1973 йилларда АҚШ икки марта доллар девальвациясини ўтказди. Натижада олтиннинг расмий курси троя унцияси 42,22 долларгача қилиб белгилаб берилди. Бу даврда кўпчилик ривожланган давлатлар ўз валюта курсини маълум даражада ушлаб туриш (АҚШ долларига нисбатан) мажбуриятларидан воз кечиб, «сузуви» курс режимига ўтишди. 1973 йилдан бошлаб олтин товар сифатида махсус олтин ва товар биржаларидаги нарх асосида сотиладиган ва сотиб олинадиган ва олтин нархи ЖВТга бевосита таъсир ўтказмайдиган бўлди.

Бу шароитда халқаро валюта муносабатларини қайта ташкил қилиш муаммоси вужудга келди. 1976 йил январда ХВФнинг Вакъти Қўмитаси ХВФ Уставига бир қатор ўзгаришларни киритди. Бу ўзгаришлар ХВТи фаолиятини расмий равишда қайта тақсимлашни билдиради (Ямайка келишуви, 1976-1978 й.). Валюта муносабатлари механизмидаги ўзгаришлар 1978 йил 1 апрелдан кучга кирди ва қўйидагилардан таркиб топганди:

- олтиннинг расмий нархи бекор қилинди (ХВФнинг мавжуд олтин захирасининг 33 фоизининг $1/6$ қисмини очиқ аукционларда сотиш ва яна $1/6$ қисмини аъзо давлатларга тарқатиш йўли билан ҳисобдан чиқаришганди);

- СДР ЖВТнинг асосий резерв активига расмий равишида айлантирилди.

- валюта курсларининг «сузувчи» тизими қонунлаштирилди. Аъзо - давлатлар ўз валюта паритетини СДР ёки бошқа чет эл валютасида ифодалай олиши мумкин эди (аммо олтинда эмас).

Халқаро валютани бошқариш соҳаси кенгайтирилди. Бунинг учун ХВФ қошида иқтисодий сиёсатни мувоғиқлаштириш бўйича аъзо - давлатлар вазирлари даражасида қўмита ташкил этилди.

Ташкил топган валюта тизими кўп жиҳатдан 70-йиллардаги жаҳон хўжалигининг ўзгарган шароитларига жавоб берарди.

4-§. Минтақавий валюта тизими (МВТ)

Фарбий Европа валюта интеграциясининг чуқурлашуви Европа валюта тизимининг (ЕВТ) вужудга келишига олиб келди. Бу валюта тизими минтақавий валюта тизими (МВТ) бўлиб, у ЖВТнинг элементларидан биридир.

ЕВТ 1979 йили ташкил этилди. Бу МВТнинг асосий белгиси ЭКЮ механизмидир. ЭКЮ (European Currency Unit) - маҳсус европа ҳисоб бирлиги бўлиб, ГФР (1/3 ҳисми) маркаси бошчилигидаги Фарбий Европанинг 10та мамлакати валютасининг «савати»га асосланганди. СДРдан фарқли равишида ЭКЮ банк ва фирмаларининг ҳусусий операцияларида қўлланилган. Миллий валюталар квотаси - ЭКЮнинг ташкил этувчилари - мамлакатнинг иктиносидий потенциали билан аниqlанади ва ҳар 5 йилда қайта куриб чиқиларди. «Сават»ни қайта кўриб чиқишида актив ва пассивлар янги курс бўйича қайта баҳоланади. Охирги марта ЭКЮ 1989 йилда белгиланган бўлиб, валюталар улуши (%ларда):

ГФР маркаси	-	30,1
Франция франки	-	19,0
Голланд гульдени	-	9,4
Бельгия франки	-	7,6
Испания песетаси	-	5,3
ва бошқалар	-	5,45ни ташкил килган.

ЕИ чегарасида ягона пул бирлигига ўтилиши ЭКЮни асосий валютага айлантиради.

Ямайка валюта тизимидан фарқли равишда, ЕВТ олтиндан ЭКЮнинг қисман таъминоти сифатида фойдаланади ва аъзо мамлакатларнинг расмий олтин доллар захираларининг 20 фоизини бирлаштиради.

Валюта курслари режими валюталарнинг белгиланган чегарада сузишига асосланган (асосий курсдан + 2,25 %, Италиядаги бекарорлик туфайли 6 %).

ЕВТ мамлакатлараро регионал валюта бошқаришини Европа валюта ҳамкорлиги фонди (ЕВХФ) орқали амалга оширади. Бу ҳамкорлик марказий банкларга қисқа ва ўрта муддатли кредитларни валюта интервенцияси билан боғлиқ жараёнларни амалга ошириш тўлов баланси дефицитини қоплаш учун беради.

5-§. Европа ҳамжамияти ва унинг ташкил топиши

XX аср ўрталарида кенг тарқалган маҳсулотлар ва хизматларни, капитал ва ишчи кучини, илмий-техник ажборотлар ва бошқаришининг янги усусларини халқаро айирбошлиш қатор давлатларнинг ўзаро келишилган ҳаракатлари асосида ҳал этилиши керак бўлган бир қанча муаммоларни юзага келтирди. Бошқача қилиб айтганда, турли мамлакатлар ўртасида жаҳон хўжалик алоқалари барқарорлигини ва ўсишни таъминлаш, айирбошлиш учун тенг ҳуқуқли шароитларни яратиш ва унинг йўлидаги барча тўсиқларни йўқотиш мақсадида иқтисодий муносабатларни тартибига солиши билан шуғулланувчи халқаро ташкилотларга эҳтиёж сезилди.

Европа ҳамжамияти ёки «Умумий бозор» иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни биргаликда ҳал этиш мақсадида давлатларнинг бирлашувини жаҳон амалиётидаги биринчи йирик тажрибасини ўзида мужассамлаштирган.

Фарбий Европада интеграциялашувга уриниш биринчи марта 1948 йилда бўлиб ўтган, бунда «Маршал режаси»ни амалга оширишни осонлаштириш учун АҚШ томонидан қўллаб-қувватланган Европа иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти тузилди. Аммо бу ташкилот етарли иқтисодий ўсишни таъминлай олмагани учун ҳамкорликнинг янги

шакллари излана бошланди. Таниғли француз илмий мактаби концепциясига биноан жалқаро мұносабатлар соҳасидаги «умумий бозор» ўз ичита қуидагиларни олиши керак эди:

1. Товарлар, капитал ва одамларнинг эркин күчіб юришини таъминлаши.
2. Турли мамлакатларнинг иқтисодий соҳасидаги сиёсатларини уйғунлаشتариш.
3. Умумий ташқи иқтисослашувнинг вужудга келишини таъминлашидан иборат эди.

Бу гоя 1957 йил мартауда Рим шартномасига асосан Европа иқтисодий ҳамжамияти ташкил этилиши билан ҳаётта татбиқ қилинди. ЕИХ ташкил топган вақтда унта олти мамлакат - Франция, ГФР, Италия, Бельгия, Нидерландия, Люксембург давлатлари кирди. Ушбу мамлакатлар ўртасида тузилган Европа күмир ва металл уюшмаси - 1951 йилда ва 1957 йилда тузилган. Европа атом энергияси уюшмаларининг 1967 йилда бир йұналиш остига бирлашишлари натажасида Марказлашган Европа ҳамжамияти ташкил топди.

Гарбий Европа мамлакатларининг бу бирлашган гурухи 1967 йилда учта йирик Европа иқтисодий ташкилотларининг қўшилиши натижасида ташкил топди:

- 1958 йилда тузилган ва кейинчалик ЕХ га кирган 15 мамлакатни бирлаштирган Европа иқтисодий ҳамжамияти;
- Күмир ва пўлат бўйича Европа бирлашмаси;
- Атом энергетикаси бўйича Европа ҳамжамияти.

ЕХга аъзо давлатларда жаҳон аҳолисининг 7 %и яшаб жаҳон савдосининг деярли 41 %и, валюта захираларининг 36 %идан ортиги тўғри келади.

ЕХнинг раҳбар ташкилотлари бўлиб Европа Кенгashi, Вазирлар Кенгashi, ЕХ комиссияси, Европа парламенти, ЕХ суди, Иқтисодий ва ижтимоий қўмитаси ҳисобланади. Бу ташкилотлар миллий иқтисодиётлар ривожланишининг ички муаммоларини мувоффиқлаштиради, барча аъзо мамлакатлар учун ягона ташқи иқтисодий сиёсатни амалга оширади. 1985 йилда бу ташкилотлар томонидан маҳсулотлар, капитал, хизматлар ва ишчи кучининг ягона ички бозорини яратишнинг 7 йиллик дастури қабул қилинди. Бунда уларнинг фаолиятидаги барча тўсиқлар, яъни чегара ва

божхона назорати, миллий андозалардаги солиқ фарқлари, валюта тизимларидағи турли-туманлик ва бошқалар босқичма-босқич йўқотиладиган бўлди.

Бошқа бир иқтисодий гоя мактаби француз мактаб тоғасига қарши чиқиб, эркин савдо зонаси доирасида саноат товарларининг эркин айланиши билан бир қаторда ҳар бир мамлакатнинг учинчи дунё мамлакатлари билан савдосида ташки тарифларни белгилашни ушбу давлатларнинг ўз ихтиёрларига берилишини ёқлаб чиқди. Бу гоя асосан Англия манфаатларига мос келар эди, чунки Англия, Британия миллиатлар иттифоқига кирган собиқ мустамлакалари ўртасида Англия учун фойдали бўлган савдо муносабатлари йўлга қўйилган эди. Ушбу гоя асосида 1960 йил май ойида Стокгольмда Европа эркин савдо ассоциацияси ташкил топди. Бунга етти мамлакат - Австрия, Дания, Норвегия, Португалия, Швеция, Швейцария ва Англия киришди. Уларга 1 март 1970 йилда Исландия ва 1986 йил 1 январда Финляндия давлатлари қўшилишди. 90 йилларга келиб Европа эркин савдо ассоциациясининг аъзолари ҳам Европа ҳамжамиятига бирин-кетин қўшила бошлашди. 1973 йилда Европа иқтисодий ҳамжамиятига - Буюк Британия, Ирландия, Дания, 1981 йилда - Греция, 1986 йилда - Португалия ва Испаниялар қўшилишган бўлса, 1994 йилга келиб Австрия, Швеция ва Финляндия Европа ҳамжамияти аъзоси бўлишиди.

Гарбий Европа иқтисодий интеграциясини шартли равишда 4 босқичга бўлиш мумкин.

Биринчи босқич (50 йиллар охиридан 70 йиллар ўрталаригача) ҳамжамиятнииг «олтин асри» ҳисобланади. Бу даврда тезликда божхона иттифоқи тузилди, умумий аграр бозор ташкил топди ва юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, 3 мамлакат ҳамжамиятга аъзо бўлиб кирди.

ЕИХ ёки «Умумий бозор»ни ташкил қилишнинг аниқ мақсадлари бўлиб, у:

- аъзо мамлакатлар ўртасидаги савдо муносабатларида чеклашларни босқичма-босқич йўқотиш;
- учинчи мамлакат билан савдода умумий божхона тарифини ўрнатиш;
- «Инсонлар, капитал, хизматлар» эркин кўчиб юришдаги чекловларни йўқотиш;

- транспорт ва қишлоқ жүжалиги соҳасида умумий сиёсатни ишлаб чиқиш ва юршиш;
- валютавий иттифоқни ташкил этиш;
- солиқ тизимини такомиллаштириш;
- қонунларни бир-бираига яқынлаштириш;
- иқтисодий сиёсатни уйғуллаштириш тамойилларини ишлаб чиқыш эди.

ЕИХ ўзининг биринчи мақсади сифатида товарлар, капитал хизматлар ва ишчи кучини эркин кўчидан юришини таъминловчи божхона иттифоқи тузиш деб, белгилади. Божхона иттифоқининг тузилиши эса интеграциялашув жараёнини тезлаштиргди.

Иккинчи босқич (70-йиллар ўрталаридан 80-йиллар ўрталаригача) ЕХ тарихида турғунлик даври деган ном билан қолди. Бу даврда Европа валюта тизимини (ЕВТ) тузишга муваффақ бўлинганд бўлса ҳам, «евросклероз» номини олган кризис даврида аъзо мамлакатлар иқтисоди ўртасидага фарқ катталалиб борди. 1981 йилда Ехга Грециянинг қабул қилиниши билан бу фарқ янада аникроқ намоён бўла бошлади.

Учинчи босқич (80 йилларнинг иккинчи ярми 90-йилларнинг боши) ҳамжамият таркибининг қонгайиш даври бўлди. 1986 йилда Испания ва Португалиянинг қўшилиши аъзо мамлакатлар ўртасидаги фарқининг янада кескинлашувига олиб келди. Бу даврда Португалияда аҳоли жон бошига даромад ЕХ ўртача жон бошига тўғри келадиган даромаднинг ярмини, Испанияда эса 3/4 қисмини ташкил этар эди. Янги қўшилган мамлакатлар аҳолисининг таҳминан 1/5 қисми қишлоқ жүжалигида банд бўлса, ЕХда бу кўрсаткич ўртача 1/13 ни ташкил этарди. Шу билан бирга бу давр Гарбий Европа интеграцияси ривожланишида янги силжишлар даври бўлди. Бу даврда ягона Европа ҳужжати қабул қилинди. Ягона Европа ҳужжати қабул қилиниши билан интеграцион жараёнлар микро ва макроиқтисодиёт соҳасида, сиёсат ва ҳуқуқ, фан ва экология, минтақавий ривожланиш, ижтимоий муносабатлар соҳасида кучайди.

Тўртинчи босқич (90 йиллар ўртаси XXI-аср боши). Ягона Европа ҳужжатига мувофиқ, 1993 йил 1 январидан ҳамжамияти чегаралари ичида ишлаб чиқариш омилларининг эркин кўчидан юриш таъминланди. Маастрихт шартномасига

биноан ЕХ 1994 йил 1 январидан аъзо мамлакатлар сонини 15 тага етказди ва Европа Иттифоқи деб атала бошланди.

ЕИ нинг олдига қўйган мақсадлари қўйидагилардан иборат:

1. Хўжалик ҳаётини давлатлараро тартибга солиш йўли билан иқтисодий ва сиёсий иттифоқ яратиш: ЕИни супердавлатга айлантириш.

2. Жадон бозорида АҚШ ва Япония монополиясига қарши курашда Фарбий Европа давлатларининг мавқенини мустаҳкамлаш.

3. Биргаликдаги ҳаракатлари билан ривожланаётган мамлакатларни ўз таъсири доираларида ушлаб туриш.

Фарбий Европа интеграцияси қўйидаги ўзига хос учхусусияти билан ажралиб туради.

Биринчидан ЕИ 6 мамлакат кўмир ва металл умумий бозори, 15 мамлакатнинг интеграциялашган хўжалик комплекси ва сиёсий иттифоқигача бўлган йўлни босиб ўтди. Яқин келажакда ЕИга Марказий ва Шарқий Европанинг бир қатор мамлакатларини ҳам қўшилиши кутилмоқда.

Иккинчидан ЕИ институцион тизими давлат тизимига яқинлаштирилган бўлиб, қўйидаги муассасаларни ўз ичига олади:

Вазирлар Кенгаши. Бу қарорлар қабул қилиш органидир: унинг доирасида миллий ҳукуматларнинг аъзолари музокаралар ўтказадилар, ҳамжамият қонунчилик ҳужжатларини муҳокама қиласдилар. Вазирлар Кенгаши номи ва муҳокама қилинаётган мавзуга қараб ички ишлар, молия, таълим, қишлоқ хўжалиги ва ҳоказо каби бўлиши мумкин. Ҳамжамият тизими ҳақидаги шартномага мувофиқ Вазирлар Кенгашининг қарорлари уларнинг йўналишита қараб бир овоздан ёки белгиланган аксарият овоз билан қабул қилинади. Ҳар бир қатнашчи мамлакат овозининг сони шу мамлакатнинг иқтисодиёти кўламига боғлиқ. Германия, Франция, Англия ва Италия 10 тадан: Бельгия, Греция, Португалия ва Нидерландия 5 тадан, Дания ва Ирландия 3 тадан, Люксембург 1 та овозга эга.

ЕИ Комиссияси – ЕИ нинг ижроия органидир. Унинг 17 аъзосини миллий ҳукуматлар тайинлайдилар, лекин улар ўз фаолиятларида ҳукуматдан тўла мустақилларлар. Комиссиянинг роли ЕИ ни таъсис этиш тўғрисидаги

шартнома бажарилишини таъминлашдан иборатдир. Комиссия ЕИнинг турли фондлари ва дастурларини бошқаради.

Европарламент. Унда умумий овоз бериш йўли билан сайланадиган 528 депутат бор. Асосий вазифаси - комиссия фаолиятини назорат қилиш, ҳамжамият бюджети ва қонунларни маъқуллаш ва уларга ўзгартириш киритишидир.

Европа суди - ҳуқуқий меъёрларга амал қилинишини назорат қилувчи орган бўлиб ҳисобланади. Европа суди 15 та яъни ҳар бир мамлакатдан биттадан судъя ва адвокатдан иборат. Судъялар мустақиллар. Уларнинг номзоди ҳар бир мамлакат томонидан кўрсатилиди, лекин Вазирлар Кенгаши томонидан тайинланади. Судъялар ва адвокатлар 6 йил муддатга тайинланади.

Европа Кенгаши - 1974 йилда Париж конференциясидан сўнг тузилган бўлиб, унда аъзо давлатлар бошлиқлари ва бош нашрлари иштирок этади.

Бу кенгашларда, шунингдек, мишлий ташки ишлар вазирлари, Комиссия раиси ва унинг ўринbosарлари ҳам иштирок этишади.

Икътисодий ва ижтимоий қўмита - тадбиркорлар, касаба ўюшмалари ва бошқаларнинг вакилларидан ташкил топган маслаҳат органидир.

Учинчи, ўзига хос ҳусусияти интеграциялашув жараёнининг моддий асоси бўлиб кўп сонли қўшма фондлар хизмат қиласи. Уларнинг бир қисми ЕИ умумий бюджети маблағлари ҳисобидан ташкил топган.

Фарбий Европа интеграциянинг босқичма-босқич кенгайиб бориши, бунга қандай омиллар сабаб бўлди деган савол туғилишига олиб келиши табиий ҳолдир. Бунга қўйидаги омиллар сабаб бўлди:

1. Янгича сиёсий фикрлаш, миллатчилик сиёсати ва мафкурасининг енгиб ўтилиши.

2. Икътисодий интеграция, давлатларнинг икътисодий боғлиқлиги протекционизмдан кўра фойдалари ёки эканлигини тан олиниши.

3. Келишмовчилкларни ечишда бир-бирига ён босиш асосида қарорлар қабул қилиш.

4. Давлатлар томонидан юқори органларга ўз ҳуқуқларининг маълум қисмини ўтказилиши.

5. Мақсадға әришиш йўлидаги ҳаракатнинг босқичмабосқич («қадам-бақадам») тамойили аста-секинлик билан танолиниши ва бошқа бир қатор омилларни санаб ўтиш мумкин.

ЕИнинг босқичмабосқич ривожланиб бораётганлиги муаммолар йўқлигини англатмайди. 1985 йилда Лорд Конфильд томонидан ички Европа бозорини ташкил қилиш учун ечилиши лозим бўлган 300 таклифни киритади. 1992 йилга келиб бу таклифлар сони 282тагача қисқаради. ЕИ Комиссияси бунинг 279тасини кўриб чиқди, Вазирлар Кенгаши 164та таклифни маъқуллади. Ҳамма аъзо мамлакатлар маъқуллаган таклифлар сони эса 21тани ташкил этди. Дания ва Англия бу даврга келиб 77 тадан таклифни қабул қилган бўлсалар, Португалия ва Италия мосравища 37 ва 36тадан таклифни маъқуллашди.

Ушбу таклифларни қўйидаги категориялар бўйича бўлиш мумкин:

1. Миллий чегараларни кесиб ўтувчи товарлар ҳужжатларини расмийлаштириш ва назорат қилиши;
2. Инсонларнинг ишга жойлашиши ёки доимий ишлаш учун хохлаган мамлакатига эркин кўчиб ўтиши;
3. Техник норма ва стандартларни мослаштирилиши;
4. Истеъмол бозорларининг очиқлиги;
5. Молиявий хизматларни либераллаштириш;
6. Ахборот хизмати кўрсатиш бозорини аста-секин очиб бориш;
7. Транспорт хизмати кўрсатишни либераллаштириш;
8. Саноат ҳамкорлиги учун мос келувчи шароитларни яратиш;
9. Фискалъ тўсиқларнинг йўқотилиши.

Ушбу таклифларни амалиётга киритишдаги асосий қийинчилик — уларнинг ЕИ Вазирлар Кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилиниши шарт қилиб қўйилганлиги бўлди. Аммо, Ягона Европа ҳужжатининг қабул қилиниши солик, меҳнаткашлар ҳукуқлари ва эммиграцияга оид таклифлардан бошқаларини кўпчилик овоз билан қабул қилиш имконини яратди.

6-5. Европа валюта тизими ташкил топишнинг ўзига хос хусусиятлари

Иқтисодий интеграциянинг ажралмас, зарурий қисми валютавий интеграция ҳисобланади. Валютавий интеграциянинг кераклиги сабаблари қўйидагилардир:

1. Аъзо мамлакатлар валюталарини барқарорлаштириш билан интеграциялашув жараёнини жадаллаштириш.

2. Ягона Европа валюта тизими зонасини барпо этиш орқали жаҳон валюта тизимини таъсиридан сақланиш.

3. Жаҳон валюта тизимининг асоси бўлиб ҳисобланган АҚШ долларининг тебранишларидан кўриладиган заарларнинг олдини олиш ва долларни таъсир доирасини чеклаш мақсадида ўзларининг барқарор валюталарини киритиши.

Валюта интеграциясининг асосий элементлари бўлиб қўйидагилар ҳисобланади:

а) биргаликда сузуви валюта курслари тартиби.

б) валюта интеграцияси, шу жумладан, марказий курсдан чеклашишларини белгиланган чегарада ушлаб туриш учун биргаликда амалга ошириладиган интеграция.

г) валюта курсларини ушлаб туриш учун ўзаро кредитлаш қўшма фонdlари.

д) валюта ва кредит орқали тартибга солиш учун тузилган халқаро ментақавий валюта-кредит ва молия ташкилотлари.

Гарбий Европа валюта интеграцияси элементлари ЕИ ташкил топмасдан анча олдин вужудга келган. Бунга мисол қилиб Франция, Италия, Бельгия, Нидерландия, Люксембург ва 1947 йилдан Германия гарбий аккупациян зоналари ўртасидаги кўп томонлама валютавий компенсациялар тўғрисидаги келишув: 1948 ва 1949 йиллардаги Европа давлатлари ўртасидаги тўловлар ва ИХТТга аъзо 17 давлат ўртасидаги компенсациялар тўғрисидаги битимлар:

Европа тўлов иттифоқи 1950-58 йиллардаги кўп томонлама клиринг;

1958-61 йиллардаги валюталар конвертацияланишини киритилишини келтириш мумкин.

1971 йилга келиб ЕХ аъзолари 1980 йилга қадар босқичма-босқич иқтисодий ва валюта иттифоқини тузиш

дастурини қабул қилдилар. Бу лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнида «материалитлар» (Франция бошчилитидаги), яъни аввал ўрнатилган курслар асосида валюта иттифоқини тузиш лозим деб ҳисобловчилар билан «иқтисодчилар» (асосан ГФР вакиллари), яъни аввал иқтисодий иттифоқини тузиш ва сузиг юрувчи валюталар курсини ўрнатиш тарафдорлари фикрлари тўқнаш келди. Бу баҳс ҳукумат бошлиқларининг 1969 йил Гаагадаги учрашувида иқтисодий ва валюта иттифоқини пареллел ташкил этиш тўғрисидаги қарори билан ечилди. 1971 йил 22 марта Вазирлар кенгаши томонидан қабул қилинган «Вернер режаси» 10 йил муддатга (1971-80 йй) мўлжалланган эди.

Биринчи босқичда (1971-74 йй) валюта курсларини тебраниш чегараларини қисқартириш ($\pm 1,2$ %гача, кейинчалик 0 гача) валюталарнинг тўлиқ икки томонлама алмаштирилишини йўлга қўйилиши, валюта сиёсатини уйғунаштириш, иқтисодий, молиявий ва пул-кредит сиёсатини келишилган тарзда олиб бориш кўзда тутилганди. Иккинчи босқичда бу тадбирларни тугатиш мўлжалланганди. Учинчи босқичда (1977-79 йй.) эса миллий ҳукуматларга тегишли баъзи ҳуқуқларни юқори муассасаларига бериш, Европа валютасини яратиш, ягона бюджет тизими яратиш, банклар фаолияти ва банк қонунчилигини уйғунаштириш масалалари қўйилганди.

Валюта молиявий муаммоларини ҳал қилиш учун умумий марказ ташкил қилиш ва пул-кредит ва валюта сиёсатини уйғунаштириш мақсадида АҚШнинг ФРТга ўйлаштирилганди. Интеграцион жараёндаги бир қанча силжишларга қарамай «Вернер режаси» 1974 йилга келиб инқирозга юз тутди «Европа валюта илони» тартиби ЕХ давлатларининг валюта-кредит сиёсати билан қўшиб олиб борилмагани туфайли кутилган самарасини бермади. Кўпгина мамлакатлар ўз валюталари курсларини белгиланган тор чегараларда ушлаб туриш учун валюта резервларини сақламаслик мақсадида «Валюта илонини» тарк этишди.

1970 йиллар ўрталарида бир неча давлатлар (ГФР, Нидерландия, Дания, Люксембург ва вақт-вақти билан Франция) «валюта илонида» иштирок этишди. 1970 йиллар охирига келиб иқтисодий ва валютовий иттифоқ тузиш

йўллари излана бошланди. ЕИ комиссия раиси Р.Дженинг лойиҳасида асосий эътибор ЕХ мамлакатлари иқтисодини қисман назорат қилиш ва жаҳон валютасини эмиссия қилишининг амалга оширувчи марказий ташкилотни тузишга қаратилган эди.

1978 йил июн ойида Бремин шаҳрида Франция ва Германия томонидан таклиф қилинган лойиҳа айнан шу тамоилилар асосида тузилган эди. 1979 йил 13 марта бир қанча қийин кечган музокаралардан сўнг Европа валюта тизими (ЕВТ) ташкил топди.

1998 йил 2 майда ЕИ ҳукумати ягона валютавий муносабатларни амалга ошириш тўғрисида келишувга имзо чекди. ЕВТ га аъзо давлатлар аниқланди, валюта паритети белгиланди. Евроҳудудда валюта билан боғлиқ масалалар ҳал этилди.

Европа валюта тизимининг вужудга келиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, 1958 йил «Умумий бозор» ташкил этилгандан сўнг, ягона бозор учун ягона валютага эҳтиёж сезилди. Шундай шароитда умумий валюта ўринини олтинга эркин алмашинувчи ва дунёning қарийб барча давлатларида резерв валюта сифатида сақланадиган АҚШ доллари босди. Валюта тизимининг бошқаруви эса ХВФ томонидан бошқарилди.

1969 йилга келиб АҚШ доллари инқирозга учради. Бу ҳолатнинг асосий сабабчилари АҚШ ва Франция бўлиб, Франция президенти Де Голль сиёсати бўйича доллардаги валюта резервларини олтинга алмашиниш жараёни бошланди. Бу эса доллар инфляциясини юзага келтириб, АҚШ ҳукуматининг доллар стандартидан воз кечишига олиб келди. Шундан сўнг, Европа давлатлари олдида доллар ўринини босувчи барқарор валюта инструментини яратиш муаммоси вужудга келди.

1979 йилга келиб, «валюта илони» механизми ўринини Европа валюта тизими (ЕВТ) эгаллади. Бу тизимга аъзо давлатлар учун маҳсус тебраниш курси $\pm 2,5\%$ микдорида белгиланди. Ўша йиллари Италия нисбатан пастроқ даражадаги иқтисодиётга эга бўлгани учун бу тебраниш фоизи ± 6 қилиб белгиланди. Кейинчалик ЕВТ га Буюк Британия, Испания ва Португалияниң аъзо бўлиш муносабати билан кўп ўзгаришлар киритилди. Ягона

валюта тизими юзага келгандан сўнг «Бреттон Вудс шартномаси» тизими бўйича ривожланган Европа мамлакатлари ўртасида капитал оқими устидан конвертацион назорат ўрнатилди. Бу давргача ҳар бир давлатда турлича валюта сиёсати мавжуд эди. Франция симметрик усулни ёқлаб чиққан бўлса, Германия носимметрик йўлни афзал кўрди. Симметрик усул мавжуд бўлган давлатларда шундай валюта тизими мавжуд бўлдик, алмашув курси паст бўлган давлатларда ҳаттиқ валюта сиёсати, алмашув курси юқори давлатларда эса эркин валюта тизими юзага келди. Германия пул эмиссияси юқори даражада бўлган ва юқори инфляцияни юзага келтирувчи симметрик усулни қабул қилмади.

Низоят 1979 йил муросага келинди ва ҳар бир давлат ўзининг ички валюта сиёсатини ўзгартирган ҳолда алмашинув курсига таъсир этиш жавобгарлигини олди. Германия давлати бунинг уддасидан чиқди. 1980 йилга келиб Германияда инфляция даражаси пасайди ва Германия маркаси Европа мамлакатлари учун «валюта лангари» номини олди. 1983 йил навбатдаги нефть инқирози юзага келди. Француз франки кучли қорабозор таъсирига кириб қолди. ЕВТ ида вужудга келган бу ҳолат ГФР нинг канцлери Г. Коллининг норозилигига сабаб бўлди. Брюссель учрашувидан сўнг, Франция хукумати ЕВТ доирасида қолиши келишиб олинди.

1988 йил ЕХ саммитида ЕХ комиссиясининг президенти Жакус Делор бошлилигидаги комитет тузилди. Бу комитетнинг асосий мақсади ЕВТ ини барпо этиш бўлди. 1989 йили ушбу комитет 1991 йилнинг декабр ойида «Маастрих шартномаси»да қабул қилинадиган таклифлар эълон қилинди.

Делор ЕВТ га ўтишни З босқичи орқали амалга оширилишини таъкидлади.

1-босқич- 1990 йил капитал устидан назоратни яъни чеклашлардан воз кечиш орқали эркин алмашув курси механизмини яратиш.

2-босқич- 1994 йилнинг 1-январидан бошланди ва бу даврда ЕХ молиявий институтларнинг ЕВТ га тайёр гарлик жараёни юз берди. 2-босқичда давлатларнинг бюджет

дефицитини олдини олишга ҳаракат қилинди, аммо бу уринишлар зое кетди.

3-босқич- (муддати белгиланган) ЕВТ га аъзо давлатларнинг валютавий алмашув курсини тенглаштириш ва бу маъсулиятни Европа Марказий Банки (ЕМБ) зиммасига юклаш келишилиб олинди.

3-босқичнинг амалда кўлланиши «Маастрихт шартномаси»да ҳам ўз аксини топди. 2-босқичда Европа монетар институтлари (муассалари) ЕХ давлатларининг монетар сиёсатига мослашув жараёни юз берди. Шу даврга келиб, монетар ва фискал мезонлар юзага келди. 2 йил давомида номинал критерияга мувофиқ давлатларнинг монетар сиёсати (1) паст инфляцияни, (2) паст даражадаги номинал % ставкаси, (3) барқарор бўлган номинал алмашув валюта курсини таъминлаш керак эди.

Узоқ тортишувлар натижасида валютанинг кучга кириш муддати узайди ва 1992 йил қабул қилинган «Маастрихт шартномаси» ягона валютанинг кучга кириш муддати 1999 йил 1 январ қилиб белгиланди.

Бу билан Евроҳудуднинг қурилиш жараёни тугамади. 1992 йил Германия чуқур иқтисодий инқирозга юз тутди. Инфляция юқорилиги сабабли, Бундесбанк % ставкаларни кўтаришга мажбур бўлди, нобарқарор валюталарни сотиб марка йига бошлади. Шубҳасиз бу ҳолат ЕВТга ўз таъсирини кўрсатди. 1992 йилнинг 5 сентябридаги Нью-Йорк учрашувида (махфий) Буюк Британия, Франция ва Германия молия вазирлари бу муаммони ҳал этиш йўлларини кўриб чиқдилар.

Германия ва Франция давлатларининг Марказий банклари амалга ошираётган кучли интервенция сиёсатига қарамасдан 1993 йил 30 январда «қора жума» номини олган иқтисодий таназзул юзага келди.

4-жадвал

1992 – 1996 йиллар давомида баъзи Европа давлатларининг

валюта бирликларини қадрсизланиши (фоизда)

Даврлар	фунт	песета	Эскудо	лира
9/92		-5		
11/92		-6	-6	

2/93	-10			
5/93		-8	-6,5	
3/95		-7		
12/96				(алм.мех.қүш)

Германия Бундесбанки ЕВТидаги валюталар тебраниш чегара-сини көнгайтириш яъни, 2,5 фоиздан 6 фоизгача қилиб белгилашни таклиф қилди. Буюк Британия ва Италия каби давлатлар бу тизимга кира олмаслиги туфайли ушбу тадбирларни амалга оширмади. Натижада қора бозор иштирокчиларининг фаолияти жадаллашди.

Жадвалда фунт (Ирландия), песета, эскудо ва лиранинг 1992-1996 йиллардаги қадрсизланиш даражалари кўрсатилган. Ирландия фунти 1993 йил февраль ойида 10 %ли қадрсизланиш назариясини бошидан ўтказди. Песета ва эскудонинг қадрсизланиши йиллар оралиғида ўсиб борди. Италия лираси эса 1992 йил сентябрда 7 %ни ташкил этган бўлса, 1996 йил алмашинув механизмига қўшилди. Кейинчалик юқоридаги валюталар доирасида ислоҳотлар ўтказилди.

«Маастрихт шартномаси»га кўра, ягона Европа валютаси «ЭКЮ» номи билан аталган. Дастрраб «ЭКЮ» 1973 йилда ташкил этилган валюта ҳамкорлиги доирасидаги Европа валюта фондида асосий ҳисоб бирлиги сифатида, валюта бозорининг асосий котировка валютаси, банк кредитлари ва қарз мажбуриятларининг тўлов воситаси сифатида намоён бўлди.

Европа Иттифоқида ягона пул бирлигини ЭКЮ давом эттириши мумкин эди, аммо Германия ҳукумати асосида Франция термини ётган ЭКЮ пул бирлиги ўрнига умумевропа номини эслатувчи «Евро» бирлигин киритишни таклиф қилди.

ЕВТнинг бошқарув органлари ҳозирги кўринишга келгунга қадар Европа Валюта Фонди (ЕВФ) томонидан амалга оширилган. ЕВТ нинг амалдаги бошқаруви 2 муҳим усул билан амалга оширилган:

1. Маъмурий усул;
2. Бозор усули.

2-усулда ЕВТ учун асосий шартларидан бири бу ЭКЮнинг конвертация масаласидир. Конвертация

муаммосининг юзага келиши ЕВФ ташкил этилишига сабаб бўлган.

1-усулда эса, ЕВФга аъзо давлатларнинг эмиссион банклари ЭКЮ билан бўладиган операциялар жараёнида давлатлараро тўлов баланси қолдигини тартибга солиш, бу операциялар доирасида ҳар бир давлатнинг Марказий банки ўз валютасидаги активларни ЭКЮга конвертация қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Бу турдаги валюта алмашинувлари ЕВФ функциялари доирасида амалга оширилди. ЕВФ қисқа, ўрта ва узоқ муддатли молиялаштиришни амалга ошириди.

Европа мамлакатлари Марказий банклари ва маҳаллий ҳукуматларнинг муносабатларида юзага келувчи муаммоларни ҳал қилишда қўйидаги 5 тамойилдан фойдаланиши мумкинлиги таъкидланди:

- 1) «Минимал»
- 2) «Бошқарув»
- 3) «Европа Регионал Фондларнинг (ЕРФ) тартибга солиш»
- 4) «ЕМБ»ни тузиш
- 5) «Суи генерис»

Минимал тамойилда. Европа валютавий-сиёсий ҳамкорлик фонди ЕВФ номини олди. Бошқарув органлари эса, миллий Марказий банкларнинг бошқарувчиларидан ташкил топган. Бу усулга кўпроқ ЕВФ томонидан амалга ошириладиган ўрта ва узоқ муддатли молиялаштириш киради.

«Бошқарув» усули эса, ўзининг амалий фаолияти билан биринчидан фарқ қилмайди.

Худудий валюта фондларининг амалдаги бошқарув маркази ЕВФ бўлиб қолди ва ЕВФ ўзининг муддатли кредитлари орқали маъмурий бошқарувни ўрнатди.

ЕВФ Марказий банкларининг валюта масалаларидаги фаолиятларини бирлаштириб, ўз бошқарув йўналишининг 2-погонасига асос солди. Назоратчи ролини ўйнаган ЕВФ аъзо давлатларининг валюта сиёсатини тартибга солди.

ЕВФнинг фаолияти «сун-генерис» базавий тамойилига асосланганлиги сабабли, Марказий банклар ва ҳукуматлар билан бўладиган тўғридан-тўғри бошқарув осон кечадиган бўлди. Бунда халқаро валюта бозорида воситачилик функцияси, ўрта муддатли ва қисқа муддатли мо-

лиялаштириш, аъзо давлатларнинг валютавий муносабатларини тартибга солиш вазифалари қўйилади.

Германия Бундесбанки ЕВТни бош бошқарувчиси номини олган ЕМБнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари доирасидаги масалаларни кўтариб чиқди. ЕМБнинг асосий вазифаси «Маастрихт шартномаси»да келтирилишича - «нархлар барқарорлигини сақлашдир». ЕМБнинг қолган вазифалари юқоридаги вазифани амалга оширишга қаратилган. Масалан, нархлар барқарорлигига эришиш учун бозор иқтисодиётининг тамойилларига асосланган сиёсатни раббатлантириш орқали эришиш мумкин.

«Маастрихт шартномаси»да келтирилишича, Евроҳудудга аъзо давлатлар қуидаги тамойилларга асосланиши керак: барқарор нархлар даражаси, давлат молияси, валюта-кредит шарт-шароитлари ва тўлов баланси активлиги.

ЕМБ фақатгина Европа Парламентининг (ЕП) комиссияси таклифларини қабул қилиши мумкин.


ЕМБнинг функцияларига:

- Валюта операцияларини ташкил этиш;
- Аъзо давлатларнинг махсус алмашинув ресурсларини сақлаш (бошқариш);
- Ўзаро тўлов тизими устидан назорат ўтказиш;
- ЕИ ичida пул эмиссиясини ташкил қилиш.

ЕМБнинг Советига ЕМБнинг дирекция ва 11та давлатнинг Марказий банклари киради. Бу Кенгаш пул сиёсатига ва асосий фоиз ставкаларини Евроҳудуд доирасида амалга ошишини таъминлайди, пул массаси устидан назорат ўтказади. Қуидаги схемада ЕМБ бошқарув аъзоларини тузилмавий кўриниши келтирилган.

2-схема

ЕМБ бошқарувининг таркибий тузилиши



«Маастрихт шартномаси»нинг 7-моддасида келтирилишича «ЕМБ ҳам, миллый Марказий банк ҳам, бошқарма органлари аъзолари ҳам ЕИнинг органлари тасарруфидаги муассасалардан ёки аъзо давлатларнинг ҳукуматлари томонидан таклиф қилинган йўриқномалар қабул қилишга ҳукуқи йўқ».

1969 йил вужудга келган СДР мамлакатларининг валюта сиёсатида асосий резерв активлари сифатида намоён бўлди. Унга ўтилиши билан «олтин асос» тизимига чек қўйилди. СДРнинг курси «валюта савати» – бунда 16та давлат миллый валюталарини ўртача жаҳон савдосидаги улуши 1 %дан кам бўйласлиги керак эди. 1981 йил СДР курси 5та давлат валюталаридан таълов асосида аниqlанди.

Кўпгина иқтисодчиларнинг ҳисоблашларича, СДР резерв валюта сифатидаги ҳаракатидан кўра, кредит воситасидаги кўриниши кўпроқ дараҷада қайд этилган экан.

ЭКЮ эса, ЕИга аъзо 12 давлатнинг валюталари асосида муомалада бўлган. ЭКЮ корзинасида ҳар бир давлатнинг улуши ЕИнинг Ялпи Миллий Маҳсулотидаги улуши ва ЕИ миқёсидаги экспортнинг ҳолати билан аниқланди. СДРдан фарқли равишда ЭКЮ олтин ва долларга қисман алмашилган. ЭКЮнинг эмиссия ҳажми СДРнидан юқори бўлган. СДР каби ЭКЮ, ҳам нақдсиз шаклда яъни Марказий банк ва тижорат банкларининг ҳисобварақларига ёзилиш орқали муомалада бўлган.

5-жадвал

**Евроҳудуд давлатларининг иқтисодий
кўрсаткичлари (% ҳисобида)**

Давлатларнинг номи	Тақчиллик / ЯИМ	Мажбурият/ЯИМ
Греция	8	110
Италия	6,6	123
Буюк Британия	4,9	58
Австрия	4,5	69
Испания	4,5	66
Германия	4,1	70
Португалия	4,1	72
Швеция	4	78
Франция	4	57
Финландия	3,5	60
Бельгия	3,2	130
Нидерландия	2,8	78
Ирландия	1,8	77
Дания	1,6	30

Еврохудудга аъзо давлатлар учун бюджет тақчиллиги ЯИМга нисбатан 3 % миқдорда белгиланди ва бу чегарани бузган давлатлардан жарима ундириб олиш тизими яратилиган. Бу тизимни амалда ишлаш механизмини Германия ёқлаб чиқди.

1997 йил Франция Бош вазири Жоспеннининг таклифига кўра юқори ишсизлик даражасига эга бўлган давлат қарзи ЯИМга нисбатан катта фоизни ташкил этган давлатлар Еврохудудга аъзоликдан четлаштирилди.

Жадвалда ЕИга аъзо давлатларнинг 1990 йилги бюджет тақчиллиги (ЯИМ га нисбатан) ва давлат мажбуриятлари (ЯИМ га нисбатан) кўрсаткичлари фоиз ҳисобида келтирилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, Италияда давлат бюджети тақчиллиги (6,6 %), мажбуриятлар эса 123 %ни ташкил этган. Бу ҳолат ЕМБни ўз ўрнида Италия учун алоҳида валюта сиёсатини ишлаб чиқишга мажбур қилди. Греция эса 2 йил давомида (1990-1992 йиллар) давлат бюджети тақчиллигини паст даражада таъминлай олмаганилиги сабабли ЕВТга қабул қилинмади.

«Маастрихт шартномаси» Еврохудудга аъзо давлат бўлиб қабул қилинишнинг 5та шартини қўйди, яъни ЕВИ аъзолари бўлган давлатлар иқтисодий жиҳатдан юқори ривожланган ва мустаҳкам раҳбариятга эга бўлган ҳамда қуйидаги иқтисодий кўрсаткичларга эришган давлатлар бўлиши мумкинdir:

- 1) бюджет тақчиллиги ЯИМнинг 3 % миқдоридан ошмаслиги керак;
- 2) давлат қарзи ЯИМ 60 %дан ошмаслиги керак;
- 3) ЕВТ томонидан аниқланадиган валюта курси 2 йил давомида тебранмаслиги зарур;
- 4) узоқ муддатли қазрлар бўйича фоизлар 2 %дан ошмаслиги керак;
- 5) Инфляция даражаси 2,7 %дан ошмаслиги керак.

Бу кўрсаткичлар бажарилишини таъминлаш ягона европа валютага ўтувчи барча Европа давлатлари учун мажбур эди. Албаттa, бу каби қийин иқтисодий шартларни бажариш ҳамма давлатнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бу талабларга жавоб бера олмаганилиги учун ҳам Греция давлати Европа валюта иттифоқига қабул қилинмади.

Юқоридаги жадвалда аъзолик шартларини бажариш кўрсаткичлари келтирилган. Италияда 1994-1997 йиллар оралиғида бюджет тақчиллиги 9,2 %дан 2,7га туширилди. Бу кўрсаткич Франция учун 3,02ни ташкил этди.

Иккинчи асосий мезон бу давлатнинг қарздорлик даражасидир. 1997 йил бу талабга фақат 4та давлат: Люксембург (6,7 %), Финландия (55,8%), Буюк Британия ва Франция (58 %) жавоб берга олди. Қолган давлатларда қарздорлик даражаси юқори бўлса ҳам (Бельгия 122,2 %, Италия 121,6 % ва ҳак.). ЕИ Кенгаши тартибга солиб туриладиган қаттиқ иқтисодий тизимни ўрнатиш шарти билан ЕВТга аъзо бўлди.

1993-1998 йиллар ичида Евроҳудудга аъзо давлатларнинг ўртacha бюджет тақчиллиги 9,1 %дан 2,4 %га тушди. Давлат харажатлари 52,4 %дан 48,7 %га тушган.

ЯИМ эса 1997 йил 2,6 % ўсган (1996 йил 1,8 %ни ташкил этган), ялпи истеъмол - 2,3 % (1,5%), ички инвестиция - 4,39 % (1996 йил-2,1 %)га кўпайди. Иқтисодчиларнинг айтишича, ЕИнинг иқтисодий жиҳатдан барқарорлиги ҳам бир томондан халқаро капиталнинг ички инвестиция сифатида Европага кириб келишини таъминлаган бўлса, (бу кўрсаткич 1997-98 йилларда 36 %га ошган.) иккинчи томондан, Осиё, Россия ва Лотин Америкасида юз берган иқтисодий инқирозларнинг тезлашувига сабаб бўлди.

1999 йил 1 январдан бошлаб, Европа валюта иттифоқи аъзолари бўлган давлатларда пул-кредит сиёсати бўйича қарорлар қабул қилиниши бўйича ваколатлар 11та миллий Марказий банклардан ягона ЕМБга ўтди. ЕМБ Кенгаши валюта иттифоқи иштирокчилари бўлган давлатлар президенти қилиб, 62 ёшли Голландия фуқороси Вима Дейсенбург 8 йил муддатга сайланди. ЕМБнинг биринчи навбатдаги вазифаси Европанинг юзага келадиган очиқ валюта бозорида баҳолар барқарорлитини таъминлашдир. Валюта иттифоқининг дастлабки юзага келиш босқичларида ЕМБ очиқ бозор операцияларини кенг қўллашга мажбур бўлди. Бир томондан очиқ бозорлар операциясининг афзаллиги унинг соддалигидадир, бу мураккаб макроиқтисодий ҳисоб-китоблардан қочиб, пул массаси меъерини аниқлаш имконини беради. Бошқа томондан эса, очиқ бозорлардаги операциялар сезиларли тебранишларга ва

жаттоки ЕМБ захираси, олтин резерви валютасини ҳолдан тойишига олиб келади. Агар, ЕМБ бу молиявий воситани доимий ишлатса, валюта чайқовчиларининг бозоридаги ўзгаришлар динамикасини билиб қолиши ва улар бозорини ўзгартириб юбориши мумкин.

ЕВТ Ямайка тизимидан қўйидаги жиҳатлари билан фарқ қиласди.

1. ЕВТга асос қилиб Европа валюта бирлиги ЭКЮ олинган. ЭКЮнинг шартли қиймати ЕХ ҳамма давлатлари валюталари киритилган валюта “савати усули” бўйича аниқланади. ЭКЮ “савати”даги мамлакат салмоғи уларнинг ЕИ аъзо мамлакатлари жами ЯИМсидаги салмоғига, уларнинг ўзаро товарооборотидаги салмоғига ва қисқа муддатли кредит ёрдамларида иштирок этишларига қараб олинади. Шунинг учун ҳам ЭКЮда энг катта салмоққа ГФР маркаси эга бўлиб, унинг салмоғи тахминан ЭКЮнинг 1/3 қисмини ташкил этади.

2. 1993 йилда Маастирхт шартномасига биноан валюталарнинг ЭКЮ даги «абсолют салмоғи» музлатиб қўйилган бўлса, «нисбий салмоғи» эса валюталарнинг бозор курси ўзгаришига қараб ўзгариб туриши мумкин. 1993 йил октябрь ойида ГФР маркаси салмоғи 32,6 фоизга, француз франки 19,9 га, фунт стрелинг 11,5, Италия лираси 8,1, Дания кронаси 2,7 фоизга ва ҳакозо ташкил этган эди.

3. Ямайка валюта тизимибулардан фарқ қилиб ЕВТ олтинни реал резерв активлари сифатида ишлатмоқда. Биринчидан ЭКЮ эмиссия қисман олтин билан таъминланган, иккинчидан шу мақсадда ЕВТ га аъзо мамлакатларнинг расмий олтин резервларини 20 фоизини Европа ҳамкорлик фондига йигиши орқали маҳсус фонд ташкил этишган. Учинчидан ЕВТ мамлакатлари олтин фондига бадалларни аниқлашда ва ЭКЮни эмиссия қилишда олтин бозори нархи ўзгаришига асосланишади.

4. Валюта курслари тартиби «Европа валюта илони» кўрининишидаги валюталарнинг белгиланган чегараларда бирликда сузишига асосланади. Аввалига ушбу чегара марказий курсдан $\pm 2,25$ фоиз қилиб белгиланди. Баъзи мамлакатлар учун маълум вақт давомида ± 6 фоиз қилиб белгиланди. (1989 йил охирига Италияга кейинчалик эса

Испанияга) 1993 йилдан эса тебранишлар чегараси 15 фоиз қилиб белгиланади.

5. ЕВТ Марказий банкларга тўлов балансларининг вақтингчалик дефицитини қоплаш учун кредитлар бериш орқали давлатларо валютавий тартибга солиш амалга оширилади. ЕВТ Ямайка вақтга тизимидан фарқ қилгани сингари уларнинг валюталари ЭКЮ ва СДР ҳам бир қанча умумий жиҳатлари билан бирга (жадон кредит пуллари сифатида тан олиниши, банкнот шаклига эга эмаслиги, шартли қиймати валюта “савати” орқали аниқланиши ва ҳоказо) баъзи бир фарқ қилувчи жиҳатлари ҳам мавжуддир.

1. СДР фарқ қилиб расмий ЭКЮ эмиссияси 20 % олтин ва доллар бадаллари ҳисобига таъминланган.

2. ЭКЮ эмиссияси СДР эмиссиясига қараганда эгилувчандир. Расмий ЭКЮ эмиссияси суммаси олдиндан белгиланмайди. Балки, аъзо мамлакатларининг олтин ва валюта захираларининг ўзгаришлари асосида белгиланади. Тижорат ЭКЮларнинг эмиссияси эса кўпроқ бозор талабларига жавоб беради. Уни эмиссия қилиш механизми қўйидаги икки операцияни ўз ичига олади:

- ЭКЮни «конструкциялаш», яъни мижознинг талабига биноан ЭКЮ саватига кирувчи валюталардан депозит ташкил этиши.

- ЭКЮ «саватни синдириш», яъни бу валюталарни ёки улардан бирини депозитини тўлаш учун евробозорда сотиш.

1. ЭКЮ эмиссияси ҳажми СДР эмиссияси ҳажмидан ошиқ ҳисобланади.

2. Валюта савати фақат ЭКЮ курсини аниқлаш учун эмас, балки валюталар паритетини аниқлаш учун ҳам ишлатилади.

3. Тебранишлар чегарасининг белгиланиши асосида валюталарнинг биргаликда сузуб юриш тартиби ўзига хосдир. Бу ЭКЮ ва ЕВТ валюталарининг нисбатан барқарорлигини белгилаб беради.

4. СДР дан фарқ қилиб ЭКЮ фақат расмий эмас, балки хусусий секторда ҳам халқаро валюта-кредит ва молия ташкилотлари ва кўшма фондлар валюта бирлиги сифатида; умумий қишлоқ хўжалиги баҳолари валютаси; ЕХ мамлакатлари томонидан валюта интервенцияси ўтказилиш

давомида ҳалқаро ҳисоб-китоб воситаси; валютавий қарз ва кредитлар сифатида ишлатилади.

500дан ортиқ ҳалқаро ташкилотлар кредит беришда ЭКЮдан фойдаланилади. ЭКЮда фьючерс ва опцион битимлари бажарылган. ЭКЮ нинг ишлатиши соҳаси кенгайиши қуидаги З асосий сабаблар билан изоҳланади:

- ЭКЮ валюта савати ва «Европа валюта илони» тартиби валюта рискини камайтиради.

- ҳар бир банк ЭКЮ валюта саватини ўзгартириш йўли билан уни «назорат қилиш» мумкин.

- ЭКЮ жаҳон хўжалигини нобарқарор АҚШ долларига ўринбосар бўлиб, нисбатан барқарор валютага бўлган талабни қондирган.

ЕИ иқтисодиёти, шу жумладан, ЕВТни тартибга солишининг моддий асоси бўлиб маҳсус кредит механизми ҳисобланади:

Биринчидан, валюта-иктисодий иттифоқи доирасида ташкил этилган марказий банклар ва аъзо мамлакатларнинг ўзаро кредитларидан актив фойдаланилмоқда:

а) Европа валюта ҳамкорлиги фондининг 45 кунлик, З ойга узайтириш ҳуқуқи билан, жуда қисқа муддатли кредити.

б) З ойлик. Икки баравар узайтириш ҳуқуқи билан, марказий банкларнинг қисқа муддатли кредитлари. Бу иккала кредит ҳеч қандай шартсиз автоматик равища берилади.

в) Тўлов балансининг фундаментал тенгсизлигини йўқотиши учун ўрта муддатли (2-5 йилгача) кредитлар. Бу давлатларро кредитни аъзо мамлакат ЕИ Вазирлар Кенгашининг рухсати билангина олиши мумкин.

Иккинчидан, ЕВТ билан биргаликда ташкил этилган, аъзо мамлакатлар иқтисодий ривожланишидаги тенгсизликларни йўқотишига мўлжалланган қўшимча кредит механизми:

а) Тўлов балансининг йирик дефицитига эга бўлган аъзо мамлакатларни кредитлашга мўлжалланган қўшимча қарзлари. Бу қарзлар лимити 1984 йилда З млрд. ЭКЮдан 8 млрд. ЭКЮга етказилди. Ҳеч қайси давлат бу сумманинг ярмидан ошигини олиши мумкин эмас.

б) 1979 йил 14 мартдан энергетика ва телекоммуникация соҳасидаги ҳамда кичик ва хусусий корхоналарга инвестицияларни кредитлашнинг янги инструменти ташкил этилди. ЕХнинг камроқ ривожланган мамлакатларга Европа инвестицион банкининг имтиёzlари, субсидиялари ва кредитлари берилган.

Ушбу ютуқлар билан бир қаторда ЕВТнинг бир қатор камчиликлари ҳам мавжуд эканлигини таъкидлашпимиз мумкин.

1. ЕВТ ўз ичига барча европа валюталарини қамраб олмаган

2. ЕВТда валютавий тебранишлар диапазони сезиларли равишда қисқарган бўлса ҳам (доллар, иена ва бошقا валюталардан фарқ қилиб) валюта курсларининг даврий корректировка қилиниши юз бериб турмоқда (1979-1993 йй. давомида 16 марта). Кучсиз валюталар (Дания кронаси, итальян лираси, Ирландия фунти, Бельгия франки) девальвация қилинса, кучли валюталар (ГФР маркаси, Голландия гульдени) ревальвация қилинмоқда.

Валюта бозорларида энг аввало француз франки ҳужум объектига айланди. 1993 йил августида ЕВТ инқизорини олдини олиш мақсадида курсларни тебраниш чегараси ±15 % қилиб белгиланди.

3. ЕВТнинг кучсизланишига аъзо мамлакатлар иқтисодий ривожланиш инфляцияси, тўлов баланси ҳолатининг бир-биридан жуда катта фарқ қилиши сабаб бўлган.

4. ЭКЮлар эмиссияси ЕИ мамлакатлари Марказий банкларининг ўзаро операцияларида унчалик муҳим роль ўйнамайди. Хатто 1985 йилда ўзаро қарзларини узишда ЭКЮ дан фойдаланиш ҳуқуқи 50% дан 100% га етказилган бўлса ҳам.

ЕВТни амал қилиши ташки омиллар таъсири остида қийинлашмоқда. Жаҳон валюта тизими ва долларнинг нобарқарорлиги ЕВТга салбий таъсир кўрсатмоқда. АҚШ доллари курсининг тушиши натижасида ЕВТ мамлакатларининг валюталари курси ошади, АҚШ доллари курсининг ошиши натижасида эса улар қадри ҳар хил миқдорда тушади ва бу валюта курсларининг солиштиришни қайтадан кўриб чиқишига мажбур қиласи. ЕВТ доллар

таъсирини ҳали ҳам сезмоқда, чунки 90-йилларда ҳам ЕИда халқаро ҳисоб-китобларининг 60%и АҚШ долларида амалга оширилар эди.

7-§. Европа Иттифоқи доирасида олиб борилаётган ягона валюта ва кредит сиёсати

ЕВТ нинг ташкил топиши ва ривожланиши шундай аталувчи «Делор режаси» билан боғлиқdir. 1984 йилда Ж.Делор ЕИнинг таниқли арбоби ва ЕИ комиссияси раиси Европанинг валютавий бирлаштириш тўғрисидаги ҳисботни тақдим этди. Бу режа:

1. ЕИ баъзи мамлакатларининг йўналтирилган иқтисодий ва валютавий сиёсатини юритиш.
2. ЕИ марказий банкинининг таъсис этиши.
3. Миллий валюталарнинг ЕИ умумий валютаси билан алмаштиришдан иборат эди.

1991 йилда ягона Европа ҳамжамиятининг ташкил этиши тўғрисидаги Маастрихт шартномасига биноан ЕИ давлатлари ҳукумат бошлиқлари минақавий иттифоқ тузиш тўғрисида келишиб олишди. 1994 йил 1 январда Майндаги Франкфурт шаҳрида Европа валюта ҳамкорлиги фонди ўрнига Европа валюта институти ташкил қилинди. Унга аъзо мамлакатлар Марказий банклар бошқарувчилари киришди. Унинг мақсади Европа марказий банклари тизимини ташкил этиш ва ЭКЮда эмиссия қилишга тайёргарлик кўриш эди. ЕИ режасига кўра валюта иттифоқи ташкил этлишининг ҳал қилувчи сўнги даври уч босқичга бўлинади.

1998 йилдан бошланган биринчи босқичда валюта иттифоқи талабларига жавоб бера оловчи давлатлар аниқланди. 1998 йил охирига қадар Европа марказий банкини яратиш кўзда тутилди.

Иккинчи босқичда, (1999-2003 йиллар) Европа марказий банки биринчи қадам сифатида валютавий алмашувлар бўйича операцияларда умумий валюталардан фойдалана бошлагач Тижорат банклари ва молия ташкилотлари эса ўз ўрнида валюта бозорларидағи фаолтятлари янада кенгаяда.

Кейинги қадам сифатида 2002 йилнинг биринчи ярмида миллий валюталар янги Европа пул бирлиги «Евро» билан алмаштирилди.

Учинчи босқичда, эса Европа валюта иқтисодий иттифоқи ҳудудидаги ҳамма банк хисоблари янги валютага конвертиранади.

1999 йил 1 январдан бошлаб Европа валюта иттифоқи аъзо мамлакатлари пул-кредит сиёсатини мувофиқлаштириб турувчи ягона Европа марказий банкининг (ЕМБ) биринчи президентини қилиб 62 ёшли Голландия фуқароси Вима Дейсенбер 8 йил муддатга сайлади. Аммо, француузлар бу номзодга қарши овоз бериб Франция банкининг Жан Клод Трити номзодини илгари сурдилар ва ниҳоят икки томон ўзаро келишув асосида, 4 йилдан кейин жаноб Дейсенберг «ихтиёрий» равишда ўз жойини жаноб Тришига бўшатиб беришига келишди.

Худди шу кундан, яъни 1999 йил 1 январдан бошлаб «Евро» (нақд пулсиз) муомалага киритилди. 1998 йил 31 декабрь соат 23⁰⁰да «Евро» зонасига кирган мамлакатлар миллий валюталарининг «Евро»га алмаштириш курси ўрнатилди. Бунда 1 евро = 40,3399 Бельгия франки = 1,95583 ГФР маркаси = 166,386 Япон песети 6,55957 Франция франки + 0,787564 Ирландия фунти = 1936,27 Италян лираси = 40,3399 Люксембург франки 2,20371 Голландия гульдени = 13,7603 Австрия шиллинги = 200,482 Португалия эскудоси = 5,94573 Финландия маркасига тенг қилиб белгиланди.

«Евро» зонасига қўйидаги талабларга жавоб берган ЕИ давлатлари қўйилади:

1. ЕВТ аъзоси бўлиши ва охирги икки йил давомида валюта курси ЕВТ томонидан ўрнатилган чегарадан ошмаслиги керак.

2. Давлат қарзи ЯМИнинг 60 %идан ошмаслиги керак.

3. Бюджет дефекити ЯМИнинг 3 %идан ошиқ бўлмаслиги керак.

4. Узок муддатли қарзлар бўйича фоиз ставкалари ЕИ даги инфляция сурати кўрсаткичлардан 2-бандидан юқори қилиб белгиланиши керак.

5. Инфляция даражаси ЕИ ўртacha инфляция даражасидан кўпи билан 1,5 %гача ошиқ бўлиши керак.

1998 йил мобайнида ушбу кўрсаткичлар асосида «Евро» зонасиға қўйидаги 11 Европа давлати: Австрия, Бельгия, Германия, Ирландия, Испания, Италия, Люксембург, Нидерландия, Португалия, Финляндия ва Франция киритилди. Буюк Британия ва Швеция давлатлари қатнашиши бош тортди. Дания ҳуқуқий муаммолар туфайли, Греция эса талабга жавоб бера олмагани учун «Евро» зонасиға қўйилмади.

Қўйидаги жадвални(б-жадвал) таҳлил қилиб шунга гувоҳ бўлишимиз мумкинки, «Евро» зонасиға кирувчи давлатларда инфляция даражаси 1999 йилда таҳлил қилинаётган кўрсаткичи ўртача кўрсаткичга (14%) нисбатан аниқланган. Инфляция даражаси ўртача кўрсаткичдан кичик бўлган давлатларда ўсиши, ўртачадан юқори бўлган давлатларда эса камайиши кутилмоқда. «Евро» зонасиға кирмайдиган давлатларнинг барчасида (Грециядан ташқари) ўсиш кутилмоқда.

6-жадвал

ЕИ мамлакатлари курсаткичлари (%да)

Мамлакатлар	ЯИМ ўсиши		Инфляция		Бюджет дефецити (профиситга) ДИМ га ҳисоб. %	
	1998	1999	1999	1999	1998	1999
«Евро» зонасиға кирувчи мамлакатлар:						
Австрия	3,1	2,4	1,0	1,0	2,2	2,2
Бельгия	2,9	2,3	1,0	1,2	1,5	1,3
Германия	2,7	2,2	1,0	1,2	2,4	2,1
Ирландия	9,1	6,7	2,7	2,4	(2,5)	(2,8)
Испания	3,8	3,4	2,0	2,0	1,9	1,8
Италия	1,5	2,1	2,3	1,8	2,6	2,2
Италия	1,5	2,1	2,3	1,8	2,6	2,2
Люксембург	4,7	3,4	1,1	1,3	(1,4)	(1,0)
Нидерландия	3,8	2,7	2,1	2,1	1,2	1,3
Португалия	4,0	3,3	2,7	2,3	2,3	2,0
Финляндия	5,0	3,2	1,1	1,3	(0,8)	(1,9)

Франция	3,1	2,4	0,5	0,9	2,9	2,4
«Евро-11»	2,9	2,5	1,3	1,4	-	-
«Евро» га кирмаган давлатлар:						
Буюк Британия	2,7	0,8	2,0	2,8	0,4	0,7
Швеция	2,8	2,2	0,8	1,0	(1,2)	(0,3)
Дания	2,4	2,6	1,9	2,5	(1,0)	(2,2)
Греция	3,0	3,2	4,8	3,0	2,7	2,5

Манба: The Economist.

Бюджет дефицитига эга бўлган давлатларнинг деярли барчасида 1999 йилги таҳлил қилинаётган сумма камайиши кутилмоқда. Буларнинг бари «Евро» зонасига кириш учун ўрнатилган талаблар ижобий таъсир кўрсатаёттанини натижасидир.

2002 йил-1 январдан бошлаб бу давлатларда миллий валюталар муомаладан чиқарилди ва умумий валюта «Евро» нақд муомалага киритилди. 12 млрд. евро банкноти сифатида ва 7 млрд. евро танга сифатида қоғоз пуллар 500, 200, 100, 50, 20, 10, 5 евро номиналида ва тангалар 2 ва 1 евро ҳамда 50, 20, 5, 2, 1 сент номиналида муомалага чиқарилди. Янги умумий валютанинг график тасвири сифатида эски дунё цивилизация илдизларининг умумийлигини таъминлаш мақсадида юон графикаси эпсилон олинган. Ҳарфни кесиб ўтган икки паралелл чизиқлари янги валютадаги барқарор валюта бўлиши тимсолидир. Бугун Европа бўйича барча банкнотлар, тангаларнинг аверслари (юз томонлари) бир хил бўлсада, бироқ тангаларнинг реверслари (орқа томонлари) га ҳар бир мамлакат ўзларининг миллий тимсолларини жойлаштиради.

Ягона валюта ва кредит сиёсатининг аниқ бажарилиши бу тизимга аъзо ҳар бир давлатнинг Марказий банклари сиёсати асосида ташкил этилган ва у ЕИМБ томонидан назорат қилинади. Бошқарув Кенгаши асосий фоиз ставкалари ва пул агрегатларини белгилайди ва шу билан бир қаторда олтин валюта резервлари устидан назорат ўрнатади. Бундан ташқари ЕМБ миллий Марказий банкларнинг валюта эмиссиясига ўзининг квоталарини ўрнатади. ЕМБ миллий Марказий банклар

устидан жорий назоратни олиб бориш орқали ЕИ валюта бозори конъюктурасини тартибга солади ва валюта интервенциясини ўтказиш учун олдиндан замин яратади.

ЕМБнинг асосий, валютани тартибга солиш, инструментлари қўйидагилардан иборат:

- 1) Инфляция даражасини назорат қилиш учун асосий пул агрегатлари устидан жорий мақсадли назоратни ўтказиш;
- 2) «Евроҳудуд» давлатлари учун фоиз ставкаларнинг тебраниш лимитларини ўрнатиш;
- 3) Очиқ бозор операциялари;
- 4) Банклар учун минимал резерв талабномаларини ўрнатиш;

Евроҳудуд давлатлари банкларнинг фаолияти замонавий, ўзаро қулай бўлган «Таргет» номи билан машҳур ҳисоб-китоб тизимида юритилиши ЕИМБ томонидан амалга оширилди. Шуни таъкидлаш жоизки, ЕИга аъзо давлатнинг 12тасигина ягона валюта тизимига аъзодир. Бу тизимга аъзо бўлмай қолган 4та давлат учун ҳам алоҳида ҳисоб-китоб механизми ўрнатилган. Белгиланган курси ва евро курси ўртасидаги муносабат $\pm 15\%$ ни ташкил этиши керак. Бу давлатларнинг ички ҳисоб-китоб механизмига асосланган курс сиёсати ЕИ Кенгаши томонидан (ЕМБнинг таклифларига таянган ҳолда) кўпчилик овоз бериш йўли билан амалга оширилади. 15 %ли тебраниш лимитини бузган давлатлар учун, маълум мақсадларга йўналтирилган, пул бозори доирасидаги валюта интервенцияси сиёсати олиб борилади. Бу давлатларнинг тижорат банклари ўзаро ҳисоб-китобларда, фақатгина маълум шартлар асосида «Таргет» тизимидан фойдаланиши мумкин.

Ягона валюта-кредит бозорининг асосий талабларидан бири бу либерализация жараёни ва давлатларнинг ягона қонун, қоидаларига амал қиласидаган ҳолда молия операцияларини амалга оширишdir. Булар:

- 1) Суғурта компаниялари ва бошқа турдаги фондлар нафақат ўз давлатларида балки, Евроҳудуд миқёсида ҳам ўз инвестицион операцияларини ўтказиш ҳуқуқига эга. Бу ҳолат эса, компанияларнинг давлат томонидан амалга ошириладиган марказлашган сиёсатидан қочиб, ўз

портфелининг диверсификацион мавқеини оширишга олиб келади;

2) Миллий чекловларини чеклаб ўтган ҳолда, давлат қимматли қоғозларини кенг Евроҳудуд тармоқларига жойлаштириш учун йўл очади;

3) Евроҳудуд ичida кафолат тариқасида кўчмас мулкларининг ҳаракати чегараланмайди фақат давлатларнинг махсус мақсадга йўналтирилган ружсатномаларини талаб қилгани ҳолда, амалга оширилади;

4) Ҳар бир давлатнинг миллий валюта сиёсатида шу давлат банкининг бошқа давлатдаги филиаллари устидан олиб бориладиган назорат камаяди;

5) Евроҳудудига аъзо давлатларда турлича солиқ тизимининг ташкил этилиши ўзаро муносабатларга киришаётган икки давлат субъектлари ўргасидаги рақобатни сусайтиради.

Европага ўтиш доирасидаги асосий йўриқномаларига кўра, ҳукумат билан бир қаторда хусусий бизнес ҳам ЕИнинг талаб ва чекловлари доирасида Евроҳудуд миқёсида эркин фаолият юритиш ҳуқуқига эга бўлади.

Эндиликда қатор давлатларнинг молиявий операциялари доирасида янги валютага ўтиш қонун-қоидалари ўрнатилди. Узоқ даврлардан бери ЭКЮга эквивалент база асосида ишлаб келаётган ЕИнинг молиявий институтлари учун еврода ўтиш осон кечди. Европа инвестицион банки ва бошқа молия институтлари томонидан ягона ички бухгалтерия тизими яратилди. ЕИ ва ЕМБ томонидан 1999 йил 1 январдан олдин муомалага чиқарилган, туфайли ЭКЮда туриб қолган облигациялар автоматик равишда еврода конвертация қилинди. ЕИга аъзо давлатларнинг валюталари эса еврода ўз курси бўйича 2001 йил 31 декабргача қайта ҳисобга олинди. Давлатларнинг ташқи қарзлари еврода конвертация қилинган ҳолда 1999-2001 йиллар мобайнида уларни тўла тўлаш кўзда тутилган эди. Европа фонд биржаси бозоридаги Евроҳудудга аъзо давлатларнинг халқаро миқёсидаги қимматли қоғозлар 1999 йил 4 январдан (Биржанинг 1-очилиши куни) бошлаб, еврода деноминация қилинган ҳолда муомалада бўлди.

Миллий валютадаги европинг молиявий кўрсаткичларидағи курсининг ўзгариши вергулдан кейин Зта соннинг ўзгариши асосида аниқланишини келишиб олинди.

Евроҳудудда банк фаолиятига тегишли бўлган 2та йўриқнома қабул қилинди.

Биринчиси; ўтиш даври давомида барча давлатларнинг миллий банклари мижознинг ҳисобварагида қолган суммадаги миллий валюталарни қайта ҳисобга олишдан озод қилинди. Валюталарнинг европга демонитаризация жараёни фақатгина маълум мақсадлар учун қўлланилди. Конвертацион валюталарнинг маълум ҳажмдаги чегараси эса банклар томонидан мустақил белгиланди.

Иккинчиси; банкларнинг қисқа ва узоқ муддатли евровалюта операциялари ўзаро боғлиқ турли йўналишлар бўйича олиб борилди. Биринчи томондан, еврвалюта заём, облигацияларни – сотиб олиш манбасидир. Қисқа муддатли еврвалютали қимматли қоғозларни сотишдан тушган маблағ, кўпинча қисқа муддатли сармоялар бозорига жойлаштирилди.

Янги валютага ўтиш ЕИдаги давлатлардаги тадбиркорликнинг савдо соҳасидаги кишилар учун яхши имкониятлар яратди. Бунинг учун Евроҳудуд пул-кредит ва валютани тартибга солиши доирасидаги ягона ҳуқуқий масканга айланди. Табиий ҳолки, пулларни ўтказма қилиш муддати қисқарди, операцияларни ҳисоб-китоб хизматлари учун қилинадиган харажатлар камайди, бу ҳолат эса корхоналарда оборот капитали ва ҳужжатлаштириш билан боғлиқ харажатларининг тушишига олиб келди.

8-§. Европа валюта тизимидағи муаммолари ҳамда унинг жаҳон валюта тизимидағи роли

«Евро» пул бирлиги муоммалага киритилгандан сўнг иқтисодчилар орасида «Евро» нинг имкониятлари тўғрисида, унинг фойдаси тўғрисида тортишувлар кетмоқда. «Евро» тарафдорларининг фикрича, «Евро»нинг муоммалага киритилиши ЕИ давлатлари учун жуда фойдали бўлади.

Биринчидан; янги валютага ўтиш ЕВТга аъзо мамлакатлар бюджет ижросининг қатъийлашишига олиб келди. Бунинг натижасида ЕМБ фикрича, «Евро» зонасига

кирган мамлакатларда инфляция даражаси 1,5-2 %ни ташкил этди.

Иккинчидан; Европа мамлакатлари келажакда ўзларининг солиқ тизимларини умумийлаштириш имкониятига эга бўлади. ЕИ давлатлари фақатгина солиқ тизимидағи фарқлар ҳисобига 500 млрд.дан 800 млрд.гача АҚШ доллари йўқотмоқда.

Учинчидан; ЕВТ аъзо мамлакатларининг барча мажбуриятлари ва активларининг Европага ўтказилиши, бу мамлакатлардаги валюта резервлари ҳажмини камайтиришга олиб келди. Бунинг натижасида иқтисодий айланмасига қўшимча маблағлар тушади ва бу кредитнинг арzonлашувига, бу эса ўз навбатида иқтисодий ўсишга олиб келди.

Тўртингчидан; оптимистлар «Евро» пул бирлиги яқин орада қўпгина мамлакатлар учун резерв валюта бўлиб қолиштага умид қилишмоқда. Европа валюталари имкониятларининг бирлаштирилиши еврога келажакда халқаро ҳисоб-китобларда асосий резерв валюталардан бири бўлишга имкон бермоқда.

Бешинчидан; шахсий номиналлар учун «Евро»нинг пайдо бўлиши банк хизмати харажатларининг камайиши, қарз капиталини жалб қилиш имкониятини кенгайтириш ва бизнеснинг миллийлашувида фойдали бўлиши мумкин. Евро валутаси киритилишидан келадиган фойда ва самаралар ҳажми қўйидагича бўлади.

7-жадвал “Евро” валютасининг киритилишидаги афзалликлар

Иқтисодий афзалликлар	Прогноз
Чегара назорати ва бошقا расмийчиликни бекор бўлишидан келадиган ҳаражатлар иқтисоди	13-24 млрд. ЭКЮ
Давлат етказиб бериш бозор очишдан самара	17 млрд. ЭКЮ атрофида
Иш билан бандлик	2-5 млн кишилик янги иш жойлари

**Ишлаб чиқариш бирликларининг
йириклашуви ҳисобидан келиб
чиқадиган миқдорининг кўпайиши**

**2 фоиз миллий
маҳсулот**

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ушбу кутилаётган самара дорликнинг баъзилари ҳозирда ўз тасдигини топмоқда, яъни, айниқса меҳнат бозорига тегишли тахминлар амалда тасдиқланган. «Евро»нинг ҳам жаҳон резерв валюталаридан бирига айланиши тўғрисидаги тахмин ҳам қисман бўлсада тасдиқланмоқда.

Шу билан бир қаторда «Евро»нинг келажагига шубҳа билан қараётганлар ҳам бор. Улар қўйидаги фикрларни асос қилиб олишмоқда. «Евро»нинг дунёга келиши жаҳон иқтисодиёти учун унчалик яхши бўлмаган даврга тўғри келди. Ўтган йили ривожланаётган давлатларда бўлиб ўтган инқироз Европа давлатларига таъсир этмаган бўлса ҳам бу инқироз уларни четлаб ўтишига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Шунга ҳам эътиборни қаратиш лозимки, «Евро» зонасига қаттиқ ташлаш кўрсаткичларига қарамай Германия ва Франция каби кучли давлатлар билан бир қаторда Италия ва Испания каби иқтисодиёти уларга нисбатан кучсизроқ давлатлар ҳам кирган. Жаҳон иқтисодиёти конюктураси ёмонлашувининг оқибатларини, биринчи навбатда, кучсизроқ давлатлар ҳис қила бошлади. ЕВТга иқтисодий силкинишларнинг олдини олиш учун самарали механизмлар зарурдир. Бунинг устига бундай механизм бўлмаслиги ҳам мумкин. Бунинг сабаблари бир қанча.

Биринчидан, ЕМБ жаҳондаги энг мустақил Марказий банк ҳисобланади. ЕМБ инфляция кўрсаткичини аниқлаш ва уларга ҳамма аъзо давлатлар амал қилишига эришиш, ҳатто бундан ишлаб чиқариш ва бандлик зарар кўрса ҳам эришиш мумкин.

Иккинчидан, ЕМБ фикрича, уларнинг асосий мақсади бўлган, баҳолар барқарорлиги инфляция даражаси йилига 2 %дан кам бўлганда эришилади. Ҳозирги шароитда бундай талаблар жуда қаттиқ ҳисобга олиниши мумкин (солишириш учун: АҚШда охирги 10 йилликдаги ўртача инфляция йилига 3,3 %ни, Германияда эса 2,8 %ни ташкил этган). Шунинг учун ҳам бу йилги 1,5%ни инфляция

шароитда кутилаётган 2,5 % ЯИМ ўсишини бермаслиги ҳам мумкин.

Учинчидан, ҳозирги вақтда «Евро» зонасига кирувчи мамлакатларда бюджет тақчиллиги 2 %дан ошиқдир. Агар 1999 йилда Европа иқтисодиёти кутилгандан кўра секинроқ ўсадиган бўлса, бюджет тақчиллиги ошиб кетиши мумкин ва шунда ЕВИ талабига биноан ҳукуматлар миллый иқтисодиётга зарап келтириб бўлса ҳам солиқларни ошириши ёки давлат харажатларини камайтиришлари керак.

2002 йил 1 январдан бошлаб Бельгия, Голландия, Люксембург, Германия, Франция, Испания, Португалия, Ирландия, Австрия ва Финляндия давлатларининг миллый валютаси муомаладан чиқарилиб, улар ўрнига Европа иқтисодий ва валюта иттифоқи валютаси бўлмиш Евро муомалага киритилди. Евронинг муомалага киритилиши XX асрнинг охири ва ҲХI асрнинг бошларида Европа ҳаётида ўта масъулиятли қадамдир. Бундан ташқари, бу воқеа нафақат Европаликлар балки, дунёнинг бошқа давлатларида истиқомат қилувчи миллионлаб кишилар ҳаёт тарзига ҳамда молиявий бозорлар фаолиятига таъсир кўрсатади.

Ягона валюта Европа иттифоқи таркибига кирмайдиган мамлакатлар корхоналарининг Европа фирмалари билан бўладиган савдосини ҳам рағбатлантиromoқда. Чунки, энди барча контрагентлар бўйича бўладиган ҳисоб-китобларда битта валюта ишлатилади. Бу ўз навбатида, валюта алмаштиришда иқтисодга эришиш ва уларга мувофиқ равишда юзага келадиган рисклардан қочиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 5 январдан бошлаб, евро пул бирлиги муомалада бўладиган минтақа давлатларининг сўмга нисбатан ҳафталик котировкасини тўхтатди ва «ЭКЮ» ўрнига «евро»ни сўмга нисбатан расмий курсини белгилади.

Европа бозорида ягона ривожланишни кафолатловчи валютанинг вужудга келиши, пул бозорининг асосий принципидир. Кўпгина иқтисодчилар ЕВИнинг тузилиши ва уларнинг ягона пул бирлиги бўлган евронинг муомалага киритилиши дунёда АҚШ долларининг етакчилик ролини тутгатади деб башорат қилмоқда. Уларнинг

ого жлантиришларига қараганда, долларга асосланган бир табақали валюта тизимидан, АҚШ доллары ва еврода ҳамкорликда асосланган икки табақали валюта тизимиға ўтилиши дунё бозорида «кучли безовталанишларни» келтириб чиқариши мумкин.

Уларнинг таъкидлашича, ҳозир АҚШ дунёning йирик экспортери ва импортери ҳисобланиб савдо ҳисоб-китоблари улушкининг катта қисми долларда амалга оширилади.

Ҳозирги кунда АҚШ доллари дунёдаги кўпгина давлатларга борган Келажакда Европа монетар сиёсатида барқарорликни ушлаб турувчи, иқтисодий ўсишини таъминловчи, ишсизлик даражасини пасайтирувчи европнинг АҚШ доллари билан рақобат қилиши учун 4 ҳолат тўлиқ таъминлаши керак:

Биринчидан, ЕИнинг валюта сиёсатини ишончсизлиги мустақил ЕМБ томонидан кафолатланган бўлиши;

Иккинчидан, бу ҳолат «Маастрихт шартномаси» йўрикномаларининг қабул қилиниши ҳамда «иқтисодий барқарорлик шартномаси»ни асосини ташкил қилувчи молия сиёсати билан боғлиқлиги.

Учинчидан, ҳар бир ЕИга аъзо давлатларда структуравий ислоҳотлар ўтказилиши шарт. Ҳозирги кунда Европа қитъаси юқори даражадаги ишсизликни бошидан кечирмоқда, ишсизлик даражаси иқтисодиётни таназзулга етаклаши мумкин.

Тўртингчидан, иқтисодчилар ҳал қилувчи характердаги рақобатга эътиборни қаратишлари керак. Евро валюта тизимидан олдинги тизим сиёсатида савдо баланси, тўлов баланси, ҳалқаро валюта курси ва кредит фоиз ставкаси устидан назорат ўтказилган. Шунинг учун Европа ҳукумати олдинги валюта тизимининг назорат моделини сақлаб қолган ҳолда евро муомаласига мос келувчи иқтисодиётни индикаторларини ишга солувчи моделини яратиш керак.

Ҳар бир иқтисодий тизимда бозор иқтисодиёти қонунларининг мавжуд бўлиши талаб этилади. Евро валюта тизимида олдинги тизимларга қарама-қарши равишда евро ҳисоб-китобларда ва ҳалқаро валюта бозорида паст даражада рақобатни намоён қилиши мумкин. 290 млн. аҳоли истиқомат қилувчи ҳудудда молиявий барқарорликни таъминловчи валютанинг вужудга келиши ва тузилмавий ислоҳотларни

амалга оширилиши Европанинг равнақ топиши учун йўл очади.

Экспертлар евро валютаси киритилиши муносабати билан ҳозирги доллар ва евро ўртасидаги муносабат бир неча бор кўпроқ ўзгарувчан бўлади, деб ҳисобламоқдалар. Бошқача айтганда, ЕИ ичкарисида европни яратадиган ва юзага келтирадиган барқарорлик ЕИнинг асосий савдо ҳамкорлари бўлган давлатлар ўртасидаги муносабат евро курсини анчагина барқарорлашишига олиб келиши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, «Евро»нинг тўла муваффақияти иқтисодий ўсиш, ишсизликни камайтириш, баҳоларни барқарорлаштириш каби ўз олдиларига қўйилган мақсадга эришиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ЕИ кўпингча иқтисодчилар томонидан унчалик ишончсизлик билдирилганига қарамай ҳамон ўзсафини кентайтириб келажак сари олға қадам ташлаяпти. ЕИ билан Африка, Кариб ва Тинч океани ҳавзасининг 66 мамлакати ассоциация тўғрисида ҳужжат имзолашган. Яқин келажакда Туркия, Кипр ва Мальтанинг ЕИга қабул қилиниши кутилмоқда. Кейинчалик эса Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари ҳам қўшилиши режалаштирилмоқда. ЕИ яқин келажакда иқтисодий ва валютавий марказга айланиши шубҳасизdir. Ўзбекистон билан ЕИ орасидаги муносабатлар ҳам ривожланиб бормоқда. Республика ТАСИС доирасида кўрсатилаётган ёрдамнинг аҳамияти бебаҳодир. Буюк ипак йўли ўтган Европа билан Марказий Осиё ўртасидаги транспорт йўлагини қайта тиклаш ва ривожлантиришга қаратилган Евроиттифоқнинг ривожтантариш лойиҳаси - ТРАСЕКА ғоят катта аҳамият касб этмоқда.

1996 йил июнда ЕИ билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида имзоланган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим ўзаро муносабатларда янги босқич бўлди. «Евро» пул бирлигидаги биринчи кредит Марказий Осиёда биринчи бўлиб Ўзбекистонга берилгани ҳам ЕИ томонидан Ўзбекистонни минтақадаги стратегик ҳамкор сифатида тан олинганлигининг ёрқин ифодасидир. Ушбу кредит 15 млн. «Евро» (30 млн. немис маркасига эквивалент) микдорида 10,5 йил муддатда З йиллик имтиёзли давр мобайнида Ўзбекистонда кичик ва хусусий корхоналар лойиҳаларини молиялаштириш

учун йўналтирилади. Умуман олганда эса ЕИнинг интеграциялашув йўлидаги тажрибалари Марказий Осиёдаги интеграция жараёнида қўл келиши мумкин.

Еига қарашли КФВ (Кредитеншталт фюр Видерауфбау) кредитларидан 13 млн. немис маркасига тенг қисми Ўзбекистонда телекоммуникация, транспорт, алоқа, тўқимачилик саноати, истеъмол моллари, ишлаб чиқарип соҳалари бўйича 10дан ортиқ лойиҳани молиялаштириш учун сарфланди. Бундай иқтисодий алоқалар Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида ривожланиши ва унинг халқаро иқтисодий муносабатлар тамойилларга мослашувига асос бўлиши мумкин.

Таянч сўзлар

- Экспорт;
- Импорт;
- Тўлов баланси;
- Бартер;
- Инжиниринг;
- Лизинг;
- Франчайзинг;
- Валюта тизими;
- Тратта;
- Валюта паритети;
- Клиринг;
- Девальвация;
- Франкокема борти (ФОБ);
- Кооперация;
- Резерв;
- “Стенд-бай”;
- Эркин муюмладаги валюта;
- Қаттиқ валюта сиёсати;
- Аккредитив;
- Евро;
- Еврозона;
- Евро курси.

Ўз билимини текшириш учун саволлар

1. Таşқи икътисодий алоқалар фаолиятининг мазмунни ва моҳиятини изоҳланг.
2. Ташқи икътисодий алоқа шакллари нималардан иборат?
3. «Стенд-бай» дастури нима?
4. Валюта тизимини тушунтириб беринг.
5. Валюта тизимининг турлари қандай?
6. Жаҳон валюта тизими ва уни ривожланиш босқичларини таърифланг.
7. Минтақавий валюта тизимини изоҳланг.
8. Валютавий интеграция ва унинг элементларини тушунтиринг.
9. Европа валюта тизимининг Ямайка валюта тизимидан фарқи нимада?
- 10 Европа валюта институти қачон ташкил этилган?
- 11 “Евро” зонасига кирувчи мамлакатларни сананг.
- 12 ЕМБнинг валютани тартибга солиш инструментлари нималардан ташкил топган?
- 13 ЕИ қачон ташкил топган ва унинг мақсадлари нималардан иборат?

II боб. Валюта курси ва унинг режимлари

1-§. Валюта ва унинг иқтисодий мөҳияти

Валюта - бу халқаро ҳисоб-китобларда ишлатиладиган уёки бу мамлакат миллий пул бирлигидаги ифодаланган тўлов ҳужжатлари ёки пул мажбуриятлариdir. Валюта пул белгиларини ўзида гавдалантириб накд пуллик ва нақд пулсиз ҳисоб-китоб айланмасини ташкил қилишга хизмат қиласди.

Банк амалиётида ҳисоб-китобларни олиб бориш учун валюталар шартли белгилар орқали ифодаланади, яъни уларга шартли кодлар берилади. Валюталарга кодлар ISO (Стандартлаш халқаро ташкилоти) томонидан берилади ва эълон қилинади. Бу валютани кодлаш тизими ёзма равишда расмийлаштирилган барча валюта операциялари ва битимларида кўлланилади. ISO тизимидағи кодлар жуда осон, масалан улар қўйидагича ифодаланиши мумкин: A₁A₂A₃

Бу ерда - A₁A₂-лотин ҳарфлари мамлакат номини ифодалайди

A₃-лотин ҳарфи шу мамлакатнинг миллий валютасини билдиради.

Мисол тарикасида қўйидаги жавалда баъзи мамлакатлар валютасининг ISO кодини келтирамиз.

8-жадвал

Баъзи мамлакатлар валютасининг ISO кодлари

Мамлакатлар	Миллий пул бирликлари	ISO коди
Бразилия	Реал	BRR
Швейцария	Франк	CHF
Буюк Британия	Фунт стерлинг	GBP
Япония	Иена	JPY
АҚШ	Доллар	USD
Собиқ Иттифоқ мамлакатларининг валюталари		
Озарбайжон	Манат	AZM
Арманистон	Драм	AMD
Беларусь	Рубль	BYR

Грузия	Лари	GEE
Қозогистон	Тенге	KZT
Қирғизистон	Сом	KOZ
Латвия	Лат	LVL
Литва	Лит	LTL
Молдавия	Лей	MDL
Россия	Рубль	RUR
Туркманистон	Манат	TMM
Ўзбекистон	Сўм	UZS
Украина	Гривна	UAG
Эстония	Крона	EAK

Валюта одатда икки турга бўлинади: миллий ва чет эл валюталарига. Чет эл валютасида ифодаланган турли хил тўлов воситалари яна девиз деб ҳам аталади.

- Чет эл валютаси қуидаги хусусиятларга эга бўлади:
 - валюта бозорида сотиш ва сотиб олишнинг объекти ҳисобланади;
 - халқаро ҳисоб-китобларда ишлатилади;
 - банкларда валюта ҳисобварақларида сақланади;
 - тегишли бўлмаган мамлакатлар худудида тўлов воситаси сифатида ишлатилмайди (кучли инфляция даври бундан мустасно)

Жаҳон амалиётида етакчи валюталар сифатида йирик ривожланган мамлакатларнинг валютасидан фойдаланилади. Узоқ йиллар давомида халқаро ҳисоб-китобларда етакчи валюта сифатида АҚШ долларидан фойдаланилган. Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида етакчи валюта сифатида АҚШ доллари ва Европа Иттифоқи давлатлари валютаси ва бошقا валюталардан фойдаланилади. Буни биз қуидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

Жаҳон иқтисодиётида валюталарнинг иштироки

Валюта	Жаҳонда экспорт тўловлари бўйича улуши, %	Чет мамлакатлар валюта захираларида ги улуши, %	Жаҳон ЯИМни ишлаб чиқаришида валюта эмитенти бўйича мамлакатлар улуши, %
АҚШ доллари	65	56	20,7
Европа Иттифоқи мамлакатлари валютаси ЕВРО	20	26	20,7
Бошқа валюталар	15	18	58,6

2-§. Валюта курсининг мазмуни ва уни котировкалаш масалалари

Турли мамлакатларнинг валюталари ҳамда халқаро пул бирликлари тузилган халқаро битимларга хизмат кўрсатиш жараёнида ўзаро алмашниадилар ва ҳар қандай айирбошлишда бўлгани каби, бу ерда ҳам уларнинг баҳосини, аниқроғи валюталар курсини аниқлаш муҳим ҳисобланади.

Валюта тизимининг асосий элементи бўлиб валюта курси ҳисобланади, шунингдек, ташки иқтисодий алоқаларни ривожлан-тиришда турли мамлакатлар валюталари нисбатининг ўзгариши маълум бир қийматда ифодаланишини талаб қиласди. Валюта курси товарлар, хизматлар савдосида, капиталлар, кредит ҳаракатида валюталарни ўзаро айирбошлиш учун зарурдир. Экспортёр чет эл валютасидаги тушумини ўз миллий валютасига алмаштиради, чунки бошқа мамлакатларнинг валютаси ушбу давлат ичидаги қонуний тўлов ва сотиб олиш воситаси сифатида қатнаша олмайди. Импортёр миллий валютани чет эл валютасига хорижда сотиб олган товарларга тўлаш учун алмаштиради.

Жаҳон бозорида товарларни сотища миллий маҳсулотнинг маҳсули, халқаро қиймат меъёрларига эга бўлади. Шунингдек, валюта курси жаҳон хўжалиги доирасида товарларни абсолют алмашинишни намоён қиласди. Валюта курси қийматининг асоси жаҳон нархлари остида ётувчи, жаҳон бозорига асосий маҳсулот етказиб берувчи мамлакатларнинг ва бошқа ишлаб чиқарувчиларининг миллий нархига асосланади. Халқаро капитал ҳаракатининг кескин ўсиши валюта курсига нафақат товар, балки молиявий активлар орқали ҳамда валюталарни сотиб олиш қобилияти орқали ҳам таъсир кўрсатади.

Чет эл валютасининг миллий валютадаги курсини аниқлаш ва ўрнатиш котировка деб аталади. Котировка валютани сотиши ва сотиб олишда, бир валютани иккинчи валютага алмаштириш жараёнида зарур бўлиб, унга аниқ валютага бўлган талаб ва таклиф таъсир кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда, валюта бозорида валютага бўлган талаб ва таклиф бир валютанинг иккинчи валютага бўлган нисбатининг ўзгаришига таъсир қиласди ва котировка асосида валюталарнинг курси белгиланади.

Валюта курсининг келиб чиқиши мамлакатлар иқтисодий фаолиятининг муҳим ва ажralmas таркибий қисми бўлган - халқаро савdonи ривожлантириш билан боғлиқ. Валюта курси халқаро савdonи ривожланишига таъсир кўрсатиш билан бирга ички иқтисодиётга ҳам таъсир кўрсатади. Бунга сабаб валюта курсининг холати билан мамлакат иқтисодиётининг барча соҳаларининг ҳолати ўртасидаги ўзаро боғлиқликдадир.

Валюта курси асосан капитал ва кредит ҳаракатини ҳисобга олиш; товар ва хизматлар савдосида валюталарни ўзаро айирбошлаш учун; жаҳон бозори ва миллий бозор нархларни ҳамда турли мамлакатларнинг миллий ва чет эл валютасида ифодалантган қиймат кўрсаткичларини тақкослаш; фирма ва банкларнинг чет эл валютасидаги мавжуд бўлган даврий қайта баҳолаш ва бошқа жараёнларни амалга ошириш учун зарур. Шундай қилиб, валюта курси - бу бир мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакатлар пул бирликларида ифодалаган баҳосидир.

Ташки жиҳатдан валюта курси жаҳон бозоридаги талаб ва таклиф асосида аниқланган бир валютанинг бошқа бир

валютага нисбатан ҳисоблаб чиқилган коэффиценти сифатида намоён бўлади. Аммо валюта курсининг қиймат асоси бўлиб валютанинг харид қилиш қобилияти ҳисобланади. Бу иқтисодий категория товар ишлаб чиқаришда иштирок этади ва товар ишлаб чиқарувчилар билан жаҳон бозори ўртасидаги ишлаб чиқариш муносабатларини ифодалайди. Қиймат товар ишлаб чиқаришнинг иқтисодий шароитларининг барча жиҳатларини ифодалайди. Бир мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигига таққосланиши ишлаб чиқариш ва айирбошлиш жараёнида юзага келадиган қиймат муносабатларига асосланган. Ишлаб чиқарувчилар ва харидорлар валюта курси ёрдамида товар ва хизматларининг миллий нархларини бошқа давлатлар нархлари билан солиштирадилар. Бундай солиштириш натижасида ишлаб чиқаришни мамлакат ичкарисида ривожлантириш ёки чет элга инвестиция қилишни ривожлантиришга асосланган фойдалилик даражаси юзага келади.

Капиталнинг ҳалқаро ҳаракатига боғлиқ равищда валюта курсининг ўзгаришига валютанинг товарларни харид қилиш қобилияти билан бирга молиявий активларни харид қилиш қобилияти ҳам таъсир кўрсатади.

Конуний меъёрларга ва амалиётта мос ҳолда биржада чет эл валютаси курсининг, қимматли қоғозлар курсининг ёхуд товарлар баҳосининг ўрнатилиши ҳам котировкалаш деб аталади. Субъектлар иштирокида белгиланишига қараб котировканинг 2 тури мавжуд: бу расмий ва бозор котировкаси. **Расмий котировкада** барча валюта операциялари учун валюта курси давлат томонидан амалга оширилади. Банклараро валюта савдосида амалга ошириладиган бозор котировкаси банкларнинг тўловга лаёқатлилигига, уларнинг пул маблағи айланмаси мавқеига ва бошқаларга боғлиқ бўлади. Шунинг учун бозор котировкаси расмий котировкадан фарқ қиласи. Жаҳон амалиётида котировкалашни амалга оширишнинг 2 хил усули мавжудdir;

1) **Тўғри котировкалаш.** Агар хорижий валюта бирлигининг баҳоси миллий валютада кўрсатилса, бу тўғри котировкалаш деб аталади. Масалан, 2003 йилнинг 30 сентябрида 1 АҚШ долларига нисбатан ўзбек сўмининг курси

975,00 сўмни, 1 Россия рублига нисбатан 31,97 сўмни ташкил этди. 1 АҚШ доллари = 975,00 сўм. Бу тўғри котировкалаш ҳисобланади ва бундай котировкалаш ҳозирги вақтда жаҳондаги кўпчилик мамлакатларда қўлланилиб келинмоқда.

2) Сўмнинг (миллий валютанинг) долларга (хорижий) валютага нисбатан баҳоси эгри котировкалаш деб аталади. Эгри (тескари) котировкалашда бир бирлик миллий валютанинг хорижий валюталардаги миқдори ўрнатилади, яъни бир бирлик миллий валютанинг хорижий валютадаги баҳоси кўрсатилади, масалан;

$$1 \text{ сўм} = \frac{1}{975,00} \text{ АҚШ доллари ёки } 1 \text{ сўм} = 0,0010256 \text{ АҚШ доллари}$$

$$100 \text{ сўм} = 0,102564 \text{ АҚШ доллари}$$

$$1 \text{ сўм} = \frac{1}{31,97} \text{ Россия рубли ёки } 1 \text{ сўм} = 0,031279 \text{ Россия рубли}$$

$$100 \text{ сўм} = 3,12793 \text{ Россия рубли}$$

$$1000 \text{ сўм} = 31,2793 \text{ Россия рубли}$$

Котировканинг чап томонидаги валюта котировка базаси, ўнг томонидаги котировка валютаси деб юритилади.

$$\begin{array}{ccc} 1 \text{ сўм} & = & 975,00 \text{ АҚШ доллари} \\ \text{котировка} & & \text{котировка валютаси} \\ \text{базаси} & & \end{array}$$

Валюта котировкаси одатда 2 асосий элементни ўзида мужассамлаширади.

1) сотиб олиш курси (Bid-бид)

2) валютани сотиш курси (offer-оффер)

Масалан, 1 АҚШ доллари = 975,0 ўзбек сўми сотиш курси (offer)

981,0 ўзбек сўми сотиб олиш курси (Bid)

Валютани сотиши ва сотиб олиш ўртасидаги фарқ спред (spread) деб номланади ва у юқоридаги мисолда 6 сўм (981-975)ни ташкил қиласди.

Банк котировкаси билан банклараро бозор котировкаси ўртасидаги фарқ маржа дейилади ва у банкнинг валюта бўйича позицияси, унинг битимларининг суммаси, салмоги ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади. Валюта курсларининг турлари кўп бўлиб, уларни қуийдагича тавсифлаш мумкин.

10-жадвал

Валюта курслари таснифи

Курс ўрнатиш мезонлари	Валюта курсининг турлари
1. Фиксациялаш тури бўйича	Сузувчи, фиксиранланган, аралаш
2. Ҳисоблаш усули бўйича	Паритет, ҳақиқий курс
3. Нисбат бўйича	Кросс курси, тўғри, эгри (тескари), фиксинг
4. Битим тури	Спот – курс, муддатли битим (форвард) курси
5. Ўрнатиш усули	Расмий, норасмий (эркин)
6. Валютанинг сотиб олиш қобилияти паритетига нисбатан	Паритетли, оширилган, камайтирилган курс
7. Битим қатнашчилари бўйича	Сотиб олиш курси (сотиб оловучи учун), сотиши курси (сотувучи учун)
8. Инфляцияни ҳисобга олиш бўйича	Ўртacha курс, реал, номинал курс

Демак, юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, доимиийлиги ёки ўрнашувига қараб валюта курси сузувчи, фиксиранланган ва аралаш бўлиши мумкин.

Сузувчи валюта курси деганда, миллий ва чет эл валюта курсларининг ўзаро нисбатини валюта бозоридаги талаб ва таклифга қараб белгиланиши кўзда тутилади. Бу курс биринчи марта 1971 йилнинг августида АҚШ долларини олтинга айирбошлиш бекор қилингандан кейин қабул қилиниб, Канада, Испания, Мексика, 1972 йил апрелдан бошлаб эса Европа Иттифоқи тизимига кирувчи давлатлар амалиётида қўлланила бошланган.

Фиксируемая валюта курсом золота, золотом девизом, золотом, доллары стандартного масштаба в золотом паритетом ассоциированы с валютами иностранных стран к югу от них. В настоящий момент курс валюты савати ёки етакчи бирор валюты (однажды "евро", доллар) ассоциированы с аниципированной.

Аралаш курс бу фиксируемая и сопутствующая валюта курсов изменился фундаментально, у 70-80 долларов изменился базовый доллар Австралии южнее линии валюта.

Аналогично и другим валютам южнее линии курсов изменился курсом золота олимпийской валюты курсов изменился курсом золота аниципированной, бундай нисбатни «кросс-курс» дебуталади. Масалан:

1	1
1 сўм = ----- АҚШ доллары ёки 1 сўм = ----- Россия	
рубли	
975,00	31,97

1	1
Бу ерда ----- АҚШ доллары = ----- Россия рубли	
975,00	31,97

975,0	31,97
Демак, 1 АҚШ доллары = ----- = 30,497 ёки 30,5 Россия	
рубли	

также бывшие для обучения купажированием монетами южнее линии, Масалан,

1 АҚШ доллары = 30,5 Россия рубли

1 АҚШ доллары = 5 Украина гривна бывшие,

1 Украина гривна = 6,1 Россия рубли тенге бывшие.

Куриниб турибдики, южная зона купажированием нисбатан Украина гривна с южной стороны России рубли нисбатан аниципированной кросс-курсом. Ушбу монета АҚШ доллары южные валюты ролики южнее находятся. Жаждан амалиётида ассоциированы южные валюты сифатида АҚШ доллары, Япония иена, Евро каби валюты бывшие купажированием, якобы бывшие валюты жаждан айирбашлашида купажировка айнан шу валюты купажированием аниципированной.

Кросс-курсдан фойдаланиш анча оғир ва рисклидир. Аммо уларни қўллаш қўйидаги ҳолатда зарур ва фойдалидир:

- Сизнинг талабингиздаги валютага эга бўлган сотувчиларда сизнинг валютангизга талаб мавжуд эмас. Масалан, сўмни Япония иенасига алмаштириш керак. Бу ерда учинчи валюта АҚШ доллари бўлсин. Япония иенаси сотаёттанлар ичida сизнинг валютангизни сотиб олишни хожлайдиганлар йўқ, шу ҳолда кросс-курсидан фойдаланиш мумкин.

- Олди-сотди битимларини амалга оширишда валюта бозорида қўйидаги валюта курсларининг кўринишларидан фойдаланилади.

«Спот-курс» бу нақд (касса) битимларининг курсидир. Спот-курс бу бир мамлакат пул бирлигининг шартнома тузилган вақтда ўрнатилган баҳо бўйича бошқа мамлакатлар пул бирликларида ифодаланган баҳосидир. Бунда валютани валюта битими тузилган кундан бошлаб 2 банк иш кунида алмаштириб бериш шарт ҳисобланади.

«Форвард» курс-бу муддатли валюта битимларининг курсидир.

Форвард курси валютани келажакда аниқ бир кунга етказиб бериш шарти билан сотилиши ва харид қилиш баҳосини ўзида ифода этади.

Форвард битимлари одатда валюта курсларининг ўзариши натижасида юзага келадиган рискларини бартараф қилиш мақсадида ишлатилади. Битим тузилаётган пайтда форвард курсда аниқланади ва ана шу курс бўйича валюта сотилади ёки сотиб олинади. Агар шартнома муддати тутаган кунда курс шартнома курсидан фарқ қилса, унда бир томон фойда кўради ва иккинчи томон зарар кўради. Масалан, сиз 2004 йил 1 январда 2004 йили 1 июн куни 1 АҚШ доллари = 965 сўм курсида сотиб олиш битимини туздингиз. Аммо 2004 йил 1 июн куни 1 АҚШ доллари = 970 сўмни ташкил этди, натижада сиз ҳар бир долларга 5 сўм микдорида қўшимча фойда кўрдингиз.

Агар 1 июн куни 1 АҚШ доллари = 963 сўмни ташкил этса, унда ҳар бир доллардан 2 сўмдан зарар кўрасиз.

Муддатли битимлар бўйича валюта курслари (репорт) устама ёки дастхат методи бўйича котировка қилинади ва у «аутрайт» курслари деб аталади.

Валюта операциялари ўтказилганда «форвард» курслар билан «спот» курслар фарқ қиласди. Бу фарқ «спот» курсларига дисконт ёки мукофот кўринишида анқланади.

Умуман олганда дисконт ёки мукофот миқдори «спот» курсига нисбатан барқарор, шунинг учун банклараро бозорда муддатли битимлар курси котировкаланаётганда кўпинча мукофот ёки дисконт аниқланади. Тўғри котировкалашда дисконт «спот» курсидан айриб ташланади, мукофот қўшилади ва аксинча тескари котировкалашда, мукофот «спот» курсидан айриб ташланади, дисконт қўшилади.

Муддатли битимлар бўйича сон кўринишида котировкаланадиган валюта курслари «аутрайт» дейилади.

«Форвард» курслари бўйича дисконт ёки устама (мукофот)нинг мавжудлигини асосий сабаби форвард битими муддатига тенг бўлган муддатга мос валюталардаги қисқа муддатли депозитлар бўйича фоиз ставкалари ўртасидаги фарқ мавжудлигиdir. Устама (мукофот) ёки дисконт қўйидаги формула орқали топилади:

$$M/D = \frac{(DFC_B * CK - DFC_A * FTK) * FBM}{100\% * 360}$$

Бунда, M/D – мукофот (+), дисконт (-);

DFC в/а – в/а валютадаги депозитлар бўйича фоиз ставкаси;

B, A – котировкаланаётган валюталар;

CK – «спот» курси;

FBM – «форвард» битими бўйича;

FTK – «форвард» тахминий курси.

У қўйидаги формула билан топилади:

$$FTK = \frac{(DFC_A - DFC_B) * CK * FBM}{100\% * 360}$$

«Форвард» ёки муддатли битимлар халқаро савдода тижорат операцияларини амалга ошираётганда валюта рискидан суфурталаниш имконини беради. Тижорат операцияларини суфурталашнинг можияти ташки савдо тижорат банклари билан биргаликда валюта курси ҳаракатидан салбий натижаларни, яъни рискни йўқотиш

мақсадида валютани сотиш-сотиб олиш битимини ҳам ишидадир.

Хорижий валютадаги муддатли операциялар зарурияти шунингдек турли юсавдо, молия операцияларини сұғурталаш билан ҳам шартланади.

Устама ёки дисконт эканлигини фоиз ставкалари ўртасидаги фарқдан билиш мүмкін. Агар валюта битими бўйича фоиз ставкаси баҳоловчи валютанинг фоиз ставкасидан паст бўлса, бу валюта юқори курс бўйича котировка қилинади ва чиққан кўрсаткич устама ҳисобланади. Агар валюта битимининг фоиз ставкаси юқори бўлса, бу кўрсаткич дисконт бўлади. Агар миллий валютадаги депозитларнинг фоиз ставкаси битим валютасидаги кредитларнинг фоиз ставкасидан юқори бўлса, олинган натижа дисконт ҳисобланади ва аксинча бўлса устама ҳисобланади.

Банклар валюта операцияларини амалга оширишда валютани сотиш ва сотиб олиш курсини ўрнатадилар. Бу курслар сотувчининг курси ва харидорнинг курси деб аталади.

Сотувчи курси - банкнинг валютани сотиш курси;
харидор курси - банкнинг валютани сотиб олиш курси

Бу курслар ўртасидаги фарқ маржа деб аталади ва у хизмат харажатларини қоплашга сарфланади ва маълум фойда сифатида ҳисобга олинади.

Валютанинг энг муҳим хусусияти унинг конвертиранганилигидир.

Конвертиранганилик - даражасига кўра валюта курси Зга бўлинади.

Эркин «сузиб» юрувчи;
чекланган даражада «сузиб» юрувчи;
Қайд этилган валюта курслари.

Эркин «сузиб» юрувчи валюта курси маълум валютага бўлган бозор талаби ва таклифи таъсирида ўзгариб туриши мүмкин. Масалан, Евро АҚШ доллари, Япония иенаси, Англия фунт стерлинги ва бошқалар. Шу боис бу валюталар жаҳон валюта айирбошлишида кенг иштирок этади.

Чекланган даражада «сузиб» юрувчи валюта курсларининг ўзгариши айrim валюталар ёки бир гуруҳ валюталар (валюта савати) курси ўзгаришига боғлиқ. Мисол

учун «Учинчи дунё»нинг кўпчилик мамлакатлари ўз валюталарини АҚШ долларига, Европа мамлакатларининг EURОсига ва бошқа бошқа хорижий валюталарга боғлайдилар. Чекланган даражада “сузиб” юрувчи валюта курслари киритилган мамлакатлар ўз валюталарининг тебраниш чегарасини ўзлари ҳамкорлик қилаётган мамлакатлар билан келишиб оладилар.

Қайд этилган валюта курси - бу хорижий валютада ифодаланган миллий пул бирлигининг давлат томонидан расмий ўрнатилган баҳоси бўлиб, унга валюта бозорларидаги талаб ва таклифнинг ўзгариши таъсири қилмайди. Ҳозирги вақтда қайд этилган валюта курси кам ривожланган мамлакатларда ёки иктисадиёти ташқи бозорларга етарли даражада кириб бормаган мамлакатларда уларнинг молия тизимини ва миллий ишлаб чиқаришини кучли хорижий рақобатчиларидан ҳимоя қилиш ва қувватлаш мақсадида қўлланилади.

Халқаро иктисадиёт назарияси шуни кўрсатадики, ҳар бир давлат ўз миллий валютасининг бошқа давлатлар валютасига нисбатан бир хил валюта курсини сақлаши лозим. ХВФ Уставининг VIII-моддасига асосан, давлат жорий операциялар бўйича миллий валютанинг конвертацияси бўйича олган мажбуриятининг бажарилишини ва бир давлат валютаси бўйича турли хил курслар бўлишига йўл қўймаслиги лозим.

Барча мамлакатлар маълум муддатда ўз валюталари курслари тўғрисидаги ахборотни эълон қилиб борадилар Масалан, Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси иш якунлари матбуотда, телевидениеда эълон қилиб борилади. Бунда номинал валюта курси белгиланади. Лекин кучайиб бораётган инфляция шароитида жаҳон бозорида миллий маҳсулотга бўлган талабни, уни рақобатбардошлигини аниқлашда миллий ва хорижий товарлар баҳолари ўртасидаги нисбатини ҳам билиш керак бўлади. Яъни миллий валютанинг реал алмаштириш курсини ҳисоблаб чиқиш керак. Реал валюта курсини ҳисоблашни Ўзбекистон ва Россияда ишлаб чиқариладиган газлама мисолида кўрсатиш мумкин. Масалан, 1 м газламанинг баҳоси республикамиизда 1000 сўм, Россияда 35 рубль дейлик. Валюталарнинг амалдаги нисбати 1 Россия рубли = 35 сўм ёки 1 сўм=0,032

Россия рубли бўлганда, 1 м ўзбек газламасининг баҳоси Россия рублида $0,032 \times 1000 = 32$ рубль туради. Бундай ҳолда Ўзбекистон ва Россияда ишлаб чиқарилган 1 м газлама баҳолари нисбати

$$\frac{0,032 \times 1000}{35} = \frac{32}{35} = 0,9 \text{ га}$$

тeng бўлади. Демак, ушбу нисбат ўзбек газламасининг баҳоси Россия газлама баҳосининг 0,9 ва ундан арzon эканлигини кўrsатади. Шундай қилиб, маҳсулотнинг реал валютадаги баҳоси товарнинг ишлаб чиқариш баҳоси ва валютанинг номинал алмаштириш курсига боғлиқ бўлиб, қуйидаги тенглик билан изоҳланади;

Реал курси = номинал курси \times ўз мамлакатида ишлаб чиқарилган товарлар баҳоси (хорижий товарлар баҳоси).

Паст валюта курсида миллий товарлар нисбатан арzonроқ, хорижий товарлар эса нисбатан қимматроқ туради. Шунинг учун экспорт ўсиб боради, импорт эса қисқариб боради. Ва аксинча, юқори реал валюта курсида миллий товарлар нисбатан қимматроқ, хорижий товарлар эса нисбатан арzonроқ туради. Натижада импорт ўсиб, экспорт қисқариб боради.

3-§. Валюта курсини ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ва уни тартибга солиш воситалари

Валюта курси бошқа иқтисодий категориялар билан узвий bogлиқdir. Валюта курсининг ўзгаришига бир қанча омиллар таъсир этади. Бу омиллар иқтисодий, сиёсий, таркибий, ҳуқуқий ёки психологик ҳарактерга эга бўлиб, валюта курсига тўғри ёки тескари таъсир кўrsатади. Валюта курсига таъсир этувчи омилларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин;

1. Валюта курсининг динамикасини бевосита аниқловчи ёки халқаро иқтисодий айирбошлаш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган омиллар:

- халқаро айирбошлашда қатнашувчи мамлакатларнинг ялти миллий маҳсулоти, (ЯММ) тўлов баланси ҳолати;

- пулнинг ички ва ташқи таклифи;
- фоиз ставкалари.

Бу кўрсатилган омиллар сабабли умумлашган омиллар сифатида ҳам қарап мумкин.

Сабабли (умумлашган) омилларнинг ўзгаришига таъсир этувчи ва валюта курсини ўрнатиш механизмида бошқарувчи сифатида таъсир этувчи омиллар ҳам мавжуд.

2. Уларни давлат бошқарувчи омилларига ва таркибий омилларига бўлиш мумкин:

- Давлат бошқарувчи омиллари, бунга: солиқлар; квоталар; пошлиналар; лицензиялар; кредит ва эмиссия сиёсати; баҳоларни бошқариш; қонуний усуllар (М: Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, ТИАВнинг бўйруқлари, кўрсатмалари ва хатлари ва бошқалар); Ўзбекистон Республикаси Марказий банкини фаолияти; валюталарни тақсимлаш).

- Таркибий омиллари, бунга биржа таркиби ва иш фаолияти; банк таркиби ва иш фаолияти; алоқа инфраструктураси; мавсумий омиллар; ташқи иқтисодий фаолият бўйича йўналишлар киради.

Бу кўрсатилган омилларни бошқарувчи омиллар деб ҳам аташ мумкин.

3. Иқтисодий тизимнинг динамик тизим танглигидан чиқиб кетиши натижасида юзага келадиган омиллар:

- Иқтисодий тангликнинг намоён бўлиши: бунга, давлат бюджети дефицити; назоратсиз эмиссия; инфляция; ички ва ташқи баҳолар ўртасидаги фарқ; монопол ишлаб чиқариш; хорижий валютанинг пул оборотида ишлатилиши (пул функциясини бажариши тўлиқ ҳажмда тўлов воситаси, жамғариш воситаси); капиталнинг четга оқиб кетиши; инвестициянинг қисқариши; ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши; ресурслар айланишининг пастлиги; истеъмолчилар фойдаларининг пасайиши; валюта биржасидаги ўйин; товарларнинг «ювилиши»; демпинг баҳоларидан фойдаланиш орқали айрим фирмаларнинг олиб бораётган ташқи савдо фаолияти.

- Сиёсий омиллар: бунга, ҳокимият вакилларнинг алмашиши; мамлакат пул тизимида бевосита ўзгариш киритувчи сиёсий қарорлар; давлат сиёсатини муддатини

аниқловчи қарорлар; бошқарув структурасининг барқарорлик даражаси; иқтисодий тизимни бошқаришда ишончлилик даражаси; иқтисодий ва сиёсий структура вакилларини бир-бирини тушуна олиш даражаси; қонунларни бажарилиш даражаси; иқтисодиётда давлат улушининг міндеттери; мамлакатдаги сиёсий күчлар ўртасидаги келишмовчиликлар даражаси; иқтисодиётни ўстириш бўйича аниқ ишланган дастурнинг йўқлиги; аҳолининг бошқарув структурасига ишончлилик даражаси; хусусий капиталнинг ҳимояланганлик даражаси.

- Психологик омиллар: бунга, кечиктирилган талабларнинг мавжудлиги; инфляциянинг кутилиши; аҳолида иқтисодий фикрлашнинг йўқлиги; бозор муносабатларига ўтишда тажрибанинг йўқлиги; валюта курсида баҳони тўғри аниқлай олиш; миллий валютага ишонмаслик ва бошқалар валюта курсининг ўзгаришига таъсир қиласи.

Баъзи бир омилларни кенгроқ кўриб чиқамиз.

Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) ички бозорга таъсир кўрсатиши билан бирга ташки бозорга ҳам таъсир кўрсатади. Маълумки, ЯММ қўйидаги таркибий қисмларга эга;

ЯММ=ИХ+ИН+С.Экс+ШИС

ИХ - истеъмол ва давлат томонидан товар ва хизматларни сотиб олиш учун қилинадиган харажатлар.

ИН - Инвестиция

С.Экс - соф экспорт = Экспорт - Импорт

ШИС - шахсий истеъмол.

Кўриниб турибдики, ЯММ да экспорт - импорт операциялари ҳам ҳисобга олинади. Соф экспорт кўрсаткичи орқали ЯММ валюта курсини ўзгаришига бевосита таъсир кўрсата олади.

Пул тақлифи. Пул массаси міндетори валюта курсини ўзгаришига тўғри тўғри таъсир кўрсатади. Пул массасининг қисқариши валюта курсини қадрини ошишига олиб келади.

Тўлов балансини ҳолати. Актив тўлов баланси миллий валюта курсининг ошишига олиб келади, чунки чет эл қарздорлари томонидан миллий валютага бўлган талаб ошади. Пассив тўлов баланси миллий валюта курсини пасайтиришга олиб келади, чунки қарздорлар миллий валютани ўзлаштиришда ташки қарзларини тўлаш учун чет эл валютасига айрибошлайдилар. Тўлов балансининг

барқарор бўлмаслиги мос валютага бўлган талаб ва тақлифнинг жуда ҳам тез, доимий равишда ўзгаришига олиб келади.

Фоиз ставкалари ўртасидаги фарқ. Бу омилнинг таъсир этиши иккита асосий ҳолат билан изоҳланади. Биринчидан, мамлакатда фоиз ставкаларнинг ўзгариши, капиталнинг халқаро ҳаракатига таъсир кўрсатади. Фоиз ставкаларини ошириш чет эл капиталининг оқиб келишини рағбатлантиради. Фоиз ставкаларини пасайтириш эса капитални, жумладан, миллий капиталнинг четга оқиб кетишини кучайтиради. Капиталларнинг, айниқса, «иссиқ» пулларнинг ҳаракати тўлов балансининг нобарқарорлигини кучайтиради. Иккинчидан, фоиз ставкалари ссуда капиталлари бозоридаги ва валюта бозоридаги операцияларга таъсир кўрсатади. Банклар операцияларни амалга ошираётганда фойдани кўпроқ олиш мақсадида миллий бозордаги ва жаҳон бозоридаги фоиз ставкалари ўртасидаги фарқга эътиборини қаратадилар. Банклар чет эл ссуда капиталлари бозоридан арzonроқ, паст фоизларда кредит олишни мўлжаллайди ва агар миллий кредит бозорида фоиз ставкалари юқори бўлса, чет эл валютасини жамғаришни мўлжаллайдилар. Фоиз ставкаларини валюта курсига таъсири тўғрисида қўйидаги мисолни келтириш мумкин: 80-йилларнинг 1-ярмида, АҚШ ҳукумати фоиз ставкаларини ошириб, чет эл капиталини олиб келишга ва доллар курсини оширишга ва бошқа валюталар курсини пасайишига эришган эди. 80-йиллар ўрталарида эса, АҚШ ҳукумати иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадида ва товар экспортини рағбатлантириш мақсадида банкдан фоиз ставкаларини ва доллар курсини пасайтирган эди.

Инфляция даражаси. Валютани харид қилиш қуввати валюта курсининг ўзига хос ўқи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мамлакатдаги инфляция даражаси валюта курсига таъсир этади. Инфляция даражаси қанча юқори бўлса, валюта курси шунча паст бўлади (бунда бошқа омиллар таъсир этмаса).

Инфляциянинг ўсиши харид қилиш қувватининг пасайишига ва миллий валюта курсини пасайишига сабаб бўлади. Валюта курсини ўзгаришининг инфляция даражасига боғлиқлиги айниқса товар, хизмат ва капиталларнинг халқаро

алмашувида, катта ҳажмига эга бўлган давлатларда юқори роқидир.

Валюта курси динамикасини инфляция даражаси билан ўзаро боғлиқлиги импорт баҳолари орасида курсни ҳисоблашда намаён бўлади. Жаҳон бозори нархлари ўзида байналминал қийматнинг пулдаги ифодасини акс эттиради. Импорт баҳолари ҳам валюта курсининг ўзгариши билан боғлиқ. Ички савдода ва экспортда ултуржи сотиш ҳажми юқори бўлган мамлакатда, шу жумладан, саноати ривожланган мамлакатларда ултуржи баҳолар индекси қабул қилинган ва қўлланилади. Бошقا мамлакатларда эса бу индексга кўпгина экспорт қилинадиган товарлар кирмайди.

Чакана нархлар индекси кўпроқ хизматларга нисбатан қўлланилади. Хулоса шунга олиб келадики, миллий пул бирликларининг курсларини тенглаштириш, уларнинг валюталарини реал сотиб олиш қобилиятига мос ҳолда олиб борилади. Реал валюта курси номинал валюта курсини ўз мамлакатида ишлаб чиқарилган товарлар баҳосини хорижий товарлар баҳосига нисбатан чиққан натижага кўпайтириш билан аниқланади. Бу курс ташки иқтисодий алоқалар қатнашчилари, халқаро ҳисоб-китобларни чет эл валютасини сотиб олиш-сотиш йўли билан амалга оширганликлари учун зарур ҳисобланади.

Агар бирор бир валютанинг курси пасайиш тенденциясига эга бўлса, у ҳолда фирма ва банклар ўз вақтида уни барқарор валютага сотадилар ва бу ҳолат, заиф валютани позициясини мураккаблаштиради. Валюта бозорлари иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларга, кундалик тебранишига тезда мослашган ҳолда фаолият юритадилар ва «Иссик» пулларни ҳаракатга келишига ва валюта операцияларини амалга ошишига имконият яратиб берадилар.

Евробозорда ва халқаро ҳисоб-китобларда валютадан фойдаланиш даражаси. Валюта курсининг ўзгаришига, халқаро ҳисоб-китобларда фойдаланиш даражаси ҳам таъсир кўрсатади. Расмий статистик маълумотларга кўра, ҳозирги кунда бир кунлик халқаро валюта операцияларининг 40 % и АҚШ долларида амалга оширилмоқда. 80-йиллар бошида халқаро тўловларнинг 55 % и, нефть бўйича ҳисоб-китобларнинг 86-90 % и, ташки қарзлар бўйича тўловларнинг

70 %и АҚШ доллари улушкига түгри келган. Бу ҳолат ривожланаёттан мамлакатларга, айниңса, күпроқ тегишли бўлган. Шунинг учун ҳам давлатларнинг қарз тўловларини ошириш, нефть баҳосини ошириш АҚШ долларининг сотиб олиш курси тушгандада ҳам бу ўсишни тўхтатмаган.

Халқаро тўловларнинг тезлашиши ёки секинлашуви ҳам валюталарнинг (валюта) курсига таъсир этади. Миллий валюта курсининг тушиши кутилаётганда импортёrlар ўзларини олдиндан тўловни йўқотишлардан ҳимоялаш учун шартномаларни амалга ошириш йўли билан бажаришни тезлаштиришга ҳаракат қиласидилар. Миллий валюта курсининг ошиши кутилаётганда тескари бўлади, яъни импортёrlар ўзларининг валютасидаги тўловни амалга оширишни кечиктиради ёки секинлаштиради. «Лидз ва лигг» деб номланган тактика тўлов баланси ва валюта курсига таъсир кўрсатади.

Жаҳон бозорида ва миллий бозорда ишончлилик даражаси. Бу мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий вазиятнинг ҳолати билан ҳамда юқоридаги кўриб ўтилган омиллар ҳолати билан аниқланади. Шу билан бирга дилерлар фақат иқтисодий ўсиш даржаси, инфляция даражаси, валютанинг харид қилиш қобилияти даражаси, валютага бўлган талаб ва таклиф муносабатлари маълумотларини ҳисобга олмасдан, балки валюта курси динамикаси истиқболини ҳам ҳисобга оладилар.

Валюта сиёсати. Бозор ва давлат томонидан тартибга солиши муносабатлари сифатида валюта курси динамикасига таъсир кўрсатади. Талаб ва таклиф механизми орқали валюта бозорида валюта курсини шакллантиришда одатда кескин тебранишлар кузатилади. Бозорда иқтисодиётнинг, пул муомаласининг, молиянинг, кредитнинг ҳолатини ва аниқ бир валютанинг ишончлик даражасини ифодаловчи реал валюта курси таркиб топади. Давлат орқали тартибга солиши эса валюта сиёсати масалаларидан келиб чиқсан ҳолда, валюта курсини ошириш ёки пасайтиришга йўналтирилган бўлади. Шу мақсадда аниқ бир валюта сиёсати олиб борилади.

Валюта курсининг шаклланиши - бу миллий иқтисодиёт ва жаҳон иқтисодиёти билан ўзаро боғлиқ бўлган мураккаб, кўп омилли жараён ҳисобланади.

Шунинг учун валюта курсини прогнозлаштиришда юқорида кўриб ўтилган омиллар аниқ бир вазиятдан келиб чиқсан ҳолда ҳисобга олинади.

Мамлакатларнинг ўз ташки икътисодий сиёсатини амалга оширишда валюта курслари тебранишидан унумли фойдаланиш, ҳамда халқаро ҳисоб-китоблар барқарорлигини таъминлашга интилишлари сузуб юрувчи курсларини тартибга солиш заруриятини тақазо этади. Давлат валюта бозорлари фаолиятида қатнашиш ва марказий банк ҳисоб ставкасини ўзгаририш ёрдамида валюта курсларининг ўзгаришини назорат қилиши мумкин.

Бозорга катта миқдорда валюта ташлаш миллий валютага бўлган талаб ва таклифга, пировардида валюта курсига таъсир қиласди. Ҳисоб ставкасининг ошиши, пулларни янада «қимматлироқ», унинг пасайиши эса уларни янада «арzonроқ» қиласди. Ўз навбатида давлат томонидан кўрилган бундай чоралар инвестиция, тўлов мажбуриятлари ҳаракатига таъсир кўрсатади ва шунга мувофиқ валюта курсларининг ўзгаришига олиб келади. ХВФ фаол аъзоларнинг келишувларига кўра 1976 йилдан бошлаб, кўпинча мамлакатларнинг марказий банклари, хорижий валюталарини сотадилар ва сотиб оладилар, 1985 йилдан бошлаб эса, жаҳон валюталари курсларини тартибга солиш мақсадида давлатнинг валюта бозорларида қатнашиш ҳисоб ставкаларининг ўзгариши соҳасида чораларини кўлламоқдалар. Валюталарининг алмашув курслари тебранишини самарали бошқаришга мисол қилиб Европа валюта иттифоқи фаолиятини келтириши мумкин. Унинг қатнашчилари ўз валюталари курсларини факат ўрнатилган миқдор доирасида ўзгаришига йўл қўйганлар.

Давлат олиб бораётган икътисодий сиёсатининг кучли таъсир қилувчи қуроли бўлиб, миллий валютани «девальвация» ёки «ревальвация» қилиш ҳисобланади. Девальвация деганда миллий валюта баҳосининг жаҳон валюталарига нисбатан камайтиришга қаратилган тадбири тушунилади ва аксинча, унинг қийматини оширишга қаратилган тадбир ревальвация деб аталади. 70-йилларгача, олтин стандарт юргизилаётган вақтларда, миллий валюталар олтинга нисбатан арzonлаштирилган (яъни уларнинг олтин миқдори расман пасайтирилган), улардан кейинги пайтларда

эса, эркин конвертиланган валюталарга нисбатан пасайтирилган, ХВФга аъзо мамлакатлар эса, ўз валюталарини СДРга нисбатан пасайтирганлар. Сузиб юрувчи курслар асосида барпо этилган замонавий валюта тизимида валюталарнинг бозор ревальвацияси тадбиқ қилинмоқда. Бу бозорда бир пул бирлик баҳосини асосий иқтисодий шериклар бўлган бир гуруҳ мамлакатларнинг валюталарига ёки биргаликда тебраниб турувчи валюталар учун расмий ўрнатилган Марказий банк курсига нисбатан тушириб юборишин билдиради, Марказий банк курслари бир валютага (асосан АҚШ доллари, Евро) ёки «валюталар саватига» нисбатан ўрнатилиади.

Масалан, 1871 йилдан АҚШ доллари девальвация қилинди. Жаҳон валюта тизимининг тартибга солишининг бу воситаси камдан-кам ҳолларда пул муомаласи бутунлай издан чиқсанда, миллий валютага бўлган талаб давомли тушиб борганда (хукумат унинг бозор курсини «валюта босқинчилги» йўли билан ҳам тўхтатиб туролмайди), инфляция жараёни тобора кучайиб бораётганда ва тўлов балансининг узоққа чўзилган тақчиллиги даврида қўлланилади. Миллий валютани девальвация қилишдан, давлатлар жаҳон бозорида экспорт қилинаётган товарларнинг баҳосини пасайтириш ва ички бозорда импорт товарларининг баҳосини ошириш ҳамда шу йўл билан экспорт-импорт оқимини тартибга солища фойдаланадилар. Валюта курсини тартибга солиш воситаларидан яна бири **валюта чекловлари**дир. Бу воситани қулланилишига сабаб, мамлакатда молия ва пул бозорларининг етарли даражада ривожланмаганлигидир. Бундай ҳолда валюта курси устида миллий валютанинг чет эл валютасига эркин алмаштирувчанлиги бўйича чекловлардан, импорт ва экспорт бўйича савдо чекловларидан фойдаланишни кўзда тутувчи маҳсус давлат назорати ўрнатилиади. Бундай чекловлар чет эл валютасига эҳтиёжни қондириш йўлида тўсиклар пайдо қилиб, валюта курсига таъсир қиласи. Ҳозирги вақтда бу воситадан айrim мамлакатларда, жумладан МДҲ давлатларида фойдаланилмоқда.

4-§. Валюта курсининг мамлакат иқтисодиётига ва халқаро иқтисодий муносабатларга таъсири ва унинг барқарорлигини таъминлаш йўллари

Модомики, валюта курси мамлакатларро товарлар, хизматлар, капитал ва ишчи кучи ҳаракатини тартибга соловчи восита экан, унинг ўзгариб туриши халқаро иқтисодий муносабатларга, экспорт ва импорт ҳажмига, бутун макроиктисодий вазиятга таъсир қиласиди. Валюта курсидан фойдаланган ҳолда, тадбиркор ўзи ишлаб чиқариш харажатларини жаҳон бозоридаги корхоналар маҳсулотлар билан солиштиради. Бу корхона ва мамлакатларнинг ташки иқтисодий операциялари натижасига бутун ҳолда ўзгартишилар олиб киришта имконият яратади. Миллий бозорда ишлаб чиқарилган товар халқаро тан олинган нархда сотилади. Жаҳон валюта бозорида эса валютанинг паритети ошади. Шу мамлакатнинг халқаро савдодаги улушкига кўра, валюта курсини шакллантириш асосида самара берадиган, яъни барқарор валюта курси ҳисобланади. Валюта курси экспорт ва импорт баҳоларига, фирмаларнинг рақобатбардошлигига, корхоналар фойдасига таъсир кўрсатади. Валюта курсини кескин тебранишилари халқаро иқтисодий, шу жумладан валюта-кредит ва молия муносабатларнинг барқарор бўлишини кучайтиради, бир мамлакат зарари ва бошқа бир мамлакат фойдаси ҳисобига салбий ижтимоий-иктисодий натижаларга олиб келади. Миллий валюта курсининг тушишида, агар бошқа омииллар таъсир этмаса, экспортёrlар қимматлашган чет эл валютасида олинган маблагни арzonлашган миллий валютага алмаштириш ҳисобига экспорт фойдасини оладилар. Ва товарларни ўртача жаҳон нархларидан паст нархларда сотишга имконият яратади. Бу нарса экспортёrlарни ўз мамлакатнинг материал бойликларини йўқотиш ҳисобига бойишига олиб келади. Экспортёrlар ўзларининг фойдаларини товарларни катта ҳажмда чиқариш ҳисобига кўпайтирадилар. Аммо, айни замонда, миллий валюта курсини кўтарилиши импортни рағбатлантиради, мамлакатда эса нарх кўтарилиди, импортни қисқаришига ёки миллий ишлаб чиқаришни ўсишига олиб келади. Валюта курсини кўтарилиши миллий валютадаги реал қарздорликни

камайтиради, чет эл валютасидаги ташки қарзларни чўзилишини кўпайишига олиб келади. Шу мамлакатдаги хорижий инвесторларнинг олган фойдасини, фоизларини, дивидендини чиқариш фойдасиз бўлиб қолади. Бу ҳолда маблағларни реинвестиция қиласилар ёки ички нархларда товарларни сотиб олиш учун ва экспорт қилиш учун ишлатилади.

Бу ҳолатни мисолда кўриб чиқайлик. Масалан, ўзбек сўмининг курси 1 Россия рублига нисбатан 31 сўмдан 32 сўмгача пасайтан, яъни сўм Россия рублига қараганда арzonлашган ва аксинча рубль қимматлашган. Бу ҳолда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган $\frac{31000}{31} \times 1 = 1000$, балки $968,75 \left(\frac{31000}{32} \times 1 = 968,75 \right)$ рублга сотилади.

Натижада унинг рақобатга чидамлилиги ошиб, бу товарга талаб ҳам орта боради, уни экспорт қилиш рағбатлантирилади, аммо миллий валютани Россия рублига сотиши Ўзбекистон учун фойдали бўлмай қолади.

Россияда ишлаб чиқарилган 2000 рубл қийматта эга бўлган товарга келсак, бу товар сўмининг курси пасайиши ва рублнинг қимматлашуви натижасида ўзбек бозорида шунга мувофиқ $62000 (2000 \times 31 = 62000)$ сўмдан, $64000 (2000 \times 32 = 64000)$ сўмгача кўтарилади.

Энди Россияда ишлаб чиқарилган товар нархи қимматлашди, уни ташиб келтириш(импорт) қисқариб боради. Аксинча, ўзбек сўмининг курси ошиб боргани сари, республика учун товарларни ташиб келтириш (импорт) ва капитални четга чиқариш фойдали бўлади.

Шундай қилиб, янги валюта курсининг пасайиши билан, баҳолар даражаси ҳам пасаяди. Дунё бозорида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган товарларнинг рақобатта бардошлиги орта боради, экспорт ва хорижий капитални олиб келиш рағбанлантирилади ва аксинча, миллий валюта курсининг кўтарилиши билан мамлакат учун четдан мол олиб келиш (импорт) ва капитални четга чиқариш фойдали бўлади.

Инфляция натижасида пулнинг қадрсизланиш даражаси валюта курсининг пасайишидан юқори бўлса, унда миллий бозорда юқори нархларда импорт товарларининг сотиши

рағбатлантирилади. Агар инфляция натижасида валютанинг ташқи қадрсизланиш даражаси унинг ички қадрсизланишдан юқори бўлса, унда валюта демпинги учун шароитлар юзага келади.

Валюта демпинги - бу валюта курсини тушуриш натижасида унинг жарид қилиш қобилиятини пасайишидан фойдаланган ҳолда ташқи бозордаги рақобатчиларни сикиб чиқиш мақсади билан боғлиқ ҳолда товарларни жаҳон ўртача нархларидан паст даражада кепт кўламда экспорт қилишдир.

Валюта демпинги учун қўйидагилар характерлидир:

1) Экспортёrlар ички бозордан товарларни инфляция таъсирида ўзгариб турган нарх бўйича сотиб олиб, ташқи бозорда товарни жаҳондаги ўртача нархларидан паст даражадаги нархлар бўйича барқарор валютага сотадилар;

2) Экспорт баҳоларининг пасайиш манбаи бўлиб барқарор валютада олинган тушумни, қадрсизланган валютага алмаштиришдан юзага келган курс фарқи бўлиб хизмат қиласди;

3) Товарни четта катта ҳажмда чиқариш экспортёrlарни юқори фойда олишини таъминлайди. Демпинглар ҳам ишлаб чиқариш таннаржидан паст бўлиши мумкин. Аммо экспортёrlар учун жуда ҳам товарни паст нархда сотиш фойдали эмас, чунки хорижий шериклар миллий товарни реэкспорт қилиши натижасида миллий товарлар билан рақобат юзага келиши мумкин.

Валюта демпингини турли хил товар демпинглари билан уларнинг асосий хусусияти - товарларни паст нархларда экспорт қилиш бирлаштиради, лекин улар бир-биридан фарқ қиласди. Товар демпингидан ички нарх билан экспорт баҳосидаги фарқ асосан давлат бюджети ҳисобидан қопланади, валюта демпингида эса курслар ўртасидаги фарқ ҳисобидан олинган экспорт маблағи (мукофот) ҳисобига қопланади.

Товар демпинги биринчи жаҳон урушига қадар юзага келган. Бу пайтда корхоналар ташқи бозорни эгаллаш учун асосан ўз жамғармаларига таянганлар. Валюта демпинги биринчи марта 1929-33 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирози даврида қўлланила бошлаган. Унинг бевосита келиб чиқиш сабаби, жаҳон валюта инқирозининг ривожланиши бир хил даражада, бир хил мувозанатда бўлмаганлигидадир.

Маълумки, валюта демпинги давлатлар ўртасида қарама-қаршиликлар келтириб чиқаради ва уларнинг анъанавий иқтисодий алоқаларини бузади, рақобатни кучайтиради. Валюта демпинги амалга оширилаётган мамлакатда экспортёларнинг фойдаси ошади, лекин баҳоларнинг ўсиши натижасида меҳнаткашларнинг яшаш даражаси пасаяди. Валюта демпингни бўлган мамлакатда эса, арzon, чет эл товарлари билан рақобатлаша олмаётган иқтисодий тармоқларда ривожланиш қийинлашади, секинлашади, ишсизлик кучаяди. Йирик экспортёр фирмалар валюта демпингидан ўз рақобатчиларини кучсизлантириш учун валюта ва савдо “уруш” и воситасида фойдаланадилар.

Тарифлар ва савдо бўйича бош келишув (ГАТТ) 1967 йили халқаро антидемпинг кодексини қабул қилди. Бу кодексда демпинг ҳолатини аниқлаш ва исботлаш тартиб қоидалари, импортёр мамлакат фирмалари томонидан демпинг натижасида шу турдаги товарни ишлаб чиқарадиган экспортёр мамлакатларга етказилган зарарни тўлаш йўллари кўзда тутилган. ГАТТ (ЖСТ)да антидемпинг комитети (1993 йил) тузилган. Ҳозирги вақтда экспорт товарларнинг рақобатбардошлиги, уларнинг сифатига нисбатан баҳоси, сотишни қайта ташкиллаштириш, сотишдан кейинги хизмат кўрсатишлар ва бошқа хизматлар орқали аниқланади. Шунинг учун ҳам демпингнинг ташки бозорни эгаллаш воситасидаги аҳамияти пасайиб бормоқда.

Шу тарзда, валюта курсларининг ўзгариши ташки бозорда сотиладиган ялпи маҳсулотни мамлакатлар ўртасида қайта тақсимланишига таъсир кўрсатади. Сузиб юрувчи валюта шароитида курс муносабатларининг баҳода шаклланиши ва инфляция жараёнига таъсири кучаяди. Ҳисоб китобларга кўра, мамлакат маҳсулотининг валюта курсида 20 %га кўтарилиши 25 % квотасига эга бўлган мамлакатда импорт товарларнинг нархларини 16 % ошишига олиб келади, бунинг натижасида мамлакатдаги умумий баҳолар даражаси 4-6 %га ошади.

Сузиб юрувчи валюта курси режимида ички бозорларга бундай таъсир қилиш омили доимий ҳарактерга эга, лекин айни вақтда қайд этилган курс режими расмий девальвацияда намоён бўлади.

Сузиб юрувчи валюта курси шароитида мамлакатта - чет эл капиталини оқиб келиш натижасида ссуда капитали ва капитал қўйилмаларининг ҳажми вақтинча кўпаяди ва бу мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантириш учун ва давлат бюджети дефицитини қоплаш учун ишлатилади. Мамлакатдан валюта оқиб кетиши унинг етишмовчилигига, ишсизликка олиб келади. Валюта курсини тебраниши яна мамлакатнинг валюта - иқтисодий потенциалига, экспорт квоталарига, ХИМдаги позициясига боғлиқ. Валюта курси мамлакатлар, миллий экспортёрлар ва импортёрлар ўртасидаги кураш обьекти бўлиб, хизмат қилади, давлатлараро келишмовчиликлар манбаи ҳисобланади.

Бугунги кунда давлатимиз олдида турган энг муҳим вазифалардан бири валюта курсини барқарорлигини таъминлаш ҳисобланади. Миллий валютанинг барқарорлигини, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, бозорда эркин алмашинуви етарли миқдордаги рақобатбардош маҳсулотлар, зарур резервлар орқали таъминланади. Бунга эришмоқ учун Ўзбекистон давлати аниқ вазифаларни ҳал этишга қаратилган 4 та алоҳида дастурлар тўпламини ишлаб чиқди ва амалга ошироқда.

Биринчидан; ,бозор товар билан барқарор таъминланган тақдирдагина валюта бозори реал куч ва обрўга эга бўлади. Сўмнинг харид қувватини ошириш учун республика бозорини мумкин қадар тезроқ истеъмол моллари билан тўлдириш зарур. Айниқса, бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган моллар билан, тўлдириш чораларини кўриш кечиктириб бўлмайдиган заруриятдир. Бунда гоят муҳим вазифа одамларнинг энг зарур талабларини қондирувчи ўз маҳсулотимизнинг ишлаб чиқаришни имкони борича кенгайтиришдан иборат.

Иккинчидан; валютанинг барқарор амал қилиши, давлатда эркин алмашинуви етарли валюта захираси бўлишига боғлиқ. Бизнинг валютамиз ҳар қандай барқарор валютага эркин алмашина оладиган бўлсагина, у тан олинган ва ҳурмат қозонган валюта бўлиб ҳисобланади. Бунинг учун экспорт имкониятини кенгайтириш, корхоналарни экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарга айлантириш, жаҳон бозорида ўз мустаҳкам мавқейимизнинг қўлга киритишими из зарурдир.

Учинчидан; ҳар бир корхона, ҳар бир киши, ишлаб топган сўмини қадрлашни ўргангани тақдирдагина миллий валюта реал тўлов воситасига айланади. Бунинг учун қатъий молия-кредит сиёсатини изчилиллик билан ўтказиш зарур. Биз ўз молиямиздан ишнинг кўзини билиб, эҳтиёткорона ва тежаб-тергаб фойдаланишимиз, унинг бежуда сарфланиб кетишига йўл қўймаслитимиз зарур. Иқтисодиётда сарфланган ҳар бир сўм салмоқли фойда билан қайтиши, эртанги кунга, республика истиқболига хизмат қилиши керак.

Тўртингчидан - миллий валютани мустаҳкамлашнинг энг муҳим шарти-инфляцияга қарши бақувват пухта ўйланган сиёсат ўтказишидир. Инфляция даражасини кескин камайтиришгина, миллий валютани бақарор валютага айлантира олиш мумкин. Сўм ўзининг юксак тўлов қобилиятини узоқ муддат давомида сақлаб қолган тақдирдагина миллий валютамиз ўз қувватига ва обрўсига эга бўлади. Биз пул миқдори товарлар ва хизматларнинг миқдори тегишли даражада ўсиши билан мустаҳкамланмаган ҳолда ортиб боришига йўл қўймаслитимиз керак. Харид қилиш учун моллар етарли бўлмаган ҳолда, аҳоли қўлида пулнинг ортиқча кўпайиб кетиши аввало нархларнинг ошишига, инфляциянинг янада авж олишига олиб келади. Шу сабабли ишлаб чиқаришни бозорни мол билан тўлдиришда, тақчиллик бўлиб турган истеъмол фондида ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва хизматларнинг ҳажми кўпайишига қаратиш лозим.

Белгиланган тадбирларнинг муваффақиятли амалга оширилиши валютамизнинг алмашув курсини барқарорлашувига, унинг қуввати ва обрўси ошувига сўзсиз изжобий таъсир кўрсатади. Миллий валюта кучли бўлган тақдирдагина иқтисодиёт ҳам бақувват бўлади.

Шундай қилиб, хulosса қиладиган бўлсак, Валюта курси мураккаб, кўп омилли иқтисодий мезон ҳисобланади. Валюта курсининг шаклланишига бир қатор иқтисодий, сиёсий, психологик омиллар таъсир қиласи. Валюта курси мамлакат иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар билан ўзаро боғлиқ бўлиб, курсининг ўзгариши мамлакат иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Валюта курси ҳам миллий валюта тизимининг

таркибий қисми, ҳам жаҳон валюта тизимишинг таркибий қисми ҳисобланади.

Таянч сўзлар

- Валюта бозори;
- Валюта биржаси;
- Дилинг;
- Валюта курси;
- Котировка;
- Тескари котировка;
- Тўғри котировка;
- Кросс-курс;
- Валюта сиёсати;
- Фоиз динамикаси;
- Конвертация;
- Форвард;
- Своп;
- Спот;
- Дисконт;
- Устама (премия);
- Сотувчи курси;
- Харидор курси;
- Реал курс;
- Валюта демпинги.

Ўз билимини текшириш учун саволлар

1. Валюта бозори нима?
2. Валюта курси нима ва у қандай аниқланади?
3. Форвард курси нима ва у қандай аниқланади?
4. Валюта курсига таъсир этувчи давлат бошқаруви сананг.
5. Валюта курсига таъсир этувчи структуравий омилларни омилларини сананг.
6. Валюта курсига таъсир этувчи омилларни изоҳланг.
7. Валюта курсининг мамлакат ва халқаро иқтисодий муносабатларга таъсири қандай?
8. Валюта курсини барқарорлигини таъминлаш йўллари нималардан иборат?
9. Валюта демпинги деганда нимани тушунасиз?

III боб. Валюта операциялари ва уларнинг турлари

1-§. Валюта бозори ва уни тартибга солиш

Олдинги бобда таъкидлаганимиздек, давлатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик алоқалари миллий валюталарни ўзаро алмаштиришга объектив зарурат түғдиради. Бундай зарурат, талаб ва таклиф таъсири асосида валюта курси шаклланадиган мажсус бозорда юзага келиб, амалга оширилади. Мазкур бозор хорижий валюталарни бир-бирига айирбошлаш билан боғлиқ барча муносабатларни ўз ичига олган ҳолда, ҳукумрон валюта тизими белгиланади. Жаҳон бозори тизимида хорижий валюта бозори товарлар ва капиталлар бозорига нисбатан объектив равишда, иккиласмчи ўринни эгаллаб, уларга хизмат киласди.

Юқорида таъкидлаб ўтилган ҳалқаро иқтисодий алоқалар, ҳалқаро ҳисоб-китобларни келтириб чиқаради. Ҳалқаро ҳисоб-китобларнинг муҳим хусусияти шундаки, унда ҳамма мамлакатлар учун муомаласи мажбурий бўлган кенг, тарқалган кредит пуллардан ташқари, одатда, хорижий валюталар ишлатилади. Ҳар бир мустақил мамлакат қонуний тўлов воситаси сифатида, унинг миллий валютаси ишлатилади. Шунинг учун ташқи савдо, хизматлар, кредитлар, инвестициялар, мамлакатлараро ҳисобларнинг муҳим шарти бўлиб, бир валютанинг бошқа шаклдаги хорижий валютага сотилиши ёки сотиб олинини ҳисобланади.

| Валюта бозорлари – расмий марказлар бўлиб, у ерда чет эл валютаси талаб ва таклиф асосидаги курсда миллий валютага айирбошланади. |

Турли мамлакатлар юридик ва жисмоний шахсларнинг мажбуриятларини тўлаш билан боғлиқ ҳалқаро тўлов оборотлари валюта бозорлари билан боғлиқ.

| Валюта бозори кенг маънода – бу чет эл валютаси бўйича олди-сотди ва хорижий инвесторлар капиталининг ҳаракатлари асосида вужудга келадиган иқтисодий алоқалар мажмуасидир. | Валюта бозорларида инвесторлар, валюта бойликларининг ҳаридорлари ва сотувчиларининг манфаатлари қониқтирилади. Ривожланган давлатлар иқтисодчилари валюта бозорини кўп ҳолларда миллий, хорижий банклар ва брокер фирмаларини ўзаро боғловчи замонавий алоқа воситалари тизими деб аташади. Валюта

бозорининг асосий субъектлари сифатида банклар ва бошқа молиявий ташкилотлар йигиндиси тушунилади.

Хорижий валюталар олди-сотдисига зарурат, одатда банкларда; ташқи савдо, хорижий валютада кредитлар бериш, хорижий валютадаги захираларни валюта курсини ўзгариш рискидан сұғурта қилиш каби халқаро операцияларни амалга ошириш жараёнида туғилади.

Жаҳон валюта бозори деганда, нафақат валюталар олди-сотдиси, балки хорижий мамлакатлар ўртасида бўладиган валюта билан боғлиқ барча хатти-ҳаракатлар, чоратадбирлар тизими тушунилади. Жаҳон валюта бозори суткасига 24 соат фаолият кўрсатади ва у ҳар куни Япониядан бошланиб, Европа томон ҳаракат қиласиди ва АҚШда якунланади. Бу бозорлар ўзаро замонавий электрон

хисоб-китоб тизимлари, замонавий алоқа воситалари орқали боғланган. Бу бозорларда ҳар куни минглаб валюта олди-сотдиси субъектлари қатнашади ва миллиардлаб долларлик битимлар тузилади.

Хозирги вақтда валюта бозорларида амалга ошириладиган валюта операцияларининг замонавий шакллари вужудга келди ва уларни амалга ошириш механизмлари мукаммаллашди. Бу операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ рискларни камайтиришнинг энг самарали усууллари вужудга келди.

Хозирги кунда жаҳон валюта бозорларини, уларнинг ишлаш тамойилларини, валюта операцияларининг мазмунини ва амалга ошириш механизмларини, валюта курслари ўзгаришидан шартномаларни сұғурта қилиш усуулларини чукур ўрганиш ва шулар асосида маҳаллий валюта бозорини шакллантириш, валюта операциялари бўйича юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ҳамда бу борадаги конунчиликни такомиллаштириш катта аҳамият касб этади.

Жаҳон валюта бозори конъюктурасини ва унга таъсир этувчи омилларни чукур ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали миллий валюта бозорини ривожлантириш жуда муҳимдир.

Халқаро иқтисодий алоқаларнинг турли шакллари, яъни товарлар ва хизматлар билан савдо-сотиқ қилиш, ссуда сармояси ва инвестицияларнинг ҳаракати, ишлаб чиқариш ва фан-техника борасидаги ҳамкорлик, ишчи кучларининг халқаро миграцияси ва халқаро туризм, буларнинг барчаси

мамлакат пул бирлигига нисбатан халқаро даражадаги талаб ва таклифни шакллантиради. Мана шу талаб ва таклиф асосида юзага келадиган хорижий валютани миллий валютада сотиш ва сотиб олишни амалга ошириладиган расмий марказлар- валюта бозорлари дейилади.

Валюталарни алмаштириш бўйича операциялар қадим дунё ва ўрта асрларда ҳам мавжуд бўлган. Аммо валюта бозорларининг замонавий шакли XIX асрда шакллана бошлади. Бунга қўйидаги омиллар таъсир кўрсатди:

- ◆ доимий халқаро иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши;
- ◆ аъзо мамлакатларга, уларнинг миллий валюта тизимларига нисбатан маълум мажбуриятларни бошлаб берувчи жаҳон валюта тизимининг тузилиши;
- ◆ халқаро ҳисоб-китоб, кредит маблағларининг кенг тарқалиши;
- ◆ банк капиталининг концентрацияси ва марказлашувининг кучайиши, турли мамлакатлар банклари ўртасидаги вакиллик алоқаларнинг ривожланиши, хорижий валютада, жорий вакиллик ҳисобваракларини юритиши амалиётининг тарқалиши ва такомиллашуви;
- ◆ валюта бозорлари ўртасидаги алоқаларнинг соддалаштириш ҳамда кредит ва валюта риски даражасини камайтириш имконини берувчи алоқа воситалари, яъни телеграф, телефон, телекснинг ривожланиши;
- ◆ ахборот технологияларининг ривожланиши, валюта курси, банклар, уларнинг вакиллик ҳисобрақамларининг ҳолати, иқтисодиёт ва сиёсатдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотларнинг тезкорлик билан етказилиши ва бошқалар.

Миллий валюта бозорлари ва уларнинг ўзаро алоқаларининг ривожланиши билан жаҳон молия марказларида етакчи валюталар учун ягона валюта бозори ташкил топди. Замонавий валюта бозорлари қўйидаги асосий хусусиятлари билан характерланади:

- ◆ хўжалик алоқаларининг байналминаллашуви, электрон алоқа воситаларидан кенг фойдаланиш ва улар орқали операциялар ҳамда ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг ривожланиши асосида валюта бозорларининг

- байналминаллашуви кучаяди;
- ◆ операциялар жаҳоннинг барча мамлакатларида сутка давомида навбатма-навбат, узлуксиз, амалга оширилади;
- ◆ Гринвич – Greenwich Meridian Time (GMT) орқали ноль меридианда календарь сюдкалари соатларига мос равища валюта бозорларида иш бўлиб ўтади. GMT Янги Зелландиядан (Вемингтонда) бошлаб, соатнинг харакат тизимлари асосида Сидней, Токио, Гонконг, Сингапур, Москва, Франкфурт-Майн, Лондон, Нью-Йорк ва Лос-Анжелесда мос равища давом этади;
- ◆ валюта операцияларини олиб бориш умумлаштирилган, ҳисоб-китоблар, вакиллик ҳисобвараклар бўйича амалга оширилади;
- ◆ валюта ва кредит рискини сугурта қилиш мақсадида валюта операцияларини амалга оширишнинг кенг ривожланиши натижасида, илгарӣ амалиётда қўлланилган банк балансларида акс эттириладиган валюта операциялари балансдан ташқари моддаларда ҳисобга олинниб бориладиган муддатли ва бошқа валюта операциялари билан алмаштирилади;
- ◆ спекулятив ва арбитраж операциялари тижорат битимлари билан боғлиқ бўлган валюта операцияларидан бир мунча кўпроқ бўлиб, уларнинг қатнашчилари сони аяча ошган ва улар нафақат банклар балки, трансмиллий корпорацияларини, юридик ва жисмоний шахсларни ҳам ўз ичига олади;
- ◆ ўзига хос бир товар каби асосий иқтисодий омилларга буйсунмайдиган, ўз анъаналарига эга бўлган валюта курсларининг барқарорлиги.

| Жаҳон амалиётида валюта бозорлари қуидаги функцияларни бажаради;

1.Халқаро ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш.

2.Товар, хизмат ва капиталларнинг халқаро айланishiга хизмат кўрсатиш.

3. Иқтисодий, сиёсий омиллар таъсири остида шаклланадиган талаб ва таклифни баланслаштириш йўли билан валюта курсларини аниқлаш.

4. Валюта рискларидан ҳимояланиш усули ва

механизмини таклиф этиш ҳамда амалга оширишини таъминлаш.

5. Давлат томонидан пул-кредит ва иқтисодий сиёсатни ўтказиша ҳамкорлик кўрсатиш ва ҳ.к.||

Бреттон-Вудс валюта тизими амал қилаётган даврда, яъни 50-60-йилларда замонавий валюта бозорининг асоси шаклланган эди. Бу даврда операциялар ҳажми кўпайди, бозор техникаси мукамаллаштирилди, валюта чеклашлари аста-секин кучлизана борди, валюталарнинг конвертацияси йўлга қўйилди ва капиталларнинг ҳалқаро миграцияси ошиди.

Қўйидаги сабаблар жаҳон валюта бозорининг урушдан кейинги даврда кенгайишга олиб келди. Булар:

1) валюта бозори иштирокчиларининг сонининг ҳам банклар, ҳам нобанк муассасалари ҳисобига ошиши;

2) «сузиб · юрувчи» валюта курсларнинг йўлга қўйилиши;

3) банкларнинг банклараро бозорда фаолроқ иштирок этиши;

4) капиталнинг ҳалқаро бозорларида қарз бериш ва олишнинг кўпайиши билан боғлиқ бўлган савдо ва бошқа битимларни саноат компаниялари томонидан сугурта қилиш ҳажмининг ошиши;

5) валюта курслари ўртасидаги фарқдан ўйқотишларнинг олдини олиш учун маблағларнинг бир валютадан бошқа валютага ўтказилишининг ошишини келтириб чиқарувчи айrim валюталарга юқори спекулятив таъсир ўтказилаётган даврда сугурта қилиш ҳажмининг ошиши;

6) трансмиллий корпорацияларнинг нафақат жорий операциялар бўйича рискларни қоплаш ва компаниянинг валюта кассаси бўйича назорат ўрнатиш мақсадида, балки ТМКлар ва ҳалқаро банклар кўп валютали молиявий базага эга бўлганлиги сабабли қўшимча фойда олиш мақсадида ҳам валюта билан савдо-сотик қилиш фаолиятининг кучайиши;

7) капиталларнинг ҳалқаро бозорларида қарз олиш ва қарз беришнинг кучайганлиги сабабли, «спот» ва «форвард» бозорларининг кенгайишидир.

«Сузиб юрувчи» валюта курсларининг жорий этилиши

ва Бреттон-Вудс валюта тизимининг қулаши билан валюта бозорининг иштирокчилари - банклар ва сакоат корпорацияларининг сони кескин кўпайди. Кўпгина банклар янги бўлимлар очдилар, корпорациялар ҳам валюта бўлимларини ташкил қилдилар. Бу бўлим ва бўлинмалар, одатда, дилинг бўлимлари дейилади, улар хорижий валюта олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларни валюта бозорида амалга ошириш орқали даромад оладилар. Жаҳон валюта бозори ривожланишининг мужим омиллари бўлиб, Сингапурда кечаю-кундуз фаолият кўрсатадиган глобал бозорнинг ташкил этилиши, шунингдек, валюта бозори қатнашчиларининг тажрибалари ошганлиги ҳисобланади.

Валюта конверсияси, яъни олди-сотдиси билан барча молия-кредит муассасалари ва савдо-саноат компаниялари щугулланади. Булар ҳуидагилардир;

1. Тизкорат банклари - валюта бозорининг етакчи иштирокчилари.
2. Четдан олинган товарларни хорижий валютада тўловчи импортёrlар.
3. Четга товар сотишдан олган хорижий валютани миллий валютага конвертация қилувчи экспортёrlар.
4. Чет эл қимматли қофозларини сотувчи ва сотиб олувчи инвесторлар.
5. Мижозининг буортмасига биноан, валютани сотувчи ва сотиб олувчи валюта брокерлари.
6. Ихтисослаштирилган банклар.
7. Консорциал банклар
8. Ҳалқаро иқтисодий алоқаларда қатнашувчи давлат ташкилотлари.
9. Ривожланган мамлакатларнинг марказий банклари - валюта бозорининг етакчи иштирокчилари. Шунингдек, давлат номидан ташқи савдо банклари ва бошқа давлат муассасалари қатнашади.
10. Давлатлараро институтлар, масалан, ҳалқаро ҳисоб-китоблар банки ёки Базель банки фаол иштирок этади.
11. Валюта курслари ўртасидаги фарқдан даромад олишни кўзлаб валюта битимларини тузувчи диллерлар.
12. Валюта бозорининг маркетлейкерлари бўлган

трейдерлар.

11-жадвал

Валюта бозорлари иштирокчилари

Бозор иштирокчилари	Битимлар	Асослар
Тижорат банклари	- мижозлар учун битимлар; - ўз маблаглари асосида савдо.	- ҳисоб-китобларнинг ўтказилиши; - фойда олиш ёки мижозлар битимлари бўйича позицияларнинг баланслашуви.
Ташкилот лар (экспортёр ва импортёрлар)	- валютанинг сотиб олиниши; - валюта рискларини суғурталаш учун битимлар; - хорижий валютада кредитни олиш ва бериш.	- хорижий валютада тўловлар; - танқархнинг калькуляцияси, валюта рискларини камайтириш, имкониятларини қўллаш учун базанинг яратилиши; - қулай шартларнинг олиниши.
Марказий банклар	- валютани сотиш олиниши; - интервенциялар.	- тўловлар, чеклар инкасацияси, векселлар ҳисоби ва бошқалар; - валюта бозорларини ушлаб туриш учун валютани сотиб олиш, бозорларнинг нормал даражада функциялашувини амалга ошириш.
Брокерлар	- курсларни ўрнатиш ва валюта ва фоизли битимларда бевосита қатнашиш.	- битимларни амалга оширишдан олинадиган комиссацион ёки фоизли тўловлар.

| Барча иштирокчиларни иккита асосий гурӯҳга

ажратиш мумкин, булар:

1) **Пассив иштирокчилар.** Улар вақти-вақти билан валюта операцияларини амалга оширилиш учун эҳтиёж туғилиб турадиган субъектлар бўлиб, булар кўпинча йирик битимларга мурожаат қилишади. Банкларда ўрнатилган нарх бўйича ҳисоб-китоб қилишади.

2) **Актив иштирокчилар.** Уларни "Market Makers" деб ҳам аташади. Улар асосан йирик ва кам сонли битимларда иштирок қилиб, ўз бўллимларига ва жуда катта диллерлик штатларига эгадирлар. Айнан улар бозорни шакллантирувчилари бўлиб ҳисобланади ва буларга пассив иштирокчилар мурожаат этадилар. Пассив иштирокчиларга булар ўз нархларини ўрнатадилар. Одатда бундай йирик банклар жуда катта пул билан ишлашади (ҳатто 100 млн. АҚШ доллари – "One spot" одатда битта савдо сўммаси ўртacha 5-10 млн. АҚШ доллар). Шунинг учун ҳам бу иштирокчилар бозорни бошқара оладилар.

Фақатгина энг йирик банкларгина валюта департаментларига эгадирлар, уларда энг тажрибали диллерлар савдо, чайқовчилик ва арбитираж операцияларини амалга ошириб борадилар.

Бошқа банклар эса ўз мижозларининг буюртмаларини амалга ошириш учун валюта бозоридаги операцияларда иштирок этадилар.

Яна бир гуруҳ банклар борки, улар йирик, лекин "Market Makers"ларга ўхшаб кўплаб бўллимларга эга эмаслар. Улар одатда бир ёки бир неча валюталар билан ишлашади ва ўртacha (5-10 млн. АҚШ доллари билан) савдо қилишади. Бу банклар кўпинча брокерлик фирмалари хизматларидан фойдаланишади. Барча валюта операцияларининг тахминан 30 фоизи брокерлик фирмалари орқали ўтади. Брокерлик фирмаси бирор бир аниқ брокер орқали сотиб олувчи ва сотувчи банклар ўртасида воситачилик қиласди. Кўпинча бу хизматлари учун брокерлар ҳар бир сотилган ёки сотиб олинган 1 млн. АҚШ доллари ёки унинг эквиваленти учун 20 АҚШ доллари атрофида тўлов оладилар. Албатта брокерлар нархлари валюталарни котировка қилувчи банклар ва савдони амалга оширувчи мижозлар фаолиятига

боглиқдир.

Бевосита валюта биржаларининг иштирокчилари бўлиб, дилерлар, брокерлар маклерлар ҳисобланади. Дилерлар транс миллий корпорациялар билан валюта операцияларини амалга оширадилар. Брокерлар сотуви ва харидорлар ўртасидаги воситачилар бўлиб, фақатгина бошқалар номидан фаолият юритади. Маклерлар эса валюта биржасининг ходимлари бўлиб, валюта операцияларининг амалга оширилишига ёрдам берадилар.

Валюта бозорларининг муҳим иштирокчилари ҳисобланган брокерлар турли ассоциацияларга бирлашиб фаолият кўрсатадилар. Масалан, яримёпиқ ассоциацияга бирлашган 10та Лондон брокерлик фирмалари жаҳонда энг йирик таъсир кучига эгадир. Жаҳондаги бутун валюта операцияларининг 30 % брокерлик фирмаларига тўғри келади. Брокерлар ўз фаолиятларини бошлашдан олдин биржадаги клиринг рақамига маълум миқдорда кафолат пули қўядилар. Брокерлар ўзлари қатнашган валюта олди-сотдиси битимларидан маълум фоиз оладилар. Сўнгги пайтларда банклараро алоқа ва валюта битимларини ўtkазишининг электрон воситаларининг ривожланиши билан брокерларнинг роли анча пасайди. Ҳозирги кунда маблағларни ўtkазиша СВИФТ электрон тизими кенг қўлланилмоқда. Валюта бозорида банкноталар ёки танглар иштирок этмайди, турли миллий пул бирликлари вакиллик ҳисобварақлардаги ёзувлар сифатида қатнашади.

2-§. Валюта бозорининг ривожланиши жараёнлари ва уларнинг турлари

Вақт ўтиши билан валюта бозорлари ҳам ривожланиб бормоқда. Ҳозирги пайтда, алоқа воситаларининг тез ривожланиши ва валюта чегараланишларнинг аста-секин олиб ташланиши натижасида, валюта бозори ривожланган давлатларда техник ташкилий яхлитликка эришди.

Валюта бозори ривожланишининг объектив зарурлиги бир томондан, бу бозорнинг ташкилий ва техник жиҳатдан такомиллашиб бориши, янги кўринишдаги операциялар яратилиши, иккинчи томондан бозорнинг ривожланиши

натижасида унинг бекарорлиги кучайишидан келиб чиқади. Бундай қарама-қаршилик бир вақтнинг ўзида валюта чайқовчилигини рағбатлантириши мумкин, шу сабаб валюта курслари тебранишидан фойда олиш ва бундай тебранишлардан иқтисодий ҳимоя қилишга қаратилган чоралар ишлаб чиқариш жуда муҳимдир.

Миллий пул бирликларининг бир-бирига алмашуви пулнинг пайдо бўлиши билан вужудга келган. Қадимги замонларда бундай алмашувда жиддий муаммо бўлмаган ва унинг махсус бозорига ҳам талаб туғилмаган, чунки барча ҳисоб-китоблар метал пуллар ёрдамида амалга оширилган. Замонавий валюта бозорини дастлабки кўринишлари халқаро муомалада векселлар тарқалиши билан пайдо бўлган.

Францияда валюта бозори ривожланиши XIII-XIV асрларда Шампан вилоятидаги вексел ярмарқаларидан бошланган. Мазкур ярмаркаларда савдогарлар турли валюталарда векселлар олди-сотдиси билан шуғулланганлар. Шундан сўнг, биринчи валюта биржалари пайдо бўла бошлаган. Лондондаги Қирол биржасида мунтазам равишда деярли 355 йил (1566-1920) хорижий векселлар билан савдо давом этган. Валюта операцияларининг асосий шакли хорижий векселлар олди-сотдиси бўлганлиги сабабли, XX аср бошларида вексел курси тушунчasi юзага келган. Олтин стандарти шароитида валюта курсларини белгилаш учун пул бирликларининг олтин паритетлари асос ҳисобланган. Биринчи жаҳон урушигача валюта бозоридаги кўпгина шартномалар “чекли”, “қисқа” ва “узун” вексел курслари асосида амалга оширилган. Паритетига яқинроқ, “чекли” курслар бўлган. Улар чек ёки векселни тақдим этилгандан сўнг, тўлаш шарти билан сотиб олишни кўзда тутган. “Қисқа” курсли векселларга мuddати 8-10 кундан кам бўлган векселлар кирган. Аммо шартномаларнинг асосий қисми “узун” курслар бўйича 30,60 ва 90 кунлик векселлар билан амалга оширилган. “Узун” курслар, “чекли” курслар асосида ҳисобланниб, улар фоизлар сўммаси, ер тўловлари, комиссион харажатлар ва векселнинг сифатига қараб хатар учун мукофот ёки дисконт миқдорига ўзгартирилиши мумкин эди.

. XIX аср бошида етакчи валюта бозорлари сифатида Амстердам ўрнини Лондон ва Париж эгаллади. XVII асрда Амстердам Генуя ўрнини эгаллаган эди. XIX асрдан бошлаб валюта шартномалари бўйича маблағларни кўчириши учун вексел ва чеклардан ташқари, почта ва телеграфлардан фойдаланилган. Улар орқали тааллуқли ҳисобрақамларнинг кредитланиши ёки дебетланиши ҳақида буйруқ берилган. 1866 йилда халқаро ҳисобкитоблар соҳасида биринчи трансатлантика телеграммаси узатилган. Аср охирига келиб эса, телеграф бир-биридан узоқ жойлашган давлатлар орасидаги валюта операциясида ўта зарур бўлиб қолди.

Амалиётда валюта курси олтин ҳаракати билан боғлиқлиги вексел муомаласи, яъни бозорда векселларга бўлган талаб ва таклиф билан асосланар эди. Векселлар курси эса қатор омиллар таъсирида белгиланаар эди. Улар ичida мамлакат халқаро тўловлари аҳволи (тўлов баланси) ва турли молиявий марказлардаги фоиз даражаси миқдори энг муҳим аҳамиятга эга бўлган. Ўша даврда расмий фоиз даражаси миқдори энг муҳим аҳамиятга эга бўлиб, расмий фоиз ставкасининг ўзгариши курсларни тартибга солишининг ягона ва самарали воситаси эди.

Биринчи жаҳон уруши, валюта бозори фаолиятини бузиб юборди. Мажбуриятлар бажарилмаслиги олтин экспорти таъқиқланиши, курсларнинг қатъий белгиланиши кабилар кузатилди. 1919 йилда етакчи мамлакатлар ҳукуматлари ўз валюталарини қўллашни тўхтатди ва оқибатда валюта курсларининг назоратсиз тебраниш даври бошланди. 20-йилларда урушдан олдинги паритетлар асосида чекланган шаклдаги олтин стандартига қайтишга уринишлар натижада бермади. Буюк Британия ва Скандинавия мамлакатларида олтин стандартига ўтишда 1925 йилдан 1937 йилгача ҳаракатлар олиб борилди. Жаҳон урушлари орасидаги давлатларда валюта бозори сезиларли даражада ривожланди. Кўпгина янги турдаги операциялар пайдо бўлди, рискларни сугурта қилишда муддатли валюта операцияларидан актив фойдаланиш амалиёти кенгайди. Валюта операцияларининг асосий қисми телефон орқали амалга

оширилиб, валюта биржалари ўз аҳамиятини йўқотди. Давлараро маблағларни ўтказиша телеграфдан фойдаланиш кенгайди. Почта орқали ўказишлар ўрнини кўпроқ авиа орқали ўтказишлар эгаллай бошлади. Валюта бозорларининг операцияларидаги векселларнинг улуши эса кескин қисқариб кетди. Бу даврда Лондон, ундан кейин Нью-Йорк валюта бозори маркази бўлди.

Бреттон-Вудс валюта тизими ҳаракати даврида замонавий валюта бозорининг асоси яратилган эди. Мазкур валюта тизимининг муҳим жиҳати валюта курси валюталарнинг олтинга бўлган паритетлари асосида ёки АҚШ долларига нисбатан қатъий белгиланиши билан кўрсатилар эди. Айни Бреттон-Вудс валюта тизими даврида операциялар ҳажми тез ўсиб, бозор иштирокчиларининг сафи кенгайиб, операцион техника такомиллашиб борди. Телефон ва телекс (кейинчалик электрон тизими) валюта бозорини яхлит бир бозорга бирлаштириди. Валюта чегараланишларининг аста-секин қисқариши ва валюталарнинг ўзаро эркин алмашувининг киритилиши, халқаро савдо ва капиталлар миграциясининг тез ўсиши, валюта бозори мавқеининг мунтазам равишда ошишига олиб келди.

Сўнгти 15 йил давомида жаҳон бозорида эркин сузуви курслар хукумрон бўлди. Шу боис жаҳон валюта тизими аниқ таркибий тузилиши ва ташкилий шаклда эришган эмас. Валюта курслари, фоиз ставкалари, инфляция суръатлари, товарлар баҳолари мувозанатсизлиги, ўсиб бориши, валюта бозорининг ривожланишига қаттиқ туртки бўлиб, унинг иқтисодий ролини ошишига сабаб бўлди. Валюта бозори ривожи тезлашишига таъсир кўрсатган омиллар орасида шаклланиб ва гуркираб кенгайиб борган халқаро ссуда капиталлари бозори (евробозор), молия-кредит жараёни тартибсизлигининг ўсиб бориши, банк техникаси соҳасида илмий-техник тараққиёт кабилар эътиборга лойикдир.

Валюта бозори ривожланишининг энг муҳим томони унинг қатнашчилари ва иштирокчиларини ўсишидадир. Ҳозирда бозор иштирокчилари сафида йирик савдо-саноат корпорациялари, инвестиция институтлари, сугурта компаниялари кабиларни кўриш мумкин. Бу омиллар ўз

навбатида, конверсион мұаммаларнинг сезиларлы үсишига сабаб бўлди. Шу билан бирга, котировка қилинаётган валюталарнинг сони ҳам ортди.

Хозирги пайтда валюта операциялари тез ривожланиб, валюта бозорининг мұхим сегментлари сифатида майдонда унинг иштирокчиларининг кўлами кенгайиб, фючерслар ва опционлар бозори пайдо бўлди. Банклар ўз мижозлари учун бундан ҳам гаройиб операциялар жорий қилиб (опцион ва форворт шартномаларининг турлари ва уларнинг комбинациялари), валюта рискларидан ҳимоя қиласидиган воситаларни ўйлаб топмоқдалар. Валюта бозорида янги валюталар мұомаласининг тезлашиши янги хатарлар ва тартибга солувчи органлар учун янги мұаммолар туғдирмоқда.

Валюта бозорининг техник жиҳатдан қайта қуролланиши мұхим аҳамиятта эгадир. Компьютерлар ва электрон алоқа воситалари диллерларга илгари амалга ошириб бўлмайдиган арбитраж ва сугурта операцияларини амалга ошириш имконини яратди. Шу билан бирга, бу ўзгаришлар валюта бозори яхлитлигини шу даражага олиб бориб қўядики, эндиликда турли давлатлар молия марказлари орасидаги фарқ фақат вақтдагина бўлиб қолди. Бозорда компьютер дастурлари ва бошқа техника услублари асосидаги савдо кенг қўлланила бошланди.

Замонавий валюта, бозори, ўзининг кўпгина хусусиятларига кўра ссуда капиталлари бозорига яқинлашди. Уларнинг иқтисодий функциялари ўхшаш, аъзолари таркиби ва операцияларни амалга ошириш техникаси деярли бир жил ва баҳолар шаклланиши узвий боғлиқ. Молиявий талаб ва таклиф солиштирма оғирлигининг ўсиб бориши билан валюта бозори кўпроқ ссуда капиталлари бозорига хизмат кўрсатишга ўтмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, валюта бозорининг вазифалари ва механизмидаги ўзгаришларига қарамасдан, унинг анъанавий миллий бозорларда бўлиниши (муайян давлат ҳудудида резидентлар ва хорижий ташкилотлар орасидаги барча операцияларни кўзда тутган ҳолда) шартли бўлиб қолади.

Жаҳон бозорида асосий валюта чегараланишлари йўқ

ёки улар чекланган миқдорда мавжуд АҚШ, Германия, Япония, Буюк Британия, Швецария, Швеция, Канада, Норвегия, Нederlandия, Люксенбург, Сиянган (Гонконг), БААлари каби давлатларни ташкил этади.


Валюта бозорининг мураккаб иқтисодий табиати, унинг кўй йўналишили таркибий тузилиши, операцияларни ташкил этилиши, уларнинг объектлари ва субъектлари билан белгиланади.

Валюта бозори банклараро, мижозлараро ва биржа бозорларида шунингдек, брокер ва тўғридан-тўғри нақдли, муддатли ва шу каби бозорларга бўлинади.

Умумий қилиб оладиган бўлсак, валюта бозорини қуидаги турларга бўлиш мумкин.

3-схема

Валюта бозорининг турлари



Валюта бозорларида фьючерс; опцион; СВОП; форвард; СПОТ; СВОП каби битимлар амалга оширилади.

Амал қилишига кўра валюта бозорларини қуидаги:

1. Жаҳон валюта бозори.
2. Минтақавий валюта бозори.
3. Миллий валюта бозорларига бўлиш мумкин.

Валюта бозорлари валюта муносабатлари субъектлари ва уларда ишлатиладиган валюталар миқдори бўйича миллий, ҳудудий ва жаҳон валюта бозорларига бўлинади. Миллий валюта бозорлари - бир мамлакат ичкарисидаги резидентлар ва хорижий юридик ҳамда жисмоний шахслар ўртасидаги валюта муносабатларини ўзида мужассамлаштиради. Бу бозорлар давлат томонидан миллий пул ва валюта тизимларини ташкил этётган даврда, яъни мамлакат валютаси конвертиранмайдиган

ва кескин валюта чеклашларини ўрнатаётган даврда шаклланади. Бу мамлакатларда жаҳон валюта бозорига фақатгина ваколатли («девиз» ёки «валюта») банклари чиқа олади. Бунга яққол мисол қилиб Ўзбекистон валюта бозорини кўрсатиш мумкин.

Худудий валюта бозорларида - маълум бир худуд, територияда жойлашган мамлакатлар резидентлари ва норезидентлари ўртасидаги валюта муносабатлари ўрнатилади. Бунга мисол тариқасида Европа валюта бозорини кўрсатиш мумкин.

Жаҳон валюта бозори - талаб ва таклиф асосида хорижий валюта савдоси амалга ошириладиган ҳалқаро марказлардир. Жаҳон валюта бозори миллий ва худудий валюта бозорларини спутник ва монитор алоқа тармоқлари орқали ЭҲМ ёрдамида ягона бозорга бирлаштиради. Мониторлар хорижий валютанинг жаҳон савдосида қатнашувчи барча банкларда ўрнатилган. Видео экран тизимида қатнашмайдиган банклар валюта операциялари учун зарур бўлган ахборотни телефон ёки телекс ёрдамида олишга мажбурлар. «Wall Street Journal» ёки «Financial Times» каби иқтисодий-молиявий газета ва журнallар, муҳим бозорлардаги валюта курслари тўғрисидаги ахборотларни эълон қилиб туради.

Йирик жаҳон валюта бозорлари Лондон, Франкфурт, Париж, Цюрих, Нью Йорк, Токио, Сингапур ва Баҳрейнда фаолият кўрсатмоқда.

Улар кунлик обороти 1 триллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган ягона жаҳон бозорини ташкил этадилар. Бу валюта бозорларида тузиладиган валюта битимларининг 90 фоизи савдо операциялари билан тўғридан-тўғри борлиқ эмас, яъни чайқовчилик характеристига эга.

Валюта бозорларидаги операциялар ташкил этиш бўйича касса (накд) ва муддатли, воситачилик (брокерлик ва тўғридан-тўғри), воситачиларсиз (банклараро ва биржа) валюта операцияларига бўлинади. Барча амалга оширилаётган валюта операцияларининг 85-95 фоизи банклараро валюта бозорига тўғри келади.

Валюта бозорининг элементлари қўйидагилар:

1. Валюта курси
2. Монета паритети

3. Валюталарнинг минимал ва максимал курслари
4. Валюта савати
5. Валюта операциялари ҳисобланади.

Валюта курси - бу турли мамлакатлар пул бирликлари ўртасидаги, уларга бўлган талаб ва таклиф асосида юзага келувчи нисбати бир мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирликларида ифодаланган баҳосидир. Валюта курсини ўрнатиш котировкалаш дейилади. Агар хорижий валюта бирлигининг баҳоси миллий валютада кўрсатилса, яъни хорижий валютанинг бир бирлигига тўғри келадиган миллий валюта миқдори кўрсатилса, бу тўғри котировкалаш дейилади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1999 йилнинг 23 марта сўмнинг курси 1 АҚШ долларига нисбатан 114,5 сўмни, 1 Еврода нисбатан 116,56 сўмни ташкил этди.

Тескари котировкалашда бир бирлик миллий валютанинг хорижий валюталардаги миқдори ўрнатилади. Масалан, 1 фунт стерлинг 0,78 АҚШ долларига ёки 0,81 Еврода тенг. Дунёда барча биржаларда тўғри котировкалаш қўлланилади, фақаттинга Лондон валюта бозорида тескари котировкалашдан фойдаланилади.

Агарда икки валюта ўртасидаги нисбат қандайдир учинчи валютага нисбатан олинган курсларда аниқлансан, бундай нисбат «кросс-курс» дейилади. Масалан:

1 сўм = 0,0085 АҚШ доллари

1 сўм = 0,0075 EURO

0,0085 АҚШ доллари = 0,0075 EURO

1 АҚШ доллари = 0,0075 : 0,0085 = 0,8889 EURO

Валюта курси эркин сузуб юрувчи, чекланган даражада сузуб юрувчи ва қайд этилган валюта курсларига ажратилади. Эркин сузуб юрувчи валюта курси маълум валютага бўлган бозор талаби ва таклифи таъсирида ўзгариб туриши мумкин. Чекланган даражада сузуб юрувчи валюта курсининг ўзгариши айрим валюталар ёки бир гуруҳ валюталар (валюта савати) курси ўзгаришига боклиқ. Қайд этилган ёки расмий валюта курси - бу хорижий валютада ифодаланган миллий пул бирлигининг давлат томонидан расмий ўрнатилган баҳоси бўлиб, унга валюта бозоридаги талаб ва таклифнинг ўзгариши таъсир

қилмайди.

Олтин стандарти юритилган даврда валюта курси монета паритети ёрдамида аниқланган. Бунда мамлакат пул бирликларининг олтин миқдорлари солиштирилиб, валюталар ўртасидаги нисбатан курс аниқланган. Олтин-доллар стандарти юритилган даврда барча валюталарнинг курслари олтинга ҳамда долларга нисбатан қайд этилган. 70-йилларнинг бошларида олтинни демонетизация қилиш жараёни буткул тугаб, «сузиб юрувчи» валюта курсига ўтилиши билан ХВФ доирасида шундай валюта паритети қабул қилинадики, унда СДР («Special Drawing Rights») халқаро пул бирлиги олтин ва доллар ролини ўйнаган.

Олтин стандарти юритилган даврда валюталарнинг минимал ва максимал курслари белгиланар эди. Валютанинг минимал курси монета паритетидан олтинни ташиб билан боғлиқ харажатлар қиймати айрилганига teng. У қуи ёки экспорт олтин нуқтаси дейилади. Валютанинг максимал курси монета паритетига олтинни ташиб харажатларини қўшилганига teng ва у юқори ёки импорт олтин нуқтаси деб аталган.

Валюта савати - бу бир валютанинг бир бошқа тўпламга нисбатан ўртacha ўлчанганди курсини аниқлаш усулидир.

Валюта курсига қуйидаги омиллар таъсири кўрсатади:

1. Инфляция даражаси.
2. Тўлов баланси ҳолати.
3. Турли мамлакатлардаги фоиз ставкалари ўртасидаги фарқ.
4. Валюта бозорлари фаолияти ва чайқовчилик валюта операциялари.
5. Маълум валютанинг евробозор ва халқаро ҳисоб-китобларда фойдаланиш даражаси.
6. “Лидз энд легз” (“Leads and legs”) тактикаси.
7. Миллий ва жаҳон бозорлардаги валютага бўлган ишонч даражаси.
8. Валюта сиёсати.
9. Сиёсий ҳолат ва кризислар.


/Кун давомида валюта бозорида банклар жуда кўп операцияларни амалга оширадилар. Ва, натижада банкнинг талаблари ва мажбуриятлари ўртасидаги нисбат унинг

валюта позициясими белгилайди.

/ Валюта позицияси очиқ ёки ёпик бўлади. Буни қўйидаги схемада кўришимиз мумкин.

4-схема

Банкнинг валюта позицияси (ҳолати).



Агар алоҳида олинган валюта бўйича актив (талаб)лар ва пассив (мажбурият)лар тенг бўлса, маълум валюта бўйича валюта позицияси ёпик, агар бу нисбат тенг бўлмаса очиқ дейилади. Агарда сотилган валюта бўйича пассив ва мажбуриятлар актив ва талаблардан юқори бўлса очиқ валюта позицияси қисқа ва агарда сотиб олинган валюта бўйича актив ва талаблар пассив ва мажбуриятлардан ортиқ бўлса, валюта позицияси узун бўлиши мумкин. Очиқ валюта позицияси доимо риск билан боғлиқ бўлиб, у юқори фойда ёки зарар келтириши мумкин.

Очиқ валюта позицияси рисклар билан боғлиқ бўлганлиги учун ва очиқ позицияда юзага келиши мумкин бўлган риск банк фаолияти ва унинг ликвидлилигига таъсир қиласлиги учун очиқ валюта позиция (ОВП) бошқарилиб борилади.

1. ОВП бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарардан кўра фойданинг кўп бўлишини таъминлашга интилиш;
2. ОВП бўйича валюталарни сотиш ва сотиб олиш учун лимитлар ўрнатиш;
3. ОВПсида валюталар бўйича рискни камайтириш мақсадида хеджерлаш усулини кўллаш ва бошқа усуllар қўлланилиши

мумкин.

Агар банкда қисқа ОВП бўлса, у ҳолда мазкур валюта бўйича:

Пассивлар >активлар > мажбуриятлар > талаблар валюта сотиши > сотиб олиш бўлади.

Бу ҳолатни бошқариш учун банк ОВПсини ёки валюта бўйича талаблар ва мажбуриятлар ўртасидаги фарқни камайтириш учун валютани сотиши бўйича қарама-қарши битим тузиши лозим.

Валюта бозори ҳам бошқа бозорлар каби давлат томонидан тартибга солинади ва назорат қилиб турилади. Валютавий тартибга солиш - бу валюта операцияларини ўтказиш, мамлакат валюта резервнинг ва хўжалик фаолиятини юритаётган субъектлар валюта капиталларининг шаклланиши, валюта ва экспорт назоратини амалга ошириш тартиби ва чора-тадбирларини ўзида мужассамлаштиради. Валюта бозорини тартибга солиш одатда барча давлатларда Марказий банклар ва Молия вазирлиги томонида амалга оширилади.

Миллий валюта курсининг тебранишини тартибга солиша Марказий банк валюта инвестициясидан фойдаланади. Валютани тартибга солишнинг яна бир йўналиши-бу валюта назоратидир.

Валюта назоратининг мақсади - бу валюта қимматликлари билан операцияларни амалга ошираётганда валюта қонунчилигига амал қилишни таъминлаштир. Валюта назоратининг асосий йўналишлари қўйидагилар:

- ◆ бажарилаётган операцияларнинг амалдаги валюта қонунчилигига мослигини текшириш;
- ◆ керакли лицензияларнинг мавжудлиги текшириш;
- ◆ товарлар (хизмат) экспортидан тушган валютани сотиши бўйича мажбуриятларни бажарилганлигини текшириш;
- ◆ валюта операциялари бўйича ҳисоб, ҳисобат ва ҳужжатлаштиришнинг тўлиқ ва объективлигини текшириш ва бошқаларни ўз ичига олади.

3-§. Валюта операциялари ва уларнинг турлари

Валюта операциялари - бу хорижий валютада ва валютавий қимматликлар билан бўладиган олди-сотди операцияларидир.

Хорижий валюта деганда ривожланган ва ривожлангаётган давлатларнинг банкноталари ва алмашинувчи тангалари тушунилади.

Валютавий қимматликларга қуйидагилар:

- Хорижий валютада ёзилган қарз мажбуриятлари, яъни оддий векселлар ва тратталар;
- Хорижий валютадаги ёзилган қимматли қоғозлар;
- Олтин, платина ва бошқа қимматбаҳо металлар, тошлар киради.

Валюта операциялари асосан ваюта бозорларида амалга оширилади. Расмий валюта-молия бозорининг энг йирик жаҳон марказлари Лондон, Нью-Йорк, Франкфург Майн ва Токио каби йирик шаҳарларда кўп сонли бўлимлар тармоғига ва чет эл валютаси захирасига эга бўлган таниқли тижорат банклари фаолият кўрсатади.

Валюта бозорларида амалга ошириладиган валюта операциялари можиятига кўра қуйидагича бўлинади.

5-схема

Валюта бозорларида амалга ошириладиган валюта операциялари



Кенгроқ маънода валюта операцияларининг таснифини қуйидаги схема кўринишида ифодалаш мумкин.

6-схема

Валюта операцияларини таснифи



Ўз навбатида, барча валюта қийматликлари билан амалга ошириладиган операциялар ўз харакети ва номоён бўлиш усулига кўра қўйидагиларга бўлинади:

1. Спот типидаги валюта операциялари;
2. Муддатли валюта операциялари:
 - Форвард типидаги валюта операциялари;
 - валюта опционлари билан боғлиқ валюта операциялари;
 - валюта фьючерслари билан амалга ошириладиган валюта операциялари.

3. Спот типидаги валюта операциялари.

СПОТ операциялари ёки касса битимлари (нақд битимлар).

СПОТ операцияси - бу битим кунини ҳисобга олмаган ҳолда икки иш куни давомида валюта айрибошлиш бүйича операциядир.

Спот курс - бу спот битим тузилаётган вақтда бир мамлакат валютасини бошқа бир мамлакат валютасидаги баҳосидир. Спот курс унинг сузиги юрувчи ёки қатъий белгиланган режимда ишлешдан қатъий назар операция амалга оширилаётган вақтда миллий валютанинг чет эллардаги қадри қанча эканлигини ўзида акс эттиради.

Асосан спот битимларининг курси - бу телеграф ўтказмаси курсидир. спот- курс икки хил йўл билан аниқланади:

- валюта биржасида диллерларнинг юзма-юз савдо қилиши орқали;
- биржадан ташқари савдода дилерларнинг ўзаро телефон орқали савдосида аниқланади.

Валюта курси сотиб олиш курси (харидор курси) ва сотиш курси (сотувчи курси)га бўлинади. Валюта котировкасини амалга оширувчи банк валюта битимини ҳар доим ўзи учун фойдали курс бўйича амалга оширади. Банклар хорижий валютани ҳар доим қимматга сотиб (сотиш баҳоси), арzonроққа сотиб олишга (сотиб олиш баҳоси) ҳаракат қиласидилар. Бу валюта-тижорат операцияларининг асосий тамойилидир.

Сотиш ва сотиб олиш курслари орасидаги фарқ маржа деб аталиб, банк ҳаражатларини қоплаш ва қисман валюта рискини суғурталашга йўналтирилади. Агарда банк амалга оширилган битимни худди шу курслар асосида таклиф қилинган контрбитим ҳисобига қопласа, у маржа ҳисобига фойда кўради. Шунинг асосида банклар валюта операциялари бўйича мижозларни кўпроқ жалб қилишдан манфаатдор.

Спот операцияларидан келадиган фойда маржага (албаттa комиссия ҳақини чегириб ташласа) тенг бўлиши ҳам мумкин.

Умуман олганда спот операциялари бир томондан қисқа вақтда юқори фойда олишга имконият берса, иккинчи

томондан мавжуд валюта операциялари орасида риск даражасида энг юқори бўлган валюта операцияси ҳисобланади. Сабаби шуки, спот операцияларини амалга ошириш вақти қисқа бўлғанлиги туфайли одатда у сұгурта қилинмайди. Шунинг учун банклар пайшанба ва жума кунлари спот операцияларини катта ҳажмда амалга оширмайдилар, чунки бунда спот операцияси муддати узайиб кетади. Ҳудди шу сабабга асосан, банклар узун ва қисқа валюта позицияларини ҳам максимал даражада қисқартиришга ҳаракат қиласидилар.

Бу валюталардан бири банк учун яхши бошқаси ёмон деб бўлмайди.

Чунки агарда банк мисол учун АҚШ долларига нисбатан «қисқа» позицига эга бўлса ва USD курси тўсатдан кўтарилиб кетса, банк зарар кўриши аниқ. Курс ошиши прогноз қилинаётган вақтда позициянинг «узун» бўлгани маъқул.

Агарда валюта курси тушиб кетиши (USD) прогноз қилинганда «узун» позиция ижобий натижга бермаслиги мумкин. Албатта, ўз маблагларини гаровга тиккиси келмаган банклар, валюта позицияларини «ёпиқ» ушлашлари мумкин, лекин бунда улар курс ўзгаришидан келиши мумкин бўлган фойдадан ҳам маҳрум бўладилар.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин валюта бозорларида амалга ошириладиган валюта операцияларининг турлари ривожланиб кетди. Амалга оширилишига кўра валюта операциялари нақд ва муддатли битимларга бўлинади.

Нақд валюта операциялари асосан «спот» шартларида амалгаширилади. Бунинг моҳияти шундаки, валюта сотиш-сотиб олиш битими тузилгандан кейин тузилаётган вақтдаги курс бўйича иккинчи иш кунида нақд валюта етказиб берилади. Бу операциялар энг кенг тарқалган бўлиб, бутун валюта битимларининг 90 фоизига яқинини ташкил этади.

Спот туридаги валюта битимлари ўзида маблагни етказиб бериш вақти бўйича фарқланувчи уч турдаги битимни мужассамлаштиради. Бу операциялар қуйидаги жадвалда келтирилган.

12-жадвал

Касса асосида амалга оширилувчи валюта битимлари турлари

Касса асосида амалга оширилувчи валюта битимлари турлари	Операция бўйича маблагни етказиб бериш муддати	Битим номи	Уларнинг фиксиранган курси
	Битим тузилган кун	ТОД (TOD) битими	ТОД курси (инг. today - бугун)
	Битим тузилгандан кейинги иш куни	ТОМ (TOM) битими	ТОМ курси (инг tomorrow - эртага)
	Битим тузилгандан сўнгги бир иш куни (яъни иккинчи кун)	СПОТ битими	СПОТ (инг. spot – нақд)

Тижорат банклари валюта сотмоқчи ёки сотиб олмоқчи бўлса, битимнинг номини (ТОД, ТОМ, СПОТ), курсини, суммасини кўрсатиб ариза бериши лозим.

Валюта бозорининг иштирокчилари бўлган банклар ўз номидан ўзи учун, яна ўз номидан мижозлари учун валюта сотиб олиш ёки сотиши мумкин. Агар банклар ўз ҳисобига валютани сотса ёки сотиб олса, бу операциялар улар ёки фойда олиш учун, ёки ўз ликвидлигини ушлаб туриш учун, ёки чет элдан банк учун жиҳозлар сотиб олиш ва бошқа мақсадлар учун амалга оширади.

«Спот» битимлари бўйича валюта олувчи банк томонидан кўрсатилган ҳисобварақларга етказиб берилади. Битимда кўрсатилган курс «спот» курс дейилади. Худди мана шу курслар асосида валюта бозоридаги муддатли курслар ҳам, валютани етказиб бериш бўйича қисқароқ муддатли бир марталик битимлар учун курслар ҳам аниқланади.

«Спот» операциялари ёрдамида банклар ўз мижозларининг чет эл валютасидаги эҳтиёжларини, капиталларнинг ҳаракатини, шунингдек бир валютанинг бошқа валютага оқиб ўтишини таъминлайди, арбитраж ва спекулятив операцияларни амалга оширади. «Спот» операциялари ризк даражаси энг юқори операция

жисобланади.

Фойда олиш учун банклар арбитраж ва чайқовчилик битимларини амалга оширишлари мумкин. Арбитраж битимлар турли валюта бозорларида мавжуд бўлган валюта курслари ўртасидаги фарқлардан фойда олиш мақсадида чет эл валютасини қайта сотиш (сотиб олиш) бўйича тузилган қарши битимдир. Агар валюта бир валюта бозоридан сотиб олинса ва бошقا валюта бозорида сотилса – бу кенг тарқалган арбитраж дейилади. Агар фойда вақт ўтишига қараб курслар ўзгаришидан юзага келадиган бўлса бу вақтингчалик арбитраж дейилади.

Муддатли валюта операциялари – бу битим тузилгандан кейин битимдаги курс бўйича келишилган хорижий валютани маълум муддат ўтгач, етказиб беришга келишиб олинадиган валюта битимларири. Бундан, муддатли валюта операцияларининг икки хусусияти көлиб чиқади:

1. Битим тузилиши билан бажарилиш ўртасида маълум давр- вақт бор.
2. Муддатли валюта операциялари бўйича валюта курси, маълум муддат ўтганидан кейин фойдаланилса ҳам, битим тузилаётган пайтда белгиланади.

Одатда бу операциялар валюта курси ўзгаришидан ҳимояланиш ёки қўшимча фойда олиш мақсадида амалга оширилади. Муддатли валюта операцияларининг қўйидаги турлари мавжуд:

- «форвард» операциялари
- «фьючерс» операциялари
- «опцион»лар билан операциялар
- «СВОП» операциялари
- «валюта арбитражи»

Форвард операциялари. Муддатли валюта операциялари деб белгиланган муддатда, аммо икки иш кунидан ошиқ бўлган муддатда, амалга ошириладиган операцияларга айтилади.

Форвард валюта битими – бу воз кечиб бўлмайдиган ва банк билан унинг мижози ўртасидаги маълум миқдордаги келишилган валютани битим тузилаётган вақтда қайд қилинган айирбошлаш курсида келажак муддатларда амалга

ошириш бўйича мажбуриятларнинг бажарилишидир. Бу вақт аниқ бир сана ёки сана орасида намоён бўлади. Форвард валюта битимининг ўзига хос ҳусусиятлари мавжуд:

а) бу воз кечиб бўлмайдиган ва мажбурий шартномадир. Битим тузилгандан кейин мижоз битимдан воз кечишга ҳаққи йўқ. Мижоз шартномада кўрсатилган чет эл валютасини сотиб олиши ёки сотиш шарт;

б) битим чет эл валютасидаги аниқ бир суммани ташкил этади. Мижоз битимда кўрсатилган суммадан кўпроқ валютани сотиб олишга ҳам, сотишга ҳам ҳаққи йўқ;

в) битим келишилган аниқ бир санада бажарилиши шарт. Мижоз форвард битимининг бажарилиш санасини узоқлаштира ёки яқинлаштира олмайди.

Агар банк сотиши ва сотиб олиш ҳақида битим тузса, у фақат мижози билан келишмай, балки ташқи валюта бозори билан аллоқа қиласди. Бу шуни англатадики, банк мижози ёки бир қанча мижозлари билан тузган форвард битимлари учун, албатта, валюта бозори орқали валютанинг сотиб олиниши ёки сотилишини қопланишини таъминлаши керак. Дилернинг «позиция»си ҳар қандай маълум куннинг ёки давр охирида доимо teng ҳолга олиб келиши шарт. Бу шуни англатадики, сотиб олинаётган ва сотилаётган валуталар баланслаштирилади.

Агар мижоз қандайдир сабаб билан битим шартларини бажараолмаган ҳолда банк барибир бозор билан тузган битимини бажариши керак бўлади. Шунинг учун банк мижозидан битимда келишилган барча шартлар бажарилишини талаб қилиши шарт, мижоз шартларни бажара олмаган тақдирда, банк битимининг муддатини «узайтиради» ёки «ёпади».

Форвард валюта битими қатъий белгиланган ёки опционли бўлади.

а) қатъий белгиланган валюта битими бу келажакда аниқ бир санада бажарилиши шарт бўлган битим.

б) опционли валюта битими бу мижозининг ҳожишига кўра ёки - битим тузилган вақтдан унинг бажарилишигача бўлган давр ичизда ҳоҳлаган кунда амалга оширилади.

Форвард курси спот курсидан форвард маржаси миқдорига фарқ қиласди. Маржа мукофот кўринишда бўлиши мумкин, бунда форвард - курс спот-курсдан юқори бўлади;

ёки дисонт (чегирма) кўринишида бўлиши мумкин, бунда форвард курс спот-курсдан паст бўлади.

Асосан форвард валюта битими тўловларни сугурталаш учун кўлланилади.

7-схема

Форвард битими тартиби ва шартлари



Форвард битимини амалга ошириша битим қатнашчиларининг балансларида: сотувчидаги - қисқа, сотиб олувчининг балансида узун валюта позицияси очилади. Валюта форвардлари валюта рискларини хеджерлаш учун тузилади. Сотувчи, у базис валютанинг эгаси бўлганлиги учун ўзини валюта тушумидан ҳимоялайди, сотиб олувчи эса курс ўсишидан сугурталанади. Валюта курси ўзгаришидан фойда

олиш учун чайқовчилик мақсадида форвард шартномасидан фойдаланиладиган бўлса, у вақтда вақтинчалик ҳисоб форварdlари тузилади. Бу битим бўйича валюта шартли сотилади ва томонлар қўйидагича ютуқ ва зарарга эга бўлади.

Агар ҳисоб форвард битими ижро қилинадиган базис валютанинг жорий курси етказиб бериладиган валюта баҳосидан юқори бўлса, барча етказиб бериладиган валюта бўйича курслар ўртасидаги фарқни сотувчи тўлайди, агар курс паст бўлса унда сотиб олувчи тўлайди.

Форвард шартнома тузганда сотувчи доимо базис валюта курсининг ўсишини мўлжалласа, сотиб олувчи доимо курснинг тушишини мўлжаллайди.

Мисол учун 22 январ 2004 йилда А банк Б банк билан форвард шартномасини имзолади. Шартнома бўйича А банк 22 июнда б банкка 1000 АҚШ долларини 975,5 сўм/доллар курси бўйича сотиши лозим. 22 июн 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган курс 975,3 сўм/долларга тенг. Шундай қилиб, жорий валюта курси етказиб бериш курсидан паст. Бу ҳолда Б банк ютқазади, чунки у А банкка $(975,5 - 975,3) \times 1000 = 200$ сўмни сотувчининг фойдаси сифатида тўлаб бериши шарт.

Барқарор иқтисодиёт ва капиталларнинг эркин ҳаракати шароитида форвард бозоридаги нархлар фоиз ставкаларидаги фарқقا боғлиқ. Форвард курси банклараро кредит бўйича фоиз ставкалари нисбатининг спот курсга кўпайтмасига тенг

Бу операцияларда валюта курси ва суммаси битимни тузиш вақтида қайд этилади, бироқ муддат келгунча (одатда 1-6 ой) ҳисоблар ўтказилмайди. Бу операцияларда қўлланиладиган «форвард» курслар билан «спот» курсларига дисконт ёки мукофот кўринишида аниқланади.

Умуман олганда дисконт ёки мукофот миқдори «спот» курсига нисбатан барқарордир. Шунинг учун банклараро бозорда муддатли битимлар курси котировкаланадиганда кўпинча мукофот ёки дисконт аниқланади. Тўғри котировкалашда дисконт «спот» курсидан айриб ташланади, мукофот эса қўшилади, ва аксинча тескари котировкаланганда мукофот «спот» курсидан айриб ташланади, дисконт қўшилади.

Муддатли битимлар бўйича сон кўринишида котировкаланадиган валюта курслари «аутрайт» дейилади.

«Форвард» курслари бўйича дисконт ёки мукофотнинг мавжудлигининг асосий сабаби форвард битими муддатига тенг бўлган валюталардаги қисқа муддатли депозитлар бўйича фоиз ставкалари ўртасида фарқ мавжудлигидadir. Мукофот ёки дисконт қуйидаги формула орқали топилади:

$$M\backslash D = \frac{(DFC\ B * SK - DFC\ A * FTK) * FBM}{100\% \times 360}$$

Бунда, $M\backslash D$ - мукофот (+), дисконт (-);

$DFC\ B\backslash A$ - в\а валютадаги депозитлар бўйича фоиз ставкаси;

B/A - котировка наётган валюталар;

SK - «спот» курс;

FBM - «форвард» битими муддати;

FTK - «форвард» тажминий курси;

«Форвард» тажминий курси қуйидаги формула билан топилади:

$$FTK = \frac{(DFCA - DFCB) * SK * FBM}{100\% \times 360}$$

«Форвард» ёки муддатли битимлар халқаро савдода тижорат операцияларини амалга ошираётганда валюта рискидан суғурталаниш имконини беради. Тижорат операцияларини суғурталашнинг моҳияти шундаки, ташки савдо, тижорат банклари билан биргаликда валюта курси ҳаракатидан салбий натижаларни, яъни рискини йўқотиш мақсадида валютани сотиш-сотиб олиш битими ҳам тузилади.

Хорижий валютадаги муддатли операциялар зарурини, шунингдек, турли носавдо, молия операцияларини суғурталаш билан ҳам шартланади:

- хорижий валютадаги қимматли қоғозларга қўйилмалар, пул бозоридаги депозитлар, хориждаги филиалларга берилган қарзлар, тўғри

инвестициялар ва бошқалар валюта активларини ташкил этади ва улар мос валютани муддатли сотиш йўли билан сотилиши керак;

- чет эл валютасида хорижий капиталлар бозоридан олинган қарзлар валюта пассивларини ташкил этади ва суфурталаш мос валютани муддатга сотиш йўли билан амалга оширилади.

Чет эл валютасидаги муддатли битимлар қуидаги мақсадларда амалга оширилади:

- тижорат мақсадларида валюта конверсияси, яъни валюта рискини суфурталаш учун валюта тушумларини олдиндан сотиш ёки тўловлар учун хорижий валютани сотиб олиш;
- хорижга портфель ва тўғри инвестицияларни, улар амалга оширилган валюта курсининг мумкин бўлган пасайиши натижасидан кўриладиган зарарлардан суфурталаш;
- курслар ўртасидаги фарқдан спекулятив фойда олиш.

Муддатли валюта операцияларини конверсия, суфурталаш ва чайқовчилик операцияларга бўлиш мумкин. Уларнинг барчасида чайқовчилик элементи мавжуд.

Чайқовчилик характердаги муддатли битимлар орасида валюта курси пасайиши ёки кўтарилишида ўйнаш фарқланади. Агарда валюта курси пасайиши кутилаётган бўлса, «пасайтирувчилар» валютани шу пайтдаги форвард курси бўйича сотади. Ва маълум муддат ўтгач сотиб олувчига паст курсда сотиб олинган валютани сотади, яъни курслар ўртасидаги фарқдан фойда оладилар. Агарда валюта курси кўтарилиши кутилаётган бўлса, «кўтарувчилар» битим тузилаётган пайтда қайд этилган курсда сотувчидан валютани олиш ва баландроқ курс бўйича сотиб фойда олишни кўзлаб, валютани форвард ёки спот битимлари бўйича сотиб оладилар. Бунаقا операциялар расмий девальвация ёки ревалвацияни кутган ҳолда оммавий ҳажмларда тузилади.

Фьючерс операциялари. Муддатли валюта

операцияларидан яна бири бўлган молиявий фьючерс битимлари, 70-йилда ҳалқаро валюта бозорида биринчи бор қўлланилишининг ўзидаёқ кенг тарқалди. Бу операция активларни битим имзоланаётган пайтдаги нархлар бўйича бирор вақт ўтиши билан сотиб олишни ёки сотишни ифодалайди.

Бу олди-сотди операцияси фьючерс шартномаси асосида амалга оширилади. Унда операцияга муддати, мижозларнинг ҳисоб рақами, қатнашчилари, контроагентлар, олди-сотди обьекти, мол етказиб бериш муддати, мол миқдори ва нархлари кўрсатилилади.

Валюта фьючерсси эса - бу келажакда валюта олди-сотдисига тузилган шартнома бўлиб, у бўйича сотувчи кўрсатилган ва муддатда ўрнатилган муддатларда, ўрнатилган курс бўйича аниқ бир валюта миқдорини сотиш, харидор эса шу валютани шу шартларда сотиб олиш мажбуриятларини оладилар.

Фьючерс шартномаси унинг бажарилиш муддати етиб келгунга қадар харидор томонидан сотилиб, кейинги харидорларга ҳам қайта сотилиши мумкин. Шунинг учун фьючерслар савдосида:

1. Валюта бўйича келажакда валюта курси ўзгаришини кўра билиш;

2. Фьючерс амал қилиш муддатида доимо курс ўзгаришларини кузатиб бориш ва нохуш ҳолат кўрина бошлигандан ундан ўз вактида холис бўлиш муҳим аҳамият касб этади.

Фьючерс шартномалари икки вазифани амалга оширади:

а) инвесторларга бозорда валюта курсининг нохуш ўзгаришлари билан боғлиқ бўлган рискни жекирлашга имкон беради;

б) биржадаги чайковчиларга бундан фойда олишга имкон беради.

Фьючерс операцияларидан олинадиган фойдани маржа деб ҳам юритилади. Валюта харидига фьючерс учун маржа куйидагича аниқланади:

$$M=K \text{ (Сб-Спок)}$$

Бунда M - маржа миқдори, миллий валютада;

K - фьючерс бўйича битим миқдори (сотиб олинаётган валюта миқдори);

Сб - позиция ёпилаёттан вақтдаги валюта биржасидаги USD курси (фьючерс сотилғанда) ёки мил валюталар, USD;

Спок - фьючерс бүйічка битимдаги валюта сотиб олишга курси, миллий валюталар курси.

Валюта сотишга фьючерс учун маржа:

$$M=K \text{ (Спр-Сб)}$$

Бунда Спр - фьючерс бүйічка битимда валюта сотишга USD курси, миллий валюта USD.

Фьючерс битимлари форвард битимларидан фарқ қылган ҳолда:

- жуда оддий бекор қилинади;
- валютанинг қаттый белгиланған суммасига тузилади, (масалан, АҚШ долларига фьючерс бүйічка 25000 ф.ст., АҚШ долларига фьючерс бүйічка 125000 евро вах.к.);
- расмий биржаларда сотилади ва бунда фақат оғзаки олди-сотди қилиш тан олинған;
- Фьючерс сотувчилари фьючерс мажбуриятларининг бажарылышини кафолатлаш учун биржа диллерларига пуллик маржали тұлашни құзда тутишлари керак.

Фьючерс операциялари, яғни валюта фьючерслари ҳозирги пайтда қуидаги биржаларда амалға оширилади:

- Сингапур халқаро пул биржаси (SIME)*
- Лондон халқаро молия фьючерслари биржаси (LIFFE);
- Чикағодаги халқаро пул бозори (IMM).

Фьючерс битимлари жамши кейинги йилларда ИММда жуда күпайған, аммо улар Европадаги биржаларда унча көңг тарқалмаган. Бунга сабаб Европада «Форвард» базасида валюталар савдосини яхши ривожланған ва самарали амалға ошираёттан биржалардан диди.

Валюта фьючерслари - бу биржада амалға ошириладиган, түлов муддати күрсатилған ва битим жаммлари андозага келтирилған муддатли валюта операцияларидир. «Форвард» операцияларидан фарқлы равиша ҳозирги пайтда фақат бир неча валюта фьючерс битимлари бўлиб қатнашади.

Форвард операциялардан яна бир фарқи шундаки, валюта фьючерси контрактининг харидори ва сотувчиси

банк билан эмас, балки контрапартнер сифатида қатнашувчи биржанинг Клиринг палатаси билан бирга ҳамкорлик қиласидар. Клиринг палатаси сотувчи ва харидорлар ўртасидаги операцияларнинг амалга оширишда восита бўлиб иштирок этади.

Фьючерс операцияларининг форвард операцияларидан учинчи фарқи шундаги, фьючерс битимлари тузилаётганда тузилган битим бажарилиши кафолати сифатида Клиринг палатасига нақд кафолат депозити ўтказилади. Бу кафолат депозити курснинг салбий ҳаракати натижасида кўриладиган ҳар қандай заарларнинг қопланисини таъминлайди. Биржадаги ҳар битим учун бошлангич кафолат депозити белгиланади. 90-йилларда LFFE да бошлангич депозит Швейцария франкининг ҳар бир фьючерс контракти учун 15000 АҚШ доллари миқдорида белгиланган. Бу депозит битим қийматининг тажминан 25% инни ташкил этади.

«Фьючерс» курслари «аутрайт» курслари каби мукофот ёки дисконт ажратилмаган ҳолда котировкаланади.

«Фьючерс» операциялари фақатгина АҚШ бозорида муҳим ўрин тутади ва АҚШдаги барча валюта операцияларнинг 15 фоизини ташкил этади.

Опционлар билан битимлар. Муддатли валюта операцияларининг яна бир тури бу валюта опционлариридир. Валюта опциони биринчи марта 1982 йили Филаделфия Биржасида амалга оширилган эди. Шундан сўнг, валюта опционлари билан савдо жаҳонни кўпчилик биржаларида амалга оширила бошланди. Опциондан инвестиция портфелини муҳим элементи ва сугурталашни самарали усули сифатида фойдаланиш учун унинг қандай ишлашини билиш лозим. Опцион - бу келишилган муддат тугагунга қадар битим тузяётган пайтдаги курс бўйича маълум валютанинг маълум миқдорини сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқини, томонларнинг бирига белгиланган комиссия (мукофот) тўланган ҳолда, бериш бўйича келишиб олинган икки томонлама шартномадир.

Валюта опциони харидорига маълум бир муддат ёки муддат оралиғида маълум бир қийматдаги валютани опционда белгиланган нарх бўйича сотиш ёки харид қилиш

битимларининг жамланган суммаси ва вақтнинг даврий ийфиндисидир.

Бу опционларни муомалада бўлиши ўзининг орқасидан катта рискни олиб келади, шунга мувофиқ савдонинг асосий ҳажми мос келувчи тижорат битимларида қайд қилинмайди, чунки улар чайқовчилик характеристига эгадир. Қоида бўйича, бу каби опционларда буюртмага нисбатан нархларни диапазони нисбатан камроқdir. Биржа опционларининг камчилиги бўлиб, уни тугаллаш ва керакли суммани аниқ "мослаш"нинг иложи йўқлиги ҳисобланади.

Валюта опционларининг оммабоплиги ўсиб ва ундан фойдаланиш борган сари кенгайиб бормоқда. Банклар ўзларининг мижозларига уларни сотишда фаол қатнашишга ҳаракат қиласидилар.

Лекин валюта опционларининг қуидаги камчилклари мавжуддир:

а) Валюта опционлари компанияларни нафакат ёмон ҳолатдан балки, валюта рискларидан ҳам ҳимоя қиласиди, яъни уларга валюта курсларининг "ижобий" ўзгаришидан фойдаланиш имкониятини беради. Бу хизмат сўзсиз қиммат ҳисобланади. Мукофот қиймати валюта билан қопланган умумий сумманинг 5 %ни ташкил қиласиди. Шундай бўлсада, сумманинг аниқлиги кутилаётган курснинг айирбошланишидаги ўзгаришига боғлиқдир.

б) "Олдиндан" тўловнинг зарурлиги. Валюта опционлари уни тузиш вақтида тўланилади. Бу барча компанияларга ёқмайди, чунки улар опционни амалга оширишни истасалар ҳам улар ҳар доим нақд пулга эга бўлмайдилар.

в) Савдо опционларини барча валюталарга нисбатан олиб бўлсада, биржадан ташқаридағи опционлар ҳар қандай эркин конвертиранадиган валютага эркин тарзда сотилади.

г) Биржадан ташқари опционлар муомаласининг мавжуд эмаслиги.

Свош. Валюта бозоридаги жалқаро битимлар, хусусан капиталнинг қисқа муддатли экспорти свош битимларидан тез-тез фойдаланишга олиб келмоқда.

Агар капитал экспорти бошқа валютага боғланиши таҳмин қилса ва кафолат асосида бажарилиши шарт ҳисобланса унда бу муносабат своп-битимдан фойдаланишини тақозо этади.

Своп операцияси - бу бир вақтнинг ўзида чет эл валютасини ҳар хил санага турли ҳисоб-китоблар шартида teng суммада сотиб олиш ва сотишни кўзда тулади.

СВОП («swap», «swop» - алмашиниш, алмашиш) операциялари -бу турли муддатларда ҳисобланниш шартларида teng суммаларда бир вақтнинг ўзида валютани сотиб олиш ва сотишdir. СВОПни - кейинчалик сотиш кафолати билан вақтинчалик сотиб олишdir, деб ҳам тарифлаш мумкин. Амалиётда СВОП валюта алмаштириш бўйича икки алоҳида шартноманинг бир вақтнинг ўзида ифодаланишини билдиради. Бу шартномалар қарама-қарши йўналишга ва турли ҳисоблаш муддатларига эга. Биринчи шартнома бўйича валюта маълум муддатга етказиб бериш шартларида иккинчи валютага алмаштириш орқали сотиб олинади. Иккинчи шартнома бўйича, биринчи валюта бошқа муддатга етказиб бериш шартларида иккинчи валютага алмаштириш орқали сотилади. Яъни своп - бу валютани келажакда сотиб юбориш гарови билан қандайдир вақтга сотиб олишdir. Бунда бир вақтнинг ўзида валюта алмашуви бўйича иккита алоҳида битим тузилади. Бу битимлар қарама-қарши йўналишга ва турли ҳисоб-китоб санасига эга бўлади. Биринчи битим бўйича биринчи валюта иккincinnisiga сотиб олинади ва муайян бир муддатда етказиб берилади. Иккинчи битим бўйича биринчи валюта иккинчи валютага сотилади ва бошқа бир муддатда етказиб берилади.

СВОП валюта операцияларини кўпинча банклар ўтказади. Бунда икки банк ўртасидаги битим муддати тугагач бошлангич валюталарни бир-бирига қайтариш шартларида маълум муддатга икки валютани алмаштириш юз беради. Алмаштириш бир вақтда тузилган, аммо валюта етказиб бериш- муддатлари турли, «спот»-бир битим бўйича, бўлган икки қарама-қарши битим шаклида ўтказилади. Натижада икки банк ҳам ўз ихтиёрида муддатли битим бўйича валютани сотиш муддатигача «спот» шартларида сотиб олинган валютага эга бўлади.

«СВОП» операциялари қўйидаги мақсадларда ишлатилади:

- тижорат битимини амалга ошириш. Банк хорижий валютани «спот» шарттида сотади ва бир вақтнинг ўзида уни муддатга сотиб олади. Масалан, тижорат банки 6 ой муддатга ортиқча долларларга эга. У долларларни миллий валютага «спот» шартларида сотади. Бир вақтнинг ўзида, 6 ойдан кейин долларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда банк «форвард» курси бўйича валютани сотиб олади. Бунда курслар ўртасидаги фарқдан зарар кўриш мумкин, аммо пировард натижада банк миллий валютани кредитига бериш орқали фойда олади;
- банк томонидан зарур валютани рисксиз (контрбитим орқали қоплаш асосида) халқаро ҳисоб-китобларни таъминлаш учун сотиб олиш;
- ўзаро банклараро икки валютада кредитлаш 60-йилларда, Бреттон-Вудс валюта тизими инқирозга юз тутган пайтда, давлат валюта интервенциялари кенг тарқалди. «СВОП» операциялари саноати ривожланган мамлакатлар Марказий банклари томонидан хорижий валютадаги ўз резервларини вақтинчалик мустаҳкамлаш учун фойдаланилди. 80-йиллардан бошлаб, Марказий банклар ўртасида «СВОП» операциялари амалга оширилиши тўхтатилди.

Форвард бозоридаги баҳолар барқарор иқтисодиёт ва капиталнинг эркин ҳаракати шароитларида фоиз ставкалари фарқига боғлиқ. «Форвард» курси қўйидаги формула орқали аниқланади.

$$\Phi = \frac{(1+a)^*C}{(1+l)}$$

Бунда, Φ - валютанинг “форвард” курси;

C - валютанинг “спот” курси;

a - банклараро кредит бўйича фоиз ставкалари;

l - либор ставкаси (Лондон банклараро ставкаси)

Нобарқарор иқтисодиёт шароитларида ҳисоб-китобларда форвард курси қўлланилмайди. Валютанинг баҳоси шартнома асосида белгиланади.

«СВОП» операцияларининг афзаллиги шундаки,

уларда валюта риски бўлмайди ёки кам бўлади. Турли вақтларда сотиб олинган ва сотилган валюталар, ҳақиқатда тескари СВОП ни ташкил қилган ҳолда сотилиши ва сотиб олиниши мумкин. Шунинг учун агарда қопланилган позиция фақатгина ҳисоблашиш вақтлари фарқи сабабли вужудга келаётган бўлса, уни осонгина бутунлай қоплаш ёки камайтириш мумкин. СВОП - бу жорий фоиз ставкалари таъсири остида юз бераётган, бир валюта форвард маржасининг ўзгариши бошқа валюта форвард маржасига қандай таъсир кўрсатиши бўйича турли фикрларга эга бўлган брокерлар (дилерлар) нинг ўзаро фаолиятидир. СВОП операциялари фоизлар бўйича ҳам амалга оширилади.

Своп операцияларидан кўпгина банклар ўзларининг чет эл валютасидаги мажбуриятларини қоплаш мақсадида фойдаланиладидар. Своп операциялари ёрдамида банклар ўз валюта позицияларини мувофиқлаштиришлари ҳамда валюта курсларининг тебранишининг олдини олишлари мумкин. Своп операцияси икки банк томонидан амалга оширилганда бир банк иккинчисига бир валютани, иккинчиси иккинчи валютани алмашади ва қандайдир вақт ўтиши билан валюталар қайтариб олинади. Айирбошлаш бир вақтда икки қарама-қарши валюта битими шаклида олиб борилади ва валюталарни етказиб бериш муддатлари турлича бўлади. Битимларнинг бири - спот иккинчиси-форвард кўринишда бўлади. Натижада иkkala банк форвард битими орқали сотгунча бўлган вақтга спот битими орқали жарид қилинган валютага эга бўлади.

Валюта биржасида своп операцияси опцион билан ҳам бирга амалга оширилиши мумкин. Бунда опцион премиясини тўлаш ўрнига муайян шартларда своп операциясини ўтказишига опцион ёзилади. Бунаقا операция свопцион дейилади.

Своп операцияси репорт ёки депортнинг бир шаклидир, яъни валютани нақд сотиш ва муддат ўтиши билан сотиб олишнинг комбинацияси ёки акси.

Репорт битимида валюта соҳиби уни банкка (ёки биржада) муайян муддат ўтиши билан юқорироқ нархда сотиб олиш шарти билан сотади, чунки унингча муддати келганда, валютанинг бозордаги нархи валютани банкдан

1. Арбитражёр томонидан АҚШ долларида депозит очилади;
2. Доллар «спот» курси бўйича еврога алмаштирилади;
3. Еврони депозитда сақлаш ва депозит муддати тугагач, уларни олиш режалаштирилади;
4. Еврони иккинчи «спот» курси бўйича долларга ўтказиш ва арбитражёр уни олиши лозим бўлади.

Форвард қопланишсиз фоиз арбитражи арбитражёр учун валюта риски билан боғлиқ, чунки унинг натижаси нафақат валюталар бўйича фоиз ставкалар нисбатига, шунингдек депозит муддати даврида валюта курсининг ўзгаришига ҳам боғлиқ.

Сузиб юрувчи валюта курслари шароитида уларнинг тебраниши, одатда, турли валюталар ўртасидаги фоиз ставкалари фарқини анчагина қисқартиради. Бу арбитражёларнинг форвард қопланишсиз фоиз арбитражини амалга ошираётганда фоиз ставкалари ўлчамига эмас, балки валюта курсларининг кутилаётган ўзгаришларига эътибор беришини зарурият қилиб қўяди.

Валюта рискларининг кескин ўсиши амалда форвард қопланишсиз фоиз арбитражини валюта чайқовчига айлантиради. Валюта чайқовчилиги - бу вақтлардаги ёки турли бозорлардаги валюта курсларининг ўзгаришидан фойда олиш мақсадида, валюта рискини бўйнига олиб, амалга ошириладиган операциялардир. Валюта чайқовчилигига аввалом бор нақдсиз ва нақд валюта курслари ўртасидаги фарқقا ўйнаш киритилади. Бунда, масалан, ички бозорда миллий валютага эркин конвертиранадиган валюта сотиб олишади, нақд пулга айлантирилади ва миллий валютада сотилади.

Валюта чайқовчилигининг яна бир тури «Лидз энд легз» операцияларидир. «Лидз энд легз» (Leads and legs) - бу молиявий ва бошқа фойда олиш мақсадида ҳисоблашиш муддатларини тезлаштириш ёки чўзиш билан боғлиқ бўлган валюта операцияларининг туридир. «Лидз энд легз» контракт бўйича тўлов муддати ва шартномаларини ўзгартириш орқали томонларнинг келишуви шаклида расмийлаштирилади. У шу билан бирга шартнома шартларини томонлардан бири бузишида ҳам кўпланилиши мумкин. Ташки савдода «Лидз энд легз»

валюта курслари, фоиз ставкаси, валюта чекловлари тузиш, солиқса тортиш ва бошқаларнинг сезиларли ўзгаришини мўлжаллаб қўлланилади. «Лидз энд легз» нинг асосий шакллари қўйидагилар:

- ◆ маҳсулот хизматларини вақтидан олдин тўлаш ёки тўловни кечиктириш;
- ◆ тижорат операциясининг ўзини ёки унинг кредитга расмийлаштирилишининг кечиклаштирилиши;
- ◆ фойданинг репатриациясини фоизлар, дивиденdlар тўлашни ёки кредитларни қоплашни тезлаштириш (ёки кечиктириш), (Репатриация – даромадни хорижий давлатдан эмитент - мамлакатга ўтказиш);
- ◆ хорижий валюта маблағларини олувчи томондан конверсия муддатларини, миллий валютада тушимларни тартибга солиш ва валюта рискларини суғурталаш бўйича операцияларни амалга ошириш;
- ◆ товарлар экспортини таъминлайдиган ишлаб чиқаришлар учун буюмлар ва хом-ашё сотиб олиш ва бошқалар.

4-§. Валюта операциялари билан боғлиқ рискларни суғурталаш

Валюта риски кенг маънода ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчиларининг ташқи иқтисодий операциялари билан боғлиқ хўжалик фаолиятига валюта курслари ўзгаришининг таъсири мумкинлигини ифодалайди. Халқаро иқтисодий операцияларнинг барча субъектлари: давлатлар, банклар, савдо ва саноат компаниялари, бошқа юридик ва жисмоний шахслар валюта рискига дуч келадилар.

Валюта риски – бу ташқи савдо, кредит, валюта операцияларини амалга ошираётганда ва валюта маблағларини сақлаётганда хорижий валюта курсининг миллий валютага нисбатан ўзгариши билан боғлиқ валюта йўқотишлари хавф-хатаридир.

Экспортер (кредитор) одатда шартнома тузиш ва у

бўйича тўловлар амалга оширилиши даврида миллий валютанинг курси пасайганда зарар кўради. Импортер (дебитор) курснинг қарама қарши йўналишда ҳаракатида зарар кўради. Валюта риски битим имзолаётганда қатнашувчи режалаштирган суммадан тушум ёки тўлов суммасининг ўзгаришида намоён бўлади.

Халқаро иқтисодий битим қатнашчилари учун валюта рискининг юзага келишининг қўйидаги сабабларини кўрсатиш мумкин:

- ◆ очиқ валюта позицияларининг мавжудлиги;
- ◆ битим валютаси сифатида ҳорижий валютадан фойдаланиш;
- ◆ битим тузилиши ва у бўйича тўлов амалга оширилиши ўртасида вақт бўйича узиши мавжудлиги.

Очиқ валюта позицияси валюта риски билан боғлиқ, фирмалар учун қўшимча даромад ёки заарлар кўришга олиб келиши мумкин. Шунинг учун кўпгина мамлакатларда давлат молия органлари очиқ валюта позицияларининг ҳажмини белгилайди. Масалан, Германия ва Францияда очиқ валюта позицияси бўйича лимити банк балансининг 20 %га teng қилиб белгиланган. Валюта рискининг биринчи тури аниқ валюта операцияларига, ташқи савдо ва кредит битимларига хос бўлиб, улар нақд валюта заарлари риски дейилади. Валюта рискининг иккинчи тури ташқи савдо битимлари билан бевосита боғлиқ бўлмаган, банк, фирма балансининг ҳорижий валютада ифодаланган актив ва пассив моддаларини қайта баҳолашда, шунингдек ҳорижий валют зажиралари қийматини ва филиалларининг миллий валюталардаги фойдаларини қайта баҳолашда юзага келадиган валюта рискидир.

Банк, биржа ва тижорат амалиётида «хеджинг» термини келажакда валюта курсларининг салбий ўзгаришидан валюта рискларини сугурталашнинг турли усусларини ифодалаш учун қўлланилади. Курслар ўзгариш рискини сугурталаш учун хизмат қиласидиган контракт «хедж» дейилади. Хеджингни амалга ошираётган жўжалик юритувчи субъект «хеджер» дейилади. Хеджинг операцияларининг икки тури, яъни

күтарилиши ва пасайишга қаратилган хеджинг мавжуд.

Күтарилишга қаратилган хеджинг ёки сотиб олиш орқали хеджинг - бу муддатли контрактлари: даромад ёки опционларни сотиб олиш бўйича биржа операциясидир. Хеджингнинг бу шаклини баъзан «узун хедж» дейилади, чунки у контрактни сотиб олиш, яъни бозор учун позицияни эгаллаш билан боғлиқ. Бу хеджнинг қўлланиш тартиби қўйидагича: агарда шу валюта бозорида қисқа позицияда бўлсангиз, яъни сизга валюта керак, аммо у сизда мавжуд бўймас, бозорда узун позицияни эгаллаш лозим. Бошқача қилиб айтганда, келгусида валютани сотиб олишни режалаштириб, ҳозирнинг ўзида форвард шартномасини ёки опционни сотиб олиш керак. Кўтаришига қаратилган хеджинг валюта курсининг келгусида мумкин бўлган кўтарилишидан суфурталаниш зарур бўлган ҳолларда қўлланилади. У валютани сотиб олиш баҳосини валюта олинганидан анча олдинроқ белгилаш имконини беради.

Пасайишга қаратилган хеджинг ёки сотиш орқали хеджинг - бу муддатли контрактларни сотиш бўйича биржа операциясидир. Хеджингнинг бу тури баъзан «қисқа хедж» ҳам дейилади, чунки у контрактни сотиш ёки бозорда қисқа позицияни эгаллаш билан боғлиқдир. қисқа хедждан фойдаланиш тартиби қўйидагича: масалан, сиз узун позициядасиз, яъни сизда валюта мавжуд бўлса, унда валюта бозорида қисқа позицияни эгаллаш зарур. Бошқача қилиб айтганда, ҳозирнинг ўзида форвард контракти ёки опционни сотиш керак. Пасайишга қаратилган хеджингни амалга ошираётганда жежер келгусида валютани сотишини мўлжаллайди, шунинг учун биржада форвард контрактни ёки опционни сотаётиб, у ўзини келажакда валюта курсининг пасайишидан суфурталайди.

Муддатли контрактлар бозорида спекулянтлар муҳим роль ўйнайди. Баҳолар ўртасидаги фарқ билан ўйнаш орқали фойда олиш умидида рискни ўз зиммасига олиб, чайқовчилар баҳолар барқарорлаштирувчиси ролини ўйнайдилар. Биржада муддатли контрактларни сотиб олаётганда чайқовчи кафолат бадалини тўлайди. Унинг миқдори чайқовчи

риски миқдорига тенг бўлади. Агар валюта курси пасайса, илгари контрактлар сотиб олган чайқовчи кафолат бадалига тенг бўлган суммани қайтариб олади ва валюта курси билан сотиб олинган контракт курси ўртасидаги фарқдан қўшимча даромад олади.

Форвард контрактлари ва опциоnlар ёрдамида хеджингни қўллашнинг ҳам афзалликлари, ҳам камчиликлари мавжуд. Форвард контрактларининг афзалиги олдиндан қилинадиган ҳаракатларнинг йўқлиги ва валюта курсининг салбий ўзгариши оқибатларидан химояланганлигидир. Камчилиги эса қўлдан чиқарилган фойда риски билан боғлиқ потенциал заарлардир. Опциоnlарни қўллашнинг қулайлиги валюта курсининг салбий ўзгаришидан бутунлай химояланганликда ва камчилиги опцион мукофоти тўланишидадир.

Биржада опцион спрэdlарининг сотиб олиниши ва сотилиши амалга оширилади. Спрэd порцияси - бу турли «страйк» баҳоларда ёки муддатларда бир опционни сотиб олиш ва шу турдаги опционни сотишdir. Бу стратегия спрэdnи сотиб оловчига кутилаётган валюта курсининг ўзгаришидан фойда олиш имконини беради ва позициянинг бошлангич баҳосини пасайтиради. Спрэdnи сотиб оловчи салмоқли чегараланган даромаддан “воз кечиш” орқали рискни камайтиришга ҳаракат қиласи.

Вертикал, горизонтал ва диагонал спрэdlар мавжуд. Вертикал спрэd бир хил муддатга, лекин турли страйл баҳоларда опционларни сотиб олиш ва сотишdir. Горизонтал спрэd бир хил страйл баҳоларда, аммо турли муддатларда опционларни сотиб олиш ва сотишdir. Диагонал спрэd вертикал ва горизонтал спрэdlарнинг ўзаро аралашмасидир. Опциоnlар ёрдамида хеджинг амалга оширалаётганда «дельтажеджинг» деб аталувчи операциялар қўлланилиши мумкин. Унинг асосида дельта коэффициентида фойдаланиш ётади. Дельта - бу страйл баҳонинг валюта жорий курсининг ўзгаришига муносабатидир. Мажбуриятлар бўйича рискларини тўлиқ нейтраллаштириш учун сотиб олишга опционларнинг қанча миқдори сотиб олиниши ёки сотилиши кераклигини

күрсатувчи сүгурта коэффициенти «Дельта» - қиймати 0 дан 1 гача тебраниб турувчи каср сондир.

Валюта риски даражасини икки усулни қўллаш орқали камайтириш мумкин:

1. Баҳо валютасини тўғри танлаш.

2. Контрактлар бўйича валюта позициясини тартибга солиш.

Ташқи иқтисодий шартнома баҳоси валютасини тўғри танлаш усули - бу ташкилот учун курси ўзгариши фойдали бўлган валютада контракт баҳосини белгилашдир. Экспортер учун бу валюта “кучли” валюта, контракт муддати даврида курси кўтарилаётган валюта импортер учун «кучсиз» валюта, яъни курси тушаётган валютадир.

Тузилаётган ташқи иқтисодий контрактлар бўйича валюта порцияларини тартибга солиш усули турли мамлакатлардан ҳамкорлар билан кўплаб ташқи иқтисодий битимлар тузилаётган хўжалик субъектлари томонидан қўлланилиши мумкин. Бу усулниг мазмуну тузилаётган контрактлар бўйича пул талаблари ва мажбуриятлари таркибини баланслашганигини таъминлашдир. Бу қуйидаги 2 усул билан амалга оширилиши мумкин:

1. Экспорт ва импорт бўйича контрактлар бир вақтда имзоланаётганда, бу контрактлар бир валютада тузилишига ва тўлов муддатлари тахминан мос келишига эътибор бериш керак. Бу ҳолда экспорт бўйича валюта курси ўзгаришидан зарарлар импорт бўйича кўрилган фойдадан қопланади ва аксинча.

2. Агарда хўжалик субъекти ташқи иқтисодий фаолиятнинг бир йўналишига ихтисослашган бўлса, валюталар таркибини диверсификация қилиш, яъни контрактларни курслари қарама-қарши йўналишида ўзгарувчи валюталарда тузиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Валюта рискларидан сугурталаниш икки усул ёрдамида амалга оширилади:

а) валюта эслатмалари;

б) фарвард операциялари.

Валюта эслатмалари - бу шартнома матнига махсус қўйиладиган шундай шартларки, уларга мувофиқ тўлов

суммасини тўлов валютаси курсисининг баҳо валютасига нисбатан ўзгаришига пропорционал қайта кўриб чиқилади. Валюта эслатмалари лозим бўлган тўлов миқдорларини валюта ва маҳсулотлар бозорларидаги ўзгаришларга боғлайди. Бу валюта рискларидан сугурталанишининг энг кенг тарқалган усулидир.

Валюта эслатмалари эгри, тўғри ва мультивалюта эслатмаларига бўлинади:

Эгри валюта эслатмалари, маҳсулот баҳоси халқаро ҳисоб-китобларда кенг тарқалган валюталарда (доллар, евро, иен ва б.) қайд этилиб, тўлов бошқа пул бирлигida, одатда миллий валютада белгиланган бўлса, қўлланилади.

Тўғри валюта эслатмалари, баҳо ва тўлов валюталари мос бўлиб, шартномада белгиланган тўлов суммаси миқдори эслатма валютаси дейиладиган барқарорроқ валютага нисбатан ҳисоб-китоб валюта курсининг ўзгаришига боғлиқ қилиб қўйилган ҳолларда қўлланилади.

Мультивалюта эслатмалари - бу курси маълум методика ёрдамида, уларнинг ўртача миқдори сифатида ҳисобланадиган «валюта корзинаси ёки савати» га нисбатан тўлов ваоситаси курсининг ўзгаришига пропорционал равишда тўлов суммаси коррекция қилиш, яъни тўғрилашга асосланадиган эслатмалардир.

Сугурталашдаги форвард операциялари форвард қопланилиши, яъни баҳо рискига қарши сугурталашни билдиради. Форвард қопланиши валюта сотиб олувчи ва сотувчи ўртасида валюта курсининг кўзда тутилмаган ўзгаришидан ўзларини сугурталаш учун тузиладиган муддатли шартнома асосида амалга оширилади.

Форвард операцияларида экспортер ўзи келгуси валюта тушумларини форвард курси бўйича сотади. Форвард курси спот курсига мукофот қўйиши ёки дисконтни чегириб ташлаш орқали топилади. Масалан, айтайлик экспортер З ойдан кейин 100 минг доллар валюта тушумини олади. Экспортер З ойдан кейинги валюта курсларининг ўзгаришидан сугурталаниш мақсадида, 100 минг долларни форвард курсларида сотади. Бунда валютани етказиб бериш муддати билан валютанинг келиб тушиши муддатлари мос келиши

керак. Форвард операциялари ваколати банклар томонидан амалга оширилади.

5-§. Ўзбекистонда валюта бозори ва валюта операциялари

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгандан сўнг ҳалқаро иқтисодий молиявий муносабатларининг субъекти сифатида, жаҳон, хўжалигида мухим ўрин эгаллаб бормоқда. Ўзбекистонда кўплаб ҳорижий инвестицияларга асосланган қўшма корхоналар, трансмиллий корпорацияларнинг ваколатхоналари очилмоқда. Ўзбекистон ҳорижий мамлакатлар билан товарлар ва хизматлар билан савдо-сотиқ қилиш, ссуда капитали ва инвестицияларнинг ҳаракати, ишлаб чиқариш ва илм-фан борасида, ишчи кучининг миграцияси ва ҳалқаро туркум соҳаларида ташқи иқтисодий, молиявий алоқаларга киришган. Булар ўз навбатида валюталарнинг олди-сотдисини тақозо қиласиди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси ўзининг валюта сиёсатини ишлаб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюта-иктисодий сиёсати концепцияси иқтисодий ислоҳотлар дастурига таркибий қисм бўлиб киради. Ўзбекистонда валютани тартибга солиш департаменти, кейинроқ эса Республика валюта биржаси тузилди. Бу биржада ҳозирги кунда қаттиқ валюталар билан ҳам, юмшоқ валюталар билан ҳам фаол операциялар ўтказилмоқда.

Вазирлар Мажкамасининг 1994 йил 23 ноябрдаги 566-сонли «Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида операциялар ҳажмини кенгайтириш тадбирлари тўғрисидаги» қарорига биноан Ўзбекистонда корхоналар ва ташкилотларнинг чет эл валютасидаги вақтинчалик бўш маблағларини жалб қилиш, ҳамда ўтказилаётган валюта алмаштириш операциялари самарадорлигини ошириш ҳисобига валюта бозори ҳажми кенгайтирилди. Чет эл валютасини сотиб олиш, сотиш ва валюта операцияларининг самарадорлигини ошириш бўйича (валюта алмаштириш) конверсия операцияларини

республика иқтисодиётини ривожлантириш устуворликларига мувофиқ ўтказиш тартиби белгиланди.

Бу қарорга мувофиқ, валюта биржасида эркин алмаштириладиган валютани устувор тартибда сотишига доир операциялар қуйидаги вазифаларни бажариш учун ўтказилади:

1. Ишлаб чиқариладиган товарлар, технологиялар ва хизматларни экспорт қилиш асосида ишлаб чиқаришини валютада қоплашни таъминлайдиган ёки импортнинг ўрнини босувчи ҳисобланган ва устуворлар рўйхатига киритилган ишлаб чиқаришлар учун технологиилар сотиб олиш учун валюта алмаштириш лозимлиги таъкидланган эди. Қуйидаги тармоқлар устувор валюта алмаштириш (конвертираш) ҳуқуқидан фойдаланадилар:

- ◆ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш;
- ◆ маҳаллий хом-ашёга асосланиб озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- ◆ маҳаллий хом-ашёдан халқ истеъмоли учун товарлар ишлаб чиқариш;
- ◆ тиббиёт жиҳозлари ва дори-дормонлари ишлаб чиқариш;
- ◆ товарлар экспортини таъминлайдиган ва импортнинг ўрнини босадиган айни пайтда фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш учун бутлаш қисмлари ва хом-ашё сотиб олиш ва бошқалар.

2. Марказий банкнинг сўмларни эркин алмаштириладиган валютага алмаштириш ҳуқуқини берадиган патентлари бўйича истеъмол бозорини халқ истеъмоли ва озиқ-овқат товарлари билан тўлдириш билан шугулланувчи субъектларга валюта операцияларида устуворлик берилган эди.

Республика валюта бозорида устувор пул алмаштириш ҳуқуқини берадиган импорт озиқ-овқатлар рўйхатига шакар, қуритилган сут, болалар озиқ-овқат маҳсулотлари, чой, сариёғ, гўшт ва озиқ овқат концентратлари киритилган.

Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида ҳафтасига беш кун валюталар курслари котировкаси

амалга оширилади. Бунда валюта курслари кросс-курс ёрдамида аниқланади.

Маълумки, импорт чет эл валютасига талабни келтириб чиқаради, экспорт эса, ўз навбатида, унинг таклифини яратади. Чет эл валютасига талаб ва таклиф бир-бири билан валюта бозорида мужассамланади. Хўжалик субъектлари зарур миқдордаги чет эл валютасини сотиб олиш истагини билдириб, маҳсус банкларга мурожаат қиласиди. Банклар жорий валюта курси бўйича уларга чет эл валютасини сотиши мумкин. Тижорат банкларининг чет эл валютасини сотиши имконияти чексиз бўлмайди ва уларнинг активида миллий ҳамда чет эл валютасидаги маблағларнинг мавжудлик миқдори лимитланади. Агар сотиб олишга талаб тушган пайтда тижорат банки активлари мажмуасида валюта етарли бўлмаса, у банклараро валюта бозорида бошқа банкдан ёки халқаро валюта бозорида бирон бир чет эл банкидан зарур валютани сотиб олиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ички валюта бозори икки қисмдан иборат:

1. Республика валюта биржаси. Валюта биржасида - норезидентларни иштирок этишига рухсат этилмайди. Унга фақат республикадаги ваколатли тижорат банклари аъзо бўлиши мумкин.

2. Биржадан ташқари валюта бозори.

Ўзбекистон Республикаси миллий валюта бозорида чет эл валюталарини сотиб олиш ва сотиши йўли билан миллий валюта курсига таъсир этиш мақсадида девиз сиёсати ўtkазилади. Девиз сиёсатининг қуйидаги асосий қўринишлари мавжуд:

1. Валюта интервенцияси, яъни миллий валюта курсининг қисқа муддатли вақт оралиқларида юзага келадиган кескин тебранишларига барҳам бериш мақсадида Марказий банк томонидан чет эл валюталарини сотилиши ёки сотиб олиниши.

2. Чет эл валюта резервларини диверсификация қилиш, яъни бир вақтнинг ўзида бир нечта хорижий давлатлар валютасида резервлар ташкил қилиш. Шунинг учун корхоналар, банклар ва ҳукумат бир вақтнинг ўзида бир неча валюталарда вакиллик хисобварақларини

очадилар. Ҳозирги кунда валюта резервларини диверсификация қилиш, резерв таркибидаги нобарқарор валюталарни сотиш ва уларнинг ўрнига барқарор валюталарни сотиб олиш йўли билан амалга оширилади.

3. Девальвация, яъни миллий валюта курсини қонуний асосда расмий хорижий давлат валютасига нисбатан пасайтириш. Ҳар бир мамлакатда миллий валюта курсини аниқлаш учун хорижий валюта ташлаб олинади. Бу база валютаси дейилади. Ўзбекистонда база валюта ролини АҚШ доллари бажаради.

4. Ревальвация, яъни миллий валюта курсининг хорижий валюта курсига нисбатан расман оширишини.

5. Валютавий чеклашлар, яъни хорижий валюталар ва валютавий қимматликлар олди-сотди қилиш операцияларига нисбатан ўрнатилган чеклашлар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюта бозорининг муҳим субъекти бўлиб, валюта сиёсати доирасида куйидаги операцияларни амалга оширмоқда:

1) Валюта интервенцияси.

2) Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги билан ҳамкорликда ҳукуматнинг ташқи қарзини тўлашни амалга оширмоқда.

3) Марказий банк ўз балансидаги чет эл валюта резервларини бошқариш операцияларини бажармоқда. Бунда, айниқса, «СВОП» муддали валюта операцияларидан кенг фойдаланилмоқда.

4) Жорий валюта бозорида олди-сотди операцияларининг узлуксизлигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро валюта бозорларида қатнашувчи ваколатли банки бўлиб, у Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳисобланади. Миллий банк кўплаб мамлакатлар банкларида ўз вакиллик ҳисоб рақамларини очган. Шу билан бирга кўплаб хорижий банклар Миллий банкда ўз вакиллик ҳисоб рақамларини очганлар. Миллий банкининг ҳорижий банклардаги вакиллик ҳисоб рақамлари НОСТРО ҳисобварақалари, ҳорижий банкларнинг Миллий банкдаги ҳисоб рақамлари ВОСТРО ҳисоб рақамлари дейилади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда турли хорижий ҳисоб-китоблар бўйича тўловлар SWIFT - «Society Fon

«Worldwide Interbank Financial Telecommunications» электрон ҳисоб-китоблар тизими орқали амалга оширилмоқда.

Миллий банк халқаро валюта бозорларида хорижий валюталарнинг олди-соттиси бўйича, турли нақд ва муддатли валюта операцияларини амалга оширмоқда ва у валюта рискидан суғурталаниш мақсадида турли хеджинг усулларидан, хусусан, валюта фьючерсларидан, валюта опциони, валюта своплари, форвард битимларидан ҳам фойдаланмоқда.

Бреттон - Вудс валюта тизими инқирозга учрагач, 1976 йилдан бошлаб, янги валюта тизимига ўтилди. Унга мувофиқ олтин паритети бекор қилинди, сузувчи валюта курсларига ўтилди.

Натижада, жаҳон валюта бозорларида валюта курслари тебранишлари кескин тезлашиб кетди. Валюта бозорларида чайқовчилик характердаги валюта курслари ўртасидаги фарқдан фойда олишга қаратилган валюта операцияларини амалга ошириш кучайди. Электрон ҳисобланиш тизимларининг жорий қилиниши тўловларни тезлаштириди ва турли валюта бозорлари ўртасидаги алоқаларни осонлаштириди. Валюта бозорларида долларнинг мавқеи пасайиб, немис маркаси, япон иенаси, швейцария франки, шунингдек, максус тўлов бирликлари, яъни СДР, ЭКЮнинг обрўйи ошди.

Юқоридагиларнинг барчаси замонавий валюта бозорининг хусусиятларини белгилаб берди. Ҳозирги кунда энг йирик валюта бозорлари, Лондон, Франкфурт, Нью Йорк, Чикаго ва Сингапур биржалари ва бошқалар ҳисобланади.

Замонавий валюта бозорлари халқаро ҳисоб-китобларнинг вақтида амалга оширишини таъминлаш, товар, хизмат ва капиталларнинг халқаро айланишига хизмат кўрсатиш, валюта курсларини аниқлаш, валюта рискларидан ҳимояланиш механизмларини ишлаб чиқиш, давлатларнинг валюта сиёсатини амалга оширишга ёрдам бериш функцияларини бажарди.

Валюта бозорларининг субъектлари бўлиб, тижорат банклар, Марказий банклар, трансмиллий корпорациялар, ҳукумат органлари, халқаро молия-

кредит ташкилотлари, турли дилерлар, брокерлар ҳисобланади. Валюта бозорлари, давлат томонидан тартибга солинади ва назорат қилинади. Валюта бозорини тартибга солишин одатда мамлакат Марказий банки ва Молия Вазирлиги амалга оширади.

Валюта операциялари моҳиятига кўра нақд ёки муддатли бўлиши мумкин. Нақд валюта операциялари ёки «спот» раҳамлари валюта олди-соттиси бўйича битим тузилгандан кейин тузилган вақтдаги курс, яъни «спот» курси бўйича иккинчи иш кунида нақд валютага етказиб беришни назарда тутади.

Муддатли валюта битимлари - бу битим тузилгандан кейин битим тузилаётган вақтдаги курс бўйича келишилган валютани маълум муддат ўтганда, етказиб беришни назарда тутувчи валюта битимлариридир. Муддатли валюта операцияларининг «форвард», «фьючерс», «опцион», «своп», «арбитраж» шакллари мавжуд. Муддатли валюта операциялари тижорат мақсадларида валюта конверсияси, яъни валюта рискини суғурталаш мақсадларида валюта маблағларини олдиндан сотиш ёки сотиб олиш, хорижга чиқарилган портфель ва тўғри инвестицияларни валюта курсининг салбий ўзгаришдан суғурталаш, курслар ўртасидаги фарқдан фойда олиш мақсадларида қўлланилади.

Валюта курсларининг мумкин бўлган ўзгаришларидан қўриладиган заарлардан, яъни валюта рискидан суғурталанишнинг турли усуслари ҳозирги кунда амалиётда қўлланилмоқда. Бунда валюта рискини «хеджинг» қилиш қўлланилади. «Хеджинг»да форвард операциялари опционлардан фойдаланилади. Валюта рискининг баҳо валютасини тўғри танлаш ва контрактлар бўйича валюта позициясини тартибга солиш орқали ҳам камайтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси валюта бозори ва амалга оширилаётган валюта операциялари ривожланиб бормоқда. Бунга асосий сабаблардан бири валютанинг ички конвертацияси йўлга қўйилганлиги, иккинчи сабаби валюта бозори ёпиқ типда бўлиб, қатнашувчи субъектлар ва валюта операциялари чекланганлигидир.

6-§. Ўзбекистонда валюта операцияларини амалга ошириш асослари

«Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунга биноан, Ўзбекистон Республикасида валюта операциялари иккига бўйинади:

1. Жорий валюта операциялари;
2. Капиталлар ҳаракати билан боғлиқ валюта операциялари.

Жорий валюта операцияларига товар ва хизматлар экспорти ва импорти, валюта қимматликлари олди-сотдиси, интеллектуал бойлика эгалик хуқуқини сотиш бўйича ҳисоб-китоблар, ҳамда қарз маблағларни бериш ёки жалб қилишни кўзда тутмайдиган ва тўлов муддати узайтирилмайдиган ҳисоб-китоблар, яъни:

- банк қўйилмалари, кредитлар, инвестициялар ва бошқа молиявий операциялар бўйича фоиз, дивиденд ва бошқа даромадларни хорижга ва хориждан ўтказиш;
- нотижорат ҳарактерига эга бўлган ўтказмалар, шу жумладан, иш ҳақи, нафақалар, алиментлар, мерослар ва бошқа шу каби операциялар киради.

Капиталлар ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларига:

- инвестициялар, шу жумладан қимматли қоғозларни сотиб олиш ёки сотиш;
- кредитлар бериш ва олиш;
- маблағларни жалб қилиш ва уларни ҳисоб варақлари ҳамда қўйилмаларга жойлаштириш;
- тўловларни амалга ошириш ёки валюта қимматликларига эгалик хуқуки вақт ўтиши билан бошқа шахсларга ўтиши билан боғлиқ ва молиявий операциялар.

Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини ваколатли банклар амалга оширади. Ваколатли банклар - бу Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюта операцияларини ўтказишига берилган лицензияга эга банклардир.

Валютавий лицензиялар уч хил:

- бир мартали лицензия;

- республика ҳудудида валюта операцияларини амалга ошириш учун лицензия;
- бутун дунё билан валюта операцияларини амалга ошириш учун (бош) лицензия кўринишида берилади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 35та тижорат банки мавжуд бўлиб, 27таси ваколатли банк ҳисобланади.

Валюта лицензиясини олишнинг асосий шартлари қаторида банкларнинг молиявий барқарорлиги, мутахассисларнинг малакаси ва банкнинг техник ва коммуникацион алоқа воситалари билан таъминланганлиги туради.

Лекин, ҳозирда Республика изда валюта операцияларини ривожлантириш борасида жиддий муаммолар бўлиб қўйидагилар ҳисобланади:

1. Хорижий валуталарга бўлган барқарор талабнинг юзага келмаганлиги (бу холатда Республика валюта биржасида АҚШ долларини сотиб олишга талаб узлуксиз ошиб бораётганлиги кўрилади. Бунинг натижасида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашинув курси тўхтовсиз ўзгариб бормоқда).

2. Мамалакат жорий валюта бозорининг ликвидлигини таъминлаш имконияти юзага келмаган. Бунинг натижасида Ўзбекистон банклари томонидан муддатли валюта операциялари деярли амалга оширилмайди.

3. Ўзбекистон сўми баҳоловчи валюта вазифасини бажара олмаётганлиги. Шунинг учун баҳоловчи валюта вазифасини бажарадиган иккинчи валютага муҳтоҷлик сезилади. Натижада Ўзбекистон ҳудудида бир қатор валюта инструментларида фойдаланиш доираси қисқаради;

4. Корхона ва ташкилотларнинг жорий валюта ҳисобварақаларини юритиш тартиби битимларнинг объектига қараб йўналтирилган. Натижада корхоналар фақат белгиланган товарларни харид қилиш учунгина тўловни амалга ошириш хукуқига эга. Бу товарларни харид қилиш учун тузилган шартномалар ташки иқтисодий алоқалар вазирлигига ҳамда мижозга хизмат кўрсатувчи банкда албатта қайд этилиши керак.

5. Тижорат «спот» курсларининг бозор баҳосини шакллантиришда айрим муаммоларни мавжудлиги. Бу ҳол жорий савдо операцияларини, банкларнинг депозит ссуда

операцияларини амалга оширишга тўсқинлик қиласи, чунки бунда курснинг кескин ва фавқулодда ўзгариш хавфи сақланиб қолади;

6. Халқаро ҳисоб-китоб операциялари тўлов нисбатан юқори даражада кафолатланган ҳисоб - китоб шаклларида амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда ҳужжатлаштирилган аккредитив билан ҳужжатлаштирилган инкассадан асосий ҳисоб-китоб шакли сифатида фойдаланилмоқда.

7-§. Ўзбекистонда валюта операцияларини ривожлантириш имкониятлари

Ҳозирги кунда республикамиз ҳукумати томонидан банк соҳасига катта эътибор берилмоқда. Бунга банкларнинг 4 йил муддатга солиқлардан озод қилинганлиги мисол бўла олади. 1993 йилда «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Конун қабул қилинганидан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан валютани тартибга солиш масалалари бўйича янги норматив база яратилган. Қисқа вақт ичida Марказий банк валюта операцияларини амалга ошириш бўйича қонуний асосларни ишлаб чиқиши ва яхшилаш борасида катта ишларни амалга оширди.

Ишлаб чиқилган норматив актлар хорижий валютани юридик ва жисмоний шахслар томонидан олди-соттисининг тартиби; ички валюта бозорининг амал қилиш тартибини; республика ҳудудида хорижий банклар ва хорижий капитал иштироқидаги банкларни ташкил қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва аккредитация қилиш тартибини, тижорат банкларига хорижий валютада операцияларни амалга ошириш учун лицензиялар бериш шартлари; резидент ва норезидент юридик ва жисмоний шахсларга хорижий валютада ҳисоб варақаларини очиш ва юритиш тартиби; юридик ва жисмоний шахслар томонидан хорижда валюта ҳисоб варақаларини очиш тартибини; республика ҳудудида хорижий валюта билан касса операцияларини амалга оширишнинг тартибини; банк муассасаларида валюта қимматликлари билан касса ишларини олиб бориш тўғрисидаги низом ва бошқаларни ўз ичига олган.

Ваколатли банкларнинг молиявий жиҳатдан барқарорлигини таъминлаш, мижозларнинг манфаатларини

ҳимоя қилиш мақсадида, Марказий банк чет эл валютасидаги операциялар бўйича иқтисодий меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқкан. Хусусан, ваколатли банкларнинг валютавий хавфхатарини камайтириш мақсадида банк бўйича, шу жумладан ҳар бир алоҳида валюта тури бўйича очик валюта позицияларига лимитлар белгилаб қўйилди. Ҳозирда банк бўйича валюта позицияси банк ўз маблағларининг 20 % миқдоридан ошмаслиги керак, алоҳида бир валюта тури бўйича очик валюта позицияси эса 5 %дан ошмайди.

Ҳозирги вақтда корхона ва ташкилотларнинг валюта тушумидан муайян қисмини мажбурий равища ваколатли банкларнинг ўзига сотилиши Республикада биржадан ташқари валюта бозорининг ривожланиши янада тезлаштиromoқда. Лекин шуни айтиб ўтиш жоизки, банклар ҳам, ўз навбатида валютавий тушумларини муайян қисмини мажбурий равища сотадилар.

Инвестициялар оқимига, валюта тартибига солиқлар ҳам катта таъсир ўтказмоқда. Шундан келиб чиқиб Ўзбекистонда 2003 йил 15 октябрда **ХВФ** келишувларининг **VIII** мoddасини, яъни миллий валютанинг конвертирланишни таъминлаш тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши катта аҳамиятта эга бўлди.

Бу эса, ўз навбатида:

Биринчидан, хорижий валютага бўлган барқарор талаб ҳажмини аниқлашга имкон беради ва Марказий банк бундай шароитда ўз кўлида бор инструментларни ишлатиш орқали валюта бозорини эркин тартибга солиш имконига эга бўлади. Ва натижада миллий валютанинг курси нисбатан барқарор ушлаб турилади.

Иккинчидан, мамлакат жорий валюта бозорининг ликвидлиги таъминланади ва бунинг оқибатида муддатли валюта операциялари - форвард, опцион битимларининг қўлланилиши билан валюта тушуми манбалари сезиларли кўпаяди.

Учинчидан, тижорат «спот» курсларининг бозор баҳосини аниқлаш осонлашиб, натижада жорий савдо операцияларини, депозит, ссуда операцияларини амалга ошириш жадаллашади ва бу эса, ўз навбатида, валюта тушумларини оширади.

Тўртингчидан, инкассо ва ҳужжатлаштирилган аккредитивлардан ташқари бошқа халқаро ҳисоб-китоб шаклларида ҳисоб-китоблар амалга оширилишининг ривожланишини тахмин қилиш мумкин, чунки бунда курсларнинг кескин ўзгариши кутилмайди.

Бешингчидан, валюталар олди-соттиси эркин бўлганидан кейин, экспорт-импорт операциялари ҳажми кўпаяди ва бу эса ўз навбатида валюта операцияларининг спеккулятив суғурта ва бошқа турларининг Ўзбекистон валюта бозорида кенг қўлланишга олиб келади, бу эса охир-оқибатда миллий фаровонликка хизмат қилади.

Яна ҳал қилиниши керак бўлган муаммо - бу мамлакат экспорт потенциалини оширишдир. Бунинг учун эса корхоналар рақобатбардош маҳсулотларни кам харажатлар билан ишлаб чиқариш ва дунё нархларида сотиши керак.

Бунинг учун эса биринчи навбатда, халқаро кредит ташкилотлари томонидан очилаётган кредит линиялари бўйича олинаётган кредит маблағларини, биринчи навбатда, миллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришига йўналтириш зарур. Бунда кредит маблағларининг 100 % ўзлаштирилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шундай бўлган тақдирда миллий валюта бирлиги бўлган сўм ҳам, баҳоловчи валюта вазифасини ўташи мумкин. Бу эса, ўз навбатида валюта бозоримизнинг янада ривожланишига валюта операцияларининг кенг кўламда амалга оширилишига замин яратган бўларди.

8-§. Валюта операцияларини амалга оширишда тижорат банкларининг роли

Валюта операциялари валюта бозорларида асосан тижорат банклари орқали амалга оширилади. Тижорат банклари шартномага биноан хорижий корреспондент банкларининг инкассо ва бошқа тўлов тошириқларини бажарадилар.

Бошқа банклар ва брокер фирмалари ўзларини валюта операцияларини йирик тижорат банклари бошқарувида амалга оширадилар. Дунёда 85-95 фоиз валюта келишувлари банклар ва брокер фирмаларига тўғри келади.

Ташқи валюта бозорларида асосий иштирокчилар бўлиб йирик тижорат банклари ҳисобланади ва улар диллер функциясини бажаради. Диллер сифатда улар 2 ёки ундан ортиқ валюта (позицияларни қўллайдилар) қўйилмаларга эга бўладилар. Масалан, "Чейз Манхэттен банк" Лондон ва Нью-Йоркда ўз бўлимларига эга. Нью-Йоркдаги бўлими Лондондаги бўлимида фунт стерлингда депозитларга эга ва Лондон бўлими Нью-Йоркдаги бўлимида АҚШ долларида депозитларга эга. Бу бўлимлардан ҳар бири омонатчига маҳаллий пул бирлигига чет эл валютасини таклиф этиши мумкин. Банк бу операциянинг амалга ошириш учун диллер сифатида фойда олади. Банклар ўртасидаги рақобат "сотиш нархи" ва "олиш нархи" ўртасидаги фарқни катта халқаро операциялар учун 1 фоиз даражасида сақлайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳамма тижорат банклари ҳам валюта бозорларини иштирокчиси бўла олмайди. Чунки валюта бозорида операцияларни амалга ошириш учун тижорат банки мамлакат Марказий банкидан (бош) лицензия олиши шарт.

Валюта операцияларини амалга оширишга ҳуқуқ берилган банклар девиз ёки валюта банклари дейилади. Валюта бозорларининг валюта операцияларидан ҳамма девиз банклар бир хил даражада иштирок этолмайдилар. Банкнинг ўлчами, унинг обрўси, хорижий бўлимлари ва шўъбалари тизимини ривожланиш даражаси ва бошқа омиллар унинг валюта бозордаги ўрнини кўрсатади.

Шу сабабли валюта операцияларини катта қисми йирик тижорат банклари ҳиссасига тўғри келади. Буларни қаторида Бэнк оф Америка, Ситибэнк, Чейз Манхэттен бэнк, Буюк Британиядаги клиринг банклари, Олмония ва Швейцариядаги гроссбанклари, йирик француз банкларини киритиш мумкин. Бу борада баъзи трансмиллий банклар фойдали келишувлар учун бир мунча мавқега эгадирлар. Хорижий бўлимларнинг кенг тизимидан трансмиллий банклар валюта операцияларини кун давомида амалга оширадилар.

Валюта операциялари одатда бевосита банклараро (телекс ёки телефон орқали) содир бўлади, лекин шунга қарамай бир қанча мамлакатларда, масалан Олмония, Франция, Япония ва бошқа қатор мамлакатларда, Скандинавияда валюта биржалари сақланиб қолди. У ерда

Марказий банк вакиллари валюта бозори иштирокчилари билан учрашадилар, бироқ уларнинг таъсири сезиларсиз. 70-йиллардан бошлаб валюта билан савдо қисман товар биржаларида ҳам амалга оширилмоқда (Чикаго, Нью-Йорк, Лондон, Сингапур, Сянган, Монреал).

Валюта келишувларини амалга ошираётганда, банклар сотилган валютани ўтказадилар ва контрагентдан ишонч тасдиқ хатини олмасдан сотиб олинган валютани қўллайдилар. Бу операциялар компьютер ёрдамида амалга оширилади.

Йирик банклар, биринчи навбатда, трансмиллий банклар бўлимларига эгадирлар. Бу бўлимлар компьютер, телефон ва телекс алоқаси билан жиҳозланган. Қоидага биноан, улар телеграф агентлигига видеоалоқа орқали ёки телетайп орқали уланганлар. Бу телеграф агентлиги доим сиёсий ёки иқтисодий ҳодисаларни, шунингдек, валюта курсларини хабар қиласидилар. Компьютер технологиясининг қўлланилиши ҳар дақиқада банкнинг турли валютадаги позицияларни бошқариш имконини беради.

SWIFT асосида ривожланган телекоммуникациялар тизими келишувлар бўйича тўловларни тезда ва кам харажатлар билан амалга ошириш имкониятини яратади, хусусан келишувнинг эртасига ёк (яъни банк ҳисобига реал тушишидан олдин) валюта тушуми тўғрисида тасдиқни олишдан иборатdir.

Диллерлик валюта бўлимлари ўнлаб, бир қатор ҳолатларда юзлаб ходимларга (дилерлар, иқтисодчи-аналитиклар, менеджерлар) эгалар. Улар ўртасида ишнинг тақсимланиши валюта ва улар бўйича операциялар турларига қараб амалга оширилади.

Нисбатан тажрибали дилерлар – бош, катта дилерлар-арбитраж операцияларини ўтказиш ҳуқуқига эгалар ва спекулятив валюта операцияларини яратиш ҳуқуқига эгалар.

Иқтисодчи-аналитиклар иқтисодиётни, сиёсатни, ҳалқаро тўловлар жараёнини ўрганиш асосида фоиз ставкасини ва курсларнинг динамикасини прогноз қиласидилар. Улар валюта рискларига баҳо бериш ва уларни сугуртасини энг қулай усулини эконометрк моделини ишлаб чиқадилар. Валюта операцияларини умумий бошқарув менеджерлар зиммасига қўйилган. Улар валюта сиёсатини юргазадилар.

Унча катта бўлмаган -банкларда дилер бир вақтни ўзида оператор ва мутахассис вазифасини бажариши мумкин.

Валюта операциялари банк фаолиятини мураккаб турини намоён қиласди. Улар валюта бозорларига тўғри баҳо бериш ва прогноз қилиш қобилиятига эга бўлишни талаб этади. Бироқ, прогнозларнинг самарали, одатда кам сезилади, чунки валюта келишувлари, объектив ва субъектив сифатдаги рискларга дучор бўладилар. Рискнинг объектив асослари – мамлакат иқтисодиёти, валюта курси ва бозорини ўзгарувчанлигидир. Субъектив омил дилернинг ҳуқуқлари чегарасида унинг қабул қилган қарорларидан операция ҳажми ва валюта курси ўзаришига боғлиқ. Ҳар дақиқада ўнлаб, миллионлаб долларларга шартномалар тузилишини эсга олсак, дилернинг ножӯя ҳаракатлари катта ютқизишларга сабаб бўлишини аниқ тасаввур қилишимиз мумкин.

Тарижан халқаро айланмада икки асосий тўлов усули фарқланади: трассировка ва ремитировка. Трассировка кредитор қарздорга унинг валютасида тратта ёзади (масалан, Нью-Йоркдаги кредитор Лондондаги қарздорга қарзни фунт стерлингда тўлашини талаб қиласди) ва шу валютани ўз валюта бозорида сотиб олувчининг курси бўйича сотади. Трассировкада кредитор – актив шахс: у ўз валюта бозорида қарздорнинг валютасида вексел сотади. Ремитировкада қарздор – актив шахс: у ўз валюта бозорида кредитордан валюта сотиб олади. Бу мустакил тўлов усуслари секин-аста йўқолиб борди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин валюта операцияларининг турли хил турлари кенг ривожланди. 50-йилларда валюта чекловлари тарқалган даврда саноати ривожланган давлатларда валютани тезда етказиш бўйича келишувлар (спот) ва (форвард) келишувлар кенг тарқалди, форвард келишувлар аслида валютани тартибга солиш объекти бўлган. Валюта тўғрисидаги қонунларни 50-60-йилларда хорижда эркинлаштирилиши "своп" операцияларининг ривожланишига олиб келди. Жорий валюта операцияларининг кейинги ривожланиши капитал ҳаракатининг либерализация қилиниши билан боғлиқ. Кузатувчи давлат қўмиталари томонидан бошқарувнинг

кучайтирилиши, рискларни сугурталаш бўйича валюта операцияларини алмашинувига сабаб бўлди.

70-йиллардан бошлаб, фьючерс келишувлари қатор биржаларда ривожлана бошлади, бироқ улар банклараро бозорнинг стандарт операцияси эмас. Опцион валюта келишувлари – бу чайковчи келишувларнинг янги шакли ва валюта рискларидан хеджерлаш усули сифатида юзага келади. Банклар кейинчалик "своп" бўйича операциялар билан биргаликда валюта келишувларини амалга ошира бошладилар. Накд пул шаклидаги валюта билан операцияларни барча тижорат банклари амалга оширадилар; жорий операциялар ва "своп" келишувларини одатда йирик банклар амалга оширадилар.

9-§. Ички валюта бозорида хорижий валютани сотиш ва сотиб олиш тартиби

Ўзбекистон Республикасида чет эл валютасини ички валюта бозорида валюта операцияларини амалга ошириш бўйича лицензияга эга бўлган банклар орқали амалга оширилади.

Валютали банклар чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш ҳуқуқига эгадирлар:

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг 11 август 2000 йилда қабул қилинган «Очиқ валюта позициясини юритиши» қоидасида очиқ валюта позицияси учун қўйидаги лимитлар ўрнатилган:

- Ихтиёрий валютада очиқ валюта позицияси лимити, ҳар бир операцион кун охирида валютали банкларда ўз маблагининг 50%идан ошмаслиги ва банкинг умумий очиқ валюта позициясининг лимити ҳар операцион куннинг охирида унинг ўз маблагларининг 20%идан ошмаслиги лозим;

- Суммали очиқ валюта позициясида узун валюта позицияси кўриниши ўрнатилади. Валютани сотиш ва сотиб олишда банк фақат очиқ валюта позициясидан фойдаланмайди. Кун ора банкларда умумий валюта позицияси «Ностро» ҳисобвараги бўйича олиб борилади. Қўйидагига кўра, улар тўлови фойдаланадиган кунгача ўрнатилади. Агар тўловлар кирим билан қўшилиб кетса, бир ҳисобварақдан бошқа ҳисобварақقا маблағларни ўтказишида

хатоликка йўл қўйилса, бунда банк кун ора очиқ маҳсус ҳисобварақ бўйича текшириш ўтказади.

Чет эл валпотасини сотиш ва сотиб олишда банк валюта позицияси лимитига риоя қилиши керак. Банк валюта операцияларини бажарганда валюта операцияларининг бир қисмини сарфлайди. Бунда банкнинг хорижий валюталар бўйича мажбурияти ва талаблари орасидаги нисбат ўзгаради. Банкнинг хорижий валюталарни сотиш ва сотиб олиш жараёнидаги валюталар бўйича талаб ва мажбуриятлари нисбати ҳолати банкларнинг валютавий ҳолати дейилади. Валютавий очиқ ва ёпиқ бўлиши мумкин.

Хоҳлаган бир валюта бўйича очиқ валюта позицияси деганда банкнинг шу хорижий валюта буйигча активларининг мажбуриятларидан ошган суммаси тушунилади ва у узун валюта позицияси деб юритилади. Аксинча, шу валюта бўйича мажбуриятлар активлардан ошса, яъни хорижий валютани сотиш уни сотиб олишдан юқори бўлса валюта позицияси қисқа бўлади.

Агар валюта бўйича талаблар ва мажбуриятлар teng бўлса валюта позицияси ёпиқ бўлади.

Валюта позициясининг умумий ҳолати (суммаси) деганда барча валюталар бўйича учун(қисқа) позициялар умумий суммаси тушунилади.

Агар банк операцион кун давомида валюта операцияларини олиб боришида очиқ валюта позицияси бўйича қўйилган лимитдан ортиқ операция амалга оширган, яъни валютани кўп сотиб олган бўлса, у ҳолда валюта позицияси ортиқ сотиб олинган валютани сотиб юбориш йўли билан балансластириб ёпилади.

Ваколатли банклар очиқ валюта позицияси лимитига ҳисобланган фоизлар, кўчмас мулк, қимматли қофозлар ва бошқа моддий қийматликларни сотиш ёки сотиб олиш билан боғлиқ валюта операцияларини ҳам амалга оширади. Ваколатли банклар ўзларининг жойларидаги филиаллари учун очиқ валюта позициясининг чегарасини мустақил белгилашлари мумкин. Лекин филиаллар бўйича белгиланган очиқ валюта позициясининг йигиндиси банк бўйича белгиланган 20 %идан ошмаслиги лозим.

Ваколатли банклар ҳар ойда ойнинг учинчи кунигача Марказий Банкка ўзларининг очиқ операциялари ва унга

риоя қилинганилиги тўғрисида ҳисобот беришлари лозим.
Ҳисобот қўйидаги шаклда тузилади:

Очиқ валюта позицияси лимитини ҳисоблаш.

Айтайлик тижорат банкининг ўз маблағлари миқдори 50000 сўм. Банк хорижий валюталари бўйича қўйидагича позицияга эга:

13-жадвал

Очиқ валюта позицияси лимитини ҳисоблаш

Валюталар	Сотиш-сотиб олиш операциялари		Муддатли операциялар		Умумий (сумма) позиция	
	узун	қисқа	узун	қисқа	узун	қисқа
АҚШ доллари	80		-100		-20	
Евро	40		-10		30	
Француз франки	-90		150		60	-
Голландия гульдени	10		-		10	
Австрия шиллинги	-200		40		-160	

«-» билан қисқа валюта позицияси белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан хорижий валюталар қўйидаги курс бўйича белгиланган:

АҚШ доллари 975,25

Евро

Француз

франки

Голландия

гульдени

Австрия

шиллинги

14-жадвал

Тижорат банкининг хорижий валюталар бўйича
позициялари (минг сўмда)

Валюталар	Сотиш-сотиб олиш операциялари		Муддатли операциялар		Умумий(сумма) позиция	
	узун	қисқа	узун	қисқа	узун	қисқа
АҚШ доллари	78020			-97525		-19505
Евро	46032			-11508	34524	
Дания кронаси		- 4647,6	13942,8		9295,2	
Австралия доллори					6740,9	
Исландия кронаси	6740,9	2576	515,2			20608,8
Сўм						- 28994,3
Жами	130792,9	- 7223,6	14458	- 109033		
Сумма нетто позиция	1233569,3			-94576	50560,1	50560,1

Банклар Марказий Банкининг хорижий валюта курслари бюллитенида кўрсатилган валюталарни сотиш ва сотиб олиш ҳукуқига эгадирлар.

Жисмоний шахслар билан валютани сотиш ва сотиб олиш операциялари банкларнинг валюта алмаштириши шахобчалари орқали амалга оширилади, сотиш ва сотиб олиш қиймати банк томонидан белгиланади. Алмаштириш операцияларини бажариш учун банк шартнома асосида нақд хорижий валютани бошқа банклардан сўмга сотиб олади. Алмаштирув шахобчаларида бир вақтнинг ўзида валютани сотиш ва сотиб олиш операцияларини ўтказилиди. Бундай операцияларни одатда кассир ва назоратчи бажаради. Валюталарнинг ҳаққонийлиги умумий қоидалар асосида текширилади, валюта алмаштириш вақтида мижозга валюта

назорати ҳужжати тақдим этилади, шу ҳужжат асосида мамлакатдан валюта олиб чиқиб кетиш мумкин.

Субъектларниң валюта ҳисобварагини очиш ва юритиш. Бундай операциялар инфляциянинг юқори даражасида жуда қулайдир, чунки хорижий валютани сақлаб ундан банк фойда олиш имкониятига эга бўлади.

Банклар аҳолидан талаб қилиб олгунча, муддатли, депозит ва бошقا жамғармаларга қабул қилишлари мумкин. Қўйилмалар маҳаллий ва хорижий фуқаролардан қабул қилинади. Жамғармаларниң турини, улар бўйича минимал қўйилма микдорини, даромад даражасини, тўлаш шартларини банк мустақил ўзи белгилайди.

Бу барча параметрларни банк ўзининг стратегиясидан келиб чиқсан ҳолда белгилайди, одатда қўйилмалар бўйича фоизлар қўйилма микдори ва муддатига боғлиқ бўлади.

Қўйилмалар бўйича даромадлар солиқдан озод этилади ва одатда чет эл валютасида тўланади, муддатли омонатни муддатидан олдин олинса фоиз кам микдорда тўланади ёки умуман тўланмайди.

Муддатли депозитлар бўйича даромадлар қўйидаги формула орқали аниқланади:

$$Д = \frac{С * ФС * СМ}{360 * 100}$$

Бу ерда:

Д – даромад (фоиз суммаси);

С – қўйилма суммаси;

ФС – фоиз ставкаси;

СМ – сақлаш муддати;

Мисол: Муддатли депозитга 11 июнда 10000 АҚШ доллари микдорида 3 ой муддатга 9% йиллик тўлаш шарти билан қўйилди.

12 октябрда даромад:

1) Келишилган муддатда сақлангани учун:

$$Д_1 = 10000 * 9 * 90 / 360 * 100 = 225 \text{ АҚШ доллари}$$

2) Муддатдан ортиқча вакт сақлангани учун:

$$Д_2 = 10000 * 2 * 30 / 360 * 100 = 10241,67 \text{ АҚШ доллари олади.}$$

Юридик шахсларга валюта ҳисобварагини очиш ва юритиш

Жорий валюта ҳисобварағи эркин конвертиранадиган валютада олиб борилади. Банкда ҳисобварақ очмоқчи бўлган юридик шахс банкка қўйидаги ҳужжатларни топширади:

- Ҳисобварақ очиш учун ариза;
- Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида ҳужжат;
- Устав нусхаси;
- Нотариусдан тасдиқланган ҳисобварақ әгаларининг имзо ва муҳрлари намунаси;
- Солиқ идораларидан рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида ҳужжат.

Банк ҳар бир мижоз билан ҳисоб касса хизмати кўрсатишига шартнома тузади, у ерда валюта ҳисоби пули, банк хизматлари рўйхати, томонлар мажбуриятлари ва ҳуқуқлари белгиланади.

Ҳисобварақда валюта маблағларининг келиб чиқиши манбаи, қонунчилиги (ташқи иқтисодий фаолият тушуми, устав фондига қўйилмалар, бошқа банклардан ва бошқа юридик шахслардан валюта кредитлари) кўрсатилади.

Валюта ҳисобварағидаги маблағлар эгаси буйруғига асосан қўйидаги мақсадларга йўналтирилиши мумкин:

- Рұксат этилган экспорт-импорт операциялари бўйича хорижга ўтказиш мумкин;
- Сафар харажатлари учун нақд пул кўринишидаги тўловлар;
- Сўмдаги ҳисоб рақамига ўтказмалар;
- Валюта кредитларини тўлаш;
- Депозит ҳисобварағига ўтказиш;
- Ички валюта бозорида сотилиши.

Мижозлар валюта ҳисобварақларидан маблағлар ўтказиш амалда бўлган ҳисоб-китоб шакллари орқали амалга оширилади. Ҳисоб-китоблар ҳисобварағидаги пул қолдиги бўйича ўтказилади. Валюта маблағидан нақд пул бериши ҳисобварақ эгаси буйруғига асосан амалга оширилади.

Валютада ҳисоб-китоблар мижознинг валюта ҳисобварақ бўйича халқаро фаолият олиб борганда амалга оширилади ва нақдсиз кўринишида бир давлатдан иккинчи давлатга ўтказилади. Банк амалиётида ҳисоб-китобларнинг қўйидаги шакллари бор:

- Банк топшириқномаси;
- Инкассо топшириқномаси;
- Аккредитив;
- Чек.

Улар ичкى нақд пулсиз ҳисоб-китобларга ўхшайды, аммо ўз ҳусусиятларига эга.

Биринчидан, улар ҳужжат характерига эга, яъни маълум бир ҳужжат асосида амалга оширилади. Бу шуни англатадики, олдин импортёр пул тўлайди, кейин эса товарга эгалик ҳуқуқини олади.

Иккинчидан, жалқаро ҳисоб-китоблар марказлашган ва ҳамма банклар томонидан бир хил тартибда олиб борилади.

Банк топшириқномасида импортёр томонидан маълум бир пул миқдорини ўзининг банки орқали экспортёр банкига ўтказишидир, экспортёр банки эса бу маблагни экспортёр ҳисобварагита ўтказади. Бу валюта ҳисобларининг оддий шаклидир, у аванс тўловларини амалга оширишда ишлатилади, ўтказма телеграф, почта ёки СВИФТ системаси орқали амалга оширилиши мумкин.

Инкассо шаклида экспортёрганинг ўз банкига импортёрдан пул маблагини ундириб бериш топшириғи кўринишида бўлади. Яъни экспортёр товар жўнатгандан сўнг, ўз банки орқали импортёр банкига ҳужжатларни юборади. Импортёр уларни акцептлайди.

Аккредитив – бу банк эмитентларининг пул мажбурияти бўлиб, унинг мижози импортёр томонидан қўйилган аризага асосан экспортёрга маълум суммани аккредитивда кўрсатилган шартлар асосида тўлайди.

Ҳисоб-китобларнинг бундай шаклида шартнома тузилгандан сўнг импортёр ўз банкига аккредитив очиш тўғрисида топшириқ беради. Банк эса экспортёр банкини бу ҳақида огоҳлантиради, у эса ўз навбатида аккредитив очилгани тўғрисида экспортёрга хабар қиласади. Сўнгра экспортёр товарни жўнатаби, ўз банкига шартлар бажарилгани тўғрисида ҳужжатлар тақдим этади. Импортёр банки бу пулни экспортёрга ўтказади, импортёр банкига ҳужжатларни жўнатади, у эса тўловни амалга оширади.

Банк чеки – хорижий банк-корреспондентга чек эгасига кўрсатилган пул суммасини, чек эгаси банки корреспондент

счётидан чек тақдим этилганда пулни ўтказиши түгрисидаги бўйруқдир (кейинги бобларимизда халқаро ҳисоб-китобларнинг турларига алоҳида тўхталиб ўтамиш).

Таяич сўзлар

- Валюта операциялари;
- Банк чеки;
- Аккредитив;
- Валюта арбитражи;
- Своп;
- Опцион;
- Очиқ валюта позицияси;
- Епик валюта позицияси;
- Инвестор;
- Валюта паритети;
- Фронт-офис.

Ўз билимини текшириш учун саволлар

1. Валюта операцияининг иқтисодий моҳияти нимадан иборат?
2. Валюта операцияларининг турларини сананг.
3. Своп операциясини тушунтириб беринг.
4. Валюта арбитражи нима?
5. Спот операцияси деганда нима тушунасиз?
6. Валюта ҳисобварағини очиш ва юритиш тартиби қандай?
7. Валюта операцияларини амалга оширишда тижорат банкларининг роли қандай?
8. Валюта операциялари билан боғлик рискларни суғурталаш қандай амалга оширилади?

IV боб. Валюта сиёсати ва унинг асосий шакллари

1-§. Валюта сиёсати ва унинг моҳияти

2- Жаҳон тажрибаси шунни кўрсатадики, бозор иқтисодиёти шароитида халқаро валюта муносабатлари бозор ва давлат томонидан тартибга солиб турилади.

Валюта бозорида валютанинг талаб ва таклифи ҳамда уларнинг курслари нисбати шаклланади. Бозор томонидан тартибга солиш қиймат қонуни, талаб ва таклиф қонунларига бўйсунади. Валюта бозорларида рақобатчилик шароитида бу қонунларнинг ҳаракати валюта алмашувининг ҳаракати нисбий тенглик товарлар, хизматлар, капиталлар ҳамда кредитлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган жаҳон хўжалигининг халқаро валюта эҳтиёжлари оқимларининг мувофиқлигини таъминлайди. Бозорлардаги баҳолар механизми ва валюта курсларининг ўзгариши сабаблари орқали иқтисодий агентлар валюта харидорларининг эҳтиёжлари ва таклифининг имкониятлари тўғрисида маълумот оладилар.

Шундай қилиб, бозорни валюта операцияларининг ҳолати ҳақида ахборот берувчи манба сифатида ҳам кўриш мумкин. Лекин давлат қадим замонлардан валюта муносабатларига аралашиб келмоқда, олдин билвосита, кейинчалик эса, бевосита (давлатларнинг жаҳон хўжалиги алоқаларида ўринларининг муҳимлигини ҳисобига олган ҳолда). XX асрнинг 70-йилларида олтин стандарти бекор қилиниши билан олтин пулларнинг валюта курсини тартибга солувчи сифатида ишлаши тўхтатилади. Курсларнинг кучли тебранишлари ва валюта инқирозлари иқтисодий-ижтимоий оқибатларга эга бўлиб, миллий ва жаҳон иқтисодиётига салбий таъсир этади.

(Валютанинг бозор ва давлат томонидан тартибга солиниши бир-бирини тўлдириб келади. Бозор томонидан тартибга солиш эса валюта муносабатларини тартибга солишдаги салбий оқибатларнинг олдини олишга қаратилгандир. Бу улар ўртасидаги фойда ва заарлар билан белгиланади. Инқирозлар, урушлар, урушдан кейинги вазиятларда давлат томонидан тартибга солиш устунлик қиласи. Валюта иқтисодий вазият яхшиланиши билан эса

валюта операцияларининг эркинлиги вужудга келиб, бу соҳада бозор рақобати қўллаб-қувватланади. Аммо ҳар доим давлат валюта муносабатлари устидан назорат қилишни ва тартибга солиш мақсадида ўз валюта назоратини сақлаб қолади.

Бозор иқтисодиётини тартибга солиш тизимида муҳим ўринни валюта сиёсати эгаллади. Валюта сиёсати – мамлакатнинг жорий стратегик мақсадларга мувофиқ ҳалқаро валюта ва бошқа иқтисодий муносабатлар соҳасида амалга ошириладиган чора тадбирлар мажмуасидир.¹ У иқтисодий сиёсатнинг асосий мақсадларига эришишга қаратилган, яъни иқтисодий ўсишининг барқарорлиги, инфляция ва ишсизликнинг ўсишини тўхтатиш, тўлов балансининг тенглигини ушлаб туриш ва бошқаларни таъминлашга қаратилгандир.

Валюта сиёсатининг йўналиши ва шакллари мамлакатнинг валюта бўйича иқтисодий вазияти, жаҳон хўжалиги эвалюцияси, жаҳонда ишлаб чиқариш кучлари жойлаштирилишига кўра аниқланади. Ҳар хил тараққиёт босқичларда биринчи ўринда валюта сиёсатининг аниқ мақсад ва масалалари чиқади. Булар:

- валюта инқирозини бартараф этиш ва барқарорлигини таъминлаш;
- валюта чеклашлар;
- валютани эркин айирбошлишга ўтиш;
- валюта операцияларини эркинлиги ва бошқалардир.

Хукуматнинг валюта сиёсати валюта қонунчилиги билан расмийлаштирилади. Бу қонунчилик ўз ичига мамлакат ичида ва ташқарисида валюта қийматликлари билан операцияларни тартибга соловчи ҳуқуқий қоидалар мажмуаси, шунингдек, валюта муаммолари бўйича давлатлараро келишувлари (икки томонлама ва кўп томонламасига бўлиш мумкин)ни олади.

Валюта сиёсатини амалга ошириш йўналишларидан бири бу валютани тартибга солишдир. Валютани тартибга солиш – бу валюта операцияларини амалга ошириш тартиби ва ҳалқаро ҳисоб-китобларни давлат томонидан аниқ белгилаб

¹ Л.Н.Красавина “Международные валютно-кредитные и финансовые отношения”. Москва, ФиС, 1994 г.


беришдир. Бу ўз навбатида, миллий, давлатлараро ва ҳудудий даражада бажарилиши мумкин.

Валюта сиёсати валюта муаммолари бўйича қарорларни тайёрлаш, қабул қилиш ва амалга оширишни ўз ичига олади.

2-§. Валюта сиёсатининг мақсади, вазифалари ва асосий шакллари

Валюта сиёсатининг мақсади зарурий иқтисодий эркинлик, ижтимоий хавфсизлик ҳамда иқтисодий ривож ва ўсишни таъминловчи бозор иқтисодиётини яратишдан иборат бўлган ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим қисми ҳисобланади.

Аксарият ривожланган, индустрiali мамлакатларда Марказий банк пул-кредит сиёсатини юргизувчи асосий орган бўлиб саналади. Марказий банк пул-кредит ва валюта сиёсати бирламчи бўлиб ҳисобланади. Демак, Марказий банкнинг валюта сиёсати пул-кредит сиёсатининг асосий классик инструментларидан бири бўлиб, мамлакатнинг валюта муносабатларини тартибга солувчи ва амалга оширувчи тадбирларининг мажмуудидир. Валюта сиёсати ўзи ҳам мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда қуийидаги шаклларда намоён бўлади.



Схемадан күриниб турибдикى, валюта сиёсати мақсад ва вазифаларидан келиб чиқкан ҳолда қуидаги шаклларида намоён бўлади:

- дисконт сиёсати;
- девиз сиёсатига бўлинади.

Дисконт (фоиз ставкаси) сиёсати – Марказий банк ҳисоб ставкасини ўзгартириш йўли билан миллый валюта курсига таъсир этиш мақсадида амалга оширадиган валюта сиёсати шаклларидир.

Девиз сиёсати Марказий банк томонидан хорижий валюта (девиз)ни олди-соттиси орқали миллый валюта курсига таъсир ўtkазиш методидир. Марказий банк миллый валюта курсини ошириш учун чет эл валютасини айирбошлайди ва аксинчча, миллый валюта курсини тушириш мақсадида эса чет эл валютасини сотиб олади. Девиз сиёсатининг миллый валюта курсига таъсир этишининг қуидаги инструментлари мавжуд. Булар:

- валюта интервенцияси;

- девальвация;
- ревальвация;
- валюта резервларини диверсификация қилиш.

Марказий банкнинг девиз сиёсатининг тарқалган шакли бу валюта интервенцияси ҳисобланади. Марказий банкнинг миллий валюта курсига таъсир этиш мақсадида валюта бозорида чет эл валюталарини сотиб олиш ёки аксинча, сотишга валюта интервенцияси дейилади.

Хозирги даврда валюта интервенциясидан кўзланган асосий мақсад валюта курсининг қисқа вақт оралиғида кутилмаганда юзага келадиган кескин тебранишларига барҳам бериш ҳисобланади.

Девиз сиёсатининг кейинги инструментларидан яна бири девальвациядир. Девальвация - (лотинча сўздан олинган бўлиб, devaleo - қадрини тушиши деган маънони англатади) миллий валютанинг чет эл валюталарига ёки халқаро ҳисоб-китоб пул бирликларига нисбатан қадрининг тушишидир. Девальвациянинг келиб чиқишига сабаб бўлиб, инфляциянинг кучайиши ва мамлакат тўлов баланисининг салбий қолдиққа эга бўлиши ҳисобланади. Унинг юзага келишига қуйидаги 2 хил сабаб бор:

- экспортни рағбатлантириш;
- миллий валютани расмий курси билан бунинг реал харид қуввати ўртасидаги сезиларли даражанинг пайдо бўлиши.

Ревальвация - (лотинча сўздан олинган бўлиб, revaleo - қадрини ошириш маъносини анлатади) миллий валютанинг чет эл валюталарига эркин, халқаро ҳисоб-китоб пул бирликларига нисбатан қадрининг ошишидир. Унинг эса келиб чиқишига сабаб, инфляциянинг ниҳоятда паст даражада бўлиши ва узоқ эга вақт давомида мамлакат тўлов балансининг актив қолдиққа бўлиши, миллий фирма ва компанияларнинг жаҳон савдо бозорида рақобатбардошлигидадир.

Жаҳон амалиётида ревальвация девальвацияга нисбатан кам қўлланилади, бу жараённи фақат дунёнинг энг ривожланган индустрiali мамлакатларнинг амалаётидагина учратиш мумкин.

Девиз сиёсатининг яна бир муҳим инструментларидан бири бу валюта резервларини диверсификация қилишдир.

Валюта резервларини диверсификация қилиш деганда – бир вақтнинг ўзида бир неча валютада резервларни ташкил қилиш тушунилади. Бу валюта резервларини таркиби барқарор бўлган валюталар ҳисобидангина амалга оширилади демакдир. ✓

3-§. Валюта сиёсатида конвертация жараёнининг ўрни ва роли

Конвертация – миллий валюта бирлигининг қонуний алмашинуви, хорижий валюталарга алмаштириш имкониятидир.

Конвертация даражасининг ҳар хиллиги, ҳукумат томонидан ўрнатилган ваютавий чекловлар орқали белгиланади. Улар қўйидагига бўлинади:

Тўлиқ конвертация – миллий валютанинг хоҳлаган чет эл валютасига эркин алмашинуви, у барча ташқи иқтисодий алоқаларни қамраб олади.

Қисман конвертация – фақатгина жорий ҳисоблар бўйича чет эл валютасига эркин алмашуви тушунилиб, хорижий инвестициялар ва халқаро капиталлар ҳаракати билан боғлиқ операцияларга рухсат этмайди.

Ташқи конвертация – тўлиқ ва эркин конвертациянинг норезидентларга берилиши, яъни мазкур мамлакатдаги жисмоний ва ҳукуқий шухсларга конвертация йўқлиги тушунилади.

Ички конвертация – миллий валюта эркин чет эл валютасига алмаштириши ҳуқуқи мазкур мамлакатнинг резидентларига берилиши тушунилади.

У ёки бу конвертациянинг кўриниши ўз-ўзидан шаклланмайди балки, ҳукуматнинг валюта сиёсатининг йўналиши ва мақсадларини ҳисобга олиб, ҳукумат органларининг фаолиятидан келиб чиқади.

Ҳукумат органлари юқоридаги конвертация шаклларини таълашдан олдин, аввало, иқтисодий база ва институционал инфратузулмаларга, жорий ижтимоий-сиёсий аҳволга ва бошқаларга таянади. Шунга кўра ҳукумат валюта сиёсатининг стратегия ва тактикасини ишлаб чиқади. Валюта сиёсатини асосан ҳукуматнинг бир бўгини – Марказий Банк амалга оширади.

Марказий банкнинг валюта сиёсати деганда, унинг валюта муносабатларини тартибга солиш ва амалга ошириш соҳасидаги тадбирлари мажмуи тушунилади.

Марказий банкнинг валюта сиёсати пул-кредит сиёсатининг асосий воситаларидан бири ҳисобланади. Жаҳон банк амалиётида шу нарса маълумки, Марказий банк валюта сиёсати асосан: Марказий банк ҳисоб ставкасинни ўзгариши валюта интервенцияси, ревальвация, девальвация, валюта резервларини диверсификация қилиш шаклларида намоён бўлади.

Дисконт (фоиз) ставкаси – ссуда капитали йиллик даромади бўлиб унинг, абсолют катталигига нисбатан келиф чиқади. Демак, фоиз ўзининг иқтисодий маъноси бўйича ссуда капиталининг фойдаланганлик учун тўлаандиган қўшимча қўйматидир.

Фоиз ставкалари одатда фойда меъёри орқали аниқланади. Лекин амалиётда фоиз ставкаси даражаси ссуда капиталларига бўладиган талаб ва таклифдан келиб чиқади. Бу талаб ва таклиф бир қанча иқтисодий ва бошқа омилларга боғлиқdir. Цикл фазаси, инфляция даражаси, иқтисодиётни давлат томонидан монопол бошқариш даражаси, Марказий банк сиёсати, ички омиллар шулар жумласидандир.

Фоиз ставкалари тузилиши асосида объектив тарзда пул бозорининг ставкаси ётади, яъни жуда кенг тарқалган ва ликвидли қисқа муддатли операциялари ставкалари банкларнинг ўз кредит фаолиятини қайта молиялаштиришда қўлланилади.

Шундай қилиб, банклар Марказий банк томонидан одатий ҳолда қайта молиялаштирилиши мумкин. Давлат расмий ҳисоб ставка курси валюта-пул бозорини тартибга солишнинг асосий йўлларидан биридир.

Хазина вексел ставкалари, пул-валюта бозори ставкалари таркибининг иккинчи гурӯҳ элементларига киради, банклар депозитлар ва депозит сертификатлари учунчи гурӯҳ элементларига киради.

Валюта интервенцияси – Марказий банк девиз сиёсатининг энг кенг тарқалган шакли ҳисобланади.

Марказий банкнинг валюта бозоридан миллий валюта бозорига таъсир этиш мақсадида чет эл валюталарини сотиш ва сотиб олишга валюта интервенцияси дейилади.

Ҳозирги пайтда валюта курсининг қисқа вақт оралиғида кутилмаганда юзага келадиган тебранишларга барҳам бериш валюта интервенциясининг асосий вазифа ва мақсади ҳисобланади. Марказий банклар валюта курсини исталган даражада ўзгартириш имкониятига эга әмас. Чунки улар валюта бозорларида тижорат банклари билан рақобат қила олмайди. Шу сабабли, валюта интервенциясидан мақсад валюта курсининг кескин тебраниш оқибатларини юмшатышдир.

Валюта интервенциясида расмий олтин-валюта захираси ёки Марказий банкнинг банклараро “своп” битимлари ҳисобга олинади.

Мамлакат пул-кредит сиёсати билан боғлиқ интервенциянинг “тозаланган” ва “тозаланмаган” турлари мавжуд. Уларнинг муомаладаги пул массаси ва фоиз ставкасига таъсир кўрсатиш масаласи муҳим аҳамиятга эгадир. Пул-кредит соҳасига назарий жиҳатдан “стерилизациян” интервенция таъсир этмайди, стерилизациян интервенция эса таъсир этади.

Интервенциянинг иккинчи шакли мураккаб саналади ва ундан фойдаланиш кенг тарқалган. Чунки у пул кредит сиёсатига валюта бозоридаги талаб ва таклифларни ўзгартириш орқали таъсир этади.

Ҳозирги пайтда ҳар қандай интервенция валюта бозоридаги вазиятни барқарор ушлаш ҳамда валюта курсларининг тез тебранишининг олдини олиш мақсадида ўтказилмоқда. Валюта бозоридаги барқарор ҳолат, биринчи навбатда ташқи иқтисодий алоқаларни, жумладан, бутун иқтисодиётни ривожланишини таъминлайди. Ҳар бир давлат валютаси интервенциясини иқтисодий шароитларидан, халқаро иқтисодий муносабатларнинг “очиқлик” даражасидан келиб чиқиб, ўз вазифаларига мослаб амалга оширади.

Марказий банк валюта курсининг барқарорлигини таъминлашда маълум миқдорда халқаро тўлов воситалари, яъни олтин-валюта резерви, ХВМнинг резерв позицияси захираларига ёки чет эл заёмларига эга бўлиши керак. Валюта резервлари – бу давлатнинг Марказий банклари валюта захиралари зисобланади.

“Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тўғрисида”ги қонуннинг 42-моддасида, халқаро резервлар тўғрисида

қуидагилар қайд этиб ўтилган:“Марказий банк ўзининг баланс ҳисобларига Ўзбекистон Республикасининг халқаро резервларини шакллантиради.” Бу резерв қуидагиларни:

- олтин ва бошқа қимматли металларни;
- нақд чет эл валютасини;
- чет эл банкларида, халқаро молия ташкилотлари ҳисоб варажлари ва депозитларида бўлган чет эл валютаси қолдиқлари;
- чет эл ҳукуматлари, банклари, халқаро молия ташкилотлари чиқарган ёки кафолатланган чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни ўз ичига олади.

Марказий банк ҳукуматнинг монетар ҳамда валюта сиёсатини амалга ошириш учун, шунингдек халқаро операциялар бўйича ҳисоб-китобларни таъминлаш учун етарли даражада халқаро резервларни сақлаб туришга ёрдам беради.

Марказий банк валюта операцияларининг асосий қисми своп операцияларига тўғри келади. Своп операцияларининг пул бозорларида таъсири сезиларли. Марказий банк тижорат банкларида своп операциялари бўйича чет эл валюталарини, айтайлик АҚШ долларини сотиб олди, дейлик. Бунда у Марказий банк пулларини маълум даврда банклар ихтиёрига бериб қўяди. Ва аксинча, у своп битими бўйича банкларга АҚШ долларини сотди дейлик. Унда мамлакат пул бозори маълум пайтгача анча ликвидли маблағлардан маҳрум бўлади.

Марказий банк валюта сиёсатининг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, у орқали кредит институтларининг ликвидлига таъсир этишнинг муҳим усулларидан бири гаров эвазига ссудалар бериши билан боғлиқ валюта операцияларини амалга оширишдир. Ушбу операцияларни амалга ошириш учун тижорат банклари Марказий банкнинг чет эл валюталаридаги активлардан, вақтингчалик фойдаланиш ҳуқуки берилади. Активларнинг ўзи эса Марказий банкнинг мулки бўлиб қолаверади. Шу сабабли, унга фоиз ҳисоблаб борилади.

Валютавий чекланишлар деганда, одатда чет эл валютаси, олтин ва бошқа қимматлиликлар билан бўладиган операцияларни давлат миқёсида қонун асосида чекланишлар тушунилади. Бу чорани амалга оширишдан мақсад тўлов

балансининг активларига ва миллий валюта курсини кўллаб-куватлаш ва унинг барқарорлигини оширишдан иборат. Миллий валюта барқарорлигини таъминлаш мақсадида Марказий банк томонидан мамлакатга чет эл капитали келиб тушушини таъминловчи чоралар ишлаб чиқилади, амалга оширилади ва валютавий чекловлар ўрнатади.

Валюта чекловлари қўйидагилар ҳисобланади:

1. Халқаро тўлов ва капитал ўтказмаларини бошқариш, экспорт тушуми, фойда, олтин, қимматли қофозлар алмашинувчалигининг марказдан бошқарилиши;
2. Хорижий валюталарнинг эркин ғолди-сотдисига чеклов;
3. Давлат қўлидаги хорижий ва бошқа валюта қийматликларининг марказлашуви. Бунга, шунингдек, чеклар, аккредитивлар, хорижий қимматли қофозлар, қимматбаҳо металлар киради.

Бунда қўйидаги валюта чекловлари мавжуд бўлади:

- Марказий банк ва ихтисослашган банклар валюта операцияларининг марказлашуви;
- Валюта операцияларини лицензиялаш ва хорижий қарздорларнинг, импортёрларнинг чет эл валютасини олиш учун валюта назорат органлари томонидан олдиндан рухсатноманинг талаб қилиниши тўлиқ ёки қисман валюта ҳисобварақаларини блокировка қилиш;
- Валюта алмашинувини чегаралаш.

Валюта чекловларининг иккита сфераси мавжуд: тўлов балансининг жорий операциялари (савдо ва "кўринмас" операциялар) ва молиявий (капитал ва кредитларнинг ҳаракати, фойда, солиқ ва бошқа тўловларни ўтказиш) операциялари бўйича.

Валюта чекловларининг шакллари уларнинг ички тартиби ва структурасини ифода этади. Жорий операциялар бўйича қўйидаги шакллари кўлланилади:

- Экспортёрлар Марказий банкка тўлиқ ёки қисман валюта тушумларини мажбуран сотиши;
- Хорижий экспортёрлар тушумини блокировка қилиб, товарларни мазкур мамлакатда сотишларини таъкидлаб қўйиши;

- Импорт қылувчиларга чекланган микдорда хорижий валюталарни сотиш;
- Чет элда товарларни миллий валютада сотишни таъкидлаш;
- Айрим импорт товарларига хорижий валютада тўлашни чеклаш;
- Экспорт ва импорт тўловлар муддатини назорат қилиш;
- Валюта курсларининг ҳар хиллиги – ҳар хил операциялар, товар группалари, регионлар бўйича валюта курсларини дифференциаллашуви.

П-жаҳон урушидан кейин кўп мамлакатлар – ХВФ аъзолари, унинг уставига зид равишда бир қанча валюта курсларини қўллашган. Францияда 10 хил валюта курслари ўрнатилган. 60-йилларнинг ўрталарига келиб Туркияда расмий валюта курсидан (1 АҚШ доллари=2,8 лира) ташқари бошқа дифференциаллашган курсларни қўллашган.

Валюта кўрсими кўтариб туришдан мақсад бўлиб, биринчи даражада импорт товарларини арzonлаштириш, ташқи қарзларни камайтириш, айрим товарлар экспортини жиловлаш ҳисобланади. Курсни пасайтириш қарама-қарши мақсадларни кўзлади.

Качонки валюта курслари унификация қилинганда валюта алмашинувини йўлга қўйиш мумкин.

Капитал ҳаракати бўйича чекловлар қўйидагилар:

- Миллий ва хорижий валюта, олтин, қимматли қоғозлар чиқиб кетиши ва кредитлар беришни лимитлаш;
- Кредит ва молиявий бозорларни назорат қилиш;
- Миллий банкларнинг хорижий валютада халқаро кредитлар беришни чеклаш;
- Норезидентларга мазкур давлат қимматли қоғозларини сотишни таъкидлаш;
- Валюта олиб киришни чегаралаш.

Шундай қилиб, валюта чекловлари протекционистик амаллар бўлиб, қўйидаги мақсадларни кўзлади:

- Тўлов балансини барқарорлаштириш;
- Валюта курсини қувватлаш;
- Жорий стратегик мақсадларни ечиш учун давлат қўлида валюта қийматликларини йигили.

Бундан ташқари - ҳукумат Марказий банки валюта курсига таъсир этиш орқали стратегик мақсадларни амалга оширади.

Валюта сиёсатининг муҳим инструменти бўлиб, валюта курси ҳисобланади. Валюта курси бу мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигига ифодаланган баҳоси бўлиб, валюта курси даражасининг ўзи 2 хил усул билан бошқарилади:

1. Бозор бошқаруви;
2. Давлат бошқаруви.

Бозор бошқаруви рақобат, қиймат, ҳамда талаб ва таклиф қонуқлари асосида амалга оширилади.

Давлат бошқаруви бозор бошқарувининг салбий оқибатларини бартараф этиш ва барқарор иқтисодий ўсишлини таъминлаш, тўлов балансини мувофиқлаштириш, ишсиазлик даражасини камайтиришга қаратилади. Давлат валюта сиёсати ёрдамида валюта курси даражасига таъсир этади.

Ҳукумат валюта сиёсатининг асосий инструменти бўлиб юқорида айтилган валюта интервенцияси бўлиб ҳисобланади. Валюта интервенцияси Марказий банкнинг валюта бозорида миллий валюта пул бирликларини кучли хорижий валюталарга қарши олди-сотди операцияларидир. Валюта интервенциясининг асосий мақсади валюта курсини талаб ва таклиф ёрдамида ўзgartариш. Миллий валюта курсини кўтариш учун Марказий банк хорижий валюталарни сотиб, миллий валюталарни сотиб олиши керак. Бунда хорижий валютага талаб тушади, натижада миллий валюта курси кўтарилади.

Миллий валюта курсини тушириш учун Марказий банк валютани сотиб, хорижий валюталарни сотиб олади. Бу нарса хорижий валюта курсининг ошишига, миллий валюта курсининг тушишига олиб келади.

Интервенция қилинди учун расмий валюта резервларидан фойдаланилади. Резервларнинг ўзгариши, валюта курсини шакллантириш жараёнида, давлат аралашувининг масштаб кўрсаткичи бўлиб хизмат қиласади.

Расмий интервенциялар ҳар хил усуллар билан ўтказилади – биржаларда ёки банклараро бозорларда, брокерлар ёки бевосита банк операциялари ёрдамида ўтказилади.

Узок муддатда валюта интервенциялари орқали ижобий натижаларга эришиш учун қўйидагилар зарур:

1. Валюта интервенцияларини ўтказиш учун керакли микдорда Марказий банкдаги резерв кўлами;
2. Марказий банкнинг узок муддатли сиёсатига бозор иштирокчиларининг ишончи;
3. Иқтисодий ўсиш, инфляция темпи, пул массасининг ўзгариши ва ўсиши каби фундаментал иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгариши.

Бундан ташқари дисконт сиёсати ҳам валюта курсига таъсир этади. Дисконт сиёсати – Марказий банк томонидан фоиз ставкаларини ўзгартириш; валюта курсини бошқариш мақсадида ички бозорда кредит баҳосига ва шу билан бирга халқаро капиталлар характеристига таъсир қилиш тушунилади. Охирги пайтларда унинг валюта курсига таъсири астасекинлик билан камайиб бормоқда.

Шунингдек, протекционистик амаллар ҳам валюта курсига катта таъсир кўрсатади. Протекционистик амаллар ўз иқтисодиётини, шунингдек, ўз миллий валютасини ташки таъсирдан ҳимоя қилишга қаратилган амаллардир. Уларга, юқорида айтилган валюта чекловлари, қонуний ёки маъмурий чекловлар киради.

Бошқача қилиб айтганда, ҳукумат валюта курсига таъсир этиш орқали валюта курси режимини таъминлайди.

Жаҳон амалиётида валюта режими асосан З хил бўлади:

1. Фиксиранган валюта курси режими;
2. Сузиб юрувчи валюта курси режими;
3. Бошқариладиган сузиб юрувчи валюта курси режими.

Фиксиранган валюта курси тор доирада тебранади. Унинг асосида валюта паритети, яъни турли мамлакатларнинг пул бирликлари ўртасида расмий ўрнатилган нисбат ётади.

Сузиб юрувчи валюта курси – эркин тебранувчи курс режими бўлиб, валюта бошқарувининг бошқарув механизмини (талаб ва таклиф) қўллаш асосида амалга оширилади.

Бошқариладиган сузиб юрувчи курс тизимида бозор талаб ва таклифидан ташқари Марказий банк интервенцияси ҳам қўлланилади.

Валюта курс режимини танлаш мұаммоси иқтисодчилар ўртасида баҳс - мунозараларга сабаб бўлмоқда XX асрда ҳеч қайси давлат юқорида айтилган биринчи ва иккинчи курс режимларининг биридан тўлиқ фойдаланмаган.

Марказий банк асосан шундай валюта режимини тиклашга ҳаракат қиласиди, унда давлатнинг Зта иқтисодий масаласи амалга оширилиши ва бир-бiri билан зид келмаслиги зарур.

Ҳозирги кўпчилик мамлакатлар бошқариладиган валюта курси режимидан фойдаланадилар. ✓

4-§. Ўзбекистонда валюта сиёсатининг асосий йўналишлари.

Фан техника тараққиётининг ўзига хослиги, ихтисослашув ва у билан бөглиқ ҳалқаро меҳнат тақсимоти ҳақида миллий ишлаб чиқаришлар кооперациянинг янада чуқурлашувини талаб қилмоқда. Бунинг оқибатида эса ҳалқаро савдо ривожланади ва давлатлар ўртасида кредит-молия, валюта муносабатлари янада такомиллашмоқда. Шуниси дикқатта сазоворки, кейиниги йилларда товарлар экспортининг суръатлари саноат ишлаб чиқариш суратларига нисбатан сезиларли равишда ўсган.

Устувор йўналишлар экспортга йўналтирилган ва асосий тармоқларга, кичик ва хусусий, тадбиркорликни кўллаб-куватлашга, хорижий инвестицияларни жалб қилишга қаратилган тузилмаси қайта ўзгаришлар ва иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш, республикада ўтказилаётган ислоҳотларнинг асосий таркибий қисми бўлиб қолди. Танланган устувор йўналишларнинг тўғрилиги шу билан тасдиқландиди, жаҳон бозорларини қамраб олган салбий жараёнлардан сақланган ҳолда, ички молия бозорини ҳар қандай таъсирларидан сақлаб қолишга муввафақ бўлинди.

1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг пул-кредит сиёсатини валютанинг барқарорлигини сақлаган ҳолда, унинг мавжуд ўсиш йўналишини мустаҳкамлашга, жорий ҳалқаро операциялар бўйича унинг конвертациялаши учун зарур шароитларни яратишга ва валюта захираларидан ишлаб чиқаришнинг

устувор йўналишларида самарали фойдаланишга йўналтирилган эди.

Валюта сиёсатининг иккита асосий, бир-бираiga қарама-қарши келувчи омиллари мавжуд, улар: валюта курсидан молиявий барқарорлаштириш қуроли сифатида фойдаланиш. Биринчи ҳолатда валюта курси барқарор бўлиши ва қайсиdir маънода баҳоси кўтарилган бўлиши (бу нарса баҳолар ўсиб кетишини олдини олади) керак.

Иккинчи ҳолатда эса у анча қайишқоқ ва баҳоси пасайтирилган бўлиши (экспортини рағбатлантириш мақсадида) лозим. Валюта сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири валюта режимлари бўлиб, валюта режимлари: маълумки, алмашинув курси белгиланган ёки эркин сузувчи курслардан бўлиши мумкин. Бундан ташқари, «Бошқариладиган сузувчи» деб аталадиган курс ҳам мавжуд. Биринчи ҳолда миллий валютанинг номинал курси қандайдир барқарор валютага нисбатан белгиланади (масалан, АҚШ долларига) Марказий банк эса бу даражани валюта интервенциялари орқали ушлаб туради. Бундай режимни инфляцияни камайтириш ва молиявий барқарорликка эришиш учун қўллаш мақсадга мувофиқроқ бўлади.

Бироқ, ўрта муддатли даврда барқарор валютага эга бўлган мамлакатда инфляциянинг нисбатан юқори суъратлари сақланиб турган бўлса, унда бу режим реал алмашинув курсининг ошишига ва экспортнинг дестимуляцияланишига олиб келади. Чунки миллний валютанинг реал курси пасайиб кетади. Бундай ҳолда спекулятив ҳужумларга дучор бўлиши эҳтимоли пайдо бўлади. Агарда валюта бозори иштирокчилари келажакда курсининг девольвацияланишини кутишаётган бўлишса, эркин “Сузиш” режимида, яъни Марказий банк валюта бозори фаолиятига аралашмаган тақдирда ва алмашинув курси талаб ва таклиф асосида белгиланаётган ҳолатда курсининг айтиб бўлмайдиган кескин тебранишлари оқибатида миллний иқтисодиётнинг ва ташқи савдонинг издан чиқиши хавфи пайдо бўлади.

Валюта сиёсатининг яна бир йўналиши бу валюта алмашув курсидир. Одатда, иқтисодиётни, қисқа муддатли даврда инфляция билан курашиш воситаси сифатида фойдаланиш мумкин. Бироқ бундай валюта режимини жорий

этиш учун қуйидагиларни назарда тутиш керак: талабда сакрашлар юзага келганды валюта интервенцияси орқали курснинг керакли даражасини тутиб туриш имконини берадиган етарли миқдордаги олтин валюта захираларининг мавжудлиги: қатъий монетар ва фискал сиёсатнинг ўтказилиши.

Агар бу шартлардан бирортаси бажарилмайдиган бўлса, унда белгиланадиган алмашинув курсини жорий қилиш мутлақо мумкин эмас.

«Бошқариладиган ёки сузувчи» валюта курси Молиявий барқарорликка эришилгач ва инфляция даражаси йилига 10-15 фоизгача пасайса, «Бошқариладиган сузувчи» режим энг мақбул режим бўлиб қолади. Чунки у экспортни рағбатлантириш вазифасини ҳал қилишга имкон яратади. Сўм номинал курсининг сиргалувчи пасайиши шароитида «Валюта йўлаги»ни белгилаш, баҳолар барқарорлигини ва уларни олдиндан башорат қилинишини таъминлашга имкон яратади.

Ривожланаётган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, миллий валютанинг конвертацияланишига эришиш-монетар, фискал ва ташки савдо сиёсатлари соҳаларида қатор ўзаро боғлиқ, чора-тадбирлар мажмуасини талаб қилувчи жуда мураккаб жараёндир. Конвертация товарлар, хизматлар ва молия активлари оқимларининг жалқаро ҳаракати билан чамбарчас боғлиқ. Конвертациялашни жорий қилиш ташки савдога ва сармоялар ҳаракатига бўлган чекловларни олишга тенг бўлган натижани беради. Конвертациялашга бўлган чеклашларни олиб ташлаш иқтисодиёт учун қатор афзалликларни таъминлайди, бироқ бунинг учун маълум бир тўлов тўлаш керак бўлади, у эса эркинлаштиришнинг тезлигига бевосита боғлиқdir.

2003 йил октябр ойида миллий валютани конвертация қилиш бўйича, ХВФ талаблари асосида, XIII банднинг имзоланиши мамлакат валюта сиёсатида музҳим ўзгаришларга олиб келувчи қадам бўлди. Бу конвертациялаш барча иқтисодий агентларга хорижий валютанинг режимини қабул қилишни англатади.

Миллий валютанинг конвертацияланишига эришишнинг бошланғич босқичида қуйидагиларни таъминлаш лозим:

- тўлов балансининг мувозанатига зид келмайдиган алмашинув курсини белгилаш;

- яқин истиқболда тўлов балансида кескин бузилишлар рўй бериб қолганда халқаро ликвидликнинг (хорижий валюталарнинг захираси, хорижий валюта қарзларига бўлган йўлнинг очиқлиги) етарли бўлиши зарур.

Хорижий валюта захиралари ўлчамларининг кўрсаткичларидан бири сифатида кўпинча ойларнинг сони қўлланилади (қоидага кўра иккитадан кам бўлмаслиги лозим), яъни мана шу ойлар ичida мамлакатга зарур бўлган барча импорт учун тўлов тўлаш имконияти мавжуд бўлади.

Масалан: Польшада конвертацияланадиган валюта жорий қилинганда, ундаги валюта захиралари тўрт ярим ой мобайнида импорт товарлар сотиб олишга етар эди:

- барқарорлаштириладиган молиявий сиёsat мавжуд бўлиши керак (жумладан, пул массасини ёки ички талаб ва импортнинг ўсишини қисқартириш, булар тўлов балансида катта танқисликни келтириб чиқарадилар).

- қатъий бюджет чеклашларини жорий қилиш, давлат корхоналарини дотациялаш ва субсидиялашнинг яшириш шаклларини бекор қилиш:

- хусусийлаштириш соҳасида самараси чора-тадбирларни қабул қилиш ва иқтисоднинг барча субъектлари учун ташки иқтисодий фаолият юритишда тенг хуқуқларни ўрнатиш. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар бозор қатнашчиларидан бўлишлари керак, чунки бу уларга конвертацияланётган валютанинг барча афзалликларидан фойдаланиш имкониятини яратади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2001 йил 22 июндаги 263-сонли “Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ва 2001 йил 10 июлдаги 294-сонли “Биржадан ташқари Валюта бозори фаолиятини ташкил этиш чора -тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари мамлакатимиз молия тизимини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Мазкур қарорлар валюта бозоридаги ўзгаришларни тезлаштирди, иқтисодиётимизнинг жаҳон капитал бозорларига чиқишига кўмаклашади.

Олий Мажлиснинг декабрь 2003 йилдаги Сессиясида Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонуни лойиҳасининг янги таҳрирининг кўриб

чиқилиши ҳам ҳукумат валюта сиёсатининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қатор қарорлар, хўжалик субъектларининг валюта бозоридаги фаолиятларини анча кенгайтириб, чет эл валютасини сотиб олиш таомилини соддалаштироқда.

Ўзбекистонда валюта бозорини ўз вақтида эркинлаштириш иқтисодиётини янада ривожлантириш учун катта имкониятлар яратади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 июлдаги 294 сонли «Биржасидан ташқари валюта бозори фаолиятини ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ қарзга олинган маблағлар ҳисобидан конвертацияни амалга ошириш тақиқланади. Кредитга олинган маблағларга чет эл валютасини сотиб олиш бозорда чет эл валютасига бўлган талабни сұйний равишда оширади. Бу эса миллий валюта барқарорлигини издан чиқаради. Республика ҳукумати ва Марказий банк миллий валюта барқарорлашувидан манфаатдорdir. Бу эса ўз навбатида, макроиктисодий барқарорликни кафолатлади.

Валюта бозорини янада эркинлаштириш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ижобий натижага бериши керак.

Биринчидан, маҳсулот экспортчиларнинг моддий манфаадорлиги ошади ва бунинг натижасида экспортининг умумий жажми кўпаяди.

Иккинчидан, малакатимизда янада қулай инвестиция иқлими яратилади, хорижий ва ички инвесторларининг экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришга инвестиция қилишлари учун қулай шарт-шароитлар юзага келади.

Учинчидан, иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ўтказиладиган ислоҳотларни тезлаштириш имкониятлари яхшиланади.

Бозор иқтисодиётини ривожлантириш, албатта, молия тизими ва валюта бозорини янада эркинлаштириб боришини талаб қиласди. Шу сабабли, биржадан ташқари валюта бозорида операциялар ҳажмини кенгайтириб бориш зарурияти пайдо бўлди.

Ҳозирги пайтда биржадан ташқари валюта бозори банкларо валюта бозорини, вакил банклар билан уларнинг

мижозлари ўртасидаги операцияларни шунингдек, валюта алмаштириш пунктлари орқали нақд пул, чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш операцияларини ўз ичига олади.

Хозирги кунда Валюта бозорини янада эркинлаштириш мақсадида биржадан ташқари, валюта бозорини кенгайтириш ва кейданилик талаб ва таклиф асосида айирбошлиш курсини шакллантириш тўғрисида муҳим ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Валюта бозорида фаолият юритаётган барча хўжалик субъектлари учун тенг шароитлар яратиш, шунингдек, мижозларнинг чет эл валютасидан фойдаланишлари тўғрисида қарорлар қабул қилишлари учун тижорат банкларига ваколатлар бериш:

Республика ички валюта бозорини валюта операциялари талаб ва таклиф асосида юзага келадиган айирбошлиш курси бўйича амалга ошириладиган реал бозорга айлантиришга ўтилмоқда.

Таъкидлаш керакки, Марказий банк курси бўйича амалга оширилган кўпчилик валюта операциялари жорий йилнинг 1 июлидан эътиборан биржадан ташқари валюта бозоридаги талаб ва таклиф асосида таркиб топадиган эркин курс бўйича амалга оширилади.

Валюта операциялари бозори қатнашчиларига айланниши истаган маҳаллий тижорат банклари, аввало, ўзларини яхши мижозлар билан таъминлашлари керак. Банклар учун хорижий валюта билан савдо қиласидиган зарур ташкилий тузилма-дилинг бўлмини ташкил этиш ҳам жуда муҳимдир. У фронт-офис (мижозлар билан ишлаш) бэкофис (маъмурият) ва бухгалтерияга бўлниши керак. Бу вазифаларни аниқ тақсимлаш имконини беради. Валюта операциялари битимини тузишни ташкил этиш ва унинг технологиясига етарли эътибор бериш керак.

Хозирги замон валюта дилингини компьютер ва телекоммуникация техникасиз, маҳсус ускуналари ва ахборот агентликларсиз тасавур этиб бўлмайди.

Банк учун ўз маблағлари ҳисобидан хорижий валютани сотиб олиш ва сотишдан мақсад, валюта курслари ўзгаришидан фойда олишдир.

Валюта ва фоиз битимларида банклараро воситачиликни кўпинча брокеролик идоралари ўз зиммаларига оладилар. Банклар билан брокерлар ҳамкорлигининг афзаллиги, улар

телефон ёки бошқа коммуникация воситалари орқали доимий алоқада бўлишидадир. Брокер билан ҳамкорлик қилувчи банклар унга валютани сотиб олиш ва сотиш ҳақида топшириқлар берадилар ва курсларни белгилайдилар. Шу тариқа тез битимлар тузиш учун реал имкониятга эга бўладилар.

Ҳозирги Ўзбекистонда хорижий валюта бўйлай савдо қилишнинг асосий қисми бирмунча барқарор молиявий муносабатлар таркиб топган энг йирик банклар қўлида жамланган. Улар ташқи иқтисодий муносабатларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ операциялар ва ички валюта операцияларининг аксарият қисмини амалга ошироқда. Йирик бўлмаган тижорат банклари халқаро операцияларни ёки хорижий вакил банклар билан йирик банкларнинг Ўзбекистондаги вакиллик ҳисобварақлари орқали олиб борадилар. Уларнинг айримлари эса валюта операцияларини ўзлаштирища дастлабки қадамларгина ташламоқда.

Юқорида айтиб ўтилган чора-тадбирлар биржадан ташқари валюта бозорининг қатнашчилари бўлган хўжалик субъектлари учун қулай шарт-шароитларни яратиш керак.

Ҳукумат қабул қилган қарорларга мувофиқ корхона ва ташкилотларга чет эл валютаси сотиб олиш тартиби анча соддалаштирилган, яъни корхона ва ташкилотлар уларга хизмат кўрсатувчи вакил банкларга ўзларининг сўмдаги маблағларини чет эл валютасига айрбошлиш хусусида талабнома топширадилар.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, вакил банклар банклараро савдо сессияларида талаб ва таклифга кўра юзага келадиган эркин курсга асосланиб, валюта алмаштириш пунктларида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш курсини белгилайдилар.

Биржадан ташқари валюта бозорида операцияларнинг куйидаги турлари амалга оширилади:

- экспортчиларнинг валюта тушумини мажбурий равища сотицлари;
- ускуналар, бутловчи буюмлар, хом-ашё материаллар ва хизматлар импорти учун чет эл валютаси сотиб олиш;
- жалб қилинадиган чет эл кредитларига хизмат кўрсатиш бўйича ҳисоб-китоблар;

- чет эллик кредиторлар билан ҳисоб-китоблар;
- чет эллик инвесторлар билан оладиган фойда, дивидендерлар ва бошқа даромадларни репатриациялаш учун чет эл валютасини сотиб олиш.

Бирлашган барқарорлаштириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланишга оид операциялари:

- хизмат сафарлари харажатларини тўлаш учун чет эл валютасини сотиб олиш ва бошқа операциялар.

Жамғарма маблағларидан биржадан ташқари валюта бозорида валюта айирбошлиш курси эҳтимоли ошиши учун фойдаланиш мумкин. Жамғарма валюта бозоридаги эҳтимолий салбий ҳолатлар рўй беришидан ҳимояланишни таъминлаши лозим.

Банклараро савдо сессияларида биржадан ташқари валюта бозоридаги курсларни шакллантиради.

Корхона ва ташкилотлар чет эл валютасини сотиб олиш учун сўмда етарли ҳажмда маблағга эга бўлишлари ва уни вакил банкда маҳсус ҳисоб варагда захирада сақлашлари керак. Валюта муносабатларини янада эркинлаштиришни амалга ошира бориб, миллий валютамизни конвертацияланишини таъминлаш учун мустаҳкам замин яратишга интилоқдамиз. Изчил равишда, қадам-бақадам амалга ошириладиган ушбу чора тадбирлар барча мўлжалланган ислоҳотларнинг аҳоли учун безарар тарзда амалга оширилиши имконини беради ва Ўзбекистон жаҳон иқтисодиётидаги ўзининг муносаб ўрнини эгаллайди.

Таянч сўзлар

- | | |
|---|---|
| <ul style="list-style-type: none"> ➤ Валюта сиёсати; ➤ Валютавий чеклашлар; ➤ Дисконт сиёсати; ➤ Девиз сиёсати; ➤ Валюта интервенцияси; ➤ Девальвация; ➤ Диверсификация; | <ul style="list-style-type: none"> ➤ Конвертация; ➤ Экспорт; ➤ Импорт; ➤ Инвестор; ➤ Фронт-офис; ➤ Бэкофис. |
|---|---|

Ўз билимини текшириш учун саволлар

1. Валюта сиёсатининг иқтисодий моҳияти нимадан иборат?
2. Валюта сиёсатини таркибий тузилишини гапириб беринг.
3. Дисконт сиёсати нима?
4. Девиз сиёсатининг инструментлари нималардан ташкил топган ва уларга таъриф беринг.
5. Валюта чекловлари деганда нимани тушунасиз?
6. Валюта конвертацияси тўгрисида сўзлаб беринг.
7. Мамлакатимизда валютани тартибга солиш бўйича ва валюта сиёсатини амалга оширишнинг қандай ҳуқуқий асослари мавжуд?

В боб. Марказий банкнинг валюта сиёсати

1-§. Марказий банкнинг валюта сиёсатининг мақсади ва асосий вазифалари

Марказий банкнинг валюта сиёсати деганда, унинг валюта муносабатларини тартибга солиш ва амалга ошириш соҳасидаги тадбирларининг мажмуи тушунилади.

Мамлакатлараро муносабатларда Марказий банк валюта сиёсатининг асосий жиҳати ҳамкорлик ва келишув, яъни ривожланаётган малакатларни ички сиёсатига молиявий ва маслаҳат хизматлари орқали кўмак беришдан иборат.

Марказий банкнинг валюта сиёсати ҳуқуқий жиҳатдан валютавий қонунлар асосида тартибга солинади. Буларга ҳуқуқий даражадаги чегараларнинг ўрнатилиши, мамлакат ичкарисида ва ташқарисида валюта қимматликлари билан бўладиган муносабатларни тартибга солиш, мамлакатлараро валютавий муаммолар бўйича икки томонлама ва кўп томонлама, валютавий келишувларни тузиш киради.

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг З-моддасида: «Марказий банкнинг бош мақсади миллий валюта барқарорлигини, унинг қадрини ошириш ва шу орқали баҳолар барқарорлигини таъминлашдан иборат» деб ёзил қўйилган.

«Валюта барқарорлиги» атамаси пул массаси, нарх-наво ва миллий валюта алмашув курсининг барқарор бўлиши тушунчасини ўз ичига олади. Бу эса Марказий банкнинг иқтисодиётни бошқаришдаги ролини акс эттиради. Албатта, пул массасига, нархларга алмашув курсларига таъсир кўрсатадиган омиллар кўп бўлиб, шулардан айримлари Марказий банкнинг бевосита назорати ва таъсиридадир.

Марказий банкнинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

- монетар сиёсат ва валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни шакллантириш, қабул қилиш ҳамда амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикасида ҳисоб - китобларнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлаш;
- банк фоалиятини тартибга солиш ва банклар устидан назорат ўрнатиш;

- Ўзбекистон Республикасининг расмий олтин-валюта заҳираларини, шунингдек ҳукумат заҳираларини келишувга кўра сақлаш ва бошқариш;
- Молия вазирлиги билан биргаликда давлат бюджетининг касса ижросини ташкил этиш.

Марказий банк ўзи белгиланган энг кам миқдорда резервлар сақлаш тўғрисида банкларга кўрсатма беради. Мажбурий резервлар Марказий банкда накд пул ёки омонатлар кўринишида Марказий банк белгиланган тартибда депозитга ўтказилади.

Ваколатли банкларнинг молиявий жиҳатдан барқарорлигини таъминлаш, кредиторлар ва маблағларни банкка қўйган мижозларнинг манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида Марказий банк чет эл валютасидаги операциялар бўйича иқтисодий меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқсан.

Валюта операцияларини амалга ошириш учун объектив асос бўлиб ташки савдо, капиталлар ва кредитларнинг ҳаракати хизмат қиласи. Халқаро меҳнат таҳсимотининг юзага келиши ва ривожланиши экспорт-импорт операцияларининг юзага келишига ва такомиллашишига асосий сабаб бўлган.

Валюта операцияларининг кенг кўламда ривожланиши Марказий банкларга ушбу бозорда эркин ҳаракат қилишга ва айни вақтда уларни тартибга солишга имкон яратади.

Марказий банкнинг валюта операцияларини амалга оширишга имкон берувчи бир қатор асослар мавжуд бўлиб, улардан асосийлари сифатида қуидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

а) Марказий банкнинг етарли миқдорда олтин-валюта заҳираларига эга бўлиши.

Бизга маълумки, кўпчилик ривожланган давлатларда, хусусан, АҚШ, Германия, Австрия, Буюк Британияда давлатга тегишли барча олтин-валюта заҳиралари Марказий (Федерал, Резерв) банкнинг балансига ўтказилган. Марказий банкнинг вазифаси ушбу резервлардан оқилона фойдаланиш билан биргаликда уларни ошириб бориш ҳисобланади. Демак, у ўз балансида чет эл валюта заҳираларига суянган ҳолда, ҳукумат томонидан белгиланган валюта сиёсати доирасидаги барча операцияларни амалга оширади. Масалан, валюта инвестициясини амалга ошириш учун валюта курсининг

тебранишларига барҳам бера оладиган миқдорда ликвидли маблағларга эга бўлиши лозим. (Англия Марказий банки ана шу мақсадга хизмат қилувчи 40 млрд. АҚШ долларидан заҳирага эга).

б) Марказий банкниң ҳорижий мамлакатларнинг банклари билан вакиллик муносабатларининг мавжудлиги.

Марказий банкниң ҳалқаро валюта бозорларидаги барча операциялари унинг ўз миллий ва ҳорижий валюталардаги вакиллик ҳисобварақлари орқали амалга оширилади. Ҳар бир валюта турига биттадан вакиллик ҳисобвараги очилди ва Марказий банк бошқа мамлакатларнинг Марказий банкларида ўз ҳуқуқий ҳолатидан келиб чиқсан ҳолда эркин тарзда вакиллик ҳисобварақларини юритишга ҳақлидирлар.

Ҳозирги кунда Марказий банклар ҳалқаро валюта бозорларида тижкорат банклари билан рақобат қила олмайдилар. Тижкорат банклари ҳар йили катта миқдордаги маблағларни валюта курсининг ўзгаришини чамалаш, валюта рискини бошқариш мақсадларига сарфлайдилар.

Марказий банкниң диллерларига, одатда, вакиллик ҳисобварақларининг қолдиги минимал бўлиши керак, деган мажбурий шарт қўйилиши мумкин. Юқорида келтирилган омилларнинг мавжудлиги ана шу шартларнинг бажарилишини тақозо қиласди.

в) Марказий банкда валюта операцияларини амалга ошириш тартибини белгилаб берувчи меъёрий ҳужжатларнинг мавжудлиги.

Республикамиизда «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунлар, Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари Марказий банкниң валюта операцияларини амалга ошириш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиласди. Ҳусусан, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг VI бобида валютани тартибга солиш ва ҳалқаро резервларни бошқариш масалалари белгилаб берилган. Ушбу меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, Марказий банк расмий валюта муносабатларини тартибга солувчи давлат органи сифатида фаолият кўрсатади. У ўз балансидаги расмий олтин-валюта резервларини мустақил тарзда бошқариш ҳуқуқига эга ва айни вақтда, уларни самарали бошқариш юзасидан ҳам жавобгардир.

г) Чет эл валюталари билан савдо қилишда мавжуд бўлган савдо удумларига риоя қилиш.

Халқаро валюта савдосидаги қонунларда ёки шартномаларда белгилаб қўйилмайдиган, аммо ҳамиша унга риоя қилинадиган ана шундай муҳим удумлар тоифасига қўйидагиларни киритиш мумкин:

1) Спот битимлари бўйича валюталарни 2 иш куни мобайнида ўтказиши. Ушбу муддатда улгурмаган томон, албатта, жарима тўлайди.

2) Котировкаларни эълон қилиши.

Диллер валюта сотмоқчи ёки сотиб олмоқчи бўлса, аввало, ўзининг банкидаги халқаро маълумот тизимидан фойдаланади. У компьютернинг дисплейидан халқаро валюта бозорларидағи котировкаларни кузатиши мумкин. Шундан кейингина валюта курси ўзига маъқул бўлган банкка мурожаат қиласди. Қабул қилинган қоида шундан иборатки, ҳеч қайси диллер ҳеч қачон бирдан валютани сотмоқчи ёки сотиб олмоқчи эканлигини айтмайди. Фақат сотиш ёки сотиб олиш курсини сўрайди.

Курслар тўғрисидаги маълумотни олгандан сўнг, ўз фикрини изҳор қиласди. Бунда бозорда қабул қилинган минимал битимлар суммасини албатта, эътиборга олинниши керак. Масалан, 500 минг АҚШ доллари, 1 млн. Евро, 1 млн. Швейцария франки бўлиши мумкин. Амалда валюта савдоси минимал суммадан бир неча баробар юқори суммада амалга оширилади.

Шуниси ҳарактерлики, етакчи валюталар вергулдан кейин 4 рақамгача аниқликда котировка қилинади.

Масалан:

1USD=0,8077-0,8081 Евро ёки

1GBP=1,6561-1,6571 USD ва х.к.

3) Битимнинг ёзма тарзда шартномаларсиз амалга оширилиши.

Валюта савдоси асосан телефон ёки телеграф орқали бир фикрга келинган келишувлар асосида амалга оширилади. Биржада эса оғзаки тарзда битимлар тузилади. Аммо уларни бажариш томонлар учун мажбурий бўлиб, улар сўзсиз бажарилади. Гап йирик суммалар устида кетаётганлиги сабабли, битимларнинг имзоланиши дарҳол ҳужжатлар билан тасдиқланади. Бу эса уларнинг ишончлилигини оширади.

- Битимнинг имзоланишини қуийдагиларни ўз ичига олиш керак:

- * алмашинадиган валюталарни аниқлаш;
- * курсларни белгилаш;
- * йирик, ихчамлаштирилган битим суммасини белгилаб олиш;
- * валютада тўлаш;
- * валюта ўтказилиши лозим бўлган манзилни кўрсатиш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюта операциялари, ҳозирги кунда, Республика Олий Мажлиси ва хукуматимиз томонидан аниқланган монетар сиёсатнинг асосий йўналишларига мувофиқ амалга оширилмоқда. Таъкидлаб ўтиш жоизки, валюта савдосида мақсаддиллик ва устуворлик принципига кўпроқ эътибор берилмоқда. Ушбу мақсадларга қуийдагилар киради:

- экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқариш билан машғул бўлган корхоналар;
- чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарнинг Ўзбекистонда ишлаб чиқариш фаолияти натижасида олган фойдалари ва дивидентлари;
- республика иқтисодиётининг етакчи тармоқларидағи устивор лойиҳаларда қатнашаётган корхоналарнинг сўм маблағлари;
- ҳалқаро туризм хизмати, ҳалқаро алоқалар бўйича хизмат, хизмат сафари ва хорижда таълим олиш билан боғлиқ харажатлар.

Ушбу мақсадлар учун валюта савдосини амалга ошириш тартиби фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюта операцияларини амалга ошириш учун зарур бўлган барча асосларга эга.

“Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўгрисида”ги Қонунда Марказий банк валютани давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилиш идораси сифатида эътироф этилган. Шундан келиб чиққан ҳолда Марказий банк:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча шахслар учун мажбурий бўлган валютани тартибга солиш, назорат қилишга доир меъёрий ҳужжатлар чиқаради;

- банклар, бошқа юридик ва жисмоний шахсларга чет эл валютасида операциялар ўтказиш учун лицензиялар беради ҳамда қайтариб олади, уларнинг фаолиятини назорат қилади ва тартибга солиб боради;

- банклар учун очиқ валюта позицияси лимитларини ва бошқа иқтисодий нормативларни белгилайди;

- миллый валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини аниқлаш тартибини белгилайди;

- Ўзбекистон Республикасининг валюта резервларини тасарруф этади ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валютани тартибга солиши қуидаги тамойиллар асосида амалга оширилади:

1. Миллый валюта барқарорлигини таъминлаш мақсадида валюта заҳираларини молиялаштириш;
2. Ички валюта бозорини ривожлантириш;
3. Валюта назоратининг самарали тизимини жорий этиши.

Ҳозирги босқичда Ўзбекистон Республикасида ўтказилаётган валюта сиёсатининг асосий вазифаси валюта бозорини янада ривожлантириш ва эркинлаштиришdir.

Шуни таъкидлаш лозимки, республикамида бу соҳада катта ишлар олиб борилмоқда, Ҳукуматимиз Марказий банк билан биргаликда валюта бозорини янада ривожлантириш ва эркинлаштириш бўйича босқичма-босқич ўтказиладиган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқди, жумладан, жорий операциялар бўйича миллый валютамиз сўмнинг эркин алмашувчанлигини жорий этишга тайёргарлик бўйича ҳам чора-тадбирлар ўтказилди ва у жорий қилинди. Шунга мувофиқ равишда республика валюта биржасида бажарилаётган операцияларнинг катта қисми ўтган йилнинг бошида биржадан ташқари бўлган валюта бозорида ўтказиладиган бўлди.

2002 йилнинг май ойидан валюта операцияларида қўлланиладиган расмий, биржага оид ва биржадан ташқари курслар бир хиллаштирилди (унификациялаштирилди). Бундан ташқари, 2002 йилнинг июл ойидан бошлаб, ваколатли банкларга биржадан ташқари бозорда хорижий валютани сотиш ва сотиб олиш курсларини мустақил равишда талаб ва таклифдан келиб чиқсан ҳолда белгилашга

руксат этилди. Аҳолининг валютани эркин алмаштириш эҳтиёжини янада тўлиқроқ қондириш мақсадида эса савдо марказлари, туристик мажмуалар, аэропортлар ва бошқа божхона чегараларида алмашув шаҳобчалари тармоғи кенгайтирилди.

Хусусан, хўжалик юритувчи субъектларга маълум ҳолларда биржадан ташқари бозорда хорижий валютага эга бўлишни ҳукуқий тақиқловчи валютани тартибга солишга оид бир қатор қоидалар ҳам бекор қилинди. Жисмоний шахсларнинг нақд хорижий валютага эга бўлиш ҳукуқига мисол, 2002 йилнинг январ ойидан бошлаб бир марталик алмаштириш чегараси 750 АҚШ долларига, 1 апрелидан бошлаб эса бу чегара 1000 АҚШ долларигача, 2003 йил давридан 1500 АҚШ долларигача ҳамда бутунги кунга келиб умуман бу чегара олиб ташланди.

Ҳозирги кунда Марказий банк олиб бораётган валюта сиёсати чора-тадбирлари оқибатида валюта муносабатларини ҳолатининг яхшиланиши тижорат банкларининг фаолиятида ҳам кузатилмоқда. Хусусан, банкларнинг валюта биржасидаги 2002 йилдаги операциялари ҳажми 1995 йилга нисбатан 2,3 марта ошди (яъни 3 млрд. дан ошиқ АҚШ долларигача кўтарилди). Бундан ташқари, ваколатли банклар сони 27 тага етди (мустақилликнинг дастлабки йилларида эса валюта операцияларини ўtkазиш ҳукуқига фақат саноқли банклар эга эди).

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан олиб борилаётган валюта сиёсати мамлакатимизнинг иқтисодиётидаги таркибий ислоҳотларни тезлаштиришга кўмаклашди. Валюта ресурсларини янги ишлаб чиқариш қувватларини яратишга ва техник қайта жиҳозлашга йўналтирилиши оқибатида республикамиизда янги тармоқлари ривожланиши учун пойдевор бўлиб, юзлаб корхоналар ишга тушди.


Республиканинг валюта сиёсати ислоҳотларнинг кейинги босқич вазифаларига мувофиқ равишда такомиллаштирилмоқда. Биз иқтисодиётимиз ривожланишининг сифат жиҳатидан янги босқичига ўтмоқдамиз. Бу босқич биздан жаҳон бозорида ўз ўрнимизга эга бўлишимизни талаб қилмоқда. Энди аста-секин экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришнинг импорт ўрнини босувчига

нисбатан кўпайишига эришиш керак. Жанубий-Шарқий Осиёдаги жадал ривожланувчи мамлакатларнинг тажрибаси шундан далолат берадики, айнан экспортга йўналтирилган сиёсат тезлаштирилган иқтисодий ўсишнинг асоси бўлиб хизмат қиласди.

Хулоса қилиб айтганда, Марказий банк олиб бораётган валюта сиёсати мамлакатимизнинг жорий ва стратегик мақсадларини амалга оширишга йўналтирилган.


1-диаграмма

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан девиз инструментларининг қўлланиши¹
(фоиз ҳисобида)



2-диаграмма

Ўзбекистон Республикасида мавжуд айирбошлиш курсларининг динамикаси



¹ Диаграмма. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2001-2002 йилдаги маълумотлари асосида тузилган

2-§. Марказий банкнинг валюта сиёсати.

← Марказий банкнинг валюта сиёсати пул-кредит сиёсатининг асосий классик инструментларидан бири ҳисобланади. Жаҳон банки амалиётидан шу нарса маълумки, Марказий банкнинг валюта сиёсати, асосан, қуидаги: Марказий банкнинг ҳисоб ставкасини ўзгартириш, валюта интервенцияси, девальвация, ревальвация, валюта резервларини диверсификация қилиш шаклларида намоён бўлади.

Амалиётдан маълумки, Марказий банкнинг бош мақсади - миллий валюта ва валюта барқарорлигини таъминлаш ҳамда шу орқали мамлакатда баҳолар барқарорлигига эришишдан иборат.

Марказий банкнинг валюта сиёсати шу бош мақсадга эришишнинг муҳим воситасидир.

Марказий банкнинг валюта сиёсати деганда унинг валюта муносабатларини ташкил қилиш ва тартибга солиш соҳасидаги тадбирларининг мажмуи тушунилади.

Марказий банк валюта сиёсатининг асосий шаклларига қуидагилар киради:

1. Дисконт сиёсати;
2. Девиз сиёсати;
- а) валюта интервенцияси;
- б) девальвация;
- в) ревальвация;
- г) валюта резарвларини диферсификация қилиши.

Дисконт сиёсати - бу Марказий банкнинг ҳисобставкасини ўзгартириш йўли билан миллий валюта курсига ва тўлов балансининг ҳолатига таъсир этиш мақсадида амалга ошириладиган валюта сиёсатидир.

Дисконт (фоиз ставкаси) ставкаси – ссуда капиталининг йиллик даромадини унинг абсолют катталиги нисбатидан келиб чиқади. Демак, фоиз ўзининг иқтисодий маъноси бўйича ссуда капиталидан фойдаланганлик учун тўланадиган қўшимча қийматдир. Фоиз ставкалари одатда фойда нормаси орқали аниқланади, лекин амалиётда фоиз ставкаси даражаси ссуда капиталларига бўладиган талаб ва таклифдан келиб чиқади. Бу талаб ва таклиф бир қанча фундаментал иқтисодий ва бошқа омилларга боғлиқдир.

Инфляция даражаси, иқтисодиёттинг давлат томонидан монопол бошқаруви, Марказий банк сиёсати, ички омиллар шулар жумласидандир.

Ривожланган мамлакатларда фоиз ставкаси даражасига таъсир этувчи омилларни бир неча гурӯҳга бўлиш мумкин. Масалан, бозордаги талаб ва таклифга тўғридан-тўғри таъсир этувчи омил. Бу давлат томонидан талаб (давлат бюджети дефицити миқдори аниқланади), ҳамда савдо, ишлаб чиқариш компаниялари ва аҳоли ўртасидаги талаб ва таклиф.

Фоиз ставкаларининг ўзгариш жараёни ссуда капиталлари бозоридаги ҳолатларга боғлиқ бўлиб, фоиз ставкаларининг таркиби етарли даражада эгилувчандир.

Ставкалар пул бозоридаги расмий ҳисоб ставкаси ёки Марказий банкнинг операциялари бўйича жорий ставкалари асосида шаклланади ва улар пул бозори ставкаларидан паст бўлади.

Регионал валюта бозорлари **ЛИБОР** (London Interbank Offered Rate - LIBOR) – Лондон банклараро маблағларга таклиф ставкаси халқаро ссуда капиталлари бозорининг ривожланиши билан ПИБОР (Париж), СИБОР (Сингапур), НИБОР (Нью-Йорк, Норвегия), КУБОР (Кувайт), ЛЮКСИБОР (Люксембург) ва бошқа банклар ривожланиб, турли фоиз ставкаларини қўллаш имкониятини кенгайтириб бормоқдалар.

Марказий банкнинг дисконт сиёсати капиталларнинг давлатлараро ҳаракатини жадаллаштирадиган муҳим воситадир. Аммо ушбу қоидани МДҲ давлатларига нисбатан қўллаб бўлмайди. Валюталарни конвертираштириш муаммосини тўла қонли ҳал этилмаганлиги капиталларнинг эркин ҳаракат қилинишида жиддий тўсиқ бўлиши мумкин. Шунинг учун, бу мамлакатларда ҳисоб ставкасини ўзгариши капиталларнинг ҳаракатига бевосита таъсир қилмайди.

Марказий банкнинг миллий валюта курсига таъсир этиш мақсадида валюта бозорида чет эл валюталарини сотиб олиш ва сотишига валюта интервенцияси дейилади.

Хозирги даврда валюта интервенциясидан кўзланган мақсад бўлиб, валюта курсининг қисқа вакт оралиғида кутилмаганда юзага келадиган кескин тебранишларига барҳам бериш ҳисобланади. Марказий банклар валюта

курсини исталган даражада ўзгартириш имкониятига эга эмас, чунки улар валюта бозорларида тижорат банклари билан рақобат қила олмайдилар. Шу сабабли, валюта интервенциясидан мақсад валюта курсининг кескин тебранишлари оқибатларини юмшатиш ҳисобланади.

Бреттон - Вудс тизими доирасида валюта интервенцияси, асосан, қатъий белгиланган курсларни қадрини ушлаб туриш мақсадида ўтказиларди. Интервенциясини ўтказищда асосий валюта АҚШ доллари бўлгани учун, АҚШ бошқа давлатларга унинг курсини маълум даражада ушлаш юзасидан мажбурият қўйди. Ямайка тизимида сузиг юрувчи валюта курсларига ўтилгандан сўнг, валюта интервенцияси асосан курсларнинг тез тебранишини олдини олиш мақсадида ўтказиларди. АҚШ долларининг резерв валюта сифатидаги роли пасайиши оқибатида валюта интервенциясида доллар билан бир қаторда немис маркаси ҳамда бир қатор Фарбий Европа ва Япония давлатлари валюталари қўлланила бошлади.

70-йилларнинг ўрталаридан бошлаб, бир қатор марказий банклар валюта интервенциясини коллектив ҳолда ўтказмоқдалар. 1974 йилнинг май ойидан АҚШ, Германия, Швейцария мамлакатлари коллектив валюта интервенциясини ўтказиши ҳақида битим тузилди. 1975 йилнинг февралида Франция ҳам бу битимга қўшилди. 1975 йилда олти мамлакат ҳукумати раҳбарлари йиғилишида бирлашган валюта сиёсати ва ўзаро ёрдам кўрсатишлар ҳақида битим тасдиқланди. 1975 йилнинг декабридан бошлаб «ўнлик гурӯҳ» мамлакатлари валюта интервециясини биргаликда «своп» битимлари асосида ўтказишмоқда. 1985 йилдан бошлаб бешта саноати ривожланган етакчи мамлакатлар валюталарини курсини тартибга солиш мақсадида вақти-вақти билан биргаликда валюта интервенцияси ўтказишмоқда. Девиз сиёсати валюта курсига катта таъсир ўтказа олади, бироқ бу таъсир вақтинча ва чегараланган ҳажмдадир. Валюта интервенциясидаги йирик харажатлар ҳамма вақт ҳам валюта курсини барқарорлигини таъминлайвермайди.

Мамлакат пул-кредит сиёсати билан боғлиқ интервециянинг «тозаланган» ва «тозаланмаган» турлари мавжуд. Уларнинг муомаладаги пул массаси ва фоиз

стакасига таъсири кўрсатиши масаласи мухим аҳамиятга эгадир. Пул-кредит соҳасига назария жиҳатидан «тозаланган» интервенция таъсир этмайди, «тозаланмаган» и эса таъсир этади. Интервенциянинг иккинчи шакли мураккаб саналади ва ундан фойдаланиш кенг тарқалган. Чунки у пул-кредит сиёсатига валюта бозоридаги талаб ва таклифнинг ўзгариши орқали таъсир этади. Давлат, одатда, ўзининг валюта резервларини қисқа муддатли қимматли қофозлар (масалан, хазина векселлари) ва банк депозитлари кўринишида сақлайди, чунки улар даромад олиб келади. Конверсион операцияларни амалга оширишдан олдин, шу кредит воситалари устидан бир неча манипуляцияни амалга ошириш керак. Чунки улар пул муомаласи ва фоиз ставкалари даражасида таъсир ўтказиши мумкин.

Интервенциянинг психологик таъсири катта аҳамиятга эгадир: Марказий банк операцияларининг ошкоралик даражаси қанчалик юқори бўлса, тахмин қилиш мумкинки, валюта бозоридаги субъектлар органларнинг тазийқига шунчалик даражада бўйсунадилар.

Девальвация – лотинча сўздан олинган бўлиб, "de-valeo" - қадри тушиб деган маънони билдириб, миллий валюта курсининг чет эл валютасига нисбатан қонуний асосда пасайтирилишидир. Унинг юзага келишига қўйидаги икки омил сабаб бўлади:

1. Экспортни рағбатлантиришнинг зарурлиги;
2. Миллий валютанинг расмий курси билан унинг реал харид қуввати ўртасида сезиларли фарқнинг пайдо бўлганлиги.

Девальвацияни мамлакат тўлов баланси ҳолати ёмонлашганда ва мамлакатга импорт оқими кучайганда амалда қўллаш иқтисодиётга ижобий таъсир этиши мумкин. Масалан, 1949 йилда жаҳоннинг 37 мамлакати ўзларининг валюта курсларини АҚШ долларига нисбатан девальвация сиёсатини қўллашлари натижасида (12 %дан 30,5 %гача) бир томондан Фарбий Европа давлатлари корпорацияларининг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини оширган бўлса, бошқа томондан, Америка монополиясини уларнинг иқтисодиётига бўлган таъсирини камайтириш ва инвестицияларга бўлган харажатларни пасайтириш лозим эди. Демак, девальвацияни қўллаш шарт-шароити юзага келганда уни дарҳол амалга

ошириш лозим, акс ҳолда сунъий равишида курсни қатъий ушлаб туриш бутун иқтисодиётга сезиларли даражада талофот етказиши мумкин.

Ревальвация - лотинча "re-valeo" сўздан олинган бўлиб, миллий валютани чет эл валюталарига ёки халқаро ҳисобкитоб пул бирликларига нисбатан қадрининг оширишдир.

Ревальвация қадри ривожланган давлатларнинг кучли валюталарга нисбатан қўлланилади.. Ревальвациянинг келиб чиқишига сабаб инфляциянинг ниҳоятда паст даражада бўлиши, узоқ вақт давомида мамлакат тўлов балансининг актив бўлиши, ҳамда миллий фирма ва компанияларнинг жаҳон бозорида жуда рақобатбардошлигидир. Ревальвация девальвацияга нисбатан жаҳон амалиётида камроқ қўлланилган.

Валюта резервларини диверсификация қилиш деганда бир вақтнинг ўзида бир нечта валютада резервлар ташкил қилиши тушунилади. Бу валюта резервларининг таркиби барқарор валюталар ҳисобига янгиланиб турилади. Масалан, ҳозирги кунда Евро, Япония иени, АҚШ доллари ва бошقا ривожланган давлатлар валюталари диверсификация қуроли бўлиб ҳисбламоқда.

Ҳозирги кунда валюта сиёсатининг иқтисодий коньюктурага ва пул массасига таъсирчанлигини ошириш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаолиятидаги асосий масалаларидан бири бўлиб турибди.

Ушбу долзарб масалани ҳал қилишига кўмаклашиш учун, биринчидан, Марказий банкнинг своп операцияларини ривожлантириш, иккинчидан, экспортга ишловчи корхоналарга чет эл валютасида кредитлар бериш ва уларни рағбатлантириш зарур.

Ҳозирги кунда Марказий банкнинг валюта операцияларининг асосий қисми своп операцияларига тўғри келади. Своп операцияларининг пул бозорига таъсири сезиларлидир. Маказий банк тижорат банкларидан своп битимлари бўйича чет эл валютасини, айтайлик, АҚШ долларини сотиб олди. Бунда у банклар ихтиёрига Марказий банк пулларини маълум даврга бериб қўяди. Ва аксинча, у своп битими бўйича, банкларга, АҚШ долларини сотди ва унда мамлакат пул бозори маълум вақтгача анча ликвидли маблағлардан маҳрум бўлади.

Марказий банкни валюта сиёсатининг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, у орқали кредит институтларининг ликвидлилигига таъсир кўрсатиш мумкин. Уларнинг ликвидлилигига таъсир этишнинг муҳим усуулларидан бири, гаров эвазига ссудалар бериш билан боғлиқ валюта операцияларини амалга оширишdir. Ушбу операцияни амалга ошириш учун тижорат банкларига Марказий банкнинг чет, валютасидаги активларидан вақтингчалик фойдаланиш ҳуқуқи берилади. Активларнинг ўзи эса Марказий банкнинг мулки бўлиб қолаверади, шу сабабли унга фоиз ҳисобланиб борилаверади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюта сиёсати орқали пул бозорига сезиларли даражада таъсир қилиш имкониятига аста-секин эга бўлмоқда. Чунки биринчиidan, у етарли миқдордаги чет эл валютасидаги резервларни шакллантириш жараёнини ниҳоясига етказгани йўқ, иккинчиidan, ҳақиқий маънодаги молия бозорининг шаклланиши жараёни ниҳоясига етгани йўқ. Лекин шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, республика валюта биржасида сотилаётган хорижий валюта ҳажми мустақилликдан кейинги йилларда секин-аста кўпайиш анъанаисига эга. Бунга асосий сабаб, ташки савдо оборотининг пасайишидир. Ташки савдо обороти бевосита валюта тушумларининг камайишига сабаб бўлди. Валюта тушумининг камайишига сабаб қилиб қўйидагиларни курсатишимиш мумкин:

1. Жаҳон иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши;
2. Стратегик марказлашган экспорт маҳсулот (олтин, пахта ва бошқалар)ларига бўлган жаҳон нархларининг тушиши;
3. МДҲ мамлакатларидағи молиявий нобарқарорлик;
4. Ўзбекистоннинг асосий анъанавий савдодаги шерик бўлган давлатлардаги молиявий ва иқтисодий инқирозлар (масалан, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари ва Россия Федерацияси).

15-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси валюта бозорида сўмни
эркин алмаштириладиган валютага нисбатан айрибошлаш
ҳажми
(млрд. АҚШ долларида)**

Йиллар	1995	1996	1997	1998	1999	2000
Валюта биржаси	1,3	3,3	3,0	1,9	1,8	1,7
Биржадан ташқари валюта бозори	0	0	0,6	0,3	0,3	0,3
Жами	1,3	3,3	3,6	2,2	2,1	2,0

Таъкидлаш лозимки, республика ички валюта бозори 2 таркибий қисмдан иборат:

1. Республика валюта биржаси;
2. Биржадан ташқари валюта бозори.

Валюта операцияларини ривожлантириш учун Марказий банк томонидан валюта курсини эркинлаштирилиши ижобий таъсир этиши мумкин. Чунки қатъий белгиланган курслар, ташқи иқтисодий фаолиятини бўғиб қўйиш орқали иқтисодиётга салбий таъсир этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги 263-сонли "Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Карори бевосита валюта сиёсатини эркинлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, биржадан ташқари валюта бозорини кенгайтириш ва нақд пулсиз ҳамда валютани конвертация қилиш кўламларини кўпайтириш йўлидаги муҳим тадбир ҳисобланади.

**3-§. Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон
Республикаси Марказий банки валюта-сиёсатининг ўзига
хос ҳусусиятлари**

Давлат мустақиллигига эришиши билан Ўзбекистон Республикаси олдида инфляция жараёнлари ва ишлаб чиқариш тушкунлигига барҳам бериш, бозор талабларига жавоб берадиган молиявий тизимни вужудга келтириш,

халқаро валюта ва савдо тизимиға интеграция қилинишга йўналтирилган макроиктисодий ислоҳотларни амалга ошириш мураккаб каби масалалар пайдо бўлди.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган валюта сиёсати, бевосита ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган ислоҳотлар стратегиясига мувофиқ ҳолда олиб борилмоқда. Давлат томонидан валютавий ҳуқуқларни ҳимоялашга доир мустажкам қонунчилик ва институционал асосни яратиш бўйича чора-тадбирларни кўрган ҳолда – давлат бош ислоҳотчи сифатида фаолият кўрсатмоқда. Бу шунингдек, валюта бозори инфратузилмасини яратишга доир аниқ мақсадга йўналтирилган сиёсатнинг амалга оширилишида ҳам намоён бўлмокда. Шу тарзда давлат ислоҳотларининг мураккаб босқичларида ислоҳотларни анча оширишга қодир бўлган етакчи куч эканлигини кўрсатмоқда. Давлат шунингдек, бир қатор маҳсус давлат органларини ташкил этиш йўли билан ислоҳотларни тартибга солишини амалга оширмоқда. Албатта, Марказий банк-давлат банки сифатида, бу борада муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикасининг "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, қўйидагилар валюта назорати органлари ҳисобланади: жумладан, Марказий банк, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Давлат Солиқ Кўмитаси, Давлат Божхона Кўмиталариридир. Уларни ҳар бири ўз вазифа ва функцияларга эгадир. Ваколатли банклар эса валюта назорати агентлари ҳисобланади.

Валюта сиёсати макроиктисодий сиёсатнинг таркибий қисмидир, лекин уларнинг нисбатини белгилаш жуда мураккабдир. Классик иқтисодиётнинг замонавий иқтисодиётдан фарқлари сифатида, замонавий иқтисодиётда валюта сиёсати иқтисодий ислоҳотларнинг марказий масалаларидан бири ҳисобланади. Шу туфайли, республика ҳукумати ушбу масалага жуда катта эътибор қаратмоқда. Валюта сиёсати Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг пул-кредит сиёсати билан узвий боғлиқдир. Уларни иккаласи ҳам давлат иқтисодий сиёсатининг ажралмас қисмидир.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки давлатни макроиктисодий мақсадларини устувор

йўналишларидан келиб чиқсан ҳолда валюта сиёсатини тартибга солиш ва валюта сиёсатини муваффақиятли амалга ошириш учун барча тегишли ҳуқуқий асослар ва шартшароитларга эгадир.

Шу тарзда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, Марказий банк ва валюта назоратининг бошқа органлари томонидан иқтисодий ислоҳотлар мобайнида кўрилган чора-тадбирлар қўйидаги натижаларга эришиш имконини берди:

- валюта сиёсатини ҳуқуқий асосини вужудга келтириш;
- самарали валюта назорати ва тартибга солиш тизимини ташкил этиш;
- иқтисодий агентлар ўртасида чет эл валютасини самарали қайта тақсимлаш механизmlарини ташкил этиш;
- тўлов балансини тартибга солишнинг замонавий услубларини қўллаш;
- биржা ва биржадан ташқари валюта бозорларининг фаолиятини янада такомиллаштириш;
- нақд ва нақд пулсиз тарзда валюта операцияларини амалга ошириш қоидаларини, валюта рискларининг олдини олишни, савдо ва носавдо операциялари механизмини яратиш;
- хориждан маблағ жалб қилишнинг тактика ва стратегиясини белгилаш;
- давлатнинг олтин-валюта захираларини самарали бошқариш;
- ҳалқаро молия ташкилотлари билан ўзаро фойдали ҳамкорликни амалга ошириш;
- валюта курсини самарали тартибга солиш;
- миллий валютанинг ички конвертируванишини таъминлаш;
- республикамиз тўлов баланси жорий операциялари бўйича, миллий валюта конвертируванишини жорий этилиши бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Республикамида амалга оширилаётган валюта сиёсатини умумлаштириш ва унга тавсиф беришда унинг

валюта бозорининг ривожлантириш валюта сиёсатининг бирламчи вазифаларидан эканлигига намоён бўлади.

Мамлакат олтин-валюта резервларининг тўлиқ Марказий банк балансига ўтказилиши билан унинг валюта сиёсатига таъсирчанлиги ошади.

Республикамизда валюта бозорини ривожлантириш соҳасидаги жиҳдий тадбирлардан бири – ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ва четга чиқариладиган маҳсулотлар учун рухсатнома бериш тартибининг анча соддалаштирилгани бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюта сиёсати доирасидаги амалга ошириладиган асосий вазифаларидан бири мамлакатда тижорат характеридаги валюта операцияларини ривожлантириш учун қулай мухит яратишдан иборат. Ҳозирги кунда муддатли операцияларни ривожлантириш жуда долзарб ва мураккаб масала бўлиб қолмоқда. Бунинг учун эса валюта бозорини ривожлантириш лозим. Чунки ҳар қандай турдаги валюта операцияси – спот, форвард, валютавий опционлар ва фьючерслар билан боғлиқ операциялар пировард натижада спот бозорининг ликвидлигига боғлиқ. Агар валюта биржасида ва биржадан ташқари валюта бозорида эркин айирбошланадиган валюталар бўйича тўлиқ ликвидлилик таъминланса, яъни барча талаблар мувофиқ равишда ўз вақтида қондирилса, бу миллий валюта-сўмнинг қадрини оширишга хизмат қиласи.

Марказий банкининг валюта сиёсати орқали муомаладаги пул массасига таъсир қилиш имкониятини кучайтирувчи муҳим омиллардан бири ташқи савдо оборотини ўсиш тенденциясига эга эканлигидир. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг ҳозирги ривожланиши босқичидаги ушбу омилнинг аҳамияти жуда каттадир. Чунки ҳалқаро савдо республика тўлов балансининг жорий операциялар бўлимининг мутлақ асосий қисмими ташкил этади ва умуман тўлов балансининг умумий ҳажмида катта салмоқни эгаллайди.

Шундай қилиб, валюта сиёсатининг асосий дастаги бўлган валюта бозорини республикада ривожлантириш учун қўйидаги ишларни амалга ошириш маҳсадга мувофиқ:

1. Валюта ва ташки савдо тизимини янада эркинлаштириш.

2. Ваколатли банкларда имкон қадар эркин айирбошланадиган валюталар бўйича қўшимча ресурслар жалб қилишга, шу жумладан, жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги жамғармаларини рағбатлантириш орқали валюта заҳираларини кўпайтиришга ҳаракат қилишлари лозим. Бунга эришиш учун эса, биринчидан, валюта соҳасидаги хизмат турини кўпайтириш, иккинчидан, хизмат харажатларини камайтириш, учинчидан, хорижий валютадаги депозитлар учун банк томонидан тўланадиган фоиз ставкаларини қайта кўриб чиқиш лозим.

Марказий банк валюта сиёсатини амалга ошириш жараёнида кредитлар ва пул массаси миқдорларининг зарур даражада кенгайишини таъминлашга ҳаракат қилади.

Марказий банк ҳукумат билан муносабатларга киришади ҳамда жаҳон амалиётга мувофиқ унинг банкири, фискал агенти ҳисобланниб, мамлакат расмий олтин валюта заҳираларини сақлаб, халқаро ҳисоб-китобларда захира активи ва кафолат - суғурта фонди ролини бажариш унинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги вақтга келиб барча ривожланган мамлакатлар валютавий чеклашларни мутлақо олиб ташлашган. Қисман валютавий чеклашлар қолган давлатларда эса бу жараён давом этмоқда. Масалан, Буюк Британияда 1979 йилдан бери валютавий чеклашлар мутлақо йўқ.

Эркин сузиг юрувчи валюта курслари тизимида Марказий банкнинг валюта сиёсатининг иқтисодиётга таъсири капиталларни экспорт ва импорт қилишни рағбатлантиришда намоён бўлади. Бунинг мазмуни миллий валюта курсини барқарор сақлаб туриш билан белгиланади. Шунинг билан бирга Марказий банк ўзининг балансидаги валюта резервларини диверсификация қилиши лозим. Бу ҳам валюта сиёсатига таъсир этади.

3. Вакиллик муносабатларини ривожлантириш. Миллий валютадаги вакиллик алоқаларини ривожлантириш бевосита халқаро савдо алоқаларига миллий валютамиз - сўмдан кенг миқёсда фойдаланишга асос бўлади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси билан эркин савдо тизими ва энг юқори даражада қулайликлар яратилишини кўзда тутувчи

битимлар имзоланган давлатларнинг хўжалик юритувчи субъектлари билан миллий валютада товарлар, иш ва хизматларни экспорт ва импорт қилиш учун республикамиз корхона ва ташкилотлар томонидан шартномалар имзоланиш мақсадга мувофиқдир.

4-§. Валютавий чеклашлар классификацияси.

Бозор иқтисодиёти шароитида асосий долзарб масалаларидан бири - бу миллий валютанинг эркин конвертируланишини таъминлашдир. Миллий валютанинг эркин конвертируланиши-жаҳон хўжалиги билан боғланишни, миллий хўжаликнинг жаҳон хўжалигига чуқурроқ интеграциялашувини таъминлайди. Ба шу орқали мамлакат учун кўп томонлама жаҳон савдо ва ҳисоб-китоб тизимида манфаат келтиради. Миллий валютанинг эркин конвертируланишига эришишнинг йўлларидан бири босқичмабосқич, аста-секин ўтиш. Бу йўл валютавий чеклашларни аста - секинлик билан олиб ташлашдан иборатdir. Бунинг учун валютавий чеклашларни пухта ўрганиб чиқмоқ лозим.

Бугунги кунда дунёда бир нечта мамлакатлардагина валюталар эркин конвертиранади: АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония, Канада, Дания, Голландия, Австралия, Янги Зеландия, Саудия Арабистони, Кувайт, Бирлашган Араб Амирликлари, Уммон, Малайзия, Сингапур, Гонк-Конг, Бахрейн, Кирибати, Сейшельск ороллари каби давлатлардир. Булар асосан йирик индустрисал давлатлар, асосий нефть экспорт қилувчи давлатлар ва ривожланган очик иқтисодиётли давлатлардир. Баъзи давлатлар валютасининг тўлиқ конвертирулмаганлиги капитал ва кредит оқимлари учун бир қанча чекланишлар қўйилганлиги ва экспорт тушуми ҳақида талабнома талаб қилинишини кўрсатади. Қуйидаги жадвалда чеклашларнинг баъзи турлари кўрсатилган.

16-жадвал

Дунёдаги баъзи валютавий чеклашлар.

Валютавий чеклашларнинг турлари	ХВФга аъзо давлатлар	ХВФнинг 8-моддаси бўйича мажбур
Валюта курсларининг кўплиги: барча ёки бир нечта савдо операциялари бўйича капитал битимлари учун ҳар хил курслар	37 28	14 9
• Импорт учун бир нечта курс • Экспорт учун бир нечта курс • импорт ва экспорт учун бошқа- бошқа курслар	30 35 41	15 15 3
Икки томонлама тўлов келишуви: • ХВФ га аъзо давлатлар билан • ХВФ га аъзо бўлмаган давлатлар билан	28 84 120 19	2 16 38 5
Жорий операциялар бўйича операциялар Капитал ва кредит ҳаракатида чеклашлар Аванслаштирилган импорт депозит Экспорт тушумининг репотриацияси ёки топширилиши ҳақида талабнома	122	39

Валюта курсларининг кўплиги дифференциаллаштирилган валюта курсларининг тартиби турли хил операциялар учун ҳар хил валюта курсларининг қўлланилиши (бозор ва расмий) кўзда тутилади.

Валюта курсларининг кўплиги - иккинчи жаҳон урушидан кейин кўп қўлланилган (1939-49 йилларда), ҳозирги кунда кўпгина ривожланётган давлатларда қўлланилади. Бу режим асосан, миллий экспортни ривожлантириш, импортни камайтириш, мамлакат тўлов балансини бошқариш, иқтисодиётни валюта курсларининг қаттиқ тебранишидан сақлаш учун ишлатилади.

Валюта курсларининг кўплиги режимнинг яна бир тури – иккиталик валюта бозори.

Иккиталик курс валюта инқирозлари даврида 1971–1973 йилларда бир қанча капиталистик давлатларда (Францияда август 1971–январь 1974, Италияда январь–март 1973 йил, Белгияда май 1971 йилдан бери,...) қўлланилган.

¹ Валютавий чеклашлар – тўлов балансини бошқариш, миллий валюта курсини барқарорлаштириш, валюта ресурсларини давлат қўлида жамлаш учун қўлланилади.

Валютавий чеклашларда:

1. Чет элга тўловлар ва пул кўчиришларни бошқариш, капитал олиб чиқиш, фойдани репатриация қилишни назорат қилиш;

2. Чет эл валютасини эркин сотиш ва сотиб олишга руҳсат йўқлиги;

3. Давлатга чет эл валютасини расмий курсда топшириш киради.

Валютавий чеклашлар биринчи бор Австро-Венгрия, Германия давлатларида биринчи жаҳон уруши даврида қўлланилган. Кейинчалик Жаҳон иқтисодий инқирози даврида 1929–33, тўлов балансларининг кескин бузилиши натижасида бир қанча давлатларда қўлланилган. Иккинчи жаҳон уруши даврида (АҚШ ва Швейцариядан ташқари) валютавий чеклашлар деярли ҳамма ривожланган давлатларда қўлланилган. Уруш йилларидан кейин АҚШ иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун ХВФ орқали валютавий чеклашларни олиб ташлашга муваффақ бўлган. 50-йилларнинг охирида валютавий чеклашлар бир оз юмшатилди ва баъзи давлатлардан олиб ташланди. Шунга қарамасдан, иқтисодий ва валюта инқирозлари даврида валютавий чеклашлар кучайтирилган.

Валютавий назоратнинг даражаси мамлакатни валютавий-иқтисодий аҳволига боғлиқ 1980 йилнинг охирларида ХВФга 24та аъзо давлатлардан жорий операциялар бўйича турли шаклдаги валютавий чеклашлар 17та давлатда қўлланилган, капитал ҳаракати билан боғлиқ чеклашлар 18та давлатларда қўлланилган. Жумладан, Австралия, Италия, Голландия, Франция, Швейцария,

¹ . Финансово-Кредитный словарь, 2 том 236-бет

Японияда экспорт ва импорт бўйича валюта алмаштириш муддати чекланган эди. Италияда банкларга импорт учун фоизсиз депозит қўйилиши керак бўлган. Италия, Франция, Канада, Япония ва Голландияда чет эл валютасида ҳисоб рақам очиш тақиқланган. Швейцарияда норезидентларга тўланадиган банк депозитларининг фоиз ставкалари назорат қилинади, норезидентлар томонидан қилинадиган инвестициялар ва уларнинг сотиб олаётган кўчмас мулки назорат қилинади. Австралия, Канада, Францияда ва бошқа бир нечта давлатларда чет элга инвестиция қилиш учун ёки чет эл заёмини сотиб олиш учун рухсат сўралади.

Ривожланаётган давлатларда валютавий чеклашлар бир мунча каттароқ доирани эгалайди ва кучлироқ назорат қилинади. Бу ҳолат валюта ресурсларининг етишмаслигидан ва уларни ижтимоий-иктисодий курсларга мос ҳолда ишлатиш регламентацияси зарурлигидандир. 1980 йилда ХВФга аъзо 113 давлатдан 95асида тўлов балансининг жорий операцияси бўйича, 91аси капиталлар ҳаракати билан боғлиқ валютавий чеклашлар қўлланган.

Валютавий чеклашларнинг шакллари кўлқирралидир. Масалан, ташки савдода бу ҳол кўп тарқалган бўлиб, у экспортёrlар чет эл валютасидаги тушумининг бир қисмини ёки тўлигини расмий курс бўйича ваколатли банкларга мажбурий сотишида намоён бўлади.

• Чет эл валютасини импортёrlарга сотишини лицензиялаш. Кўп валюта курсларининг қўлланилиши.

• Валюта бойликларни ҳукуматнинг маҳсус рухсатисиз олиб кириш ва ёки олиб чиқиши тақиқланиши. Жисмоний шахсларнинг чет эл валютасига эга бўлиши, чет элга ўтказиши (ўзининг даромадларини), сугурта тўловларини амалга ошириши ҳукуқининг чекланиши.

• Чет элга чиқишида миллий валютанинг чет эл валютасига алмаштирилишининг чекланиши.

• Ҳукумат томонидан чет эл инвестициясининг киришига ва капитал ёки фойданинг олиб чиқишишига назоратнинг ўрнатилиши. Шунинг билан чет эл инвестициясининг оқиб киришини рағбатлантириш учун халқаро ҳисоб-китобларни амалга оширища, олинган фойданинг бир қисмини ёки тўлигича олиб чиқиши учун имтиёзлар бериши мумкин.

- Четдан қарз олиш ёки беришни назорат қилиш.
- Чет элдан олинадиган кредитларнинг бир қисмини ёки тўлигини маҳсус ҳисоб-рақамларда депонент қилиш ва ҳисоб-рақамда депонентлаштирилган сумманинг миқдори дифференциаллашган бўлиши. Бу ҳолат валюта органларига, иқтисодий стратегиядан ташқари мақсадларга валюта резервларини сарфлашни чеклаш имконини беради.

Валютавий чеклашларнинг халқаро тан олинган таснифи ХВФнинг "Валюта тартиблари ва валюта чеклашлар ҳақидаги йиллик ҳисоботи", миллий валютавий чеклашлар учун этalon бўлиб ҳисобланади.

17-жадвал

Валютавий чеклашларнинг халқаро таснифи

Секциялар	Шу секцияга тегишли чеклашлар
«Валюта курсининг режими»	Валюта курсларининг кўплиги режимининг турлари, резидентларнинг маълум операциясининг амалга ошириш учун сотиб олинган чет эл валутасига солиқни ўрнатилиши форвард кўрсининг кафолатланиши ва ҳакозо.
Контракт валютасини олдиндан белгилаш	Бошқа давлатлар билан ҳисоб-китоб қилишда, ҳисоб-китоблар шакли ва валюта танлаш билан боғлиқ чеклашлар.
«Норезидент лар ҳисобрақамлари»	Мазкур давлатда норезидентларнинг миллий валутада ҳисобрақам очиш бўйича чеклашлар.
«Импорт ва импорт тўловлар»	Импортни лицензиялаш, импортга аванс депозитлаш, импортни тўлашга ассигнование килиш бўйича чеклашлар. (Булар савдо чеклашлар деб қурилиши ҳам мумкин).
«Носавдо операциялар бўйича тўловлар»	Жорий носавдо операцияларга тўловлар учун руҳсат олиш билан боғлиқ чеклашлар (чет элга пул кўчириш, туристик ва иш бўйича сафарга кетишида валютанинг алмаштирилиш нормасининг

	ўрнатилиши, чет эл ишчи ва хизматчиларнинг пул кўчиришга нормалар ўрнати-лиши,...), Миллий ва чет эл банкноталарининг экспортига қўйиладиган ихтиёрий чеклашлар.
«Экспорт ва экспорт тушумлар»	Экспортни лицензиялаш, экспорт тушумларини репатриация қилиш ёки топшириш талаблари.
«Носавдо операциялардан тушумлар»	Носавдо операцияларидан келадиган чет эл валютасидаги тушумлар билан боғлиқ режим, чет эл ва миллий банкноталар импортига чеклашлар.
«Капитал ва кредит ҳаракати»	Капиталлар ҳаракати доирасида асосий қидалар ва чеклашлар: чет эл инвестициялар, уларнинг репатриацияси ва фойданинг чет элга кўчирилиши, норезидентларнинг давлат ичida, бир-бираидан молиявий ресурсларни қарз олиши, миллий хўжалик бирликларининг чет элдан кредит олиши, қимматбаҳо қофозлар импорти ва экспорти.

Валютавий чеклашларни - бу қонуний ва маъмурий тақиқлаш, лимитлаш, валюта операцияларининг регламентациялаш деб ҳам тушиниш мумкин.

Валютавий чеклашлар валютавий қонунлар билан тасдиқлаб қўйилади.

Валютавий чеклашлар қўйидаги мақсадларни кўзлаб амалга оширилади:

1. Тўлов баланснинг tengлаштириш учун;
2. Валюта курсини ушлаб туриш учун;
3. Давлат қўлида валютавий бойликларни йиғиш учун (жорий ва стратегик масалаларни ҳал қилиш учун валютавий бойликларни йигади).

Валютавий чеклашлар қўйидагиларни кўзда тутади:

1. Халқаро тўлов ва капиталлар қўчирилишишни назорат қилиш;
2. Чет эл валютасининг эркин олди-сотдисини тақиқлаш;

3. Давлат қўлида чет эл валютасини ва бошқа валютавий бойликларни йиғиш.

Валютавий чеклашларнинг моҳиятини очиб берувчи қўйидаги содда принциплар мавжуд:

- валюта операцияларини марказий ва маҳсус банкларда жамлаш;

- валюта операцияларини лицензиялаштириш (импортёр ёки қарздор чет эл валютасини сотиб олиш учун валюта назорат органларидан рухсат олишлари керак);

- чет эл валютасидаги ҳисоб-рақамларни тўлиқ ёки қисман музлатиб туриши;

- валюта алмаштирилишини чеклаш, (Бир неча валютавий ҳисоб-рақамлар очилади: эркин алмашувчи, ички (фақат мамлакат ичидан ишлатилади), икки томонлама давлат келишуви, клиринг, блоклаштирилган, ва ҳакозо);

Валютавий чеклашлар ишлатилиш доираси бўйича қўйидагиларга бўлинади:

1. Тўлов балансининг жорий операциялари бўйича;
2. Молиявий операциялар бўйича.

Тўлов балансининг жорий операциялари бўйича қўйидаги валютавий чеклашлар қўлланилади:

- чет эл экспортёrlарнинг мазкур давлатда сотган товарларидан тушадиган тушумларини музлатиб қўйиш;

- экспортдан келадиган валюта тушумининг тўлиқ ёки қисман мажбурий марказий ёки девиз банкларга сотилиши;

- импортёrlарга чет эл валютасининг чекланган сотилиши (фақат валюта органларининг рухсати бўлса);

- импортёrlарнинг чет эл валютасида форвард битимида сотиб олишининг чекланиши;

- миллий валютага чет элда товарлар сотилишининг чекланиши ёки тақиқланиши;

- импортланувчи баъзи товарларга чет эл валютасида тўланиши тақиқланиши;

- тўлов муддатларни экспорт ва импорт операциялари бўйича бошқариш («лидз энд легз»

операцияси, экспортёрларга тўланадиган аванс тўловларга маълум муддат ўрнатилиши - бу чора чет эл валютасини миллий валютага нисбатан чайқовчилик қилинишининг олдини олади);

- валюта курсларининг кўплиги.

Валютавий чеклашларнинг шакллари молиявий операциялар бўйича капитал ҳаракатига қараб бошқарилади.

Пассив тўлов балансида капитал чиқиб кетишининг олдини олиш ва капитал кириб келишини рағбатлантириш мақсадида қўйидаги чора-тадбирларни кўллаш мумкин:

- чет эл ва миллий валюталар, олтин, қимматли қофозлар, кредитларни лимитлаш;

- кредит ва молия бозорлари устида назорат қилиш;

- миллий - банкларнинг чет эл валютасида кредит беришни чеклаш;

- резидентларнинг чет эл қимматли қофозларини мажбуран чет эл валютасига сотиш;

- чет эл қарзларини тўлашни тўлиқ ёки қисман чеклаш, ёки бу қарзларни чет элга ўтказмаслик шарти билан миллий валютада тўлаш.

Актив тўлов балансида капитал оқиб келишининг олдини олиш учун молиявий операциялар бўйича қўйидаги валюта ва кредит чеклашлари кўлланилади:

- Марказий банкнинг фоизсиз ҳисоб-рақамида банк чет эл мажбуриятларини сақлаб туриш;

- миллий қимматли қофозларни чет эл инвесторларига сотишни, норезидентларга инвестиция қилишини тақиқлаш;

- чет эл валютасида олинган қарзларни мажбуран Марказий банкда алмаштириш;

- норезидентларнинг миллий валютадаги ҳисоб-рақами бўйича манфий фоизлар тўлаш;

- * мамлакат ичига чет эл валютасини олиб кирилишини ман қилиш

- * норезидентларга миллий валютани форвард битимида сотишни ман қилиш

* мажбурий депозитлар схемаси. Чет элдан олинган кредитнинг бир қисмини мажбуран Марказий банкда жойлаширилишлари лозимлиги ва бошқалар ҳисобланади.

5-§. Валюта чеклашларнинг мамлакат иқтисодиётига ва халқаро иқтисодий муносабатларга таъсири

Модомики, валюта курси мамлакатлараро товарлар, хизматлар, капитал ва ишчи кучи ҳаракатини тартибга солувчи восита экан, унинг ўзгариб туриши халқаро иқтисодий муносабатларга, экспорт ва импорт ҳажмига, бутун макроиктисодий вазиятга таъсир қиласи. Валюта курсидан фойдаланган ҳолда тадбиркор ўз ишлаб чиқариш ҳаражатларини жаҳон бозоридаги корхоналар билан солиштиради. Бу корхона ва мамлакатларнинг ташки иқтисодий операциялари натижасига бутун ҳолда ўзгартиришлар олиб киришига имконият яратади. Миллий бозорда ишлаб чиқарилган товар халқаро тан олинган нархда сотилади. Жаҳон валюта бозорида эса валютанинг паритети ошади. Шу мамлакатнинг халқаро савдодаги улушкига кўра, валюта курсини шакллантириш асосида самара берадиган, яъни барқарор валюта курси ҳисобланади. Валюта курси экспорт ва импорт баҳоларига, фирмаларнинг рақобатбардошлигига, корхоналар фойдасига таъсир кўрсатади. Валюта курсини кескин тебранишлари халқаро иқтисодий, шу жумладан валюта-кредит ва молия муносабатларнинг барқарор бўлишини кучайтиради, бир мамлакат зарари ва бошқа бир мамлакат фойдаси ҳисобига салбий ижтимоий-иктисодий натижаларга олиб келади. Миллий валюта курсини тушишида, агар бошқа омиллар таъсир этмаса, экспортёрлар қимматлашган чет эл валютасида олинган маблагни арzonлашган миллий валютага алмаштириш ҳисобига экспорт фойдасини оладилар. Ва товарларни ўртача жаҳон нархларидан паст нархларда сотишга имконият яратади. Бу нарса экспортёрларни ўз мамлакатнинг моддий бойликларини йўқотиш ҳисобига бойишига олиб келади. Экспортёрлар ўзларининг фойдаларини товарларни катта ҳажмда чиқариш ҳисобига

кўпайтирадилар. Аммо, айни замонда миллий валюта курсининг кўтарилиши импортни рағбатлантиради, мамлакатда нарх кўтарилади, у импортнинг қисқаришига ёки миллий ишлаб чиқаришнинг ўсишига олиб келади. Валюта курсини кўтарилиши миллий валютадаги реал қарздорликни камайтиради, чет эл валютасидаги ташки қарзларнинг ҳажми кўпаяди. Шу мамлакатдаги хорижий инвесторларнинг олган фойдасини, фоизларини, дивидендини чиқариш фойдасиз бўлиб қолади. Бу маблағларни қайта инвестиция қиласидилар ёки ички нархларда товарларни сотиб олиш учун ва экспорт қилиш учун ишлатилади.

Бу ҳолатни мисолда кўриб чиқайлик. Масалан, ўзбек сўмининг курси 1 Россия рублига нисбатан 32 сўмдан 34 сўмгача пасайтан, яъни сўм Россия рублига қараганда арzonлашган ва аксинча, рубл қимматлашгац. Бу ҳолда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган 3200 сўмлик қийматга эга товар Россия бозорида ҳам арzonлашиб боради ва энди 94,1 рублга сотилади.

Натижада, унинг рақобатга чидамлилиги ошиб, бу товарга талаб ҳам орта боради, уни экспорт қилиш рағбантлантирилади, аммо миллий валютани Россияга чиқариш Ўзбекистон учун фойдали бўлмай қолади.

Россияда ишлаб чиқарилган 2000 рубл қийматга эга бўлган товарга келсак, бу товар сўмининг курси пасайиши ва рублнинг қимматлашуви натижасида ўзбек бозорида

шунга мувофиқ $\frac{2000/7,2}{1000} = 14,4$ сўмдан $(\frac{2000/10}{1000} = 20)$ кўтарилади.

Энди Россияда ишлаб чиқарилган товар нархи қимматлашди, уни ташиб келтириш (импорт) қисқариб боради. Аксинча, ўзбек сўмининг курси ошиб боргани сари, республика учун товарларни капитални четга чиқариш фойдали бўлади.

Шундай қилиб, валюта курсининг пасайиши билан, баҳолар даражаси ҳам пасаяди. Дунё бозорида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган товарларнинг рақобат бардошлиги орта боради, экспорт ва хориж капиталини олиб келиши рағбатлантирилади ва аксинча миллий

валюта курсининг кўтарилиши билан мамлакат учун четдан мол олиб келиш (импорт) ва капитални четга чиқариш фойдали бўлади.

Валюта қадрсизланишининг ички ва ташқига бўлинishi, яна унинг курси динамикаси ва харид қилиш қобилияти халқaro иқтисодий муносабатлар меҳнат унумдорлиги аҳамиятга эга. Ички инфляция натижасида пулнинг қадрсизланиш валюта курсининг пасайишида юқори бўлса, унда миллий бозорда юқори нархларда импорт товарлар сотиш рағбатлантирилади. Агар инфляция натижасида валютанинг ташқи қадрсизланиш унинг ички қадрсизланишдан юқори бўлса, унда валюта демпинги учун шароитлар юзага келади.

Валюта демпинги - бу валюта курсининг тушуриш натижасида, унинг харид қилиш қобилиятини пасайишидан фойдаланган ҳолда, ташқи бозордаги рақобатчиларни сиқиб чиқиш мақсади билан боғлиқ ҳолда товарларни жами ўртача нархларидан паст даражада кенг кўламда экспорт қилишdir.

Валюта демпинги учун қўйидагилар ҳарактерлиди:

1) экспортёрлар ички бозордан товарларни инфляция таъсирида ўзгариб турган нарх бўйича сотиб олиб, ташқи бозорда товарни жаҳон ўртача нархларида паст даражада нархлар бўйича барқарор валютага сотадилар;

2) экспорт баҳоларини пасайиш манбаи бўлиб барқарор валютада олинган тушумни қадрсизланган валютага алмаштиришда юзага келган курс фарқи хизмат қиласиди;

3) товарни четга катта ҳажмда чиқариш экспортёрларни юқори фойда олишини таъминлайди. Демпинглар ҳам товарларнинг ишлаб чиқариш таннархидан паст бўлиши мумкин. Аммо экспортёрлар учун товарни жуда ҳам паст нархда сотиш фойдали эмас, чунки хорижий шериклар миллий товарни қайта экспорт қилиши натижасида миллий товарлар билан рақобат юзага келиши мумкин.

Валюта демпингини турли хил товар демпинглари билан уларнинг асосий хусусияти - товарларни паст нархларда экспорт қилиш бирлаштиради, лекин улар бирбиридан фарқ қиласиди. Товар демпингидан ички нарх билан

экспорт баҳосидаги фарқ асосан давлат бюджети ҳисобидан қопланади, валюта демпингида эса курслар ўртасидаги фарқ ҳисобидан олинган экспорт маблағи (премия) ҳисобига қопланади.

Товар демпинги биринчи жаҳон урушига қадар юзага келган. Бу пайтда кохоналар ташқи бозорни әгаллаш учун асосан ўз жамғармаларига таянар эдилар. Валюта демпинги биринчи марта 1929-33 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқизози даврида қўлланила бошланган. Унинг бевосита келиб чиқиш сабаби, жаҳон валюта инқизозининг ривожланиши бир хил даражада, бир хил мувозанатда бўлмаганидир.

Маълумки, валюта демпингини давлатлар ўртасида қарма-қаршиликлар келтириб чиқаради, уларнинг анъанавий иқтисодий алоқаларини бузади ва рақобатни кучайтиради. Валюта демпингини амалга ошираётган мамлакатда экспортёрларнинг фойдаси ошади, лекин баҳоларнинг ўсиши натижасида меҳнаткашларнинг яшаш даражаси пасаяди. Валюта демпинги бўлган мамлакатда эса арzon чет эл товарлари билан рақобатлаша олмаётган иқтисодий тармоқларда ривожланиш қийинлашади, секинлашади, ишсизлик кучаяди. Йирик экспортёр фирмалар валюта демпингидан ўз рақобатчиларни кучсизлантириш учун валюта ва савдо уруши воситасида фойдаланадилар.

Тарифлар ва савдо бўйича бош келишув (ГАТТ), 1967 йили халқаро антидемпинг кодексини қабул қилди. Бу кодексда демпинг ҳолатини аниқлаш ва исботлаш тартиб қоидалари, импортёр мамлакат фирмалари томонидан демпинг натижасида шу турдаги товарни ишлаб чиқарадиган экспортёр мамлакатларга етказилган зарарни тўлаш йўллари кўзда тутилган. ГАТТ да антидемпинг қўмитаси 1993 йил тузилган. Ҳозирги вақтда экспорт товарларининг рақобатбардошлиги уларнинг сифатига нисбатан баҳоси, сотишни қайта ташкилаштириш, сотишдан кейинги хизмат кўрсатишлар ва бошқа хизматлар орқали аниқланади. Шунинг учун ҳам демпингнинг ташқи бозорнинг әгаллаш воситасидаги аҳамияти пасайиб бормоқда.

Шу тарзда, валюта курсларини ўзгаришини ташки бозорда сотиладиган ялпи маҳсулотни мамлакатлар ўртасида қайта тақсимланишига таъсир кўрсатади. Сузиб юрувчи валюта шароитида курс муносабатларининг баҳолар шаклланиши ва инфляция жараёнига таъсири кучаяди. Ҳисоб-китобларга кўра, мамлакатнинг валюта курси 20 %га кўтарилиши, 25 % квотасига эга бўлган мамлакатда импорт товарларининг, нархларини 16 % ошишига олиб келади, бунинг натижасида мамлакатдаги умумий баҳолар даражаси 4-6 %га ошади.

Сузиб юрувчи валюта курси режимида ички бозорларга бундай таъсир қилиш омили доимий ҳарактерга эга, лекин айни вақтда қайд этилган курс режимида расмий девальвацияда намоён бўлади.

Сузиб юрувчи валюта курси шароитида курснинг ўзгариши таъсири кучаяди. Мамлакатта чет, эл капиталининг оқиб келиш натижасида ссуда капитали ва капитал қўйилмаларининг ҳажми вақтинча кўпаяди ва бу мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантириш учун ва давлат бюджети дефицитини қоплаш учун ишлатилади. Мамлакатдан оқиб кетиш унинг етишмовчилигига, ишсизликнинг кўпайишига олиб келади. Валюта курсини тебранишини мамлакатнинг валюта - иқтисодий потенциалига, экспорт квоталарига, ХИМдаги позициясига боғлиқ. Валюта курси мамлакатлар, миллий экспортёрлар ва импортёрлар ўртасидаги кураш обьекти бўлиб хизмат қилади, давлатлараро келишмовчиликлар манбаи ҳисобланади.

Миллий валютанинг барқарорлигини, унинг бозорда эркин алмашинувини таъминланиш учун Ўзбекистон давлати аниқ вазифаларни ҳал этишга қаратилган 4 та алоҳида дастурлар тўпламини ишлаб чиқди ва амалга ошироқда.

Биринчидан, ўз давлатимиз товар билан бақарор таъминланган тақдирдагина реал куч ва обрўга эга бўлади. Сўмнинг харид қувватини ошириш учун республика бозорини мумкин қадар тезроқ истеъмол моллари билан тўлдириш зарур. Бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган моллар билан ҳам тўлдириш чораларини кўриш керак. Бунда фоят муҳим вазифа одамларнинг энг зарур

талабларини қондирувчи ўз маҳсулотимизнинг ишлаб чиқаришни имкони борича кенгайтиришдан иборат.

Иккинчидан, валютанинг бақарор амал қилиши унинг эркин алмашинуви етарли валюта захираси бўлишга боғлиқ. Бизнинг валютамиз ҳар қандай бақарор валютага эркин алмашина оладиган бўлсагина, у тан олинган ва ҳурмат қозонган валюта бўлади. Бунинг учун экспорт имкониятини кенгайтириш, корхоналарини экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарга айлантириш, жаҳон бозорида ўз мустаҳкам мавқейимизнинг қўлга киритишимиз зарур.

Учинчидан, ҳар бир корхона, ҳар бир киши ишлаб топган сўмини қадрлашни ўрганган тақдирдагина миллий валюта реал тўлов воситасига айланади. Бунинг учун қатъий молия-кредит сиёсатини изчилик билан ўтказиш зарур. Биз ўз молиямиздан шунинг ўзини билиб, эҳтиёткорона ва тежаб тергаб фойдаланшимиз, унинг беҳуда сарфланиб кетишга йўл қўймаслигимиз зарур. Иқтисодиётда сарфланган ҳар бир сўм салмоқли фойда билан қайтиши, эртанги кунга, республика истиқболига хизмат қилиши керак.

Тўртингчидан, миллий валютани мустаҳкамлашнинг энг муҳим шарти - инфляцияга қарши бақувват пухта ўйланган сиёsat ўтказишидир. Инфляция даражасини кескин камайтиришигина миллий валютани бақарор валютага айлантира олиши мумкин. Сўм ўзининг юксак тўлов қобилиятини узоқ муддат давомида сақлаб қолган тақдирдагина миллий валютамиз ўз қувватига ва обўсига эга бўлади. Биз пул миқдори товарлар ва хизматларнинг миқдори тегишли даражада ўсиши билан мустаҳкамланмаган ҳолда ортиб боришига йўл қўймаслигимиз керак. Харид қилиш учун моллар етарли бўлмаган ҳолда аҳоли қўлида пулнинг ортиқча кўпайиб кетиши аввало, нархларнинг ошишишга, инфляциянинг яна авж олишига олиб келади. Шу сабабли ишлаб чиқаришни бозорни мол билан тўлдиришда тақчилик бўлиб турган ҳозирги босқичи ишлаб чиқаришда истеъмол фондининг ўсишининг ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва хизматнинг моддий ҳажми кўпайишига бевосита боғлиқ қилиб қўйиш зарур.

Белгиланган 4 та дастурнинг амалга оширилиши миллий валютамизнинг мустаҳкамланишига, меҳнат унумдорлиги ҳам валюталарга нисбатан унинг алмашув курсининг барқарорлашувига, албатта, ёрдам бериши керак. Бунинг учун бир қанча тадбирлар амалга оширилмоқда. 1994 йил 15 октябрдан бошлаб валюта биржасида мунтазам равишда валюта савдоларини ўтказилиши, валютанинг алмашув курсини кунлик ўтказиши, валюта савдоси ҳажмининг ўсиши кабилар бу тадбирларга мисол бўла олади. Белгиланган тадбирларнинг муваффакиятли амалга оширилиши валютамизнинг алмашув курсини барқарорлашувига, унинг қуввати ва обрўси ошишига сўзсиз ижобий таъсир кўрсатади. Миллий валюта кучли бўлган тақдирдагина иқтисодиёт ҳам бақувват бўлади.

6-§. Валюта алмаштириш шахобчалари фаолиятини ташкил этиш тартиби

Ваколатли банклар муассасалари валюта алмаштириш операцияларини амалга ошириш учун алмаштириш шахобчаларини очадилар. Алмаштириш шахобчаларининг жойлашиш ўрни ва уларнинг иш тартиби манфаатдор ташкилотлар билан келишиб олинади. Ваколатли банклар алмаштириш шахобчалари фаолиятига Низомда белгиланган талабларга албатта риоя этилган, шу жумладан, алмаштириш шахобчалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ваколатли банклар жойлашган жойдаги ҳудудий Бош бошқармаларида рўйхатдан ўтказилган тақдирда йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида, шунингдек, бошқа банклар биноларида ваколатли банкларнинг алмаштириш шахобчаларини очишга йўл қўйилмайди. Алмаштириш шахобчасини рўйхатдан ўтказишида бузилишлар аниқланган тақдирда Марказий банкининг ҳудудий бошқармаси ваколатли банкка рўйхатдан ўтказишининг асосли рад этилганилиги тўғрисидаги хабарни, унинг сабабларини кўрсатган ҳолда юборади. Рўйхатдан ўтказиши муддати 15 кун ҳисобланади, яъни ваколатли банкининг валюта алмаштириш шахобчаларини очиши

түгрисидаги арзисаси Марказий банкнинг ҳудудий бошқармасига етиб келгач, 15 кун мобайнида бу масала кўриб чиқилади. Агар очиладиган алмаштириш шахобчаси барча талабларга жавоб берса ва очишга рухсат берилса, Марказий банкнинг ҳудудий бошқармасида юритиладиган “Айирбошлиш шахобчаларини рўйхатдан ўтказиш журнали”да рўйхатдан ўтказилади ва кейинги иш кунидан кечиктиримай “Алмаштириш шахобчасини рўйхатдан ўтказилганлиги түгрисидаги гувоҳнома”ни банкка юборади.

Ваколатли банклар бир ва ундан ортиқ айирбошлиш шахобчасини очиши мумкин.

Айирбошлиш шахобчасини рўйхатдан ўтказиши бўйича ҳужжатлар (ўзаро ёзилган хатлар, айирбошлиш шахобчасини назорати бўйича, текширув бўйича тузилган актлар, текширув материаллари) Марказий банкнинг ҳудудий бошқармаси архивида қоида бўйича З йилгача сақланади. Ваколатли банкларда ҳам ҳудди шундай. Ишлаётган айирбошлиш шахобчасининг рўйхатдан ўтказилганлиги бекор қилинган тақдирда, ваколатли банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тегишли билдиришномаси олинган кунинг ўзида айирбошлиш шахобчасини ёпишга мажбурдир.

Куйидаги ҳолларда айирбошлиш шахобчаси ўз фаолиятини тўхтатади:

- а) Ваколатли банкнинг айирбошлиш шахобчасида валюта алмаштириш операцияларини тўхтатиши түгрисидаги аризасига кўра;
- б) Марказий банкнинг ҳудудий бошқармаси буйруғига кўра, яъни текшириш натижасида айирбошлиш шахобчаси талаб даражасида эмас деб топилгандা;
- в) Марказий банк томонидан ваколатли банкларга валюта операцияларини амалга ошириш учун берилган лицензия тўхтатилганда ва қонунларда кўрсатилган бошқа асосларга мувофиқ.

Рўйхатдан ўтказилган айирбошлиш шахобчаси ўз фаолиятини ваколатли банк раҳбари буйруғи асосида бошлайди. Айирбошлиш шахобчасини очиши түгрисидаги буйруқда айирбошлиш шахобчаси ходимлари штати, жавобгар шахслар, ўтказиладиган операциялар рўйхати кўрсатилади.

Айирбошлаш шахобчаси мижозларнинг топиши учун қулай бўлган жойга қўйилган стенд билан жиҳозланган бўлиши керак. Стендда айирбошлаш шахобчасининг рўйхатдан ўтказилганини ва иш тартиби; накд хорижий валютанинг харид қилиш ва сотиш курслари; мазкур алмаштириш шахобчаси томонидан бажариладиган валюта алмаштириш операцияларининг турлари; хорижий валютадаги пул белгиларининг ҳақиқийлигини ва тўловга яроқлилигининг аниқлаш қоидалари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Операцияларни амалга ошириш чоғида айни бир вақтда икки нафар ходим - назоратчи ва кассир ишлаши керак. Банк муассасаси алмаштириш шахобчалари ходимларини бойликларини сақлаш, қабул қилиб олиш, бериш, ишлаш, қайта ҳисоблаб чиқиш, ташиб йўриқномалари ва қоидалари; валюта алмаштириш операцияларини амалга ошириш ва ҳисобга олиш тартиби; белгиланган тартибни бузганлиги учун ходимлар жавобгарлиги тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатлари қоидалари билан танишириши шарт.

Ваколатли банклар муассасалари, фаолият кўрсатиш шароитларига кўра, алмаштириш шахобчаси биносини қўриқлашни, зарур даражада жиҳозлашни таъминлайдилар, айирбошлаш шахобчаси пўлат сейфлар, телефон алоқаси, ёнғиндан сақлаш сигнализацияси, валютанинг ҳақиқийлигини аниқлаш учун детектор ёки тестер билан ва бошқа замонавий жиҳозлар билан, тегишли дастурли таъминотга эга бўлган счёт-ҳисоблаш ва компьютер техникаси билан, шунингдек, барча зарур йўриқнома, назорат ва маълумотнома материаллари билан таъминланган бўлиши керак. Айирбошлаш шахобчалари ходимлари етарли иш тажрибасига эга бўлиши керак, шунингдек, бир қанча чет тилларини билишлари ҳам талаб этилади. Чет тилларини ва компьютер билан ишлашни билмайдиган ходимлар учун уларни ўқитиш (обучение) ишлари ташкил этилади.

Кассир ва назоратчи ишлаб турган вақтда, эгаллаб турган лавозими кўрсатилган хизмат гувоҳномаларини доимо ўзи билан олиб юриши керак. Ҳар бир ходимга фамилияси кўрсатилган штамп бириктириб қўйилади.

Алмаштириш шахобчасига бегоналарнинг кириши тақиқланади. Алмаштириш шахобчалари ходимларининг

ўзларига юкланган ишни бажаришни бошқа шахсларга ишониб топшириши қатъян тақиқланади. Яқин қариндошларнинг алмаштириш шахобчасининг кассири ва назоратчиси бўлиб биргаликда ицлаши тақиқланади. Ишдан ташқари вақтда нақд хорижий валюта, бланкалар, штамплар, нақд “сўм”ларни сақлашга йўл қўйилмайди.

Валюта алмаштириш операцияларини амалга оширишда қатъий ҳисобда турадиган бланкалардан фойдаланилади. Бу бланкалар ваколатли банк буюртманомасига биноан “Давлат белгиси” давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланади ва зарур ҳимоя даражаларига эга бўлади. Бу бланкаларни валюта алмаштириш операцияларини амалга оширмасдан расмийлаштириш ва бериш тақиқланади.

Қатъий ҳисобда турадиган бланкалар:

09002 - шаклдаги маълумотнома ЭАВни харид қилишда ишлатилади;

09007 - шаклдаги маълумотнома ЭАВни сотишда ишлатилади;

09004 - шаклдаги квитанция ЭАВни инкассага қабул қилишда ишлатилади;

09005 - шаклдаги квитанция ЭАВни экспертизага қабул қилишда ишлатилади;

09012 - шаклдаги квитанция ЭАВни ҳақиқийлигига шубҳа бўйласа, лекин яроқсиз ҳолга келган бўлса, уни алмаштириш ва нақд сўмларга сотиб олишда ишлатилади.

Бундан ташқари:

09001 - шакл бўнак олиш учун талабнома;

09003 - шакл сотиб олинган ЭАВни ҳисобга олиш рўйхати;

09008 - шакл сотилган ЭАВни ҳисобга олиш дафтари;

09008 - шакл кунлик операциялар якуни бўйича ҳисобот тузишда ишлатилади.

Қатъий ҳисобда турадиган бланкалар ва реквизитларнинг тўлдирилган матнларига ўзгартиришлар киритишга ружсат этилмайди. Бузилган бланкалар унинг икки нусхасида бланканинг бутун майдони бўйича лотинча “Z” ҳарфини қўйиш йўли билан бекор қилинади, кассир ва назоратчи имзоси билан тасдиқланади, уларнинг рақамлари 09009 шаклдаги ҳисоботда рўйхатга олинади ва операция куни охирида бошқа кунлик ҳужжатлар билан банкка топширилади.

Ваколатли банклар муассасалари ҳар қайси алмаштириш шахобчасига банк томонидан белгиланган кун ёки вакт мобайнида алмаштириш шахобчаси ишини таъминлайдиган миқдорда сўмлардаги ва хорижий валютадаги аванс лимитини белгилайди.

Алмаштириш шахобчасига миллий валютани, хорижий валютани бошқа бойликларни иш бошланишигача етказиб бериш ва иш куни мобайнида улар билан таъминлаб туриш инкассатор томонидан амалга оширилади. Инкассаторлар томонидан етказиб берилган сумма кассир томонидан назоратчи иштирокида қабул қилиб олинади, сумканинг созлиги ва пломбанинг бутунлиги пухта текширилади.

7-§. Валюта алмаштириш шахобчаларида ўтказиладиган операциялар ва уларнинг ҳисоби

Айирбошлиш шахобчаси тўғрисидаги Низомга мувофиқ айирбошлиш шахобчаларида қуийдаги операциялар амалга оширилади:

- а) Нақд сўмга хорижий валюталарни сотиш ва сотиб олиш;
- б) Хорижий валютадаги йўл чекларини нақд сўмга сотиб олиш ва сотиш;
- в) Норезидентлар томонидан сарфланмаган сўмларни хорижий валютага алмаштириш;
- г) Инкассога юбориш учун нақд хорижий валютани ва хорижий валютадаги тўлов ҳужжатларини қабул қилиш;
- д) Ҳақиқийлигига шубҳа туғдирган хорижий давлатлар пул белгилари ва чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатларини экспертиза учун қабул қилиш;
- е) Дебет ва кредит карточкалари бўйича нақд чет эл валюталарини бериш;
- ж) Хорижий давлатнинг иирик тўлов пул белгисини ўша давлатнинг тўлов пул белгисига майдалаш;
- з) Хорижий давлатнинг яроқсиз ҳолга келган пул белгиларини ўша давлатнинг муомалага яроқли пул белгиларига алмаштириш;
- и) Бир хорижий давлатнинг нақд чет эл валютасини бошқа хорижий давлатнинг нақд чет эл валютасига алмаштириш (конвертирлаш) ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг айирбошлиш шахобчаларини очиш

тўғрисидаги буйруқлари ва рухсатномаларида кўзда тутилган бошқа операциялар.

Нақд хорижий валюталарни ва хорижий валютадаги тўлов ҳужжатларини нақд сўмга харид қилиш ва сотиш ваколатли банклар томонидан хорижий валютага бўлган талаб ва таклифдан келиб чиқиб, эркин курс бўйича амалга оширади. Хорижий валюталарни харид қилиш ва сотиш курслари ўртасидаги фарқнинг энг кўп чегараси айирбошлиш шахобчаларида белгиланади. Ўрнатилган валюта курси ваколатли банк раҳбарининг буйруғи билан тасдиқланishi керак. Белгиланган курс тўғрисидаги ахборотнинг алмаштириш шахобчаларига берилиши ваколатли банкларда курсни белгилаш ва маълумотларни бериш санаси ҳамда вақти кўрсатилган ҳолда алоҳида журналда рўйхатдан ўтказилади. Ўз навбатида, алмаштириш шахобчаларида ҳам олинган маълумотлар санаси ва вақти алоҳида журналда кўрсатилади. Ва ниҳоят, банк бўлимида ҳам маълумотларни айирбошлиш шахобчасига берилган санаси ва вақти ҳамда айирбошлиш шахобчаси ходими томонидан қабул қилиб олган маълумотнинг санаси ва вақти рўйхатдан ўтказилади. Валюта алмаштириш операцияларида фойдаланувчи валюталар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади. Айирбошлиш шахобчаларида операцион куни соат 17⁰⁰ да якунланади. Амалга оширилган операциялар учун комиссиян ҳақ ваколатли банк раҳбари томонидан тасдиқланади ва нақд сўмда қабул қилинади.

Чет эл валютасини сотиб олиш операцияларини амалга ошириш тартиби қўйидагилардан иборат.

Айирбошлиш шахобчалари жисмоний шахс бўлган резидент ва норезидентлардан чет эл валютасини сотиб оладилар. Валюта айирбошлиш шахобчасидан сотиб олиниши мумкин бўлган валюталар рўйхати Марказий банк томонидан белгиланади. Эркин муомаладаги валютани сотиб олишда, эркин муомаладаги валютани сотиб олиш ҳисобини юритиш рўйхати 09003 шакл бўйича расмийлаштирилади. Эркин муомаладаги валютани сотиб олишда бу шакл 2 нусхада тўлдирилади.

Резидентлардан валюта сотиб олинаётган пайтда, уларга 09002 шаклдаги маълумотномани 2-нусхаси берилади. 1-

нусхаси эса кунлик ҳужжатлар жилдига тикилади. Сарфланмаган сўмлар қайта алмаштириб берилмайди.

Норезидентлардан сотиб олинаётганда эса уларга божхона декларацияси мавжуд бўлган ҳолда маълумотноманинг 1-нусхаси берилади. Бунда ишлатилмаган сўмлар яна қайта эркин муомаладаги валютага алмаштирилиши мумкин. Бунда божхона декларациясига алмаштирилганлиги тўғрисидаги белги қўйилади ва бу декларациянинг нусхаси ҳамда маълумотноманинг 2-нусхаси кунлик ҳужжатлар жилдига тикилади. 09002 шаклдаги маълумотноманинг иккала нусхаси айирбошлиш шахобчаси кассири ва назоратчиси ҳамда мижоз томонидан имзоланади. 09002 шаклдаги маълумотнома 09003 шаклдаги рўйхатга илова қилинади ва ҳисобот тузишда асос бўлиб ҳисобланади. Булар эса кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади.

Йўл чекларини сотиб олиш операцияларини амалга ошириш тартиби қўйидагилардан иборат.

Ўзбекистон Республикасида йўл чеклари бўйича операциялар 21 феврал 2002 йил Марказий банк томонидан тасдиқланган “Йўл чекларидан фойдаланиш ва уларни бериш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан олиб борилади. Бу Низомга мувофиқ айирбошлиш шахобчалари чет эл банкларининг йўл чеклари бўйича тўловни амалга оширади. Тўловни амалга ошириш тартиби ва шартлари ваколатли банклар ҳамда эмитент ва эмитент бўлмаган чет эл банклари ўртасида тузилган битимга мувофиқ олиб борилади. Йўл чеки чет эл валютадаги тўлов ҳужжати ҳисобланади ва унинг матни “Йўл чеки” деган ном, эмитент банкнинг номи, вакил шахсларнинг имзолари, эмитентнинг аниқ суммадаги тўловни тўлаб бериш мажбурияти ва чек эгасини имзо намунасидан оборот. Бу имзо чек тўланаётган пайтда чек эгасининг имзоси билан солиштирилади. Йўл чекининг амал қилиш муддатидан ўтган чеклар ваколатли банкнинг инкассасига қабул қилиниши мумкин холос.

Ваколатли банклар чет эл эмитент банкларининг йўл чекларини тўлаш тартиби ва реквизитларининг ўзгаришини доимий равища кузатиб борадилар ва ўз вақтида ўз филиалларини информацион хат орқали бу ўзгаришлардан хабардор қилиб борадилар. Бу хатлар банкларда шахсий иш

жилдида назорат материаллари (йўл чеки намунаси ва уни тўлаш қоидалари) билан бирга сақланади. Агар назорат материаллари ўз кучини йўқотса у қуйидагича бекор қилинади: “Бекор қилишди, _____ й. №____ даги информацион хат орқали” деб расмийлаштирилади. Шундан сўнг бу материаллар шахсий иш жилдидан олиниб, йўл чекини тўлаш бўйича бекор қилинган материаллар иш жилдига қўйилади.

Йўл чеки бўйича операциялар амалга оширилганда Ўзбекистон Республикаси резидентларидан миллий валюта – сўмда, норезидентлардан операция амалга оширилган валютада комиссион ҳақ олинади. Бу ҳақ суммаси, тарифи, ваколатли банк раҳбари томонидан тасдиқланади.

Банклар йўл чеклари тўловини банк валюта кассасида фақат норезидентлар учун, чет эл валютасида, резидент ва норезидентлар учун айирбошлиш шахобчаларида амалга оширадилар. Бунда норезидент шахслардан божхона декларацияси талаб қилинади. Тўлов йўл чеки суммаси миқдорида тўланади. Бу сумма божхона декларациясида кўрсатилган суммадан ошмаслиги керак. Резидент жисмоний шахслар йўл чеклари бўйича тўловлар фақат миллий валюта сўмда айирбошлиш шахобчасида амалга оширилади. Бунда мижозга 09002 шаклдаги маълумотноманинг 2-нусхаси берилади. 1-нусхаси эса кунлик ҳужжатлар жилдига тикилади. Айирбошлиш шахобчаси орқали норезидентлар йўл чеклари бўйича тўлов уларнинг хоҳишларига кўра миллий ёки чет эл валютасида божхона декларацияси бўлган ҳолдагина амалга оширилади. Норезидент шахсларга йўл чекларини миллий валютага алмаштиришда 09002 шаклдаги маълумотноманинг 1-нусхаси берилади. 2-нусхаси ва белгиланган божхона декларацияси нусхаси кунлик ҳужжатлар жилдига тикилади.

Умуман, йўл чеклари фақат дастлабки чек эгаси унинг паспорти бўлган ҳолда тўланади ва чекнинг бутун суммаси миқдорида қисм-қисмлаб бўлиб тўлашга рухсат берилган.

Мижоздан йўл чекларини қабул қилиб олишда чекни намунадаги чек билан бир хиллиги, чек эгасининг имзо намунаси ва унинг ҳақиқий эканлиги текширилади, сўнг банк ходими мижоз паспорти реквизитларини чек орқасига

ёзіб имзони тасдиқлайды ва чекни тұлайди. Акс ҳолда, чек инкассага қабул қилинади.

Чет әл валютасыда норезидентларга йүл чеклари тұланганда қуидегіча бухгалтерия проводкаси базарилади:

Дебет – 10105 USD “Чеклар ва бошқа тұлов түркесінде көрсетілген”

Кредит – 10101/10103 USD “Айланма кассадаги нақд пуллар/пул алмаштириш шахобчасидаги нақд пуллар”

Комиссион ұқытудың үндирілгандығы:

Дебет – 10101/10103 USD “Айланма кассадаги нақд пуллар/пул алмаштириш шахобчасидаги нақд пуллар”

Кредит – 17101 USD “Спот” курс бүйінша валюталар савдоси.

Дебет – 17101 UZS “Спот” курс бүйінша валюталар савдоси.

Кредит – 45253 UZS “Хорижий тұловлар бүйінша вositачилик хизматлардың учун олинған даромадлар”

Йүл чеклари миллий валютада тұланганда:

Дебет – 10105 USD “Чеклар ва бошқа тұлов түркесінде көрсетілген”

Кредит – 17101 USD “Спот” курс бүйінша валюталар савдоси.

Дебет – 17101 UZS “Спот” курс бүйінша валюталар савдоси.

Кредит – 10101/10103 UZS “Айланма кассадаги нақд пуллар/пул алмаштириш шахобчасидаги нақд пуллар”

Миллий валютада комиссион ұқытудың үндирілгандығы:

Дебет – 10101/10103 USD “Айланма кассадаги нақд пуллар/пул алмаштириш шахобчасидаги нақд пуллар”

Кредит – 45253 UZS “Хорижий тұловлар бүйінша вositачилик хизматлардың учун олинған даромадлар”

Йўл чекларини сотиши операцияларини амалга ошириш тартиби ва уни расмийлаштириш қуидагича амалга оширилади.

Банклар жисмоний резидент ва норезидент шахсларга валюта кассаларида нақд чет эл валютасида ёки мижознинг валюта ҳисобварагидан чет эл валютасини олиш орқали ва айрибошлиш шахобчаларида нақд чет эл валютасини сотиб олинган суммада йўл чекларини сотадилар. Норезидентларга банк кассаларидан нақд чет эл валютасида божхона декларацияси бўлган ҳолда, валюта ҳисобварагидан чет эл валютасини олиш орқали йўл чекларини бериш 09011 шаклдаги маълумотнома асосида амалга оширилади.

Норезидентларга йўл чекларини сотишида қуидаги бухгалтерия проводкаси амалга оширилади:

Дебет – 10101/10103 USD “Айланма кассадаги нақд пуллар/пул алмаштириш шахобчасидаги нақд пуллар”

Кредит – 19997 USD “Бошқа активлар”

Кредит – 17101 USD “Спот” курс бўйича валюталар савдоси

Дебет – 17101 UZS “Спот” курс бўйича валюталар савдоси

Кредит – 45253 UZS “Хорижий тўловлар бўйича воситачилик ҳақи учун олинган даромадлар”

Банк кассаларида резидентларга йўл чеки нақд чет эл валютасида ёки 09011 шаклдаги шартномасига асосан берилади.

Жисмоний норезидент шахсларга айирбошлиш шахобчаларида ҳам йўл чеклари сотилади. Бунда сотилаётган йўл чеки суммаси улардан олдин сотиб олинган чет эл валютаси суммаси доирасида бўлади. 09002 шаклдаги маълумотноманинг 1-нускаси кўрсатилади. Бунда божхона декларациясига сарфланмаган сўмларни йўл чекига алмаштирганлик тўғрисида белги қўйилади. Белгили божхона декларацияси нускаси кунлик ҳужжатларга тикилади. Айирбошлиш шахобчаларида йўл чекларининг сотиши бўйича расмийлаштириш худди чет эл валютасини сотишдагидек бўлади, бундан ташқари, айирбошлиш шахобчасининг кассири йўл чекларини сотишга доир квитанцияни

тўлдиради. Бунда ҳар бир валюта тури бўйича алоҳида квитанциядан фойдаланилади. Унда барча сотилган чеклар миқдори, уларнинг номинали, сотиладиган суммаси, чек номерини билдирувчи ҳарфли ва ракамли белгилари, ҳамда мижознинг исм ва фамилияси, отасининг исми ва мижоз манзили кўрсатилади.

Мижоз сотиб олинган чекка ва ундириладиган тўловга кун маблағларини берган ҳар бир йўл чекига ўз имзосини кўяди (кассир иштирокида).

Кассир 09007 шаклдаги маълумотномани имзолайди ва уни мижозга беради. Шу қаторда квитанциянинг нусхаси билан йўл чекини ҳам беради. Айирбошлиш шахобчалари бўлимлари йўл чекини сотища кунлик хужжатларга квитанциянинг бир нусхасини, 09007 шаклдаги маълумотноманинг нусхасини, харидор паспорти (унинг имзоси билан) нусхасини тикадилар. Жисмоний шахсларга айирбошлиш шахобчалари орқали йўл чекларини бериш ҳисоби 09008 шаклдаги журналда қайд қилинади. Бу операция бўйича қўйидагича бухгалтерия проводкаси амалга оширилади:

Дебет – 10103 USD “Пул алмаштириш шахобчадаги нақд пуллар”

Кредит – 29896 USD “Бошқа мажбуриятлар”

Йўл чекини сотиш бўйича ундириладиган комиссиян тўловлар бўйича:

Дебет – 10103 UZS “Пул алмаштириш шахобчадаги нақд пуллар”

Кредит – 45253 UZS “Хорижий тўловлар бўйича воситачилик ҳақи учун олинган даромадлар”

29896 счётда йиғилган маблағлар қўйидаги проводжалар орқали банк корреспондентидаги мижоз ҳисобварағига ўtkазади:

Дебет – 29896 USD “Бошқа мажбуриятлар”

Кредит – 10501 USD “Бошқа банклардаги вакиллик ҳисобварақалари”

Накд чет эл валютасининг сотиш тартиби ва уни расмийлаштирилиши қуйидагича амалга оширилади.

Айирбошлиш шахобчалари жисмоний шахс бўлган резидентларга накд чет эл валютасини сотадилар. ЭАВни сотиш бўйича операциялар ҳисобини юритиш дафтарида 09008 шакл бўйича расмийлаштирилади. Накд чет эл валютасини резидентларга сотишида 09007 шаклдаги маълумотнома нусха кўчириш қоғози орқали 2 нусхада тўлдирилади. Иккала нусха ҳам айирбошлиш шахобчаси кассири ва назоратчиси ҳамда мижоз томонидан имзоланади. Мижозга маълумотноманинг 1-нусхаси берилади. 2-нусхаси эса 09008 шаклдаги журналга илова қилинади ва ҳисбот тузишда асос ҳисобланади ҳамда кунлик ҳужжатлар жилдига тикиб қўйилади. Накд чет эл валютасини сотиш ҳисоби алоҳида журналда олиб борилади. Журналда мижоз фамилияси, исми ва отасининг исми бош ҳарфлари, унинг паспортини номери ва серияси, қачон ким томонидан берилганилиги, сотилган валюта суммаси номи ва вақти кўрсатилади. Журнал номерланган, шнурланган, банк печати ва банк раҳбари имзоси қўйилган бўлиши керак.

Инкассага йўл чекларини ва накд чет эл валютасини қабул қилиш қуйидагича амалга оширилади.

Инкассага йўл чекларини ва накд чет эл валюталари мижоз аризасига асосан қабул қилинади. Аризада мижоз фамилияси, исми ва отасининг исми, уй адреси, паспортининг номери ва серияси, ҳар бир банкнотанинг номи, агар чет эл валютасидаги тўлов ҳужжати бўлса, уни чиқарилган иили, номер ва серияси, эмитент банк ва бошқа керакли реквизитлар кўрсатилади.

Инкассага чет эл валютасидаги тўлов ҳужжати ва накд чет эл валютаси қабул қилинаётган пайтда 09004 шаклдаги квитанция 2 нусхада тўлдирилади. 1-нусхаси мижозга берилади, 2-нусхаси эса кунлик ҳужжатлар жилдига тикилади.

Вакил банк томонидан инкассага қабул қилинган йўл чеклари учун тўловлар ўтказилгач, кўрсатилган сумма мижознинг банкдаги валюта ёки сўмдаги ҳисобвараfiga ўтказилади, ёки мижозга сумма тўланади: резидентларга фақат миллий валютада; норезидент шахсларга уларнинг хоҳшига кўра ё миллий, ё чет эл валютасида тўланади.

Божхона декларацияси нусхаси ва маълумотноманинг 2-нусхаси кунлик ҳужжатлар жилдига тикилади.

Инкассага қабул қилинган қимматликлар учун олинган бадаллар аризада кўрсатилган манзил бўйича мижозга банк томонидан ёзма билдиришнома асосида юборилади. Агар вакил банкка тўлашни рад этса, банк тўлашни рад этганлиги тўғрисидаги билдиришнома юборади. Бунга рад этганлик сабаби кўрсатилган ҳужжат нусхаси илова қилинади.

Ҳақиқийлигига шубҳа туғдирган хорижий давлатлар пул белгилари ва чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатларини экспертизага қабул қилиши қуйидагича амалга оширилади.

Ҳақиқийлигига шубҳа туғдирган пул белгилари ва тўлов ҳужжатлари экспертизага қабул қилинади ва мижозга экспертизага қабул қилинганлиги тўғрисидаги 09005 шаклдаги квитанция берилади. Бу квитанциянинг 2-нусхаси кунлик ҳужжатлар жилдига тикилади.

Пул белгиларини ва йўл чекларини ҳақиқийлигини аниқлаш учун ваколатли банкда эксперт комиссияси тузилади. Назорат комиссияси бўйича акт тузилади. Зарур бўлган ҳолда ваколатли банклар пул белгиларини ва йўл чекларини бошқа ваколатли банкларга ёки хорижий вакил банкка текшириш учун юборадилар. Нақд чет эл валютаси ва чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатларининг ҳақиқийлиги ва муомалага яроқлилиги ахборот, назорат ва маълумот тўғрисидаги материалларга кўра, шунингдек техник воситалар орқали аниқланади. Экспертизага қабул қилинган пул белгилари (йўл чеклари) ҳисоби балансдан ташқари 93609 “Сақланаётган қимматбаҳо буюмлар” ҳисобварағида олиб борилади.

Текширув комиссиясида ҳақиқий деб топилган пул белгилари мижозга қайтарилади, сохта деб топилган пул белгилари эса тегишли акт билан ҳуқуқни Ҳимоя қилувчи органларга берилади.

93609 ҳисобварақнинг дебетида шартли сақланишга қабул қилинган қимматбаҳо буюмлар ва бошқа ҳужжатларнинг қиймати акс эттириллади, ҳисобварақнинг кредитида эгаларига қайтарилган ёки ўрнатилган тартибга мувофиқ равишда ушбу ҳисобварақдан ҳисобдан чиқарилган

қимматбаҳо буюмлар ва бошқа ҳужжатларнинг қиймати акс эттирилади.

Хорижий давлатнинг яроқсиз ҳолга келган пул белгиларини ўша давлатнинг муомалага яроқли пул белгиларига алмаштириш тартиби қўйидагилардан иборат.

Айирбошлиш шахобчалари яроқсиз ҳолга келган пул белгиларини яроқли пул белгиларига алмаштириб берадилар. Бунда 09012 шаклдаги квитанция тўлдирилади. 1-нусхаси мижозга берилади. 2-нусхаси эса кунлик ҳужжатлар жилдига тикилади. Бу операция тури бўйича ҳам алоҳида журналда унинг ҳисоби олиб борилади. Унда мижознинг фамилияси, исми ва отасининг исми, мижоз манзили, паспорт маълумотлари, валюта тури, унинг баҳоси (номинал), чиқарилган йили, номер ва серияси, эмитент банк ва бошқа ўзига хос пул белгилари кўрсатилади.

Ўз навбатида айирбошлиш шахобчаларида хорижий давлатнинг йирик тўлов пул белгилари ўша давлатнинг тўлов пул белгисига майдалаши операцияси ҳам амалга оширилади. Бу операция 09013 шаклдаги рўйхат бўйича расмийлаштирилади. Бунда 09014 шаклдаги маълумотнома тўлдирилади (2 нусхада). Мижозга 2-нусха берилади. 1-нусхаси кунлик ҳужжатлар жилдига тикилади.

09014 шаклдаги маълумотнома қатъий ҳисобда турувчи бланка ҳисобланмайди ва бу ваколатли банклар томонидан мустақил тайёрланади.

Банкноталар ва йўл чекларининг тўловга яроқлилигининг асосий белгилари:

1. Эмиссия банкининг номи, рақами ва серияси, қиймати рақами ва ёзув билан кўрсатилади, олд ва орқа томонининг асосий расмлари, шунингдек қалбакилаштиришдан ҳимоя қилиш элементлари (сув белгиси, магнит белгилари, қофозга киритилган рангли толалар, жумладан, ультрабинафша нурларида кўринадиган толалар, микроматн, нур сочувчи расмлар) каби асосий белгилари сақланган бўлса;

2. Ишқаланишлар ва ифлосланишларга эга бўлган;

3. Ёпиштириб қўйилган йиртилган бурчаклари ёки қисмлари бўлган (майдони 1/2 ҳажмдан ошмаслиги лозим);

4. Банкнота энининг 4/1 қисмидан ошмаган ёпиштириб қўйилган унча катта бўлмаган йиртиқларга эга бўлган;

5. Еғли майда доғлар ва бошқа доғлар, ёзувлар ва муҳрлар ўрни бўлган;

6. Тешик диаметри 1 мм.дан ошмаган банкноталар;

7. Тегишли хорижий давлат эмитент банки томонидан мумомаладан чиқарилган деб эълон қилинган пул белгилари расмий равишда эълон қилинган санагача.

Хорижий валюталар қўйидаги ҳолларда бузилган ҳисобланади:

1. Агарда қисмлари шубҳасиз бир билетта тегишли бўлса қисмларга бўлинган ва елимланган;

2. Тўловга яроқлиликнинг асосий белгиларини сақлаб қолмаган;

3. Дастребаки ранги ўзгарган ёки ранги ўчтан;

4. Ёндирилган ёки қўйдирилган;

5. Тўлиқ ёки муайян даражада бўёқ, сиёҳ, ёғ томган;

6. Кимёвий реактивлар таъсирида бўлган, жумладан, ультрабинафша нурларида қоғознинг товланишига олиб келинган реактивлар;

7. Муайян даражада қасдан бузилган (асосий расмлари, номинали ва одамлар портретлари ўзгартирилган, ҳимоя иғналари олиб ташланган, катта ҳажмдаги ёзувлар бўлган);

8. Аниқ босма жатога эга бўлган;

9. Катталашиби ёки кичирайиши томонига 3 мм.дан ортиқ геометрик ҳажмларни ўзгариши содир бўлган.

8-§. Ўзбекистонда валюта муносабатларини эркинлаштириш ва валюта айирбошлаш шахобчаларининг фаолиятини такомиллаштириш

Валюта айирбошлаш шахобча (ВАШ)ларни кўпайтириш учун аҳолининг чет эл валютасига бўлган талабини тўла қондириш ва уларнинг бир валютани бошқа бир валутага, ўз эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда, алмаштириш ишларини осонлаштириш, тезлаштириш учун валюта алмаштириш шахобчаларини кўпайтириш керак. ВАШини очаётган пайтда, албатта, қаерда очилаётганлиги, унга бўлган аҳолининг эҳтиёжи қай тарзда эканлиги муҳим аҳамият касб этади. Валюта алмаштириш шахобчасига аҳоли эҳтиёжи бўлмаган жойда уни очиш фойдали эмас, шунинг учун, ваколатли банклар Марказий банкнинг ҳудудий

бошқармаларидан рухсат олгандан сўнг, ўз айирбошлиш шахобчаларини очишлари мумкин. Бундан ташқари, керакли шарт-шароитлар яратилгандан сўнг валюта алмаштириш шахобчасини очиш мумкин. Демак, бундан келиб чиқадики, валюта алмаштириш шахобчаси фаолиятини амалга ошириш бевосита Марказий банк ва валюта захиралари билан таъминланганлик даражасига боғлиқ. Айирбошлиш шахобчасини очишни Марказий банк томонидан ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва мамлакатда валюта захираларини кенгайтиришга қаратилган сиёsat тўғри йўлга қўйилса валюта алмаштириш шахобчаларини кўпайтириш муаммолари ўз ечимини топади.

Бизнинг асосий валюта маблағлари манбамиз пахта ва олтин эканлиги ҳаммамизга маълум, аммо фақат хом ашё экспорти билан чекланиб қолмаслигимиз даркор. Ҳозирда хорижий кредит линиялари, асосан, мини-цежлар ва қишлоқ жўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи ускуналар сотиб олишга берилаётганлиги ҳам бежиз әмас. Бунда ишлаб чиқарилган маҳсулот нафақат ички бозорни тўлдиришга, балки экспортга мўлжаллангандир. Бу эса сарфланаётган валютанинг республикамизга қайтишининг гаровидир.

Шундай экан, хорижий инвесторларни кенг кўламда жалб этиш зарур, улар учун шароит, қулай инвестиция муҳитини яратиш даркор. Сўнги йилларда бу борада ҳам бир қанча ишлар қилинди, соликдан турли имтиёзлар белгиланган, божхона тўловларини амалга ошириш тартиблари соддалаштирилди. Шундай бўлса ҳам республикамизда олиб борилиётган фискал сиёsatида ҳали ҳам айрим камчиликлар бор. Президентимизнинг таъкидлашларича, бутунги кунда республика бирлашган бюджетига тушадиган тўловлар (соликлар ва бошقا мажбурий тўловлар орқали) улуши ЯИМ ҳажмида амалда 35 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Ҳолбуки, дунё тажрибасида бюджеттага тўланадиган солик тўловларининг мақбул нормалари аллақачон шаклланган. Масалан, бундай чоралар АҚШда 26,1 фоизни, Японияда 22,6 фоизни, Германияда 29,2 фоизни ташкил этади. Бунинг устига маълумки, агар тўлов ҳажми ана шу чегарадан ошадиган бўлса, одатда ишлаб чиқариш суръати ва ЯИМ ҳажми ўз-ўзидан пасайиб кетади.

Бундан хуолоса қилиш мүмкінки, фискал соғани әркинлаштириш ҳам мамлакатда иқтисодий үсишни таъминлайди. Бунинг натижасыда мамлакат миллий валюта алмашуви курси барқарорлашувини ва валюта захирасини кенгайишини таъминлаши мүмкін.

Олтинг-валюта резервларининг паст даражада бўлиши эса, конвертацияни очиб юборишга халақит беради, чунки очиқ конвертация шароитида барча олтинг-валюта захирасидан ажralиб қолиш хавотири туғилади. Конвертациянинг тўла очилмаслигига эса чет эл сармоядорларининг мамлакатимиз иқтисодиётига бўлган қизиқишини янада сустлаштиради. Бунинг натижасыда хорижий сармоялар орқали келиб тушиши мүмкін бўлган валюта тушумларининг анча қисмидан маҳрум бўламиз. Натижада ҳозирги кунда ҳам биз пассив тўлов балансига эгамиз.

Умуман олганда, ҳар қандай иқтисодий жараёнлар бирбири билан боғлиқ бўлганлиги учун, конвертацияни тўла оча олмаслигимизнинг яна бир сабаби монетар сиёсатнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги. Монетар сиёсат, тўғри олиб борилмаса, инфляция юз берадидир. бу эса миллий валютага ишончни камайтиради.

Конвертацияни тўла очиши таъминласак, биринчидан, хорижий валютага бўлган талабни барқарор ҳажмини аниқлашга имкон бўлади, таъминлайди.

Ўз ўрнида шуни ҳам айтиш мүмкінки, халқаро кредит ташкилотлари томонидан олинаётган кредит маблағларини биринчи навбатда, миллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ўналтириш ва кредит маблағларини 100 фоиз ўзлаштиришга эришиш керак. Бу эса ички бозоримизни ривожлантиришга, товарлар ҳажмини үсишига, рақобатни ошишига олиб келади.

Қачонки мамлакат ички бозори сифатли, рақобатбардош, оммабоп товарлар билан тўлса, шунда нархлар барқарорлашувига ва аҳоли турмуш тарзи яхшиланишига замин яратади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2000 йил 29-июнда 245-сонли "Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва 2000 йил 30-июндаги

250-сонли “Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва валюта-айирбошлаш операцияларини кентайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларини қабул қилиниши, ички валюта бозорини янада эркинлаштириш борасида аввал амалга оширилган чора-тадбирлар мажмууни рўёбга чиқариш борасида олға ташланган яна бир қадам бўлди.

2000 йил 1 июлдан бошлаб, имтиёзли конвертация хуқуқини берувчи лицензия эгалари - корхоналарга валюталарни сотиш, экспортёrlарнинг бўш валюта маблағларини сотиб олиш ва айирбошлаш шахобчалари орқали нақд хорижий валюталар билан боғлиқ операциялар талаб ва таклиф асосида ўрнатилаётган эркин курс бўйича амалга оширила бошланди.

Шундай қилиб, 2000 йилда ички валюта бозорида хорижий валюталар билан боғлиқ операциялар учун қўйидаги айирбошлаш курслари амал қилди:

- Марказий банк томонидан эълон қилинадиган курс (расмий айирбошлаш курси). Бу курсдан бухгалтерия ҳисобини юритиши ва божхона тўловларини амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида белгиланган маълум хил операциялар ўтказишида фойдаланилди (Хукумат кафолати остида олинган чет эл валютасидаги кредитларга хизмат кўрсатиш, ҳалқаро ташкилотларга тўлов учун ажратилган бюджет маблағларини конвертациялаш, элчихоналарни сақлаш, хизмат сафари харажатлари, ишлаб-чиқариш - техник мақсадидаги маҳсулотларни импорти ва ҳ.к.);

- Биржадан ташқари валюта бозорида ва нақд валюта бозорида айирбошлаш шахобчалари орқали операциялар ўтказиш учун тижорат курси.

Кўрилган чора-тадбирлар айирбошлаш курсларини сезиларли даражада девальвацияланишига олиб келди. Бунда тижорат курси параллел (қора) бозордаги курсга сезиларли даражада яқинлашди. Нақд хорижий валюталарнинг савдоси қисман эркинлаштирилди. Амалга оширилган чора-тадбирларнинг яна бир ижобий томони марказлаштирилмаган экспортнинг ўсишига олиб келди. Бунга экспортёр валюта тушумининг 50 фоизини мажбурий сотганидан (Марказий банкнинг курси бўйича амалга оширилади) сўнг, қолган

маблагларини янада девальвациялашган тижорат курси бўйича сотиши мумкинлиги орқали эришилди.

Охирги йиллардаги давлат валюта бозорини тўлиқ эркинлаштириш ва айирбошлиш курсларини бир хиллаштиришга эришиш учун амалга оширилаётган чоратадбирларни етишмаслигини кўрсатди. Бунга, хусусан, қора бозордаги курслар гувоҳлик беради. Аввалига, қора бозорда айирбошлиш курсларини сезиларли даражада пасайиши юз берди ва қайтадан очилган айирбошлиш шахобчаларидаги операциялар ҳажми янада ошди. Валюта бозорини янада эркинлаштириш бўйича кутишлар (эришилиши лозим бўлган натижалар) юқори эди.

Нақд хорижий валюталар бозори нисбатан валюта бозорининг муҳим бўғини бўлиб, биржадан ташқари валюта бозори ҳисобланади. Бу бозор валюта бозорининг бошقا бўғинларидан ажралиб қолган ва ҳозирги вақтда у хорижий валюталарга талабнинг етишмаслиги ёки қондирилмаслигидан қийин ахволда қолган. Бу бозорга кириш учун амал қилаётган тизимга мувофиқ, фақатгина Марказий банкнинг лицензиясига эга бўлган кичик доирадаги импортёрларнинг мавжудлиги ва белгиланган квота бўйича операцияларни амалга оширилиши биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожланишига тўсиқ бўлиб турибди. Бу бозордаги операцияларни кенгайтириш ва ривожлантириш биринчи навбатда, биржа бозори ҳисобига амалга оширилиши лозим. Бунинг учун марказлаштирилган экспортдан тушган тушумнинг муайян қисмини биржадан ташқари валюта бозорига йўналтириш мумкин. Бунда, агар Марказий банк валютани сотиб олиш курси (расмий курс бўйича) ва сотиш курси (эркин курс бўйича) ўртасидаги фарқни ўзида қолдирса, унда бу бевосита Марказий банкка зарур бўлиб қолганда ликвидлиликни тартибга соловчи кучли инструмент сифатида фойдаланиш имкониятини юзага келтиради. Биржадан ташқари валюта бозорининг ўзида эса хорижий валюталарни сотиб олишга кўлланилаётган квоталарни секин-аста бекор қилиш ва корхона ва ташкилотларга валюта ресурсларига бўлган талабларини қондириш ҳуқуқини кенгайтириш зарур ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида эркин рақобатни вужудга келтиради ва

айирбошлаш курсини ҳақиқий бозор томонидан ўрнатилишини тъминлайди.

Биржадан ташқари валюта бозорини эркинлашириш ва ривожлантириш жараёнини янада чуқурлаштириш, нақд ва нақд пулсиз валютани конвертация қилиш кўламини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2001 йил 22-июнда 236-сонли “Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2001 йил 18-июлда 35-сонли “Биржадан ташқари валюта бозорини эркинлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди.

Ушбу қарорларга мувофиқ, 2001 йилнинг 1 июлидан бошлиб, қуйидаги операцияларнинг амалга оширилиши биржадан ташқари валюта бозорининг эркин курсига ўтказилди:

- марказлаштирилмаган экспортдан олинган валюта тушумидан 50 фоизлик мажбурий сотувни амалга оширилиши;

- асбоб-ускуна, бутловчи қисмлар, жом-ашё материаллари ва хизмат кўрсатиш, янгидан жалб қилинаётган хорижий кредитлар бўйича тўловларни амалга ошириш, чет эллик инвесторларнинг олган фойдаси, дивидентлари ва бошқа даромадларини репатриация қилиш, хизмат сафари харажатлари учун тўловлар бажариш.

Бунда, биржадан ташқари валюта бозоридан эркин курс бўйича хорижий валюталарни сотиб олувчи корхоналар 5 фоизлик йигимни тўлашдан озод этилганлар.

2001 йил 1 июлидан бошлиб микрофирмалар, кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналари ўзлари томонидан ишлаб чиқарилган товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспортидан келиб тушган валюта тушумнинг бир қисмини мажбурий сотувидан озод қилинган. Кичик ва хусусий бизнес субъектларига нақд чет эл валютасига экспорт қилишга рухсат берилган. Шунингдек, сезиларли даражада банклараро кредит операцияларини, шу жумладан, хорижий валютадаги кредит операцияларини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Биржадан ташқари валюта бозорини барқарор ривожлантириш мақсадида Бирлаштирилган барқарорлаштириши жамғармаси (Консолидированный

стабилизационный фонд) ташкил этилди. Бирлаштирилган барқарорлаштириш жамғармасининг манбалари бўлиб, ваколатли банклар томонидан жалб қилинаётган валюта маблағларининг бир қисми, Марказий банкнинг валюта активларини бошқаришдан олинган чет эл валютасидаги даромадлари, шунингдек, кафолатланган етказиб беришлар бўйича юқори ликвидли маҳсулотларни сотиш ҳамда ўрнатилган экспорт режасидан ортиқ микдорда тушган валюта тушумлари ҳисобланади.

Накд хорижий валюта билан боғлиқ операцияларни эркинлаштириш бўйича қилинган ишларнинг натижаларини алоҳида қайд этиб ўтиш зарур.

2000 йил 1 июлидан ҳозирги кунгача, кўрсатиб ўтилган курс бошқа айирбошлиш курсларига нисбатан сезиларли даражада девальвацияланди. Жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, айирбошлиш шахобчадари орқали сотилган валюталарнинг курси 1 АҚШ долларига 980 сўмни ташкил этди. Бу эса, деярли икъонуний "қора" бозордаги курсга яқинлашди.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 25 октябрдаги 422-сонли "Ички валюта бозорида алмашув курсларини бир хиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг қабул қилиниши валюта бозорини эркинлаштириш бўйича амалга оширилган яна бир муҳим қадам саналади. Қарорга мувофиқ, 2001 йил 1 ноябрдан бошлаб қўйидаги операциялар эркин курсда амалга оширилмоқда:

- Ҳукумат томонидан ёки унинг кафолати остида 2001 йил 1 июлгача жалб этилган чет эл валютасидаги кредитларга хизмат кўрсатиш;
- корхоналарнинг марказлаштирилган ресурсларни экспорт қилиш ҳисобига тушадиган валюта тушумларини мажбурий сотиш ва сотиб олиш.

Шунингдек, қайд этилган санадан бошлаб республика ҳудудида валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ҳисботи ва бошқа ҳисботлар, шунингдек, божхона тўловларини ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг биржадан ташқари валюта бозоридаги алмашув

курсини, пул массаси ва инфляция даражасини ҳисобга олган ҳолда белгиланадиган курси бўйича амалга оширилади.

Шундай қилиб, миллий валютани тўлиқ конвертирунгнига эришиш учун босқичма-босқич ва салбий оқибатларсиз ўтишини ўз ичига олган давлатнинг сиёсатига амал қилган ҳолда валюта бозорини эркинлаштириш бўйича кейинги қадам бўлиб қўйидаги чора-тадбирларни тавсия этиш мумкин:

- барча айирбошлиш курсларини тўлиқ бирхиллаштириш;

- ички валюта бозорида хорижий валюталарни сотиб олишда сақлаб қолинган чекловларни бекор қилиш (накд валюталарни сотиб олишнинг максимал миқдорини лимитлаш, ваколатли банклар томонидан маҳсус банклараро савдо сессияларида маблағларни сотиб олишга ўрнатилаётган лимитлар, Ташки иқтисодий алоқалар вазирлигига импорт шартномаларини рўйхатга олишни бекор қилиш ва бошқалар).

Бироқ, олдинга қўйилган мақсадга эришиш учун Ўзбекистон ҳукумати ва Марказий банки олдида давлатнинг ташки қарзини ўз вақтида тўлаш, валюта курси тебранишлари натижасида юзага келадиган салбий оқибатлардан корхоналарни ҳимоялаш юзасидан кафолатларини яратиш, курс барқарорлиги ва мамлакат тўловга лаёқатлигини сақланишини таъминлаш учун зарур бўлган миқдорда захираларни яратилиши билан боғлиқ масалаларни ечишдек зарур чоралар турибди.

Девальвация билан боғлиқ бўлган хавфсирашлардан бири бўлиб, расмий айирбошлиш курсини девальвацияланиши баҳоларнинг ўсишига олиб келиши мумкинлиги билан изоҳланади. Ҳақиқатан ҳам, расмий айирбошлиш курсини девальвацияланиши баҳоларнинг ўсишига замин яратилиши мумкин. Бунга сабаб, импорт божини тўлаш миқдорининг ошиши ҳисобланади. Бироқ, баҳоларнинг ўсиши сезиларли даражада рўй бермаслигига бир қатор асослар мавжуд. Буни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 25 октябрдаги 422-сонли “Ички валюта бозорида алмашув курсларини бирхиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти қарори чиққунига қадар ички валюта бозорида деярли барча операцияларни тижорат

курсида амалга оширилганлиги, шунингдек, импорт маҳсулотларига нархларнинг шунга мувофиқ ўрнатилганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати кам таъминланган оиласларини қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш учун ижтимоий йўналтирилган маҳсулотларга ўрнатиладиган нарх-наво сиёсатида сунестеъмолликка йўл қўйилмаслиги учун барча чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Миллий валютанинг барқарорлиги унинг бошқа валюталарга алмашиниши, инфляция даражаси, аҳолининг банкларга ва бошқа молия институтларига бўлган ишончига боғлиқ.

Миллий валютани бошқа валюталарга эркин конвертирунчилиги эришиш - иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш ҳамда пул-кредит ва валюта сиёсатини такомиллаштиришни таъминловчи омил ҳисобланади.

Аммо, ушбу мақсадга осонликча эришишнинг иложи йўқ, чунки, халқаро тажриба шуни кўрсатадики, дунё мамлакатларида амал қилаёттан валюта тизимларининг барчасида ҳам миллий валютани эркин конвертираш чекловлардан ҳоли эмас. Ўз миллий валютасининг қадрини ошириш учун ҳар қандай давлат ўз ҳудудида валютани тартибга солиш усуллари билан чет эл валютасини миллий нақд ва нақд пулсиз оборотга таъсирини камайтирган ҳолда бошқа валюталарга эркин айирбошланишини таъминлаши учун барча шарт-шароитларни юзага келтириши шарт. Хусусан, мамлакатлар эркин конвертацияга фақатгина иқтисодиётнинг маълум бир ривожланиш босқичида эришилади.

Ҳатто Япония, Жанубий Корея ва Жанубий-Шарқий Осиёнинг бошқа ривожланаётган давлатлари каби мамлакатлар узоқ вақт мобайнида турли шаклдаги валютавий чеклашларни қўллашга мажбур бўлганлар.

Ўзбекистон Республикасида валютани тартибга солиш тизимининг шаклланиши мустақилликка эришилгандан сўнг, 1991 йилда “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинганидан кейин юзага

келди. 1992 йилдан ҳозирги кунгача Марказий банкнинг фаолияти милллий валютани муомалага киритиш учун шартшароитлар яратиш ва милллий валютанинг қадрини оширишга йўналтирилган. 1993 йилда “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши 2004 йилда унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши Марказий банк томонидан валютани тартибга солиш бўйича қайтадан амалий меъёрий-хуқуқий базани яратди. Бу қонун Марказий банк милллий валюта қадрини ошириш учун валюта резервларини ташкил этиш ва сўмнинг ички конвертациясини таъминлаш учун ички валюта бозорини ривожлантиришни белгилаб берди.

Валюта захираларини шакллантириш ниҳоясига етмаган шароитда валюта бозорини ривожлантириш мақсадида бир Марказий банк Молия вазирлиги билан биргаликда 1994 йили республика корхоналарининг экспортдан тушган тушумларининг 15 фоизини мажбурий сотишни тасдиқлади, бу вақтда бу мажбурий сотувдан ташқари экспортдан тушган тушумдан олинадиган 15 фоизли солик ҳам мавжуд эди.

Бундан кейинги қадам бўлиб, солиқни бекор қилиш ва унинг ўрнига корхонанинг экспортидан тушган тушумдан олинадиган мажбурий сотувни 30 фоиз қилиб белгиланиши бўлди. Ушбу чора-тадбир корхоналарни экспортга қизиқишлиарини янада ошириди. Чунки, энди уларнинг фойдасининг бир қисми мажбурий тарзда олинмасдан, балки чет эл валютасидаги тушумининг бир қисми милллий валютага айирбошланиб корхонанинг ўзига қайтариларди. Бу тушган тушум Марказий банкнинг валюта захирасини оширишга қаратилган эди.

1994 йил 7 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси валюта бозорини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори милллий валютани барқарорлигини таъминлашдаги муҳим босқич бўлди. Чунки, ушбу қарорда биринчи бўлиб республика ҳудудида қонуний ягона тўлов воситаси - сўм расмий эълон қилинди.

Шу билан бирга, накд пулсиз чет эл валютасида импорт қилувчи - корхоналарнинг талабини таъминлаш учун чет эл валютасидаги резервларга қўшимча эҳтиёжни қондиришни таъминлаш зарурати юзага келди. Ва, оқибатда,

1995 йилда марказлашган барча экспорт тушуми ва давлат ресурслари Марказий банкка мажбурий сотилиши белгилаб кўйилди. Маълумки, 1997 йилда пахта толасининг экспорти, жами экспорт ҳажмининг 40 фоизини, электр-энергия, ёқилги маҳсулотлари экспортдан тушаётган барча тушумнинг 6 фоизини ташкил қилди.

Хозирги вақтда импортни ўрнини босувчи ёки экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш технологиясини ва республикага биринчи даражали керакли халқ истеъмоли молларини олиб келишини таъминлайдиган корхоналарга ички валюта бозорини ривожлантириш мақсадида корхонанинг сўмдаги маблағларини эркин айирбошланадиган валютага устувор тарзда конвертирашнинг ишлаб чиқилган механизми амалга оширилди.

Бундан ташқари, республика ҳукуматининг қарорига мувофиқ, чет эл инвестицияси иштирокидаги экспортга йўналтирилган ва импортни ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга сўмдаги маблағларни эркин айирбошланадиган валютага ўз вақтида конвертациялаш кафолатланган, шу жумладан, чет эл таъсисчиларига тегишли улушнинг фойдасини ва дивидентини конвертацияси ҳам эркинлаштирилган.

Валюта операцияларини ва валюта бозорини ривожлантиришдаги кейинги қадам бўлиб, корхоналарнинг валюта тушумидан Марказий банкка 30 фоизлик мажбурий сотуви бекор қилиниши бўлиб, буниг ўрнига валюта бозорини эркинлаштирувчи биржадан ташқари валюта бозори юзага келтирилди. Бу ваколатли банкларга талаб ва таклифдан келиб чиқиб, мустақил равишда айирбошлаш курсларини ўрнатиш имкониятини яратди. Ваколатли банкларнинг биржадан ташқари валюта бозорида операциялар ўтказишига манбаси бўлиб, корхоналарнинг 30 фоизлик мажбурий сотувидан ташқари, уларнинг ўз ресурслари ҳамда мижозларининг чет эл валютасидаги депозитлари ва бошқа жалб қилинган маблағлари ҳисобланди.

Таяинч сўзлар

- | | |
|----------------------|--------------------------|
| ➤ Дебет карточка; | ➤ Олтин-валюта захираси; |
| ➤ Кредит карточка; | ➤ Резидент; |
| ➤ Валюта алмаштириш; | ➤ Норезидент; |

➤ Комиссион җак;
➤ Йўл чеки;

➤ Валюта алмаштириш шахобчаси.

Ўз билимини текшириш учун саволлар

1. Марказий банкнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
2. Марказий банкнинг валюта операцияларини амалга оширишга имкон берувчи асосларни санаб ўтинг.
3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан валютани тартибга солиш тамойиллари нималардан иборат?
4. Валюта интервенцияси ҳақида тушунча беринг.
5. Свои операциялари ва уни пул бозорига таъсири.
6. Республика ички валюта бозорини таркибий қисмлари нима?
7. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган валюта сиёсати ва уни ўзига хос хусусиятлари нима?
8. Валютавий чеклашлар ва унинг шакллари ҳақида тушунча беринг.
9. Валюта алмаштириш шахобчалари фаолиятини ташкил қилиш тартиби ҳақида тушунча беринг.

VI боб. Халқаро ҳисоб-китоблар ва уларнинг асосий шакллари

1-§. Халқаро ҳисоб-китоблар тушунчаси ва унинг зарурлиги

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари нафақат мамлакат ичкарисида, балки бошқа мамлакатлар билан ҳам турли жил операцияларни олиб борадилар. Бундай операцияларга халқаро операциялар дейилади.

Халқаро операциялар халқаро савдода иштирок қилувчилар ўртасидаги муносабатларни, ссуда капитали бозорида инвестиция фаолиятини юритувчи субъектларни, туризм, хорижий қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш, валютани айирбошлиш, чек, вексель, инкасация учун банк акцептларини қабул қилиш билан шуғулланувчи мижозлар томонидан талаб қилинадиган хизматларни ўз ичига олади.

Халқаро операциялардан банкларга тушадиган даромаднинг энг асосий қисмини кредит беришдан тушадиган даромадлар ташкил қиласи.

Халқаро савдони банк томонидан кредитлаш товар ва товар ҳужжатларини гаровга олиш асосида кредит бериш, вексель бўйича ва акцепт кредитларини, банк ссудаларини бериш шаклида амалга оширилади. Ташкил савдони кредитлашнинг янги шаклларига лизинг, факторинг ва форфейтинглаш кабиларни киритиш мумкин.

Халқаро операцияларнинг яна бир тури бу банкларнинг валюта операциялари ҳисобланади. Банкнинг бир валютани бошқа валютага алмаштириш билан боғлиқ халқаро операциялари валюта операциялари дейилади. Уларни амалга ошириш зарурияти мавжудлигининг асосий сабаби, халқаро савдо, халқаро кредит ва хизматлар бўйича ҳисоблашишларда ягона тўлов воситасига эга бўлиши зарурлиги ҳисобланади.

Банклар бир-бири билан бевосита (ёки брокерлар орқали) мижозлари билан валюта операцияларни халқаро банклараро валюта бозорида ва биржаларда олиб боради. Валюта шартномаларининг асосий қисми халқаро банклараро валюта бозорида тижорат банклари ўртасида имзоланади.

Валюта чекланишлари йўқ ёки сезиларли бўлмаган давлатларда (АҚШ, Япония, ГФР, Буюк Британия, Гонконг, БАА ва бошқ.) валюта операцияларини ихтиёрий банк амалга ошириш мумкин. Миллий валюта конвертиланмаган давлатларда валюта операцияларини фақатгина давлат рухсат берган банклар амалга оширади. Улар нафақат валютани сотади ва сотиб олади, балки хорижий валюта зажираларини сақлайди ва валюта курсларини аниqlайди.

Халқаро ҳисоб-китобларнинг вужудга келиши ва такомиллашиб бориши биринчи навбатда, товар ишлаб-чиқариш хўжалик фаолиятининг ривожланиб миллий доирадан четга чиқиши ҳамда байналминаллашуви, халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви билан боғлиқ. Халқаро ҳисоб-китобда товарларни ишлаб-чиқариш ва сотиш даврининг бир-бирига мос келмаслиги натижасида қийматларнинг алоҳида ҳаракати юзага келади. Халқаро ҳисоб-китоблар товар ва хизматлар бўйича ташқи савдони, мамлакатлараро кредит ва капиталлар ҳаракатини, чет элда объектларни қуриш, ривожланаётган мамлакатларга иқтисодий ёрдам бериш ва бошқа турдаги нотижорат операцияларини ўз ичига олади.

Халқаро ҳисоб-китоб - бу турли мамлакатлардаги юридик ва жисмоний шахсларнинг ўзаро иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқа қилинлиги натижасида юзага келадиган пулли талаб ва мажбуриятлар бўйича тўловларни амалга ошириш механизмидир. Халқаро ҳисоб-китоб, бир томондан, мамлакатлараро қабул қилинган қонуний ҳужжат ва анъаналарга риоя қиласа, иккинчи томондан, тижорат банкларининг ҳар кунлик амалий фаолиятида муҳим ўрин туттади. Халқаро ҳисоб-китобларда асосий ролни жаҳонда етакчи ўринни эгаллаган йирик банклар ўйнайди. Уларнинг халқаро ҳисоб-китобга таъсир кўрсатиш даражаси ушбу банклар жойлашган мамлакатларнинг ташқи иқтисодий алоқалар масштаби, миллий валютасининг жаҳон оборотида тутган салмофи, ихтисослашуви, молиявий ҳолати, бизнес оламида эришган обрўси каби муҳим иқтисодий кўрсаткичларга, боғлиқ. Банклар ўзаро ҳисоб-китоб операциясини бажариш учун “ностро” (ушбу банкнинг хорижий банкдаги) ёки “востро” (хорижий банкнинг ушбу банкдаги) ҳисобварагини очиш орқали чет эллик банклар

билингвалдан үрнатилган вакиллик муносабатидан ва чет элдаги бўлинмаларидан фойдаланаадилар. Вакиллик келишувидаги ҳисоб-китоб юритиш тартиби, комиссия миқдори, сарфланган маблағларни тўлдириш усули каби муҳим масалалар ҳал қилинади. Халқаро ҳисоб-китобларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш учун банклар турли валюталарда бажариш керак бўлган тўловларнинг таркиби ва муддатига мос равишда валюта позицияларини ташкил қиласидилар, ўз валюта заҳиралари бўйича диверсификация сиёсатини олиб борадилар. Мумкин қадар юқори даромад олишга интилиш мақсадида банклар «ностро» ҳисобварагида минимал маблағ қолдигини жойлаштириб, жаҳоннинг ссуда капиталлар бозорига, шу жумладан евробозорга, валюта активларини жойлаштиришни афзал кўрадилар.

Халқаро ҳисоб-китоб борасидаги банкларнинг фаолиятини, бир томондан, ички миллий қонунчилик меъёрлари бошқарса, иккинчи томондан, халқаро қонун-қоида ва анъаналар кўринишидаги ҳужжатлар ёки алоҳида мамлакатларнинг ўзаро келишуви асосида тартибга солинади.

/Хозирги даврда мамлакатлараро иқтисодий алоқаларда қўлланиладиган ҳисоб-китобларнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

1. Банк ўтказмаси;
2. Очик ҳисобвараги бўйича ҳисоб-китоблар;
3. Инкассо;
4. Ҳужжатлаштирилган аккредитив;
5. Чек ва векселлар.

Халқаро ҳисоб-китобларнинг қуйидаги хусусиятлари мавжуд:

1. Импортёrlар, экспортёrlар ва уларнинг банклари товар ҳамда тўлов ҳужжатларини расмийлаштириш, жўнатиш, қайта ишлаш, шунингдек, тўловнинг ўзини амалга ошириш билан боғлиқ ташқи савдо шартномасидан мутлақо алоҳида, бироқ унга асосланган ҳолда ўзаро муносабат ўрнатадилар.

2. Халқаро ҳисоб-китоблар миллий қонунчилик норматив актлари ҳамда халқаро банк қоида ва анъаналари орқали тартибга солинади.

3. Халқаро ҳисоб-китоб операцияларини умумлаштириш

зарурияти мавжуд.

Бунга объектив сабаб - хўёжалик алоқаларининг байналминаллашуви ва банк операцияларининг универсаллашув жараёни дунё бўйлаб юз бераётганидадир. Масалан, 1930 ва 1931 йилларда Женева конференциясида Вексель ва Чек конвенцияси қабул қилинган. Бу конвенциялар халқаро ҳисоб-китобларда вексель ва чек муомаласи бўйича юзага келиши мумкин бўлган мураккабликларнинг олдини олишга хизмат қиласди. Бундан ташқари Халқаро Савдо Палатаси томонидан ишлаб чиқилган ҳужжатлаштирилган аккредитив ва инкассо бўйича умумлаштирилган қоидалар ушбу операцияларни амалга оширишда турли мураккабликлардан ва рисклардан сакланиб операцияларнинг муваффақиятли кечишига ёрдам беради.

4. Халқаро ҳисоб-китоблар, одатда, ҳужжатлаштириш ҳарактерига эга бўлади, яъни молиявий ва тижорат ҳужжатларига асосида амалга оширилади. Молиявий ҳужжатларга қўйидагилар киради:

- оддий вексел;
- ўтказма вексел;
- чек;
- тўлов тилхати.

Тижорат ҳужжатларига қўйидагилар киради:

- Ҳисоб-фактура;
- Транспорт ҳужжатлари (коносамент, темир йўл, автомобиль ва авиааташув ҳужжатлари, почта квитанцияси, юк ташишнинг аралаш транспорт ҳужжатлари);
- Суғурта ҳужжатлари (суғурта полиси, суғурта сертификати);

• Бошқа ҳужжатлар - келиб чиқиш ва сифат сертификати, спецификация, божхона ва консуллик ҳисобварақлари ва шу кабилар. Банк ушбу ҳужжатларнинг мазмунига ва тўлиқлигига жиддий эътибор билан текширади.

5. Халқаро ҳисоб-китоблар турли валюталарда амалга оширилади. Шунинг учун ҳам улар валюта операциялари билан бевосита узвий боғлиқдир. Валюта курсларининг тебраниши халқаро ҳисоб-китоблар динамикасига таъсир кўрсатади.

Халқаро ҳисоб-китоб шаклларининг танланишига қатор омиллар таъсир кўрсатади:

- товар тури (мисол учун асбоб-ускуна ва озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича олиб бориладиган ҳисоб-китоб шакллари уларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб бирбиридан кескин фарқ қиласди);
- кредит шартномасининг мавжудлиги;
- ташқи савдо бўйича контрагентларнинг тўловга қобилияти ва бизнес оламидаги обрўси;
- жаҳон бозоридаги мазкур товарга бўлган талаб ва таклиф даражаси. Битимда халқаро ҳисоб - китобларнинг шарти ва шакли қатъий белгиланади.

2-§. Банк ўтказмаси

Банк ўтказмаси бир банкнинг бошқа бир банкка олувчига (бенефициарга) муайян бир суммани тўлаш ҳақидаги топширигини ўзида ифодалайди. Ўз маблағларини маълум бир мақсадда ўтказмоқчи бўлган мижознинг кўрсатмасига асосланган ҳолда банк бундай топшириқни бериши мумкин. Бунда валюта маблағлари бенефициарга ҳеч бир шартсиз ёки маълум бир ҳужжатларни тақдим қилиш асосида берилиши мумкин.


Банк ўтказмаси шаклида тижорат операциялари бўйича ҳисоб-китоблар қуидаги амалга оширилади (схема-10):

- 1) Экспортёр ва импортёр томонидан шартнома имзоланади. Шартномада ҳисоб-китоб шакли ва шартлари белгиланади.
- 2) Экспортёр битимда кўрсатилган вақт ичida товарни жўнатади.
- 3) Экспортёр юқ ташувчи ташкилотлардан транспорт ҳужжатларини олади.
- 4) Транспорт ҳужжатларини бошқа ҳужжатлар тўплами билан бирга импортёрга юборади.
- 5) Ҳужжатларни олгандан сўнг товарга эгалик ҳуқуки импортёрга ўтади ва у ўз банкига пулни ўтказиш тўғрисидаги аризани тақдим қиласди.
- 6) Импортёрининг банки аризага асосланган ҳолда тўловни бажариш топширигини экспортёрининг банкига почта ёки телеграф орқали узатиш йўли билан ўтказмани амалга

оширади.

7) Экспортёрининг банки тўлов топширигини олгандан кейин унинг тўғри тўлдирилганлигини текширади (агар бенефициаринг номи, адреси ноаниқ ёки хато кўрсатилган бўлса, банк тўловни бажармай қайтариб юбориши ҳам мумкин) ва экспорт тушгумини бенефициаринг ҳисобварагига ўтказади, сўнгра экспортёрга хабар беради.

10-схема



Шартномада импортёр томонидан экспортёрга кредит берилиши, яъни етказиб бериладиган товар учун олдиндан аванс тўловини амалга ошириш кераклиги кўзда тутилган бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатларда импортёр битимда кўрсатилган вақт ичida экспортёрга валютани ўтказиш тўғрисида ўз банкига кўрсатма беради. Шундан сўнгина экспортёр товарни жўнатади ва ҳужжатлар тўпламини импортёрга юборади.

Банк ўтказмаси шаклидаги ҳисоб-китобларда шартномада қатнашувчи томонлардан бири доимо маълум даражада рискка тортилган бўлади. Экспортёр учун товар тўлиқ жўнатилгандан сўнг якуний ҳисоб-китоблар амалга оширилмай қолиш хавфи ва импортёрга учун эса аванс

тўловлари бажарилгандан сўнг товар етказилмай қолиш хавфи мавжуд, шунинг учун ҳам жаҳон амалиётида етказиб берилган товарлар учун ҳисоб-китобнинг ушбу шакли маълум даражада чекланган бўлиб ҳар доим ҳам қўлланилавермайди, одатда ҳалқаро ҳисоб-китобда бошқа ҳисоб-китоб шакллари (ҳужжатлаштирилган аккредитив ва инкассо) билан биргаликда қўлланилади. Масалан, етказилиб бериладиган товарлар учун аккредитив бўйича инкассога олинган ҳужжатлар бўйича товар суммасининг 10-15 %и тўланилиб, 75-80 % суммасига эса векселлар ёзилиши ва қолган 5-10 %и банк ўтказмаси тарикасида олдиндан аванс сифатида ёки импортёр томонидан товарлар текширилгандан сўнг тўланиши кўзда тутилган бўлиши мумкин.

Бундан ташқари олинган тижорат кредитларини қоплашда ва инкассони тўлашда банк ўтказмасидан фойдаланилиши мумкин.

Сўнгти йилларда транспорт воситалари орқали товарни етказиб бериш муддати тезлашаётганлиги сабабли ҳалқаро ҳисоб-китобларда шартномага кўра товар қийматининг тўлиқ тўлови бўйича банк ўтказмаларининг қўлланилиш ҳиссаси ошиб бормоқда. Бунда товар жўнатилганлиги тўғрисида экспортёр томонидан хабар берилгандан сўнг ва тижорат ҳужжатлари бевосита харидорга жўнатилгандан сўнг банк ўтказмаси амалга оширилади. Бундай ҳолатларда импортёр томонидан товарни ўз вақтида тўлаш тўғрисидаги банк кафолати тўловнинг таъминоти сифатида хизмат қилади.

Баён ўтказмаси шаклидаги ҳисоб-китоблар қўлланилишида ўзининг соддалиги билан бошқа ҳисоб-китоб шаклларидан ажralиб туради, чунки валюта маблағларини ўтказувчи мижозга аризадан бошқа тижорат ҳужжатларини расмийлаштириш ва банкка тақдим этишни талаб қилмайди.

Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда ваколатли банклар экспорт ва импорт операциялари бўйича банк ўтказмаси шаклида ҳисоб-китобларни амалга оширмоқдалар. Ваколатли банклар экспорт қилинган товарлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошираётганда Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган бенефициар фойдасига тўловни ўтказиш тўғрисидаги хорижий банклар топширигини бажарадилар, бунда тўланаётган сумманинг қандай қопланилиши

кўрсатилган бўлиши керак.

Тўлов топшириги бенефициар томонидан маълум тижорат ёки молиявий ҳужжатлар тақдим қилингандан сўнггина (ҳужжатлаштирилган ўтказмада) унга тўланишини кўзда тутиши мумкин. Бундай ҳолатларда тегишли ҳужжатлар тақдим қилингунича бенефициар ҳисобварағига шартли равишда сумма ўтказилади. Агарда сумма ўтказилган кундан бошлаб 15 кун ичida экспортёр ҳужжатларни тақдим қилмаса, унинг ҳисобварағидан ўтказма суммаси ҳисобдан чиқарилади ва хорижий банкка ўтказма хусусида кўрсатма берилиши ҳақида сўров юборилади.

Импорт қилинган товарлар ва хизматлар учун банк ўтказмаси шаклидаги ҳисоб-китоблар ўрнатилган тартибда тўлдирилган ўтказма аризасига асосланган ҳолда амалга оширилади. Бунда ариза берувчи шахс куйидагиларни эътиборга олиши зарур:

❖ агар шартномада кўрсатилган товарларни баҳолаш валютаси ва тўлов валютаси турлича бўлса, аризада қайта ҳисоблаш курсни ёки курсни аниқлаш усули кўрсатилган бўлиши шарт. Бунда қайта ҳисоблашда юзага келадиган курслар орасидаги фарқ ариза берувчи шахснинг ҳисобидан қопланади;

❖ агар ваколатли банкларда ҳисобда турган ҳужжатларни (масалан, векселларни) тўлаш учун ўтказма амалга оширилаётган бўлса, у ҳолда ҳужжат рақами, тўлов муддати ва манзили (банк, шаҳар, мамлакат), асосий қарз ва кредит учун фоиз суммаси кўрсатилган бўлиши керак;

❖ агар Ўзбекистон Республикасига экспорт қилинган товар учун тўлов амалга оширилаётган бўлса, мамлакатга товарнинг етиб келиш муддати ҳам кўрсатилган бўлиши лозим;

❖ бенефициарнинг номи ва манзили, унинг банки, маҳсус техник терминлар инглиз тилида тўлдирилган бўлиши керак.

Бенефициарнинг номи ва манзилида, хорижий валютанинг номи ва суммасида католикка йўл қўйилиб, устидан ўчириб тўғриланган бўлса, бундай ариза бўйича тўлов амалга оширилмайди. Бошқа реквизитлардаги тўғрилашларга аризани имзолаган шахслар томонидан қайд этилган ва тасдиқланган бўлсагина йўл қўйилади.

Ариза берувчи корхона раҳбарияти ва бош бухгалтери (ёки уларнинг ўринбосарлари) томонидан ариза имзоланади ҳамда корхона шахсий муҳри билан мухрланади.

Хозирги даврда Ўзбекистонда экспорт ва импорт бўйича банк ўтказмаси орқали тўловлар кенг тус олган. Бунга асосий сабаб мамлакатимиз банкларида бундай операцияни бажариш ва ҳужжатларни расмийлаштириш соддалигидадир. Бундан ташқари шуни ҳам айтиш керакки, республикамиизда шартнома суммасининг 15 %игача олдиндан аванс сифатида тўлашга руҳсат берилган. Бу эса ўзбек импортёрларига нисбатан тўловга қобиллик нуқтаи-назаридан ҳали ҳам хорижий фирмаларнинг ишончсизлиги мавжуд бўлганлиги сабабли катта аҳамиятта эга. Бундай шарт-шароитларда кўпгина импорт шартномалари қўйидаги схемада амалга оширилади: қарши томон банкининг кафолати эвазига шартнома суммасининг 15 %и олдиндан аванс сифатида тўланади ва қолган 85% ига эса аккредитив очилади. Бундай схема ўзбек импортёрларга шартномада кўрсатилган сифат ва ҳажмда товарнинг етиб келмаслик хавфининг олдини олишга имкон беради.

Бироқ шундай бўлсада, импортёрлар учун ҳақиқатда етиб келган товарлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш шакллари ичida энг қулайи бўлиб банк ўтказмаси ҳисобланади, чунки импортёр товар ва ҳужжатларни банк орқали эмас, бевосита ўзи қабул қиласи ва шундан кейингина тўловни бажаради.

3-§. Очик ҳисобварақ бўйича ҳисоб-китоблар

Халқаро иқтисодий муносабатлар амалиётида очик ҳисобварақ бўйича ҳисоб-китоблар маълум даражада кенг тус олган (айниқса, иқтисодий ривожланган мамлакатларда бундай ҳисоб-китоблар тез-тез учрайди). Фирмалар ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш учун контрагентларининг қарздорлиги акс эттириладиган ҳисобварақни бир-бирларига ўз китобларида очадилар. Одатда, очик ҳисобварақ бўйича олиб бориладиган ҳисоб-китоблар банкларнинг иштирокисиз амалга оширилади, банклар бунда фақат операциянинг якуний босқичида - тўловни амалга оширишдагина қатнашадилар. Товарлар жўнатишга юклатилгандан сўнг сотувчи харидорга товар ва

транспорт ҳужжатларини юборади, сўнгра унинг ҳисобига юкланган товарлар суммасини ёзиб кўяди. Харидор ўз қарздорлигини қоплаш мақсадида (агар шартномада бартер ҳисоб-китоби кўрсатилган бўлса) товар етказиб бериши ё хизмат кўрсатиши, ёки (агар сотувчи ва харидор ўртасида ўзаро қарз ва мажбуриятлар мавжуд бўлса) ўзаро қарз ва мажбуриятларини кечиб юбориши (клиринг), ёки банк ўтказмаси орқали қарзини тўлаб бериши, ёки ўз мажбуриятларини қоплаш учун чек ёки оддий вексел ёзиб бериши, ёки сотувчи томонидан тақдим қилинган ўтказма вексел (тратта)ни акцептлаши мумкин.

Ҳисоб-китобнинг ушбу шакли кўлланилаётганда харидор ҳақиқатда ҳам товар учун тўловни амалга оширишининг кафолатланишини сотувчи одатда талаб қилиши лозим бўлади. Чунки шериклар ўртасидаги доимий алоқа ва ўзаро ишончни қозониш ҳамма вақт ҳам етарли бўлавермайди. Шу сабабли шартномада товар учун тўлиқ сумма тўланмагунича товарга эгалик қилиш ҳуқуқи сотувчida әканлиги қайд қилиниши мумкин.

Баъзи ҳолларда тўловни таъминлаш мақсадида ташқи иқтисодий фаолиятда қатнашувчи томонлар етук корхона акцияларини гаровга қўйишилари ҳам мумкин. Бу тоифадаги мажбуриятларни бажаришнинг таъминлаш шакли етарли даражада ишончли ҳисобланади. Бундай ҳолатда томонлар ўртасида алоҳида гаров шартномасини тузишга эҳтиёж тутғилмайди, балки ташқи савдо шартномасида гаров берилаётгани, гаровнинг суммаси, қай ҳолатда гаровга қўйилган акциялар тўловни қоплаш учун мажбуран сотилиши кўрсатилса бас. Лекин акциялар гаровга олинганда уларнинг ҳақиқий қийматини тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланишининг талаб қилиниши лозим. Бундан ташқари акциялар вақт ўтиши билан нархининг ўзгаришини ҳам эътиборга олиши керак.

Очиқ ҳисобварақ бўйича ҳисоб-китоб харидорга тижорат кредити сифатида товар етказиб беришини ўзида ифодалаганлиги сабабли экспортёрнинг манфаатларига у мос келавермайди, чунки бундай ҳисоб-китоб усули юқори хавф-хатар даражасига эга. Шунинг учун очиқ ҳисобварақ бўйича ҳисоб-китобларни узоқ вақт давомида ўзаро бизнес алоқада бўлган ва ўзаро ишончни қозонган фирмалар, гоҳ

сотувчи, гоҳ ҳаридор сифатида алоқа қиласиган хўжалик субъектлари, ийрик компанияларнинг филиаллари ва бошқалар қўллашлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган корхоналар бундай талабга жавоб бермаганлиги сабабли очик ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китоблар деярли қўлланилмайди.

4-§. Инкассо

Ҳисоб-китобларнинг инкассо шакли банк ўтказмасига нисбатан анча ишончлироқдир. Инкассога шартли равишда қўйидагича таъриф бериш мумкин:

инкассо экспортёрнинг (кредиторнинг) ўз банкига импортёрдан (қарздордан) бевосита ёки бошқа банк (лар) орқали маълум бир суммани тўлатиб олиш ёки белгиланган муддат ичida сумма тўланишини тасдиқлатиш тўғрисидаги топширигини ўзида ифодалайди.

Бутунги кунда ҳалқаро савдода акцептли инкассо шаклидаги ҳисоб-китоблар кенг тус олган. Бунда инкассо ҳам нақд тўлов шартида олиб бориладиган ҳисоб-китобларда, ҳам тижорат кредити шартида олиб бориладиган ҳисоб-китобларда қўлланилади.

Маълумки, ҳалқаро ҳисоб-китоблар, ҳалқаро миқёсда ўзаро келишилган қонун-қоидаларга асосланган ҳолда олиб борилади. Шу жумладан, инкассо шаклидаги ҳисоб-китоблар ҳам Париждаги Ҳалқаро Савдо Палатаси томонидан ишлаб чиқилган «Инкассо бўйича умумлаштирилган қоида ва анъаналар»га таянган ҳолда амалга оширилади. Мазкур қоидада инкассонинг турлари: тўлов ҳужжатларини тақдим қилиш, тўловни амалга ошириш ва акцептлаш тартиби; тўловнинг бажарилганлиги, акцептланганлиги ёки тўлов бажарилмаганлиги (акцептланмаганлиги) ҳақидаги хабарни узатиш тартиби каби муҳим масалалар атрофлича кенг ёритилган. Гарчи ушбу қоидани амалда қўллаш ҳар бир мамлакат учун мажбурий эмас, балки тавсия ҳарактерида бўлсада, жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида инкассо бўйича операцияни амалга оширишда асос сифатида ушбу қоида қўлланилади.

Умумлаштирилган қоидада ҳар бир инкассонинг тури бўйича таъриф берилган, инкассо операциясини амалга

ошириш усули ва тартиби кўрсатилган, инкассо операциясида ишлатиладиган турли терминларга ягона изоҳ берилган ва бошқа муҳим масалалар кўриб чиқилган. Бу эса ташки иктиносидий фаолият билан шуғулланувчи банкларнинг амалиётида юзага келиши мумкин бўлган келишмовчиликларни ҳал қилиш ва уларнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга.

¹ Инкассо бўйича ҳисоб-китобда қатнашувчи манфаатдор томонларнинг ўзаро келишувига асосан мазкур қоидадан четта чиқишга ружсат берилади, бироқ бу ҳолда агар томонлар ўртасида бирон келишмовчилик юз берса, томонлар Халқаро Ҳўжалик (арбитраж) Судига мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўладилар.

Инкассо таърифи. Умумлаштирилган қоидага мувофик инкассо бу банк операцияси бўлиб, у:

- 1) акцептни ёки тўловни қабул қилиш;
- 2) қарши томондан акцепт ёки тўлов амалга оширилсагина ҳужжатларни тақдим этиш;
- 3) бошқа шартларда ҳужжатларни тақдим этиш мақсадида ҳужжатлардаги олинган кўрсатмаларга асосланган ҳолда амалга оширилади (ҳар бир ҳолат учун алоҳида).

Бошқача қилиб айтганда, инкассо бу ҳисоб-китоб банк операцияси бўлиб, бунда эмитент-банк ўз мижозининг кўрсатмаларига қатъий риоя қилган ҳолда ва мижози тақдим этган ҳужжатларига кўра қарздордан (импортёрдан) акцептни ёки тўловга қарши тижорат ҳужжатларини бериш ёки ҳар бир ҳолат учун алоҳида ўзга шарт билан ҳужжатларни бериш ва операцияни амалга ошириш бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятдир.¹

Одатда, эмитент-банк мижозининг кўрсатмаларини бажариш учун бошқа (инкассоловчи) банк хизматидан фойдаланади. Мижознинг кўрсатмасида белгиланган банк, агар бундай кўрсатма берилмаган бўлса, эмитент-банк танлаган ихтиёрий банк ёки акцепт ва тўлов содир бўлаётган мамлакатда жойлашган бошқа бир банк инкассоловчи банк сифатида фаолият кўрсатиши мумкин.

Инкассоловчи банк қарз тўловчига ҳужжатларни бевосита тақдим қиласди ва шунинг учун тақдим килувчи банк деб ҳам юритилади.

Банк мижозининг кўрсатмасини бажариш учун бошқа

бир банкнинг хизматидан фойдаланаар экан, у инкассоловчи банкнинг хизмат ҳақини ўз мижози ҳисобидан тўлаб беради. Бундан ташқари агар чет эл қонун-қоидаларига ва одатларига кўра маълум даражада мажбуриятлар мижознинг топширигини бажарувчи банк зиммасига юклатилса, у ҳолда мижоз бу мажбуриятларни пул кўринишида қоплаб бериши шарт.

Инкассо операциясида қўлланиладиган ҳужжатлар Умумлаштирилган қоидаларда икки гурӯхга ажратилади:

I. молиявий ҳужжатлар (ўтказма вексел (тратта), оддий вексел (соло), чек, тўлов тилхати ва тўловни амалга ошириш учун ишлатиладиган бошқа ҳужжатлар)

II. тижорат ҳужжатлари (юкни ортиш ҳужжатлари, мулкка эгалик ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар, сифат сертификати, келиб чиқиш сертификати, сугурта полиси ва бошқа молиявий ҳужжат ҳарактерига эга бўлмаган ҳужжатлар).

✓ Шу сабабли инкассонинг 2 тури мавжуд:

- «соф» инкассо, яъни фақат молиявий ҳужжатлар қўлланиладиган инкассо;
- «ҳужжатлаштирилган» инкассо, яъни молиявий ҳужжатлар билан тижорат ҳужжатлари биргаликда ёки фақат тижорат ҳужжатларининг ўзи қўлланиладиган инкассо.

Умумлаштирилган қоидалардан фойдаланишнинг қулийлиги шундаки, у инкассо бўйича ҳисоб-китоб операциясини бажариш амалиётида юзага келадиган кўпгина масалалар ва терминларни ягона талқин қилиш имконини яратади.

Халқаро Савдо Палатаси қоидаларга амал қилиш мажбурий ҳисобланган мамлакатларда инкассо шаклидаги ҳисоб-китобларни қўллашда банклар ва ушбу банкларнинг мижозлари учун ҳам умумлаштирилган қоидаларга риоя қилиш мажбурийдир.

Инкассо бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби қўйидагича (схема-11):

1. Экспортёр ва импортёр ўртасида шартнома тузилади. Мазкур шартномада, одатда, қайси банклар воситасида ҳисоб-китоб амалга оширилишини томонлар келишиб оладилар.

-2. Битимга мувофиқ экспортёр товарларни жүннатиши учун юклатади.

3. Экспортёр юк ташуучи ташкилотдан транспорт ҳужжаттарини олади ва ўзининг банки орқали импортга юбориладиган ҳужжатлар түпламини тайёрлайди. Ушбу түпламга, агар битим шарттида кўзда тутилган бўлса, харидор томонидан акцептланиши зарур бўлган ўtkазма вексель ҳам киритилади.

4. Экспортёр ҳужжатлар түпламини инкассо топшириги билан ўз банкига тақдим қилади. Умумлаштирилган қоидага кўра инкассога ҳужжатларни тақдим қилган экспортёр - «ишонувчи», экспортёрининг банки эса ремитент-банк деб юритилади.

5. Ремитент-банк дастлаб тақдим қилинган ҳужжатларни инкассо топшириги ва шартнома шартларига мос келишини текширади, сўнгра ҳужжатларни топширик билан бирга хорижий вакил-банкка жўнатади. Инкассо топширигидан ремитент-банк импортёрдан олинадиган маблағларни ўtkазиш ва агар шартномада траттанинг иштирок этиши қайд қилинган бўлса) ўtkазма векселни акцептлаш хусусида импортёрининг банкига кўрсатма беради.

6. Инкассо операциясида қатнашувчи импортёрининг банки («инкассоловчи банк») импортёрга («тўловчига») ҳужжатларни текшириш ҳамда битимга мувофиқ тўловни замалга ошириш ёки векселни акцептлаш мақсадида инкассо топширигини ва ҳужжатлар комплектини тақдим қилади.


Агар экспортёрининг банки билан импортёрининг банки ўртасида бевосита вакиллик муносабатлари ўрнатилмаган бўлса, экспортёрининг банки импортёрининг мамлакатида жойлашган ва вакиллик муносабатлари ўрнатилган бошқа бир учинчи банкка мурожаат қилади. Бундай ҳолатда учинчи воситачи банк «инкассоловчи банк» ҳисобланади ва у бевосита ўзи ёки импортёрининг банки орқали ҳужжатларни тўловчига тақдим қилади. Ҳужжатларни тўловчига тақдим қилган банк «тақдим қилувчи банк» деб юритилади.

7. Инкассоловчи банк импортёрдан тўловни ёки траттани қабул қилади.

8. Инкассоловчи банк ремитент-банкка телеграф (телекс) орқали валюта маблағларини ўtkазади ёки акцептланган векселни почта орқали узатади.

9. Ремитент-банк валюта маблағларини экспортёргинг жорий валюта ҳисобварағига ўтказиб күяди ёки (агар вексел иштирок этган бўлса) акцептланган векселни экспортёрга тақдим қиласди (ушбу векселни экспортёр муддати етиб келгунча ўзида сақлаб туриши ёки индоссамент ёзуви бўйича бошқа бир шахсга тўлов воситаси сифатида ўтказиб юбориши мумкин).

11-схема



Инкассо топшириғида ҳужжатлар хусусида қуйидаги кўринишидаги қўрсатмалар берилган бўлиши мумкин:

- 1) импортёрга ҳужжатларни тўловга қарши тақдим қилиш;
- 2) импортёрга ҳужжатларни акцептга қарши тақдим қилиш;
- 3) тўлов амалга оширилмасданоқ ҳужжатларни тақдим этиш.

Юқорида тўловга қарши ҳужжатларни тақдим этиш қўрсатмаси қўлланилган инкассо бўйича ҳисоб-китобни олиб бориш кетма-кетлиги кўрсатилди.

Акцептга қарши ҳужжатларни тақдим этиш қўрсатмаси бериладиган инкассо тижорат кредити бўйича ҳисоб-

китоблар амалга оширилаётганда қўлланилади. Бунда импортёр инкассо топшириги билан бирга юборилган ўтказма вексельни акцептлагандан сўнгина товарга эгалик ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни олади. Акцепт воситасида импортёр белгиланган муддатда тўловни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Қисқа муддатли кредит (одатда 3 ойгача бўлган муддатда) импортёрга тақдим қилинганда вексель билан таъминланиш талаб қилинмаса, банклар экспортёрининг топшириғига кўра тўлов амалга оширилмасданоқ ҳужжатларни импортёрга беришлари мумкин. Бундай ҳолатларда экспортёр шартномада назарда тутилган тўловларнинг импортёр томонидан банк кафолати билан таъминланишига эришишга интилади. Бундан ташқари тўлов амалга оширилмасданоқ тўловчининг белгиланган аниқ бир муддат ичida пулни ўтказишини тасдиқловчи ёзма мажбурияти асосида ҳам ҳужжатлар берилиши мумкин.

Инкассо бўйича ҳисоб-китобларда иштирок этувчи банклар воситачи сифатида фаолият олиб борадилар ва улар қарздор томонидан тўловнинг амалга оширилишлиги ёки тратталарнинг акцептланмаслиги учун жавобгар ҳисобланмайдилар, балки уларнинг масъулияти импортёрга ёки (агар шартномада кўрсатилган бўлса) бошқа учинчи банкка ё тўлов, ё акцепт учун ҳужжатларни (траттани) тақдим этиш билан чекланади. Агарда импортёр тўловни амалга оширишдан бош тортса ёки вексельни акцептланмаса, импортёр банки бу ҳақда экспортёрга ва унинг банкига ўз вақтида хабар бериши лозим.

Инкассо шаклидаги ҳисоб-китоблар импортёр учун кўпроқ манфаатлироқ, чунки унинг товарга эгалик қилиши ҳуқуқини банклар ҳужжатлар тўпламини ёки траттани акцептланнишига қадар химоя қиласидилар. Бундан ташқари инкассо бўйича операцион харажатлар нисбатан юқори эмас. Товарга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар тўлов амалга оширилганидан сўнг импортёр тасарруфига ўтади.

Текширув учун импортёр қабул қилган ҳужжатлар тўлов амалга оширилмагунча ёки вексель акцептланмагунча банкнинг ихтиёрида қолади ва агарда пул тўланмаса ёки тратта акцептланмаса, сабаби кўрсатилган ҳолда банкка ҳужжатлар қайтариб берилади.

Баъзи ҳолларда ҳужжатлар банклар орқали етиб келгунча импортёр товарни қабул қилган бўлиши мумкин (масалан, коносамент оригиналларидан бири экспортёр томонидан импортёр ўзаро келишувга биноан банклар орқали эмас, балки бевосита почтадан юборилганда). Бундай ҳолатларда экспортёр учун тўлов асосиз ушланиб қолиши ёки умуман тўлов амалга оширилмаслиги каби хавф-хатари ошади.

Инкассо шаклидаги ҳисоб-китоблар тўловнинг ўз вақтида олиниши устидан назорат ўрнатишга банклар учун имконият яратади, бироқ бунда банклар ҳужжатлар бўйича тўловни ёки акцептни тезлаштириш мақсадида таъсир кўрсатиш реал дастагига эга бўлмайдилар.

Импортёр коржонанинг раҳбари ҳамда бош бухгалтери томонидан имзоланган ва мухрланган бош мажбурият асосида Ўзбекистон банкига инкассо ва ҳужжатлаштирилган аккредитив бўйича келиб тушган ва инкассога олинган товарга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни импортёр текшириш учун олади. Ушбу мажбуриятда корхона ҳужжатлар ва чет элдан юклатиб келинган товарлар банкнинг ихтиёрида тўлов амалга оширилмагунча қолишини импортёр корхона тасдиқлайди.

Инкассо шаклидаги ҳисоб-китобда ҳужжатлар банклар орқали импортёрга тақдим қилингунicha бир неча ҳафталар ўтиб кетиши мумкинлиги сабабли тўлов ёки акцепт бажарилиши чўзилиб кетиши ва умуман импортёр баъзи объектив ёки субъектив сабабларга кўра тўловдан (акцептдан) воз кечиши мумкин. Шунинг учун ҳам инкассо бўйича ҳисоб-китобда тўловнинг қўшимча таъминланиши ёки тезлаштирилиши усувлари қўлланилиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Мазкур усувлардан бири бу инкассони телеграф (телекс) орқали амалга ошириш. Бунга кўра томонларнинг ўзаро келишувига асосан шартнома бўйича тўлов экспортёр томонидан инкассога ҳужжатларни тақдим қилганлиги тўғрисида ремитент-банкнинг телеграф (телекс) хабари узатилиши биланоқ импортёр ёки унинг банки томонидан амалга оширилади. Бундай ҳолатда ремитент-банкдан инкассоловчи банкка ҳужжатлар телекс билан бирга ёки тўлов қабул қилингандан сўнг юборилади.

Тижорат кредити бўйича ҳисоб-китобларда одатда ҳужжатлар ва векселлар импортёрининг ўз банкига экспортёр фойдасига тўлов кафолатини бериш тўғрисидаги топшириги билан инкассога қабул қилинади. Ушбу тўлов кафолатининг мазмуни шундан иборатки, мабодо импортёр тўловни ўз вақтида турли сабабларга кўра бажара олмай қолса, тўловни кафолатловчи банк тўлайди. Бундан ташқари банк кафолати инкассога йўналтирилган векселларни акцептлаш хусусида ҳам берилиши мумкин.

5-5. Ҳужжатлаштирилган аккредитив

Ҳужжатлаштирилган аккредитив ҳалқаро савдода тўловни сугурталаш борасида энг самарали ва кўп ёқлама усул ҳисобланади. Ташқи савдо ҳукумат назорати остида бўлган мамлакатлар билан савдо-сотиқ ишларини олиб борилаётганда кўпинча ҳужжатлаштирилган аккредитивни қўлламасдан экспорт ва импорт бўйича тўловларни амалга оширишнинг имконияти бўлмайди.

Экспортёр учун энг қулай ҳисоб-китоб шакли бўлиб, ҳужжатлаштирилган аккредитив ҳисобланади, чунки ҳужжатлаштирилган аккредитивда экспорт тушумини ўз вақтида олиш муаммоси тўлиқ ҳал қилинган бўлади. Ҳалқаро миқёсда банклараро ҳисоб-китобда аккредитивни ташқи савдо операциялари бўйича қўллаш, Ҳалқаро Савдо Палатаси томонидан ишлаб чиқилган «Ҳужжатлаштирилган аккредитив бўйича умумлаштирилган қоида ва анъаналар» қонун-қоидаси асосида тартибга солинади. Бутунги кунда ушбу қонуннинг 1993 й.да нашр қилинган МТП № 500 шакли қўлланилади.

Умумлаштирилган қоидада ҳужжатлаштирилган аккредитивга таъриф берилган, унинг турлари, амалга ошириш усуллари ва тартиби, томонларнинг мажбурияти, аккредитив ҳужжатига қўйиладиган талаб ва шартлар, амалиётда қўлланиладиган турли терминларга ягона изоҳ ва шунингдек, аккредитив бўйича ҳисоб-китобларни олиб борилганда юзага келадиган турли муаммо ва масалалар кенг ёритилган. Мазкур қоидани қўллашга қўшилган барча банклар ва уларнинг мижозлари қонунда кўрсатилган барча талабларга риоя қилишлари шарт.

Хужжатлаштирилган аккредитив импортёрнинг топшириғи асосида экспортёр фойдасига ҳал қилинган банкнинг пулли мажбуриятини ўзида акс эттиради. Хужжатлаштирилган аккредитив бўйича мажбуриятни тақдим қилувчи банк экспортёрга тўловни (ёки тратталарининг акцептланишини) амалга ошириши ёхуд учинчи бир воситачи банк орқали тўловни (ёки тратталар акцептини) таъминлаши шарт. Бундай мажбурият шартли ҳарактерга эга, чунки уни амалга оширишда экспортёр томонидан ҳам маълум шартлар бажарилиши талаб қилинади (энг аввало аккредитив бўйича барча шартларни экспортёр бажараётганини тасдиқловчи ҳужжат банкка тақдим қилиниши зарур).

Умумлаштирилган қоидада ҳужжатлаштирилган аккредитив қандай номланиши ёки белгиланишидан қатъий назар келишув деб қаралади. Унга кўра ҳужжатлаштириладиган аккредитивда банк ўз мижозининг кўрсатмасига мувофиқ равишда агар аккредитивнинг барча шартларига риоя қилинган бўлса, учинчи шахсга (яъни экспортёрга) ёки унинг буйруғига кўра бошқа бир шахсга тўловни, ёки ушбу шахс тақдим қилган тратталарнинг тўловини ё акцептланишини, ёки бошқа бир банкка тўловни амалга ошириш ёхуд тратталарни ё тўлаш, ё акцептлаш ё неогоциация қилиш (яъни сотиб олиш ёки ҳисобга олиш) борасида ваколат берилишини таъминлашни кўзда тутди.

Хужжатлаштирилган аккредитив шаклида ҳисоб-китоблар нақд тўловни назарда тутувчи ёки қисқа муддатли (1 йилгача) тижорат кредитини асосида тузилган шартномалар учун кўпроқ хос. Хужжатлаштирилган аккредитив воситасида ўрта ва узоқ муддатли тижорат кредити сифатида етказиб берилган товарлар учун ҳисоб-китобда қўллаш ҳолатлари банк амалиётида кам учрайди. Етарли даражада узоқ муддатга тижорат кредит сифатида етказиб берилган товарлар бўйича ҳисоб-китобнинг аккредитив шаклида фойдаланишга томонлар келишган бўлса, одатда аккредитив ҳисоб-китобнинг бошқа шакллари билан биргаликда қўлланилади ва ундан асосан банкка тижорат ҳужжатлари тақдим қилишга қарши тўлов (яъни нақд тўлов) амалга оширилаётган товар қийматининг қисмини қоплашда ишлатилади.

Тижорат кредити бўйича ҳисоб-китобда аккредитивни

ижро этувчи банкка ёки импортёрга тақдим қилинган бенефициарнинг (экспортёрнинг) муддатли траттасини акцептлаш учун ҳам аккредитив очилиши мумкин. Бундай ҳолатларда аккредитивни ижро этувчи банк тратталарни акцептлайди (ёки акцептни ҳам тўловни ҳам амалга оширади). Акцепт воситасида банк аккредитив бўйича ўз мајбуриятларини бажаради. Сўнгра томонлар вексель бўйича ҳуқуқ нормалари асосида ҳуқуқий муносабатларга киришади (бундай муносабат экспортёрга учун ҳам қулай, чунки жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида вексель қонунчилиги умумлаштирилган).

Эмитент-банк аккредитивни ўзи бажариши ёки экспортёрнинг банкига ё бенефициарга тўловни ўтказиш, ё негоциация қилиш, ё уинг тратталарини акцептлаш орқали аккредитивни бажариш борасида ваколат бериши мумкин. Бундай ҳолатда аккредитивни ижро этувчи банк эмитент-банкдан ёки (эмитент-банк кўрсатган) учинчи банкдан экспортёрга тўланадиган суммани қоплаб беришни иложи борича тезкор усулда (масалан, SWIFT телекси орқали) амалга оширишни талаб қиласиди. Аккредитив бўйича тўловни талаб қилишга рамбурс дейилади.

Хужжатлаштирилган аккредитив бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш кетма кетлиги қўйидагича (12-схема):

1. Экспортёр ва импортёр ўртасида битим тузилади. Ушбу битимда етказиб берилган товарлар учун ҳужжатлаштирилган аккредитив шаклида ҳисоб-китоб олиб бориш кераклиги кўрсатилади. Шартноманинг тўлов тартибини аниқлаштирувчи бўлимида аккредитивни қайси банк очишлиги ва қайси банк орқали ушбу аккредитив экспортёрга авизоланиши (хабар берилиши) белгиланади. Бундан ташқари битимда аккредитивнинг тури, экспортёр тўловни олиши учун аккредитив бўйича банкка тақдим қиласидиган ҳужжатлар рўйхати, характеристики ва уларни расмийлаштиришдаги қўйиладиган талаблар ва бошқа саволлар келишиб олинади.

2. Шартнома имзолангандан кейин экспортёр товарни жўнатишга тайёрлайди ва импортёрга (одатда телекс орқали) хабар беради.

3. Харидор бундай хабарни олгандан кейин ўз банкига

аккредитив очиш тўғрисида ариза беради ва аризада аккредитивнинг ҳамма шартларини (жумладан, кимнинг фойдасига аккредитив очилганлиги, муддати, суммаси, ҳужжатлар рўйхати; товарни етказиб бериш муддати ва бошқа шартларни) кўрсатади. Аккредитив очишга ариза берувчи импортёр - буйруқ берувчи деб, аккредитивни очувчи банк эса - эмитент-банк деб юритилади.

4. Аккредитив очилгандан сўнг эмитент-банк экспортёرنинг (бенефициарнинг) банкига бу ҳақда хабар беради.

5. Бенефициарнинг банки эмитент-банкдан аккредитив бўйича маълумот олгандан кейин унинг ҳақиқийлигини текширади. Сўнгра бенефициарнинг банки экспортёрга аккредитивни авизолайди (хабар беради), шунинг учун ҳам бенефициарнинг банки авизоловчи банк деб юритилади.

Авизоловчи банк бенефициардан аккредитив бўйича ҳужжатларни қабул қилишта, уларни текширишта ва эмитент-банкка жўнатишга ваколатли ҳисоблангани учун аккредитив хатини ёки телексини қабул қиласди.

6. Бенефициар аккредитивни олгандан сўнг битим шартларига мос келишини текширади. Агарда битим шартларига нисбатан номувофиқлик аниқланса, бенефициар аккредитивни шартли равишда қабул қилиши ёки умуман ундан воз кечиши мумкин. Агарда аккредитив шартномага тўла мос келса ва ундан бенефициар рози бўлса, экспортёр товарларни жўнатишга юклатади.

7. Юк ташувчи ташкилотдан транспорт ҳужжатларини олади.

8. Аккредитив бўйича талаб қилинадиган бошқа ҳужжатлар билан бирга (спецификация, сифат ва келиб чиқиш сертификатлари, суғурта полиси, тратта ва бошқалар) транспорт ҳужжатларини ўз банкига топширади.

9. Авизоловчи банк ушибу ҳужжатларни шартномага солишириб текширади, сўнгра эмитент-банкка тратта ва ҳужжатларни тўлов ёки акцепт ёки негоциация учун илова хат билан бирга жўнатади (илова хатда валюта тушуми қандай ўтказилиши кўрсатилади).


10. Эмитент-банк ҳужжатларни олгандан кейин уларни текшириб чиқади, сўнгра ўз импортёр мижозининг ҳисобварагини тўлов суммасига дебетлаб бенефициарнинг

банки вакиллик ҳисобварағини кредитлайди ва SWIFT канали орқали бенефициарнинг банкига телекс хабарини узатади.

11. Экспортёрнинг банки тушумни бенефициар ҳисобварағига ўтказади.

12. Импортёр эмитент-банқдан ҳужжатларни олгандан сўнг барча товарга эгалик ҳуқуки унга ўтади.

12-схема
Хужжатлаштирилган аккредитив бўйича ҳисоб-китоблар



ы

Агар шартномага кўра харидорга қисқа муддатли кредитни бериш назарда тутилган бўлса, импортёрга ҳужжатлар тўлов суммаси ҳисобварағидан олинмасданоқ берилади. Бироқ бундай ҳолат экспортёр учун тўловнинг кафолатланиш даражаси камайганлитини англатмайди. Аккредитив банкнинг шартли равишдаги пулли мажбуриятини ифодалайди ва шу боис агар экспортёр-ўз мажбуриятларини бажарса, тўловни сўзсиз ҳар қандай ҳолатда ҳам олиши таъминланган бўлади. Бу ерда энг муҳими аккредитив муддати тутагунича экспортёр ўз мажбуриятларини бажарганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни банкка тақдим қилишидир, айнан шундагина

мазкур ҳужжатлар тўплами бўйича банкнинг тўловни бажариш тўғрисидаги мажбурияти (ушбу фурсатга келиб аккредитивнинг муддати тугаганлиги ёки тугамаганилигидан қатъий назар) кучга киради.

Ҳужжатлаштирилган аккредитивнинг қуидаги қўринишлари мавжуд:

- ◆ чақириб олинадиган ва чақириб олинмайдиган аккредитив;
- ◆ тасдиқланган ва тасдиқланмаган аккредитив;
- ◆ ўтказма (трансферабель) аккредитив;
- ◆ қайта тикланадиган (револьверли) аккредитив;
- ◆ қопланган ва қопланмаган аккредитив.

Чақириб олинадиган аккредитив эмитент-банкнинг аккредитив шартларига ихтиёрий вақтда томонларни огоҳлантирмасданоқ ўзгартириш киритиши ёки ҳатто бекор қилиб юбориши мумкинлигини англатади.

Чақириб олинмайдиган аккредитивда эса аксинча, аккредитивнинг бирон-бир шартига ўзгартириш киритиши ёки бекор қилиш учун барча томонларнинг розилиги талаб қилинади. Шунинг учун ҳам халқаро савдода асосан чақириб олинмайдиган аккредитив қўлланилади.

Умумлаштирилган қоида аккредитивда чақириб олишлик ёки чақириб олмаслик шартини аниқ қилиб кўрсатилишини талаб қилганилиги учун кўпчилик банклар аккредитив хатида (типографик йўл билан) чақириб олинмаслик шартини алоҳида кўрсатадилар.

Умумлаштирилган қоидада кўрсатилишича, чақириб олинадиган аккредитивда агар бенефициар томонидан ҳужжатларни тақдим қилинишига қарши ёки маълум бир муддатдан сўнг тўловни амалга оширишга эмитент-банк ваколат берган, банк тўловни аккредитив чақириб олинишидан аввал экепортёрга ўтказиб қўйган бўлса, эмитент-банк ушбу банкка тўлов суммасига мос равищада зарарини қоплаг берип керак.

Тасдиқланган ёки тасдиқланмаган аккредитив эмитент-банк ҳисобланмаган бошқа банк томонидан тўловнинг қўшимча кафолати тасдиқлашини кўзда тутади. Аккредитивни тасдиқловчи банк аккредитив шартига кўра агар тўловни эмитент-банк амалга оширишдан бош тортса, ўз

хисобидан аккредитив суммасини түлаб бериш мажбуриятыни олади. Халқаро хисоб-китоб амалиётида импортёр банки томонидан очиладиган аккредитивларни одатда экспортёрнинг банки тасдиқлайди.

Үтказма (трансферабель) аккредитив экспортёрнинг ўз банки ва эмитент-банк орқали импортёрга юборган товарга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлари асосида (баъзан хали товар етиб келмасиданок) импортёр томонидан товарлар бошқа бир ёки бир неча харидорларга қайтадан сотиб юборилишини (яъни қайта экспорт операцияси содир бўлишини) ифодалайди. Бунда импортёрга аккредитив шартномасида иккинчи бенефициар сифатида қаралади.

Қайта тикланадиган (револьверли) аккредитив шартномада қайд қилинган график бўйича вақти-вақти билан товар етказиб туриш кўзда тутилган ҳолатларда аккредитивни ҳар сафар янги очмаслик учун қўлланилади. Револьверли аккредитив қўлланилгандан сўнг автоматик тарзда ҳар сафар дастлабки аккредитив суммаси (квотаси) қайта тикланиши кўзда тутиши мумкин. Аккредитивда асосан квотадан фойдаланиш муддати (ҳар ойда бир, ҳар чоракда бир марта ва х.) кўрсатилади. Одатда, револьверли аккредитив очилганда банклар квотанинг суммасини, аккредитивнинг неча марта ва қандай чегарагача (лимитгача) қайта тикланишини кўрсатадилар.

Қопланган аккредитив очилганда эмитент-банк ўз мажбурияtlари кучга кирган муддат даврига ижро этувчи банк ихтиёрига аккредитив суммасида валюта маблағларининг тўловини амалга ошириш учун ишлатиб юбориш мумкинлиги шарти билан (қоплаш мақсадида) тақдим қиласида. Аккредитивни қоплаш тарикасида валюта маблағларини тақдим қилиш учун эмитент-банк ижро этувчи банк билан агар вакиллик алоқасини ўрнатган бўлса, вакиллик ҳисобварағини кредитлайди ва агар бундай алоқа ўрнатилмаган бўлса, учинчى банк орқали пулни ўтказади. Шу йўсинда эмитент-банк аккредитивни бажариш вақти келганда ижро этувчи банкда юритиладиган ҳисобварақни дебетлаш орқали тўловни бенефициарга ўтказиш ҳуқуқини олади. Эмитент-банк аккредитивни валюта маблағлари билан қоплаш учун ижро этувчи банкда депозит очиши мумкин.

Экспорт бўйича ҳисоб-китоб юритилаётганда аккредитив

хорижий банклар томонидан очилади. Экспортёрга хизмат кўрсатувчи ваколатли банк орқали экспорт аккредитивининг авизоланиши ва ушбу банкнинг ижро этувчи банк сифатида тайинланиши Ўзбекистонлик экспортёр учун энг қулай ҳисобланади. Бундай ҳолатда ваколатли ўзбек банки тўлов суммасини максимал даражада тез усулда ўтказиши талаб қилиш ҳукуқига эга бўлади (масалан, аккредитивни очган банкка ёки ушбу банк кўрсатган ва рамбурс талабини тўлашга ваколатли ҳисобланган бошқа банкка телеграф орқали рамбурслашга талаб қилиш ҳукуку).

Ижро этувчи банк сифатида хорижий банк фаолият кўрсатаётган аккредитивлар бир мунча экспортёrlар учун ноқулай ҳисобланади, чунки бунда ҳужжатларнинг банкларо почтаси орқали бир-бирига ўтказилиши учун кетадиган даврга тўловни қабул қилиш фурсати чўзилиб кетади.

Ўзбекистон Республикаси корхоналари импорт қиладиган товарлари учун ҳисоб-китобда қўлланиладиган аккредитивда чет эллик экспортёrdан келиб тушадиган ҳужжатларга қарши тўловни ваколатли ўзбек банкида амалга ошириш шарти акс этса, бундай аккредитив ўзбек импортёrlари учун қулай ҳисобланади. Тўловнинг бундай тартиби хорижий банк билан ваколатли ўзбек банки ўртасида ўрнатилган вакиллик ҳисобварағидаги валюта маблагларининг аккредитивни бажариш муддатига тегишли суммада музлатилиши (яъни оборотдан чиқариб юборилиши) ва ўз навбатида банк ўз импортёр мизказининг жорий валюта ҳисобварағидаги тегишли суммага валютани музлатилиши ҳолатининг олдини олиш имконини беради.

Ҳисоб-китобнинг аккредитив шакли экспортёр учун энг қулай шакл ҳисобланади, негаки аккредитив товар жўнатилишидан аввало тўлов ишончли даражада таъминланганлигини англатади. Аккредитив бўйича тўловни (агар, албатта, экспортёр тақдим қилган ҳужжатлар унинг шартини тўлиқ ифодаласа) харидорнинг товар учун пул тўлаш ёки тўламаслик хоҳишига қарамасдан амалга оширилади. Бундан ташқари экспортёр мумкин қадар тез усулда ва хатто баъзан товар импортёرنинг мамлакатига етиб келмасданоқ тўловни қабул қилиш имкониятига эга.

Юқорида айтилганлардан ташқари яна шуни ҳам айтиш

керакки, бенефициар банкдан имтиёзли кредит олиш учун аккредитивни ишончли гаров сифатида қўйиши ҳам мумкин (бу ҳолат айниқса воситачи-брокерлар учун катта аҳамиятга эга).

Лекин шу билан бир қаторда экспортёр учун аккредитив маълум даражада мураккаб ҳисоб-китоб шакли ҳисобланади, чунки у тўлов суммасини олиш бир қанча ҳужжатларни ўз вақтида ва тўғри расмийлаштирилган ҳолда банкка тақдим этиш билан боғлиқ. Банклар ҳужжатларнинг расмийлаштирилишида аккредитив шартларига тўла мос тушишини талаб қилиш йўли билан импортёрга манфаатларини ҳимоя қиласидилар, чунки улар аккредитивда импортёрга кўрсатмасига асосланган ҳолда ҳаракат қиласидилар.

Аkkредитив бўйича операцияларни олиб бориш учун (аккредитивни очиш, авизолаш, тасдиқлаш, ҳужжатларни қабул қилиш ва текшириш ва х.) банклар аккредитив суммасига боғлиқ равища комиссия оладилар. Шунинг учун ҳам халқаро савдода контрагентлар орасида банк харажатларини тақсимлаш амалиёти қўлланилади, бунда ҳар бир контрагент ўз мамлакати ҳудудидаги банкнинг комиссиясини тўлайди. Akkредитив бўйича ҳисоб-китоб олиб борувчи ўзбек корхоналарига барча банк харажатларини иложи борича чет эллик контрагент ҳисобидан тўланишига эришиш мақсадга мувофиқдир.

③ Ҳужжатлаштирилган аккредитив бўйича битимни амалга ошириш қуйидаги босқичлардан иборат:

1. Импортёр ва экспортёр ўртасида маълум товарларни етказиб бериш (ёки хизмат кўрсатиш) шартномаси тузилади ва бу шартномада аккредитив орқали ҳисоб-китоб қилиниши белгиланади. Akkредитивнинг муҳим шартлари шартноманинг ўзидаёқ кўрсатилиши лозим.

2. Импортёр ўз банкига аккредитив очиш тўғрисида ариза беради.

3. Akkредитив очган банк (эмитент-банк) экспортёрга мамлакатидаги вакил банкка импортёрга топшириғи ҳақида хабар беради.

4. Банк аккредитивни бенефициарга (экспортёрга) авизолайди.

5. Экспортёр товарни жўнатишига юклайди.

6. Экспортёр юк ташувчи ташкилотдан транспорт ҳужжатларини олади.

7. Экспортёр авизоловчи банкка аккредитивда кўрсатилган ҳужжатларни топширади.

8. Авизоловчи банк ҳужжатларнинг аккредитив шартларига нисбатан мувофиқлигини текширади. Агар банкка тўловни амалга ошириш ваколати берилган бўлса ва аккредитив шартларини экспортёр тўлиқ ҳамда бенуқсон бажарган бўлса, ҳужжатлар бўйича тегишли суммани бенефициарга тўлаб беради

9. Авизоловчи банк эмитент-банкка ҳужжатларни юборади.

10. Бенефициарга тўланган сумма тўловчи-банкдан ремитент-банкка олдиндан келишилган йўл билан ўтказилади (юқорида қайд қилинганидек, баъзан бундай банклараро ҳисоб-китобда учинчى банк ҳам иштирок этиши мумкин).

11. Эмитент-банк ҳужжатларни импортёрга топширади ва бир вақтнинг ўзида унинг жорий валюта ҳисобварағини аккредитив суммасига дебетлайди.


12. Импортёр товарларни олишда ҳужжатлардан фойдаланади ва шу вақтдан бошлаб товарга эгалик ҳуқуқи тўлалигига унга ўтади.

Гарчи аккредитив ўз табиатига кўра алоҳида шартнома бўлса-да, у савдо-сотиқ битимига асосланади, бироқ банк учун бундай битим шартларига нисбатан ҳеч қандай боғлиқлик мавжуд эмас. Шу билан бирга аккредитив шартнома шартларига мувофиқ равишда импортёрнинг (буйруқ берувчининг) кўрсатмаси асосида очилади. Шартномада қуидагилар аниқ қилиб кўрсатилиши зарур:

- 1) аккредитивнинг тури;
- 2) эмитент-банкнинг номи (импорт бўйича - ўзбек импортёрга хизмат кўрсатувчи ваколатли банк, экспорт бўйича - чет эллик харидорга хизмат кўрсатувчи ваколатли банк);
- 3) авизоловчи ва ижро этувчи банкнинг номи;

13-схема

Хужжатлаштирилган аккредитив бўйича битимни
амалга ошириш



- 4) аккредитив суммаси;
- 5) аккредитивни реализация қилиш усули;
- 6) бенефициар тақдим қиласидиган ҳужжатлар рўйхати ва уларнинг тавсифи;
- 7) ҳужжатларни тақдим қилиш ва товарни юклатиш муддати, сугурталаш шартлари, фрахт тўлови;
- 8) бошқа ҳужжатлар.

Ҳар бир аккредитивда унинг чақириб олинадиган ёки чақириб олинмайдиган тури эканлиги кўрсатилиши шарт. Агарда шундай кўрсатма аккредитивда кўрсатилмаган бўлса, унга чақириб олинадиган аккредитив деб қаралади.

Аkkредитивлар тўловнинг таъминланишига қараб қопланган ёки қопланмаган аккредитивларга ажralади.

Қопланган аккредитивда эмитент-банк ижро этувчи банк ихтиёрига тўлов суммасига тенг суммада валюта маблағларини аккредитив амал қилиш даврига бериб туриши ва бу маблағлар зарур бўлганда аккредитив тўловини амалга ошириш учун ишлатиб юборилиши мумкинлиги кўзда тутилади. Валюта маблағлари билан аккредитивни қоплашда қўйидаги усуллардан бирини қўллаш мумкин:

- ижро этувчи банкнинг эмитент-банкдаги ёки бошқа хорижий банкдаги вакиллик ҳисобварағини аккредитив суммасига кредитлаш;
- ижро этувчи банкда эмитент-банк томонидан аккредитив суммасига депозит очиш.

Умумлаштирилган қоидага биноан ҳар аккредитивда қайси йўл билан тўлов амалга оширилиши кўрсатилган бўлиши шарт, яъни ҳужжатларни тақдим қилишга - қарши ёки маълум муддатга кечиктирилган тўлов, бенефициарнинг тратталарини акцептлаш ёки ногоциация қилиш ва бошқалар аккредитивда акс эттирилган бўлиши керак.

Иштирок этувчи томонлар битимда акс эттиришган муайян тижорат шартларига кўра аккредитивни қуидаги усулларда амалга оширишлари мумкин:

- ❖ белгиланган ҳужжатлар бенефициар томонидан ижро этувчи банкка тақдим қилинишига қарши тўловни амалга ошириш (ижро этувчи банк сифатида авизоловчи банк ёки эмитент-банк ваколат берган бошқа бир банк бўлиши мумкин);
- ❖ ижро этувчи банк томонидан аккредитивда белгиланган муддатга кечиктириш кўзда тутилган тўловни амалга ошириш;
- ❖ тақдим қилиниш муддатига (ёки шартномада кўрсатилган бошқа муддатга) кўра аккредитивнинг буйруқ берувчисига (яъни импортёрга) ёки эмитент-банкка ёки ушбу банк ваколат берган бошқа банкка бенефициар тақдим қилган тратталарни ижро этувчи банк томонидан ногоциация қилиниши;
- ❖ бенефициар ижро этувчи банкка ёки (траттада кўрсатилган муддатда тўловни ёинки акцептни таъминлаш мажбурияти эмитент-банкка юклатиш шарти билан) аккредитивнинг буйруқ берувчисига (импортёрга) тақдим қилган тратталарни акцептлаш.

Аkkредитивда ижро этувчи банк аниқ қилиб кўрсатилган бўлиши лозим. Эмитент-банкнинг ўзи, авизоловчи банк, тасдиқловчи банк ёки эмитент-банк ваколат берган бошқа банк ижро этувчи сифатида фаолият кўрсатиши мумкин.

 **Аkkредитивнинг маҳсус турлари.** Аkkредитивнинг маҳсус турлари мавжуд. Энг кўп учрайдиган турлари:

1. Ўтказма (трансферабель) аккредитив (Transferable

Credit)

2. Қайта тикланадиган (револьверли) аккредитив (Revolving Credit)
3. Захирали (стенд-бай) аккредитив (Standby Letter of Credit)
4. Қарама-қарши аккредитив (Back-to-back)
5. Қызыл ҳошияли аккредитив (Packing Credit «Red Clause»)
6. Яшил ҳошияли аккредитив (Packing Credit «Green Clause»)

Трансферабель аккредитиви бүйича бенефициар аккредитивдан қисман ёки тұлалигича бир ё бир неча шахслар (иккінчи бенефициарлар) фойдаланиши мүмкінлігини күзде тутувчи ҳукуқни акцепт ёки тұлов амалға ошираётган банкка, шунингдек, негоциация қилишга ваколат берилған ихтиёрий банкка тақдим қиласы.

Қайта тикланадиган (револьверли) аккредитивда (агар бошқа шарт күриб чиқылмаган бўлса) ҳужжатларни тақдим қилиш муддати ва ўрнатылған умумий сума лимитида ҳар бир тұловдан сүнг аккредитив суммаси (квотаси) автоматик равишда қайта тикланади. Револьверли аккредитив шартида квотадан фойдаланиш муддати (бир марта ҳар ойда, кварталда ва ҳоказо) кўрсатилади.

Захирали аккредитив (ёки бошқача стенд-бай аккредитив) аккредитивнинг маҳсус түри бўлиб, уни баъзан соф аккредитив деб ҳам юритилади. Ўз моҳиятига кўра у кўпроқ банк кафолатининг маҳсус кўринишини акс эттиради. Бундай аккредитивлар (30-йлар жаҳон инкиrozидан сүнг) АҚШда юзага келган, чунки АҚШнинг қонунчилигига кўра банклар бевосита кафолат операцияси билан шуғулланишга руҳсат берилмайди ва шунинг учун ҳам улар кафолат ўрнини қопладиган ўзгача янги бир усулини қўллашган. Биринчи галда экспортёргининг манфаатларини ҳимоя қилувчи аккредитивнинг бошқа турларидан фарқли улароқ стенд-бай аккредитив тұловни таъминловчи инструмент сифатида нисбатан универсаллик характеристига эга.

Хусусан, захирали аккредитив инкассо ва банк ўтказмаси шаклидаги ҳисоб-китобларда тұловнинг қўшимча таъминоти сифатида қўлланиши ҳам мүмкін. Шу билан бирга захирали аккредитив импортёр томонидан олдиндан тұланған аванс

түловларининг қайтарилишида ёки экспортёр битим шартларини тегишили тартибда бажармаганда унга солинадиган жарималарни тұлатишини таъминлашда (яғни импортёрнинг манфаатларини ҳимоя қылган ҳолда аванс кафолати ёки шартномани бажариш кафолати сифатида) ҳам құлланиши мумкин.

Захирави аккредитивда бенефициар томонидан тратталар тақдим қилинишига ёки аккредитив бүйіч анықтауда беруви контрагентнинг ўз мажбуриятларини бажармаганлигига шаходат беруви ҳужжат (ариза) тақдим қилинишига қарши банклар түловни амалга оширадилар. Бу ҳолатда банклар бундай аризанинг асослилигини (яғни импортёр ҳақиқатда ҳам түловни (акцептни) бажарған ёки бажармаганлигини) текширишта мажбур әмаслар (одатда буни истамайдилар ҳам), яғни ким аслида түловни ҳеч бир шартсиз, сўзсиз бажарадилар.

Қизил ҳошияли аккредитивда хали юклатилмасданоқ товарлар учун түловни амалга ошириш күзда тутилади. Муайян бир суммагача аванс түловини экспортёрга ижро этувчи банк томонидан берилиши назарда тутилган аккредитивнинг ихтиёрий тури (чақириб олинадиган, чақириб олинмайдиган, тасдиқланган, тасдиқланмаган ва бошқалар) қизил ҳошияли аккредитив бўлиши мумкин.

Бундай аванслар (товарлар харидорга жүннатишга юклатишдан аввало) бенефициарга товарларни экспорт қилиш учун зарур бўладиган харид ва түловларни амалга ошириш учун керак бўлиб қолиши мумкин (масалан, юк ташувчи ташкилотлар хизматидан фойдаланиш учун). Банклар аванс түловини экспортёр томонидан «товарлар юклатилишини бажариш мажбурияти» ёки шунга ўхшашибошқа ҳужжат берилсагина амалга оширишлари мумкин. «Қизил Ҳошияли» аккредитив очилганда эмитент-банк товарлар ҳатто жүннатишга юклатилмаган тақдирда ҳам түланган аванс суммасини ижро этувчи банкка қоплаб бериш мажбуриятыни ўз бўйнига олади. Банклар бу турдаги аккредитивларни таъминланмаган кредит сифатида қарашади ва шу сабабли уларни камдан-кам ҳолатларда очишади.

6-§. Чек

Бу мижознинг жорий-ҳисобварагини олиб борувчи банкка мижоз томонидан берилган буйруқ бўлиб, унга кўра банк чекни тақдим қилувчига, ёки чекда кўрсатилган бошқа шахсга муайян бир суммани тўлаб бериши кўзда тутилади. Мижоз банкда жорий валюта ҳисобварагини очганда чек китобчасини олади. Ушбу китобча бўйича мижоз жорий ҳисобварагидаги маблағлар қолдиги доирасида чек ёзиш ҳуқуқига эга бўлади (агар банк билан мижоз ўртасида овердрафтга ижозат бериш тўғрисида ўзаро келишув мавжуд бўлса, чек орқали мижоз ҳисобварагидаги маблағлар қолдигидан ҳам ортиқроқ сарфлаши мумкин).

Чекда қуийидаги реквизитлар кўрсатилиши шарт:

- банкнинг номи;
- суммани тўлаш тўғрисида буйруқ; =
- пулни қабул қилувчи бенефициар;
- чек ёзиб берилган сана ва жой;
- чек ёзиб берувчининг шахсий имзоси.

Чек ихтиёрий, эркин шаклга эга бўлиши ва оддий қофозга ёзилиши мумкин. Бироқ одатда чек шаклининг маҳсус ўрнатилган андозаси банк амалиётида қўлланилади, айниқса, жалқаро ҳисоб-китобларда чекнинг маҳсус шакли қўлланилади.

Чекнинг намунавий шакли

Стандарт бэнк	20 - 99 - 93
Трейд стрит 8,	
Лондон	1 май 19XX й.
Бир минг фунт стерлинг суммани Уильям Брайнга тўланг	
1000 ф.ст. А. Аллен	
10111 20-99-93	10324965 00000100000

Чек бланкасининг ўнг бурчаги юқорисида банкнинг код рақами кўрсатилади. Ушбу код рақами чекни таҳлашда ишлатилади. Чекнинг пастки қаторида магнит сиёҳида ёзилган ва компьютер воситасида қайта ишлаш учун қўлланиладиган рақамлар ёзилади:

Чапдан ўнгта қараб - чекнинг номери, банкнинг код рақами, мижоз ҳисобварағининг рақами, чек суммаси.

Чек кимнинг номига ёзилғанлигига қараб қуидаги турларга бўлинади:

- номланган чек (pay to the name of N) - фақат Nга тўланг;
- ордерли чек (pay to the order of N) - Nга ёки унинг буйруғига кўра тўланг;
- тақдим қилиш чеки (pay to the bearer) - тақдим қилувчига тўланг.

Ордерли чек чекни қабул қилган шахсга ўтказма ёзув - индоссамент (endorsement) ёрдамида пулни олиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш имкониятини беради. Айтайликки, ордерли чекда: «Pay to the order of John Wild» кўрсатмаси берилган бўлсин. Чекнинг орқа тарафида Джон Уайлд: «Pay to the name of Robert Green» кўрсатмасини бериши, имзолалиши ва санасини кўрсатиши мумкин. Бу шуни англатадики, пулни банкдан олиш ҳуқуқи индоссамент ёзуви бўйича бошқа шахсга (Роберт Гринга) ўтди.

Индоссаментнинг тўртта тури мавжуд. Улар:

Бланкали индоссамент. Чекни қабул қилган шахс чекнинг орқа тарафига ўз имзосини қўяди ва шундан сўнг чек тақдим қилиш чекига айланади. Бунинг натижасида чекни ушлаб турувчи ихтиёрий шахс банкдан чекда кўрсатилган суммада пулни олиши мумкин бўлади.

Номланган индоссамент. Чекни қабул қилган шахс чекнинг орқа тарафига ўз имзосини қўяди ва чек бўйича пулни олиш ҳуқуқини ўтказаётган шахснинг номини кўрсатади.

Мақсадли индоссамент. Чекни қабул қилган шахс чекнинг орқа тарафига бошқа шахсга нима сабабдан чекни ўтказганини кўрсатади ва чек бўйича пулни олиш имкониятини маълум даражада чеклаб қўяди. Кўпгина ҳолларда бундай чек «фақат депонент учун» белгисига эга бўлади. Айрим ҳолларда ушбу индоссамент номланган тури билан биргаликда қўлланиши ҳам мумкин («Жаноб . . . га тўланг, фақат депонент учун»).

Айланмайдиган индоссамент. Агар чекни қабул қилган шахс чек бўйича пул тўланмай қолиши ҳолати юз берганда унга нисбатан эътиroz билдириш имкониятини чекламоқчи

ёки умуман олдини олмоқчи бўлса, индоссамент ёзувига «айланмайдиган» сўзини киритади. Бироқ бундай индоссамент қонуний кучга кириши учун чек бўйича пул ўтказилаётган банк ўз индоссаменти ёрдамида тасдиқлаши зарур.

1-чизма

Индоссаментларнинг турлари (АҚШI)

1	<i>John Q. Public</i>
---	-----------------------

Бланкли
индоссамент

2	<i>Pay to the order of Harry Johnson</i>
---	--

John Q. Public

Номланган =
индоссамент

3	<i>For deposit only</i>
---	-------------------------

John Q. Public

Мақсадли
индоссамент

4	<i>Pay to A/B Bank Without Recourse</i>
---	---

John Q. Public

Айланмайдиган
индоссамент

Банк индоссаментларнинг кетма-кетлигини текшириб чиқиши шарт, аммо у индоссаментларнинг сифати учун жавобгар ҳисобланмайди, яъни бошқача айтганда индоссантлар имзосининг сохта ёки ҳақиқийлиги учун масъул ҳисобланмайди.

Кроссланган чек (crossed check). Чекнинг олди томонига иккита паралел чизиклар қўйилади. Бу шуни англатадики, чек бўйича тўланиши керак бўлган сумма чекни тақдим қилган шахснинг ҳисобварагига шу банкнинг ўзида ёки бошқа банкка нақд пулли тўлов билан эмас, балки нақд бўлмаган пулни ўтказиши орқали тўланиши кўзда тутилади. Чекларни кросслаш чеклар ўғирланганда улардан фойдаланишни мураккаблаштиради, чунки бундай чеклар бўйича нақд

пулни олиш мумкин эмас Чеклар типографик йўл билан олдиндан кроссланган бўлиши мумкин, яъни бунда банк мижози чек китобчасини олганда ундаги барча чеклар кроссланган бўлади.

Чекларни кросслашнинг турли шакллари мавжуд. Масалан, чек «махсус» шаклда (special crossing) кроссланиши мумкин. Бунда чизиқлар орасига банкнинг номи ва пулни олувчи шахснинг ҳисобварағининг рақами аниқ қилиб кўрсатилади ёки банкнинг номи ҳамда «айланмайди, қабул қилувчининг ҳисобварағи» ёзуви («Smalltown Bank, not negotiable, account of payee») қайд қилинган бўлади. Айрим ҳолларда қачонки пул ўтказилаётган банкнинг номи номаълум бўлса, чизиқлар орасига қўйидагича ёзувлар киритилади: «and Co», «Not negotiable», «A/c payee» (умумий кросслаш).

Тасдиқлангақ чек (certified check). Банк ўзининг махсус ёзуви билан мижознинг имзоси ҳақиқийлигини ва чек бўйича тўланиши керак бўлган сумманинг мавжудлигини тасдиқлади. Банк бундай чек бўйича тўловни амалга оширишга масъул ҳисобланади ва тўловдан воз кечишига рухсат берилмайди. Гап шундаки, чек тасдиқланётган вақтда чекни ёзиб берувчи мижознинг ҳисобварағидан тегишли сумма олинади ва махсус ҳисобварақдан ҳисобга киритилади. Чекнинг олд тарафига «certified» муҳри босилади ва сана, банкнинг номи ҳамда масъул ходимнинг имзоси қўйилади. Гарчи банк чекни тасдиқлаши шарт бўлмаса-да, жаҳоннинг иирик банкларида ушбу операция кенг тарқалган. Айниқса нақд пулларга эквивалент воситаларга эга бўлиш муҳим бўлган жойларда мазкур чекдан (масалан, қимматли қофозлар билан олиб бориладиган операцияларда) кенг фойдаланилади.

Хазиначининг чеки (cashier's check) - бу банк хазиначисининг имзосига эга бўлган чек бўлиб, у банк томонидан (ўз мажбуриятларини тўлаш, ўз эҳтиёжлари учун асбоб-ускуналарни сотиб олиш ва бошқа сабабларга кўра) муомалага чиқарилади. Ушбу чеклар ниҳоятда ишончли ҳисобланади ва тўлов воситаси сифатида кенг қўлланилади. Айрим ҳолларда банклар ўз мижозларига нисбатан қиммат ҳисобланадиган тасдиқланган чеклар ўрнига бундай чекларни сотадилар.


Маълумки, чекнинг иккита кўриниши мавжуд:

- I. Истеъмол чеки;
- II. Банк чеки.

Ушбу чекнинг ҳар бир кўринишида олиб бориладиган ҳисоб-китоб операциянинг тартиби ҳам бир мунча фарқ қиласиди.

I. Истеъмол чеки ёрдамидаги ҳисоб-китоблар тартиби (14-схема):

1. Экспортёр ва импортёр ўртасида савдо шартномаси тузилади. Битимда чек воситасида ҳисоб-китоб юритилиши қайд қилинади;
2. Экспортёр товарларни жўнатишга юклаттандан сўнг, юк ташувчи ташкилотдан транспорт ҳужжатларини олади;
3. Товар ҳужжатларини транспорт ҳужжатлари билан бирга импортёрга жўнатади;
4. Импортёр битим шартига кўра ҳужжатларни олгандан, кейин ёки товарларни қабул қилгандан кейин экспортёр номига чек ёзади ва унга жўнатади;
5. Ушбу чек агар номланган чек тури бўлмаса, экспортёр уни қабул қилгандан сўнг қимматли қофозлар бозорида сотиб юбориши ёки ўз қарзларини тўлашда мазкур чекни тўлов воситаси сифатида ишлатиб юбориши мумкин, агар экспортёр номланган чекни қабул қилган бўлса, ушбу чекни ўз банкига тақдим қиласиди;
6. Охирги ҳолатда экспортёرنинг банки импортёренинг банкига чек бўйича тўловни бажариш тўғрисида топшириқ беради;
7. Импортёренинг банки топшириқ олганидан кейин импортёрга хабар беради ва унинг жорий валюта ҳисобварагидан тегишли суммани ҳисобдан чиқаради;
8. Импортёренинг банки бенефициарнинг банкига пулни ўтказади;
9. Бенефициарнинг банки пулни экспортёренинг жорий валюта ҳисобварагига ўтказади ва бу ҳақда унга хабар беради.



II. Банк чеки ёрдамида ҳисоб-китоблар тартиби(15-схема):


1. экспортёр ва импортёр ўртасида савдо шартномаси тузилади. Битимда чек воситасида ҳисоб-китоб юритилиши қайд қилинади;
2. экспортёр товарларни жўнатишга юклатгандан сўнг, юк ташувчи ташкилотдан транспорт ҳужжатларини олади;
3. товар ҳужжатларини транспорт ҳужжатлари билан бирга импортёрга жўнатади;
4. битим шартига кўра импортёр товар ҳужжатларини олгандан сўнг ўз банкига экспортёр номига чек ёзиш тўғрисида кўрсатма беради;
5. импортёрнинг банки чекни ёзади ва уни экспортёрга жўнатади;
6. бенефициар банк чекининг турига қараб уни фонд биржасида сотиб юбориши, ёки тўлов воситаси сифатида учинчи шахсга ўтказиб юборади, ёки ўз банкига тақдим қилиши мумкин;
7. охирги ҳолатда экспортёрнинг банки тўлов учун импортёрнинг банкига чекни тақдим қиласди;
8. импортёрнинг банки бу ҳақда импортёрга хабар

беради ва унинг счётидан тегишли суммани ҳисобдан чиқаради;

9. импортёрнинг банки пулни экспортёрнинг банкига ўтказади;

10 Экспортёрнинг банки тўлов суммасини бенефициарнинг жорий валюта ҳисобвараfigа ўтказади ва унга хабар беради.

15-схема



Чек шаклидаги ҳисоб-китоблар юқори даражадаги хавфхатар остида бўлганлиги учун уларни қўллаш доираси маълум даражада чегараланган.

Чек юзасидан ўзига хос бир хусусият - чек бўйича тўловнинг тўхтатилиши (stop payment). Чекни ёзиб берувчи мижоз илгари ёзиб берган чеклар бўйича тўловни тўхтатиб кўйиш ҳақида кўрсатма бериш ҳуқуқига эгадир. Агар банк шундай кўрсатмага эга бўла туриб, чек бўйича тўловни амалга оширса, чек бўйича харажатларни ўз ҳисобидан қоплашига тўғри келади. Шунинг учун ҳам банкда мижознинг тўловни тўхтатиб кўйиш (stop payment) тўғрисидаги кўрсатмаси бўйича маҳсус картотека юритилади. Бундан ташқари банк чекни ёзиб берган шахснинг вафоти ёки

банкротта учраганлиги түгрисида маълумот олганда чекни тўлаб юборишга ҳаққи йўқ.

Чек ўтказма векселдан қуидаги жиҳатлар билан фарқланади:

- ◆ чек тақдим қилинишига кўра тўланади, вексель эса тақдим қилиниш ва муддатли ҳужжат бўлиши мумкин;
- ◆ чек банк томонидан ҳеч вақт акцептланмайди, вексель эса тўловчи томонидан акцептланиши шарт;
- ◆ чек кўпгина ҳолларда муомалада айланмайди (гарчи индоссамент орқали бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши мумкин бўлса ҳам), балки тўлов учун бевосита банкка тақдим қилинади, вексел эса бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиб айланниши мумкин;
- ◆ қисқа муддат ичидаги вексель тўловчига тақдим қилинмаса, векселни ёзил берган шахс барча масъулиятдан озод қилинади (чунки муддатидан ўтказиб юбориш сусистемолликка кенг йул очиб беради); чек бўйича эса ёзилган санадан бошлаб б юил мобайнида банк масъул ҳисобланади (Буюк Британия);
- ◆ чек кроссланиши мумкин, вексель эса кроссланмайди;
- ◆ агар чекдаги имзо сохта бўлса, банк бундай чек бўйича тўловни амалга ошириши мумкин эмас; бироқ векселдаги имзо ҳақиқий бўлмаса ҳам акцептантнинг вексель бўйича тўлов мажбуриятидан озод қилинмайди.

Чекнинг тўланиши - банк учун масъулиятли операция ҳисобланади. Чунки чеклар қалбаки бўлиши ёки турли нуқсонларга эга бўлиши мумкин. Энг кўп учрайдиган камчилик ва қонунбузарликлар қуидагича кўринишга эга:

- ◆ чек ёзил берувчининг имзоси сохталиги;
- ◆ чек суммасининг кўпайтирилиши;
- ◆ келгуси сана билан қайд қилиниши;
- ◆ муддатдан ўтказиб юборилиши (агар чек ёзилган санадан бошлаб, тики тақдим қилингунича б ой ўтган бўлса, бундай чек қайтарилиши лозим);
- ◆ таъминланмаган сумма бўйича чекнинг ёзилиши (олдиндан келишилмаган ва рухсат этилмаган овердрафт);

- ◆ индоссамент кетма-кетлигининг узилиб қолиши.

Чекни ёзиб бериш ва тўлаш борасидаги хавф-хатар кафолатланган чек карточкаси (check guarantee card) ёрдамида сезиларли даражада камайтирилиши мумкин. Буюк Британияда 60-йиллардан бошлаб бундай чеклар банк томонидан фақат ишончли мижозларга берила бошлиди. Бугунги кунда эса уларни амалиётда қўллаш жаҳон бўйлаб кўпгина мамлакатларда кенг тус олган.

Аввалимбор кафолатланган чек карточкаси билан банкнинг кредит карточкаси ўртасидаги фарқни кўрсатмоқ лозим. Банкнинг кредит карточкаси товарларни кредитга сотиб олиш учун хизмат қиласи ва банк ҳисобварағига ҳамда чек китобчасига ҳеч қандай бевосита алоқага эга бўлмайди. Шундай бўлса-да, кредит карточкаларнинг айрим турлари бир вақтнинг ўзида кафолатланган чек карточкасининг вазифасини бажаради (масалан, «Барклейз бэнк»нинг жамғармачилари учун «ВИЗА» кредит карточкаси).

Кафолатланган чек карточкаси чек китобchasигa эга бўлган ҳисобварақ эгасини банкда идентификациялаш воситаси ҳисобланади. Мазкур чек қуидагиларни тасдиқлади:

- ◆ банкнинг мижози бир марта 50 ф.ст. миқдоргача бўлган нақд пулни ушбу банкнинг нафақат мижоз ҳисобварағи юритилаётган бўлинмасидан, балки истаган бошқа бўлинмасидан олиши мумкинлиги;

- ◆ мижоз томонидан ёзилган чеклар мижоз ҳисобварағининг ҳолати ва ундаги пул маблағларининг етарлили ёки етарли эмаслигидан қатъий назар тўланиши шарт.

Кафолатланган чек карточкасини қўллаш учун қатор шартлар бажарагиши керак:

- ◆ чек банк кассири олдида имзоланиши керак ва ушбу имзо банк картотекасидаги «имзолар намунаси карточкаси»даги имзо билан мос тушиши керак;
- ◆ карточка муддатидан ўтказилиб юборилмаслиги зарур;
- ◆ чекнинг суммаси 50 ф.ст.дан ошмаслиги керак;
- ◆ чек маҳсус ўрнатилган шаклда расмийлаштирилиши керак ва шунингдек, чек карточкасида қайд қилинган маҳсус тахлаш кодига эга бўлиши лозим.

50 ф.ст. доирасидаги лимит фақат бир битим бўйича амал қиласди.

Масалан, агарда мижоз 75 ф.ст. пул тўлаши керак бўлганда иккита чек (биттаси 50 ф.ст.га, иккинчиси 25 ф.ст.га) ёзиб берган бўлса, ушбу чеклардан фақат биттасигина кафолатланган бўлади.

Кафолатланган чек карточкасининг қўлланилиши сусистеъмол учун кенг йўл очиб беради, чунки тўлов ҳар қандай ҳолатда ҳам амалга оширилиши банк томонидан кафолатланган бўлади. Шу сабабли банк билан олиб бориладиган операцияларда масъулиятни ҳис этишини ва ўзининг ҳалоллигини исботлаган мижозларгагина банк шундай чекларни беришга ҳаракат қиласдилар. Мамлакатлараро ташки иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши, ягона ҳудудий ва жаҳон ҳамжамиятининг ташкил қилиниши йўлида интеграция жараёницинг кечиши доимий равишда мамлакатлараро тўлов ва ҳисоб-китобларнинг амалга ошириш усулини такомиллаштиришини банклар олдига талаб қилиб қўяди.

Халқаро ҳисоб-китобларнинг хилма-хиллиги биринчи навбатда турли мамлакат вакиллари бўлмиш ҳар бир ташки иқтисодий алоқа иштирокчилари учун муайян бир ҳолатда у ёки бу турдаги шартномаларни бажаришда қулай шартшароитларни яратиш ҳамда турли кўринишдаги афзалликларни бериш билан белгиланади. Бу эса ташки иқтисодий фаолият юритувчи хўжалик бирликлари учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Халқаро ҳисоб-китобларнинг хилма-хиллиги жаҳон савдосининг кенгайиши ҳамда ривожланиб боришига асос яратади.

Шулардан келиб чиқсан ҳолда халқаро ҳисоб-китобларнинг турли шакллари қўйидагиларни таъминлайди дейиш мумкин:

- ◆ сотовчи ва харидор учун товар ва хизматлар, кредитлар, сармоялар ва бошқалар бўйича ҳисоб-китобларни қулай шаклда амалга ошириш;

- ◆ ташки савдо иштирокчиларнинг ҳар бири учун қулай вақтда ҳисоб-китобларни бажариш;

- ◆ томонларнинг ўз мажбурияларини тўла-тўқис адо этишларини таъминлаш;

♦ ташки савдода хорижий валюталардан мумкин қадар унумли фойдаланишга шароит яратиши.

Албатта, халқаро ҳисоб-китоб операцияларининг ривожланиши ва ҳажмининг кенгайиб боришида янги замонавий электрон воситалардан фойдаланиш ҳамда уларни такомиллаштириб бориш жараёни катта таъсир кўрсатади. Янги техник воситаларнинг қўлланилиши туфайли дунёning ихтиёрий чеккаси билан саноқли дақиқаларда ҳисоб-китобни бажариш имконияти яратилди ҳамда ушбу операцияларни бажариш муддатининг чўзилиб кетиши ва бунинг натижасида юзага келадиган валюта курсларининг ўзгариши хавф-хатарини маълум даражада олдини олишга имконият туғилди.

Сўнгти йилларда Ўзбекистон Республикасида халқаро ҳисоб-китобларни ташкил қилишда сезиларли прогрессив силжишлар юз берди, бунга ёрқин далил сифатида нафақат Ўзбекистоннинг SWIFT телекоммуникациясига аъзо бўлганини таъкидлаш, балки қатор хорижий мамлакатлар билан дипломатик ва иқтисодий алоқаларнинг ўрнатилиши, қўпгина йирик чет эллик банкларнинг Ўзбекистонда ўз ваколатхоналарини очишлари, Ўзбекистондаги банкларнинг хорижий банклар билан вакиллик алоқаларини кенгайтиришлари ва шу каби ижобий ҳолатлар юз берәётганини таъкидлаш жоиздир.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиизда халқаро ҳисоб-китобларда қатнашувчи ҳамма банклар, фирма ва ташкилотлар қатъий ягона техник тартибининг ўрнатилишига эҳтиёж сезмокдалар, чунки бундай техник тартибининг мавжуд эмаслиги юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни хал этишда турли қийинчиликларга дуч келтириши мумкин. Шу сабабли, халқаро амалиётда ўрнатилган тамойиллар ва андозалардан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мамлакатимиз ташки иқтисодий фаолиятининг барча жиҳатларини ҳамда республикамиздаги шарт-шароитларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ваколатли банклар ва фирмалар учун халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошмишининг ягона техник тартибини ишлаб чиқиши ва унинг тўлиқ амал қилишини таъминлаши зарур. Бунда янги замонавий талабларга жавоб берадиган тартиб ўрнатилиб, эски методологиялардан воз

кечиш зарур бўлади. Фақатгина айнан шу йўл билан Ўзбекистонда халқаро ҳисоб-китобларнинг энг самарали дастагини ташкил қилиш мумкин бўлди.

7-§. Халқаро ҳисоб-китобларда SWIFT тизими

Жаҳон бозорининг ривожланиши валюта, кредит, молия ҳисоб-китоб операциялари ҳажмининг ошишига олиб келади. Ҳужжатлар айланиши ошади, бизнес тўлов қофозлари сони ва бир хил шаклга келтирилган молиявий ҳамда тижорат ҳужжатлар сони кўпаяди. Бозор иштирокчилари ўртасида ахборот алмашуви, қимматли қофозлар ва валюта курслари ҳақидаги маълумотлар, фоиз ставкалари турли бозорларнинг ҳолати, ҳамкорларнинг ишончлилиги ва шу каби бошқа маълумотларнинг узатилиши юз беради. Ахборот оқими миллий чегаралардан чиқади. Шунинг натижасида халқаро миқёсдаги ахборот хизматлар бозорида банк маълумотлари юзага келади. БМТ доирасида хукуматлараро ва бошқа иқтисодий, тижорат, молиявий ташкилотлар ишини координациялаш учун ташкилий структура яратилди. Доимий ишчи гурӯҳи янги стандартлар ишлаб чиқармоқда ва амалда халқаро валюта, кредит, молия ҳисоб-китоб операцияларида қўлланилаётганларини такомиллаштироқда. Вақтинча ишчи гурӯҳи даврий тарзда қимматли қофозлар, йўл чеклари, олтин ва бошқа қимматбаҳо металлар билан бўладиган операцияларда СВИФТ тармоқларидан фойдаланиб банк операцияларини амалга ошириш муаммоларини муҳокама қилмоқдалар. Ахборот алмашуви тизими нафақат тор доирадаги мутахассислар, балки бозор иқтисодиётининг барча иштирокчилари фойдаланишлари учун мўлжалланган.

Халқаро банклар тармоғи доимий ўсиб бормоқда. Маълумотлар ва телекоммуникация хизматига нисбатан ортиб бораётган талабни қондириш учун халқаро тармоқ ташкил этилмоқда. У тўловларни ўтказиш, активларни бошқариш ва маълумотлар билан таъминлаш бўйича комплекс хизмат кўрасатади. Улар ичida НЕBS (Hexagon Electronic Banking System) каби машҳур тармоқлар мавжуд. Лекин дунёда энг иирик молиявий хабарлар тармоғи SWIFT ҳисобланади. Бу тизимга қўшилган ҳар қандай банк ўзини

жаҳон молия уюшмасининг тўлиқ аъзоси деб ҳисоблаши мумкин.

70-йиллар бошида Гарбий мамлакатлардаги йирик молиявий муассасалар тезда ўсиб кетган халқаро тўлов хабарларини қайта ишлашини автоматлаштира бошлади. Тижорат телекоммуникация тармоқлари сони кўлайди. Уларнинг ҳар бири ўз шахсий форматлари, алоқа воситаларидан, маълумотларни қайта ишиш тартибидан ва киришдан ҳимоялаш усулларидан фойдаланди.

1973 йил Европа ва Американинг 250 та йирик банклари Халқаро Банклараро молиявий Телекоммуникация – SWIFT (Society For Worldwide Interbank Financial Telecommunication)га асос солдилар. Жамиятнинг вазифаси – ягона банк хабарлари тизимини йўлга солиш ва қўллаб-қувватлаш эди. У иштирокчиларга сутка давомида дунёнинг ҳар қандай нуқтасидаги молиявий маълумотларга стандарт шаклида кириш имконини беради. SWIFT халқаро тармоғи 1977 йилдан бошлаб фаолият кўрсата бошлади. Маълумотлар тармоқ бўйича стандартта мувофиқ структуралаштирилган муъламотлар кўринишида узатилади. Ҳозирги кунда SWIFT тизими 70 давлатнинг 4000 дан ортиқ банкларини ўз ичига олади.

Банк хабарлари стандартларини яратиш ва қайта ишишда SWIFT тизими фирма – мутажассисларигина эмас, шунингдек, стандартлар бўйича халқаро қўмита, халқаро савдо палатаси (ICC) ҳам иштирок этади. Натижада банкларнинг молиявий ва тижорат операциялари ҳақидаги намунавий хабарлар стандартлари ишилб чиқилди. Уларнинг айримлари халқаро миқёсда тан олинди. Мисол сифатида банкларнинг идентификация кодлари – BIC кодларни келтириш мумкин.

SWIFT тармоғи стандартларида узатиладиган маълумотларнинг категорияси, гурӯҳ ва тиллари аниқ белгиланган. Хабарларни узатишдан ташқари тизим IFT (Interbank File Transfer) хизмати даражасида банклараро файллар билан алмашишни қўллаб-қувватлайди. Стандартларни жаҳон банклари амалиётига киритиш SWIFTнинг энг асосий ютуқларидан биридир. Бу жараён молиявий муассасаларга ҳужжатлар билан алмашиши ва низо ҳамда хатолардан қочиш имконини беради. Ҳозирда

тармоқ асосини учта коммуникация станциялари ташкил этади. Улар Амстердамда (Голландия), Брюсселда (Бельгия), Копенгагенда (АҚШ) жойлашган. Бундан ташқари ўз мамлакатларидаги мижозларга хизмат кўрсатувчи регионал станциялар мавжуд. Замонавий технология ва талаблар SWIFT тармоғини замонавийлашни мувофиқлаштиради. Натижада архитектураси тўртта даражадан иборат янги - SWIFT-II яратилди.

SWIFTнинг қоидаларининг талаби шуки, унга аъзо ташкилотлар амалга оширадиган бизнес билан шуғулланисин ва халқаро телеграфик молиявий маълумотлар алмашинишида иштирок этиши керак.

SWIFT ташкилоти расман Бельгиянинг кооператив жамияти бўлиб, Брюссельда рўйхатга олинган. У тўлақонли SWIFT аъзо-банкларига тегишли, унинг акциялари эса банкларга сотилган.

Банклар ҳар ой 1 стандарт маълумот юбориш учун 3,5 евро ҳисобида тўлов тўлайди.

Свифт тизими қўйидаги турдаги операцияларни бажаради:

- мижоз тўловлари;
- банк тўловлари;
- ҳисобварақа бўйича тасдиқномалар (дебет, кредит);
- валюта-конверсион операциялар;
- дебет кредит операциялар;
- фоизлар тўлови;
- ҳисобварағидан кўчирмалар.

Ҳар тур маълумот учун маҳсус формат ишланган, унда мажбурий ва ихтиёрий реквизитлар мавжуд бўлади.

SWIFT дан фойдаланишнинг қисқача схемасини мисол тариқасида кўриб чиқамиз:

1. Тўлов операцияларини амалга оширувчи томонлар. Улар қабул қилувчи томон номига пул ўtkазиши ҳал қиладилар. Тўлов операцияларни амалга оширувчилар бўлиб: корпорациялар, ташкилотлар, банклар, жисмоний шахслар ҳисобланади.

2. Тўлов операцияларини амалга ошириш механизми қўйидагича бўлиб, юқорида келтирилган томонлар у банкларига телеграф тўловни амалга оширишга телефон,

ёзма радища (телеекс, телетайп, почта, факс, телеграф) орқали берадилар. Текшириш услублари топшириқ бериш усулларига боғлиқ. Телеекс ва Телетайп авто жавоблар ва мижоз имзосини солиштириш калитларига эга. Телеграф тизимлари мижоз имзосини солиштириш калитлари, пароллари ва бошқа шажсни аниқловчи маҳсус шаклларга эга бўлади. Телефондан берилган топшириқларни текшириш, уларга қўнфироқ қилиш йўли билан текширилади. Почта орқали келган топшириқларда банк имзоларни текшириш шарт.

3. Тўловни қайта ишлаш ва етказиши. Банк тўлов операциясини қўйидаги телеграф линиялардан бирида амалга ошириш мумкин «Fedwire», «Bankware», «CHIPS», «SWIFT».

Бунда операциялар тўловни банкнинг операцион тизимига киритади, биринчи пофона текширувчи маълумотларни текширади, иккинчи пофона текширувчи эса тайёр swift форматини текширади ва авторизация қиласи. Бундан сўнг тўлов swift форматида SWIFT тизими орқали аввал SWIFT марказларидан бирига боради (ўзида банк SWIFT бу маълумотни ўз ишловига олганлиги тўғрисида тасдиқ олади) ва қабул қилувчи банкга юборади.

Ҳозирги кунда маълумотлар 10 категорияга бўлинган:

- 1 категория – бу мижозлар тўловлари
- 2 категория – бу банкларнинг тўловлари
- 3 категория – бу валюта операциялари OPTION, FOREX, SWAP, OVERNIGHT
- 4 категория – бу чеклар ва накд пуллар
- 5 категория – бу қимматли қофозлар
- 6 категория – бу қимматбаҳо металлар ва тошлар
- 7 категориялар савдо молиялаш аккредитив, инкассо, гарантия

8 категория – Йўл чеклари

9 категория – умумий категория дебет, кредит тасдиқномалар (авидо) ҳисобварак бўйича тўловлар.

Маълумотнинг матни иккилиқ коди билан белгиланган майдончалар кетма-кетлитидан ташкил топади.

Мисол учун:

32: Сумма

50: Маблағ юборувчи томон

59: Бенефициар

70: Мақсад

71: Комиссия ҳисобварақ ишни BEN, OUR,

72: Банкнинг ахбороти.

Валютани белгилаш учун ISO (International Standards Organization) ишлаб чиққан уч ҳарфли коддан фойдаланилади. (Масалан, USD, UZS) SWIFTнинг асосий ютуқларидан бири Халқаро стандартлаш ташкилоти томонидан қабул қилинган махсус стандартларни яратиш ва фойдаланишдан иборат. Банк ҳужжатларини унификациялаш, ҳар хил давлатлардаги ҳужжатларни тўлдириш анъаналарининг ҳар хиллиги ва тил муаммолари билан боғлиқ хатоларни ва қийинчиликларни енгигб ўтишга имконият берди.

SWIFT стандартларини устунликлари банклар учун шунчалик мос эдики, бунда бошқа ўхшаш тизимлар (Лондонлик CHAPS, Парижнинг SAGITTAIRE, Нью-Йоркнинг SHIPS) уларни ўзида кўллайди.

SWIFT маълумотларни юқори даражада ҳимоялашни таъминлайди. SWIFTнинг асосий талаби - терминалларни улаш тартибdir. Тизим ҳар бир фойдаланувчи учун алоҳида яширик код билан қайд этиш орқали тизимли хабарлар назоратини ташкил этиш асосида ҳар бир уланган терминални аниқлаши (танишиши) керак. Бу хабар махсус қурилма ёрдамида шифрланади. Қурилмада модул бўлиб у тасодифий сонлар генераторидан фойдаланганд ҳолда шифрловчи калитини ҳосил қиласди.

Фойдаланувчига кейинги қайд қилиш учун янги код берилади. Бу - калитлар алмасиши тартиби деб юритилади. Терминал аниқланганлиги тасдиқлангандан сўнг у тармоқда қайд этилади. Барча кодлар ва калитлар SWIFT терминалига микропрограмм картаси (МК) ёрдамида киритилади. МКни хафсизлик тизими (User Security Enhancemnt – USE) ишлаб чиқади. Терминални тармоқка улаш тартибларидан бирортаси бузилган тақдирда (шовқин, линия узилиши аниқ, узатишда хато аниқланса ёки жабар формати тизимига киритиш тартиби нотўғри бўлса ва ҳоказо) терминал автоматик равишда ўчади махсус файлда бу ҳол қайд этилади. Шу орқали паст сифатли линия аниқланади.

Фойдаланувчининг имтиёзини фарқлаш воситаси ахборот хавфсизлигини таъминловчи бўйича қўшимча чора

хисобланади. Бундан ташқари тизимда тез-тез түхтаб қолишдан ҳимоялаш учун ахборотларни захира нусжалаб қўйиш ҳисобга олинган. SWIFT тармоги учун барча имкониятларидан фойдаланиш, махсус дастурий аппаратли интерфейс мавжуд. Бугунги кунда SWIFT тармоги учун терминал комплексларни таклиф этувчи 100 дан ортиқ фирма мавжуд. SWIFT терминал комплекслари учун платформа ишлаб чиқарувчилари ўртасида Digital Equipment (VAX ва Alpha тизими), IBM (PS/2, S370, RS/6000), Newlett Packard (Apollo 9000), Sun Microsystems (SPARC оиласига мансуб процессорли компьютерлар) каби компаниялар мавжуд. Бугунги кунда SWIFT терминал комплекслар бозорида Digital ва IBM нисбатан машҳур хисобланади.

SWIFTда ишлатиладиган баъзи терминал комплекслар таърифи қўйидаги жадвалда кўрсатилган.

Бугунги кунда SWIFT тизими банк операциялари, валюта ва пул бозори, қимматли қоғозлар савдо, савдо операцияларига хизмат кўрсатиш, халқаро тўловларни амалга ошириш каби муҳим молиявий фаолият соҳаларида маълумотлар билан тезкор алмашувни таъминлайди. Восита ва хизмат ҳақи юқори бўлишига қарамасдан SWIFT тармоги абонентлари сони кўпайиб бормоқда. Бу ҳол SWIFT жамиятига келгусида молия фаолиятининг бошқа соҳаларини қамраб олган ҳолда тармоқни янада кенгайтириш имконини беради.

SWIFT нинг асосий вазифаси -ҳар қандай банк маълумотлари ва молиявий маълумотларни ҳисоб-китоб техника воситалари орқали тезда узатиш ҳисобланади. Биринчи узатишлар 15 мамлакатнинг 513 банкини қамраб олган. 1993 йилга келиб SWIFT хизматларидан 92 мамлакатнинг 3700 банк ва молиявий муассасалари фойдаланган. SWIFTдан нобанк муассасалар –брокерлик ва диллерлик фирмалари, клиринг, суғурта, молиявий компаниилар ҳам фойдаланиши мумкин. Шу билан бирга бир вақтнинг ўзида жаҳон молия бозори операцияларини стандартлаштириш муоммолари ҳам ечилмоқда. У ерда сотиш, харид қилиш, кафолат ва қимматли қоғозлар бўйича бошқа муомалалар амалга оширилади.

SWIFT валюта клиринг функциясини бажармайды. SWIFT тизимининг автоматик ишлаши назоратни, жүнатувчи ва қабул қилувчининг ҳақиқийлигини текширишни, хабарларни тезлик билан тақсимлашни ва маълумотларни шифрлашни қамраб олади. Ундан кейин агар қабул қилувчи тармоққа уланган бўлса, хабар тўғридан тўғри алоқа канали орқали узатилади ёки талаб қилиб олингунга умумий бозорда туради. Маълумотларнинг узатилиши ва ишлаши 20 секунд давом этади. SWIFT нинг асосий ютуғи халқаро информацион ташкилот – ISO томонидан тан олинган банк ҳужжатлаштириш стандартлариiddadir. Банк ҳужжатлаштириш стандартларининг яратилиши ва қўлланишидадир. Банк ҳужжатларини бир хил шаклга келтирилиши кўпгина қийинчиликлар ва хатолардан қутулишга имкон беради. Банклараро коммуникация тизими стандартларининг ютуғи ўнчалик яққол кўрича бошладики. миллий даражадаги аналогик тизимлар буни ўзига қурол қилиб олди (CHAPS – Буюк Британия банклараро клиринг ҳисоб-китоблари тизими. У ўз ичига 200 та банк ва бир нечта ҳисоб-китоб марказларини олади; америка ЧИПСИ, Швецария СИНи ва бошقا).

18-жадвал

SWIFT терминал комплексларининг тавсифлари.

SWIFT терминал комплексларининг тавсифлари					
Номенклатура	Тип	Операционная система	Процессор	Память	Скорость
ST 400	VAX	Open VMS 6.2	32 (96 гача)	4000	90-180
SWIFT Alliance	Alpha Server 400/1000	LNIX V.3.2	32/96	камидা 4000	100/200
MERVA /2	WK Server 310	OS/ V2.1	32	10000	79
Turbo SWIFT	SPARC Station 4	Solaris 2.5	32	200/1000	65/150

Манба: «Ахборот тизимлари ва технологиялари». Тошкент 2000 й., 54-бет.

70-йиллардан бошлаб SWIFT тизимида маълумотлар ва манзиллар стандарт форматларин ташкил қилина бошланди. 1974 йилда халқаро қўмита мижозлар тўловлари ҳаракати, банклараро тўловлар ҳаракати, валюта ва кредит бўйича маълумотлар, банкларнинг жорий ҳисобрақамларидан бир кунлик кўчирмалар каби маълумот ва хабарларнинг қайта ишлов берилиши тутатилди, яъни мукаммаллаштирилди. 1988 йилда қимматли қофозлари сотиш ва расмийлаштириши, инкассо ва аккредитив операциялари, мижозлар учун баланс ҳисботи, қимматбаҳо металлар савдоси, йўл чеклари, кафолатлар ва бошқа опеацияларни стандартлаштириш ишлари тутатилди.

SWIFT орқали компьютерлар банк ва молия хабарларини 7 та категорияга бўлиб кўрсатади. Улар эса ўзида 70 хил турдаги маълумотларни жамлаган. Ҳар бир тип банк ва молия муассасалари талаб қиласидиган элементларнинг барчасини тўлиқ ва аниқ беради.

Хавфсизлиги. Ўтказиш хавфсизлиги, бу дегани фальсификация, йўқотишлар ва жавобсиз қолипдан тўлов топшириқномаларини ва молиявий маълумотларини сақлаш (мухофаза) юқоридаги тизимга боғлиқ.

SWIFT ҳисоблаш марказларида хавфсизликни таъминловчи дастурлардан ташқари, анъанавий тўлов тизимларидан фарқи ўлароқ тизимини маҳсус чоралар жойлаштирилган:

- сессиянинг бошланиши ва охирида тизим терминалидан фойдаланишини текшириш;
- ҳамма кириш ва чиқиши маълумотларни автоматик рақамлаш, рақамлаш таркиби тизимининг ўзи билан назоратланади;
- индивидуал калитларга қараб икки банк орасида автоматик маълумот алмашиниш;
- қабул қилиувчи – банк томонида ахборотларни автоматик текшириш.

SWIFT алоқа линиялари ва операцион марказларини руҳсатсиз ташрифлардан мухофаза қилиш маҳсус кодировка қилиш мосламалари (тасодифий сонлар генератори принципида) томонидан таъминланади.

Шундай қилиб свифт тизимини хавфсизлигини таъминловчи тўлиқ муҳим кўп погонали физик хавфсизли

кўтказиш линиялари хавфсизлиги, функционал хавсизлмк ва процедурний хавфсизликлар комбинациясидан хавфсизликлар комбинациясидан ташкил топади.

Маълумотлар алмашинишдаги хавфсизликни (оширишни) янада кучайтириш мақсадида, банклар ўз ҳисобидан такомиллаштириш мумкин.

Тезлик SWIFT ёрдамида тезкорлик билан маълумотлар юбориш, банкларнинг ўз маблағларини тез қайта жойлаштиришга имконият яратади. SWIFT орқали юборилган маълумотлар анча тез етиб боради, қайта ишланади (банк тизимида) ва мижоз ҳисобварағида акс эттирилади, телекс ёки бошқа алоқа воситаларидан фарқли ўлароқ.

Банкка қарши бу тизим камчиликлардан холи эмас. Булардан бири икки ташкилотни жуда мураккаб техник тизимга тобелиги ва шу билан боғлиқ техник муаммолар ва ишдан чиқишлилар камчиликдир.

Яна бир камчилик сифатида жуда юқори нарх наволар, булар кичик банкларни жуда қийин аҳволга солиб қўйдилар.

Ўзбекистон Республикасида SWIFT тизимига уланиш (аъзо бўлиш) ва фаолият юритиш муаммолари.

Хозирги кунда Ўзбекистон Республикасида сўмда бўладиган тўловлар Марказий банкдаги жойлашган ягона ҳисобварақ (тижорат банкларининг) орқали бажарилса, валюталарда бўладиган операциялар (мижозларнинг кўпини кўчириш, ўз маблағларини ўтказиш ва ҳ.к).

SWIFT тизими орқали бири биридаги ҳисобварақларда амалга оширилади.

Шундай қилиб, ҳатто ички тўловларда (агар улар сони кўпроқ бўлса, акс ҳолда қофоз тўлов топширицномаларда ишласа ҳам бўлади) SWIFT нинг ўрни беқиёсdir.

Таянч сўзлар

- Халқаро операциялар;
- Факторинг;
- Форрейтинг;
- Халқаро ҳисобкитоблар;
- Ностро, востро счёти;
- Ҳужжатлаштирилган аккредитив;
- Рамбурс;
- Аванс;
- Авиозо;
- Эмитент банк;

- Оддий вексел;
- Ўтказма вексел;
- Тўлов тилхати;
- Ҳисоб-фактура;
- Банк ўтказмаси;
- Осиқ ҳисобварақ;
- Ўтказма вексел;
- Акция;
- Инкассо;
- Акцепт;
- Соф инкассо;
- Бенефициар;
- Сугурталаш;
- Фракта тўловлари;
- Чек;
- Ордерли чек;
- Индоссамент;
- Кросланган чек;
- Истеъмол чеки;
- Банк чеки;
- SWIFT;
- SWIFT формати.

Ўз билимини текшириш учун саволлар

1. Халқаро ҳисоб-китоб деганда нимани тушунасиз?
2. Халқаро операцияларнинг турлари.
3. Халқаро ҳисоб-китобларнинг қандай шаклларини биласиз?
4. Халқаро ҳисоб-китобларнинг ўзига хос ҳусусиятлари.
5. Банк ўтказмаси бўйича ҳисоб-китоблар қандай амалга оширилади?
6. Банк ўтказмасининг бошқа ҳисоб-китоблардан фарқи.
7. Ўтказма авизода мижоз нималарга эътибор бериши лозим?
8. Очиқ ҳисобварақ бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширилиши тартиби қандай?
9. Очик ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китобларнинг Ўзбекистонда қўлланилмаслик сабаблари нимада?
10. Ҳисоб-китобларнинг инкассо шакли ва уни амалга ошириш тартиби.
11. Инкассо операциясида ҳужжатларнинг қандай гурухлари мавжуд?
12. Инкассо шаклидаги ҳисоб-китобларнинг афзаллиги ва камчилиги.
13. Аккредитивнинг қандай кўринишлари мавжуд?
14. Аккредитив бўйича битимни амалга ошириш босқичларини асослаб беринг.
15. Аккредитивнинг маҳсус турларини кўрсатинг ва изоҳланг.
16. Аккредитивнинг камчилиги ва афзалликлари.
17. Чек нима ва у бошқа халқаро ҳисоб-китоб шаклларидан фарқ қиласи?
18. Чекда қандай реквизитлар кўрсатилади?
19. Индоссамент деганда нимани тушунасиз?
20. SWIFT тизими ва унинг ташкил этилиши тарихи.
21. SWIFT тизимининг бажарадиган операциялари.
SWIFT маълумотларини категорияларга ажиратиб кўрсатинг.

VII боб. Валютавий инқирозлар ва уларнинг шакллари

1-§. Валюта инқирози, унинг моҳияти ва турлари

Мамлакат иқтисодиётининг маълум жабҳаларида юзага келувчи номутаносибликлар иқтисодиётнинг хотекис ривожланишига, унда инқирозларнинг юзага келишига олиб келади. Жаҳон банки ва Халқаро валюта фонди томонидан олиб борилган кузатишлар ва таҳлиллар шуни кўрсатдики, ривожланган давлатларнинг иқтисодиёти очик, ишлаб чиқариши бир текис бўлганилиги сабаб уларда иқтисодий инқирозларнинг турли шакллари кам учраб туради. Ривожланаётган давлатларда ишлаб чиқариш омилларида камчиликларнинг мавжудлиги, капитал ва замон талабига мос келувчи иш кучининг етарли эмаслиги бу мамлакатлар иқтисодиётида муаммолар ва қийинчиликлар туғдиради. Ишлаб чиқариш омилларининг етарли ва самарали эмаслиги мамлакатда аҳоли жон бошига тўғри келувчи иқтисодий кўрсаткичларнинг тушшиб кетишига, бу ўз навбатида мамлакатда ишлаб чиқариш кўламининг қисқаришига олиб келади.

Жаҳонда мавжуд давлатлар Жаҳон банки таҳлилиларига кўра, аҳоли жон бошига тўғри келувчи даромадига қараб 4 асосий гуруҳга бўлинади:

I-гуруҳ - аҳоли жон бошига паст даражада даромадга эга бўлган давлатлар (Хиндистон, Покистон, уларга қўшни давлатлар ва Шимолий Африка давлатлари);

II-гуруҳ - ўртачадан паст даромадга эга бўлган давлатлар (Хитой, Лотин Америкасидаги кичик давлатлар, Кариб бассейnidаги давлатлар, Африка давлатлари ва МДҲ давлатлари);

III-гуруҳ - ўртача кўрсаткичдан юқори даромад кўрсаткичига эга бўлган давлатлар (Лотин Америкасидаги йирик давлатлар, Саудия Арабистони, Малайзия, Туркия, Славакия);

IV-гуруҳ - аҳоли жон бошига юқори даромадга эга бўлган бозор иқтисодиёти ривожланган бой давлатлар ва ривожланаётган давлатларнинг иқтисодий имкониятларидан оқилюна фойдаланаётган Исроил, Нефтта бой бўлган Қувайт, Сингапур каби давлатлар.

Қуйидаги жадвалда юқоридаги жуфт гурұқ давлатлар бүйіча ақоли жон бошига тұғри келувчи иқтисодий күрсаткічлар көлтирилген.

Қуйидаги жадвал маълумотлари шуны күрсатады, бой ва камбағал давлатларда ақоли жон бошига тұғри келувчи даромад түгристегінде күрсаткіч 73 мартага фарқ қиласы. Мамлакат иқтисодиётіндең үзгаришлар ёки камчиликтер уларнинг валюта сиёсатини үзгаришига ёки аксина, валюта сиёсатини олиб бориш ёки бошқаришда йўл қўйилган камчиликтер мамлакат иқтисодиётининг салбий томонга үзгаришига олиб келиши мумкин.

19-жадвал

Тўрт гурұқ давлатлар бүйіча иқтисодий күрсаткічлар түгристегі маълумот (1998 йил боши, доллар ҳисобида)

№	Күрсаткічлар	Ақоли жон бошига тұғри келувчи ЯИМ	Кутилаётган ўртача умр
1	Паст	350	59,0
2	Ўртачадан паст	1230	68,5
3	Ўртачадан юқори	4520	69,5
4	Юқори	25700	77,5

80-90 йилларда Лотин Америкасининг Аргентина, Бразилия, Чили, Мексика, Африканинг Нигерия, Кения каби давлатлари ички ва ташқи қараңда валютавий инқирознинг асосий иштирокчилари ҳисобланади. Алоқида мамлакат валютасининг инқирозга учраши нафақат шу мамлакат иқтисодиётінде, балки құшни давлатлар, шу давлатлар билан Жаңон бозорида муносабатда бўлган бошқа давлатлар иқтисодиётінде салбий таъсир күрсатади. Валюта инқирози қимматли қоғозлар бозори, давлат қарзлари ва облигациялари, капитал ва инвестициялар оқимига ҳам салбий таъсир күрсатади. Халқаро бозорларда турли хил шов-шувларга ва тушинмовчиликтер бўлишига олиб келади. Мамлакатлар ўртасида дефолт (ўз мажбуриятларини, айниқса, кредитлар бүйіча қарзларни тўлай олмаслик)га олиб келади.

Валютавий инқироз давлат томонидан харажатларни оширишга ундаиди. 1970 йиллардаги нефть инқирози

^{*} World Development Report 1998/99. Жаңон банки

Бреттон-Вудс валюта тизими меваси бўлган фиксирангган валютага барҳам берилиши ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг тушиб кетишга ва валютавий инқирозга олиб келган. Натижада давлат ижтимоий тенгсизликнинг йўқотиши мақсадида катта харажатлар қилишга, қўшимча пул чиқаришга киришган. Бу эса пул бирлигининг юқори даражада қадрсизланишига сабаб бўлган. 1978 йилда Аргентина, Чили, Уругвай каби давлатлар инфляциянинг олдини олиш учун Tablita номли янги валютавий стратегия ишлаб чиқишиган, яъни мамлакат товарларининг баҳосини ички бозорда жуда юқори белгилаш йўли билан пул қадрини оширишни режалаштиришган, лекин бу режа юқори самара бермаган ва бу З давлат савдони эркинлаштириш, банклар ва бошқа молия институтлари фаолиятига эркинликлар бериш, четдан бошқа инвестициялар кириб келиши учун эшикларни очиши йўли билан иқтисодиётни қисман бўлсада яхшилашга эришган.

Кўптина давлатлар валюта инқирозидан ўзини валюта қалқонини қўйлаш орқали ҳимоялашга, ўз валютасининг барқарорлигига эришишга ҳаракат қилишган. Бу ҳолда Марказий банк жуда кўп миқдорда маҳаллий активдан кўра чет эл валютасига эга бўлиши, ўз валютасининг расмий курсини белгилаши ва шу курс бўйича аҳолига чет эл валютасини сотиши, банкдан чиқадиган валюталар тўлиқ миқдорда чет эл валютаси билан таъминланган бўлишига эришиши лозим.

Капитализм пул-кредит тизимининг инқирози (кризиси), валюта инқирози олтин стандартининг емирилишида, инфляцион қофоз-пул муомаласига ўтишда ўз аксини топади ва алоҳида капиталистик мамлакатларнинг ички муомаласига ҳамда халқаро ҳисоб-китобларга таъсир кўрсатади. Қамраб олиш хусусиятига кўра умумий ва хусусий валюта инқирозлари мавжуд.

Умумий валюта инқирози капитализмнинг умумий инқирозининг ажralmas қисми ҳисобланади ва парламент хусусиятига эга бўлади. Жаҳон капиталистик валюта тизими жаҳон бозорининг ажralmas қисми сифатида 1914-1918 йилларда, биринчи жаҳон уруши даврида тикланиб такомиллашган бўлса, капитализмнинг умумий инқирози даврида ўз кучини йўқотади ва тез-тез таназулга учрайди.

Умумий валюта инқизоризига хос мұхым хусусият – олтин «демонетизацияси» ҳисобланади, яғни олтиннинг металл пул сифатидаги роли йўқолади ва валюта қадрсизланади. Қатор капиталистик мамлакатларда биринчи жаҳон уруши даврида қоғоз пулларни олtinga алмаштиришнинг ман этилиши (Буюк Британияда, Францияда, Германияда, Россияда ва бошқалар) ва олтиннинг ички мұомаладан чиқарилиши сабабли олтин «демонетизацияси» бошланди. Биринчи жаҳон урушидан кейин капиталистик мамлакатларда олтин стандартини бўллаклар (кесилган) шаклда олтин девиз шаклида ва олтин қўймаси шаклида тиклашга ҳаракат қилинди. Бу ҳаракат 1929-33 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқизоризи даврида тутади. 1929-1930 йилларда Аргентина, Боливия, Бразилия ва қатор аграр мамлакатларда олтин стандартидан воз кечилди. 1931 йилда олтин стандарти Буюк Британияда, 1933 йилда АҚШда, 1934-1936 йилларда Франция, Бельгия, Нидерландия ва бошқа мамлакатларда олтин стандарти бекор қилинди. 1936 йил охирида бутун капиталистик оламни инфляция қамраб олди, бу вазият иккинчи жаҳон уруши даврида 1939-1945 йилларда кучайди. 60-йилларнинг охирида фақат АҚШдагина валютани олtinga алмаштириш расмий равишда сақланган. Лекин АҚШ фақат капиталистик мамлакатларнинг Марказий банкларигагина долларни олtinga алмаштирган АҚШда эса фуқароларга олтин пулларни сақлаш ман этилган.

Халқаро иқтисодий муносабатлар борасида валюта инқизоризи қўйидагиларда: яғни капиталистик мамлакатларнинг тўлов балансининг мунтазам равишида номувофиқлиги ёки пассивлигига, олтин-валюта заҳирасининг нотекис тақсимланиши, кўп мамлакатларнинг валюта курси тушиб кетганлиги ва ҳоказоларда намоён бўлади. Кўпгина мамлакатларнинг олтинни четта олиб чиқиши чеклаши, доллар стандартига ўтиши олтиннинг халқаро ҳисоб-китобларда ишлатилишини қисқартирди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин АҚШ раҳбариятининг капиталистик мамлакатларга олтин ўрнига доллардан халқаро пул сифатида фойдаланишини таклиф қилиши натижасида бу жараён янада кучайди. АҚШ олтин баҳосини сунъий равишида пасайтириш сиёсатини юргизди, бу урушдан кейинги дастлабки йилларда АҚШнинг бошқа

мамлакатлардан олтинни сотиб олишини анча енгиллаштирди. 1949 йилнинг охирида АҚШ капиталистик олам олтин захирасининг 70 фоизидан ортиғига әгалик қилган. Натижада АҚШ доллари халқаро ҳисоб-китобларда кенг қўлланилди, бу эса халқаро капиталистик валюта тизими барқарорлигига путур етказди. 1934 йилда ўрнатилган олтиннинг расмий паст наржини АҚШ 1961 йилдан 1968 йилгача «Олтин пул» кўмагида сақлаб келди, «Олтин пул»га АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция (1967 йилнинг июнигача), Италия, Швейцария, Бельгия, Нидерландия аъзо бўлган. Бу олтин қазиб олинишини тўхтатиш ва фуқароларнинг олtingа бўлган талабини ошишига олиб келган.

Валюта инқирозини 3 та турга бўлишимиз мумкин:

- 1) Тўлов балансининг макроиктисодий сиёсатининг мақсадларини бир-бирига тўғри келмаслиги оқибатидаги валюта инқирози.
- 2) Ташки қарзларни кўпайиб кетиши натижасида валюта инқирози.
- 3) Ички қарзларнинг ўзгариши натижасида юзага келувчи валюта инқирози.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида валюта инқирози валюта курсининг ўзгариши билан ҳам боғлиқ бўлади.

Осиёда эса валюта инқирози бошқа кўринишда намоён бўлган.

- 1) Валюта курси баланд эмас.
- 2) Барча макроиктисодий кўрсаткичлар нормада.
- 3) Валюта инқирозига яна бир сабаб, бу валюта корреляциясидир. Корреляция ҳам ушбу валюта инқирозининг сабабларини очиб бериши мумкин.

Ривожланган давлатларда 2001 йилда таҳликали ҳолат бошланди. Узоқ вақт давом этган япон муаммолари Япония иенининг 30 % тушишига олиб келди. Хитой бозори, иенининг тушишига етарлича салбий муносабатда бўлди. Юқори даражадаги корреляция иен ва шанхай композит индекси орасида аниқланди.

80-90 йилларда Бразилия, Туркия ва Аргентина мамлакатлари валюта инқирозини ўз бошидан кечирди.

2000 йилларда Россия ва бошқа кўпгина давлатларда юқори инвестициялар нефтни қазиб олишга талабни

оширишди ва иқтисодий танглик энергия ташувчиларга талабни камайтирди. Нефтнинг юқори нархи энергияни тежашга олиб келди. Шунинг учун, ОПЕКнинг уринишларига қарамасдан нефт нархининг ўсиш имкониятлари кентгайди ва у бир барел учун 16-14 долларга етди. Нефт экспортёrlари орасида нефти етказиш бўйича шартномалардагига нисбатан нарх ўзгариши юзага келди. Масалан, Россияда 1998 йилдагидек, юқори инфляция билан барқарор курс сиёсати рублни мустаҳкамлашни талаб қилди. Импортнинг ўсиши ва экспортнинг камайиши савдо ва тўлов балансини ёмонлаштириди.

МДХ давлатлар ичида Россияда бўлган кўпгина ўзгаришлар унинг бюджетининг даромад қисми таркибининг ўзгаришига олиб келди. Охирги пайларда солиқ орқали даромадларнинг ўсиши энергия ташувчиларга экспорт божларининг пасайишига олиб келган. Олдиндан режалашибтирилган тўғридан-тўғри инвестициялар оқими сусайган. Манополлашган муҳит энергия ташувчиларига нархни юқори даражада тутиб туришга ёрдам беради. Бу баъзи давлатларда бизнеснинг усиз ҳам паст рағобатбардошлигини сусайтиради. Афсуски, бундай ҳолда юқори валюта курсига эга бўлишга шароит яратиб бўлмайди. Рақобатбардошлини ошириш учун кўпгина давлатлар таълим соҳасига сезиларли инвестиция воситаларини жалб қилиш лозимлигини, шунда 10-15 йилдан кейин, ёшлар бизнесни юқори даражага кўтариши мумкинлигини таъкидлайдилар.

Бу жараёнларнинг барчаси мамлакатда ва жаҳонда валюта сиёсатининг қанчалик оптимал олиб борилишига ва валюта курсларининг барқарорлигига боғлиқ.

2-§. Валюта инқирозида валюта курсларининг ўзгариши ва валютани бошқариш сиёсати

Валюта курсларининг ўзгариши валюта инқирози даврида муҳим ўрин тутади ва доимий равища курслар ўзгаришига эътибор бериши лозим.

Фиксирланган курсларга нисбатан сузуви курслар режимининг афзалиги ва зарурлигини, учта иқтисодий кўрсаткичга – пул массаси, нархлар ва ишлаб чиқариш

қуввати ҳамда давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги роли ва ўрнига қараб асослаб бериш мумкин.

Таникли иқтисодчи олим М.Фридменнинг фикрича, бозорнинг ўзи валюта чайқовчилиги билан боғлиқ ишларини ҳукуматдан кўра бирмунча яхшироқ олиб боради. Неоклассик йўналиш тарафдорлари иқтисодиётни валюта курсларини шакллантириш, бозор омилларини кучайтириш ва сузувчи курсларни халқаро ҳисоб-китобларда автоматик қўллашга ўтиш йўли билан барқарорлаштириш мумкин деб ҳисоблашади. Валюта инқизорзларининг олдини олишга йўналтирилган бир неча назариялар мавжуд.

Масалан, оптимал валюта зона назариясида ҳаққоний валюта курсларини ўрнатишда, уларнинг ўзгариш кўлами ва зарурлигини аниқловчи объектив кўрсаткичларни топишга ҳаракат қилингви ҳолда мезонлар ишлаб чиқилган.

Валюта курсларининг норматив назарияси эса валюта курсини иқтисодиётни бошқаришдаги қўшимча инструмент сифатида кўриб чиқади ва бунда ўзгарувчан курс режими курсини қўллашни тавсия этади, яъни давлат томонидан бошқарилувчи, бу назария асосчиларининг фикрича, валюта курслари халқаро ташкилотлар ўрнатган паритетлар ва келишувлар асосида шаклланиши керак.

Шунга қарамасдан, юқорида айтиб ўтилган назариялар валюта курсига таъсир этувчи барча омилларни ҳисобга олмайди, балки маълум молиявий ҳолат шароитида кўпроқ ёки камроқ мослашувчан бўлиши мумкин бўлган валюта сиёсатининг йўналишлари ҳақида тасаввур беришга имкон беради.

1997 йил давомида Украинада 1 АҚШ доллари 1,8-1,9 гривинга teng барқарор курс ҳукм сурган. Лекин бундай барқарорлик иқтисодиётдаги барқарорликка эмас, балки давлатнинг моҳирона тарзда курсни ушлаб туриш учун ўтказган тадбирларининг натижаси бўлган.

Бундай барқарорликнинг зуурурлиги шундаки, давлатнинг Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банкидан кредит ресурсларини олишга бўлган интилишда бўлган. Буни эса ички иқтисодиётдаги кўрсаткичларни ХВФ талабларининг бажарилишига боғлиқлиги билан тушунтириш мумкин.

Йил давомида гривин курсининг барқарорлигини сақлаш учун Украина Миллий банкининг ўша даврдаги 2,3 млрд. АҚШ долларни ташкил этувчи резервларини Украинанинг банкларо валюта биржасига жойлаштирган эди. 1998 йилнинг сўнгида АҚШ долларига бўлган талабини доимий ўсиб бориши натижасида, валюта резервлари ҳисобидан қопланган сумма 0,8 млрд. АҚШ долларига қисқарган. Шуни айтиб ўтиш керакки, Украина Миллий банкининг валюта резерви ХВФдан олинадиган кредитнинг кўпроқ қисмини олишни кўзда туттган.

Курсни асоссиз тарзда паст даражада ушлаб туриш мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳақида кўпгина иқтисодчи ва сиёsatчилар 1997 йилда айтиб ўтганлар ва Украина Миллий банки 1 АҚШ доллари 2-2,1 гривиндан юқорироқ бўлиши керак деб ҳисоблашган. Бундай сиёsat валюта резервларини сезиларли қисмини иқтисод қилишига имкон берган. Бироқ, кўпчилик иқтисодий кўрсаткичлар ХВФ орқали назорат қилинади ва АҚШ доллари курси билан ҳисоб-китоб қилинади.

1998 йилнинг август ойидан юз берган инқироз давомида Украина Миллий банки томонидан янги валюта коридори жорий қилинган. Унинг вазифаси ўсиб бораётган хавотирга қарамасдан барқарорликнинг муайян кафолатларини яратиш эди. У эса ўша пайтда молиявий бозордаги вазият батамом ҳукумат назорати остидан чиқиб кетмаслиги гарови бўлган. Янги коридор тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши инвесторларга кафолатни таъминлашга қаратилган эди, бу эса ўз навбатида ХВФнинг кредитларни бериш тўғрисидаги қарорига таъсир қилувчи омил ҳисобланарди. Лекин ҳаттоқи, анча паст ёки юқори чегарага эга бўлган коридорнинг жорий қилинишига усиз ҳам анча камайиб қолган Миллий банк заҳираларининг етмаслиги сабаб Украина ҳукумати қўшимча молиявий ва маъмурий чораларни қўллашга қарор қилган. Бу чоралар:

- валюта тушумини мажбурий сотиш;
- биржада валюта сотиб олиш тартибини мураккаблаштиришга олиб келган.

Валютани мажбурий сотиш экспорт сотувларидан келиб тушадиган фойданинг камайиши натижасида экспортнинг камайишига олиб келди. Экспортнинг пасайиши ўз навбатида

хорижий валюта таклифини банклараро валюта биржасида тушиб кетишига олиб келди, ҳамда капиталнинг оқиб кетишига йўл очиб берган. Унинг натижасида миллий валюта курси пасайиб кетган. Шундай қилиб Украина Миллий банкининг мақсади валюта заҳираларини тўлдириш бўлганилиги сабабли мажбурий сотишини жорий қилиш экспортнинг пасайишига ва Украина га доллар оқимининг қисқаришига олиб келган.

Шуни ҳам такидлаб ўтиш керакки, одатда валюта коридори валюта курси маълум белги атрофида тебранган ҳолларда киритилади. Валюта коридори киритилишининг сабаби шундаки, бозор иштироқчиларини валюта рискларидан ҳимоя қиласи ва курс тебраниши курсларининг қисқаришига олиб келади. Валюта курсининг бу ҳолати валюта-резервлари ҳаракат курсининг қаршилиги коридорнинг юқори чегарасига нисбати ҳолатида сарфланади ва ҳаракат қаршилиги қўйи чегара нисбатида ҳосил қилинади.

Коридорни киритганда ўзгармайдиган валюта курсига эришиш юқори чегарадан чиқиб кетиши ўринсиз восита бўлиб, улар валюта резервларининг сарфлинишига олиб келади. Инкиroz ҳолатида бу қулай усул бўлиб, валюта савдоларини ўтказадиган вақтда ўсиш курсининг лимитини киритилишига олиб келади.

Валюта коридори киритилгандан кейин расмий курс тезда юқори чегарага етади ва бунинг натижасида талаб-таклифдан ўсиши валюта коридори мустаҳкам валюта курсига айланади ва мунтазам равишда қўйдагилар вужудга келади:

- қора валюта бозорининг вужудга келиши;
- миллий валютанинг реал нархлар аниқланиши механизмининг натижасида бозор иқтисодиётининг асосий принципларининг бузилиши ва иқтисодиётнинг ёмонлашуви;
- инвестициянинг қисқариши ва чет эл мамлакатларининг молиявий ёрдамига муҳтожлик юзага келади.

Валюта коридорининг яна бир салбий томони бу тижорат банклари фаолиятининг дискреминацияси бўлиб, валюта коридори банкларга шароит яратиш, валютани

савдода бошланғич курсда сотиб олиш ва қўшимча фойда олиш мақсадида уни қимматроқ курсда қайта сотиш усулидан фойдаланишга олиб келади. Бундай ҳолат баъзида банк соҳасида яхши рақобатнинг ёмонлашишига қолган банкларнинг инқирозга учрашишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, баъзи давлатларда кризис бошланишида банкларга очик валюта позициясига эга бўлиш тақиқланган ҳолатлари мавжуд. Бу ҳолат молиявий мустаҳкамликни пасайтиради ва бундай курснинг тушиб кетиши банклар учун валюта рискини оширади.

Кўп иқтисодиётчиларнинг фикрига қўра, келажакда Европа ҳамжамияти билан интеграция талабларини бажариш МДҲ давлатларида миллий валюта курсини такомиллаштириб қолмай, балки уларнинг Европа товар ва хизматлар бозорига киришига кенг йўл очади. Буни шундай тушуниш керакки, Европа молия бозори баъзи МДҲ давлатлари иқтисодиётига жуда яқин, ҳамда қуллайроқ, бундан ташқари, Россия, Беларуссия ва Украина каби давлатлар товар айирбошлишнинг кўп қисмини Европа давлатлар билан амалга оширади.

МДҲ давлатлари ва бошқа Собиқ Иттифоқ давлатлар валюта инқирозларига учраганлар. Ҳукуматнинг радикал ислоҳотларини, иқтисодий эркинлаштиришини ҳеч қандай хавф-хатарсиз олиб бориши, тадбиркорлар учун қулай шароитлар яратиб бериши инқирознинг олдини олиши мумкин.

Маълум давлат доирасида валюта-молиявий инқирознинг вужудга келиш сабаблари валютани бошқариш сиёсати, хусусан, валюта курсининг режими ва тўлов балансини тузишида етарли чораларнинг кўринмаганлиги, шунингдек, бошқа мамлакатлардаги валюта инқирозининг асоратлари натижаси ҳисобланади.

Валюта курсларининг нобарқарорлиги, инқирозларнинг чуқурлашви валюта курсига қаттиқ таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлашга интилувчи валюта курсига доир турли назарияларни ривожлантиришга олиб келади. Сотиб олиш қобилиятининг паритети назарияси мувофиқлаштирувчи валюта назарияси, асосли валюта назарияси, белгиланган курс ва паритет асосида валюта барқарорлиги назарияси сузувчи валюта курслари назарияси, валюта курсининг

норматив назарияси ва бошқалар шулар жумласига киради. Бугунги кунда МДҲ давлатларида қўлланувчи валютани мувофиқлаштириш сиёсати таҳлили учун бу назарияларда тавсифланган мезонларни қўллаш мумкин. Харидорлик қобилияти паритети назарияси мамлакатларда муомалада бўлган пул миқдорининг ўзгариши валюта курсининг ўзгаришини келтириб чиқаради ва валюта курсининг объектив қийматини инкор этади.

Мувофиқлаштирувчи валюта назарияси йўналишига эга силжувчи паритетлар назарияси, паритетлар назарияси, пул бирлигининг олтин паритетини бошқариш йўли билан курсга таъсирини таклиф этади. Кейнс миллий валюта курсини нархга, экспортга, ишлаб чиқаришга, бандликка, ташки бозор учун курашга таъсир этиш учун жойлаштиришни таклиф қилган. Бу тавсиялар 30-йилларда Буюк Британияда ва бошқа мамлакатларда қўлланилган. Курслар мувозанати назарияси, тўлов баланси мувозанатини таъминловчи курс мувозанат нуқтаси ҳисобланади деган тавсияни беради. Кейнс мувозанат принципини қониқтирувчи пуллар улар операциялар бўйича тўлов балансини мувозанатини сақлашлари ва капитал ҳаракати нормал бандлик даражасини таъминлашлари лозим деб ҳисоблайди.

Асосли валюталар назарияси валюталарни асосли, қаттиқ ва юмшоқларга бўлиш шарт деб, бозор иқтисодиёти шароитида резерв валюта сақлаш заруратини тасдиқлади, ҳаттоқи, бу миллий манфаатларга зид бўлса ҳам белгиланган паритетлар асосида валюта барқарорлиги назарияси белгиланган паритет ва курслар режимини тавсия қиласди. Фақатгина тўлов балансининг сезиларли барқарорлигига ўзгаришларга йўл қўяди. Бу назария тарафдорлари иқтисодий математик моделларга таянган ҳолда, валюта курсини ўзгарувчан курсларга мос ҳолда жаҳон бозорида нархлар ўзгаришига етарли жавоб бермаслигини инобатга олган ҳолда тўлов балансини мувозанатда сақлашнинг самарали восита эканлигини эътироф қиласдилар.

Таянч сўзлар

- | | | |
|----------------------|------------|----------|
| ➤ Инқироз; | ➤ Валюта | инқирози |
| ➤ Валютавий инқироз; | манбалари; | |
| ➤ Курс режими; | ➤ Валюта | инқирози |

➤ Валюта назорати; омиллари.

Ўз билимини текшириш учун саволлар

22. Валюта инқирози деганда нимани тушунасиз?
23. Бой ва камбағал давлатлар иқтисодиётiga валюта инқирозлари таъсир қиладими, қандай қилиб?
24. Валюта инқирозининг олдини олиш йўлларини келтиринг.
25. Валюта инқирозига қайси омиллар ижобий ёки салбий таъсир кўрсатади?

VIII боб. Тўлов баланси ва валюта муносабатлари

1-§. Тўлов баланси, унинг моҳияти ва таркиби

Ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши дунёда мавжуд бўлган илфор анъаналарни ўзида жорий қилишга, мамлакат иқтисодиётини жаҳон иқтисодиётига интеграциялаштиришга, умумжаҳон хўйжалик комплексларини юзага келтиришда иштирок қилишга интилади. Натижада умумий эркин савдо ҳудудлари юзага келади. Капитал, хизматлар ва бошқа молиявий ресурслар ҳаракати бўйича халқаро битимлар тузилади товарлар, хизматлар, қапитал ва пул маблағлари ҳаракати бўйича ягона жаҳон бозори юзага келади ҳамда бу ҳол халқаро меҳнат тақсимоти ва рақоботга асос қолади.

Мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш даражаси, ижобий ва салбий томонлари, камчиликлари ва унинг очиқлиги давлатларнинг тўлов балансида ўзининг яққол ифодасини топади.

Тўлов баланси – бу мамлакатнинг турли ташқи иқтисодий муносабатлар бўйича четга тўлайдиган валюта ва четдан келиб тушадиган валюталарнинг ҳақиқий нисбатини ўзида ифодаловчи, жамловчи баланс ҳужжатидир.


Тўлов баланси мамлакат резидентларининг бошқа мамлакат резидентлари билан маълум бир даврда амалга оширадиган иқтисодий битимларининг натижаларини ўзида мужассамлаштиради. Одатда тўлов баланси 1 йилга тузилади ва шу мuddат ичida мамлакатга ҳақиқатга келиб тушган барча валюта тушумлари ва барча валюта чиқимларини ифодалайди.

Тўлов баланси мамлакатнинг бошқа мамлакатлар иқтисодий муносабатларининг ҳолатини миллий иқтисодиётнинг ҳолатини белгилаб беради. Тўлов балансининг ҳолати мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан иқтисодий муносабатларининг ишончлиги, мамлакат иқтисодиётининг барқарорлиги ва сифат даражаси кўрсатади ва мамлакат иқтисодиётида мавжуд муаммолар ва уларнинг олдини олиш бўйича чоралар ишлаб чиқишга асос солади.

Тўлов балансини тузиш услуби Халқаро Валюта Фонди томонидан ишлаб чиқилган ва ҳар бир битим бўйича икки

ёқлама ёзув (трансакция) тамойили асосида олиб борилади. Тўлов баланси бўйича ҳисоб рақамининг кредит томонида экспорт, олинган даромад, пассивларнинг ошиши ва активларнинг камайиш, дебет томонида импорт, тўланган валюта, пассивларнинг камайиши ва активларнинг ошиши (кўпайиши) акс эттирилади. Тўлов балансида четга тўловлар суммаси ва Σ - четдан тушумлар суммаси кўрсатилади. Тўлов балансининг умумий қисмларини куйидаги схемада таърифлаш мумкин.

16-схема
Тўлов балансининг таркибий қисмлари.



Юқоридаги бўлимлар бўйича бир вақтнинг ўзида мамлакатга валюталар келиб тушади ва мамлакатдан валюталар чиқиб кетади ва бу мамлакатдаги валюта заҳирасининг кўпайишига ёки камайишига олиб келади, одатда жорий операциялар ва капитал билан молиявий операциялар бўйича юзага келувчи номутаносиблик мамлакатларнинг расмий валюта резерв ҳисобидан қопланади.

Тўлов баланси мамлакатнинг географик чегарасига қараб эмас, балки резидент яъни битим қатнашчиларининг миллий

жойлашув ўрнига қараб тузилади. Битим қатнашчиларининг миллий иқтисодий ва ҳуқуқий ҳудуди, ундаги хўжалик субъектларининг фаолиятини ўзида ифодаловчи иқтисодий манфаатлар маркази, трансакциялар, товарларни ва хизматларни сотиш ва сотиб олиш ёки турли пул ўтказмалари (кредит) қимматли қоғозлар, қарзларни, фоиз, дивидентларни тўлаш, битимларнинг бозор баҳоси каби тушунчаларни мужассамлаштиради.

Тўлов баланси мамлакат резидентлари билан чет эл резидентлари ўртасида бўладиган трансакцияларнинг барчасини ўзида ифодалайди, яъни операциялари, кўрсатиладиган хизматлар, қимматли қоғозларни сотиш ва сотиб олиш, молиявий битимлар, совгалар, молиявий ёрдамлар ва бошқаларни ўз ичига олади.

Иқтисодий моҳияти бўйича тўлов баланси маълум даврга тузиладиган ва аниқ бир санага тузиладиган балансларга бўлинади. Одатда маълум бир даврга (1 йил, чорак) тузилган тўлов баланси мамлакатнинг халқаро иқтисодий муносабатлари бўйича тўлиқ маълумот беради ва таҳлил қилиш учун қулай ҳисобланади.

Тўлов баланси - мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларининг масштаби, таркиби ва хусусияти тўғрисида миқдор ва сифат тавсифини беради.

Тўлов баланси - аниқ бир вақт мобайнидаги чет элдан келган тушумлар ва чет элга қилинган тўловлар миқдорининг нисбатидир.

Тўлов баланси даврли ва фурсатли бўлади. Даврли тўлов баланси аниқ бир вақт (йил, ой, чорак) оралигига тушумлар ва тўловларнинг ўзгаришини ва давлатнинг ташқи иқтисодий фаолияти соҳасидаги ўзгаришлар ва иқтисоднинг ҳолати, ривожланишини ифодалайди. Фурсатли (аниқ бир муддатдаги) тўлов баланси статистик кўрсаткичларни чоп этиш шаклида эълон қилинмаса ҳам, маълум бир вақтда бажарилиши лозим бўлган кунлик тўлов ва тушумлар нисбатини ифодалайди.

Агар валюта тушумлари тўловлардан ошса баланс актив, акс ҳолда пассивдир. Ҳисоб-китоб баланси ва тўлов баланси орасидаги фарқлар қўйидагидан иборат:

тўлов балансида мамлакатнинг валюта тушумлари ва тўловлари ўз ифодасини топади, ҳисоб балансида эса,

давлатнинг ташқи иқтисодий алоқалар бўйича талаб ва мажбуриятлари ҳисобга олинади;

тўлов баланси фақат реал тушум ва тўловларни ифодалайди, ҳисоб-китоб баланси эса хали тўланмаган қарз ва мажбуриятларини ҳам ўз ичига олади;

тўлов балансида ҳисоб-китоб балансида ўз ифодасини топган хали «узилмаган» берилган ва олинган кредитлар ҳисобга олинмайди;

тўлов ва ҳисоб-китоб балансларининг охирги қолдиқлари-актив ёки пассив бўлиши моҳияти жиҳатдан мос келмайди ва қарама-қаршидир. Чунки кредитор давлатларнинг ҳисоб-китоб баланслари асосан актив, тўлов баланслари эса пассив (АҚШ, Германия, Япония ва бошқалар) бўлиши мумкин. Қарздор мамлакатларда эса пассив ҳисоб-китоб баланси қолдиги баъзи вақтларда актив тўлов баланси қолдигига тўғри келади;

тўлов баланси фақат тўланган экспорт ва импортни ўз ичига олади, ҳисоб-китоб баланси эса хали тўланмаган, кредитга берилган товарооборотни ҳам ўз ичига олади.

Шундай қилиб, тўлов ва ҳисоб-китоб баланслари орасидаги фарқ халқаро кредит муносабатларининг ривожланиши билан аниқланади. Эълон қилинувчи тўлов баланслари операциялари хусусиятига кўра икки асосий бўлимни ўз ичига олади:

1 – бўлим - жорий операциялар бўйича тўлов баланси:

ташқи савдо операцияларидан тушумлар ва савдо баланси;

хизматлар (халқаро юк ташишлар, фрахт, суғурта ва бошқалар) ва нотижорат (патентлар бўйича ҳисоб-китоблар, техник ёрдам) баланси, инвестиция бўйича даромад ва тўловлар.

2 – бўлим - капитал ва кредит ҳаракати баланси
(қисқа ва узоқ муддатли операциялар)

Тарихан ташқи савдо халқаро иқтисодий алоқаларни олиб бориш ва ривожлантиришининг бошлангич нуқтаси ҳисобланган. Шунинг учун ҳам ташқи савдо тўлов балансида асосий ўринни эгаллайди. Товарларни экспорт ва импорт қилиш жараёни ташқи савдо балансида ўз ифодасини топади. Алоҳида олинган давлатнинг ташқи савдо баланси актив ёки пассив бўлиши мумкин. Бу ҳол мамлакатнинг ташқи

иқтисодий алоқаларининг ривожланиш даражасига, мамлакатнинг жаҳон бозоридаги мавқеига, унинг экспорт қудратига ва бошқа сабабларга боғлиқ бўлади. Баъзи Япония, Германия каби ривожланган мамлакатларнинг ташки савдо балансининг актив қолдиққа эга бўлиши бу давлатларнинг бошқа хорижий мамлакатлар заминида иқтисодининг ривожланишига асос бўлмоқда.

Хизматлар баланси юкларни етказиб бериш, сугурталаш, электрон, телеграф, телефон, алоқанинг бошқа турлари, ҳалқаро туризм, тажриба алмашиш, дипломатик хизматлар, илм-маданият соҳасида анжуманларни ўтказиш, ярмарка, рекламалар ўтказиш ва бошқалар билан боғлиқ бўлган хизматлар бўйича бўладиган чет эл валютасидаги тўловларни ва тушумларни ўз ичига олади.

Капитал ва кредитлар ҳаракати баланси давлат ва хусусий капиталнинг кириб келиши ва чиқиб кетиши, ҳамда, ҳалқаро кредитлар бериш ва олиш билан боғлиқ бўлган операцияларни ифода қиласди. Ўзининг муддатлилигига қараб капитал ва кредитлар оқими қисқа муддатли ва узоқ муддатли бўлиши мумкин.

Капитал ва кредит оқими балансига «хатолар ва ҳисобга олинмаган» моддаси бириттирилади. У қисқа муддатли капиталнинг ҳисобга олинмаган ҳаракатини ифодалайди. Валюта захираларининг ўзгариши Марказий банкларнинг Ҳалқаро валюта операцияларини белгилайди, улар тўлов балансини тенглаштириш ва миллий валюта курсини ушлаб турish билан боғлиқдир. АҚШда жорий тўлов баланси «доимий» пассивдир. Манфий қолдиқ 1988-1994 йиллари 100 млн. АҚШ доллар (йилига) атрофида бўлди, ташки қарзнинг табиий тўпланиши юз бермоқда. Шу билан биргаликда АҚШда бошқа мамлакатларнинг мажбуриятлари йиғилмоқда. Бир қатор давлатларда (Германия, Япония, Швейцарияда) актив қолдиқ кўзга ташланади. Шу давр ичida йиллик соф актив Германияда 51 млн. АҚШ доллар, Японияда 40,8 млн. АҚШ доллардир. Шимол-Жануб молиявий ўзаро алоқалари натижасида «учинчи дунё» мамлакатларининг қарзи 90-йиллар бошида 1,5 трлн. АҚШ долларга етди.

Тўлов балансининг қолдиғи аниқланганда, унинг моддалари асосий ва балансловчиларига бўлинади. Асосий

моддаларга тўлов баланси қолдигига таъсир этадиган ва нисбий мустақилликка эга операциялар киради:

жорий операциялар ва узоқ муддатли капитал ҳаракати.

Балансловчи моддаларга мустақилликка эга бўлмаган, ёки чекланган мустақилликка эга операциялар киради. Булар тўлов баланси қолдигини тугатиш манбалари ва воситалари бўлиб, уларга:

валюта захиралари ҳаракати;

қисқа муддатли активларнинг ўзгариши;

хорижий ёрдамнинг баъзи бир турлари;

ташқи давлат заёmlари ва бошқалар киради.

Асосий ва балансловчи моддаларнинг якуний кўрсаткичлари бир - бирини қоплайди, яъни тўлов баланси расман мувозанатлашади.

Агар тўловлар тушумлардан ошса, тақчилликни қоплаш муаммоси пайдо бўлади. Бунинг учун анъанавий манбалар ва усуllар, яъни зайд ва тадбиркорлик капиталини киритишидан фойдаланилади. Бу вақтинчалик усуlldир, чунки қарздор давлат фоиз, девиденд ва заём суммасини тўлаб бериши лозим.

Пассив қолдиқ балансини қоплашнинг янги усули Марказий банкларнинг миллий валютада берадиган своп келишуви бўйича қисқа муддатли кредитидир.

Тўлов балансининг вақтинчалик тақчиллигини қоплаш учун ХВФ аъзо давлатларга резерв (шартсиз) кредитини беради (квотанинг 25 % чегарасида).

Ривожланган давлатлар ўз тўлов баланси дефицитини қоплаш учун банк консорциумлари кредитлари, облигацияли заёмлардан фойдаланадилар.

Тўлов баланси тақчилини вақтинчалик қоплаш усуllарига шунингдек, «хорижий ёрдам» линиясидан олинган имтиёзли кредитлар киради.

Тўлов балансини баланслашнинг охирги усули бу расмий олтин-валюта захиралардан фойдаланишидир.

Тўлов балансини якуний баланслашнинг асосий усулига чет эл конвертиранадиган валюта заҳираси киради.

70-йиллардан бошлаб тўлов баланси тақчилигини қоплаш учун хорижий валютани сотиб олишда СДРдан фойдаланила бошлади. 1979 йилдан бошлаб ЕВТ давлатлари бу мақсадда ЭКЮ дан ҳам фойдаланади. Тўлов баланси

тақчилигини қоплашнинг охирги воситаси субсидия ва инъомлар тарзидаги хорижий ёрдам ҳисобланади.

Тўлов балансини мувозанатлашнинг ёрдамчи усулларига чет эл ва миллий қимматли қоғозларни чет эл валютасига сотиш ҳам киради.

Масалан, АҚШ пассив қолдиқни қоплаш мақсадида хазина облигацияларини хорижий давлатлар Марказий банкларида сақлайди.

2-§. Тўлов балансини тузиш схемаси

Халқаро иқтисодий алоқалар натижасини баҳолаш ва кўламини ҳисоблашга уринишлар XIV аср охирларига тўғри келади.

XX аср бошларида АҚШ ва Англияда тўлов балансини тузиш усуллари кенг ривож топди. 1923 йилда АҚШда 1922 йилги кўрсаткичлар натижалари бўйича тўлов балансини тузиш ва уни эълон қилишга уриниш бўлган. 1943 йили америка иқтисодчиси Х.Лэри АҚШнинг 1919-1939 йилги тўлов балансини тузди. Унинг асосида иккинчи жаҳон урушидан кейин тўлов баланси тузилди. 1946 йилдан бошлаб чорак ва йиллик тўлов баланслари ҳисоботлари АҚШ савдо Вазирлиги журналида чоп этила бошлади.

1947 йили БМТ ҳужжати сифатида тўлов баланси схемаси яратилди. У ХВФнинг тўлов балансини тузиш шакллари ва тамойилларини ишлаб чиқишга асос бўлди. ХВФ «тўлов баланси бўйича қўлланма» чиқариб ривожлантиришни давом эттирди. Улар ўз схемаларини универсаллаштиришга ҳаракат қилишди, чунки бу ривожланган ва ривожланаётган давлатлар балансларини солиштириш имконини беради. Жорий маълумотларни қайта ишлаб ХВФ экспертлари аниқликлар киритади, норасмий маълумотлардан фойдаланишади, тўлов баланслари моддаларини қайта гурӯхлашади ва бошқа ишларни бажаришади. Бу текширилаётган жараённи кўлами тўғрисида фикр юритищ имконини беради.

ХВФ қўлланмасига биноан тўлов баланси моддалари классификацияси.*

А. Жорий операциялар *

Товарлар

Хизматлар

Инвестициялардан даромадлар
Бошқа хизматлар ва даромадлар
Хусусий бир томонлама ўтказмалар
Расмий бир томонлама ўтказмалар
Жами А: жорий операциялар баланси.

Б. Тўғри инвестициялар ва узоқ муддатли капитал
Тўғри инвестициялар

Портфел инвестициялар
Бошқа узоқ муддатли капитал
Жами: А+В (АҚШнинг базис баланси концепциясига мувофик)* *

С. Бошқа узоқ муддатли капитал.

Д. Хато ва ҳисобга олмайдиган қисмлар

Жами; А+В+С+Д (АҚШ . ликвидлик концепциясига мувофик)*

Е. Балансловчи моддалар.

Олтин-валюта резервларининг қайта баҳоланиши

СДРнинг тақсимланиши ва ишлатилиши

Олтин-валюта резерви ҳаракати

Ф. Колдиқни қоплашнинг фавқулотдаги манбалари.

Г. Хорижий расмий қўмиталарнинг валюта резервларини ташкил этувчи мажбуриятлар.

Жами: А+В+С+Д+Е+Ғ+Ғ (АҚШнинг базис баланси концепциясига мувофик)*

Н. Резервларнинг якуний ўзгаришлари.

Олтин

СДР

ҲВФ нинг резерв ҳолати

Хорижий валюта

Бошқа талаблар

ҲВФ кредитлари

Тўлов балансини схемаси олдинги параграфда келтирилган тўлов балансининг таркибий қисмлари валюта ҳаракати бўйича тўлов баланси валюта тушуми ва валюталар чиқими ёки ҳаражати ифодаланиши кўрсатади. Ҳалқаро валюта фондининг кўрсатмасига асосан кўпгина давлатлар тўлов балансини икки асосий йўналиш бўйича: жорий операциялар баланси ва капитал билан молиявий операциялар (капитал ҳаракати) балансини тузадилар. Бу

баланслар актив ёки пассив қолдик билан якунланиши мүмкін.

Жорий операциялар баланси – товарлар, хизматлар, жорий трансферлар ва даромадлар бўйича, ташки иқтисодий алоқалар бўйича валюта тушуми ва харажати ўртасидаги нисбатни кўрсатади. Бу баланснинг ижобий (актив) қолдиги мамлакатнинг бошқа мамлакат учун кредитор эканлигини, пассив ёки салбий қолдик мамлакатларнинг бошқа мамлакатлардан қарздор эканлигини кўрди.

20-жадвал

Жорий операциялар баланси

Тушум	Чиқим
1. Товарлар ва хизматлар экспорти 2. Трансферлар: - чет элдаги инвестициялардан тушум - мазкур давлатдаги чет эл фуқа-роларга тўловлар (пенсия, алимент, совғалар, пул ўтказмалари ва б.) 3. Чет элдан молиявий ёрдам	1. Товарлар ва хизматлар импорти 2. Трансферлар: - мамлакатдаги чет эл инвестициясидан келган даромадларнинг тўланиши - чет элликларга трансферт тўловлари - резидентларнинг чет элдан активлар сотиб олиниши 3. Чет элга молиявий ёрдам
Жорий операциялар қолдиги +	Жорий операциялар қолдиги -

Жорий операциялар баланси савдо баланси, хизматлар баланси, жорий трансфер тўловлар баланси, четдан тушум кабиларни ўз ичига олади.

Савдо баланси товарлар экспорти ва импортини ўзида ифодалаб йил охирида ижобий ёки салбий қолдиқقا эга бўлди. Балансни тузганда экспорт «+» белгиси билан импорт «-» белгиси билан ифодаланади ва «+» мамлакатдан валюта келиб тушушини «-» мамлакатдан валюта чиқиб кетишини ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда савдо балансидан экспорт қанчалик даражада импортни қоплай олиши тўғрисида маълумот олиш мүмкін.

Кредитга сотиб олинган товарлар бу ерда акс эттирмайди. Савдо балансининг активлиги ёки пассивлиги

иқтисодий аҳамиятга эга ва унинг талқини давлатларнинг жаҳон хўжалигига тутган ўрни, ҳамкорлари билан алоқалари характеристи ва умумий иқтисодий сиёсатига боғлиқ. Бир қатор саноати ривожланган мамлакатлар (Япония, Германия ва бошқалар) учун савдо балансининг актив қолдиги хорижда 2-иқтисодиётни яратиш учун қўлланилади.

Тўлов балансининг пассив қолдиги одатда давлатнинг жаҳон хўжалигига мавқеи заиф эканлигини билдиради. Бу ҳол валюта тушумларининг танқислигини сезаётган ривожланётган мамлакатлар учун айниқса хосдир. Саноати ривожланган мамлакатлар учун бу бошқа маъно касб этиши мумкин. Масалан, АҚШнинг савдо балансидаги тақчиллик мураккаброқ товарларни ишлаб чиқараётган унинг ҳалқаро рақобатдошларининг (Гарбий Европа, Япония, Ганконг, Тайвань, Жанубий Корея ва бошқалар) бозорда фаол олдинги ўринларни эгаллаши билан боғлиқ деб тушунилади.

- хизматлар ва тижорат характеристига эга бўлган тўловлар баланси. Бу балансда қуйидаги операциялар бўйича юзаги келадиган тўловлар ва тушумлар суммаси акс эттирилади.

1. Хорижий давлатларда дипломатик ва савдо ваколатхоналарини очиш ва уларни сақлаш.

2. Хорижий давлат ҳудудида ҳарбий қисмларни сақлаш.

3. Спорт алоқалари.
4. Маданий алоқалар.
5. Ҳалқаро кредитларга фоиз тўлаш ва фоиз олиш.
6. Пул ўтказмалари.
7. Илмий техника алоқлари.
8. Юқ ташиш ва жўнатиш.
9. Бошқа тўловлар ва тушумлар.

Хозирги кунда Гарбий Европада 10 млн.дан ортиқ хорижлик ишчилар мавжуд. Улар асосан Туркия, Германия, Португалия каби давлатларнинг фуқаролариdir. Бу эмигрант ишчиларнинг 80 %и Буюк Британия, Франция, Германия каби мамлакатларда ишлайди. Улар ишлаб топган пулларнинг бир қисмини ўз давлатига жўнатиб туради.

Бу баланс мамлакат нафакат товар экспорт қилишдан, балки транспорт, брокерлик, саёҳлик, илм-фан соҳасида ва бошқа соҳаларда бошқа давлат жисмоний ва юридик

шахсларига турли хизматлар кўрсатишдан ва бошқа давлатлар турли субъектларининг хизматларидан фойдаланиш мумкинлигидан далолат беради. Хизматлар балансида шу хизматлар бўйича валюта тушумлари ва чиқимлари ҳисобга олиб борилади.

Мамлакат савдо балансида салбий қолдиққа эга бўла туриб, хизматлар балансида ижобий қолдиққа эга бўлиши мумкин ва аксинча.

Трансфер тўловлари аҳоли ва давлатларнинг пул ўтказмалари, турли ҳадия ва совфа-инъомларни ўзида акс эттиради ва шу жараёнлар бўйича мамлакатга келиб тушувчи ва мамлакатдан чиқиб кетувчи валюталар оқимини ўзида мужассамлаштиради. Бу бўлимга яна турли пенсия, стипендия, нафака каби тўловлар, халқаро ёрдам, грантлар, субсидия кабилар ҳам киради.

Капитал билан молиявий операциялар баланси – капитал (қарз, инвестиция, кредит)нинг мазкур давлатдан чет элга ва аксинча чет элдан мазкур давлатга ҳаракатини ифодалайди. Бу баланс моддий ва молиявий активларни сотиш ва сотиб олиш билан боғлиқ капитал оқимини акс эттириб, у узоқ муддатли инвестициялар (тўғри ва портфел инвестициялари), қисқа муддатли маблағлар миграциясини ҳам ўз ичига олади.

Тўлов балансида тўғри ва портфел инвестициялар туркумига киритилмаган бошқа инвестициялар, резервлар, бўнаклар, муддати ўтган тўловлар халқаро валюта фондларининг узоқ муддатли кредитлари ҳам ўз ифодасини топади. Тўлов балансини тузиш жараёнида барча тузилган битимлар, капитал ёки хизматлар, соҳасида баҳолар ва ваколатларнинг бир хилмаслиги, турли хато ва ташлаб кетишиларга йўл қўйишига олиб келиш мумкин. Шу сабаб тўлов балансида «Хато ва тушшиб қолишлар» деган моддаси мавжуд бўлиб, унда статистик хатолар, қайд этилмаган операциялар инобатга олинади.

Одатда бу модда суммаси ҳар йили барқарор, минимал миқдорда бўлади. Агарда унинг миқдори сезиларли даражада бўлса, у ҳолда бу:

- тўлов балансини тузиш учун тақдим қилинган ташқи иқтисодий алоқалар, савдо бўйича ҳужжатларда хатолар мавжуд эканлигидан;

- ёки рўйҳатдан ўтмаган капитал оқими мавжуд эканлигидан далолат беради.

Тўлов балансининг икки асосий қисми: - жорий операциялар ва капиталлар ҳаражати баланси бир бири билан узвий боғлик. Жорий операцияларнинг дефицити товарлар ва хизматларни экспорт қилиш товарлар ва хизматларни импорт қилишни тўлашга етарли эмаслигини кўрсатади. Бу дефицитни четдан ёрдам (қарз) олиш йўли билан ёки четга молиявий ёки моддий активларни сотиш йўли билан молиялаштирилади. Охирги жараён эса капиталлар ҳаракати балансида ўз ифодасини топади ва аксинча, биринчи баланснинг ижобий қолдиққа эга бўлиши четдан молиявий ва моддий активлар сотиб олиш, яъни иккинчи баланс бўйича пул маблағларини, четга чиқиб кетишини ўзида акс эттиради.

3-§. Тўлов балансни тузишнинг методологик асослари

Тўлов балансини тузиш ХВФ тавсия қилган усул асосида ҳар бир битим бўйича икки ёқлама бухгалтерия ёзувига асосан олиб борилади. Баланс ҳисобрақамининг кредитида экспорт, олинган даромад, пассивларнинг ошиши ва активларнинг камайиши дебет томонида – импорт, тўланган даромад, пассивлар камайиши ва активлар кўпайиши акс эттирилади.

Тўлов балансида битим бажарилиш вақти икки ёқлама ёзувда акс эттирилади, яъни валюта тушуми ва чиқимини кўрсатади.

Тўлов балансида маҳаллий ва чет эллик резидентлар ўртасида амалга оширилади барча савдо операциялари, хизматлар, қимматли қоғозларни сотиш ва сотиб олиш, хадия ва ёрдамлар, ҳамда бошқа молиявий муносабатлар акс эттирилади. Барча операциялар бўйича юзага келадиган валюталар оқими баланснинг тушумлар ва чиқим (харажат)лар қисмларида ўз ифодасини топади. Тўлов баланси одатда 1 йилга баъзи ҳолларда чораклик ҳам тузилиши мумкин.

Умумий ҳолда тўлов балансида келтириладиган барча операцияларни жорий операциялари (экспорт, импорт, фоиз тўловлар ва ҳоказо) ва капитал ҳаракатига бўлиш мумкин.

Аникроқ қилиб бу моддаларни қуидаги жадвалда келтиришимиз мүмкін.

21-жадвал

Тұлов балансининг умумлашган шакли

Тұлов баланси моддалари

1. Жорий операциялар баланси ($1.1 + 1.2 + 1.3$)

1.1. Савдо баланси.

- товарлар экспорти;
- товарлар импорти

1.2. Хизматлар баланси.

- нофактор операциялар (фрахта, сұгурта, туризм ва бошқалар);
- капитал бүйічча хизмат (фойдани ўтказиш, фоизлар олиш);
- Мемлекет бүйічча харажатлар (чет әлда ишлаб топилған пулларни уйига юбориш ва бошқалар)

1.3. Бир томонлама трансферлар

- хусусий пул ўтказишлар ва ҳадаялар;
- давлат трансферлар

2. Капитал қаракати баланси ($2.1 + 2.2$)

2.1. Хориждан олинған соғ инвестициялар;

2.2. Хориждан олинған соғ кредитлар:

- қисқа муддатлы;
- узоқ муддатлы

3. Хато ва тушириб қолдирилған моддалар.

4. Тұлов баланси жами ($1 + 2$)

Чет әл валютасининг соғ расмий (давлат) захирасининг ўзгариши.

Тұлов балансининг кредитида мамлакат резидентлари оладиган тушумлар, дебетида мамлакатта келиб түшгандай товар ёки хизматлар учун резидентлар томонидан тұланған валюталар оқими акс эттирилади.

Түлов балансининг таҳминий структураси

Кредит	Дебет
1. Истеъмол товарлари экспорти	3. Истеъмол товарлари импорти
2. Ҳарбий мудофаа маҳсулот экспорт	4. Ҳарбий мудофаа маҳсулот импорт
Савдо баланси = 1+2-3-4	
5. Хизматлар экспорти (инвестициялардан тушум, чет эл туризмдан тушум ва бошқалар)	6. Хизматлар импорти (маълум бир мамлакатга инвестициялардан фойда ўтказиш, чет элга туризм учун түловлар ва бошқалар)
	7. Четдан соғ ўтказмалар
Жорий операциялар баланси = савдо баланси + 5-6-7	
8. Норезидентларнинг қарзлари	9. Норезидентларга шахсий кредитлар
Капитал ҳаракати баланси = 8-9	
Умумий баланс = жорий түлов баланси + капитал ҳаракати баланси	
10. Чет эл ҳукуматининг қарзлари	11. Давлат резервларини кўпайиши (кенгайиши)
Жами кредит	
Жами дебет	

Түлов балансининг дебети маълум бир давлатга кириб келаётган бойликларни кўрсатади. Чет элликларни кредитлаш дебет операцияси сифатида қаралади, шунингдек, ҳалқаро импорт мажбуриятлари сифатида ифодаланади. Шунинг учун ҳам мамлакатнинг маҳсус резервларини кўпайиши дебетда аниқланади, камайиши эса, кредитда бўлади.

Түлов балансида жами кредит суммаси жами дебет суммасига teng бўлиши керак.

Жорий операциялар баланси фақатгина савдо баланси қолдиги ҳақида маълумот бермасдан, шу билан бирга экспорт ва импорт хизматлари, шунингдек, бир томонлама трансферлар (пенсиялар, соввалар, пул ўтказишлар ёки бошқа чет эл ҳукуматидан ёрдамлар) кабиларни ҳам ифодалайди.

Ижобий баланс қолдиги жорий операцияларда мамлакатнинг соғ инвестори сифатида бошқа мамлакатлар

билин муносабатини англатади, ва аксинча, ҳолат жорий операциядаги тақчилликни билдиради. Бу ўз навбатида мамлакатдаги чет эл инвестицияларини қисқартиради ва мамлакат импорт маҳсулотларининг пулини тўлаш, етказиб берилган ва кўрсатилган хизматлар, ўтказмаларни тўлаш бўйича соф қарздор бўлиб қолади.

Ууман олганда, жорий операция баланси ўзида миллий даромад ва миллий харажатлар ўртасидаги фарқни кўрсатиб беради.

Капитал оқими мамлакатдан мамлакатга капитал ҳаракатини ифодаловчи капитал ҳаракати балансида кўрсатилади.

Шу нуқтаи назардан, капитал ҳаракати ҳисобварафида активлар билан халқаро олди-сотди келишувлари, яъни акцияларни, облигацияларни, кўчмас мулкларни ва бошқаларни сотишдан тушган тушум чет элликларга ҳам харажат, четдан актив сотиш, сотиб олиш натижалари кўрсатилади. Бошқача қилиб айтганда бу фикрни қуидаги тенглик бўйича ифодалаш мумкин.

Капитал	=	Активларни	Четдан активларни
ҳаракати	=	сотишдан	сотиб олиш учун
баланси		тушумлар	қилинган харажатлар

Чет элга активларини сотиш мамлакатнинг чет эл валюта заҳираларини кўпайтиради ва аксинча, сотиб олиш уларни камайтиради.

Капитал ҳаракати ҳисобварафидаги ижобий қолдик мамлакатга соф кириб келадиган капитал оқимини аниқлаб беради.

Активларни сотиб олиш учун қилинган харажатлар четга уларни сотишдан тушган даромадлардан юқори бўлса, у аксинча, капиталнинг оқиб кетиши ҳисобварафидаги тақчилликни кўрсатади.

Жорий тўлов балансидаги капитал ҳаракати баланси ҳақидаги маълумот умумий ёки расмий балансда умумлаштирилади.

Айнан умум баланс қолдиги одатда тўлов баланси қолдиги ҳам деб аталади.

Тўлов балансининг тақчилигини Марказий банкнинг расмий резервларни қисқартириш ҳисобидан молиялаштириш мумкин. Бу ҳолатда ички бозорда хорижий валютага бўлган таклиф ошади. Бу операциялар экспортга монанд ҳисобланади, баланснинг кредит томонда қўшув ишораси (ҳатто бу операция туфайли Марказий банкнинг валюта заҳираси камайса ҳам) билан ҳисобга олинади. Бундай ҳолда ички бозордаги хорижий валюта нисбатан таклифининг бир мунча камайиши, унинг алмашув курсининг ошишига олиб келади. Бу иқтисодиётнинг мутанносиблашувга салбий таъсир кўрсатади.

Аксинча, тўлов балансининг актив қолдиги Марказий банк расмий валюта резервларининг ўсиши билан кузатилади. Бу бўлса дебетида минус ишора билан акс эттирилади, чунки бу операция ички бозордаги хорижий валюта таклифини камайтиради ва импортга монанд ҳисобланади. Бунда ички бозордаги миллий валюта таклифининг нисбатан бирмунча кўпайиши, унинг алмашув курси эса бир мунча пасайишига олиб келади. Бу эса иқтисодиётга рафбатлантирувчи таъсир кўрсатади.

Марказий банкнинг хорижий валютани бундай олди-сотдилари расмий резервлар билан операциялар дейилади. Бу операциялар қоидага кўра Марказий банк томонидан белгиланган валюта курси режимининг ушлаб туриш учун ўтказилади. Расмий резерв билан операциялар натижасида жорий ҳисоблар қолдигининг суммаси капитал ҳаракати ҳисобварақ ва резерв миқдорининг ўзгариши нолга teng бўлиши керак.

Умумий баланс дефицити мамлакатга хорижий валюта оқимининг кўпайишига, профицити эса унинг камайишига олиб келади.

Мамлакат умумий балансида дефицит мавжудлиги унинг Марказий банк фаолияти билан боғлиқ. Агар Марказий банк хорижий валютани сотиб олмаган ва сотмаган бўлса, у валюталар алмашув курси тўлов баланси дефицити ёки ижобий қолдиги бартараф қилиш даражасида автоматик равишда белгилаш мумкин.

Капитал ҳаракати
балансининг ижобий қолдиги жорий

операцияларни молиялаштириш, аксинча, жорий операциялар актив капитал ҳаракати баланси дефицитини молиялаштираётган бўлар эди.

Масалан, Япония тўлов балансида Англия фирмаси томонидан Япония импортёрига 50 млн. долларлик асбобускуна сотилишини ҳисобга олинишни изоҳлаймиз.

Импорт қилувчи давлат банки Англия фирмасининг Япония банкидаги ҳисобига 50 млн. долларни ўтказади. Битим 2 қисмга бўлинади: импорт бўлимида акс эттирилган товарни юклаб жўнатиш ва товар пулини тўлаш унинг натижасида немис фирмасининг Япония банкидаги маблағи ошади. Банк операциясининг ўзи эса "Хорижий мажбуриятлар ўзгариши" бўлимида белгиланади.

Бу икки ёзув ҳисобининг тартиби шундай белгиланганки, бу операциялар йигиндиси нолга тенг бўлади. Хусусан, импорт жадвалда минус ишора билан акс эттирилади. Хорижий мажбуриятларнинг қўпайиши капитал ҳаракати балансида ижобий плюс ишора билан белгиланади. Агар бу операция ягона бўлганда хорижий операциялар балансининг пассив қолдиги минус 50 млн. доллар ва унга мос равища капитал ҳаракати баланси плюс 50 млн. долларга тенг бўлар эди.

Юқорида изоҳланган битимдан олинадиган капитал оқимидан Япония давлати жорий операциялар баланси дефицитини молиялаштириш учун фойдаланиш мумкин деб таъкидласа бўлади. Тўлов балансини тузишда қуйидаги қоидалар қабул қилинган:

- Экспортдан олинадиган даромадлар ва хориждан келадиган, тўланадиган фоизлар тўловларидан даромадлар жорий операциялар ҳисобварафидан плюс ишора билан белгиланади.

- Импортга тўловлар ва хорижий мажбуриятлар бўйича фоизлар тўловлари жорий операциялар ҳисобварафидан «минус» ишора билан белгиланади.

- Хорижийликларга молиявий талабларнинг ўсиши ва хорижийликлар олдидағи мажбуриятларнинг камайиши капиталнинг чиқиб кетиши капитал ҳаракати балансида «минус» ишора билан белгиланади.

- Хорижийликларга молиявий талабларнинг камайиши ва хорижийликлар олдидағи мажбуриятларнинг қўпайиши

капитал ҳаракати балансида «плюс» ишора билан белгиланади.

Баъзида, статистик ҳисоб-китоблардаги ҳар хилликлар ҳам тўлов балансининг ноллик натижа олмаслигига сабаб бўлиши мумкин. Агар ҳалқаро битим алоҳида белгиланганда, унда моддалар сабабларга кўра баланслашган (тengлашган) бўлиши мумкин. Лекин одатда битимлар амалга оширилишига қараб балансда акс эттириб борилади. Баланс тузиш билан шуғулланаётган мутахассислар, кўпгина ҳолларда савдо (экспорт ва импорт) оқимларини ва капитал оқимларини (қолган дунёга нисбатан ҳақиқий молиявий талабларнинг ўзгариши) алоҳида ҳисобга оладилар. Улар ҳалқаро товар оқимлари тўғрисида божхона хизматларидан ҳисботлар, молия бозорларидан – талабларни ўзгарганлиги тўғрисида ва хорижликлар олдидағи мажбуриятлар тўғрисида ҳисботлар оладилар. Лекин кўпгина савдо-молия битимлари, баъзи ҳолларда бу ҳисботлардан ташқари қолиб кетади, чунки бу битимларнинг сони кўп ва уларни ҳаммасини ҳисобга олиш қийин. Айрим ҳолларда бу битимларни яшириш ҳоллари (пулларни яшириш, ноқонуний пулларнинг келиб тушиши, шубҳа тугдирувчи ҳолатларини беркитиш ёки солиқлардан кочиш) ҳам учраб туради. Бу ҳолдаги сабабларга кўра, тўлов балансида маҳсус моддаси мавжуд (хатолар ва тушириб қолдирилганлар). Унда жорий операциялар ҳисоб рақамидаги teng сумма ва капитал ҳаракати баланси акс этган, лекин қарама-қарши белги билан ва ҳисоб рақамлардаги барча моддалар хусусан, «Хатолар ва тушириб қолдирилганлар» моддасида нолларга тенглаштирилади. Одатда, бу моддадаги кўрсатилган суммалар катта эмас ва ўзгармасдир.

23-жадвал

Тўлов балансининг таҳминий модели

Тўлов балансининг муддатлари	Дебет (-)	Кредит (+)	Сальдо (қолдик)
A. Товар ва хизматлар			
1. Товарлар экспорти ва импорти	(5) 500.000	(1)+(6) 1.500.000	+1.000.000
2. Хизматлар экспорти ва импорти			

2.1. Юкларни ташиш	(3) 400.000		-400.000
2.2. Туризм	(2) 250.000		-250.000
2.3. Инвестициядан тушумлар (рента)		(4) 100.000	+100.000
А моддалар бўйича жами	1.150.000	1.600.000	+450.000
Б. Бир томонлама трансферлар			
2. Давлат тренсферлари	(6) 300.000		-300.000
А+Б моддалар бўйича жами (жорий операциялар счёти қолдиги)	1.450.000	1.600.000	+150.000
В. Узоқ муддатли капиталлар оқими			
1. Тўғридан-тўғри хусусий инвестициялар	(7) 1.000.000		-1.000.000
2. Портфел, хусусий инвестициялар		(9) 200.000	+200.000
Г. Қисқа муддатли капиталлар оқими	(1) 1.200.000 (4) 100.000 (8) 350.000 (9) 200.000 1.850.000	(2) 250.000 (3) 400.000 (5) 500.000 (7) 1.000.000 2.150.000	
Моддалар бўйича жами В+Г (капитал ҳаракати счёти)	2.850.000	2.350.000	-500.000
Моддалар бўйича жами А+Б+В+Г	2.450.000	2.100.000	-350.000
Д. Давлатнинг (расмий) резервлари ва мажбуриятлари			
1. Қисқа муддатли мажбуриятлар	(10) 150.000	(8) 350.000	+100.000
2. Олтин экспорти		(10) 150.000	+150.000

Д. Моддаси бўйича жами	150.000	500.000	+350.000
Тўлов баланси бўйича жами	2.600.000	2.600.000	0

Агар «Хатолар ва тушириб қолдирилганлар»нинг суммаси тез ўсив кетса, тўлов балансини тузатганда ташки иктиносидий фаолият қатнашчиларининг ҳисоботлари тўлиқ тақдим этилганлигидан, назорат юмшоқ олиб борилаётганлигидан ва капитал чиқими ёки киримининг тўлиқ рўйхатдан ўтказилмаётганлигидан далолат беради.

Мисол учун АҚШда ўтган охирги ўн йилликда «Хатолар ва тушириб қолдирилганлар» моддаси «+» белгиси билан берилган. Жуда кўп мутахассислар буни хорижликлар АҚШга ўз активларини жойлаштираётганлигидан далолатдир, деб хулоса қилишмоқда. Лекин кўп ҳолларда керакли ташкилотларга бу ҳақда хабар беришмайди. Натижада, кўрсатиб ўтилган капитал оқимлари паст бўлиб чиқади, капитал ҳаракати балансида муҳим ҳисоб-китоблар четда қолишига олиб келади.

Барча ташки иктиносидий битимлар иккита катта гуруҳга бўлинади: жорий операциялар ва капитал ҳаракти билан боғлиқ операциялар (24-жадвал). Тўлов балансини янада кенгроқ тушуниш учун унинг қуийидаги оддий схемасини келтирамиз.

24-жадвал

Мамлакат тўлов балансининг тахминий кўриниши (рақамлар шартли)

№	Моддалар номи	Кредит (+) ёки экспорт ҳисобига тушумлар	Дебет (-) ёки импорт натижасида ги харажатлар	Соф кредит ёки соф дебет
I	Жорий операциялар			
1	Товарлар	+125	-205	-80
2	Ташки савдо балансининг қолдиги			
3	Хизматлар	+35	-37	-2
4	Инвестициялардан	+17	-10	+7

	даромадлар (фоизлар ва дивидентлар)			
5	Жорий операциялар бўйича баланснинг қолдиги			-82
II	Капитал ҳаракатининг счети			
6	Пул ўтказишлар	+1	-8	-7
7	Инвестициялар ва бошқа ўрта ва узоқ муддатли капитал			+53
8	Капитал ҳаракати балансининг қолдиги			+53
9	Жорий операциялар ва капитал ҳаракати бўйича баланснинг қолдиги			-29
II I	Расмий резервлар (Олтин, СДР, ХВФдаги резервлар)	+29		+29

Жорий операцияларнинг асосий моддаси товарлар экспорти ва импорти ҳисобланади, уларнинг фарқи ташқи савдо балансининг қолиги деб юритилади. Бизнинг мисолда бу баланс салбийдир, яъни мамлакат товарларни четга олиб чиқишидан кўра кўпроқ олиб келади (-80).

Жорий операцияларнинг кейинги моддаси бу хизматлар экспорти ва импортидир. Уларга транспорт, сугурта, сайёхлик хизматлари ва бошқалар киради. Товарлар билан операциялардаги каби хизматлар билан операцияларда ҳам мамлакат хорижий хизматларни кўпроқ олади, яъни мамлакатда яшовчилар хорижда четдан сайёхларга нисбатан кўпроқ борадилар, шунингдек, мамлакатдаги тадбиркорларга хорижий тарнспорт ва сугурта хизматлари кўрсатиш ҳажми, хорижий тадбиркорларга мамлакатда транспорт ва сугурта компаниялари кўрсатиладиган хизматлар ҳажмига қараганда

юқорирок. Бу операциялар ҳам баланснинг салбий қолдигига эга (-2).

Инвестициялардан даромадлар, фоизлар ва дивидентлар бўйича тўловларни ўз ичига олади. Агар хорижга қўйилган миллий капиталга чет элликларнинг амалга оширадиган, бундай тўловлардан тушумлар, мамлакат иқтисодиётига жалб этилган хорижий капиталдан бундай тўловлар миқдоридан кўп бўлса, унда соф даромад ижобий бўлади (+7).

Бироқ мамлакат жорий тўлов баланснинг ижобий қолдигига эга бўлиш мумкин. Агар унинг экспорт операциялари импорт операцияларидан ортиқ бўлса, шундай ҳол юз беради. Бунда мамлакатда чет элда кўчмас мулкни сотиб олиш ёки бошقا мамлакатларга қарзга беришга йўналтирилиши мумкин бўлган хорижий валюта ортиқалиги юзага келади. Инвестициялаш ва кредитлаш билан боғлиқ операциялар тўлов баланснинг кейинги бўлимида, яъни капиталлар ҳаракати ҳисобида акс эттирилади. Бу ерда моддий ва. молиявий активларни (корхоналар, ер, уйлар, қимматли қофозлар, акциялар, хазина мажбуриятлари ва бошқалар) олиш-сотиш билан боғлиқ капиталлар оқимини акс эттиради. Агар бу активлар сотилса ёки экспорт қилинса, унда бу хорижий валютани мамлакатга келишини, тушумини кўпайтиради (+90). Бироқ капитални олиб келиш билан бир вақтда уни олиб чиқиши билан боғлиқ операциялар ҳам амалга оширилади. Бунда мамлакат тадбиркорлари хориждан акциялар сотиб олади, хорижликларга кредитлар беради ва шу асосда, улар хорижий валюта захираларини сарфлайди. Бу операциялар дебет кўринишида акс эттирилади (-37). Капитал ҳаракати баланснинг қолдиги – бу уни олиб келиш ва олиб чиқиши ўртасидаги фарқдир.

Жорий операциялар бўйича баланс ва капитал ҳаракати баланси ўзаро чамбарчас боғланган. Бизнинг мисолда биринчисини тақчиллиги (-82) капиталнинг соф оқиб келиши ҳисобига (+53) молиялаштирилади. Ва аксинча, агар жорий операциялар бўйича баланс активга эга бўлса, у ҳолда бир вақтда капиталлар ҳаракати баланси бўйича капиталларнинг соф келиб чиқиши амалга оширилган бўларди.

Шундай қилиб, баланснинг бу икки бўлими бир-бирини тенгглаштириб боради ва аслида ҳам бир-бирига тенг бўлиши

керак, бироқ амалда доимо тақчиллик ва ортиқчалик юзага келади. Шунинг учун турли мамлакатларнинг Марказий банклари расмий резервлар деб аталувчи хорижий валюта заҳираларига эга. Бу резервлар жорий операциялар бўйича баланс ва капитал ҳаракати баланси номутаносиблигини бартараф этишда қўлланилади. Бизнинг мисолда бу мутаносиблик ёки қолдик (-29)ни ташкил этади ва у расмий резервлардан тушумлар ҳисобига тартибга солинган. Резервлардан тушумлар кредит (+) устунида акс эттирилган, чунки мамлакатда хорижий валюта таклифини кўпайтириш бошқа ҳар қандай экспорт операциясига хосдир. Натижада тўлов балансининг қолдиги умуман «0»га келтирилган.

4-§. Тўлов баланси таҳлили

Тўлов балансининг ҳолати, унинг тузилиши ва актив қолдиқقا эга бўлиши мамлакат иқтисодиётига таъсир кўрсатади. Мамлакат тўлов балансининг ижобий ҳолати мамлакат иқтисодиётининг нормал ривожланишдан, унда турли хил салбий ҳолатлар йўқлигидан ёки камлигидан далолат беради. Тўлов баланси мамлакатнинг маълум даврда ёки давр бошига мавжуд активлари ва мажбуриятлари, уларнинг ҳолати, ўтказилган молиявий операциялар, мамлакатнинг ташки иқтисодий алоқаларининг ривожланиш ҳолати тўғрисида маълумот беради. Чунки тўлов балансига ишлаб чиқариш жарабёнлари таъсир кўрсатади, мамлакат иқтисодиётида мавжуд ва кечеётган диспропорцияларни, инфляция, рақобат, валюта курсининг ўзгариши, иқтисодиётни давлат томонидан бошқаруви ёки бозор муносабатлари талаблари асосида бошқарилиш нисбатини, мамлакат иқтисодий ва сиёсий ҳаёти даражаси, ундаги ўзгаришлар, давлат харажатлари, ҳарбий харажатлар, мамлакат иқтисодиётининг чет эл капитали ёки молиявий ресурсларга боғлиқлиги ёки унинг иқтисодий жиҳатдан мустақиллигини, халқаро савдода мамлакатни ўрни ва мавқеи, мамлакат олтин-валюта захираларининг ҳолати, ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар мамлакат тўлов баланси ҳолатига таъсир кўрсатади.

Кўйида келтирилган 25-жадвал маълумотларидан биз баъзи бир мамлакатлар тўлов баланслари аҳволини кўришимиз мумкин. АҚШ тўлов баланси 1996 ва 1999

йилларда пассив қолдик билан тугаган бўлса, сўнги йилларда яна актив қолдиққа эришмоқда. 2001 йилда Япония тўлов баланси мисолимиздаги 5 мамлакат ичида энг юқори актив қолдиққа эга бўлган. Бу унинг чет элга кредитлар ва инвестициялар қисми учун жуда катта имконият беради, гарчи бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 18 фоизга камайган бўлса ҳам.

25-жадвал

**Баъзи бир мамлакатлар тўлов баланси кўрсаткичлари
(млн. АҚШ доллари)**

Мамлакатлар	Йиллар					
	1996	1997	1998	1999	2000	2001
АҚШ	- 6670, 0	1020,0	6740,0	- 8730,0	300,0	4930,0
Япония	3514 0,0	6520,0	- 6160,0	70260, 0	48950, 0	40490, 0
Греция	4,215	-4,515	-	2,435	2,573	-5,699
Россия	- 17,21 8	-6,520	- 21,378	-1,704	13,922	11,265
Туркия	4,544	3,343	0,441	5,354	-3,934	- 12,888

Манба: International Financial Statistics. April 2002.

Яқин кунларгача тўлов балансини тузиш бўйича ҳар бир идоранинг вазифавий мажбуриятлари аниқ белгилаб, тақсимлаб берилганлиги туфайли маълумотлар бир неча бор йигилиб қолишига, шунингдек, тўлов баланси расмий статистикасининг баъзи кўрсаткичлари бўйича номувофиқликлар вужудга келмоқда. Ушбу камчиликларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ Республика Молия Вазирлиги, Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Марказий банк ва Ташки иқтисодий алоқалар вазирлигининг масъул ходимларидан иборат меҳнат гурӯҳи тузилиб, тўлов баланси маълумотлар базаси ва статистикаси бўйича ҳамкорлик ишлари режаси ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонда олиб борилган қаттиқ пул-кредит ва валюта сиёсати, жумладан ўзбеклар сўмининг жорий

операциялар бўйича эркин айирбошлишини таъминлаш мақсадида ҳукумат томонидан босқичма-босқич олиб борилаётган валюта сиёсати натижасида 2000 йилда мамлакат тўлов балансининг барқарорлигини сақлаб қолди.

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон ташки савдосининг янги шароитларга мослашиши бошқа ўтиш давридаги давлатларга нисбатан анча осон кечган. Чунки Собиқ Иттифоқ давридаги меҳнат тақсимотига мувофиқ Ўзбекистон экспорт учун қулай бўлган пахта ва олтин сингари хом-ашё маҳсулотларини етиштиришга ижтисослашган эди. Аммо, бошқа бир томондан, импортга бўлган талаб катта бўлсада, унинг ҳосили экспорт тушумлари билан чегараланади.

Ўтган 1998-1999 йилларда Шарқий Осиё давлатлари ва Россияда содир бўлган иқтисодий инқирозларнинг таъсири ва дунё бозорида Ўзбекистоннинг асосий экспорт маҳсулотлари бўймиш пахта хом-ашёси, олтин ва ҳ.к. нархларининг тушиб кетиши натижасида мамлакат экспорт тушумлари камайди (**26-жадвал**).

Россиядаги инқироз на фақат Россиянинг, балки бошқа МДҲ давлатлари тўлов қобилияtlарининг ҳам пасайишига олиб келди. Бунинг натижасида Ўзбекистоннинг Россияга қилаётган экспорти 1998 йилнинг 2чи ярмида 2,3 бараварга камайди. Ушбу даврда импорт ҳажми 16,1 пунктга камайган. 1997 йилнинг мазкур даврга нисбатан МДҲ давлатларига қилинаётган экспорт (Россия бундан мустасно) 16,3 пунктга камайган бўлса, импорт 16 %га ўсган. 1999 йилнинг 1-чорагида Россияга қилинаётган экспорт 1998 йилнинг мазкур даврига нисбатан 56,2 %, импорт эса 6,7 %га камайди. 1999 йилда эса Россияга қилинаётган экспорт 9,3 %га, импорт эса 29 %га камайди.

26-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг 1996-2000 й. тўлов балани кўрсаткичлари

(млн. АҚШ долларида)

	1996	1997	1998	1999	2000
Жорий ҳисоблар	-979	-548	-39	-202	-140
Савдо баланси	-706	-72	171	125	306
Товарлар экспорти	3.534	3.695	2.888	2.719	2.900
Товарлар импорти	4.420	3.767	2.717	2.594	2.549
Бевосита хорижий	90	167	226	201	231

инвестициялар					
Йил охирида ялпи жамғармалар (олтин мустасно)	772	374	533	783	...
Ташқи қарзлар	2.381	2.594	3.484	4.289	...
	(йиллик товарлар ва хизматлар импорти)				
Йил охирида ялпи жамғармалар (олтин мустасно)	2.2	1.1	22	3.3	...
	(товарлар ва хизматлар экспортига % нисбати)				
Қарзлар бўйича хизматлар	9.0	9.0	13.0	17.8	...

Манба: "Ўтиш даври бўйича ҳисобот" ЕТТБ (Tacis 2000 январ-декабр)

Инқироз даврида Россия ва бошқа МДҲ давлатлари тўлов қобилиятларининг пасайиши натижасида Ўзбекистондан экспорт қилинаётган товарлар нархи 16,4 %га пасайди. Россиядан қилинаётган импорт 4,4 % арzonлашиди. Бунинг натижасида Ўзбекистон экспортидаги валюта тушумларидаги йўқотишлар 44,1 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Россия ва бошқа МДҲ давлатлари импорт товарлари нархларининг пасайиши натижасида Ўзбекистоннинг кўрган фойдаси 19 млн. АҚШ долларини ташкил этган. Бундан ташқари Россиянда ўзбек экспортига талабнинг кескин камайиши натижасида, ўзбек импортчилари ўз маҳсулотларининг бир қисмини бошқа хорижий давлатларига йўналтиришга мажбур бўлдилар. Шу йилларда тўлов балансида етишмовчилик даражаси юқори бўлиб, жорий операциялар қолдиги манфий бўлган. Импортнинг камайиши экспортнинг камайишидан анча юқори бўлган импортнинг кескин камайишига, бир томондан импорт товарлари нархларининг пасайиши сабаб бўлган бўлса, иккинчи томондан, мамлакат импорт ўринини қопладиган товарларни ишлаб чиқаришнинг кўчайганлиги сабаб бўлган. Бу йилларда мамлакатда нефть, дон ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг кўчайиши натижасида йиллик импортда 18-20 миқдоридаги валюта ресурслари тежалди. Шунга қарамай 1998-1999 йилларида соф кредитларнинг ўртача миқдори 1995-1997 йилларининг ўртачасидан 1,9 бараварга кўп бўлган.

Россия иқтисодиётининг 1998 йил август инқизоризидан кейин тиклама бошланиши билан унинг экспортга бўлган талаби ортиб борди. Натижада пахтанинг дунё нархлари ошиб борди. Бу ўз навбатида Ўзбекистон экспорти учун яхши шароит яратди. Бироқ 2000 йилнинг 2-чорагида маҳсулотлар баланси экспортга нисбатан импорт қилиш ҳажми кўпроқ ўсганлиги сабабли бир мунча манфий қолдиққа эга бўлди. Олдинги йилларга қараганада 2000 йилга келиб Ўзбекистон ташки савдосини ҳудудий тақсимланашида ноанъанавий ҳамкорлардан анъанавий ҳамкорлар МДҲ давлатлари томонидан сезиларли ўзгарғанлиги қайд этилди. Натижада МДҲ давлатларининг улиши мамлакат экспортида 1172,2 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, йиллик 19 %га ўсади. Ушбу кўрсаткич 1999 йилда 982,8 млн. АҚШ долларини ташкил этди. 2000 йилнинг ўтган даврида МДҲ давлатларининг мамлакат импортидаги улуши ҳам кескин даражада йиллик 26,6 %га ўсади. Бунинг натижасида МДҲ давлатларининг Ўзбекистон умумий савдосида улуши 2000 йилда 35,4 %ни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич 1999 йил 28,2 %ни ташкил этган эди. Бундай ўзгаришларга асосан, 1998-1999 йиллар давомидаги инқизоризидан кейин МДҲ давлатларининг иқтисодий тикланиши ҳамда Россия билан тузилган узоқ муддатли савдо шартномасининг имзоланиши туртки бўлди. Ўзбекистоннинг МДҲ давлатлари билан бўлган савдо ҳажмининг ошибига шунингдек, бу давлатлардан чиқаётган маҳсулотлар импорти божхона тўловларидан озод этилганлиги сабаб бўлмоқда.

27-жадвал

Экспортнинг давлатлар бўйича таркиби, 1998-2000 й.

(млн. АҚШ долларида)

	МДҲ давлатлари	Россия	Украина	Қозогистон	Бошқа Мамлакатлар	Европа Ҳамжамияти	Давлатлари	Британия	Голландия	Бошқа давлатлар	Швейцария	Туркия	Бошқа давлатлар	Жами
1998	917,1	526,2	33,3	122,0	235,7	820,9	353,1	61,2	13 9,5	362,5	45,3	952,9	3528,2	
1999	982,8	432,7	122,4	148,7	279,1	668,3	310,6	98,1	132,3	307,7	66,1	916,2	3235,9	
2000	1172,2	545,5	153,4	100,8	372,4	582,6	236,1	84,6	154,3	272,3	99,3	959,8	3264,7	

Манба: Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва Статистика вазирлиги (Tacis 2000 январ-декабр)

Ўтган давр Европа ҳамжамияти ва Ўзбекистон ўртасидаги савдонинг бир мунча сусайланлигини кўрсатди. 2000 йилда Ўзбекистонинг Европа ҳамжамияти давлатлари билан бўлган савдо ҳажми 1201,1 млн АҚШ долларини ташкил этган. Ушбу кўрсаткич 1999 йилда 1477,4 млн. АҚШ долларини ташкил этган 2000 йилда Ўзбекистоннинг МДҲ давлатлари билан савдо баланси мусбат 147 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, Европа ҳамжамияти давлатлари билан бўлган савдо дефицити сезиларли қисқарди. 1999 йилда бу дефицит 140,7 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2000 йилда 34,9 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, 4 бараварга қисқарди. Буюк Британия, Швейцария билан савдо баланси мусбат сақланиб қолди. Давлатнинг саноатни такомиллаштириш Дастурига боғлиқ ҳолда АҚШ, Германия ва Жанубий Корея билан савдо баланси ханузгача манфий сақланмоқда. Бунга ушбу давлатларининг Ўзбекистонга қилинаётган экспортида замонавий технологияга асосланган ишлаб чиқариш ускуналари улуши. салмоғининг катталиги асосий сабаб. бўлмоқда.

28-жадвал

Импортнинг давлатлар бўйича таркиби, 1998-2000 й.
(млн. АҚШ долларида)

МДҲ давлатлари	Россия	Украина	Қозогистон	Бошқа мамлакатлар	Европа Ҳамжамияти	Германия	Франция	Бошқа давлатлар	АҚШ	Корея	Бошқа давлатлар	Жами	
1998	915,5	527,2	148,8	162,6	76,8	771,7	272,2	156,1	210,3	298,2	375,0	730,3	3288,7
1999	809,9	432,1	130,4	126,3	121,0	809,0	332,1	72,9	309,8	237,0	404,4	702,3	3110,7
2000	1025,2	2464,8	1078,4	215,6	166,4	618,5	255,5	84,6	219,5	256,5	287,5	662,3	2947,1

Манба: Ўзбекистон Ресpubликаси Макроиктисодиёт ва Статистика вазирлиги (Tacis 2000 январ-декабр)

29-жадвал

Ўзбекистон Республикаси 1996-2000 йил савдо ҳажми
(млн. АҚШ доллори).

	Экспорт	Импорт	Савдо баланси
1996	4590,20	4721,10	-130,90
1997	4387,5	4523,00	-135,50
1998	3520,820	3288,70	239,50
1999	3235,80	3110,70	125,10
2000	3264,70	2947,40	317,30

Манба: Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва Статистика вазирлиги (Tacis 2000 январ-декабр)

5-§. Тўлов балансини тақчиллиги ва уни бартараф этиш йўллари

Тўлов баланси азалдан давлат тартибга солувчи обьектларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бу қуийдагилар билан изоҳланади:

Биринчидан, тўлов балансига нотенглик хос, у узоқ ва йирик тақчиллик баъзи давлатларда ҳаддан ташқари актив қолдиққа эга бўлиши мумкин. Халқаро ҳисоб-китоблар номувофиқлиги валюта курси динамикасига, капиталлар миграциясига, иқтисодиёт ҳолатига таъсир кўрсатади. Масалан, АҚШ жорий ҳисоб-китобларидаги тақчилликни қоплаш учун ўз валютасида эмиссия қиласи ва бошқа мамлакатларга инфляцияни экспорт қиласи, халқаро оборотда доллар ортиқчалиги вужудга келади. Шунинг натижасида тарихан Бруттен-Вудс жаҳон валюта тизими ишдан чиқсан.

Иккинчидан, XX асрнинг 30-йилларида олтин стандартидан воз кечганидан кейин тўлов баланси шартлари тартибга солишнинг стихияли механизм жуда суст ишларди. Шунинг учун тўлов балансида мутаносибликни таъминлаш масаласи асосий ўринни эгаллайди.

Тўлов баланси тақчиллиги қуийдаги сабаблар туфайли юзага келади:

1. Ишлаб чиқариш суръатларининг тушиб кетиши ва гиперинфляция.

2. Ҳарбий харажатларнинг кўпайиши.
 3. Марказий банк валюта заҳираларининг камлиги.
 4. Давлат пул-кредит сиёсатининг нобарқарорлиги, четдан кредит ва инвестициялар оқимининг чекланганлиги.
 5. Мамлакат миллий валютасининг нобарқарорлиги ва унга ишончнинг йўқлиги.
 6. Миллий товарларнинг жаҳон бозорида йўқлиги ёки камлиги, сифати пастлиги.
 7. Меҳнат унумдорлигининг пастлиги ва ҳоказолар.
- Мамлакат тўлов балансининг сурункали тақчиллигини бартараф қилиш учун:
1. Мамлакатда маҳаллий ишлаб чиқаришни ва меҳнат унумдорлигини ошириш.
 2. Четга товар ва хизматлар кўрсатиш ҳажми ва усулларини кўпайтириши.
 3. Импортга бўлган эҳтиёжни камайтириш ва экспорт салоҳиятини ошириш.
 4. Протекционизм сиёсатини жорий қилиш.
 5. Миллий валюта барқарорлигини ўрнатиш бўйича тадбирлар амалга ошириш лозим.

Тўлов балансини тартибга солишининг моддий асослари бўлиб:

1. Давлат мулки, шу жумладан расмий олтин-валюта резервлари;
2. Миллий даромаднинг ўсиб бориши (салмоғи 40-50 фоизгача);
3. Капиталлар экспорти, кредитлар, гарант, заёмчи сифатида халқаро иқтисодий муносабатларда давлатнинг бевосита иштироки;
4. Норматив актлар ва давлат назорат органлари ёрдами билан ташқи иқтисодий операцияларини муовфиқлаштириш ва бошқалар бўлиб хизмат қиласи.

Тўлов балансини тартибга солища турли давлатлар турли чоралар кўришлари мумкин. Одатда тўлов балансини муовфиқлаштиришнинг ички ва ташқи омиллари мавжуд. Халқаро ҳисоб-китобларда актив қолдигига эга бўлган давлатлар "Ўз-ўзини тартибга солиш": инфляцияни қисқартириш, дефляцион сиёсат ўтказиш, экспортни рағбатлантириш, товарлар импортини қисқартириш ва бошқа усулларни қўллаш мумкин. Бу каби талабларни иккинчи

жаҳон урушидан кейин АҚШ сурункали тўлов баланси дефицити бўлган Фарбий Европа давлатларига эълон қилган. Тўлов баланси тақчил бўлган давлатлар одатда ўз шерикларидан (яъни актив қолдиққа эга бўлган мамлакатлардан) божхона ва бошқа хил чеклашларни заифлаштириши, капитал чиқаришни кенгайтиришларни кескин талаб қиласидилар. 60- йилларга ва 80- йилларнинг биринчи ярмига келиб вазият ўзгариади; Фарбий Европа мамлакатлари, биринчи навбатда Европа иқтисодий ҳамжамияти юқорида зикр этилган талаблар билан АҚШга ўз муносабат ва маслаҳатларини бердилар. Шундай қилиб, 70-йилларда АҚШ вакиллари Собиқ ГФР ва Япониянинг иқтисодий ўсишини ва Америка товарларининг импортини рағбатлантиришга чақирдилар. Тўлов балансини давлат томонидан тартибга солиш бу - жами иқтисодий, шу жумладан валюта, молия, пул-кредит, яъни тўлов баланси асосий моддаларини шакллантириш, мавжуд тақчилликни қоплаш соҳасидаги давлат тадбирлариdir. Тўлов балансини тартибга солиш усувлари орасида мамлакатнинг халқаро ҳисоб-китоблардаги валюта иқтисодий аҳволига қараб рағбатлантиришга қаратилган ёки чекланишга йўналтирилган услублари соҳасида фарқлар мавжуд;

Тўлов балансида тақчиллик мавжуд мамлакатлар томонидан қуйидаги тадбирлар, яъни экспортни рағбатлантириш, товарлар импортини ушлаб туриш, хорижий капиталларни жалб қилиш, капитални мамлакатдан чиқишини чеклаш мақсадидаги тадбирлар ўтказилади;

Тўлов балансини бошқаришнинг дефляцион сиёсат, девальвация, валютавий чеклашлар, валюта курсини ўзгариши, молия, пул-кредит сиёсатини барқарорлаштириш ва бошқа тўлов балансини барқарорлаштиришга ёрдам берувчи махсус чоралар мавжуд.

1. Дефляцион сиёсат. Бу сиёсат ички талабни қисқартиришга, устувор равища фуқароларга йўналтирилган бюджет харажатларини, нархлар ва иш ҳақларини музлатишга йўналтирилгандир. Бу сиёсатнинг муҳим инструментлари бўлиб:

- бюджет дефицитини камайтириш;
- Марказий банкнинг дисконт сиёсати (фоиз ставкаларининг ўзгариши);

- кредит чеклашлар;
- пул массаси ўсиш чегараларини ўрнатиш хизмат қилади.

Иқтисодий турғунлук даврида, ишсизликнинг катта армияси ва фойдаланилмаган ишлаб чиқариш қувватлари заҳиралари мавжуд шароитида дефляция сиёсати бандлик ва ишлаб чиқаришнинг келажакда янада пасайишига олиб келади. Агар компенсация қилувчи чоралар кўрилмаса, бу ишловчиларнинг турмуш даражасининг пасайтириш ва ижтимоий тортишувлар келтириб чиқариш хавфи билан боғлиқ.

2. Девальвация. Товарлар экспортини рағбатлантиришга ва улар импортини ушлаб туришга йўналтирилган бўлиб миллий валюта курсини тушириш билан боғлиқ чоратадбирлар йигиндисидир. Бироқ, тўлов балансини тартибга солищдаги ўрни ўни амалга оширишдаги аниқ шароитлар ва кузатиладиган умумиқтисодий ва молиявий сиёсатга боғлиқ. Девальвация қачонки давлат рақобатбардош товарлар, экспорт салоҳиятига эга бўлса ва жаҳон бозорида яхши вазият бўлса товарлар экспортини рағбатлантиради. Девальвация импортни ушлаб туриш таъсирига келадиган бўлсак, у ҳолда ишлаб чиқариш жараёни ва мамлакат ҳалқаро ихтисослашув байналминаллашуви шароитида кўп ҳолларда кескин товарлар кириб келишини қисқартира олмайди. Яна ҳамма давлат ҳам импортни ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқариш сиёсатини амалга оширмайдилар. Импортни қимматлаштириб девальвация миллий товарлар ишлаб чиқариши ортиқчалигининг ўсишига, мамлакатда нархларнинг ошишига ва кейинчалик у ёрдамида ташқи бозорларда олинган рақобатбардош афзалликларни йўқотишга олиб келиши мумкин. Шунинг учун балки, девальвация мамлакатга вақтинчалик афзалликлар берса ҳам, лекин кўп ҳолларда тўлов баланси тақчиллигини йўқотишга сабаб бўла олмайди. Керакли натижага (эффект)ни олиш учун девальвация ўлчов жиҳатидан етарли бўлиши шарт. Аксинча, у валюта бозоридаги чайковчиликнинг кучайишига олиб келади, чунки валюта курсини қайта кўриб чиқиши имконини сақлаб қолади. Шу бир вақтда ҳаддан ташқари девальвация бошқа валюталар курсининг занжирсимон пасайиши реакциясини чақириши мумкин ва бу

ҳолда ўз валютасини девальвация қилган давлат рақобатдош афзалликлардан жудо бўлади, ўзи режалаштирган (ҳисоб-китоб қилган) афзалликларни йўқотади. Баъзи давлатлар вақти-вақти билан валюта курсларининг кўплигини амалда синайдилар, баъзи вақтда икки валюта бозори шаклида беркитилган девальвация сифатида сузиб юрувчи валюта курсларини амалда қўлланиши тўлов балансини мувофиқлаштиришга олиб келади. Кескин сакраб турувчи девальвация тўхтатилиши билан маълум даражада жалқаро ҳисоб-китоблардаги капиталларга бўлган чайқовчилик босимини йўқотади, бироқ сузиб юрувчи курслар тизимида экспорт қилинадиган ва импорт қилинадиган товарларнинг бозор нархини пасайтиришга бўлган уларнинг таъсири йўқ бўлади. Шунинг учун девальвация самарали бўлганлиги учун кўп давлатлар айниқса ривожланаётган мамлакатлар экспорт ва импортга диференциаллашган божларни ва субсидияларни киритадилар.

3. Валютавий чеклашлар. Экспортёрларнинг жорижий валютадаги тушумларини блоклаш, импортёрларга жорижий валюта сотилишини лицензиялаш, ваколатли банкларда валюта операцияларини бирлаштириш, товар импортини ушлаб туриш, капитал экспорт қилишни чеклаш йўли билан тўлов баланси тақчиллигини бартараф қилиш мумкин.

Тўлов баланслари ўз табиатига кўра доимий актив ва пассив була олмаса ҳам, уларнинг ўзгариши валюта курси ва капитал оқими, айниқса «иссиқ пуллар» оқимини бекарорлигини кучайтиради. Бу ўз навбатида пул муомаласига, охир оқибатда эса иқтисодиётга салбий таъсир этади. Бунда тўлов балансини нарх бошқаруви автоматик жараёни орқали стихияли тенгглаштириш механизми жуда кучсиз таъсир этади. Шунинг учун жалқаро ҳисоб-китобларни мувозанатини тиклаш мақсадли давлат ташкилий ишларини талаб қиласди.

Жалқаро ҳисоб-китобларни мувозанатлаштириш масаласи давлатнинг асосий иқтисодий мақсадлари қаторига киради (иқтисодий ўсишни таъминлаш, инфляция ва ишсизликка қарши кураш билан биргаликда). Тўлов балансини давлат томонидан бошқариш – тўлов балансининг асосий моддаларини шакллантиришга қаратилган иқтисодий, шу жумладан, валюта, молия, пул-кредит чора-тадбирлардан

ташқари халқаро ҳисоб-китобларнинг валюта-иқтисодий аҳволига мувофиқ ташқи иқтисодий операцияларни рағбатлантирувчи ёки чегараловчи усуллари ҳамдир.

Тўлов балансларини халқаро усулларда бошқаришга: экспорт кредитлари шартларини келишиш; икки томонлама давлат кредитлари, свои келишувига мувофиқ Марказий банкларнинг миллий валютадаги қисқа муддатли кредитлари;

Халқаро валюта-кредит ва молия ташкилотларининг (аввалом бор ХВФи) кредитлари ва бошқалар киради.

Таянч сўзлар

- Тўлов баланси;
- Савдо баланси;
- Ҳисоб-китоб баланси;
- Капитал;
- Трансферт;
- Капиталлар ҳаракати баланси;
- Дефляцион сиёsat.

Ўз билимини текшириш учун саволлар

1. Тўлов баланси нима мақсадда тузилади?
2. Тўлов баланси ва ҳисоб-китоб балансининг фарқларини сананг.
3. Тўлов баланси операциялари хусусиятига кўра неча турга бўлинади?
4. Тўлов баланси моддаларини санаб ўтинг.
5. Жорий операциялар балансида нималар акс эттирилади?
6. Қандай ҳолда тўлов баланси ижобий ҳисобланади?
7. Ўзбекистон Республикаси тўлов баланси ҳақида нималарни биласиз?
8. Тўлов баланси тақчиллигини қандай бартараф этиш йўлларини биласиз?

IX боб. Халқаро кредитлар ва уларни ташкил қилиш асослари

1-§. Халқаро кредитнинг асосий қоида ва тамойиллари

Жаҳон хўжалигини XX аср иккинчи ярмидаги фаолиятининг ўзига хос томонларидан бири халқаро иқтисодий муносабатларнинг интенсив равища ривожланишидир. Давлатлар, давлатлар гуруҳлари, иқтисодий гуруҳлар, алоҳида фирма ва ташкилотлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар кенгаймоқда ва чуқурлашмоқда. Бу жараёнлар халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашишида, хўжалик ҳаётининг байналминаллашувида, уларнинг бир-бирига боғлиқлигига ва яқинлашувида, минтақавий халқаро тизимларнинг ривожланиши ва мустаҳкамланишида намоён бўлмоқда. Халқаро иқтисодий муносабатларда халқаро капитал миграциясининг бир кўриниши бўлмиш халқаро кредит ўзига хос ўринни эгаллайди.

Халқаро кредит - бу ссуда капиталининг халқаро иқтисодий муносабатлар доирасида валюта ва товар ресурсларининг қайтаришлик, муддатлилик ва фоизларни тўлаш шартлари асосида ҳаракат қилишидир. Қарз берувчи ва қарз олувчилар сифатида хусусий корхоналар (банклар, фирмалар), давлат ташкилотлари, халқаро ва ҳудудий валюта-кредит ва молия ташкилотлари хизмат қилишади. Халқаро кредит товар ишлаб чиқариш ва пул муомаласи жараёнининг ривожланиши билан пайдо бўлиб, бошлангич капитални жамғариш воситаларидан бири ҳисобланган. Унинг ривожланишининг объектив асоси бўлиб ишлаб чиқаришнинг миллий чегаралардан ташқарига чиқиши, хўжалик алоқаларининг байналминаллашувининг кучайиши ҳисобланади.

Халқаро кредит капитал доиравий айланишининг ҳамма босқичида, яъни импорт асбоб-ускуна, хом ашё, ёқилғиларини сотиб олиш орқали пул капиталининг ишлаб чиқариш капиталига айланишида, тугалланмаган ишлаб чиқаришни кредитлаш шаклида ишлаб чиқариш жараёнида, товарларни дунё бозорларида сотиш жараёнида қатнашади. Халқаро кредит ички кредитлар билан узвий боғлиқликда,

қиймат шаклининг ўзгаришида қатнашади ва ишлаб чиқаришнинг ҳамма босқичларига хизмат кўрсатиб, қайта ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлайди.

Халқаро кредитнинг манбалари бўлиб, корхоналарда доиравий айланиш жараёнида вақтинча бўш бўладиган капиталнинг пул шаклидаги қисми, ҳамда банклар орқали ҳаракатга келтириладиган давлат ва хусусий сектор жамғармалари хизмат қиласи. Халқаро кредит ички кредитдан давлатлараро миграцияси ва бу анъанавий манбаларнинг бир қатор мамлакатлардан жалб қилиш ҳисобига йириклиги билан фарқ қиласи. Такрор ишлаб чиқариш жараёнининг маълум босқичларида халқаро кредитга объектив эҳтиёж туғилади. Бу қуйидагилар билан боғлиқ: 1) хўжаликда маблағларнинг доиравий айланиши; 2) ишлаб чиқариш ва маҳсулотни сотишнинг ўзига хос хусусиятлари; 3) ташки иқтисодий битимларнинг ҳажм ва муддатлар жиҳатидан фарқланиши; 4) ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун бир хил муддатларда йирик капитал қўйилмаларнинг зарурлиги кредитнинг халқаро миқёсда ҳаракат қилишини асослайди.

Халқаро кредитнинг тамойиллари (шартлари) унинг иқтисодий можиятини янада чуқурроқ очиб бериши мумкин.

Халқаро кредитнинг такрор ишлаб чиқариш билан алоқаси унин қуйидаги асосий тамойиллари ёки принципларида кўринади:

1) **қайтаришилилик.** Халқаро кредит ҳам ички кредитга ўхшаб келишилган муддатга қайтарилиши лозим. Агар олинган маблағлар қайтарилимаса, у ҳолда қайтарилимас пул капиталини ўтказиш хусусиятига эга, молиялаштириш кўринишига эга бўлиб қолади.

2) **муддатлилик.** Кредит шартномасида ўрнатилган муддатларда кредит қайтарилиши лозим.

3) **тўловлилик тамойили.** Қиймат қонунини амал қилишини ва кредит дифференциал шартларини амалга ошириш йўлларини ифодалайди ва халқаро кредит учун ўрнатилган фоизлар шу кредитнинг баҳоси ҳисобланади.

4) **моддий таъминланганлик.** Кредит бўйича юзага келувчи рисклардан ҳимоялаб кредитни тўлаб бериш кафолатини англатади.

5) **маҳсадга йўналтирилганлик.** Ссуданинг аниқ

объектларини аниқлаш, буни қўлланилишидан асосий мақсад кредит олувчи давлатнинг экспортини рағбатлантиришdir.

Халқаро кредитнинг принциплари унинг бозорни иқтисодий қонунлари билан иқтисодий алоқасини акс эттиради ҳамда бозор субъектлари ва давлатнинг жорий ва стратегик мақсадларига эришиш учун қўлланилади.

2-§. Халқаро кредитнинг функциялари ва шакллари

Халқаро кредит ссуда капиталини халқаро иқтисодий муносабатлар доирасида айланиш ҳусусиятини акс эттирувчи қўйидаги функцияларни бажаради:

1. Кенгайган ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондириш мақсадида ссуда капиталининг мамлакатлар ўртасида тақсимланиши. Халқаро кредит механизми орқали ссуда капитали фойда олишини таъминлаш мақсадида иқтисодий агентлар кўзлаган соҳаларга йўналтирилади. Шу орқали кредит миллий фойдани ўртача фойдага айлантиришга ва унинг массасини оширишга ёрдам беради.

2. Халқаро ҳисоб-китобларда асл пулларни (олтин, кумуш) кредит пуллар билан алмашиши, шунингдек, нақдсиз тўловларни тезлашиши ва ривожланиши, нақд валюта оборотини халқаро кредит операциялари билан алмашиши мумомала харажатларини иқтисод қиласи. Халқаро кредитлар асосида халқаро ҳисоб-китобларнинг кредит воситалари бўлган - вексель, чек, шунингдек, банк ўтказмалари, депозит сертификатлари ва бошқалар вужудга келди. Халқаро иқтисодий муносабатларда ссуда капиталининг мумомала вақтини иқтисод қилиниши ҳисобига капиталнинг ишлаб чиқариш функцияси ёрдамида ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва фойдани кўпайтиришга эришиш мумкин.

3. Капиталнинг тўпланиши ва марказлашуvinинг тезлашиши. Чет эл кредитларини жалб қилиш ҳисобига қўшимча қийматни капиталлаштириш тезлашади, индивидуал жамғариш чегаралари кенгаяди, бир мамлакат тадбиркорларининг капитали бошқа мамлакат маблағлари ҳисобига кўпаяди. Кредит маълум чегараларда бошқа мамлакатларнинг капитали, меҳнати ва мулкига эгалик қилиш имкониятини беради. Имтиёзли халқаро кредитларнинг йирик компанияларга берилиши ҳамда майдада

ва ўрта фирмаларнинг жаҳон ссуда капиталлари бозорига кириш имкониятини қисқариши капиталнинг тўпланишига ва марказлашувига сабаб бўлмоқда.

Халқаро кредит функцияларининг моҳияти миллий ва жаҳон хўжалигининг ривожланишига қараб ўзгариб боради. Замонавий шароитларда халқаро кредит иқтисодиётни тартибга солиш функциясини бажаради ҳамда ўзи ҳам тартибга солиниш объекти ҳисобланади.

Халқаро кредитнинг турли шаклларини умумий кўринишида, кредит муносабатларини тавсифловчи алоҳида томонлари бўйича таснифлаш мумкин.

Халқаро кредит манбалари бўйича ички, ташқи ва аралаш кредитлашга ҳамда ташқи савдони молиялаштиришга бўлиш мумкин. Улар бир-бири билан узвий боғланган ва товарнинг экспортёрдан импортёрга томон ҳаракатининг ҳамма босқичларига - экспорт товарини ишлаб чиқариш, унинг йўлдаги ва омборга тушиш жарёнларига, (шу қаторда, чегарадан ташқарида ҳам) товарнинг ишлаб чиқариш жараёнида импортёр томонидан ишлатилиши ва истеъмол қилинишига хизмат қиласди. Қанчалик товар сотиш жараёнига яқин бўлса, шунчалик даражада қарздорга халқаро кредитнинг шартлари маъқул келади.

Қарз маблағлари қайси ташқи иқтисодий битимда белгиланишига қараб қўйидагиларга бўлинади:

- тижорат кредитлари - ташқи савдо ва хизматлар билан бевосита боғланган;

- молиявий кредитлар - ҳар қандай мақсадларга ишлатиладиган, шу жумладан, тўғри капитал қўйилмалар, инвестицион объектларни қуриш, қимматли қофозларни сотиб олиш, ташқи қарзни тўлаш, валюта интервенциясини ўтказишлар;

- оралиқ кредитлар - капитал, товар ва хизматларни олиб чиқаришнинг аралаш шаклларига хизмат қилиш учун тайинланган, масалан, пудрат ишларини бажариш шаклида бўлиш мумкин.

Кўриниши бўйича кредитлар: товар шаклида - асосан экспортёрлар томонидан харидорларга бериладиган ва валюта шаклида - банклар томонидан пул шаклида бериладиган кредитларга бўлинади.

Валютаси бўйича халқаро кредит қарздор мамлакатнинг

валютасида ёки кредитор мамлакатнинг валютасида, шунингдек, валюта саватида ҳисобланадиган халқаро валюта бирлигига (СДР, евро ва б.) берилиши мумкин.

Халқаро кредит манбалари бўйича ташқи савдони ички, ташқи (чет) ва аралаш кредитлаш ҳамда молиялаштириш бўйича фарқланади.

Халқаро кредитни кўриниши бўйича 2 та асосий шаклга бўлиб кўрсатиш мумкин:

1. Халқаро банк кредити;
2. Халқаро тижорат кредити.

Халқаро банк кредити асосан валюта (пул) кўринишида бўлади.

Халқаро тижорат кредити эса, одатда товар кўринишига эга.

Ана шу 2 та асосий кредит шаклидан келиб чиқадиган бир қанча кредитлар мавжуд:

1. Фирма (тижорат) кредити - одатда экспортёр мамлакатнинг бир фирмаси бошқа мамлакатнинг импортёрига тўловни кечикириш шаклидаги ссуда беришига тушунилади. Ташқи савдода тижорат кредити товарли операцияларга боғлиқ ҳисоб-китобларда кенг қўлланилади. Тижорат кредитининг муддати (одатда 2-7 йил) турлича бўлади.

2. Векселли кредитда экспортёр товарни сотиш ҳақида битим тузиб, ўтказма вексель (тратта)ни импортёрга жўнатади, импортёр тижорат ҳужжатларини олиб акцептлайди, яъни унда кўрсатилган муддатда тўловни амалга оширишга розилик беради.

3. Очиқ ҳисобвараклар бўйича бериладиган кредит. Бу кредит экспортёр ва импортёр ўртасидаги келишувга асосланади. Экспортёр жўнатилган ҳар бир товарлар қийматини импортёргининг ҳисобига қарз сифатида қайд қилиб боради. Импортёр шартномада кўрсатилган вақтда кредит суммасини тўлаб боради. Очиқ ҳисобвараклар бўйича бериладиган кредитлар фақатгина доимий алоқада бўлган фирмалар ўртасидагина амалга оширилиши мумкин.

Тижорат кредитининг яна бир турига импортёргининг аванс тўлови (сотиб олувчининг аванси)ни киритиш мумкин. Бунда шартнома тузилаётган пайтда мол сотиб олувчи, яъни импортёр томонидан чет эллик мол етказиб берувчига одатда машина, асбоб-ускуналар (технология)нинг қийматидан 10-15

фоизи олдиндан тұлаб берилади.

Харидор аванси экспортни кредитлашнинг бир шакли бўлиб ҳисобланади ва шу вақтнинг ўзида импортёрга маъжбуриятини таъминловчи воситадир. Чунки импортёр ўзи буюртма берган товарни сотиб олишга мажбур бўлади. Ривожланган мамлакатларнинг импорт билан шуғулланувчи фирмалари ривожланаётган мамлакатлардан фарқли равища, харидор авансидан шу давлатларнинг қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини олиб чиқиб кетишда фойдаланмоқдалар.

Тижорат кредити сотувчи ва сотиб олувчи ўртасидаги муносабатни намоён қилсада, у одатда банк кредити билан қўшилиб мослашади. Машина ва асбоб-ускуналарни сотишда тижорат кредити узоқ муддатга берилади (7 йилга), бу эса ўз навбатида экспортёрга анчагина маблағини жалб қилиб олади. Шу сабабдан экспортёр, қонундагидек, банк кредитига мурожаат қиласи ёки ўз кредитини банкларда қайта молиялаштиради.

Тижорат кредити ҳажм ва молиялаштириш шартлари бўйича машина ва асбоб-ускуналарнинг экспортини кредитлаш муаммосини тўлиқ еча олмаганилиги сабабли, банк кредитларининг роли ошади.

Банк кредити - экспорт ва импортни кредитлашда ссуда шаклида намоён бўлади ва у товарлар, товар ҳужжатлари, векселларни, ҳамда траттани гаровга олган ҳолда берилади. Баъзан банклар ўзларига чамбарчас алоқада бўлган йирик экспортёр-фирмаларга бланкли кредит, яъни расмий таъминланмаган кредитлар беришади.

Халқаро савдода банк кредитлари тижорат кредитларига нисбатан устунликка эга. Улар кредит олувчини олган маблағларидан товарлар сотиб олишга мустақил фойдаланиш имкониятини яратадилар, мол етказиб берувчи фирмадан кредитга мол сўрашдан озод этадилар, ҳамда охирги товарларга ҳисоб-китобларни банк кредитидан фойдаланиб тўлайдилар. Ҳусусий банклар кўпинча давлат маблағларини ва унинг кафолатини олган ҳолда экспорт кредитларини 10-15 йилга бозор ставкасидан пастроқ ставкада берадилар.

Экспорт кредити - экспортёр банкининг импортёр банкига етказиб берилган машина, асбоб-ускуна ва бошқа инвестиция қилинган товарларни кредитлашга айтилади.

Банк кредитлари пул күринишида берилади ва "боғлиқ"лик характеристига эга, чунки кредит олувчи ссудадан фақатгина кредитор мамлакат товарларини сотиб олишигагина берилади.

Муддатлари бўйича халқаро кредитлар: қисқа муддатли - 1 йилгача бўлган, баъзан 18 ойгача (жуда қисқа муддатлилари - 3 ойгача, кунлик, ҳафталик); ўрта муддатлилари - 1 йилдан 5 йилгача; узоқ муддатлилари - 5 йилдан юқори муддатли бўлади. Бир қатор давлатларда ўрта муддатли кредитлар 7 йилгача бўлганлари, узоқ муддатлилари 7 йилдан юқорилари ҳисобланади. Қисқа муддатли кредитлар одатда тадбиркорларни оборот капитали билан таъминлашда ҳамда ташқи савдо, халқаро тўлов оборотида носавдо, суғурта битимларига хизмат қилишга ишлатилади. Узоқ муддатли халқаро кредит асосан ишлаб чиқаришнинг асосий воситаларига инвестиция қилишда, машина ва ускуналар экспортининг 85 %гача бўлган қисмига, халқаро иқтисодий муносабатларнинг янги шаклларига (йирик масштабдаги лойиҳалар, янги техникини киритиш) хизмат қилишда ишлатилади. Агар қисқа муддатли кредит пролонгация қилинса (муддати узайтирилса), у ўрта муддатлига, баъзи ҳолларда узоқ муддатли кредитга ўзгариади. Қисқа муддатли кредитларни ўрта ва узоқ муддатлига ўзгартиришда давлат кафолат берувчи сифатида актив иштирок этади.

Таъминланганлик даражаси бўйича кредитлар таъминланган ва бланкали кредитларга бўлинади.

Таъминот бўлиб одатда товарлар, товар тақсимловчи ва бошқа ҳужжатлар, қимматли қофозлар, кўчмас мулк ва бошқа қийматликлар хизмат қиласи. Кредит олиш учун қўйиладиган товар гарови уч шаклда амалга оширилади: қатъий гаров (товарнинг маълум қисми банк фойдсига қўйилади); оборотдаги товар гарови (маълум суммага тўғри келадиган тегишли ассортиментдаги товар қолдиги ҳисобга олинади); қайта ишлаш жараёнидаги товар гарови (бу қўйилган товарлардан маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин).

Кредитор сотишига имконияти кўп бўлган товарларни гаровга олишни афзал кўради ва таъминот ҳажмини аниқлашда товарлар бозоридаги конъюктурани ҳисобга олади. Баъзан кредит таъминоти сифатида ўртача бозор

нархларида баҳоланувчи расмий олтин захиралари қисмидан ҳам фойдаланилади (Финляндия 1963 й., Италия, Уругвай, Португалия 70-йиллар ўрталарида қўлланилган). Ривожланаётган давлатлар (асосан 80-йиллар бошларида) ўзларининг ташки қарзларини тўлаш учун олтинни гаров сифатида қўйишни кенг қўллай бошладилар. Бироқ, олтин гарови асосидаги ссудалар кўпгина халқаро кредитларга хос бўлган «салбий гаров шарти» кучга кириши билан кенг тарқалиш кучини йўқота бошладилар. Унинг моҳияти шундаки, агар қарздор бошқа кредитлар бўйича қўшимча таъминотни киритган бўлса, у ҳолда кредитор шу таъминотни жорий кредит бўйича ҳам талаб қилиб олиши мумкин. Бинобарин, агар мамлакат кредитни олтин гарови остида олса, ундан олдин олинган бошқа кредитлар бўйича ҳам олтин таъминотини талаб қилишлари мумкин.

Шунинг учун ҳам баъзи мамлакатлар олтинни сотишни афзал кўрадилар. Модомики, гаров кредит шартномаси бўйича мажбуриятларнинг таъминоти сифатида хизмат қиласар экан, кредитор бу мажбуриятларнинг қарздор томонидан бажарилмаган ҳолларда гаров қийматидан компенсация суммасини олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Бланкали кредит қарздорнинг мажбурияти остида маълум муддатда тўлаш шарти билан берилади. Одатда, бу кредит бўйича ҳужжат сифатида бир томонли қарздорнинг имзоси билан бериладиган соло-вексель хизмат қиласади. Бланкали кредитларнинг бошқа кўринишлари сифатида контокоррент ва овердрафтларни киритиш мумкин.

Кредитларни бериш техникаси жиҳатидан қўйидагилар ажратилади: молиявий (нақд) кредитлар - қарздорнинг ҳисобварағига мувофиқлаштириш учун ўтказилади; акцептли кредитлар - импортёр ёки банк томонидан тратта акцептланади; депозит сертификатлари; облигацали заёмлар; консорциал кредитлар ва бошқалар.

Кредитор сифатида ким бўлишига караб кредитлар қўйидагиларга бўлинади: 1) хусусий - фирмалар, банклар, баъзан ўртада турадигин (брокер)лар томонидан берилади; 2) ҳукумат; 3) аралаш - бунда хусусий ва давлат корхоналари қатнашади; 4) давлатлараро кредитлар - халқаро ва ҳудудий валюта - кредит ва молия ташкилотлари томонидан берилади.

Фирма (тижорат) кредити - фирма томонидан, одатда, бир мамлакатнинг экспортёри томонидан бошқа мамлакатнинг импортёрига тўловни муддатини суриш кўринишида бериладиган кредитдир. Кредитларнинг муддатлари турлича (одатда 2-7 йилгача) бўлиб, у жаҳон бозорларидаги конъюктура шартлари, товарлар кўриниши ва бошқа омиллар асосида аниқланади.

Фирма кредити одатда вексель орқали расмийлаштирилади ёки очик ҳисобварақ орқали берилади.

Векселли кредит - экспортёр товарни сотиш тўғрисида шартнома тузиб, импортёрга ўтказмали векселни беради. Импортёр эса тижорат ҳужжатларини қабул қилиб, векселни акцептлайди, яъни унда кўрсатилган муддатда тўловни амалга оширишга розилик беради.

Очиқ ҳисобварақ орқали кредит - экспортёр импортёр билан битим тузиб, унда товар етказиб берувчи товар қабул қилиб олувчининг ҳисобварагига унинг қарзи сифатида сотилган ва туширилган товарларнинг қийматини ёзib боради, ўз навбатида, импортёр ўрнатилган муддатда кредитни тўлаши керак. Очик ҳисобварақ орқали кредитлар товарларни мунтазам етказиб беришда ҳамда қарзни ойнинг ўртаси ва охирларида тўлашда қўлланилади.

Фирма кредитларининг яна бир кўриниши сифатида аванс тўловли кредитлар ҳам кенг қўлланилади. Бунда импортёр томонидан экспортёр фойдасига шартномада кўрсатилган буюртма берилган машина ва ускуналар қийматининг одатда 10-15 % миқдорида (баъзан бундан ортиқроқ) аванс тўлов амалга оширилади. Сотиб олиш аванси экспортни кредитлаш шаклларидан бири бўлиб хизмат қиласи ва бир пайтнинг ўзида чет эллик харидор мажбуриятини таъминлаш воситасидир, чунки импортёр буюртма берган товарини қабул қилиши шарт.

3-§. Халқаро кредитнинг ҳусусиятлари ва имкониятлари

Ривожлангаётган мамлакатларга келиб тушадиган молиявий оқимларнинг қўйидаги ҳусусиятлари мавжуд:

Биринчидан, бу мамлакатлар ташки ресурсларнинг асосий қисмини ҳукуматлараро битимлар ҳамда халқаро молиявий институтларнинг имтиёзли кредитлари ва

субсидиялари шаклида ташкил қиладилар («Ривожланишни расмий молиялаштириш» - РРМ). Имтиёзли ресурсларга номзод мамлакатларнинг таилови иқтисодий ривожланиш даражасига қараб амалга оширилади. Лекин сиёсий ва ҳарбий-стратегик омиллари ҳам инобатга олинади. РРМ бўйича маблағларни иқтисодий инқизорни кечираётган мамлакатлар ҳам олишлари мумкин.

Иккинчидан, ҳар бир мамлакат учун унинг иқтисодий ривожланиш даражаси, иқтисодий вазияти, ички молиявий бозорининг ҳолати, ҳалқаро иқтисодиётда тутган ўрни ҳамда олиб бораётган сиёсатига қараб ўзининг маҳсус ҳалқаро кредитлаш ва молиялаштириш механизми мавжуд бўлади. Ривожланаётган мамлакатлар иккита категорияга бўлинади. Биринчилар (паст ривожланганлар) - ташқи ресурсларни асосан расмий манбалардан оладилар. Ўз ресурслари қийин шароитлар туфайли етарли эмас. Ҳамда бундай мамлакатлар хусусий инвестициялар учун ноқулайдир.

Иккинчилар (нисбатан ривожланган) - хусусий ресурсларни жалб. қиладилар. Булар ривожланаётган молиявий бозорларига эга бўлган мамлакатлардир. Бу мамлакатларнинг молиявий бозорлари маълум ривож топган ва уларнинг интеграцияси ҳалқаро тизимга мос келган бўлади.

Учинчидан, ривожланаётган мамлакатларнинг кредитланиши ва молиялаштирилиши асосан марказ ҳамда ҳалқаро ҳўжаликлар ўртасидаги муносабатларга тўғри келади.

Фақатгина кредит ва субсидияларнинг унча кўп бўлмаган қисми ривожланаётган мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорлик доирасида берилади.

Ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ривожида ташқи ресурсларнинг аҳамияти бирламчи бўлиб ҳисобланмайди.

Чунки кўп мамлакатлар иқтисодий ютуқларга эришиш йўлида ички жамғармаларига таянган бўлсалар ҳам ташқи ресурсларни актив равишда жалб қиладилар. Лекин баъзи бир мамлакатлар йирик ташқи таъсирга қарамасдан ижтимоий-иктисодий ривожланиш йўлида унчалик силжий ололмаганлар.

Ташқи ресурсларни ишлатиш самараси асосан кредитор ва кредит олувчи (давлат институтлари ҳамда хўжалик субъектлар) олиб борадиган фаолиятига боғлиқ бўлади.

Халқаро кредит қўйидагиларга имкон туғдиради:

1. Ишлаб чиқариш ва айирбошлишнинг байналминаллашувига;

2. Жаҳон бозори ва жалқаро савдони ташкил қилишга;

3. Ривожланган мамлакатлар товарларнинг рақобатбардошлиқ даражасини оширишга;

4. Урушларни молиялаштириш шаклларининг турли хилларини ташкил қилишга;

5. Иқтисодий қолоқ бўлган мамлакатларнинг иқтисодиётини кучайтиришга ёрдам беради.

Халқаро кредитнинг аҳамияти у бажарадиган функциялари орқали намоён бўлади. Халқаро кредитнинг функцияларини қўйидагиларча таснифлаш мумкин:

1. Товар ва хизматларнинг экспортини рағбатлантиради;

2. Хорижий хусусий инвестициялар учун қулай шароитлар яратади;

3. Қарздор мамлакатлардан фоиз кўринишидаги даромадларни чиқариб олиш инструменти бўлиб хизмат киласди;

4. Қарздор мамлакатларда хорижий монополиялар учун қулай ва фойдали бўлган иқтисодий ҳамда сиёсий режимларни ўрнатишга имкон беради.

Ишлаб чиқариш ва айирбошлиш байналминаллашувининг даражаси ўсиши билан бир қаторда жалқаро кредитнинг роли ҳам ошиб бормоқда. Буни қўйидагича таснифлаш мумкин:

1. Ривожланган мамлакатлар ўртасидаги кредит муносабатлари кенгайиб бормоқда;

2. Кредит муносабатлари жаҳондаги иқтисодий чегара учун бўлган курашни олиб боришга трансмиллий корпорацияларга ёрдам беради;

3. Жаҳондаги ҳукмрон мамлакатларнинг кредит экспансиясини оширади, чунки кредитлар ривожланётган мамлакатларга бўлган иқтисодий ва сиёсий қарамликни ошириш шарти билангина берилади;

4. Халқаро савдони молиялаштириш, тўлов балансини тартибга солиш ва асосий ривожланган мамлакатларнинг

валютасини қўллаб-қувватлашга бериладиган кредитлар суммаси сезиларли даражада ошиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлиги қўйидаги асосий йўналишларда амалга оширилмоқда:

- макроиктисодий барқарорликни таъминлашда кўмаклашиш;
- миллий валютани мустаҳкамлаш;
- мулкни давлат тассаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чукурлаштириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш;
- рақобатчилик муҳитини шакллантириш;
- кадрларни тайёрлаш.

Бу чоралар эса чуқур тузулмавий ўзгаришларни амалга ошириш, иқтисодиётни дунё бозорларига чиқишини таъминловчи сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқиш учун мустажкам асос бўлиб хизмат қиласди.

4-6. Халқаро кредит бўйича фоиз ставкаси ва кредит баҳоси

Капитал ҳаракатининг муҳим шакли ссуда капиталини халқаро кредит кўринишида олиб келиниши ва олиб чиқилиши ҳисобланади. Корхоналар, аҳоли ва давлатда бўш пул жамғармаларининг пайдо бўлиши, уларни банклар, сугурта ва инвестиция компанияларида тўпланиши, шунингдек, трансмиллий компаниилар, банклар, халқаро молия-кредит муассасаларининг ссуда капиталини жаҳон бозорини шаклланишига олиб келади. Бу бозорда турли-туман давлатлардаги қарз берувчилар ва қарз олувчилар кредит бериш шартлари ва кредит миқдорини белгиловчи шартномалар тузадилар.

Кредит муносабатларининг халқаро миқёсда амалга оширилиши (мамлакатлар ўртасида) халқаро кредитнинг юзага келишига олиб келади. Халқаро кредитга халқаро миқёсда ҳаракат қилувчи кредит муносабатлари тўплами сифатида қараш зарур. Кредитнинг бу шакли бевосита иштирокчилари давлатлараро молия-кредит институтлари,

тегишли давлат ҳокимияти, кредит ташкилотлари ва алоҳида ҳуқуқий шахслар бўлиши мумкин.

Халқаро кредит бир давлат, шу давлат банки, ҳуқуқий шахси томонидан иккинчи бир давлатга, унинг банкларига, бошқа ҳуқуқий шахсларига муддатлилик ва тўловлилик асосида бериладиган кредит ҳисобланади.

Халқаро кредит давлат ва халқаро институтлар иштирок этган муносабатларда пул (валюта) шаклида, ташки савдо фаолиятида эса товар шаклида бўлиши мумкин.

Халқаро кредит қўйидаги хусусиятлари билан характерланади:

✓ қарз олувчи ва қарз берувчи сифатида давлат, ташкилот ва муассасалар, ҳуқуқий шахслар, халқаро валюта кредит ташкилотлари қатнашадилар;

✓ қарзга олинган маблағлар қарз олувчи мамлакат томонидан даромад келтирувчи капитал сифатида ишлатилади;

✓ қарз берувчи мамлакатга тўланадиган ссуда фоизининг манбаси қарз олувчи мамлакат аҳолиси томонидан яратилган миллий даромад ҳисобланади.

Халқаро кредит маҳаллий кредит билан бир қаторда фондлар айланишининг барча босқичларида қатнашади.

Халқаро кредит халқаро иқтисодий муносабатлар доирасида қўйидаги функцияларни бажаради:

✓ мамлакатлар ўртасида капиталнинг қайта тақсимланишини таъминлайди;

✓ капиталнинг концентрациялашувига шароит яратади ва бу жараённи тезлаштиради;

✓ ҳар хил воситаларда халқаро ҳисоб-китобларни олиб боришда муомала харажатларини қисқартиради.

✓ Валюта турига кўра қарздор мамлакат валютасида, кредитор мамлакат валютасида, учинчи мамлакат валютасида, маълум давлатлар пул бирлигига (СДР, евро ва бошқалар).

Таклиф этилиши нуқтаи-назаридан нақд акцептли (банк ёки импортёр томонидан акцептланганда), депозит сертификати, облигация заёмли кредитларга бўлинади.

Шу ўринда халқаро кредитларнинг айrim турларига тўхтаб, уларнинг иқтисодиётдаги аҳамиятини кўрсатиб ўтсак. Масалан, факторинг – бу воситачи компания томонидан

қарздорнинг тўлов мажбуриятларини тўловга қабул қилиб, уни тезда ёки ўрнатилган муддатларда мол эгасига тўлаш ҳисобланади. Кредитлашнинг бу шаклини устунлиги шундаки, факторинг компаниясига (воситачига) ҳисоб-китоб ҳамда бозорга чиқишининг молия натижаларини таҳлил қилиш функцияларининг маълум қисми ҳам ўтади. Кредитнинг бу шаклидан истеъмол молларини ишлаб чиқаришга истисослашган, экспорт обороти катта бўлмаган фирмалар фойдаланадилар.

Факторинг компаниялари тижорат банклари фаолияти билан чамбарчас боғланган бўлиб, улардан кредит ёрдами ва харидорларнинг кредит қобилияти ҳақидаги маълумотларни олади. Шунингдек, факторинг компаниялари ўзаро халқаро гурухларни, ассоциацияларни ташкил этадилар. Бу компаниялар экспорт қилувчиларни кредит рискларидан ва кредитни суғурта қилиш харажатларидан озод қиласди.

Форфейting операцияси 50-йилларда Фарбий Европада пайдо бўлиб, айланишсиз молиялаштириш деб аталган база асосида ривожланади. Бу усул АҚШда “Векселларни қайта молиялаштириш” номи билан қайта тарқалган. Бу операциянинг мазмуни шундаки, экстортёр томонидан импортёрга талаб ҳуқуқи банк форфейторига берилади, у эса ўз навбатида бу ҳуқуқни сақлаши ёки халқаро бозорда сотиши мумкин. Банк эса экспортёрга бу қимматли қофозлар қийматини нақд пул билан тўлайди. Бундай қатъий ҳисоб ставкаси, мукофот (банк томонидан мажбуриятларни тўламаслик ҳавфини олгани учун) чегириб ташланади. Форфейting операцияларида ишлатиладиган молиявий воситалар банклардаги анъанавий савдо векселлари ҳисоб-китоблари каби қўлланилади. Фарқи шундаки, вексель эгаси импортёр сифатида форфейtingда риск билан боғлиқ бўлади. Оддий ҳисоб-китобда эса вексель қонунчилигига биноан кўпгина ҳолларда қарздорлик жавобгарлиги экспортёрнинг харидорни кредитлашни узайтиришга имкон беради. Банкнинг форфейting операциялари бўйича рискни ўз зиммасига олиши инвесторлар учун ўз маблагларини узоқ муддатга қўшимча жойлаштиришга қизиқиши оширади. Форфейting операцияларида иштирок этувчи банклар учун евровалюта бозори, молиявий воситалар бозори бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун форфейting ставкаси бу

бозордаги ўрта муддатли кредит фоиз ставкаси билан чамбарчас боғлиқ.

Халқаро лизинг – бу ижара операцияларининг бир кўриниши бўлиб, бунда ижарага берувчининг мулкка эгалик ҳуқуқи сақланиб қолади. Ижарага олувчи вақти-вақти билан товардан вақтинча фойдаланганлиги учун ҳақ тўлаб туради. Лизинг жиҳозларни маъсус кредит муассасасининг компанияси томонидан олдиндан сотиб олишни англатади. Асосан, бундай операцияларнинг обьекти сифатида турли хил жиҳозлар, транспорт воситалари, ЭҲМ ва бошқалар ҳисобланади. Ижара кредит олишнинг ўзига хос шакли бўлиб, экспортёр товарининг ташқи бозордаги ҳаракатини енгиллаштиради. Оддий товар кредити билан лизинг ижара операцияларини ўтказиш шартларини бир-бирига яқинлаштиради. Ижарага олувчи ўз маблағларини марказлаштиришдан халос бўлади. Ижара тўловлари бўлак-бўлак шаклида бутун ижара даврида тўлаб борилади. Аммо лизингнинг мақсадида товарга эгалик ҳуқуқини олиш эмас, балки товарнинг истеъмол ҳусусиятларидан фойдаланиш ҳуқуқини олишдир. Халқаро савдо ижара операцияларининг ҳажмининг ошиши кўплаб молия маблағларини жалб этишини тақозо этади. Шунинг учун ҳам кўпчилик мамлакатларнинг йирик тижорат банклари лизинг компанияларини молиялаштиришда фаол иштирок этадилар. Кейинчалик лизинг компаниялари банклар иктиёрига ўтади.

Халқаро кредитнинг баҳоси – бу банк билан қарз олувчи ўртасидаги шартнома асосида белгиланади ва бу кредитга оид фоизларни ўз ичига олади. Қисқача қилиб айтадиган бўлсақ, кредитнинг баҳоси бу банк томонидан белгиланган унинг фоиз ставкаси ҳисобланади. Халқаро кредитнинг баҳоси иккига бўлинади:

1. Келишилган кредит баҳоси;
2. Кредит баҳосининг яширин элементлари.

Келишилган кредит баҳосига фоизлар, қарзни расмийлаштириш учун комиссацион тўловлар ва бошқалар киради.

Кредит баҳосининг яширин элементларига эса кредитни ишлатиш билан боғлиқ ҳаражатлар ва шартномада эслатиб ўтилмаган тўловлар киради.


Бевосита қарз берувчига тўланадиган бу фоиз ставка ҳисобланади. Унинг даражаси жаҳон, миллий пул бозорларининг аҳволига, шунингдек, қарз берувчи ва қарз оловучи ўртасидаги келишувларга боғлиқ. Фоиз ставкалари қайд этилган ва сузуб юрувчи ставкаларга бўлинади. Қайд этилган фоиз ставкалари кредитнинг барча муддатига белгиланади.

Сузуб юрувчи ставка қарз берувчи ва қарз оловучи ўртасидаги келишилган муддатда (асосан, 3-6 ойдан кейин) капитал бозоридаги аҳволга қараб, қайта кўриб турилади.

Сузуб юрувчи фоиз ставкаси икки қисмдан таркиб топади:

1. Асос қилиб олинган ставка. Бундай ставка сифатида АҚШ банкларининг биринчи даражали қарз оловчилари учун ставка (прайм-рейт), шунингдек, Лондон банклари томонидан шу тоифадаги мижозларга қисқа муддатли ссудаларни беришда ишлатиладиган ўрта фоиз ставкали (ЛИБОР) қўлланилади. Расмий жиҳатдан ЛИБОРнинг ўрнатилган даражаси мавжуд эмас. Ҳар бир йирик Лондон банки бу ставкани валюта бозоридаги талаб ва таклифга қараб аниқлайди. Либор валюта турлари ва муддатларига қараб (1, 3, 6 ва 12 ой) табақалаштирилади.

2-чиズма



2. Устамалар ёки маржа. Унинг миқдори қарз олувчи ва қарз берувчи ўртасидаги келишув бўйича аниқланади.

Комиссион тўловлар бу қарз берувчи банкка белгиланган муддат мобайнида зарур кредит ресурсларини қарз олувчи ихтиёрига бериш ва резервда сақлаш мажбурияти учун тўланади. Шунингдек, комиссион тўловлар агар кредит алоҳида банклар томонидан эмас, балки банклар уюшмаси томонидан берилса, кредит операцияларини ўтказишни бошқариш учун ҳам тўланади. Сўнгги ҳолда етакчи банк ёки уюшма ишни ташкил этувчи менежер кредитлашда қатнашиш ҳиссасини ҳамда қарзни узишдан, фоизларни тўлашдан тушадиган маблағларни уюшма аъзолари ўртасида тақсимлайди. Бунинг учун қарз олувчидан бошқариш учун бир марталик тартибда комиссион тўловлар олади.

3-чиズма

Комиссион тўлов жиллари

Келишувлар учун комиссиялар
(negotiation fee)

Қатнашиш учун комиссия
(participation fee)

Бошқарув учун комиссиялар
(management fee)

Агентлик комиссияси
(agency fee)

Қарздорни керакли воситалар билан таъминлаш мажбурияти учун комиссия. Кредит шартномаси туайлган вақтидан бошлаб, то кредитнинг ҳамма суммаси ишлатилгунга қадар тўланади
(commitment fee)

Суѓурта мукофоти – бу маҳсус суѓурта муассасаларига тўланади. Чунки улар юз бериши мумкин бўлган йўқотишларни суѓурта қилувчи билан келишилган миқдор доирасида қоплаш мужбуриятини ўз зиммаларига оладилар. Ҳозирги вақтда экспорт кредитларининг суѓурта қилиш миқдори эҳтимоли бўлган йўқотишларнинг 80-90 %ини ташкил этади, баъзида эса ҳатто 100 %ини ҳам ташкил қилиш мумкин.

Кредит баҳоси ссуда капитали бозоридаги талаб ва таклиф асосида аниқланади. Кредитларнинг барча турлари, яъни хусусий, давлат ва халқаро ташкилотларнинг

кредитлари устун равища бозор қиймати бүйича берилади, бироқ баъзи ҳолларда қарз олувчи томонидан маълум шартлар сақланганда ҳукумат кредитлари ва халқаро ташкилотларнинг кредитлари бозор қийматидан паст бўлган имтиёзли нархда берилиши мумкин.

Халқаро кредитнинг фоиз ставкаси ҳар хил усулда ўрнатилиши мумкин. Буларга “Прайм-рейт” ва либорларни мисол келтиришимиз мумкин.

“Прайм-рейт” асосида халқаро кредитга фоиз ставкасини ўрнатиш.

Халқаро кредит, масалан, АҚШ долларида Америка банки томонидан берилсин. Ўзининг маҳаллий валютасида молиялаштирилаётган кредитни баҳолаш учун банк ўзининг маълумот ставкаларини қўллайди. АҚШда бу ролни “Прайм-рейт” ставкаси бажаради. Бу биринчи даражали талабгорлар учун фоиз ставкаси ҳисобланади. “Прайм-рейт” ставкаси банк фонди учун олинадиган ушламаларни, кредит билан боғлиқ бўлган банк операцияларини харажатларини, ҳамда даромад маржасини қоплаш даражасида баҳоланади.

Банк учун фонд ушламалари биринчи навбатда тез тўланадиган (қисқа муддатли) депозитлар ставкаси билан шаклланади. Бундан ташқари мижоз ҳисобвараfiga хизмат кўрсатиш харажатлари ҳам талаб қилинади. Чунки банк томонидан ҳисобварақ учун алоҳида операцияларга ўтказиладиган комиссацион тўловлар буни қоплай олмайди.

Ривожланган мамлакатлар банклари маҳаллий депозитларни сугурталаш учун федерал агентликларга сугурта бадаллари тўлайдилар. Бу харажатлар албатта тижорат банклари учун фонд қийматларини оширишга олиб келади. Булардан ташқари фоиз ставкалари банк томонидан баҳоланадиган кредит рискини ҳам ўзида намоён этиши керак. Кредит билан боғлиқ бўлган айрим қўшимча рискларни қоплаш учун “Прайм-рейт” ставкасининг устига қўшиш орқали қоплаш мумкин. Шуларнинг ҳаммаси умумлаштирилиб, банк ходимларининг билимлари ва малакалари орқали кредит баҳоси ўрнатилади. Бундан ташқари бозордаги кредит берувчилар томонидан таклиф қилинаётган фоиз ставкалари ҳам ҳисобга олинади. Шундай қилиб, маҳаллий фондлар ҳисобидан молиялаштирилаётган халқаро кредит фоиз ставкаси яхлитлигича банк томонидан

шундай эълон қилинади: “Бизнинг прайм-рейт плюс X йиллик фоиз пунктлари”. Шу орқали фоиз ставкаси ўрнатиласди ва бу кредит даврида “прайм-рейт” ставкаси изидан юриб ўзгариб туради.

Евровалютани ЛИБОР ставкаси асосида фоиз ставка ўрнатиш.

Либор ставкаси (London InterBank Offered Rate – LIBOR) бу Лондондаги банклараро депозит бозори таклиф қилган ставка ҳисобланади. Ҳалқаро ссуда капиталлари бозорида кредит беришда бу энг керакли ва мўлжалли фоиз ставка ҳисобланади. Банк банклараро бозордан евродоллари Либор ставкасини тўлаган ҳолда қарзга олади. Сўнгра бу пулларни мижозига кредит қилиб беради. Евродоллар қисқа муддатли депозитлар ҳисобланади ва банк буларни 3 ёки 6 ойга олади. Ўз-ўзидан берилаётган кредит револл-овер кредит линияси шаклини олади. Яъни ҳар чорак ёки ярим йилликда тикланади. Қарздор томонидан фоиз ставка “ЛИБОР плюс X йиллик фоиз пунктлари” тарзида эълон қилинади.

Банк даромадида “Прайм-рейт плюс” ва “ЛИБОР плюс” ставкалари ўртасида фарқ бор. “Прайм-рейт” ставкаси ўзида банк учун ушламалар плюс харажатлар қопламаси плюс банкнинг акционер капитали учун даромадларни намоён этади. ЛИБОР ставкаси эса фақат банк учун фонд қийматини кўрсатади. Шундай қилиб ЛИБОР ставкаси устига ўрнатилган фоиз банк соғ даромади ҳисобланади.

“Прайм-рейт плюс” ва “ЛИБОР плюс” ставкаларидан банк кредит баҳосини пул бозорининг инструменти ҳисобланган қимматли қоғозларнинг фоизларини устига қўшиш билан аниқлайди. Мисол қилиб депозит сертификатининг фоизини олишимиз мумкин. Бунда банк депозит сертификатининг фоизини устига қўшиш орқали кредитни баҳолайди. Бу ставка қайсиdir банкнинг “Прайм-рейт” ставкасига нисбатан ички пул бозорининг ставкасини аниқроқ ифодалайди. Бундай кредитнинг баҳосини банк ўзининг мижозларига қимматли қоғозлар учун тўлайдиган фоизлар билан солиштириб туради.

Юқорида қайд этилган “Прайм-рейт плюс”, “ЛИБОР плюс” ва бошқа ставкалар кўп жиҳатдан бир-бири билан боғлиқ бўлади ва улар ўзаро солиштирилиб турилади.

Масалан, банк акцептларининг фоиз ставкаси депозит сертификатлари ва тијкорат қоғозлари фоиз ставкаси билан деярли яқин бўлади. Депозит сертификати фоиз ставкалари даражаси, қисқа муддатли банк депозитлари фоиз ставкасига қараб ўзгаради. Юқоридаги қайд этилганидек, “Прайм-рейт” ставкалари ана шу асносида ўрнатилади.

Халқаро кредитни баҳолашда бир қанча омиллар борки, улар кредит баҳосига таъсир кўрсатмасдан қўймайди. Ана шу омиллардан бири кредит олган мижоз мамлакатининг валюта-молиявий, иктиносидий ва сиёсий ҳолатидир. Бизга маълумки, кўпчилик ривожланган мамлакатлар сиёсий жиҳатдан барқарордирлар. Лекин айрим ривожланётган мамлакатларда эса бундай эмас. Банк мижознинг молиявий ҳолатидан қониқкан бўлиши мумкин, лекин у мамлакатнинг сиёсий ҳолатини ўрганиб чиқиши керак бўлади. Чунки мижознинг бизнесини ёмонлашувига асосан шулар сабаб бўлиши мумкин. Масалан, мамлакатда ҳукумат тўнтирилиши содир бўлса, янги қонунлар қабул қилиниши мумкин ва айрим валюта чекловлари ўрнатилиши мумкин. Натижада, мижоз ўзи хоҳламаган тарзда кредитни қайтара олмайди. Ана шундай тўсатдан ўзгарадиган омилларга инфляция суръати, валюта курси динамикаси, ссуда капитали бозорининг ҳолати ва бошқалар мисол бўла олади.

4-ЧИЗМА

Кредитнинг фоиз ставкасини аниқлашнинг асосий омиллари.

Қарздорнинг давлатидаги валюта-молиявий, иктисодий ва сиёсий ҳолатлар	Халқаро ва миллий ссуда капитали бозорининг ҳолати
Мўлжалланган рискларнинг характеристи	Қарздор (кредитор)нинг тижорий фаолияти ва молиявий ҳолати
Кредит унсурлари	Кредитнинг таъминлаш сифати
Кредит баҳосини бошқариш бўйича халқаро келишувлар	Сугурта қопламаси ҳисоби (кредит бўйича гарантлар)
Фоиз ставкаси тури (сузуб юрувчи, фиксиранган ва б.)	Олдиндан келишилган вақт бўйича кредитни ишлатишдаги қарздорнинг мажбаријатлари ҳисоби
Рақобатбардош таклифларнинг мавжудлиги	Тижорат шартномасига қараб, кредит шартномасини тузиш вақти
Кредит муддати	Шартнома суммаси
Инфляция суръати	Кредит ва тўлов валютаси
Кредитнинг тижорий операциялари билан боғлиқлиги ёки боғланмаганилиги	Валюта курси динамикаси

5-§. Халқаро кредитлар бўйича рисклар ва уларни бошқариш

Юқорида кўрсатиб ўтилгандек, кредитнинг фоиз ставкаси бу банк қўйган инвестициянинг баҳоси ҳисобланади. Халқаро банк кредити баҳоси худди ҳар бир молиявий актив баҳоси сингари ўзида икки нарсани, яъни рисксиз компонент ва риск учун мукофотларни мужассамлаштиради. Рисксиз компонентнинг баҳоси ўз-ўзидан даромаднинг минимал ставкаси талабидан келиб чиқади.

Бу бозор учун нормал ҳисобланиб, бунда инфляциянинг ҳам ўрни бўлади. Рисксиз компонент учун кўпинча ҳукуматнинг қисқа муддатли қимматли қофозлари фоизи олинади. Риск учун мукофотнинг баҳоси ўзида 3 омилни мужассамлаштиради:

1. Ликвидлик риски учун мукофот;
2. Фоизли риск учун мукофот;
3. Курсли валюта риски учун мукофот

Буларга изоҳ берадиган бўлсак, масалан, ликвидилик риски бу мижознинг кредитни қайтармаслигининг энг катта ҳавфи ҳисобланади. Бу ерда банкдан кредит ҳавфсизлигини ошириш талаб қилинади. Чунки, бу ерда мижоз кредитни бутунлай қайтара олмаслик ҳолатига тушади.

Фоизли риск эса келажакда фоиз ставкасини оширишининг ҳавфини қолдиради. Бу албатта кредитдан олинадиган даромадларнинг тушишига олиб келади. Фоиз ставкаларининг даражаси ва ҳаракатининг ўзгариши натижасида зарар кўриш ҳавфи түғилади. Фоиз риски дебиторларни ҳам, кредиторларни ҳам ўз қаърига тортади.

Фоиз рискларининг бошқарилиши актив ва пассивларни бошқарилишидан ташкил топади. Фоиз рискларини бошқаришнинг бир нечта тамойиллари мавжуд. Булар қўйидагилардан иборат:

1. Банкнинг фоиз маржаси қанча юқори бўлса, фоиз риск даражаси шунчак паст бўлади.
2. “Спред” тамойили. Бунда олинган активлар бўйича ўртача тортилган ставка ва тўланган мажбуриятлар бўйича ўртача тортилган ставка ўртасидаги фарқ таҳлил қилинади. Таҳлил учун маълумотлар одатда банкнинг статистик ҳисоботидан олинади.

3. Банкнинг ўзгармас ва сузиб юрувчи фоиз ставкалари билан балансдан ташқари актив ва пассивларни таҳлил қилишдан иборат.

Фоиз рискларнинг даражаси эса қуийдагиларга боғлиқ бўлади:

- Активлар тузилишидаги ўзгариш, шу жумладан, кредит ва инвестицияларнинг ҳажми, активларнинг қайд қилинган ва сузиб юрувчи ставкаларда, уларнинг бозордаги нархининг динамикаси;
- Пассивларнинг тузилишидаги ўзгариш, яъни шахсий ва заём маблағларининг мутаносиблиги, муддатли ва жамғарма депозитлар;
- Фоиз ставкаси динамикаси.

Фоиз рисклари даражасини бошқариш ва назорат қилиш учун банк фаолиятининг аниқ бир ҳолатига боғлиқ ҳолда муҳим стратегиялар ишлаб чиқиш лозим.

Валюта риски – унчалик яхши бўлмаган алмасиш курси натижасида банк томонидан бошқарилаётган кредитга пул оқимини камайтиради. Халқаро кредит маҳаллий кредитдан фарқ қиласи, бунда банк бошқа давлатдаги кредитлаш рискини ҳам баҳолаши керак бўлиб ҳисобланади. Халқаро кредитнинг деярли барча операцияларида томонлардан бири албатта валюта конверсиясига, яъни конверсия рискига тўқнаш келади. Шундай экан бундай рискнинг олдини олиш учун кўплаб банклар халқаро кредитни чет эл валютасида эмас, балки ўз маҳаллий валюталарида беришни ҳоҳлайдилар. Бу ҳаракати билан банк валюта курсини ўзгаришидан кўрадиган хавфни ва ўзининг молиявий ҳолатининг ёмонлашуви олдини олади.

Кейинчалик, олинган кредит мижознинг ўз мамлакатида ёки бошқа мамлакатда ишлатилиши керак бўлса, бунда кредитни олган мижоз ўзига керакли валютага алмаштириб олишига тўғри келади. Агар кредитни олган мижоз банк-кредитор мамлакатига импортни молиялаштиурса, у ўша мамлакат валютасига эга бўлади. Лекин бу валюта қарз тўлаш учун фойдасиз бўлиши мумкин, агар ҳукумат чет эл валютасини четга ўтказиш устидан назорат олиб бораётган бўлса, бу валюта рискини назорат қилиш дейилади.

Бундай рискнинг олдини олиш учун кредит олувчи мамлакатнинг валютаси ҳолатидан боҳабар бўлиши керак. Ва

олдиндан бўладиган кескин девальвацияларнинг прогнозини қилиш керак. Чунки, девальвация қарзни қайтариш қобилиятини пасайтириши мумкин. Айрим мамлакатларда мижоз кредитни ёки унинг фоизларини чет элга тўлаш учун ҳукуматдан руҳсатнома олишига тўғри келади. Албатта, бундай ҳолатлар халқаро кредит беришга тўсқинликлар қилиши мумкин.

Халқаро кредитни баҳолашда молиявий риск ҳам муҳим ўрин тутади. Молиявий риск – бу халқаро кредит берилган вақтдан сўнг кредит олган мижоз қарзни тўлай олмайдиган ҳолда, яъни тўловгага лаёқатсиз бўлган ҳолда юзага келади. Бундай ҳавфни баҳолаш учун банк бир қанча омилларни таҳлил қилиб чиқади. Булар халқаро миқёсда “учта Си”: Character – репутация, характер; Cash flow or capacity – пул оқими ва ишлаб чиқариш қуввати; Capital – кредит олувчи капитали каби кўрсаткичлар билан ҳисобланади.

Банк халқаро кредит олувчининг фаолиятини баҳолашдан олдин унинг жиддий компаниями ёки йўқми, мажбуриятларини бажара оладими ва ўз бизнеси тўғрисида етарли малакага эга эканлиги ҳақида маълумотлар тўплайди.

Кредит олувчининг фаолиятини баҳолаш учун банкнинг ўз тажрибаси, бошқа банкларнинг кредит бериш малакаси асосий база бўлиб ҳисобланади. “Dun&Bradstreet” хилидаги фирмалар ер юзидаги барча кредит олувчилар, ҳар хил компаниялар, хўжалик ва ҳукумат агентликлари ҳақида молиявий ва тижорий маълумотларни беради. Ҳозирги кунда кўплаб банклар маҳфий равишда мижозларнинг операциялари ҳақида маълумот алмашадилар. Бундан ташқари банк кредит тарихини ўзида мужассамлаштирган кредит пакетини ҳам юритиб беради.

Банк кредит олувчининг пул оқими, ишлаб чиқариш қуввати ва капиталини баҳолаш учун молиявий ҳисобот талаб қиласи (фирманинг баланси, даромадлар ҳақида ҳисобот ва пул оқими ҳақида ҳисобот).

Фирманинг баланси ўша пайтдаги молиявий ҳолатини ифодалаб беради. Даромадлар ҳисоботи эса фирманинг ўша йилдаги даромадлари ва харажатларини кўрсатиб туради. Албатта бу маълумотлар мустақил аудиторлар томонидан тасдиқланган бўлади.

Банк учун ҳисоботлар олиш осон бўлмайди. Чунки, уларнинг шакллари ҳамма мамлакатларда ҳам бир хил эмас. Балансдаги моддалар ва даромадлар ҳисботовидаги рақамларни солиштириб банк мижознинг операциялари ҳақида маълумот олади. Баланс ва ҳисботовларининг бир неча йилликларини таҳлил қилиш орқали молиявий кўрсаткичларни қай ҳолда ўзгараётганини кўриши мумкин ва охирида бу рақамларни асосий рақобатдошлар кўрсаткичлари билан таққослаб фирманинг фаолиятига ва истиқболига баҳо беради.

Агар банк фирманинг шўъба корхонаси аризасини кўрсатадиган бўлса, бу учун фирма миқёсидаги глобал операциялари ва умумий молиявий ҳолат ҳақидаги маълумотлар керак бўлади. Бу албатта қийин бўлади, чунки эккаунтинг (ҳисоб-китоб) амалиёти ҳар давлатларда ҳар хилдир ва улар бир-биридан фарқ қиласди. Бундан ташқари компания ўзининг ички операциялари билан банкни чалғитиши мумкин.

Юқорида санаб ўтилган, кредит беришда кўриладиган рисклар банк томонидан ўрганилиб чиқилгандан сўнг, бу кредит баҳосига ё ижобий ё салбий таъсир этиши мумкин. Чунки бу рисклардан ҳимояланиш ўз-ўзидан кредит баҳосининг ошишига олиб келади. Банклар ва банкирлар бошқа кредиторларга нисбатан рискдан кўп ҳимояланувчи ёки қочувчи бўлишлари керак. Бунинг сабаби шундаки, банкнинг бошқа кредиторларга нисбатан ўз маблағи билан эмас, балки жалб қилинган маблағлар, яъни жисмоний, ҳукуқий шахсларнинг вактинча банкда турган маблағлари билан ишлайдилар. Банкнинг кредит бериш имкони у жалб қилган ресурсларга боғлиқ бўлади.

Банк ўз навбатида бу жалб қилинган маблағларни талаб қилинган вактда мижозга қайтариб бериш имкониятига эга бўлиши лозим. Бу имконият эса банк фаолиятида мавжуд рискларни ўз вактида аниқлаш, уларнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқишини тақозо этади.

6-§. Ривожланаётган мамлакатларни халқаро кредитлаш ва молиялаштириш хусусиятлари

Ҳукуматлараро кредитларда халқаро ва минтақавий валюта- кредит ва молиявий ташкилотлар иштирок этади.

Ривожланаётган мамлакатларга молиявий оқимлар ривожланишни расмий молиялаштириш (PPM) орқали, банклар томонидан, қимматли қоғозларни эмиссия қилиш орқали, портфель инвестицияларни акцияларга қўйиши, тўғри инвестициялар орқали, ташки қарздорлик ҳамда тўловга лаёқатлиликни аниқлаш орқали кириб келади. Энди буларни ҳар бирини алоҳида кўриб чиқамиз.

Расмий ресурслар молиявий оқимларнинг кам қисмини ташкил қиласди (1997 йилда 15 %). Лекин, хусусий капитални жалб қилишга имкони бўлмаган баъзи кам ривожланган мамлакатлар учун бу ягона ташки молиялаштириш манбаси бўлиб ҳисобланади.

PPMning асосий массаси субсидия ҳамда имтиёзли кредитларга тўғри келади. Молиялаштиришнинг бу кўриниши ривожлантиришнинг расмий кўмакчи (PPK) сифатида юзага келади. Бу терминлар ривожлантиришга кўмаклашиш комитети фаолиятига киритилган. Белгиланган мезонларга кўра PPKга субсидиялар ҳамда грант элементи 20 %дан кам. бўлмаган кредитлар киради. Бу кўрсаткич кредитнинг қиймати, унинг муддати ва имтиёзли даврларни ҳисобга олган ҳолда ҳисобланади. Қайтарилмайдиган субсидиялар учун грант-элемент 100 %га teng. PPK чегарасидаги ўртача шартлари қўйидагича: нархи – йиллик 3 %, муддати – 30 йил, имтиёзли давр – 10 йил.

Икки томонлама ёрдам учун маблағлар бюджетдан ажратиласди. Унинг миқдори мамлакат-донорларнинг бюджетига боғлиқ. Лекин мамлакатларнинг бюджет тузилиши турли хил бўлгани учун мамлакат-донорларнинг ҳаракати уларнинг ЯИМга фоиз нисбатида ўлчанади. 1970 йил БМТ конгреси томонидан тегишли кўрсаткич 0,7 % қабул қилинган, яъни донор-мамлакатлар ёрдам учун ЯИМнинг камида 0,7 %ини юбориб туришларига рози бўлдилар.

PPKning асосий мақсадлари 50-йилларнинг бошларида ташкил қила бошланди. Дастлаб донор-мамлакатларнинг ресурслари сиёсий ва ҳарбий-стратегик масалаларни ечишга қаратилган. Кейинчалик иқтисодий муаммолар, авваламбор, қашшоқлик билан кураш муаммолари биринчи ўринга чиқа бошлади. 50-60-йилларда ресурсларнинг асосий массаси инфраструктуралли даромад келтирувчи лойиҳаларга жойлаштирилган. Лекин бундай стратегиянинг ижтимоий

самараси жуда паст әди. 70-йилларда бошлаб инфратузилмаларни молиялаштириш асосий йұналиш бўлиб келган, лекин ресурсларнинг маълум қисми “асосий әҳтиёжлар” (озиқ-овқат, тураг-жой, тоза сув, соғлиқни сақлаш, таълим) га йўналтирган. 90-йилларда мақсадлар ўзгара бошлаган.

Дастлабки РРК кўпроқ Узоқ Шарқ, Жанубий-Шарқ ва Жанубий Осиё мамлакатларига берилган. Лекин кейинчалик эътибор энг қолоқ Африка мамлакатларига қаратилди. Бир қанча мамлакатлар учун узоқ вақтни РРК доирасидаги молиялаштириш кутилган натижаларга олиб келади. Лекин, баъзи мамлакатлар (аввалимбор Жанубий Корея ва Тайвань) РРКга таянган ҳолда иқтисодий ривожланишга муюссар бўлдилар, бу эса уларга имтиёзли кредитлар ва субсидиялардан воз кечишга имкон яратди.

РРКга бериладиган маблағлар бюджетдан ажратиладигани сабабли унинг ҳаракати Парламент томонидан назорат қилинади.

Демак, икки томонлама РРК бу жаҳон хўжалигини марказидан баъзи тижорат асосидаги чет қолоқ субъектларга ресурсларни қайта тақсимлашниң специфик молиявий-кредит механизми ҳисобланади. Бу молиялаштриш ссуда капиталлар бозорига боғлиқ эмас, чунки маблағлар бюджетдан келиб чиқади. Бу маблағларни тақсимлашда донор-мамлакатларнинг ҳукумати ижтимоий-иктисодий, сиёсий ҳамда ҳарбий-стратегик фикрларга асосланадилар. Бунда ҳар бир донор-мамлакат ўзининг мақсадларини кўзлади.

Банклар томонидан кредитлаш кўп вақт давомида ривожланаётган мамлакатлар РРМ ҳамда тўғри лойиҳавий инвестициялардан фойдаланиб, ҳалқаро фонд ва кредит бозорлари билан ҳам алоқада бўлиб келганлар. 70-йилларнинг бошларигача ривожланаётган мамлакатларнинг ҳалқаро ссуда капиталлар бозори билан боғлаб турувчи ягона нарса бўлиб экспорт кредитлари ҳисобланган.

Экспорт кредитлари “аралаш” категориясига киритилган, чунки унда ҳам хусусий субъектлар (асосан тижорат банклари) банк экспорт-импорт банклар (давлат томонидан) иштирок этадилар. Экспортли кредитлардаги банкларнинг иштироқи уларнинг шароитлари кредит

бозоридаги вазиятдан боғлиқлик даражасини белгилаб беради. Давлатнинг иштироки вазиятни юмшатишга бу кредитлардан бозорни эгаллаш учун фойдаланишга имкон беради. Бундай ҳаракатлар рақобатга хавф-туғдириб донормамлакатлар конгресини имзолашга мажбур қилди. Бу битим имтиёзли кредитларнинг йўл қўйиладиган чегаралари тўғрисида бўлиб, вазиятга қараб ҳар ярим йилда жалқаро кредит бозорида фоиз ставкасининг энг қуи чегараси, кредит муддатининг максимал даражаси ҳамда максимал имтиёзли даврга келишилади.

Одатда экспортли кредитлар машина ва асбобускуналарни етказиб беришда берилади. Шунинг учун унинг ҳажми инвестицион жараён билан боғлиқ бўлади. Банкларнинг экспортли кредитлари одатда экспорт-импорт банклар томонидан сугурталанади. Шунинг учун бундай кредитлашда иштирок этаётган тижорат банклар қарздор мамлакатда қарздорлик инқирози содир бўлганда минимал зарар кўрадилар.

70-йилларда кредитлар ҳар йили 20 %га ошиб уларнинг улуши эса $1/2$ етганда ривожланаётган мамлакатларга узоқ муддатли синдицирланган кредитларни банк томонидан бериш учун имкон яратилди. Бу қонуният қуидаги омиллар орқали амалга оширилган:

Биринчидан, энергия инқирози туфайли нефт импорт қилувчи мамлакатлар тўлов балансининг жорий операциялари бўйича дефицит ошиб кетди ҳамда бу дефицитни қоплаш учун бериладиан кредитга талаб ошиб кетди.

Иккинчидан, банклар орқали қайта ҳаракатлантирган нефтьедолларнинг ортиқчалиги вужудга келди.

Бунда банклар уларни қўйиш муҳитини қидиришда катта рискларга дуч келади.

Учинчидан, Фарбий мамлакатлар иқтисодиётни таркибий қайта қўришига эндиギна ўтишган эди ҳамда кредитга бўлган талаби юқори эмас эди. Бу омилларнинг бирлашуви ривожланаётган мамлакатларнинг рискга эга бўлган банк экспансияга туртки бўлди. Бу кредитлардан ҳар йили 50 дан ортиқ ривожланаётган мамлакатлар фойдаланилганлар. Кредитларнинг кўп қисми Лотин Америкаси, Жанубий-

Шарқий ва Шарқий Осиё мамлакатларнинг ўнтача кўпроқ ривожланган мамлакатларга берилган.

80-йилларнинг ўрталарида вазият тубдан ўзгарди. Нефть нархи пасайди, нефтедолларнинг ҳажми камайди. Фарбда кредитларга бўлган талаб ошди. Энг асосийси - ривожланаётган давлатлар қаторидаги кўп қарздорларнинг тўловга лаётқатсизлигини келтириб чиқарган қарздорлик инқирози вужудга келди. Инқироз шароитида банклар ривожланаётган мамлакатларга фақат “мажбурий кредитлар”ни берган. Бу кредитлар ўзларининг ссудаларининг фоизларни тўлашда фойдаланилган.

90-йилларда вазият мувозанатлашганидан кейин синдицирланган банк кредитлаштирилиши ўртacha масштабларда амалга оширилиши бошланди. Банклар қарздорлик инқироз ҳолатида бўлган мамлакатларга хушёрлик билан қараганлар. Лекин улар ташки ресурсларни қимматли қофозларни жойлаштириш орқали жалб қилганлар. 80-йилларда синдицирланган кредитларнинг асосий массаси давлат томонидан жалб қилинган тўлов балансининг жорий операциялар камомадини қоплашда фойдаланилган ҳамда капитал қўйилмаларда ишлатилган. Ривожланаётган бозорларнинг жаҳон бозорига интеграциялашуви шароитида ресурсларнинг кўп қисми хусусий қарздорларга тўғри келган (1996-1997 йилларда 2/3 гача).

Мавжуд бўлган амалиётга мувофиқ ривожланаётган мамлакатларга револл-овер синдицирланган кредитлар берилади. Сузувчи фоиз ставкаси, асосан ЛИБОР базасида одатда ярим йилдан кейин кўриб чиқилади. ЛИБОР устига спрэд белгиланади ва унинг даражаси қайд қилинган ҳамда қарздорнинг тўловга лаётқатлилигига боғлиқ бўлади. Ривожланаётган қаторидаги ишончли қарздорларнинг спрэди Фарбий мамлакатлар спрэди ва облигациялар эмиссиясидан фойдаланилади. Улардан 2/3 қисми синдицирланган кредитларга тўғри келади.

Ривожланаётган мамлакатлар учун узоқ муддатли синдицирланган банк кредитлари кўпроқ ахамиятга эга. Лекин 90-йилларда ривожланаётган бозорларни жаҳон бозорига интеграциялашуви сабабли қисқа муддатли кредитларнинг оқими ошиб кетди.

30-жадвал

Ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро

кредитланиши (млрд долл.)

Муддатлари	1991	1995	1997
Узоқ муддатли кредитлар	+120,3	+242,2	+301,9
Қисқа муддатли кредитлар	+20,5	-96,6	-118,1
Жами	+141,0	+194,6	+183,8

90-йилларда қисқа муддатли кредитларнинг ҳаракати молиявий ресурсларнинг умумий оқимига таъсири сезиларли бўлмаган бўлса, бу ўн йилликнинг иккинчи ярмида вазият ўзгарди ва кам бошқариладиган, кескин тебранишларга дуч келадиган қисқа муддатли кредитлар 90-йилларнинг охирларида валюта-молиявий инқизозни ривожлантиришда муҳим роль ўйнаган. Тузилмавий муддатни узайтириш узоқ муддатли лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилгани учун уларнинг салбий таъсири чуқурлашиб борган.

Қимматли қоғозларнинг эмиссияси.

80-йиллардаги қарздорлик инқизозигача облигациялар эмиссиясидан жаҳон бозорида асосан Лотин Америкасининг баъзи мамлакатлари фойдаланган. Бу мамлакатларда қарздорлик инқизози вужудга келганда бу йўл улар учун ўн йилларга ёпиқ эди. Бошқа нисбатан ривожланган мамлакатлар бу фонд воситаларини ташки ресурсларни жалб қилиш учун ҳам йўлга қўйганлар. Ривожланаётган мамлакатларнинг бозори ривожланмагани ва уларнинг қаттиқ назорати туфайли ривожланаётган мамлакатларнинг фонд бозорига норезидентларнинг кириб келиши ҳам чегараланган эди. Ривожланаётган бозорларнинг жаҳон бозорига интеграциялашуви туфайли 90-йилларда вазият кескин ўзгарди. Бу жарабён икки йўналишда амалга оширилади.

1. Ривожланаётган мамлакатларнинг давлат институтлари, банклар ва корхоналар облигацияларнинг жаҳон бозорида жойлаштиради;

2. Ички фонд бозорига норезидентларни жалб қиласидилар.

Ривожланаётган мамлакатларнинг қарздорлик мажбуриятларини эмиссия қилишнинг энг кенг қўлланиладиган инструменти бўлиб улар жойлаштирилган мамлакат валютасида қайд қилинган евро облигациялар хисобланади. Улар одатда 5-12 йилгача қайд қилинган ставкада чиқарилади. Бу ставка асосан халқаро рейтинг

агентликлар эмитентга ўзлаштирилган кредит рейтингига боғлиқ. Эмитент бўлиб марказий ҳукумат, маҳаллий ҳукумат органи, компания ва банклар хизмат қилиши мумкин. 1990 йилда фақат 10 та ривожланаётган мамлакатлар бундай рейтингларга эга бўлганлар. 1995 йилда – 51, улардан энг юқори рейтингта эга бўлган Жанубий-Шарқий ва Шарқий Осиё мамлакатлари ҳисобланади. Валюта-молиявий инқироз натижасида уларнинг инвестицион рейтинглари пасайтирилган эди.

Лекин еврооблигацияларнинг даромадлилиги вақт ҳамда эмиссия жойининг танлови, унинг ташкил этилишига боғлиқ. Облигациянинг паст рейтингида юқори спрэд бўлади. Коидаги мувофиқ маҳаллий органларнинг ва хўжалик объектларининг рейтинги суверен рейтингидан ошмаслиги лозим. 1996 йилда суверен қарз бўйича ўртacha спрэд 292 базис пунктни, ҳусусий сектор бўйича – 334 пунктни ташкил этган. Валюта-молиявий инқироз натижасида 90-йилларнинг охирида кўп ривожланаётган мамлакатларнинг евробондлардан даромадлилиги анча ошди. ҳамда спрэдлар ҳам ошди. Еврооблигациялар бозорида мухим ролни давлат эгаллаб турибди, унинг улуши эмиссиянинг 60-70 фоизини ташкил қиласди.

Евробондлардан анча кам ҳажмда ривожланаётган мамлакатлар бошқа молиявий инструментлардан фойдаланиладилар.

Шу жумладан, евроноталар ва евровекселлар.

Ривожланаётган мамлакатларнинг қимматли қофозлар бозорига хорижий капиталнинг оқими бу бозорларнинг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади. Бундай ҳолатда қарздорлик инструментлари миллий валютада номерланади ҳамда ички қарзга тегишли бўлади. Лекин умуман ривожланаётган мамлакатларнинг миллий қимматли қофозлар бозорида банклар устун туради. Нобанк молиявий институтлар керакли ривожни олишмади, бу эса узок муддатли молиялаштириш мақсадида ресурсларни жалб қилишни қийинлаштиради. Фонд бозорларида корхоналар қарздорлик инструментларидан камдан-кам фойдаланадилар. Улар облигациялар эмиссиясидан тўла акциялар эмиссиясини афзал кўрадилар. Облигация заёmlар бозорида марказий

хұкуматнинг қимматли қоғозлари устун ўринларни әгаллади.

Қимматли қоғозлар бозори юқоригоқ ривожланишга Лотин Америкаси әга бўлган. Унда 1996 йилда чиқарилган облигациялар ҳажмининг кўрсаткичи ЯИМга нисбатан 32 %ни ташкил этди. Жанубий-Шарқий ва Шарқий Осиёда бу кўрсаткич 13 %га тенг эди.

Баъзи ривожланаётган мамлакатлар қимматли қоғозлар бозорида норезидентларга нисбатдан чегаралар ўрнатилади. Бу давр ичида норезидентлар иккиламчи бозорда уларга тегишли облигацияларни сотиш ҳуқуқига әга эмас, ҳамда улар операцияларнинг миллий структуралар орқали амалга оширишлари мажбудирлар. Барча ҳолларда облигациялар бозори акция бозорига қараганда камроқ даражадаги чегараларга дуч келади.

Шундай қилиб, ривожланаётган мамлакатларда танлов мавжуд – бўлиб булар жаҳон бозорида чиққан ҳолда облигация заёmlар ёрдамида ташқи ресурсларни жалб қилиш ёки ички молиявий бозорларга норезидентларни жалб қилишни ўз ичига олади. Операциялар ҳажмига кўра биринчи йўналиш устун туради.

Акцияларга портфел инвестициялар.

Облигацияларга инвестициялар давлат институтлари билан хўжалик субъектлар ўртасида тақсимланса, акция шаклидаги портфел инвестициялар эса фақатгина ташкилотлар ва банклар томонидан жалб қилинади. Уларнинг молиявий оқимлардаги солиштирма ҳажмининг ўсиши (Здан 11 %гача) ривожланаётган бозорларнинг жаҳон бозорига интеграциялашувининг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлиб ҳисобланади. Қарздорлик инструмент каби қимматли қоғозлар ҳам ривожланаётган мамлакатларга 2 йўл орқали келиб тушади. Биринчидан, қарздорларни жаҳон молиявий бозорига чиқиши орқали. Иккинчидан, ички фонд бозорига хорижий инвесторларни жалб қилиш йўли билан. Бу иккита оқим ўртасидаги мувозанат қуйдагича кўринишига эга.

31-жадвал

	1990		1991		1995		1996	
	млрд долл	%	млрд долл	%	млрд долл	%	млрд долл	%
Акция шаклидаги	3,2	10	7,2	10	32,1	1	45,7	1

портфел инвестициялар, шу жумладан		0		0		0		0
жаҳон бозорида жойлашган	0,1	3	4,7	65 ,2	8,7	2 7, 2	14,5	3 1, 8
ички бозорда жойлашган	3,1	97	2,5	34 ,8	23,4	7 2, 8	31,2	6 8, 2

2/3 қисмдан ортиқ қўйилмаларнинг улуши ички фонд бозоридаги норезидентларга тўғри келади. 1990 йилдан 1996 йилгача оқимларнинг 11 марта ортиши, аввалимбор, ривожланнаётган бозорларда юқори даромадларни кутишлик туфайли содир бўлди, айниқса бу кутишлик Жанубий-Шарқий ва Шарқий Осиё мамлакатларида вужудга келди.

Ривожланнаётган мамлакатларнинг корхоналари ривожланган мамлакатлар фонд бозорига чиқиши депозитар тилхатлари орқали амалга оширилади. Дастлаб бу акциялар 20-йилларда қўлланилган. Депозитар тилхатлари ҳам ривожланнаётган ҳам ривожланган мамлакатларда корхоналарни ўзлаштириб олишда қўлланилади.

Лекин уларнинг ҳақиқатдаги шов-шуви 90-йилларда содир бўлди, чунки улар орқали ривожланнаётган мамлакатларнинг корхоналари Фарбий, айниқса Америка бозорларига чиқишига муваффақ бўлдилар. 70-йилларнинг охирларида депозитар тилхатлар дастурига тўртта давлат эга бўлган, 1996 йилда эса 63 та ривожланнаётган мамлакатлар бўлиб, бу бозорнинг капиталлашуви 280 млрд. долларга teng эди.

Иккиласми бозорда айланувчи депозитар тилхатларни оммавий эмиссияси қимматли қоғозлар комиссияси рухсати билан амалга оширилади. Бу рухсатномани олиш жараёни жуда қиммат ва узоқ вақт талаб этади. Шунинг учун депозитар тилхатларни эмиссия қилишни фақат йирик корхоналар амалга оширадилар.

Депозитар тилхатларни кўп маблағ талаб этишга қарамасдан ривожланнаётган мамлакатларнинг корхоналари томонидан самарали молиявий инструмент сифатида кўрилади. Улар етакчи Фарбий бозорларда корхона тўғрисида оммавий равишда эълон қилишга имкон беради.

Халқаро кредитнинг муҳим бўлаги тўғри инвестициялар янги бино-иншоотлар, асбоб-ускуналар, товар ва материалларни жамғармаларга ва бошқаларга қўйилган (узоқ муддатга) капиталдир. Портфел инвестициялардан фарқли ўлароқ бу инвестициялар стратегик характерга эга ҳамда чайқовчилик асослардан ҳолидир. Тўғри инвестицияда инвесторлар нафақат ресурсларнинг оқимини таъминлайди, балки технологияни ўтказиб бериш, бошқарув тажрибаси ҳамда маҳсулотни сотиб беришга кўмаклашади.

90-йилларда ривожланаётган мамлакатларга тўғри инвестицияларнинг оқими қуйидаги омиллар туфайли содир бўлади:

Биринчидан, трансмиллий компанияларни ривожланаётган мамлакатларда арzon ишчи кучидан фойдаланишга туртки берувчи ишлаб чиқариш глобализацияси ва рақобатнинг кучайиши.

Иккинчидан, кўп мамлакатларда муҳитнинг яхшиланиши, шу жумладан, қонун тизимининг эркинлашуви.

Учинчидан, бир қатор мамлакатларнинг иқтисодиётининг тез ўсиши.

Тўртинчидан, хусусийлаштириш. Баъзи мамлакатларда хусусийлаштириш билан инвестициялар оқими бир вақтнинг ўзида ўсган ҳамда пасайган.

Бешинчидан, фонд бозорининг ривожланиши. Агар олдин тўғри инвестициялар капитал қўйилмаларини молияларини молиялаштириш орқали амалга оширилган бўлса, фонд бозорлари мавжудлигига тўғри инвестициялар ҳаракатдаги корхоналар акцияларини сотиб олиш орқали амалга оширилган.

Олтинчидан, алоқа ва транспорт соҳасидаги тараққёт тўғри инвестицияларнинг ўсишига сабаб бўлган.

МДҲга аъзо бўлган ҳамма мамлакатлардан кўпчилик корхоналар инвестицияларга муҳтоҷ бўлиб уларни жалб этишда катта эътибор сифатли ахборот олишга ва умуман бозорнинг «очиқлиги» тушунчасига қаратилмоқда. Бозорнинг «очиқ» бўлмаслиги чет эл инвесторларининг ҳам, мамлакат инвесторларининг ҳам дадил иш олиб боришларида ёрдам бермайди, чунки чет эллик инвесторлар учун қимматли қоғозлар даромадлилигини баҳолашда гарбча усувлардан фойдаланиш имконияти йўқолади. Мамлакат инвесторларида

эса ўз маблағларини жойлаштириш учун акцияларни танлаш имконияти бўлмайди. Бу ерда шуни назарда тутиш керакки, ривожланаётган бозорларда сармоя муайян тармоқларга сарфланади. Республиканинг қимматли қофозлар бозори ҳам ана шу бозорлар жумласига киради. Бу гап кўпроқ чет эл сармоясига тааллуқли бўлиб, у биринчи навбатда ресурс тармоқларига, телекоммуникацияга йўналтирилмоқда. Илм-фан тармоқларининг акциялари ликвидлиги ҳаммадан камроқ.

Осиё тараққиёт банки 1998 йилдан Осиё молиявий инқизози оқибатларини бартараф этиш учун Индонезия, Жанубий Корея ва Таиланднинг ижтимоий ва молиявий соҳаларига умумий суммаси 6,662 млрд. АҚШ доллари бўлган ўнта қарз, шунингдек, уни бартараф этишга туртки бўлган 15 та лойиҳа учун 8,67 млн. АҚШ доллари миқдорида техник ёрдам берди.

1997 йилнинг 19 декабрида ОТБ ХВФнинг умумий ҳажми 17,2 млрд. АҚШ доллари бўлган барқарорлаштириш ва тузилмавий тартибга солиш дастурига ўз улуши сифатида Таиландга молия бозорлари ислоҳотлари дастури учун 300 млн. АҚШ доллари миқдорида қарз берди. Қарз барқарор молиявий тизимга эга мамлакатни иқтисодий ўстиришга йўналтирилган сиёсий ислоҳотлар учун кенг доирасини қўллаб-қувватлади.

7-§. Ҳалқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммосининг юзага келиш сабаблари ва иқтисодий оқибатлари

Иқтисодий жиҳатдан мақбул тўлов балансига мос бўлган иқтисодий ўсиш, энг аввало, мамлакатнинг ташқи ресурслардан самарали фойдаланишга тайёрлигини ва фойдалана олишни талаб қиласди. Шунинг учун ҳам ташқи қарзни бошқаришга доир йўриқномаларда асосан давлатларни зарур молиявий воситалар билан таъминлай оладиган сиёсат моделлари таърифлаб берилади. Одатда, ташқи қарзлар ҳажмига ва уларни жалб этиш муддатларига лимитлар белгилаш; ташқи молиялаш етарли бўлмаганда - қарзни узиш графигини қайта тузиш юзасидан музокаралар олиб бориши, концессиявий молиялашнинг кўпайтирилиши ва ноконцессиявий молиялаш бўйича қисқа муддатли ҳамда ўрта муддатли қарзлар миқдори

чегараланиши кўрсатиб ўтилади.

Иқтисодий жиҳатдан мақбул ва мумкин бўлган ташқи қарзлар миқдорини иқтисодиётда баланс бузилишининг олдини олиш учун зарур ўзгаришлар даражаси белгилайди, бинобарин, ташқи қарзни бошқариш сиёсати молиявий дастурларни тузишда гоят муҳим аҳамиятга эга.

Ташқи қарз бу ташқаридан қарз олиш натижасида юзага келган мажбуриятлардир. Жаҳон банки таърифига кўра, ташқи қарз: давлат, давлат томонидан кафолатланган узоқ муддатли қарзга, кафолатланмаган хусусий узоқ муддатли қарзга, ХВФ (Халқаро валюта фонди) кредитларидан фойдаланиш ва қисқа муддатли қарзларга бўлинади.

Ташқи қарз мажбуриятларининг туркумланиши қарз хизмати ва уни самарали бошқариш тушунчалари билан узвий болглиқ.

Жаҳон тажрибасида халқаро қарздорликка ўрнатилган чегара мавжуд эмас. Аммо, Жаҳон банки қарз олган давлатларнинг қарздорлик даражасини таснифлаш мақсадида бир қанча амаллардан фойдаланади.

Жаҳон банки таснифига кўра давлатлар паст, ўртача ва юқори қарздорликка бўлинади. Агар ташқи қарз ЯИМга нисбатан 80 %ни, қарзга хизмат кўрсатиш даражаси товарлар ва хизматлар экспортига нисбатан 220 %ни ташкил этса, бундай давлат юқори қарздор давлат ҳисобланади. Агар ташқи қарз ЯИМ га нисбатан 48-80 %ни, қарзга хизмат кўрсатиш даражаси товарлар ва хизматлар экспортига нисбатан 132-220 %ни ташкил этса, бундай давлат ўртача қарздор давлат ҳисобланади. Бошқалари эса паст қарздор давлат саналади.

Бироқ юқоридаги маълумотларни тақдим этмаган давлатларнинг қарздорлик даражасини ўлчаш имконияти йўқ. Бундай давлатларнинг қарздорлик даражасини ўлчаш учун қуйидаги коэффициентлардан фойдаланилади: қарзнинг ЯИМ га нисбати, қарзнинг экспортга нисбати, қарзга хизмат кўрса-тишнинг экспортга нисбати ва фоиз ставкаларининг экспортга нисбати. Юқоридаги кўрсаткичлар 50 %, 275 %, 30 %, 20 %ни ташкил этса, бундай давлат юқори қарздор давлат ҳисобла-нади. Агар қарзнинг ЯИМ га нисбати (30-50 %), қарзнинг экспортга

нисбати (165-275 %), қарзга хизмат кўрсатишнинг экспортга нисбати (18-30 %) ва фоиз ставкаларининг экспортга нисбати (12-20 %)ни ташкил этса, бу давлат ўртacha қарздор давлат ҳисобланади. Бу кўрсаткичлар бажарилмаса, бу давлат паст қарздор давлат саналади.

32-жадвал

**Ўзбекистон Республикасининг ташки
қарзи коэффициенти (%) да)**

Кўрсаткичлар	1993 й	1995 й	1997 й	1999 й
Ташки қарзга хиз. кўр./экспорт	1	6,4	12,7	17,9
Фоиз/экспорт	0,5	2,5	4,7	6,2
Ташки қарз/экспорт	35,7	47	68,9	144,3
Ташки қарз/ЯИМ	4,7	8,1	11,4	...
Фоиз/ЯИМ	0,1	0,4	0,8	...

Манба: Global Development Finance

Юқоридаги жадвалда кўриниб турибдики, Республикада ташки қарзга хизмат кўрсатиш даражаси яқингача унча юқори бўлмаган. Аммо сўнги йилларда бу кўрсаткичнинг ўсиши кузатилмоқда. МДҲ давлатларида бу кўрсаткич ўртacha 5,9 %ни, Ўзбекистонда эса 8,3 %ни ташкил этади. Бу коэффициентнинг кўрсаткичи ташки қарзниң экспортга нисбати кўрсаткичидан нисбатан юқоридир. Ташки қарзниң экспортга нисбати Республикада 1997 йилда 68,9 %ни, 1999 йилда эса 144,3 %ни ташкил этган. Охирги йилларда ташки қарзниң экспортга нисбати кўрсаткичи бироз ёмонлашган. Бунинг асосий сабаби 90-йилларда экспорт миқдорининг камайганлигидадир. Бу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон паст қарздор давлатлар сафига киради. Қарзниң ЯИМга нисбатини кўрадиган бўлсак, шу нарсани айтиш лозимки, Ўзбекистонда ЯИМ 1996 йилда яхши кўрсаткичга эга бўлган ва 1996-1999 йилда унинг йиллик ўсиши 3,9 %ни ташкил этган. Кўпгина МДҲ давлатларида қарзниң ЯИМга нисбати 50 %дан ошмайди ва улар халқаро таснифларга кўра ўртacha қарздор ҳисобланishiади. Ўзбекистон эса бу кўрсаткич бўйича (1998 йилда 15,6 %ни) паст қарздор ҳисобланади. Ўзбекистонда ЯИМга нисбатан фоиз тўловлари кўрсаткичи ҳам пастдир.

Ташки қарз муаммоси урушдан кейинги даврда, 50-йиллар охири — 60-йиллар бошида, баъзи мамлакатларда, жумладан, Туркия, Аргентина, Бразилия, Чили, Гана ва

Индонезия каби давлатлар ташқи қарзлар бўйича қийинчиликларга дуч келгани яққол кўзга ташланди. Бу мамлакатларда капитал маблағларнинг катта қисми чет эл кредитлари эвазига амалга оширилган.

Баъзи давлатларда инвестициялар иқтисодий ривожлантиришга таъсир кўрсатса-да, экспорт ҳажми ўсишига олиб келмади ва маблағлар ўз вақтида қарзларни қоплаш учун қайтарилимида. Бу мамлакатларда қисқа вақтда ташқи қарз бўйича мажбуриятлар жиддий даражада ошди, лекин валюта резервлари эски тарзда қолаверган.

Ташқи қарзнинг мақбул даражасини аниқлаш муаммоси реал ресурсларни вақт бўйича тақсимлашдан иборатdir. Ички қарз билан истеъмол (харажатлар) ўртасидаги фарқ соф ташқи қарзнинг ўзгариши ўртасидаги фарққа тенг бўлиши керак.

Бошқача айтганда, агар мамлакатдаги истеъмол уни қондириш учун талаб қилинадиган даромадлардан ортиқ бўлса, молиялашнинг қўшимча ташқи манбаларини қидириб топиш керак бўлади.

Ривожланаётган мамлакатларда хорижий жамғармаларни ички жамғармалар даражасидан ортиқ бўлган сармояга талабни қондириш учун ишлатиш (ўзлаштириш). Қисқа ва ўрта муддатли қарзлардан ана шу мақсадлар учун фойдаланиш мумкин. Бу эса ривожланаётган мамлакатнинг нормал ташқи мавқеи чет элдан кириб келадиган товар ва хизматларнинг соф оқимини ўз ичига олишини билдиради. Бундай оқим жорий ҳисобваракнинг баланси билан ўлчанади. Шу билан бирга чет элдан жалб этилган маблағлар давлатнинг тўлов қобилиятига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин - бу эса иқтисодий мақбулликнинг асосий қоидасидир. Бундан товар ва хизматлар соф экспортининг ҳажми ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштириш жараёнини кўллаб -қувватлаш учун зарур бўлган импорт ҳажмини «бузмаган ҳолда» норезидентлар олдидаги мажбуриятларни бажариш учун етарли бўлиши керак, деган маъно келиб чиқади.

Ушбу масалани ўргангандага ташқи ва ички жамғармалар ўртасидаги ўзаро муносабатларга, сармоянинг шаклланишига ва иқтисодий ўсиш қай тарзда кечеётганлигига асосланилади.

Мамлакатлар ташқи жамғармаларни жалб этар эканлар,

хорижий давлат томонидан илгари берилган маблағларнинг қайтарилишини таъминлашлари керак. Маблағлар зарур даражада қайтарилишини таъминлашга, одатда, ташки жамгармаларни жалб этиш воситасида тўпланадиган кўшимча сармоянинг натижаси ўлароқ ишлаб чиқаришни кўпайтириш асос бўлади.

Экспорт билан қарзниң ўсиш суръатлари тенг бўлишини таъминлашнинг тўғри йўли қуидагилардан иборат:

- товарлар билан савдо қилиш, қарзниң реал қиймати вақт ўтиб, товарлар билан савдо қилиш туфайли ўзгара олмайдиган тарзда баланслаштирилади;

- ташки қарз бўйича реал фоиз ставкаси экспортнинг ўсиш даражасига тенг бўлади;

- жорий ҳисобварақдаги тақчиллик инвестициялар бўйича тўланадиган даромадларга тенг бўлади ва фоиз ставкасига кўпайтирилган реал қарзга мос бўлади.

Бундай вазиятда қарзниң ўсиши экспортнинг ўсишига тенг бўлади ва фоиз ставкаси доимий бўлганида инвестициялар бўйича даромадлар тўлашнинг экспортга ҳамда қарзниң экспортга нисбатан коэффициентлари ўзгармай қолаверади.

Бинобарин, агар мамлакат экспорти унинг ташки қарзи бўйича тўланадиган реал фоиз ставкасига нисбатдан бир хил ёки илдам суръатлар билан ўсиб борса, жорий ҳисобварақ дефицитнинг ортиб бориш ҳавфи бўлмайди. Тўғри, аҳволни ўзгартириши мумкин бўлган бир қатор омиллар мавжуд. Масалан, қарз бўйича реал фоиз ставкасининг ўзгариши коэффициентларнинг ўзгаришига олиб келиши мумкин. Агар реал фоиз ставкаси вақт ўтиши билан ўsséса, бу ҳол реал қарз ёки экспорт ҳажми дарҳол ўзгаришига олиб келмайди. Бироқ, инвестициялар бўйича даромадлар тўлаш «ошиб кетади» ва тўланадиган даромадларнинг экспортга нисбатан коэффициенти ҳам унга мувофиқ равишда ўсади. Агар савдо баланси ўзгармаса, жорий ҳисобварақнинг тақчиллиги ортиб боради. Ортиб борадиган реал фоиз ставкаси қарзни кўпайтиради. Реал ташки қарз эса янада тез суръатлар билан ўсади ва бу ҳол даромад тўлашнинг экспортга ва қарзниң экспортга нисбатан коэффициентлари ўсишига олиб келади.

Тобора кучайиб бораётган ташқи қарз муаммоси жорий операциялар ҳисобварақлари ва капитал ҳаракати ҳисобварақлари бўйича сурункали тақчиллик билан боғлиқ бўлиб, халқаро захираларнинг тўпланишига тўскинлик қилмоқда. Бинобарин, ташқи қарз муаммоларига оид чоралар тўлов балансини мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатни талаб этади, яъни жорий ва капитал ҳисобварақлар бўйича тушумлар умумий харажатлардан кўп бўлиши керак. Стандарт тавсияларда кўпинча экспортни рағбатлантириш ёки товарлар ва хизматлар импортини камайтириш йўли билан, жорий операциялар ҳисобварақдаги тақчиликни камайтиришга; импорт ўрнини босишга қодир бўлган ишлаб чиқариши ривожлантириш ва саноатнинг экспортга мўлжалланган тармоқларига кўмаклашиш учун бевосита хорижий инвестицияларни, хусусий ва расмий кредитларни жалб этиш йўли билан капитал ҳаракати ҳисобварағи бўйича салбий қолдиқни камайтириш чораларини ўз ичига олади. Бундан ташқари кутилмаган ташқи салбий таъсир натижасида иккала ҳисобварақда ҳам салбий қолдиқ бўлган ҳолларда тўловсизликдан қутилиш учун халқаро расмий заҳираларни етарли даражада сақлаб туриш тавсия этилади.

Ташқи қарз динамикасини баҳолаш учун самарали таҳлилий восита сифатида қўйидаги асосий моделлар фойдаланилди.

Биринчи - соф ташқи қарзлар ҳажмини (хорижий валютанинг келиши ва кетиши балансига қараб ижобий ёки салбий) аниқлайдиган тенглама. Микдор жиҳатдан у капиталнинг соф оқими (капитал оқими бруттоси, минус ўтган йилги амортизация) билан тўпланган хорижий қарз қолдигининг фоиз тўловлари ўртасидаги тафовут сифатида ўлчанади. Уни қўйидаги математик тенглама билан ифодалаш мумкин:

$$DN=dD-rD \quad (1) \quad \text{ёки} \quad BT=(d-r)D$$

Бунда:

D-тўпланган ташқи қарзнинг умумий ҳажми;

d- ташқи қарзнинг кўпайиш фоизи;

dD-соф капитал оқими ёки ташқи қарз умумий ҳажмининг кўпайиши;

r- ташқи қарзга тўланадиган ўртача фоиз;

rD- ташқи қарз бўйича йиллик тўловларнинг умумий миқдори.

Тенглама ушбу давлат билан хорижий давлат ўртасидаги капитал ҳаракати натижасида ҳар бир йил доирасида хорижий валюта миқдорини камайиши ёки кўпайишини кўрсатади. Агар $D > d$ бўлса, мамлакатга валюта келади, лекин $D < d$ бўлса, хорижий валюта мамлакатдан чиқиб кетади. Бошқача айтганда, ташқи қарз жалб этилган капиталдан самарали фойдаланиш билан боғлиқ бўлса, у ҳолда г кўпайган тақдирда ҳам ВТ ижобий бўлади, ташқи қарз қарздор мамлакатнинг на қисқа муддатли, на узок муддатли тараққиёт истиқболига салбий таъсир этмайди.

Бу концепция заминидаги асосий фоя шундан иборатки, мамлакат ўзининг ҳисобварағини йилма-йил эмас, балки ташқи қарз олинган анча узоқ муддат доирасида баланслаши лозим. Бироқ бу мамлакат ҳар бир давр доирасида қарзнинг минимал тўлов даражасини инобатга олмаслиги керак, деган маънони билдирамайди. Бундан ташқари мамлакатнинг тўлов қобилияти ва қарзларни тўлашга кудрати етиши тўғрисидаги хулоса пировард натижасида пулнинг жорий ёки бир қанча йил давомида тўлаш муддатлари аниқ кўрсатиб мамлакат олган мажбуриятлар ҳажми тўғрисидаги ахбортга асосланиш мумкин.

Мамкакат ташқи қарзлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир бўлмаган пайтда дефолтдан холис бўлиш учун бундай вазиятни олдиндан кўришга имкон берадиган муайян воситаларга эга бўлиши муҳимдир. Тегишли тенгламадан фойдаланиш ташқи қарз кўпайишининг асосий сабабларини миқдорий ўлчаш учун фойдали бўлиши ва ташқи қарз хусусида тўғри иқтисодий сиёсатни танлашга кўмаклашиши мумкин.

Агар ташқи қарзнинг ўсиши мамлакатнинг тўлов қобилиятини оширмасдан инвестициялар бўйича даромад тўлаш учун хизмат қиласа, маблағларни бундай тарзда сотиб олиш товар ва хизматлар экспортини кўпайтириш (импортга нисбатан) ҳисобига «қопланиши» керак. Агар шундай бўлмаса, у ҳолда тўловларни амалга ошириш мақсадида қўшимча қарз олинади ва ташқи қарз унда хизмат кўрсатиши имкониятига қараганда юқори суръатлар билан кўпайиб боради.

Бундай ҳолда қўшимча қарзлар бўйича реал, яъни инфляцияга қараб, тузатиш киритилган фоиз ставкаси экспортнинг кутилаётган «реал» ўсишидан кам ёки унга тенг бўлиши керак.

Агар реал фоиз ставкасининг ўсиш даражаси экспортнинг ўсишидан юқори бўлса, қарз коэффициентлари ҳамда инвестициялар бўйича даромад тўловларининг экспортга нисбатан коэффициентлари узлуксиз кўпайиб боришига йўл қўймаслик учун савдо баланси ижобий бўлиши керак.

Реал фоиз ставкасининг кутилмаганда ўсиши шундай вазиятни келтириб чиқариши мумкинки, бунда мавжуд қарз бўйича тўловлар қарзга хизмат кўрсатиш имкониятларидан ортиқ бўлади. Бундан ташқари, қарзга хизмат кўрсатиш имконияти хорижий сармоядан кутилаётган тушумни қисқартирадиган нотўғри ички сиёsat туфайли ёмонлашиши мумкин.

Ниҳоят, қарз ҳажмининг кўпайишига савдо бўйича шерик мамлакатларда иқтисодий ўсишнинг секин бориши ёки савдо шартларининг салбий томонга ўзгариши ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Шунинг учун ҳам, реал фоиз ставкаси, экспорт, қарз ва уларнинг ўсиши ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрганиш мазкур коэффициентлар тез ўзгаришини таҳлил қилиш ва мамлакатнинг ташқи қарзга хизмат кўрсатиш қобилиятини баҳолаш аҳамиятига эга.

Ҳаддан ташқари кўп қарз олиш дефляцияга ва иқтисодий суръатларнинг пасайишига олиб келиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Товар ва хизматларнинг мамлакатга соф трансферлари, яъни жорий операциялар ҳисобварафининг қолдиғи, резидентлар билан норезидентлар ўртасида активлар ва мажбуриятлар алмашиш бўйича чекланмаган миқдордаги операциялар билан бирга юз беради. Демак, валютанинг тузилиши, фойда олиш муддати, усуллари ва кўпдан-кўп бошқа омиллар мамлакатнинг қарз бўйича мавқеини белгилашда муҳим рол ўйнайди. Молиявий мавқелар бўйича тушум ва заарлар одатда тўлов балансида ҳисобга олинмайди.

Айрим ҳолларда, ялпи ташқи қарз кўпайиши билан

бирга, норезидентларга қўйиладиган ялпи ташқи талаблар ортиб бориши ҳам муҳимдир. Бундай ҳолларда мамлакатга соғф ресурс трансферлари ялпи қарз ҳажмига эмас, балки норезидентларга қўйиладиган расмий ва хусусий молиявий талаблар чегириб ташланган ялпи қарзга teng бўлади. Бундай молиявий талаблардан олинадиган даромад ташқи қарзга хизмат кўрсатиш манбаларидан бири бўлмоғи керак. Агар молиявий сабаблар фойдани мамлакат ичидаги эмас, балки чет элда сақлашга кўпроқ ёрдам берса, бу сабаблар қайта кўриб чиқилиши ҳамда резидентлар хорижий фойда ва активларни олиб чиқиб кетишининг олдини олиш учун кенгайтирилиши ва шу тариқа қарзга хизмат кўрсатишни таъминлаши керак.

Қарздорлик кўплаб ривожланаётган мамлакатлар учун ташқи қарз бошқарувининг нечоғлик муҳимлигини кўрсатади. Бу соҳа ўзининг нисбатан янгилигига қарамай, иқтисодий ривожланиш барқарорлигини таъминлашда ва кредиторлар ишончини тиклашда ҳукуматнинг асосий иш йўналишларидан бирига айланди. Кўплаб мамлакатлар ва минтақалар қарздорлик хизматидаги қийинчиликларни турли даражадаги муваффақият билан бартараф этишдан, шу сабабли мазкур мамлакатларда қарзни бошқарув соҳасида амалий сиёsat ва самарали усуслар зарурлигини узоқ вақтгача ҳис этишиди.

Ривожланаётган мамлакатларда, одатда, ташқи қарзни ҳисобга олиб бориш билан боғлиқ муаммолар юзага келади.

Ташқи қарзни бошқаришда яхши ташкил қилинган тизимга эга мамлакатларда ҳам қарз операцияларини ҳисобга олишда қийинчиликлар юзага келади. Шунинг учун ташқи қарзларни бошқариш ва уларнинг мониторингини компьютерлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

8-6. Халқаро кредит бўйича қарздорлик муаммоси

Маълумки, дунёдаги барча мамлакатлар З гуруҳга: қолоқ, ривожланаётган, ривожланган давлатларга бўлинади. Бу мамлакатлар иқтисодиёти бир-бири билан узвий боғлангандир. Бундай боғланишга халқаро кредит кўринишидаги боғланиш мисол бўла олади. Халқаро кредитни кенг тарқалган талқини - бу уни бирор бир

мамлакатнинг бозор иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилган фаолиятни қўллаб-қувватлаш учун бошқа мамлакат ёки ташкилот томонидан бериладиган ёрдамдир. Ҳалқаро кредитнинг ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодиётини оёққа турғазищдаги аҳамияти бу кредитнинг 1950 йил 2 млрд. АҚШ долл. ташкил қиласан ва 1998-йилга келиб 2 трл. АҚШ доллардан ошиб кетгани мисол бўла олади. Бу қарзни ўсиш динамикасига ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётидаги фаолроқ иштирок этиши таъсир этган. 70-йилларгача ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётни ривожлантириш учун маблағларни асосан расмий манбалардан жалб қиласанлар, бунда қайтариб берилмаслик шарти кенг қўлланилган. Шунинг учун ташки қарз секин ўсан ва 1950-1970 йилларда у 64 млрд. АҚШ долл. ташкил қиласан. Лекин 1970-1980 йилларда ривожланаётган мамлакатлар ҳалқаро ссуда капитали бозорига чиққанлиги сабабли бу қарз 700 млрд. АҚШ долл. дан ошиди. Бу йилларда айрим қарзларнинг тўлаш муддати келган бўлсада, кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар ундан унумли фойдаланмаганликлари сабабли, тўловга ноқобил бўлиб қолдилар. Натижада, тўловга ноқобил мамлакатлар ҳалқаро ссуда бозорига қўйилмадилар ва бу бозорнинг ривожланиши пасайди. Бу муаммони ҳал этиши учун берилган ва тўланиши муддати келган қарзларнинг тўлаш муддати узайтирилди. Шундай бўлсада бу қарзнинг ўсиши 1987-йилдан бошлаб пасая бориб, 1992-йилгача, яъни беш йил ичida атиги 116 млрд. АҚШ долл. га ўси (аввалги беш йилликда у 352 млрд. АҚШ долл.га ўсан эди). Бундай кескин пасайишга 80-йиллардан бошлаб ҳалқаро кредит бўйича қарздорликнинг кучайиши, бу қарзларнинг бир қисмини ҳисобдан чиқарилиши ва мамлакатларнинг тўловга ноқобиллигини ортиши сабаб бўлган. Бу қарзларнинг 2/3 қисми хусусий кредиторларга қолганлари эса расмий кредиторларга тегишли бўлган. Ривожланаётган мамлакатлар ичida қарздорлик ҳажми бўйича биринчи ўринда Бразилия (100 млрд. АҚШ долл.дан ортик) туради. Шу суммага яқин Мексика, Ҳиндистон, Индонезия, Аргентина, Хитойларнинг қарзлари мос равишда - 50 дан 80 млрд. АҚШ долл. гача мавжуд бўлган. Улардан кейин Корея Республикаси, Нигерия, Филиппин, Венесуэла (ҳар бир 90 млрд. АҚШ

долл.). Таиланд, Алжир, Малайзия, Марокаш, Перу ҳар бири 20 млрд. АҚШ долл.дан ортиқ суммада қарздорлар. Булар ичидә Корея Республикаси, Таиланд, Малайзия халқаро ссуда капиталари бозорида юқори обрұта әга мамлакатлардир. Бразилия, Мексика, Аргентина, Нигерия, Филиппин, Венесуэла, Марокаш, Перу каби йирик қарздорлар күп қарзларни узайтирилишига мұхтожлар. Юқоридагидан хулоса қилиб айтиш мүмкінки, мамлакатнинг ташқи қарзи җажми ва тұлаш муддати келган тұловлари бу мамлакатнинг тұловға қобиллигидан далолат берувчи асосий күрсаткыч бўла олмайди. Тұловға қобиллилек биринчи навбатда, қарздор мамлакатнинг ресурслари, яъни ЯИМ җажми, шунингдек, экспорт базасига боғлиқ бўлиб, ташқи қарзга асосан чет эл валютаси захираси ҳисобидан хизмат күрсатилади. Ўз ташқи қарзларини иқтисодиёти эластик бўлган ва айниқса, экспорт сектори ривожланган мамлакатлар тұлашга қийналмайдилар. Берилаётган кредитларни беришда бу кредитларнинг тұланиши қарздор мамлакатларга зарар бўлиб қайтиб келиши натижада, уларнинг маълум даражада бошқа мамлакатларга қарам бўлиб қолиши ҳолларини ҳисобга олиш зарурати юзага келди. Бу мезонлардан келиб чиқиб, халқаро молиявий институтлар (биринчи навбатда ЖТТБ) қарз олаётган мамлакатларнинг тұловға қобиллигини аниқлашда қуйидаги күрсаткычлардан фойдаланишмоқда. Мамлакатнинг ташқи қарзи унинг ЯИМи билан таққосланади. 1986 йилда ташқи қарз муаммоси айниқса күндаланғ эди ва у ривожланаётган мамлакатлар умумий ЯИМининг 38 %ини ташкил этди. 1991-йилга келиб бу күрсаткыч 21 %га тушиб кетди, лекин 1970-йилдаги яхшироқ шароитда у 10 %ни ташкил этган. Шундай бўлсада бу мезон барча мамлакат учун ягона ўлчов воситаси бўла олмайди, яъни ҳар бир мамлакат учун бу күрсаткычининг энг мақбул нұктаси мавжуд. Тұлов муддати жадвалини узок муддаттаң тенг оралиқларда бўлиб, узайтириш мүмкін. Айrim ҳолларда бу тұловлар қисқа вақт оралиғида ҳам жамланиши мүмкін. Шу сабабли қарз/ЯИМ нисбатан тенг бўлган мамлакатларнинг бу қарзни тұлаш муддатлари кескин фарқ килиши мүмкін. Шунинг учун аввалги күрсаткыч билан бирга қарз учун тұланадиган тұлов/ЯИМ күрсаткычи ҳам ҳисобланади. Тажриба шуни күрсатдики, агар мамлакат

ЯИМининг 5 % ёки ундан ортиғи қарзни тұлашга сарфланса, у ҳолда бу мамлакатнинг «қарз юки» катта ҳисобланади. Шунингдек, ташқи қарз бүйіча тұловлар әркін конвертиранадиган валюта амалға оширилгани учун қарздор мамлакатнинг экспорт потенциалини ҳам ҳисобға олиш зарурдир. Шу мұносабат билан қуйидаги күрсаткичлар ҳам ҳисобланади: қарз/экспорт ва қарз бүйіча тұловлар/экспорт. Охирғи күрсаткіч-ташқи қарзға хизмат күрсатиши нормаси - тұловға қобиљликни тақпил қылышда асосий күрсаткіч ҳисобланади. Агар бу күрсаткіч 20 %дан ортса, яғни ташқи қарзға тұланадиган валюта бутун экспорт түшумининг 1/5 қисмидан ортиб кетса қарзни қайтариш графигини бузилиши хавфи пайдо бўлади. Шундай бўлсада, айрим мамлакатлар бу күрсаткіч 35 %дан ошганда ҳам қарзни ўз вақтида қайтарғанлар, бошқалари эса бу күрсаткіч 15 %дан кам бўлгани ҳолда ўз қарзларини ўз вақтида тұлай олмаганлар. Бу күрсаткичнинг ўртача қиймати 1970 йилларда 10 %, 1986 йилда 30 %, 1991 йилда 21 %ни ташкил этди. Маълумки, қарз тушунчаси бу қарз бүйіча фоизлар тұлашни ҳам ичига олади. Қарз бүйіча фоизларни тақпил этишда ҳам 2 күрсаткічдан фойдаланилади, яғни қарз бүйіча фоиз тұловлари/ЯИМ ва қарз бүйіча фоиз тұловлари/экспорт. Тұлов муддатини узайтиришда, асосан, қарзнинг умумий суммаси тұланиши кечиктирилади, лекин қарз бүйіча фоизлар қатъий равишда тұланади. Шунингдек, бу қарз ривожланаётган мамлакатларга улардаги инфляция ҳолатига қараб сузиг қорувчи фоиз ставкаларда берилади. Бунинг натижасида қарздор мамлакат ҳолати кескин ёмонлашиши мумкин. Умуман, қарздор мамлакатнинг ликвид позициялари - олтин-валюта заһиралари/қарз-күрсаткічи билан ифодаланади. Қарздор мамлакат қарз тұлаш графигини буза бошласа, бу тұлов қобилияты инқирози бошланганидан далолат беради. Яна агар қарздор мамлакат белгиланған муддатларда тұловларни амалға ошира олмаслигини расман тан олса ва күп томонлама асосда қарзни бошқаришга ёрдам берувчи институтлардан ёрдам сұраса, бундай ҳолат ҳам тұловға қобиљлилік инқирозининг таркибий ва конъюнктуравий сабаблари фарқланади. Таркибий инқироз ўз ичига мамлакатдаги инфляция ҳолати, тұлов баланси, пул

муомаласи ва ҳ.к. яъни, иқтисодиёт асосини ташкил қилувчи омилларга боғлиқдир. Конъюнктуравий сабабларга жаҳондаги нархларнинг ўзгариши, қарз олган мамлакатнинг стратегик маҳсулотига талаб, таклифнинг ўзгариши ва ҳ.к. яъни, бозордаги ҳолатни акс эттирувчи омиллар киради. Ривожланаётган мамлакатлар асосан таркибий инқирозни бошдан кечирмоқдалар. Уни бартараф қилиш учун эса мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштириш, инфляция суръатини пасайтириш, тўлов балансини тартибга келтириш ва бошқа қатор тадбирларни амалга ошириш лозим. Умуман инқироз ҳолатидан чиқиб кетиш учун иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, унинг самарадорлигини ошириш, жиддий институционал ўзгаришлар зарур. Тўлов қобилияти инқироздан чиқиши уни қандай омиллар келтириб чиқараётганига боғлиқ. Айрим мамлакатларда қарз муаммосини юзага келишида ташқи омиллар, башқаларидан эса-ички омиллар асосий сабаб бўлган. Ташқи омилларга - ташқи савдо шароитининг ёмонлашуви, жаҳон бозорида қарздор мамлакат экспорт маҳсулотига талабнинг камайиши, халқаро кредитлаш шароитнинг ёмонлашуви кирса, ички омилларга - бюджет дефицити, инфляция, сунъий равишида оширилган валюта курси, давлат корхоналарининг самарасиз ва зарар билан ишлаши, капитал қўйилмаларнинг кам фойдалилиги, халқаро кредитдан самарасиз фойдаланиш киради. Тўловга ноқобиллик мамлакатлар учун жиддий иқтисодий ижтимоий оқибатларга олиб келади. Бу эркин конвертиранадиган валютанинг ечишмаслигида намоён бўлади. Натижада халқ истеъмоли товарлари, хом-ашё, машина ва ускуналар импорти кескин пасаяди. Ўз навбатида ишлаб чиқариш пасаяди, аҳолининг турмуш даражаси ёмонлашади, капитал қўйилмалар қискаради. Кўпчилик мамлакатларда бундай ҳолат 80 йиллардан бери давом этиб келмоқда. Алоҳида мамлакатларнинг тўловга ноқобиллиги 60-йилларда ёқ мавжуд эди. Лекин 1982 йилгача бу ҳолат оммавий тус олмаган ва жаҳон валюта тизими ва кредит ресурслари бозорига таъсир этмаган эди. 1982 йилнинг августидан Мексика ва қатор бошқа ривожланаётган мамлакатлар ўз қарзларини тўлаш графиги бўйича тўловларни амалга ошира олмасликларини расман тан олдилар ва қўп томонлама асосда ўз қарзларини қайта кўриб

чиқишиларини кредиторлардан илтимос қилишди. Шундан сўнг, ўзларининг тўловга ноқобилликларни Бразилия, Аргентина, Венесуэла, Филиппин, Нигерия каби 40дан ортиқ мамлакатлар эълон қилдилар. Ривожланган мамлакатлар банклари, айниқса америка банклари, бу мамлакатларда юзага келган ҳолатдан банкротлик хавфи остига тушиб қолдилар. Фақаттана, 1987 йилдан бошлаб банклар шубҳали қарзлардан ўзларини сугурталай бошладилар ва ривожланаётган мамлакатларнинг ташки қарзни тўлашга ноқобиллиги халқаро валюта ва кредит тизими фаолиятига хавф солмайдиган бўлди. 90 йиллардан бошлаб бир неча мамлакатларнинг инқироздан чиқиш белгилари кўрина бошлади. Иқтисодий ўсиш нормаллашди, чет эл капитали оқими куччайди.

Мамлакатларнинг тўловга ноқобиллиги нормаси 1980 йилдаги 30 %дан 1990 йилга келиб 25 %га тушди.

Тўловга ноқобиллик ҳолатидан чиқишига сабаб – барқарорлаштириш дастурлари ва таркибий қайта қуриш ўз натижаларини бера бошлади. Шунингдек, глобал масштабдаги қарздорлик муаммоси шароитида ташки қарзни тартибга солиши механизми ишлаб чиқилди.

Бу механизмлар қарздор мамлакатга ёрдам кўрсатиш мақсадида кредит муддати узайтириш ёки уни юқорироқ фоизда қайта молиялаштиришга асосланган. Шунингдек, бу механизмларни қай тартибда қарздор мамлакат иқтисодиётига татбиқ қилишни ХВФ ва бошқа халқар кредит институтлари томонидан белгилаб берилади.

9-§. Халқаро кредит бўйича қарздорликни бошқариш

Ташки қарзни тўлашда қийинчилликларга эга мамлакатлар иқтисодий ўсиш даражаси бўйича кескин фарқ қиласди. 80-йилларда ривожланиш даражаси паст бўлган 27 мамлакат ва ўртаҳол ривожланишдаги 19 мамлакат қарзлари бўйича тўловлар графиги қайтадан кўриб чиқилди. Бунда ўрта ҳол ривожланган мамлакатлар нисбатан ёмонроқ аҳволга тушиб қолган эдилар, чунки бу мамлакатларга барча ривожланаётган мамлакатларнинг қарзининг ярми тўғри келаётган эди. Кам ривожланган мамлакатларга эса бу қарзнинг факат 1/10 қисми тўғри келди. Шунингдек, ўртаҳол

ривожланган мамлакатлар хусусий банкларга қарздор бўлсалар камроқ ривожланганлари, эса икки томонлама асосда расмий кредиторларга тўловни амалга оширишлари зарур эди. Кам ривожланган мамлакатлар қарзлари кўп ҳолларда тўғридан-тўғри кечиб юборилган бўлса, ўртаҳол ривожланган қарздорларга бундай илтифот кўрсатилмади. Ташқи қарзни бошқариш ва тартибга солиш билан 1956 йилдан шуғулланиб келаётган Париж клубидаги музокаралар, хусусий қарзни тартибга солишга масъул бўлган Лондон клубидагига нисбатан осонроқ кечади. Ривожланаётган мамлакатларнинг тўловгага ноқобиллиги ҳолати жаҳон валюта ва кредит тизимига катта зарар етказгани учун 1980 йилдан бошлаб Халқаро молия институтлари томонидан қарздор мамлакатлар ташқи қарзларининг тартибга солинишига катта аҳамият берилмоқда. Ташқи қарзни тартибга солиш бўйича расмий ва норасмий даражадаги бир қанча дастурлар ишлаб чиқилди. Улар ичида АҚШнинг молия вазирлари Бейкер Ж. (1985 й.) ва Н. Брейди (1989 й.)нинг дастурлари машҳурдир.

1982 йилдаги кутилмаган қарздорлик муаммосининг авж олиши 1988 йилгача давом этди ва бу оралиқда ХВФ ва ривожланган мамлакатлар марказий банклари шошилинч равищда зарур чоралар кўрдилар. Бу чоралар натижасида инқирознинг бошқарилмайдиган ва хаотик ривожланиши тўхтатилди. Шундай бўлсада, уни тўхтатиш учун ишлаб чиқилган бошлангич чоралар реал ҳолатни акс эттирасди. Фақатгина 80 йиллар охирига келиб, мосланувчан механизм ишлаб чиқилди. Аввал қўйидаги турдаги тартибга солиш механизми таклиф этилди. Қарздор мамлакатлар доимий равищда фоиз тўлаш ва иқтисодиётни барқарорлаштириш мажбуриятини оладилар. Кредиторлар уларнинг ҳолатини эътиборга олган ҳолда, қарзнинг асосий суммасини тўлаш муддатини узайтирадилар, айрим ҳолларда, ҳатто фоизлар тўлови учун ҳам янги мақсадни кредитлар («мажбурий» кредитлар) ҳам берар эдилар. Юқорида айтиб ўтилган кўп томонлама асосда қарзни тартибга солиш фаолиятини амалга оширишнинг асосий шарти бўлиб ХВФ таклифларига асосланган барқарорлаштириш дастурини қабул қилиш ҳисобланган. Албатта, бундай дастурларни ишлаб чиқишида қарздор мамлакатнинг у ёки бу даражадаги миллий

хусусиятлари эътиборга олинади. Лекин асосий таклифлар монетар сиёсат алоҳида ишлаб чиқилади ва улар барча мамлакатлар учун бир хилдир. Бундай асосий таклифлардан бири-қарздор мамлакатдаги инфляция суръатини пасайтирилиши. Бунинг учун бюджет дефицитининг пасайтирилиши таклиф этилади. Барқарорлаштирувчи дастурларни амалга оширишда ижтимоий соҳа, бошқарув ва капитал қўйилмаларга бўлган бюджет харажатларни камайтирилади. Пул эмиссияси ва нарх-наво ортишини ушлаб туриш учун изчил кредит сиёсати амалга оширилади. Айрим ҳолларда иш ҳаки устидан назорат ўрнатиласди. Самарадорликни ошириш, заарларни тугатиш ва бюджет дотацияларидан воз кечиш мақсадида давлат корхоналари хусусийлаштирилади. Ички бозордаги нархларни бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг бозорлари нархларига тенглаштириш амалга оширилади. Очик иқтисодиёт шароити яратилишига қаратилган чоратадбирлар қўлланилади. Нархларга субсидиялар тугатилиб, валюта курсларининг кескин тебраниши олди олинади. Тўловга ноқобиллик ҳолатидаги кўпчилик мамлакатларда миллий валюта курси, одатда, кўтарилган бўлади. Шунинг учун ХВФ уларга девальвация ўтказиши маслаҳат беради. Шунингдек, ташқи савдони эркинлаштириш, тадбиркорлик капиталини импорт қилиниши ҳам таклиф этилади. Глобал қарздорлик муаммосининг бошланғич даврида тўловлар графигининг оммавий ўзгартирилиши амалга оширилди. Бу йўл билан 1975-1982 йилларда кўп томонлама асосда 22 млрд. АҚШ долл. ҳажмдаги қарз масаласи ҳал этилган бўлса, 1983-85 йилларда бу сумма 183 млрд. АҚШ долл.га етди. Лекин тўловга ноқобиллик муаммоси кўпчилик мамлакатларда структуравий характерга эга бўлгани учун тўловлар графигига ўзгартиш киритиш орқали муаммолар ўз ечимини топмади, қарз ўсиш суръатини пасайтирамади. 80 йиллар охирида банклар берган қарзлари тўлиқ қайтарилимаслигини пайқаб, қарз муаммосини ечиш учун янги (бозор) механизмларини қўллай бошладилар. Улар энди фоиздан катта фойда олиш билан бирга қарзнинг бир қисмидан воз кечишга рози бўлдилар.

Қарз муаммосини ечишнинг бозор механизмлари қарз мажбуриятларини «облигация» ҳолига келтиришни назарда

тутарди. Бундай механизм қарздор мамлакатга имтиёзлар беради. Шундай бўлсада, қайси усулни танлаш кредитор ихтиёрида қолади. Биринчи усул-сузиб юрувчи фоиз ставкаси сақлаб қолингани ҳолда қарз мажбуриятларини облигациялар номиналига нисбатан чегирма билан алмаштириш бўлса, иккинчи усул-облигацияларга алмаштириш улардаги номинал бўйича амалга оширилади, аммо пасайтирилган қатъий белгиланган фоиз ставкаси сақланади. Айрим ҳолларда пасайтирилган баҳоларда қарз мажбуриятларни сотиб олиш ҳуқуқи қарздор мамлакатларга берилиши мумкин. Мисол учун, Венесуэла ва Коста-Рика ўз қарзларини 80 % чегирма билан сотиб олганлар. Учинчи усул-қарз мажбуриятларини реал капитал (тўғридан-тўғри капитал қўйилмалар)га алмаштириш. Бу усул Чилида самарали амалга оширилган. Шунингдек, ривожланаётган мамлакатларда авж олган хусусийлаштириш ҳам бу усул ривожига ҳисса қўшди. 80-йиллар ўртасидан қарз мажбуриятларининг иккиласми бозори фаолият юргаза бошлади. Бу бозорда қарзлар чегирма. билан сотилади, чегирмалар катталиги қарздор мамлакатнинг тўловга қобиллилик даражаси билан ўлчанади. Лекин 1987-йилда Перу давлатининг қарз мажбуриятлари номинал қийматнинг 2 % и микдорида котировка қилинди. Иккиласми бозордаги қарз мажбуриятларини тегишли мамлакатга инвестиция қилмоқчи бўлган фирмалар сотиб оладилар. Шунингдек, бундай қарз мажбуриятлари чайқовчилик обьекти ҳам бўлиши мумкин. Ташқи қарз муаммосини ҳал қилишда ривожланаётган мамлакатлар бир томонлама тўловга ноқобилликни эълон қилишдан узокроқ юришга ҳаракат қиласидилар, акс ҳолда бу муаммо ҳал этилгач, қарздор мамлакат жаҳон ссуда капитали бозорида иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлакатнинг ташқи қарзни тўлашга қобиллилиги уни ички қарзига хизмат қилишга сарфлаётган маблағига ҳам боғлиқ. Масалан, Россиянинг ички қарзи ортиб борганлиги сабабли, Россия ХВФдан кредит олишга мажбур бўлди. Бундан ташқари, у давлат қарз мажбуриятларини эмиссия қилиш эвазига ички қарзи ҳажмини ошириб юборди. Натижада, 1998 йилнинг августига келиб Россияда иқтисодий инқироз даври бошланди. ХВФ Россияга 18,8 млрд. АҚШ долл. қарз берган

эди. Юзага келган ҳолатда Россия ташқи қарзини тўлай олмасди ва бу қарзни тўлаш графигини қайта кўриб чиқилишига муҳтоҷ эди. Вазиятдан чиқишнинг ягона йўли бу иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш, бунинг учун эса аввал берилган кредитлардан самарали фойдаланилмади. Россиянинг 1999 йил учун қабул қиласан бюджет лойиҳасида бу йилги бюджет даромади 22 млрд. АҚШ долл. ташкил қиласан ҳолда, муддати келган ички қарз суммаси 17,5 млрд. долл.га тенг бўлади. Рақамлардан кўриниб турибдики, Россия нафақат ички қарзини, балки ташқи қарзини ҳам тўлашга ноқобилдир. Агар у тўловга ноқобиллигини расман тан олиб, қарзни кечиб юборишларини ХВФдан илтимос қилса, қарз кечиб юборилган тақдирда Россия жаҳон ссуда капитали бозорида иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Шундай бўлсада 1999 йил бошида ХВФ Россияга 4,6 млрд. АҚШ долл. қарз берган. Шу йилнинг май-июн ойларида 5 млрд. АҚШ долл. тенг транш ХВФ томонидан бу мамлакатга ажратилиши кутилмоқда.

Шунга ўхшашиб ҳолат Покистонда ҳам юзага келмоқда. Ҳозирда Покистоннинг ташқи қарзи 42 млрд. АҚШ долл.га тенг. Бу мамлакатнинг бюджет дефицити хатарли даражага етиб қолгани учун ХВФ бу дефицитни камайтириш учун Покистонга савдо солиқларини оширишни маслаҳат бермоқда. Покистоннинг иқтисодий аҳволи, айниқса, у 1998 йилда ўтказган ядроий қуролларининг синовидан кейин ёмонлашди, чунки бу ҳодисадан кейин Фарб мамлакатлари Покистонга жазо санкциялари қўллай бошладилар.

Мамлакат бу санкцияларнинг иқтисодиётга таъсирини бартараф этиш учун қўшимча кредит олишга муҳтоҷ.

Ўз навбатида ХВФ агар Покистон ҳукумати савдога солиқларни ошириб, бюджет дефицитини камайтиrsa, унга қўшимча 4,5 млрд. АҚШ долл. кредит беришга рози бўлади. Россия ва Покистон сингари Индонезия давлати ҳам ташқи қарз муаммосига дуч келмоқда. Унинг ташқи қарзи 4,4 млрд. АҚШ долларни ташкил қиласан ҳолатда. Лекин бу мамлакатнинг ташқи қарзни тўлаш бўйича музокаралари муваффақиятли якунланди. 1998 йил сентябрида Индонезиянинг ташқи қарзи яна 20 йилга узайтирилди. Индонезия Париж клубига аъзо мамлакатdir. Бу клуб 2000-йилнинг апрелигача тўлов муддати тугайдиган ва факат давлат кифолатига эга

қарзларгагина бундай имтиёз берди. Бу қарзнинг 1,2 млрд. АҚШ доллари лойиҳалаштирилган тадбирларни молиялаширишга ажратилган бўлиб, уларни узиш муддати 20 йилга, экспорт кредитлари эса 3 йил имтиёзли давр билан 11 йилга узайтирилди.

Шундай бўлсада, Индонезиянинг энг йирик кредитори бўлган Япония, агар Индонезияга бундай имтиёз берилса, бошқа қарздор мамлакатлар ҳам шундай имтиёз учун илтимос қиласидилар деган оғоҳлантиришни айтмоқда. Япония Индонезиянинг қарзини узиш маддатини узайтириш ўrniga, унга янги қарз бериш таклифи билан чиқди. Шунингдек, тижорат банклари томонидан берилган қарзлар муддати узайтирилмай, балки каттариқ фоиз ставкада қайта молиялашириладиган бўлди. Юқорида келтирилган мамлакатларнинг ташқи қарз бўйича мажбуриятларини бажара олмасликлари натижасида кредитор мамлакатлар ва ташкилот суфурта компаниялари катта зарар кўрмоқда. Масалан, Буюк Британия банклари Россияда юзага келган иқтисодий нобарқарорлик ва мамлакатнинг ташқи қарзни тўлашга ноқобиллиги натижасида 12,2 млрд. АҚШ доллар зарар кўрди. Буюк Британия одатда, ҳар йили тўлов балансининг ижобий қолдигига эга эди, лекин бу ҳолатдан сўнг унинг 1998 йилнинг 2 ярмидаги тўлов баланси ҳолати 4,9 млрд. АҚШ доллар дефицитга эга бўлди. Натижада, 1998 йил учун ҳисобланган ташқи савдо оборотининг 0,2 % ўтиши инчи чоракка келиб 0,1 %га тушиб қолди. Юқоридаги мисолдан хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳалқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммоси нафақат қарздор мамлакат иқтисодиётига, балки кредитор мамлакатга ҳам катта зарар етказади.

10-§. Ҳалқаро кредитларни суфурталаш

Ҳалқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммоси жаҳон кредит тизимиға катта зарар етказгани учун бу кредитларни суфурталашга аҳамият берила бошланди. Ҳалқаро кредитларни суфурталаш-бу мулкий суфуртанинг бир кўриниши бўлиб, у кредит рискини камайтирилиши ёки умуман йўқотилишига қаратилган. Бу суфурта XIX аср охири XIX аср бошларида вужудга келган бўлиб, биринчи

жағон урушидан сүнг махсус сұғурта компаниялари түзилди. 1929-33-йиллардаги иқтисодий таназзул хусусий сұғуртанинг самаrasизлигини күрсатди. Экспортни рабатлантириш зарурлығи ва иқтисодий-сиёсий нобарқарорлық шароитида риск даражасини ортиши ҳалқаро, кредитлар асосан ўрта ва узок муддатли экспорт кредитларини давлат томонидан сұғурталашни ривожлантируди. Бундай сұғуртанинг асосий маңыноси шундан иборатки, сұғурта ташкилоти ҳақ әвазига экспортёrlар, экспортни кредитловчиларни тижорат, сиёсий ва форс-мажор рисклардан сұғурталайди. Тижорат риски қарздорнинг түловга ноқобиллиги билан боғлиқдир. Ҳалқаро кредитларни сұғурталаш ўз ичига валюта рискларини сұғурталаш, товар баҳосини ишлаб чиқариш даврида ортищига қарши сұғуртани ҳам олади. Сиёсий рисклар давлат фаолияти натижасида юзага келади (конфискация, миллийлаштириш). Сұғурталанаётган объектлар, шунингдек, терроризм, құзғалон, намойишлар, фуқаро урушларидан ҳам сұғурталанадилар. Форс-мажор риски табиий оғатлар билан боғлиқ рисклардир. Ҳалқаро кредит субъектлари, асосан, бир-биридан узок масофада жойлашған мамлакатлар бўлгани учун, кредитор банкларни кредитларини ички бозордаги ҳолатига нисбатан ёмонроқ аҳволга солиб қўяди, чунки бу банклар қарздорнинг молиявий аҳволидан чегаралангандикорда хабардор бўладилар. Бу сұғурта объекти бўлиб, чет эл капитали ёрдамида олиб борилаётган қурилишлар ҳам хизмат қилади. Сұғурталаш сұғурталовчи билан сұғурталанувчи ўртасида келишувни расмийлаштириш орқали амалга оширилади. Бу ҳужжат сұғурта полиси дейилади. Сұғурталанувчи сұғурта фондига тўлайдиган бадаллари-сұғурта мукофоти дейилади. Бу мукофот фоизи сұғурталанаётган объект умумий суммасига ёки кредитнинг тўланмайдиган қисмига нисбатан фоизларда белгиланади ва у 0,25 % дан 10 %гача микорда бўлиши мумкин. Шунингдек, бу фоизга импортёр ёки қарздор жойлашған регион, ҳавф-жатар даражаси кредитни қайтириш муддати ва графики, товар ёки хизматлар тури ҳам таъсир қилади. Ҳалқаро кредитни қайтирилмаслиги натижасида кўриладиган зарар суммаси сұғурталовчи томонидан қоплангани учун бу тўлов сұғурта қопламаси дейилади. Экспорт кредити битимининг асосий шарти-тўлов муддатидир, чунки сұғурталовчи мажбурияти

маълум бир муддат келганида ёки кредит буйича қарздор томоннинг тўловни амалга оширгмаганлиги сабабларини аниқлаш учун ажратилган 60-90 кун муддат тутаганда кучга киради. Халқаро кредитни суғурта суммаси бир суғурталовчи компаниянинг молиявий потенциалидан катта бўлгани учун халқаро кредитларни суғурталашда биргаликда суғурталаш ва қайта суғурталаш усулларидан кенг фойдаланилади. Биргаликда суғурталашда бир неча суғурта компаниялар тенг шартлар асосида иштироқ этадилар, лекин суғурталовчи компания бошқасининг мажбуриятлари учун жавобгар бўлмайди (масалан, банкротлик ҳолатида). Қайта суғурталашда-суғурта компанияси ўз мажбуриятларини бир қисмини бошқа компанияга ўтказади. Халқаро кредитларни суғурталаш ва кафолатлашни маҳсус ташкилотлар (давлат, тўлиқ бўлмаган нодавлат ва хусусий) амалга оширадилар. Энг рискли кредитларни давлат суғурталаб, хусусий тадбикорларни максимал даражада рискдан озод қиласди. Кредитни суғурталаш бозори юқори даражада монополлашганлиги билан ажралиб туради. Буюк Британияда экспорт кредитларни суғурталаш билан хусусий (Индемните, Ллайд) компаниялар 1919-йилда тузилган, экспорт кредитларини суғурталовчи давлат суғурта департаменти шуғулланади. Инглиз нусхасига ўхшаган ҳолда Норвегияда ГИЕК, Швецияда Экспорт кредитиэмиден, Канадада Экспорт девелопмент корпорейши суғурта компаниялари тузилган. Францияда халқаро кредитларни суғурталаш билан тўлиқмас давлат КАФАСЕ компанияси ва 2 та хусусий компания шуғулланади. Италияда экспорт кредитларини суғурталаш билан 20 та компания ва давлатнинг ИНА компанияси шуғулланади. АҚШда экспорт кредитини суғурталаш билан ЭИБ ва Форин кредит иншуранс асоси эйшин (50 компания бирлашмаси) шуғулланади. Германияда (собиқ ФРГ) суғурталаш билан 12 та суғурта ташкилоти шуғулланади, улар ичida йириклари Гермес ва Тройэрбейт бўлиб, улар давлат номидан ва унинг ҳисобига фаолият юргазадилар. Нидерландия ва Ирландияда халқаро кредитларни суғурталаш билан фақат давлат компаниялари шуғулланади. Халқаро кредитни суғурталашни амалга оширувчи суғурта компаниялари ҳужжатлаштириш, суғурта мукофотларини хисоб-китоб қилиш, зарар суммасини аниқлаш каби ишларни

бажарадилар. Улар бу ишларида дунёниг кўпчилик экспортёр ва импортёлари ҳақидаги маълумотлар банкига таянадилар. Лекин кафолат бериш ҳуқуки фақат давлат қўмиталари ва комиссияларига берилган. Масалан, Гермес компаниясига экспортлардан, буюртмалар келади, бу буюртмалар Немис Марказий банки бошлиғи ташқи ишлар, молия, иктисади вазирларидан иборат. Вазирликлараро қўмитага қарор қабул қилиш учун топширилади. Буюк Британияда молиявий капитал иштирокчиларидан иборат экспорт капитали буйича Маслаҳат Кенгаши олиб бормоқда Италияда суғурта шартларини экспорт кредитлари бўйича кузатув қўмитаси белгилаб беради. Бу ташкилотлар иш тартиби, йўналиши, услуби турлича бўлишига қарамай, уларни умумийлаштирувчи асосий белги-экспортни кредитлаш ва суғурталаш ўртасидаги алоқани кучайтиришга қаратилган фаолиятдир. Одатда, экспортёр ёки импортёрга кредит бериш экспортни суғурталаш полисини талаб қиласди. Суғурталаш кредит шартлари ва муддатларига таъсир қиласди, экспортёр учун имтиёзлар берилиши учун асосий сабаб бўлиб, хизматлар учун асосий сабаб бўлиб хизмат қиласди. Суғурта компанияси кафолат берган кредитлар узоқроқ муддатга ва имтиёзли шартларда берилади, бу эса экспортёларга рақобат шароитида имтиёзлар беради. Ҳукумат ҳалқаро кредитларни ўз бюджети ҳисобидан молиялаширади (суғурталайди). Бунда суғурталанаётган хавар-хатар юзлаб турга бўлинади. (Буюк Британияда 300га яқин). Ривожланган мамлакатлар ривожланётган мамлакатларга давлат кафолати бор тақдиргина кредит берадилар. Ҳалқаро кредитнинг барча элементларига суғурта турининг вужудга келиши билан кафолатнинг янги турлари пайдо бўлди.

Улар ичида:

- 1) Экспорт товарларини ишлаб чиқариш даврида кредитларни суғурталаш.
- 2) Янги бозорга қилинаётган экспортга кафолатда давлат бозорни ўрганиш бўйича харажатлар, реклама ва ҳоказоларни ўз бўйнига олади.
- 3) Фабрикацион рискларни суғурталаш, яъни оғир жиҳозларни ишлаб чиқариш даврида харидор томонидан битмни бузилиш риски

4) Гаров учун таклиф этилган товарларни қайтарилишини кафолати. Бу ҳолат чет элдаги товар захираларини гарови ҳисобига банклар кредит беришга рози бўлмаган ҳолда юз беради.

5) «Своп» битимини қўллаган ҳолда экспорт кредитлари бўйича Агентлик ҳисобига чет эл харидорини кредитлаш.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, давлат ва хусусий суғурта обьектига халқаро кредит, экспортёр-импортёр кредитлари, банкларнинг ташқи савдо кредитлари, валюта риски кредит валютасининг қийматини тушиб кетиши киради. Экспорт кредитларини суғурталаш турлари 50тадан ортиқ. Экспорт кредитларини давлат ҳисобига суғурталашда бюджетдан суғурта компанияларининг чегараланган фондлари ажратилади.

Таянч сўзлар

- | | |
|------------------------|--------------------------|
| ➤ Халқаро кредит; | ➤ Халқаро кредитлар |
| ➤ Фирма кредити; | бўйича қарздорлик; |
| ➤ Рамбурсли кредит; | ➤ Либор ставка; |
| ➤ Экспортни кредитлаш; | ➤ Халқаро фоиз ставкалар |
| ➤ Импортни кредитлаш; | прайм рейт; |
| ➤ Халқаро лизинг; | ➤ Кредит баҳоси. |

Ўз билимини текшириш учун саволлар

1. Халқаро кредит нима, унинг қандай турлари бор?
2. Либор нима ва уни қандай аниқланади?
3. Халқаро кредитнинг тамойилларини сананг.
4. Халқаро кредитнинг баҳоси қандай аниқланади?
5. Халқаро кредит бўйича қарздорлик қандай сабаблар туфайли юзага келади?
6. Халқаро кредит бўйича қарздорликнинг олдини олиш йўлларини айтинг.
7. Экспорт ва импортни кредитлаш усулларини гапириб беринг.

Х боб. Ташқи савдо операцияларини кредитлаш

1-§. Ташқи иқтисодий фаолият ва ташқи савдонинг объектив зарурлиги

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир чет давлат бошқа давлатлар билан иқтисодий муносабатлар ўрнатиш, ташқи савдо алоқаларини ривожлантириш, мамлакатга чет эл инвестицияларини жалб қилиш, ташқи иқтисодий фаолиятни микродаражада интенсивлаштириш, ташқи савдо айланмасида марказлашган экспорт ва импорт улушкини камайтириш, мижозларга валюта хизматини кўрсатадиган тижорат банклари сонини кенгайтириш ва шу каби бошқа масалалар энг долзарб вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Ташқи иқтисодий фаолият деганда нимани тушуниш лозим? Бу фаолият нима учун қўллаб-қувватланади?

Ташқи иқтисодий фаолият деганда, икки ёки ундан кўп мамлакатлар ҳуудудида фаолият кўрсатувчи хўжалик субъектлари сифатида давлат органлари ва давлат корхоналари ҳам иштирок этиши мумкин. Ўзаро иқтисодий алоқалар фақатгина савдо операцияларини ўтказишдан иборат бўлиб қолмай, шунингдек кредитлаш, инвестициялар киритиш, қўшма корхоналар воситасида баҳамжиҳат иқтисодий фаолият юритиш ҳам шулар жумласидандир. Ташқи савдо эса, ташқи иқтисодий алоқаларнинг бир соҳаси бўлиб, турли мамлакат хўжалик субъектларининг савдо операцияларини ўз ичига олади.

Ташқи иқтисодий фаолият юритиш давомида ўзаро хўжалик муносабатларига киришаётган хўжалик субъектлари ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари, деб юритилади. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари алоҳида рўйхатга олиниб, уларга маҳсус гувоҳнома берилади. Бундай ҳолат ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш, иштирокчиларга маҳсус имтиёзлар бериш орқали мазкур фаолиятни рағбатлантириш, божхона ҳисобини такомиллаштиришга йўналтирилган. Ҳозирги кунда пул-кредит ва валюта сиёсатининг ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатлари учун хос бўлган усусларидан тўлалигича фойдаланиши мақсадга

мувофиқ әмас. Бунга сабаб, иқтисодиётдаги бир қатор ижтимоий-иктисодий муаммоларнинг ҳал этилмаганлигидир.

Иқтисодиётнинг ноустувор ҳолати, уни таркибий қайта қуришнинг якунланмаганлиги, ички ишлаб чиқариш маълум тармоқларининг дунё даражасига етишмаганлиги амалиётда алоҳида корхоналар, минтақалар ва биринчи даражали ижтимоий дастурларнинг асосан давлат томонидан молияланишини сақлаб қолишни талаб қиласди.

Ташқи савдо соҳасида муаммоларнинг ҳал этилишида чет эл валютасининг муомаласида валюта муносабатларини тартибга солишида маҳсус валюта қонунчилиги муҳим рол тутади. Валюта қонунчилигининг энг муҳим вазифаси чет эл валютасининг чекланган муомаласи шароитида Ўзбекистон сўмини ҳимоя қилишdir.

Ташқи савдо ва валютадаги операцияларини кўриб чиқишида аввал резидентлар, норезидентлар ва ваколатли банк тушунчаларини кўриб чиқиш лозим. Резидентлар - Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ёки доимий яшаб турган юридик ва жисмоний шахслар, норезидентлар - чет элда жойлашган ёки доимий яшаб турган юридик ва жисмоний шахслардир. Чет эл валютасида операциялар ўтказиш учун лицензия олган тижорат банклари ваколатли банклар, деб юритилади.

Тижорат банкларининг ташқи иқтисодий фаолияти товарлар ва хизматларнинг экспорти-импорти, носавдо характердаги битимлар ва мамлакат ҳудудида хўжалик фаолияти юргизаётган норезидентлар бўйича сўмда ва чет эл валютасида операциялар ўтказиш билан боғлиқ.

Ташқи савдо бўйича валюта операциялар фақатгина ваколатли банклар орқали ва тўғри расмийлаштирилган ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Резидент юридик шахслар учун чет эл валютасининг қонуний манбалари қўйидагилардир:

- республика ва маҳаллий бюджетларнинг чет эл валютасидаги маблағлари;
- низом фондига (капиталига) киримлар;
- ваколатли ва чет эл банклари ва молия институтларидан олинган кредитлар;
- ички бозорда ваколатли банклар орқали сотиб олинган валюта;

- хайрия фондлари.

Жисмоний шахслар қуидаги валюта маблағларига эгалик қилишлари мумкин:

- божхона қоидалари ва банк қонунчилигига мувофиқ равишда Ўзбекистонга олиб кирилган, ўтказилган ва жўнатилган валюта маблағлари;
- ваколатли банклардан сотиб олинган нақд валюта;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ишлаганлиги учун олган иш ҳақи ва бошқа мукофотлар. Фуқароларнинг валютадаги шахсий маблағлари жорий ҳисобларга ва омонатларга эркин қабул қилинади. Жорий ҳисобварақларнинг режими қабул қилинаётган валютанинг келиб чиқиш характерига қараб ўрнатилади.

Резидентлар томонидан жорий валюта операцияларига қуидагилар киради:

- экспорт-импорт билан боғлиқ бўлган чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасига ва Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ўтказиш;
- молиявий кредитлар олиш ва бериш;
- омонатлар, инвестициялар, кредитлар ва капиталнинг ҳаракати билан боғлиқ бошқа операциялар бўйича даромадларни Ўзбекистон Республикасига ва Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ўтказиш;
- Ўзбекистон Республикасига ва Ўзбекистон Республикасидан ташқарига носавдо характердаги ўтказмалар.

Резидентлар ўртасида ҳисобларнинг чет эл валютасида ўтказилиши мумкин эмас.

Валюта муомаласини тартибга солишининг устувор йўналишларидан бири ички валюта бозоридир. Ўтиш жараёнида унинг муқобил фаолияти валюта маблағларининг чет элга олиб чиқиб кетиш бўйича маъмурий чекланишларнинг киритилишини талаб қиласи. Ички валюта бозорида доимий таклифни таъминлаш қуидаги йўллар билан амалга оширилади:

- корхоналар томонидан экспорт валюта киримининг 30 %ини ваколатли банклар орқали банклараро валюта биржасида мажбурий сотиш;

- ваколатли банклар воситачилигига корхоналарнинг ўз валюта маблағларини ихтиёрий равишда сотиши;
- Марказий банкнинг валюта интервенциялари.

Чет эл валютасига бўлган талаб унинг корхоналар ва ваколатли банклар томонидан сотиб олинишини чеклаш орқали тартибга солинади.

Корхона, муассаса ва ташкилотларнинг (резидентлар ва норезидентлар) ваколатли банклардаги жорий валюта ҳисобварақларига чет эл валютасидаги қуйидаги киримлар ҳеч қандай чекланишларсиз қабул қилинади:

- корхона жорий ҳисобварағидан илгари хизмат сафари харажатлари учун олинган маблағларнинг сарфланмаган қолдири;
- божхона қонунчилигига мувофиқ жисмоний шахслардан қабул қилинган божхона тўловлари;
- солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқ тўлаш бўйича жисмоний шахслардан қабул қилинган тўловлар;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра мусодара қилинган маблағлар.

Валюта операцияларини ўтказиш давомида валюта қонунчилигига риоя қилиниши валюта назоратининг органлари ва агентлари томонларидан назорат қилинади. Валюта назоратининг асосий йўналишлари қуйидагилардир:

- ўтказилаётган валюта операцияларининг амалдаги қонунчиликка мувофиқлиги ва уларни ўтказиш учун барча зарур лицензия ва руҳсатномаларнинг мавжудлигини аниқлаш;
- резидентлар томонидан валютани ички бозорда сотиши бўйича ва давлат олдидаги мажбуриятларининг бажарилиши текшириш;
- чет эл валютасидаги тўловларнинг асосли эканлигини текшириш;
- валюта операциялари ва норезидентларнинг сўмдаги операциялари бўйича ҳисоб ва ҳисботнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини текшириш.

Валюта назоратининг органлари бўлиб Ўзбекистон Марказий банки ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ҳисобланади.

Валюта назорати вазифасини валюта назоратининг агентлари бажарадилар, масалан: Марказий банкка ҳисобот берувчи ваколатли банклар. Давлат божхона қўмитаси ва унинг таркибий тузилмалари валюта қимматликларининг Ўзбекистон Республикаси чегараларидан ўтишини назорат қиласди. Пул муомаласини, шу жумладан валюта муомаласини тартибга солиш мақсадида пул-кредит сиёсати бўйича республика комиссияси тузилган. Валюта қонунчилиги талабларининг бажарилишини, шунингдек, Давлат солиқ қўмитаси назорат қиласди.

Чет эл валютаси билан амалга ошириладиган банк операцияларига қўйидагилар киради:

- мижозларнинг валюта ҳисобварақларини олиб бориш;
- носавдо операциялар;
- Ўзбекистон ваколатли банклари ва чет эл банклари билан вакиллик алоқаларини ўрнатиш;
- товарлар ва хизматларнинг экспорти ва импорти билан боғлиқ бўлган халқаро ҳисоб-китоблар;
- ички валюта бозорида чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида валюта маблағларини жалб қилиш ва жойлаштириш;
- халқаро пул бозорларида кредит операциялари;
- халқаро пул бозорларида депозит ва айирбошлиш операциялари.

Тижорат банклари юқоридаги операцияларини фақатгина Марказий банкнинг мос лицензияси мавжуд бўлгандагина амалга оширадилар.

Транзит валюта ҳисобига чет эл валютасидаги тушумлар тўлалигича кирим қилинади. Жорий валюта ҳисобида эса экспорт тушумининг бир қисмини мажбурий сотишдан скнг корхонанинг ихтиёрида қолган валюта маблағлари ҳисобга олинади.

Корхонанинг валюта ҳисобига қўйидаги тушумлар кирим қилиниши мумкин:

- товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун чет элдан жўнатилган экспорт тушуми;
- ички бозорда амалдаги қонунчиликка мос равишда сотиб олинган валюта маблағлари;

- чет эл валютасидаги дивидендлар ва фойда;
- кўшма корхона иштирокчиларининг корхона низом фондига кўшаётган валютадаги улушлари.

2000-2002 йилларда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг 13,2 % ўсиши мамлакатнинг ташқи савдо балансида ижобий қолдиқ бўлишига олиб келган қўйидаги жадвалда мамлакатнинг ташқи савдо айланмаси тўғрисидаги маълумотларни кўришимиз мумкин.

34-жадвал

2000-2002 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо обороти тўғрисида маълумот

	2000 йил		2001 йил		2002 йил	
	Ҳақиқий баҳода млрд. сўм	Ўтган йилга нисбат ан %да	Ҳақиқий баҳода млрд. сўм	Ўтган йилга нисбатан %да	Ҳақиқий баҳода млрд. сўм	Ўтган йилга нисбатан %да
Ташқи савдо айланмаси млн. АҚШ долл.	6212	97,9	6307,3	101,5	5700,4	90,4
Экспорт - жами млн. АҚШ долл.	3264,7	100,9	3170,4	97,1	2988,4	94,3
Импорт - жами млн. АҚШ долл.	2947,4	94,8	3136,9	106,4	2712,0	86,5

Жадвал маълумотлари щуни кўрсатдики, мамлакатнинг ташқи савдо айланмаси ҳажмини нисбатан камайиши асосан экспорт товарларининг баъзи бирлари бўйича жаҳон бозорда баҳолар ўзгариши нитажасида юзага келган. Ташқи савдо обороти 2002 йилда камайган ва 5700,4 млн. АҚШ долларини ёки 2000 йилга нисбатан 90,4 %ни ташкил қилган.

Ташқи савдо айланмаси, асосан, МДҲ давлатлари билан савдо ҳажмининг камайиши ҳисобидан юзага келган. Ўзбекистон 130дан ортиқ хорижий давлатлар билан ташқи савдо операцияларини олиб боради ва шу сабаб ташқи савдо

¹ Обзор финансового рынка №1, 2003 г. ст. 8.

айланмасининг қарийиб 70 фоизи хорижий давлатларга (МДҲдан бошқа) тўғри келади. Буни қўйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

33-жадвал

**2000-2002 йилларда Ўзбекистоннинг
экспорт ва импорти тўғрисида маълумот**

	2000 йил		2001 йил		2002 йил	
	млн. АҚШ долл.	Ўтган йилга нисбатан %да	млн. АҚШ долл.	Ўтган йилга нисбатан %да	млн. АҚШ долл.	Ўтган йилга нисбатан %да
Ташқи савдо айланмаси	6212,1	97,9	6307	101,5	5700,	90,4
		,3			4	
Экспорт	3264,7	100,9	3170	97,1	2988,	94,3
		,4			4	
Шу жумладан						
- МДҲ давлатлари	1172,2	119,3	1090	93,0	823,5	94,3
- бошқа хорижий давлатлар	2092,5	92,9	,6	99,4	2164,	104,1
			2079		9	
			,8			
Импорт	2947,4	94,8	3136	106,4	2712,	86,5
		,9			0	
Шу жумладан						
- МДҲ давлатлари	1125,6	139,0	1168	103,8	1000,	85,6
- бошқа хорижий давлатлар	1821,8	79,2	,1	108,1	3	86,9
			1968		1711,	
			,8		7	

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатдики, Ўзбекистон 2000-2002-йилларда ташқи савдо балансининг ижобий қолдигига эришган. Бу қолдик 2002 йилда 276,4 млн. АҚШ долларни, 2001 йилда 128 млн. АҚШ долларни ва 2000 йилда 317,3 млн. АҚШ долларни ташкил қилган.

2-§. Ўзбекистон иқтисодиётида экспорт ва импортнинг тутган ўрни ва салмоғи

Мамлакат ташқи савдосининг ҳажми ва салмоғи унинг халқаро савдодаги ўрни ва ролини белгилайди. Агар биз Ўзбекистон Республикаси ташқи савдосини кўриб чиқсан, унинг экспортида пахта ва олтин асосий ўринни эгаллаши, импортиning асосий қисми истеъмол товарлари, машина ва ускунлар катта аҳамиятга эга эканини кўришимиз мумкин. Ушбу йўналишлар мустақилликнинг дастлабки йилларида кучли бўлган бўлса, энди ташқи савдо товар ва хизматлар турлари хилма-хиллашуви, айниқса, мамлакатда хизматлар экспорти жадал ривожланаётганини кўриш мумкин.

Ўзбекистоннинг халқаро савдога жадал кириб бориши ҳамда ҳозирги кундаги иқтисодиётларнинг интеграцияси ва глобаллашув жараёнидаги ролини кўриб чиқиш учун «Tacis» дастури билан амалга оширилган “Ўзбекистон иқтисодий йўналишлари” лойиҳаси томонидан нашр этилган чораклик нашр маълумотларини кўриб чиқишимиз мумкин. Нашрнинг ташқи сектор қисмida тўлов баланси ҳамда ташқи савдога оид маълумотлар берилган. Унга кўра 2001-йилнинг иккинчи чорагига келиб, Ўзбекистонда қўйидаги ҳолат кузатилган.

Экспортнинг ҳажми дунё бозорида пахта толаси ва олтиннинг баҳолари ўзгариб туришига боғлиқ ҳолда қолмоқда. 2001-йилнинг биринчи чорагида пахта толаси нархларида ўзгаришларнинг кузатилишига қарамай, жорий йилнинг иккинчи чорагида пахта толаси нархларида 2000-йилнинг ўртacha нархларига нисбатан 12%га камайиши кузатилди. Ушбу даврда олтин нархлари 5%га пасайди. Пахта толаси ва олtinga бўлган нархларнинг ўзгариши сабабли 2001-йилнинг иккинчи чорагида экспорт тушумлари ҳажмининг камайишига қарамасдан, товарлар экспорти ўтган йилнинг ушбу даврига нисбатан сезиларли бўлмаган даражада, 0,4%га ўсиши қайд этилди. Бу даврда товарлар ва хизматлар импортида 3,5%ли ўсиши қайд этилди.

2001 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунларига кўра, товарлар ва хизматлар умумий экспортида сезиларли ўзгариш кутилмаган бўлсада, импортнинг ҳажми эса, аксинча, 6,5 %га ошди. Жумладан, товарлар экспортида 0,1 % камайиши қайд этилган бўлса, хизматлар экспортида 3,4 %

ўсиш кузатилди. Товарлар импортида 5,2% ўсиш қайд этилган бўлса, хизматлар импорти эса 20,3 %га ошди. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигидаги капитал товарлар ва хомашёларнинг умумий импортдаги улушининг барқарор ўсиши келгуси даврда экспортнинг ўсишига замин яратади.

Тайёр маҳсулотларнинг умумий экспортдаги салмоғи ўсишда давом этмоқда. Бу ўсиш ўтган йилнинг мазкур даврига нисбатан тайёрланган ип-газлама матоларнинг 1,8 баробарга, автомобилларнинг 2,1 баробарга ошганини ўз ичига олади. Машина ва ускуналар экспорти 148,5 %га, рангли ва қора металлар ва ундан тайёрланган маҳсулотлар экспорти 117,4 %га ортган бўлса, ёқилғи ва нефть маҳсулотлари (60 %), телевизорлар (43 %) ва мебеллар (37 %) экспорти камайди.

Айни шу даврда умумий импорт (ФОБ баҳоларида) 2000 йилнинг I-яримида нисбатан 6,5 %га (биринчи чоракда 4 % суръат билан) ўси, шу жумладан, товарлар 5,2 %га, хизматлар 20,3 %га кўпайган. Товарлар импортида машина ва ускуналар 12,3 %га, кимё маҳсулотлари 7,4 %га, қора металлар ва ундан тайёрланган маҳсулотлар 23,7 %га ошган. Бу даврда озиқ-овқатлар импорти (22,4 %га) ва энергия ресурслари (36 %га) камайган. Товар ва хизматлар импорти умумий ҳажмининг ўсиши ва унинг таркибидаги инвестиция товарларнинг кўпайиши мамлакатда инвестиция жараёнларининг анча жонланишдан далолат беради. 1998-2000 йилларда чет элдан олинган соф кредитлар миқдорининг кўпайиб борганлиги сабабли, 2000 йилнинг I-ярмида даромадлар бўйича фоиз тўловларнинг 12 %га ва даромадлар бўйича соф тўловларнинг 14 %га ошишига сабаб бўлди. Натижада, жорий операциялар бўйича манфий сальдога эришилди.

Мамлакатнинг олтин ва валюта зажиралари миқдори кузатилаётган даврда бирмунча кўпайиб, унинг ҳажми ўртacha 4,8 ойдан ошиқроқ импорт миқдорида сақланмоқда.

2001-йилнинг биринчи ярмида мамлакат импортининг доллар ўлчовидаги қийматида бирмунча ижобий ўзгариш кузатилиб, ўтган йилнинг мазкур даврига ушбу кўрсаткич 6,5 %га ошди.

Импорт ҳажмининг ўсиши металлар, машина ва ускуналар ҳамда хизматлар импортининг сезиларли ўсиши билан боғлиқ ҳолда кечиб, бу бевосита “Uz-Daewoo Auto”

заводида янги русумли авто машина ишлаб чиқаришга мослашган тармоқнинг ташкил этилиши билан изоҳланади. 2001 йилнинг I-ярмида хизматлар импорти 145,6 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 20 %га ўсган.

2001 йилнинг иккинчи чорагида товарлар савдо баланси (АҚШ долларида) бирмунча камайиб, 40,8 млн. АҚШ долларини ташкил этган ҳамда ўтган йилги даражанинг 62,8 %ни ташкил этган. Айни шу пайтда хизматлар балансида ҳам мусбат ўсиши кузатилиб, ушбу жорий йилнинг иккинчи чорагида 39,6 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Экспорт ва импорт ҳажмларининг ўсиши қўшни ҳудудлардаги иқтисодий жонланиш билан изоҳланади.

2001-йилнинг иккинчи чорагида Ўзбекистон ташки савдосининг ҳудудий тақсимланишида сезиларли даражада ўзгариш кузатилди. 2001-йилнинг иккинчи чорагида Ўзбекистон ташки савдоси анъанавий ҳамкорлари ҳисобланган МДҲ давлатлари, жумладан, Россия томон қаратилганлигига қарамай, уларнинг умумий савдодаги улушлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,6 %га камайган бўлса, ЕХ давлатларининг салмоғи эса 26,7 %га камайди.

2001-йилнинг иккинчи чорагида МДҲ давлатларининг Ўзбекистон умумий савдосидаги улушки 35,8 %ни ташкил этди. Бу даврда Россиянинг улушки эса 19,2 %га тенг бўлди. Ушбу ўзгаришларга асосан, 1998-1999 йиллар давомидаги сурункали инқирозлардан кейин, МДҲ давлатларининг иқтисодий тикланиши ҳамда Россия билан тузилган узоқ муддатли савдо шартномасининг имзоланиши туртки бўлди.

Ўтган давр ичida Европа Ҳамжамияти (ЕХ) давлатлари билан бўлган савдо ҳажми 239,7 млн. АҚШ доллари ташкил этиб, 2000-йилнинг иккинчи чорагига (327,2 млн. АҚШ доллари) нисбатан 26,7%га камайди.

35-жадвал.

Баъзи давлатлар билан савдо ҳажмлари
(млн. АҚШ долл. 1999–2001й.)¹

	Экспорт			Импорт		
	2ч 1999	2ч 2000	2ч 2001	2ч 1999	2ч 2000	2ч 2001
Жами	821.5	845.5	848.7	805.6	780.4	807.9
МДХ	202.3	328.6	341.9	176.3	293.9	251.9
ЕХ	160.3	162.0	89.5	207.3	165.2	150.2
Бельгия	18.2	11.8	8.7	12.1	10.6	9.4
Буюк Британия	86.8	60.0	36.3	25.1	13.9	20.1
Германия	7.2	8.2	11.1	105.2	49.5	52.9
Италия	12.8	16.9	2.4	22.1	9.5	5.9
Қозоғистон	24.5	21.4	22.5	32.5	79.0	47.3
Жанубий Корея	19.5	13.7	44.2	122.1	65.3	116.7
БАА	1.2	1.7	6.0	8.7	10.4	6.7
Россия	79.9	145.2	191.3	93.5	165.9	126.6
АҚШ	9.4	17.6	29.1	65.0	81.3	49.3
Туркия	12.9	21.8	20.3	42.7	27.6	26.9
Украина	37.9	49.2	48.5	27.7	30.7	43.3
Франция	3.3	11.4	7.6	14.3	23.3	41.1
Швейцария	71.4	64.4	27.0	5.9	4.4	11.2
Япония	1.1	4.0	2.6	42.1	27.3	58.7
Бошқа давлатлар	435.4	398.1	291.2	186.3	181.8	191.7

2000-йилнинг иккинчи чорагида Ўзбекистон савдо баланси 65 млн. АҚШ долларидан 2001 йилнинг иккинчи чорагида 40,8 млн. АҚШ долларига тушди. МДХ давлатлари билан савдо баланси жорий йилнинг иккинчи чорагида 90,1 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2000 йилнинг иккинчи чорагида 34,7 млн. доллари миқдори қайд этилган. ЕХ давлатлари билан бўлган савдода савдо дефицити сезиларли даражада ўёди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг иккинчи чорагида 3,2 млн. АҚШ долларинини ташкил этган

¹ Манба: Макроиктиносидёт ва статистика вазирлиги.

бўлса, жорий йилнинг ўзида 60,7 млн. АҚШ доллари даражасида қайд этилди.

Россия, Буюк Британия ва Швейцария билан савдо балансида катта мусбат сальдо қайд этилди. Давлатнинг саноатни такомиллаштириш Дастурига боғлиқ ҳолда Япония, Германия ва Жанубий Корея давлатлари билан савдо баланси ҳанузгача манфий саналмоқда. Бунга ушбу давлатларнинг Ўзбекистонга қилаётган экспортида замонавий технологияга асосланган ишлаб чиқариш ускуналарининг салмоғи катта бўлганлиги асосий сабаб бўлмоқда.

2001 йилнинг иккинчи чорагида жами товарлар импортида машина ва ускуналар, металлар, кимё ва пластик маҳсулотларнинг улуши 69,5 %ни ташкил этди. 2000 йилнинг иккинчи чорагига нисбатан машина ва ускуналар салмоғи сезиларли суръатда 12,4 %га ошиб, жами маҳсулотлар импортида 45,8 %ни ташкил қилди. Ушбу ҳол самарадор капитал товарлар импортининг ўсиши тенденциясидан дарак беради. Металлар, машина ва ускуналар импортидаги кескин ўсиши бевосита “Uz-Daewoo Auto” заводида янги ишлаб чиқариш тармоғининг ташкиллаштирилиши билан боғлиқ. Бунга яна бир сабаб шуки, ушбу маҳсулотлар импортининг ошиши энергетика тармоғини модернизациялаш режаларига боғлиқ ҳолда юзага келмоқда. Шу ўринда мавжуд қувват станцияларини такомиллаштириш, қувват ускуналарини келтиришни талаб этади.

Хукуматнинг ўзини-ўзи маҳсулотлар билан таъминлаш сиёсатига боғлиқ ҳолдада 2001-йилнинг иккинчи чорагида озиқ-овқат маҳсулотлари импорти камайишида давом этди. Унинг умумий импортдаги улуши 2000 йилнинг иккинчи чорагида 14,8%ни ташкил этган бўлса, 2001 йилнинг иккинчи чорагида 9,1%ни ташкил этди. Кўрилаётган даврда кимё ва пластик маҳсулотлари улуши йиллик 2,1%га камайган бўлса, айни шу пайтда электр энергия ва ёкилғи маҳсулотлари импорти 2 баробар кўпайди.

3-§. Халқаро савдода импорт операцияларини ташкил қилишининг ҳуқуқий асослари

Халқаро савдо муносабатларида экспорт-импорт операцияларини ташкил қилишининг ҳуқуқий асослари

деганда, биринчи навбатда мамлакатларнинг ички қонунчилиги (конституция, қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар), иккинчидан икки томонлама битим, келишув ва пактлар, учинчидан халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқариладиган тавсия, қўлланмалар, назарда тутилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо муносабатларини ташкил этиш учун конституциянинг 17-моддада қўйидагича ёзилган:

“Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектиdir. ...

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузимларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин.”

Бундан ташқари ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этишга қаратилган қонун ва қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилган.

Ишчи ва кўптомонлама келишув, битимлар ҳам ташқи савдони ташкил қилишнинг ҳуқуқий асосларини булгилайди. Буларга савдо битимлари ва шартномалар мисол бўлиши мумкин. Уларга маҳсулотлар ва хизматлар экспорт импортининг умумий шартлари ва тартибини аниқловчи ҳужжатлардир. Улар қаторида алоҳида аҳамиятга эга маҳсулотлар ва хизматларга тааллуқли маҳсус битимлар ажратилади. Масалан, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг йўқолиб бораётган турларининг халқаро савдоси бўйича конвенция, шунингдек, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар манфаатларини кўзлаган ҳолда кескин нарх тебранишининг олдини олиш ёки юмшатиш мақсадида хом ашё ресурслари савдосида қўлланиладиган кўп томонлама шартномалар. Бу битимлар контрагентлар ёки хорижий шериклар ўртасида халқаро тижорат шартномалари тузиш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Турли мамлакатлар даражасида тенглаштириш ва икки марта солиқ олишнинг олдини олиш мақсадида халқаро муносабатлар қатнашчиларининг солиқ солишининг умумий қоидалари, шароитлари ва тартиби тўғрисидаги солиқ битимлари ҳам мавжуд. Ҳозирги вақтда барча ривожланган мамлакатлар ўзаро солиқ битимларини имзоланганди. Биринчи

бор бундай шартномалар ИХТТ томонидан 1963 ва 1973 йилларда ишлаб чиқилган ва улар бошқа шу турдаги битимлар учун намуна сифатида ҳозирги кунда ҳам құлланилади.

Ташқи савдонинг ҳуқуқий асосининг учинчи томони халқаро иқтисодий ташкилотлар томонидан ишлаб чиқылған меъёрий ҳужжатлар ташкил этади. Ҳозирги савдо ва саноат соҳасида қуйидаги йирик халқаро ташкилотлар мавжуд: Умумжахон Савдо Ташкилоти (WTO), Савдо ва ривожлантириш бўйича БМТ Анжумани (UNCTAD), Саноат ривожланиши бўйича БМТ Ташкилоти (UNIDO) ва бошқалар.

Умумжахон савдо ташкилоти 1995-йилнинг бошида ташкил этилган бўлиб, муҳим халқаро ташкилот – савдо ва тарифлар бўйича Бош битим (GATT)нинг давомчисидир. GATT кўптомонлама халқаро битим бўлиб, иштирокчи мамлакатлар ўртасидаги савдо муносабатларини тартибга соловчи, шунингдек, савдо масалалари бўйича музокаралар ва маслаҳатлар ўтказувчи халқаро ташкилотлар эди. Халқаро савдо муносабатлари билан шуғулланувчи ушбу халқаро ташкилот 1947 йилда тузилган. Дастлаб, битимга 23 мамлакат имзо чеккан, 1994 йилнинг охирида унда 128 мамлакат қатнашди.

Кейинги 30 йил ичида саноат маҳсулотларга импорт тарифлари ривожланган мамлакатларда 40 фоиздан 5 фоизгача пасайган. Бош битим ўз ичига тўртта катта қисмни олади:

- шартнома тузажетган томонларнинг асосий мажбуриятлари;
- бу мажбуриятлардан истисно;
- йиллар мобайнида қўшилган тузатмалар йифиндиси;
- ривожланаётган мамлакатларнинг ўта муҳим муаммоларига тааллуқли моддалар.

Халқаро савдонинг ривожланишида GATT муҳим роль ўйнайди. Лекин жақон иқтисодиётининг ўсиши ва жақон ҳўжалиги алоқаларининг мураккаблашуви, халқаро инвестициялар ва хизматлар савдосини кенгайиши янги ташкилий тизим барпо этилишини талаб этди. 1995 йилдан фаолият кўрсатаётган WTO бугунги кунда GATT томонидан олиб борилган ҳужжатларнинг мантикий давомчиси сифатида фаолият юритмоқда.

Жаҳон савдосини тартибга солувчи халқаро ташкилотлар гуруҳига савдо ва ривожланиш бўйича БМТ Анжумани (UNCTAD) киради.

У 1964 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг домий ташкилоти сифатида таъсис этилган бўлиб, БМТ аъзолари бир вактнинг ўзида унинг ҳам аъзолари ҳисобланади. GATT дан фарқли равишда UNCTAD савдо ривожланиши учун умумий шароитларни яратади, халқаро айирбошлишни рағбатлантирувчи ва тартибга солувчи чора-тадбирларни қабул қиласиди. Бундай чора-тадбирларга жаҳон савдоси қоидаларини ўрнатиш, БМТнинг бошқа ташкилотлари фаолиятини, шунингдек, савдо соҳасида турли мамлакатлар сиёсатини мувофиқлаштириш киради.

UNCTAD доирасида давлатларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва мажбуриятлари Хартияси ишлаб чиқилган (1974 йил), шунингдек, халқаро иқтисодий муносабатларни қайта қуриш ва Янги Халқаро Иқтисодий Тартиб (ЯХИТ)ни яратишга қаратилган бир қатор муҳим қарорлар қабул қилинган.

БМТ тизимида ЯХИТни ўрнатилишига кўмаклашувчи бошқа қатор ташкилотлар ҳам иш юритади. Улар жумласига, саноат ривожланишини бўйича ташкилот – UNIDO ҳам киради. У 1966-йилдан Бош Ассамблея доирасида ташкил этилган бўлиб, 1979-йилда БМТнинг ихтисослаштирилган муассасаси сифатида қайта ташкил этилди.

UNIDOnинг асосий мақсади ривожланаётган мамлакатлар саноати ривожланишини рағбатлантириши ва саноатлаштиришни жадаллаштириш ҳисобланади.

Юқорида кўриб чиқилган халқаро ташкилот ва бўлимлар халқаро савдо муносабатларида ҳуқукий асосни яратишда муҳим роль ўйнайдилар, уларнинг фаолияти халқаро савдони ҳуқукий жиҳатдан тартиблайди.

Қадим замонлардан ташки савдо энди пайдо бўлайтган даврларда икки томон ўзаро ҳисоблашишининг ишончли таъминланганлиги муаммосидан ташвишланар эдилар. Улар ҳисоблашишининг икки турдан бирини танлашлари мумкин эди. Биринчисида экспортер товарни жўнатаб, сўнг тўловни оларди, иккинчисида, ҳаридор тўловни ўтказиб, товарни оларди, лекин биринчи ҳамда иккинчи ҳолларда экспортер ва ҳаридор қарама-қарши томон ўз мажбуриятларини бажармаслиги рискига маҳкум эди.

Бундай рисклардан халос бўлиш учун ҳалқаро савдо муносабатлари амалиётда ҳисоблашишининг бир неча шакли ишлаб чиқилди. Улар томонларнинг бир-бирига ишонч даражасига қараб фарқланади. Хорижий шериклар билан ҳисоблашиш шаклларининг асосийлари қуидагилардир: аккредитив, инкассо, секлар билан ҳисоблашиш ва ҳ.к. Кўрсатилган шаклларнинг бир қанча турлари мавжуд.

Ҳисоблашиш шаклини танлашда шерик операция шаклларининг шартларини, ишончили ва фойдалилигини ҳисобга олиши керак. Ҳисоблашишнинг танланган шакли тузилган шартномада акс эттирилади.

Экспорт-импорт операциялари бўйича ҳалқаро ҳисоблашишнинг шакли ҳужжатли характерга эга, чунки у ташқи савдо шартномаси билан белгиланган товар-транспорт ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Импорт операцияларида молиявий ҳужжатларни қўллаш бир неча асрлардан бери давом этию келмоқда. Ушбу тизимнинг мақсади товарларни олди-сотдиси бўйича томонлар мажбуриятларининг бажарилмаслик рискидан ҳимоялашдир.

Ҳалқаро савдода қуидаги энг муҳим ҳужжатлар қўлланилади: вексель (тратта), юклаш счёти, физик ташишга оид ҳужжатлар-коносаментлар, темир йўл накладнойлари, сугурта полиси, счёт-фактура, кафолат хатлари.

Вексель – бу қарз олувчи томонидан ҳужжатда ўрнатилган вақт ўтгандан сўнг белгиланган сумманинг шак-шубҳасиз тўлаш мажбуриятидир. У бошқа шахсларга ўтказилиши ҳам мумкин, қарздор ва вексель ушловчиларнинг барчаси охирги вексель эгаси олдида кўрсатилган суммани тўлаб беришга мажбурдирлар. Вексель ўтказилганда унинг орқасига янги эгасининг номи кўрсатилган ёзув қўйилади.

Ҳалқаро ҳисоблар амалиётида ўтказма вексел (тратта)лар кенг қўлланилади. Бу ҳаридорнинг аниқ белгиланган муддатда маълум валюта суммасини тўлаб бериш мажбуриятидир. Оддий векселдан фарқли равища, тратталар кредитор томонидан ёзилиб кредитор қарз бўлган учинчи шахсга маблагни тўлаб бериш талаби билан ёзилади. Тратталар қимматли қофоз ҳисобланиб, тўлов воситаси сифатида қўлланиши мумкин.

Калифорния Университети ўқитувчиси Девид К. Ейтман тратталарни муддатли ва узайтирилганларга таснифлайди. Муддатли тратталар эгаларига векселни тақдим этувчига тўлаб берилади. Тўловчи эҳтиёт бўлиши керак, чунки қалбаки хужжат бўйича тўловни амалга ошириш хавфи ҳам мавжуд. Муддатли тратталардан фарқли равища, узайтирилган траттада тўлов қолдирилган муддатдан сўнг амалга оширилади. Халқаро савдо амалиётида тўлов акцепт (тўловни мажбуриятни тан олиши)дан сўнг 30,60 ёки 90 кун муддатда амалга ошириши белгиланади. Одатда, акцептланган қайтарилаги тратталар қисқа муддатли пул бозорида сотилади.

Халқаро ҳисоблашишларда транспорт-ташиши ташкилотлари томонидан расмийлаштириладиган “қоплаш счётлари” алоҳида ўрин эгаллайди. Юклаш счётлари Зта функцияни бажаради:

- 1) товарни олиш тўғрисидаги тилхат;
- 2) шартнома ролида ва
- 3) гаров сифатида.

Тилхат сифатида улар ташувчи юкни ташишга қабул қилишини тасдиқлайди. Шуни таъқидлаш керакки, ташувчи ўрам ичидагиларга жавоб бермайди. Шартнома сифатида юклаш счётлари ташувчи маълум сумма эвазига товарни белгилangan жойга етказиб беришни бўйнига олади. Юклаш счётлари харидор томонидан товарга тўловни таъминлашда гаров функциясини бажаради.

Давид К. Ейтман юклаш счётларининг икки турини фарқлайди: тўғри ва буйруқли. Тўғри юклаш счётлари юкланган товарлар аванс қилиб олдиндан тўланганида расмийлаштирилади. Буйруқли юклаш счётлари маълум ваколатли шахс номига ёзилади. Юк етиб келганда ташувчи товар ихтиёрига юборилган шахсни хабардор қилиш керак.

Халқаро амалиётда “соф юклаш счёти”, “бортда”ги юклаш счёти каби атамалар учрайди. Биринчиси, ташувчи товарнинг сифатини текшириши шарт бўлмаса ҳам, юк яхши ҳолатда қабул қилинган бўлса, ташувчи томонидан тўлдирилади. Агар товар кема бортида бўлса, “бортда”ги юклаш счёти расмийлаштирилади.

Ташки савдода коноссамент, темир йўл накладнойи, авиа юклаш накладнойи каби транспорт ҳужжатлари учрайди.

Улар бир-биридан ташиш воситасига қараб фарқланади. Уларнинг функциялари юклаш счёти функциялари билан бир хилдир.

Суфурта ҳужжатлари суфурталовчи ва суфурталанувчи орасидаги муносабатни акс эттиради. Суфурталовчининг роли суфурта муносабатларини олиш эвазига, баҳтсиз ҳодиса туфайли суфурталанувчи кўрган зарарни қоплашдан иборат суфурталовчи томонидан бериладиган суфурта полиси суфурта шартномасини тасдиқлади. Суфурта полиси суфурталанувчи суфурта мукофотини тўлаганидан кейин суфурта компаниялари томонидан ёзиб берилади.

Кафолат хати – юкни оловучи ёки унинг банк томонидан ташувчи айланма транспорт ҳужжати расмийлаштирилмаганлиги сабабли юзага келиши мумкин ҳодисалар учун жавобгар эмаслигини тасдиқловчи ҳужжат.

Халқаро тўловларда шунингдек кўпгина транспорт молия, божхона ва тижорат характеристига эга ҳужжатлар кўлланилади. Уларнинг барчаси турли шаклдаги халқаро тўловларни амалга оширишга хизмат қиласади. .

4-§. Экспорт ва импорт операцияларида ҳужжатлаштирилган аккредитивдан фойдаланиш имкониятлари

Аkkредитив – банк томонидан импортёрнинг талабига биноан, ва унинг кўрсатмаларига мос равишда, олдиндан келишилган ҳужжатларни тақдим қилингандан сўнг, экспортнинг тўлов ҳужжатларини белгилангандан пул миқдори ва аниқ муддат доирасида тўлашни кўзда тутади.

Экспорт операцияларида ҳисоб-китобларнинг энг фойдали ва ишончли шакли ҳужжатли аккредитивдир. У экспортёрга экспорт тушумини ўз вақтида олишни кафолатлайди. Ҳужжатли аккредитивни қўллаш шартлари (аккредитив тури, ҳисоб-китобларда иштирок этётган банклар, экспортёр томонидан аккредитив талабномасини олиш учун банкка тақдим қилинадиган ҳужжатлар рўйхати) экспортёр ва импортёр орасида тузиладиган контрактда маҳсус кўрсатиб ўтилади.

Ҳисоб-китобларнинг бундай шаклида ҳужжатлар айланисиши банкда экспортёр фойдасига аккредитив

очилишидан бошланади. Аккредитив импортёрнинг (буйруқ берувчининг) аризасига кўра очилади. Импортёр бундай аризани банкка экспортёрдан товарнинг жўнатиш учун тайёрлиги ҳақида маълумот олганидан кейин тақдим қиласди.

Икки юз йил илгари юк кемалари катта савдогарларга тегишли бўлганида, товарлар тўғридан-тўғри ушбу савдогарларнинг вакилларига юборилар эди. Уларнинг вазифаси товарлар экспортидан олинган даромадлар эвазига бошқа товарлар харид қисми эди. Баъзи сотиб олинган товарлар тасодифан топилган харидорга сотилиб, кемалар бўш қайтишарди. Сотувчи ва харидор ўртасидаги тўловларда мавжуд рисклардан қандайдир қўшимча ҳимояланиш талабларнинг зарурати йўқ эди.

XIX аср ўрталарида жаҳон бозори эшиклири барча бизнесмен, ишлаб чиқарувчи ва дилерлар учун очилди. Сотувчи ва харидорнинг географик жойлашувидаги фарқланиш туфайли товарларни юклаш ва улар учун ҳақ тўлаш орасидаги вақт фарқи эътиборли равишда ўсди, чунки харидор товарнинг физик ҳолатини кўрмасдан сотиб олишини ёки албатта, юкланишига ҳеч қандай кафолатсиз аванс тўловларини амалга оширишни истамасди.

Ҳужжатлаштирилган аккредитив сотувчи ва харидор орасидаги ҳисоблашишда ҳам сотувчи, ҳам харидор учун мавжуд рискларни сугуртасини таъминлашнинг ишончли воситаси бўлди.

Импортёрнинг аккредитив очиш ҳақидаги аризасида аккредитивнинг барча шартлари кўрсатиб ўтилади. Импортёрнинг банки – эмитент аккредитивнинг очади ва бу ҳақда экспортёрнинг банкига ҳабар беради. Бу хабар бевосита импортёрнинг банкидан экспортёрнинг банкига, ва шунингдек, бошқа (авизо берувчи) банкига жўнатилиши мумкин. Авизо берувчи банкка аккредитив бўйича ҳужжатларни қабул қилиш ва импортёрнинг банкига жўнатиш ваколати берилади. Аккредитивда унинг амал қилиш мuddати, суммаси, аккредитив бўйича пулни олиш ва экспортёрнинг ҳисобига ўтказиш учун лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати кўрсатилади. Экспортёрга ҳужжатли аккредитив ҳақида унинг банки хабар беради.

Агар экспортёр аккредитив шартларига розилик билдирса, у аккредитивда кўрсатилган муддатда товарни жўнатиши шарт.

Товарлар жўнатилгани, ишлар бажарилгани ёки хизматлар кўрсатилганидан кейин, экспортёр ўз банкига транспорт ва аккредитивда кўрсатилган бошқа ҳужжатларни тақдим қиласди.

Ҳужжатли аккредитивда ҳужжатлар банкка аккредитивнинг муддати доирасида ва товар жўнатилганидан кейин 21 кундан кечикмасдан тақдим қилинади. Экспортёрнинг банки тақдим қилинган ҳужжатларнинг аккредитив шартларига мослиги ва тўғри расмийлаштирилганлигини текширади. Ҳужжатли аккредитив бўйича экспорт тушумини ўз вақтида олиш аккредитив шартларига тўлиқ риоя қилиш билан узвий боғлиқдир.

Текширилган ҳужжатлар аккредитив бўйича тўловларни амалга ошириш учун эмитент банкка жўнатилади. Ўз навбатида эмитент-банк ҳам ҳужжатларни текширади ва шундан кейингина тўлов суммасини экспортёрнинг банкига жўнатади. Экспортёрнинг банки тушумни экспортёрнинг ҳисобига ўтказади, импортёр эса ўз банкidan ҳужжатларни олганидан сўнг товарга эгалик қиласди.

Турли мамлакатларда халқаро тўловларни олиб бориш қонун ва қоидаларини ҳар хил эканлиги туфайли Халқаро Савдо Палата ҳужжатлаштирилган аккредитивлар учун умумий “Унификациялаштирилган қоида ва одатлар”ни ишлаб чиқди. Кўрсатилган қоидалар шериклар ва банкнинг ушбу шаклдаги ҳисоб-китобларни амалга оширишдан маълумотларни аниқлайди. Улар бошқача кўрсатилмаган барча ҳужжатлаштирилган аккредитив учун қўлланилади. Қоидалр томонлар орасида келишилган шартномага тўхталмайди, балки агар қандайдир сабалар туфайли келишилмаган бўлса, томонлар масъулияти аниқлаштиради.

Аkkредитив тўғрисидаги шартномада З шахс иштирок этади:

- буйруқ берувчи (импортер);
- аккредитивни олган банк ва
- бенефициар – номига аккредитив очилган шахс.

Аккредитив реквизитлари шартнома шартлари билан аниқланади, шунинг учун шартномада белгиланадиган тўлов шартлари батафсил ёритилиши шарт.

Турли мамлакат олим ва мутахассислари аккредитив моҳиятини турлича изоҳлашади. Б. И. Синецкий фикрича, “тўловларнинг аккредитив шакли харидорнинг шартномада ўрнатилган муддатда маълум банк-эмитентда сотувчи номига келишилган суммада аккредитив очиш мажбуриятини кўзда тутади. Аккредитив – бу банкнинг сотувчи ҳисоб-рақамига харидор билан келишилган шартнома шартларига асосан товарлар келтирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тўпламини топшириш эвазига ҳисоблашишда маблағларни ўтказиб бериш мажбуриятдир.”

Б. И. Синецкий ўз таърифини келтириб, ҳужжатлаштирилган аккредитив бўйича операцияларни бажаришнинг асосий тамойилларини тавсифлайди. Бирок, у тўгрисида тўлиқ тасавурга эришиш учун бу етарли эмас. Ҳужжатлаштирилган аккредитив экспортерга импортер товар ҳужжатларини тўламаслиги, сотиб олмаслиги ёки вақтида сотиб олмаслик рискидан ҳимоялангани учун қулайдир. Аксинча, импортер учун унинг фойдалилиги паст, чунки у валюта маблағларининг иммобилизациясини талаб қиласди, табиийки, бу айланма маблағлар айланишини секинлаштиради. Аккредитив моҳиятан товарга тўлов мажбуриятини банкка ўтказиши билдиради. Аккредитивни шунга кўра, ҳисобланишида бетартиб харидорларга нисбатан қўллаш тавсияланади.

Орегон Давлат Универститети (АҚШ)нинг ўқитувчisi Артур И. Стопхил тижорат аккредитив тўгрисида қўйидаги фикрни илгари суради: “аккредитив – бу банк томонидан муомалага чиқариладиган ҳужжат бўлиб, унда харидор шартларига асосан бенефициар (суммани олувчи)га кўрсатилган суммани зарур ҳужжатлар тақдим этилиши эвазига тўлаб берилиши ёзилади.” Стопхил импортер банки соитб олаётган товарга кредит берилганда, ҳисоблашишнинг аккредитив шакли молиявий шартномага айланишини таъкидлайди. Аккредитив кредит ресурслари ҳисобига очиш мижознинг кредитга лаёқатлилигига боғлиқ.

Ўзбекистон банк тизимида аккредитив очишнинг асосий манбаси мижозларнинг ўз маблағларидир. Аккредитив

очишининг қўшимча мањбаси сифатида банк мижозларига кредит ажратишини кенгайтириши лозим. Бу Ўзбекистон иқтисодиёти учун илфор технологиялар ва замонавий ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олишда айниќса муҳимдир.

Швейцариялик мутахассис Жозеф Хелбинг фикрича, “хужжатлаштирилган аккредитив – бу шартнома тўловини таъминловчи кафолат воситасидир”.

Жозеф Хелбинг “хужжатлаштирилган аккредитив экспортерни тўлов амалга амалга оширилмаслик рискидан суфурталаш” фикрига қўшилган ҳолда, шуни таъкидлаш керакки, ҳужжатлаштирилган аккредитивни барса шакллари ҳам экспортер учун тўловни 100%лик кафолат билан тўланишини таъминламайди. Масалан, аккредитивнинг қайтариладиган шакли, тўлов амалга оширилишидан олдин исталган вақтда тўхтатилишини, бекор қилиниши мумкин.

Бундан ташқари, операциялар бажарилишига тўсқинлик қиласидиган бошқа риск турлари ҳам мавжуд. Энг муҳими, аккредитив халқаро савдони олиб боришнинг молия механизми ҳисобланади. Аккредитив туфайли халқаро савдонинг айланиши тезлашади.

Кўпгина сабиқ совет адабиётларида халқаро ҳисоблашишнинг шакллари тор маънода келтирилган. Халқаро савдо амалиётида халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган “Унификациялаштирилган қоида ва одатлар” таснифи қўйидагичадир.

Амалга ошириладиган опреациялар таркибига кўра, аккредитивлар “соф” ва “хужжатлаштирилган” аккредитивларга ажратилади. “Соф” аккредитивлар нотижорат характердаги маблағларни йиғиш ва молиявий мајбуриятларни ундириб олишда қўлланилади. Бундай аккредитивлар шартлари товар-транспорт ҳужжатлар тўпламини йиғиши талаб этмайди. Аксарият тижорат аккредитивлари ҳужжатлаштириладигандир, чунки унинг бажарилиши товар-транспорт ҳужжатларини йиғиш билан боғлиқ. Ташқи савдода фақатгина ҳужжатлаштирилладиган аккредитивлар ишлатилиб, улар ўз навбатида 2 белгисига қараб таснифланади.

Ҳимояланиш даражасига қараб, ҳужжатлаштирилган аккредитивлар қўйидагиларга ажратилади:

- қайтариладиган;

- тасдиқланмаган қайтарилилмайдиган;
- тасдиқланган қайтарилилмайдиган.

Қайтариладиган аккредитив уни очишга топшириқ билан мижознинг талаби билан бенифициарни олдиндан огоҳлантирмасдан аккредитивни очган банк томонидан исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Аккредитив очган банк бенефициар банкни керакли ҳужжатларни топширгандан сўнг белгиланган суммани тўлаб беради. Тўловдан сўнг шартларнинг ўзгартирилиши ёки аккредитивнинг қайтарилиши амалга оширилмайди, ҳаттоқи ҳужжатларда камчилик аниқланган тақдирда ҳам.

Ушбу турдаги ҳисоблашишнинг устун тарафи, у операцияни бажаришда бошқа турларга нисбатан камроқ ҳаражат талаб қиласди. Энг асосийси - ҳисоблашиш тез ва қулай бўлади. Бу турдаги ҳисоблашишни фақатгина шериклар бир-бирига ишонган тақдирда қўллаш керак.

Ҳужжатлаштирилган аккредитивнинг тасдиқланмаган қайтарилилмайдиган шакли халқаро савдода кенг қўлланилади. Экспортер ушбу турни танлашдан олдин тўловни амалга ошириш мажбуриятини амалга ошириш мажбуриятни олган банк эмитент (харидор)нинг ишончлилигини, импортер мамлакатида хорижий ҳисоб-китоб рақамларининг валютасининг таъкиланиши билан боғлиқ ва ҳ.к. рисклар ҳақида зарур маълумотларга эга бўлиши мумкин. Экспортер учун аккредитивнинг тўлов жойини билиш учун жуда катта аҳамиятга эга. Агар тўлов харидор банкида амалга оширилса, ҳужжатларни ўз вақтида етказиш билан боғлиқ почта рисклари ҳам мавжуд. Мижоз (харидор) аккредитивнинг тасдиқланмаган қайтарилилмайдиган шаклини очишга ариза бергандан кейин банк эмитент авизоловчи банкка йўриқномалар юборади. Қайтариладиган турда мижоз томонидан аккредитив шартларининг бир томонлама ўзгартирилишига йўл қўйилмайди. Айрим пайтларда банк эмитент ҳужжатлари текширишини хориждаги банк-эмитент ҳужжатларни текширишини хориждаги банк-корреспондентга топширади. У эса ўз навбатида тўловни амалга оширади. Одатда, мавжуд рискларнинг олдини олиш учун авизоловчи банк тўловни банк-харидор томонидан аккредитив қиймати қопланган сўнг амалга оширилади.

Тўловни амалга ошириш жойи тўловни амалга ошириш жойидан фарқ қиласди. Шунинг учун аккредитивни очишга ариза ёзишда эҳтиёткор бўлиш керак. Унда “қайтарилилмайдиган” ёзувини қилиш лозим, аks ҳолда очилаётган аккредитив қайтарилилдиган шакл сифатида кўрилади.

Хужжатлаштирилган аккредитивнинг тасдиқланган қайтарилилмайдиган шаклини очишда банк-эмитент банк-корреспондентга аккредитив очиши топширади ёки ундан аккредитивни тасдиқлашни сўрайди. Аккредитивни тасдиқлаган банк бенефициар олдида келишилган тўловларни ўз вақтида амалга оширишга мажбур.

Халқаро амалиётда халқаро ҳисоблашишларнинг тасдиқланган қайтарилилмайдиган шаклига тўртта талаб бор:

- 1) аккредитив қайтарилилмайдиган бўлиши керак;
- 2) ҳақиқатда тўловчи ўтказиш жойи ва тўловни амалга ошириш жойи ва тўловни амалга ошириш жойи тасдиқловчи банкда жойлашиши;
- 3) тасдиқловчи банк ўз тасдиғини бериш учун банк-эмитент унга аниқ йўриқномалар бериши керак;
- 4) аккредитив мижозга ўзгартирислар киритишга имкон берадиган шартларга эга бўлмаслиги керак.

Аккредитив бошқа банк томонидан тасдиқланган тақдирда сотувчи банк-эмитент томонидан таъминлана олмайдиган қўшимча суруртага эга бўлади.

Тасдиқловчи банк ўз-ўзини мавжуд рисклардан ҳимоялаш мақсадида банк-эмитентдан олдиндаги зудлик билан аккредитив тўловлари бўйича ҳаражатларни қоплаш учун маблағларнинг ўтказилишини талаб қиласди.

Аккредитивнинг тасдиқланиши муддат ўтгунга қадар ҳаридорнинг валюта маблағларини музлатилишига олиб келади. Бундак ташқари импортер бу ҳолатда ҳисоблашишларда банкларга комиссиян тўловларни тўлаш билан боғлиқ қўшимча ҳаражатларни қилишга мажбур.

Тўлов усулига қараб, хужжатлаштирилган аккредитивлар муддатли, узайтирилган, авансли, тикланадиган, “ҳаридга топширик”, акцентлиларга бўлинади. Муддатли тўловли ҳужжатлаштирилган аккредитивлар бенефициарга келишилган ҳужжатларни текширувга банкка топширгандан сўнг ажратилган суммани олиш ҳуқуқига эга

бўлади. Бошқа ҳужжатларни топшириш учун қисқа муддатли маълум вақт берилади. Бу муддат мобайнида у аккредитив қийматини қоплаш учун маблағ олиши керак.

Ҳисоблашишнинг акцепт шаклида экспортер импортер томонидан кейинчалик акцептланадиган тратта ёзib беради. Тратталар банк-эмитент ёки тасдиқловчи банк томонидан тасдиқланиши мумкин. Одатда, тратталарни акцептлаш звазига банклар белгилаган миқдордаги комиссия олдаи. Тратталар импортер томонидан акцептланганда банк-эмитент ва тасдиқловчи банк тўловларни ўз вақтида ўтказишга жавоб берадилар.

Ҳужжатлаштирилган аккредитивнинг узайтирилган шакли акцептлидан унча катта фарқ қилмайди. Асосий фарқ тўловчи амалга оширишда: банк-эмитент ёки тасдиқловчи баки керакли ҳужжатларнинг тақдим этилиши билан келишилган муддатда уни бажариш мажбуриятини оладилар. Ҳисоблашишнинг узайтирилган усули ҳам тасдиқланган, ҳам тасдиқланмаган шаклда қўлланилиши мумкин. У акцептли шаклдан бажариладиган операцияларнинг кам сарфлиги билан фарқланади. Асосий камчилиги акцептли билан таққосланганда, тўлов фақатгина банк-эмитент ёки тасдиқловчи банк томонидан очилиши мумкинлигига, акцептланган тратталар эса исталган банкда аккредитланиши мумкин. Ҳисоблашишнинг инкассо шакли ҳам импортер учун қулайроқ ҳисобланади. Бунга сабаб, импортер узайтирилган давр мобайнида товарни сотиш ва кредитор билан ҳисоблашиш имкониятига эга бўлади.

Кейинги шакл – бу аванс тўловни ҳужжатлаштирилган аккредитивдир. Ҳисоблашишнинг ушбу шаклининг мазмуни шундаки, импортер бенефициар томонидан келишилган ҳужжатларни банкка текширув ўтказишга тақдим этилгунга қадар аванс тўловини амалга оширилиши лозим. Ушбу тур ҳар хил шаклда учраши мумкин. Халқаро савдода мунтазам равища ушбу аккредитивнинг икки тури қўлланилади:

- рискдан ҳимояланган ва
- рискдан ҳимояланмаган.

Ҳимояланган шакл харидор учун рисклироқ, чунки сумманинг бир қисми товар-транспорт ҳужжатлари олинишидан олдин ўтказилади. Ҳимояланган шаклда

импортер экспортердан мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда тўловни қайтариш кафолатини сўрайди.

Экспортерга келтирилган товарлар қиймати автоматик равишда кафолатнинг умумий суммасидан чегириб ташланади. Аккредитивнинг бу шакли ўзбекистонлик экспортерлар учун қулай, айниқса, пахта экспортини амалга ошириша.

Аккредитивнинг тикланадиган шаклини юритиш қоидаларига кўра, аккредитив ишлатиладиган давр мобайнода бажарилиши даражасига қараб, тўловлар автоматик равишда дастлабки сумма қоплангунча тўлаб берилади. Аккредитивнинг тикланадиган шакли товарларни сотиш чекланган битим бўлмаганда, ҳамда хорижий харидор доимий мижоз бўлган тақдирда қўлланилади. Харидор банкка экспортер номига аккредитив очишни топширади ва исталган пайтда тўлов суммаси белгиланган йўриқнома беради. Бу турнинг афзалликлари:

- қайтадан аккредитив очишни талаб этмайди;
- канцелярия харажатларини тежайди.

Тикланадиган шакл интервалли амалга ошириладиган товарлар юклидишда қўллаш маъқул. Одатда, нархлар қулай бўлганда харидор ҳақиқатда керак бўлганидан кўпроқ товарлар сотиб олишга интилади. Катта ҳажмда товарларни сотиб олиш ва сақлаш жуда катта сарфларни талаб қилгани туфайли товарни заруратга қараб қисмларда олиш фойдалироқ бўлади. Бундай ҳолларда халқаро операцияларда ҳисоблашишнинг тикланадиган шаклини қўллаш таклиф этилади.

Масалан, январда умумий суммаси - 60000 швейцария франки бўлган шартнома тузилган. Тўлов 10000 швейцария франкидан ҳар ойда олти марта амалга оширилиш керак. Тўлов муддати - 20 июнгача. Экспортер талабига кўра харидор ҳужжатлаштирилган аккредитивнинг тикланадиган шаклини очади. Ҳисоблашишнинг шартларига кўра, ишлатиладиган 10000 швейцария франки ҳар ойда тикланади. Бунда умумий сумма 60000 швейцария франкидан ошмаслиги керак. 20 июнгача аккредитив суммаси 5 марта тикланади.

«Харидга топшириқ» ҳисоблашиши шакли Фарб мамлакатларининг Узок Шарқ билан ташки савдосида қўлланилади. Ушбу шакл мазмуни шундаки, банк-эмитент

банк-экспортерга импортер номига ёзилган траттани сотиб олиб, барча келишилган ҳужжатлар билан қўшиб юборишни топширади. Харидор томонидан тўланмаслик риски мавжудлиги туфайли, экспортер ундан бундай аккредитив очилганлигини тасдиқлашни талаб этиши мумкин. Ҳисоблашишнинг бу тури тасдиқланган шаклнинг амалий натижаси тасдиқланган қайтарилилмайдиган шаклга тенглаштирилади.

Ҳужжатлаштирилган аккредитивнинг трансферебель (transferable) тури халқаро савдода молиявий инструмент сифатида қўлланилади. У бенефициарга тўлов ёки акцепт амалга оширилгунга аккредитив шартларини бошқа бенифициар номига ўтказиш ҳуқуқини беради. Аккредитив бўйича ҳуқуқ экспортер аккредитив маблағлари эвазига ўз таъминотчисини молиялаштира олиши учун ўтказилади.

Масалан, воситачи сифатида чиқувчи швейцария фирмаси япониялик харидордан аккредитивнинг тасдиқланган қайтарилилмайдиган шаклини очишни сўрайди. Тўлов аккредитив шартларига кўра, UBS (United Banks of Switzerland)да амалга оширилиши керак. Швейцария фирмаси илтимосига кўра, аккредитив шартлари аргентиналик иккинчи бенифициар фойдасига ўтказилади. Аккредитив шартлари тасдиқлангач, UBS тўловни ўз вақтида ўтказиш мажбуриятини олади. Биринчи бенефициар аргентина фирмасидан ҳисоб-рақам ва траттани фақатгина ушбу аккредитив шартлари билан кўзда тутилган бўлсагина талаб қилиш ҳуқуқига эга. Томонларнинг номлари ва манзилларини сир сақлаш мақсадида воситачи харидор ҳужжатларни нейтрал шаклда расмийлаштирилишини талаб қилиши мумкин.

Келишилган ҳужжатлар тақдим этилиши билан иккинчи бенефициар ҳисоб-рақами кредитланади. Шундан сўнг, Аргентина банки UBS аккредитив қийматини зудлик билан қоплашни талаб қиласди. Кредитлаш тўғрисида маълумот олиб, биринчи бенефициар банки иккинчи бенефициар банкидан ўзаро ҳисоблашишлар учун кўзда тутилган воситачи ҳисоб-рақамини тақдим этишини сўрайди. Расмийлаштириш тўғри амалга оширилган тақдирда воситачи ҳисобни ёзиб юборади, UBS эса барча ҳужжатлар билан биргаликда импортер банки тасаррufига юборади.

Иккинчи бенефициардан келиб тушган ҳисоб-рақам воситачи операциядан даромад олишига асос бўлиб хизмат қиласди.

Халқаро савдода аккредитивнинг трансферебель туридан фарқли ўлароқ ҳисоблашишнинг “Бэк-ту-бэк” (“Back-to-back”) шакли аккредитивнинг асл нусхасидан алоҳида очилади. Воситачи бир вақтнинг ўзида сўнгги харидор билан ҳисоблашишнинг амалга оширишда бенефициар сифатида, экспортер билан ҳисоблашишда талаблар сифатида қатнашади. Ҳисоблашишнинг шартларини ёзишда воситачи аккредитивнинг асл нусхасида мавжуд барча талабларни тақдим этади.

Ҳужжатлаштирилган аккредитивни қўллаш бир вақтнинг ўзида ҳам сотувчи, ҳам харидор бажарилаётган операциялар айрим тафсилотларига эътибор қаратиш мажбуриятини юклайди. Аккредитивнинг исталган шаклини очишдан олдин, экспортер аккредитивнинг қўйидаги моддаларини билиши ва ҳисобга олиши керак:

1) ҳужжатлаштирилган аккредитивнинг қулай шакли ва ҳисоблашиши усули (энг қулай шакл - тўловни кафолатлайдиган ҳисоблашишнинг тасдиқланган шакли);

2) импортер мамлакатида ташқи иқтисодий фаолиятдаги чекловлар ва халқаро савдо механизmlарига тўсиқлар;

3) валюта тури ва суммаси (айниқса, шартнома ва ҳужжатлаштирилган аккредитивда турли суммалар ёзилганда);

4) тўлов жойи ва тўловни ўтказиш жойи;

5) аккредитивни тасдиқловчи банкнинг обрў-эътибори;

6) аккредитивнинг ишлаш ва банкка келишилган ҳужжатларни тақдим этиш муддати;

7) тўлов шакли (муддатли ёки узайтирилган);

8) бошқа турдаги транспортга қисман ёки қайта юклаш имконияти;

9) ташиб шартлари, товарни юклаш ва қабул қилиб олиш жойи;

10) аккредитив ҳаражатларини қоплаш шартлари.

Аккредитив очилгандан сўнг сотувчи унинг шартнома шартларига мослигини яхшилаб текширади. Фарқланиш ҳолатида у зудлик билан харидорни аккредитив шартларига қўшимча киритиш ёки тўғрилаш лозимлиги ҳақида маълумот беради. Шуни таъкидлаш жоизки, банк аккредитивда

белгиланган мос ҳужжатлар тақдим этилиши эвазига тўловни амалга оширади. Банк ҳужжатларининг қалбакилигига ёки тайёрлаш ва расмийлаштириш стандартларига мос келмаслигига жавоб бермайди.

Банк текшируви қуйидаги тамойилларга асосан ташкил этилиши лозим:

а) аккредитив шартларига кўра талаб қилинаётган ҳужжатлар тўплами;

б) ҳужжатлар мазмуни аккредитив шартларига мослиги;

в) таққослашда ҳужжатларнинг мазмунан бир-бирига боғлиқлиги;

г) ҳужжатлар таркиби ҳужжатлаштирилган аккредитивлар учун ишлаб чиқилган “Унификациялаштирилган қоида ва одатлар”га мослиги.

Ҳужжатларни текширища банк аккредитив шартларининг қуйидаги тафсилотларига эътибор қаратиши лозим:

- аккредитивнинг муддати ўтмаганлиги;

- товар белгиланган муддатда юклатилганми;

- товар аккредитивда кўрсатилган шахс тасарруфига жўнатилганми;

- барча ҳужжатларда товарлар таърифи (сумма, миқдор, жойи, оғирлиги ва ҳ.к.) бир хилми;

- товарнинг миқдори, сифати ва келиб чиқишини тасдиқловчи талаб бажарилганми;

- товарларни етказиш усули аккредитив шартларига мосми.

Товарлар харидори ҳужжатлаштирилган аккредитивни тасдиқловчи ҳужжатлар билан сифатли товар олишлигининг кафолатини олиш мақсадида қўллади. Шунинг учун у ўзига маъқул келадиган ҳужжатлаштирилган аккредитив шаклини танлаши керак. Танланган шакл сотувчи билан тузиладиган шартномада белгиланади.

Харидор йўриқномани ёзишда ҳужжатлаштирилган аккредитивнинг қуйидаги тафсилотларига эътибор қаратиш керак:

1) йўриқнома матнида қўлланиладиган шакл (қайтариладиган, қайтарилмайдиган, тасдиқланган) аниқ кўрсатилади;

2) бенефициар манзили аниқ кўрсатилади;

3) кредит суммаси ва юклатиладиган товар ҳажмининг миқдори шартномага мувофиқ ёзилади. Бунда агар шартномада “тажминан” сўзи ёзилган бўлса, товар етказишининг суммасида 10%ли, аниқ сумма кўрсатилган бўлса, 5%ли фарқланиш бўлишига йўл қўйилади;

4) аккредитив шартларида тугатилиш муддати ва товар-транспорт ҳужжатларини топшириш вақти бўлиши шарт;

5) талаб қилинадиган ҳужжатлар тўплами ва тури аниқ ва равshan кўрсатилиши керак. Тақдим этиладиган ҳужжатлар миқдори ва таркиби транспорт воситаси тури, товар хусусияти ва келтириш шартларига боғлик;

6) ҳужжатлаштирилган аккредитив бажарилишини кийинлаштирувчи, кераксиз атамаларни қўлламаслик маъқул;

7) аккредитивнинг қайтариладиган шакли очилганда сотувчи билан келишилмасдан ҳисоблашиш шартларига ўзгаришлар киритиш мумкин;

8) ҳисоблашишнинг қайтарilmайдиган шаклида бундай ўзгаришлар киритишга йўл қўйилмайди,. томонларнинг ўзаро келишуви ҳоллари бундан мустасно.

9) Ҳужжатларни текширишда аниқланган жатоларга ёки аккредитив шартлари билан ихтилофларга экспортер маълум миқдордаги комиссияни тўлайди. Бундан ташқари, ҳужжатлаштирилган аккредитивни бажарилиши билан боғлик ҳар бир операцияларга банк комиссия олади.

5-§. Ўзбекистон билан ҳалқаро савдо ҳужжатлаштирилган аккредитивдан фойдаланишни кенгайтириш

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг teng ҳуқуқли аъзоси бўлишга интилаётган экан, ҳалқаро савдо ва иқтисодий муносабатларнинг кўп йиллар давомида шаклланиб келган қоида ва одатларини қабул қилиши лозим. Шу жумладан, мамлакатдаги савдо, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида давлат аралашувини етарли даражада қисқартириш лозим. Ҳалқаро савдо мамлакатларнинг салоҳиятидан келиб чиқсан ҳолда ихтисослашувини юзага чиқишига олиб келади. Ихтисослашув натижасида барча мамлакатлар иқтисодий жиҳатдан манфаатдор бўладилар.

Ўзбекистон сўнгги пайтларда (2002 йилнинг иккинчи ярмидан) валюта конвертацияси соҳасида катта ишлар амалга оширмоқда. Ушбу ижобий ҳаракатлар натижасида иқтисодиётнинг либерализациясидаги дадил қадамлардан бири бўлди, бироқ мамлакатда миллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоялаш-протекционистик сиёсат мамлакатда ташқи савдо соҳасида тўсиқлар яратди. Албатта, мамлакат ҳукумати томонидан амалга оширилаётган ушбу сиёсат сабабларини маълум маънода тушуниш мумкин, лекин протекционистик сиёсат натижалари фақатгина қисқа муддатли истиқболда кўрилади, узок муддатли истиқболда эса протекционистик сиёсат катта салбий оқибатларга олиб келади. Кенг миқёсдаги халқаро ташкилотлар Ўзбекистонинг ушбу сиёсатини танқид қилиб чиқишиди. Бироқ умид қиласизки, бу ҳолат вақтинча бўлиб, қисқа муддатдан сўнг ўзгаради ва Ўзбекистон ички ресурсларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қиласи. Жаҳон бозорида ихтисослашув натижасида ўз ўрнини топа олади.

Ўзбекистон Республикаси импорт операцияларни амалга оширишда ҳужжатлаштирилган аккредитивдан фойдаланишини кенгайтириш умумиқтисодий ҳолатни макроиқтисодий жиҳатдан яхшилаш, институтционал ўзгаришларни жадал олиб боришга боғлиқ. Умумиқтисодий аҳволни яхшилаш, либерал фискал сиёсат, миллий валюта курсини реаллигини таъминлаш, бюджет сиёсати унсурларини қайта кўриб чиқиш лозим. Мамлакатда миллий ишлаб чиқарувчини рагбатлантиришнинг бошқа самарали усууларидан кенгроқ фойдаланиш керак.

Хозирги кундаги иқтисодий сиёсат йўналишлари мамлакатда кейинчалик ҳам импортни қисқартиришга қаратилишини англашмоқда. Ушбу шароитда расмий импорт ҳажми қисқариши кузатилиши эҳтимолли. Импорт операцияларида ҳужжатлаштирилган аккредитивдан фойдаланишини кенгайтириш имкониятларини таҳлил қилишса, унинг захиралари банк ва мижоз ўртасидаги самарали алоқаларга боғлиқлигини ҳам кўриш мумкин. Бу борада Япония банклари томонидан амалиётда қўлланиладиган банк-мижоз орасидаги яқин алоқаларни кўриб чиқиш ва банк амалиётида қўллаш яхши натижаларни бериши мумкин. Бироқ Ўзбекистон банк тизимида ҳам зарур

ислоҳотларни олиб бориш лозим. Хусусан, банкларни хусусийлаштириш. Марказий банкнинг мустақил пул-кредит сиёсатини олиб бориш учун қулай шарт шароитлар яратиб бериш лозим. Ҳужжатлаштирилган аккредитивдан фойдаланиш шартлари ва имкониятларини банклар томонидан мижозларга изоҳланиши ҳам ундаги фойдаланишни кенгайтириш имконини яратади. Валюта сиёсатини эркинлаштириш мамлакатда иқтисодий ҳолатни бирмунча ўзгартиради. Валюта корвертациясини таъминлашга оид ишларга тўсқинлик қилаётган сабаблар: мамлакат олтин валюта захираларини чегараланганилиги; муомалада жуда катта ҳажмдаги накд пул мавжудлиги; ҳукуматда бундай рискли ишга қўйл уришга ироданинг йўқлиги ва хоказолардир. Бу ҳолат импорт операцияларини умуман чегараланиб туришига, ҳануз хуфёна импорт вужудга келишига сабаб бўлиб турибди.

Ҳужжатлаштирилган аккредитив ҳалқаро ҳисоблашиш шаклларидан бири бўлиб, у аксарият ҳолда экспортёр манфатларига жавоб беради, чунки юқорида кўриб ўтилгандек, импортёр аккредитив очиш учун ўз валюта маблағларининг айрим қисмини музлатиб қўйишга тўғри келади. Шу туфайли Ўзбекистонда ҳужжатлаштирилган аккредитивдан фойдаланиш резидентлар учун самарадорлиги унча катта бўлмаслиги мумкин. Бироқ бу хар доим ҳам айният бўлавермайди. Аксарият ҳолларда, саноати ривожланган мамлакат маҳсулотлари таннархи паст бўлгани туфайли бундай ҳаражатлар ўз-ўзини оклади. Конвертациянинг очилиши мамлакатда савдо соҳасини яна жонланишига олиб келади, бироқ миллий ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантиришга қаратилган сиёсат импортни қисқартирилишига олиб борди. Шу туфайли ҳалқаро тўловларда ҳужжатлаштирилган аккредитивдан фойдаланишни кенгайишини кутиш кам эҳтимолли, фақатгина миллий ишлаб чиқарувчиларни замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш мақсадида импорт операцияларини кенгайтириш мақсадида ҳужжатлаштирилган аккредитивдан фойдаланилиши мумкин. Шундай ҳолларда тадбиркорлар орасида кенг миқёсли таништирув чора тадбирларини ташкил этиш лозим.

Шундай қилиб, мамлакатда ҳужжатлаштирилган аккредитивдан фойдаланиши кенгайтириш учун: умумиқтисодий ақвонни яхшилаш, макроиқтисодий күрсаткичларни барқарорлигига эришиш, фискал сиёсатда либераллашга интилиш, валюта сиёсатини эркинлаштириш, банк соҳасида ислоҳотлар олиб бориш ва улар ўртасида рақобат муҳитини яратиш лозим.

**Импортнинг давлатлар бўйича таркиби (млн. АҚШ долл.),
1998-2001 й.й.**

Хужжатлаштирилган аккредитивнинг амалий шаклини кўриш мумкин. Ушбу ҳужжатда Ўзбекистон Республикаси Саноат Курилиш Банки, PAREX BANK (Рига) га ҳужжатлаштирилган аккредитив очилгани тўғрисида маълумот юборилган. Аккредитив қайтарилимайдиган шаклда тузиленган. Аккредитивни олувчи субъект - ОАО «AMMORPHOS» корхонаси, бенефициар - INTERPRO BUSINESS AND M LTD корпорациясидир. Тўлов суммаси 125,000.00 АҚШ долларини ташкил этади. Тўлов Саноат Курилиш Банки томонидан ўтказилади. Юк Ўзбекистон Темир Йўллари томонидан етказилади. Импорт товари - фосфорит металл, 02.11.2001 йилдаги 2043-сонли шартномага асосан. Аккредитивни тўлаб бериш учун қабул қилинадиган ҳужжатлар: тижорат келишувини асл нусхаси, божхона декларацияси - 1 нусхаси, сифат сертификати - 1 нусхаси, темир йўл векселини нусхаси. Тўловнинг сўнги муддати - 01.03.03й. Мажбуриятлар, Ўзбекистондан ташқари барча мажбурият ва комиссиялари бенифициар томонидан тўланади. Таасиқлаш унсурлари мавжуд эмас, яъни тасдиқланмаган, қайтарилимайдиган аккредитив очилган.

Хужжатлар (текширувига олинидиган) СҚБ га юборилиши лозим:
Аккредитив сўнгига ушбу аккредитив
“унификациялаштирилган қоида ва одатлар”га мос эканлиги таъкидланади. Бу ҳол мамлакатлар орасидаги иқтисодий алоқаларда тўловлар белгиланган халқаро қоида ва қонунларга мослигини кўрсатади.

Кейинги ҳужжат СҚБ томонидан берилган тўлов кафолати берилмоқда. Тўлов кафолати “Электрохимпром” (Чирчик) корхонаси номидан берилган.

Тўлов кафолатида СҚБ харидор томонидан тўлов ўтказиладиган тақдирда 10 банк кунида 11220.60 EUR тўлаб бериш мажбуриятини ўз бўйнига олади. Ҳужжатларнинг хақонийлигини текшириш учун Credit Suisse банки (Цюрих) маъсулиятлидир. Ушбу кафолат 2002 йилнинг 4 июлгача хақиқий ҳисобланади. Кафолат аккредитив бенифициар “ENCE GmbH”, Hergiswil (Швейцария)га юборилган. Ушбу

хужжат Credit Suisse томонидан ҳеч қандай мажбуриятларсиз бенифициарга юборилиши керак.

Ўзбекистоннинг импорт операциялари бўйича асосий шериклари МДҲ ва ЕҲидир. МДҲ давлатлари ичидаги энг йирик ҳамкор Россия Федерацияси ҳисобланниб, у умумий импортнинг ярмидан кўпини ташкил қилмоқда. Россия Федерациясидаги импорт маҳсулотлари Ўзбекистонда қисқартиришга қаратилган бўлса ҳам (1998 йилдаги 527.2 млн АҚШ долларидан 2000 йилдан 464.8 млн АҚШ долларига тушган), у энг йирик савдо шерик бўлиб турибди. Шу даврда Ўзбекистоннинг Қозогистон билан (148.8 млн. долл 178.4 млн АҚШ долл.) савдо алоқалари ривожланган. Умуман МДҲ, мамлакатлари билан савдо импорти 315.5 млн. доллардан 1025.2 млн. АҚШ долларигача ошган. Бу ҳолат мамлакатлар орасидаги МДҲ доирасидаги келишувлар натижасидир. ЕҲ давлатлари билан савдо алоқалари сусайиб, 1998 йилдаги 771.7 млн. доллардан 618.5 млн. АҚШ долларига тушган. Бу ҳолат давлатлар бўйича ҳам юз берган. Энг катта тушиш Буюк Британиядан. қилинган импорт хажмида (133.1 млн. АҚШ долларидан 58.9 млн. АҚШ долларига) юз берган. Шунингдек, АҚШ (258.2 дан 256.5 гача), Корея (375.0 дан 287.5 гача), Туркия (198.0 млн. АҚШ долларидан 97.1 млн. АҚШ долларигача) тушиши кузатилган.

Умумий импорт ҳажми қисқариш йўналиши давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми эканлиги билан изоҳланиши мумкин. Умумий импорт 1998 йилдан 2000-йилгача 341.6 АҚШ долларига қисқарган.

Савдо балансини кузатсан, ҳукуматнинг имортиини қисқариши ва экспортни рағбатлантиришга қаратилган сиёsat мақлум ижобий натижа бераётганини кўриш мумкин. Хусусан, 1996-йилда савдо баланси – 130.9 млн. АҚШ долларлик салбий сальдоси билан чиқилган бўлса, 2000 йилда 317.3 млн. АҚШ долларлик ижобий сальдо билан тутатилди. Савдо балансини кўриб чиқиб, импорт ҳажми йилнинг учинчи чорагида кенгайишини кўриш мумкин. Бунинг асосий сабаби, айнан шу даврда мамлакатда ойликларнинг ошиши, аҳолининг ёзги таътилдан кейин ишга тайёрланиши бўлиши мумкин.

Ушбу савдо маълумотларидан мамлакатда кейинги йилларда ҳам учраган йўналишларни кўриш мумкин эди.

Хозирги кунда ҳам импортни қисқартириш сиёсати давом этмоқда, шунинг учун савдо балансининг импорт қисмida қисқаришлар кузатилиши табиийдир.

Таянч сўзлар

- Валюта муносабатлари;
- Ташқи иқтисодий алоқалар;
- Фрахта;
- Экспорт;
- Импорт;
- GATT;
- Эркин савдо зоналари;
- Жаҳон савдо ташкилоти;
- Аккредитив;
- Ҳужжатли аккредитив;
- Авиоз;
- Экспортёр;
- Экспортёри.

Ўз билимини текшириш учун саволлар

1. Ташқи савдо деганда нимани тушунасиз?
2. Ташқи савдони ташкил қилиш тамойилларини келтиринг.
3. Экспортни кредитлашни тушунтиринг.
4. Импортни кредитлашни тушунтиринг.
5. Савдо баланси ва унинг таркибини тушунтиринг.
6. Ташқи савдо билан шуғулланувчи ташкилотлар тўғрисида тушунча беринг.
7. Ташқи савдода қайси ҳисоб-китоб шаклларидан фойдаланиш қулай?

ХI боб. Фьючерс операцияси ва уни амалга ошириш тартиби

1-§. Фьючерс операцияси тўғрисида тушунча ва унинг иқтисодий моҳияти

Банк фаолиятида энг даромадли манбалардан бири – бу валюта операциялар ҳисобланади. Биз юқорида таъкидланганимиздек, валютавий операциялар деганда, хорижий валютада ва валюта қимматликлар билан бўладиган олди-сотти операциялари тушуниланади. Халқаро савдо ва давлатлараро капитал ҳаракатининг ривожланиши, айниқса, сузувчи валюта курси режимига ўтилиши натижасида валюта операциялари ҳажми тез суръатда ошиб борди.

Ўз навбатида, валюта қимматликлари билан амалга ошириладиган операцияларни характеристери ва намоён бўлиш усулига кўра қўйидагиларга ажратиш мумкин:

- спот типидаги валюта операциялари;
- своп типидаги валюта операциялари;
- муддатли валюта операциялари:
 - а) валюта фьючерслари билан амалга ошириладиган операция;
 - б) форвард типидаги валюта операцияси;
 - в) валюта опционлари билан боғлик валюта операциялари.

Спот операцияси – бу битим кунини ҳисобга олмаган ҳолда икки иш куни давомида валюта айирбошлашдир.

Спот курс – бу спот битим тузилаётган вақтда бир мамлакат валютасини бошқа бир мамлакат валютасидаги баҳосидир.

Своп операцияси эса – бу бир вақтнинг ўзида чет эл валютасини ҳар хил санага турли ҳисоб-китоблар шартида тенг суммада сотиб олиш ва сотишдир. Бунда бир вақтнинг ўзида валюта алмашуви бўйича иккита алоҳида битим тузилади. Бу битимлар қарама-қарши йўналишга ва турли ҳисоб-китоб санасига эга бўлади. Биринчи битим бўйича биринчи валюта иккинчисига сотиб олинади ва муайян бир муддатда етказиб берилади. Иккинчи битим бўйича биринчи валюта иккинчи валютага сотилади ва бошқа бир муддатда етказиб берилади. Спот ва своп типидаги валюта

операцияларидан фарқли равишда, муддатли валюта операциялари белгиланган муддатда, аммо иккى иш кунидан ошиқ бўлган муддатда амалга ошириладиган операцияларни ўзида намоён этади.

Муддатли битимларнинг кенг тарқалган турларидан бири фьючерс битимларидир. Шу сабали бу операция турига кенг тўхтамоқчимиз. Фьючерс битимларидан ташқари, яна форвард, опцион каби муддатли битимлар ҳам мавжудки, ҳозирги кунда уларнинг аҳамияти кундан-кунга ошиб бормоқда.

Муддатли битимларнинг ўзига хос хусусияти шундаки:

1) шартномада кўрсатилган мажбуриятлар маълум вақтдан сўнг бажарилади;

2) шартномада активларнинг стандарт миқдорига тузилади;

3) томонлар муносабатларини йўлга қўйишда қўшимча битим тузиш талаб этилмайди.

Фьючерс шартномаси - бу стандартлашган шартнома бўлиб, сотувчи. ва харидор ўртасида маълум миқдордаги келишилган товарни (ёки молиявий инструменти) битим тузилаётган вақтда қайд қилинган нарх бўйича келажак муддатларда шартнома мажбуриятларининг бажарилишидир. Фьючерс шартномаси стандартлашган шартнома дейилишига сабаб:

биринчидан, шартнома активларнинг стандарт ҳажмига тузилади. Масалан, 25 минг фунт стерлинг, 100 минг АҚШ доллари, 120 минг евро, 12,5 млн. иена ва бошқалар;

иккинчидан, мажбуриятларнинг бажарилиш муддати стандартлаштирилади. Одатда, шартнома муддати кварталлар бўйича ўрнатилади ва бунда, масалан, март, июнь, декабрь ойларининг учинчи жумаси этиб белгиланиши мумкин.

Демак, фьючерс шартномаларида келгусида сотиладиган ёки сотиб олинадиган актив нархи бугун аниқланади табиийки, келгусида бажариладиган иш учун бугун баҳони, нархни аниқлаш нима учун керак деган савол туғилади.

Бугдой етиштирувчи фермерни фараз қиласлик. Ҳосил яхши бўлиши учун унга яхши уруф, ўғит, меҳнат ва бошқалар керак бўлади. Бунинг учун фермер етарли

маблағға эга бўлиши керак. Айтайлик, унга керакли миқдорда маблағи йўқ. Бундан ташқари, фермер ҳосил етиштириш вақтида бугдойга бўладиган нархни чамалаб кўради. Ҳосил йифим-терими вақтида бугдойга бўлган нарх бугунги нархдан ошиши ҳам мумкин, аммо бугунги нархга нисбатан пасайиши хавфи ҳам туғиладики, фермер ўз харажатларини қоплай олмаслиги мумкин. Бунинг олдини олиш учун у фьючерс шартномасини тузади, яъни келгусида сотилидиган бугдой учун фермер бугун унинг нархини келишиб олади ва ўз бизнесини хотиржам режалаштиради.

Бундан кўриниб турибдики, фьючерс шартномаси фермер учун рискдан холос бўлиш имконини берди, шу билан бирга, фермер ўз харажатлари учун керакли маблағга ҳам эга бўлди.

Фьючерсларнинг иккиласми бозори ҳам мавжудки, бунда фьючерс шартномаси унинг бажарилиш муддати етиб келгунга қадар харидор томонидан сотилиб, кейинги харидор ҳам уни қайта сотиши мумкин. Шунинг учун фьючерслар савдосида келажакда бўладиган ўзгаришни кўра билиш, баҳо ўзгаришини доимий кузатиб бориши ва ноҳуш тенденция кўрина бошлаганда ундан, ўз вақтида холос бўлиш муҳим аҳамият касб этади.

Фьючерс шартномаларининг бажарилиши шарт бўлган компоненти – бу унинг таснифланишидир. Шартномлар таснифланишида одатда қуйидагилар кўрсатилади:

- шартнома ҳажми;
- етказиб бериш ойлари;
- етказиб бериш кунлари;
- етказиб берилиши тўғрисидаги биринчи ва охирги билдириш кунлари;
- шартнома бўйича савдонинг охирги куни;
- нархни котировкалаш усули;
- савдолашиш вақти;
- етказиб бериш усули;
- етказиб бериш баҳоси;
- чекловлар (шартнома чекловлари).

Фьючерслар савдоси биржада амалга оширилади. Биржада фьючерслар баҳоси юқори талаб ва таклиф асосида шаклланади. Шартнома тузилаётган вақтда базис активга

белгиланган нарх фьючерс нархи ёки баҳоси деб юритилади. Биржада молиявий кафолатлар тизими мавжуд бўлиб, у ҳар бир тузилган шартнома бажарилишини таъминлайди. Бозорда иштирокчилар билвосита ёки бевосита иштирок этадилар. Ҳисоб-китоб фирмалари, брокерлар бевосита иштирок этувчилар ҳисобланади ва улар ўз маблағлари билан биржа операцияларида қатнашадилар. Булардан ташқари, билвосита иштирок этувчилар ҳам борки, улар фьючерс бозорида ҳисоб-китоб фирмалари ва брокерлар орқали қатнашадилар. Бунда ҳисоб-китоб фирмалари ва брокерлар мижоз маблағи билан операциялар амалга ошириладилар.

Ҳар бир ҳисоб-китоб фирмалари ҳисоб-китоб палаталарига биринтириб қўйилади. Биржа томонидан ҳисоб-китоб палатасига банк ҳисобварафи очилади. Бу ҳисобварақ бир неча субҳисобварақлардан иборат бўлиб, бунда фирма ва унинг мижозлари маблағи ҳисоби юритилади. Ҳисоб-китоб фирмалари (брокерлар) мижоз топшириги бажарилганлиги ёки бажарилмаганлиги тўғрисида, унинг молиявий ҳолати ва фьючерс бозорининг умумий ҳолати бўйича маълумотларни ўз вақтида ўз мижозларига етказиб турадилар. Бозор иштирокчилари фьючерс шартномасини сотиб (сотиб олиб), фьючерс бозорида ўз позицияларини очадилар. Улар бу позицияни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажариб ёки шундай турдаги шартномани сотиб олиб (сотиб) ёладилар. Демак, фьючерс позицияси – бу талаб ва мажбуриятларнинг нисбатидир.

Агар маълум бир актив тури бўйича талаблар суммаси мажбуриятлар суммасидан юқори бўлса, мижознинг ушбу активга нисбатан позицияси “узун” дейилади. Аксинча, мажбуриятлар суммаси талаблар суммасидан юқори бўлса, мижознинг ушбу активга нисбатан позицияси “қисқа” дейилади. Агарда мажбуриятлар суммаси талаблар суммасига тенг бўлса, позиция “ёпик” ҳисобланади.

Иштирокчилар учун активлардан бири яхши, бошқаси ёмон деб бўлмайди, чунки бу активларни даромад келтирмаслиги бозорнинг ўзгариш ҳолатига боғлиқ. Масалан, дейлик АҚШ долларига нисбатан банк “қисқа” позицияга эга бўлса ва USD курси тўсатдан кўтарилиб кетса, банк зарар кўриши аниқ. Курс ошиши прогноз қилинаётган вақтда

позициянинг «узун» бўлгани яхши, лекин, агарда валюта курси тушиб кетиши (USD) прогноз қилинганда “узун” позициянинг яхши томони йўқ. Позицияни ёпиқ ушлаганда эса, банк фойда ҳам зарар ҳам кўрмайди.

Биржада фьючерс шартномалари савдоси бўйича қатъий вақт ўрнатилади. Савдо шартноманинг ҳар бир тури бўйича алоҳида ўтказилади. Биржада фақат оғзаки олди-сотти қилиш тан олинган. Фьючерс шартномаси савдосида савдо бошланишидан олдин маклер савдоланадиган фьючерс шартномаларини, шартнома бажарилиши муддатини, олдинги савдо бўйича аниқланган шартнома котировкасини ва бугунги шартномалар бўйича савдони якунлаш вақтини эълон қиласиди. Информацион таблода шартноманинг энг паст сотиш нархи ва энг баланд сотиб олиш нархи акс эттирилади. Савдо сессияси охирида ҳар бир турдаги шартномалар бўйича «ёпиш» нархи аниқланади.

Фьючерс шартномалари савдосида иштирок этувчиликни, умумий ҳолда, иштирок этиш мақсадларига кўра икки гурухга ажратиш мумкин, яъни:

- хеджерлар (суфурталанувчилар);
- чайқовчилар.

Хеджерлар ўз позициялари билан боғлиқ бўлган рискларни минималлаштириш учун фьючерс бозорида қатнашадилар, яъни мавжуд бўлган позицияларига ёки режалаштирилаётган позицияларига қарши позиция яратадилар.

Чайқовчилар эса, бозор курси ўзгаришидан фойда олиш мақсадида қатнашадилар. Улар учун курснинг ўзгариши муҳим. Чайқовчилар ҳам ўз навбатида икки мустақил гурухга бўлинади:

- трейдерлар;
- арбитражерлар.

Трейдерлар бир ёки бир нечта шартномалардан курс ўзгариши туфайли фойда олсалар, арбитражерлар турли бозорлардаги курслар фарқланишига ўйнайдилар. Бу гурухлар фьючерслар бозорида муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг талаб ва таклифлари орқали турли савдо майдонидаги курсларнинг тенглашишига эриши мумкин. Бундан ташқари, фьючерс бозори ликвидлиги таъминланади. Фьючерс битимларининг ўзига хос томонлари борки, шунга

кўра у форвард ва опцион каби муддатли битимлардан фарқ қиласди. Фьючерс битимлари юқори ликвидли ҳисобланади.

Фьючерс битимларининг опцион битимларидан фарқли томони шундаки, опцион битими опцион эгаси учун мажбурий эмас, шунинг учун агар опцион амалга оширилмаса уни сотиб юбориш ёки ишлатилмаганича қолдирилиши мумкин. Бундан ташқари, опцион харидори опцион сотувчисига келишилган ҳолда олдиндан мукофот тўйлади. Агар харидор опционни харид қилиш ниятидан қайтса, тўланган сумма қайтарилимайди. Қуйида фьючерс ва форвард бозорларининг фарқи кўрсатилган.

36-жадвал.

Фьючерс ва форвард бозорлари қиёсий характеристикаси²

Таққослаш белгилари	Фьючерс бозори	Форвард бозори
Бозор иштирокчилари	Банклар, корпорациялар, алоҳида инвесторлар, чайқовчилар	Банклар ва фақат катта корпорациялар, якка инвесторлар катнашиши чегараланган
Алоқа усули	Битим иштирокчилари бир-бирларини билишмайди	Битим иштирокчилари бир-бирларини билишади
Воситачилар	Битим иштирокчилари брокерлар орқали иш тутадилар	Одатда битим иштирокчилари бир-бирларини билишади
Битим тузиш усули ва жойи	Биржанинг операцион залида оғзаки савдо қилиш йўли билан	Банкларо валюта бозорида телефон ёки телекс орқали
Махсус депозит	Рискни қоплаш учун	Кафолатли депозит

² Манба: «Международные валютно-кредитные и финансовые отношения» Л. Н. Красавина, М.1994

	иштирокчилар ҳисоб-китоб палатасига кафолатли депозит топширишлари шарт	топширишлари талаб этилмайди
Битим суммаси	Стандарт шартнома (масалан, 15 минг иена, 30 млн. франк...)	Иштирокчилар келишувига асосан ҳар қандай сумма
Активларни етказиб бериш	Шартномаларнинг 1%-6% ҳақиқатда активни етказиб бериш билан шуғулланади	Шартномаларни 95% ҳақиқатда етказиб берилади
Валюта позицияси	Позициялар осонлик билан ёпилади	Позицияларни ёпиш осонликча бўлмайди
Бозор характери ва котировкаландиг ан валюта микдори	Бир томонлама бозор: битим иштирокчилари шартномани харидори ёки сотувчиси ҳисобланади ва бир турдаги валюта котировкаланади	Иккитомонлама бозор ва икки турдаги валюта турдаги валюта котировкаланади

Юқоридаги маълумотларга таяниб, фьючерс битимларининг форвард ва опцион каби битимлардан афзаллик томони – бу унинг юқори ликвидлигидир деб айтиш мумкин. Бундан ташқари биржада валюталарнинг доимо баҳоланиб бориши экспортер ва импортерларга ўз операцияларидан сугурталаниш имконини беради.

2-§. Фьючерс бозорларининг ривожланиши

Фьючерс бозорлари оддий бозорлар ривожланиши натижасида шаклланаб келган. Алоҳида товарларнинг фьючерс асосида савдоланиши дастлаб қадимий Грецияда амалга оширилган. Буюк грек файласуфи ва математик Фалес ҳамда Милет айнан шундай шартномалар орқали катта бойлика эришишган. Фарбий Европада, айнан, Голландияда биринчи маротаба фьючерс лола гуллар савдосида қўлланилган. Японияда фьючерслар савдоси XVII асрда шаклланган. Дастлаб, улар гуруч маҳсулотига фьючерсни қўллаган бўлсалар, кейинчалик дуккакли маҳсулотлар ва олтин савдосида ҳам фьючерсни қўллай бошлаганлар. Улгуржи товарлар бозори ривожланиши натижасида ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида белгиланган сифатда аниқ товар партиясини ўша куннинг ўзида ёки яқин кунларда етказиб беришини кўзда тутилган шартномалар шаклланана бошланди.

Бунда тўловлар зудлик билан амалга оширилар эди. Тўловлар нақд пул шаклида амалга оширилганлиги учун нарх билан боғлиқ бўлган рисклар ва шартномани бажариласлик риски йўқ эди, аммо нақд пул билан ҳисобкитоб қилиш ва товарни зудлик билан етказиб бериш харидор ва сотувчилар ўртасида қийинчиликлар туғдира бошлади. Масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг мавсумийлиги ва уларни сотишга қадар сақлаш зарурлиги ҳаражатни кўпайтиради. Бундан ташқари, олди-сотди вақтида маҳсулотга бўладиган нархнинг номаълумлиги харидор ва сотувчини ўйлантира бошлади. Шунинг натижасида қишлоқ хўжалиги товарлари ва бошқа турдаги маҳсулотлар учун келгусида аниқ бир пайтда товарни етказиб бериш тўғрисидаги шартномани тузиш зарурияти туғилди. Бундай турдаги шартномалар иккала томон (харидор ва сотувчи) манфаатига мос бўлиб, нарх ўзгариши билан боғлиқ рискни камайтиради. Харидор ва сотувчиларга қандай турдаги товарни қанча ҳажмда ҳамда қандай нархда сотиб олишлиги ёки сотишлиги олдиндан белгилаш имкони туғилди. Бундай битимларни тузишда товарни етказиб бериш муддати қанчалик узоқлаштирилса, шунчалик шартномани бажариласлик хавфи ошган. Бу турдаги биржавий

операцияларнинг ривожланиши индивидуал характерга эга бўлган фьючерс битимлари камчиликларини намоён қилди. Бозор ҳолати ўзгарган пайтда харидор ҳам, сотувчи ҳам битим мажбуриятларини бажаришдан бош торта олмасдилар, шунингдек, шартномани ўзгаришишга ҳам йўл қўйилмас эди. Иқтисодий муносабатлар тараққиёти натижасида савдо операцияларининг янги такомиллашган шакли шаклланди. Навбатдаги босқичда бир турдаги шартномалар тузила бошланди.

Бундай шартномаларда товарнинг стандарт миқдори, сифати ва мажбуриятларни бажарилиш муддати, баҳоси белгиланар эди. Бу шартномаларни ўзини ҳам сотиш ва сотиб олиш имкони туғилдики, бунинг асосида фьючерс бозори шаклланади. Фьючерс бозори харидор ва сотувчиларга олди-сотди ҳаражатларини камайтиришга ва нарх ўзгариши билан боғлиқ рискни бартараф этишга имкон берди. Масалан, буғдой етиштирувчи фермер ҳали етиштирилмаган буғдойни фьючерс бозорида сотиши мумкин. Бу билан у ўзини нархни ўзгаришидан хеджерлайди, яъни фьючерс бозорида ўз ҳосилини суғурталайди. Бу ҳолни бошқа томондан ҳам кўриш мумкин. Масалан, буғдой истеъмолчиси, нон ишлаб чиқарувчи ҳам маълум пайтдан сўнг сотиб оладиган буғдой учун фьючерс шартномасини сотиб олади ва хотиржам ўз фаолиятини давом эттиради. Бунда иккала томон: сотувчи нархни пасайишидан, харидор нархни кўтарилишидан суғурталанади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига, ҳом-ашё ва молиявий инструментларга асосланган фьючерс бозорини ҳозирги замонавий шаклининг пайдо бўлиши XIX асрга бориб тақалади. 1848 йилда жаҳондаги энг катта муддатли товарлар биржаси Чикаго Борд оғ Трейдда ташкил этилган. Бу товарлар биржасидан маҳсулотлар ва молиявий шартномаларига ихтисослаштирилган. Ундан сўнг, 1918-йилда АҚШда Чикаго товар биржаси ўз фаолиятини бошлади. 30-йилларга келиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига нархлар кескин пасайиб кетди. Бунинг оқибатида АҚШда 1933-йили «товар биржалари тўғрисида»ги қонун ишлаб чиқилди ва муддатли шартномалар савдосини амалга ошириш тартиби кўрсатилди ҳамда брокерлик фаолияти қонун-қоидалари белгилаб берилди.

Иккинчи жағон урушидан сүнг, Чикаго муддатли шартномалар бозори бир қатор янги маҳсулотлар билан түлдирилди. 60-йилларга көлиб, шохли чорва молларига тузилган фьючерс битимлари кенг тарқалди.

70-йиллар бошларыда Бреттон-Вудс валюта тизимининг емирилиши ва сузуви валюта курсига ўтилиши натижасида Ҳалқаро валюта бозори ташкил этилди ва валютавий фьючерслар тузила бошланди.

80-йилларда пул-кредит ва солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар ҳамда 1982-йилда умумий иқтисодиёт конъюктурасининг кўтарилиши биржалар ривожланишига олиб келди, айниқса, индекслар бўйича фьючерс шартномалари савдоси ривожланди ва ҳозирги кунда ҳам молиявий фьючерснинг бу турини аҳамияти сезиларли даражада каттадир.

Умуман олганда, фьючерс шартномаларини унинг обьектига кўра, икки гурӯхга ажратиш мумкин:

- товарлар фьючерси ва
- молиявий фьючерс.

Товарлар фьючерси предметини турли хилдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда саноат ҳом-ашёси ва ярим фабрикатлар ташкил этади. Қишлоқ хўжалиги товарларига донли (буғдой, маккажўхори, арпа, жавдар...) маҳсулотлар, ёғ маҳсулотлари, чорвачилик маҳсулотлари (кора моллар ва гўшт маҳсулотлари), тўқимачилик ҳом-ашёлари (пахта, ипак, жунли газламалар, йигирилган иплар...), шакар ва шакарли маҳсулотлар, ёғоч материаллари, табиий каучук, картошка ва бошқалар киради.

Саноат ҳом-ашёси ва ярим фабрикатларга ёқилғи маҳсулотлари (нефть, бензин, мазут), рангли ва қимматбаҳо металлар (алюминий, мис, никель, руж, қўргошин, олтин, кумуш, платина, палладий) киради.

Молиявий фьючерслар – валюта ва молиявий инструментлар (фоиз ставкалари, акциялар индекси)га асосланади.

Валюта бозорлари миллий валютада хорижий харид қилиш ёки сотиш юз берадиган ва бунда валюта курслари уларга бўлган талаб ва таклиф натижасида юзага келадиган валюта-молия бозорларидир.

Валюта бозори иштирокчилари бўлиб – экспортерлар, импортерлар, Марказий банклар, молиявий ва номолиявий институтлар ҳисобланади.

Валюта фьючерслари бозорининг ривожланишига 70-йилларда қатъий белгиланадиган валюта курслари даврининг тугаши, молиявий сферада аралашувининг сусайиши, ҳалқаро савдонинг ривожланиши, компьютер ва телекоммуникация соҳасида янги даражага эришилиши, фантехника тараққиётининг ривожланиши ва бошқа жаравёнлар туртки бўлди. Валюта фьючерси – бу келажакда валюта олди-сотдисига тузилган шартнома бўлиб, у бўйича сотувчи кўрсатилган муддатда ўрнатилган курс бўйича аниқ бир валюта миқдорини сотиш, харидор эса шу валютани шу шартларда сотиб олиш мажбуриятларини оладилар.

Валюта фьючерслари бўйича биржавий савдолар 1972 йил 16-майда биринчи маротаба Чикаго Меркантайл Эксчейнжда, аниқроғи, шу биржа асосида шаклланган Ҳалқаро валюта бозорида амалга оширилган. 1996-йили Ҳалқаро валюта бозорида қўйидаги чет эл валюталари бўйича савдолар қилинган:

Австралия доллари бўйича (шартнома ҳажми 100 минг), Канада доллари (100 минг), Швейцария франки (125 минг), Англия фунт стерлинги (62,5 минг), Япония иенаси (12,5 минг), Бразилия реали (100 минг), Франция франки (500 минг).

Европада валюта фьючерслари савдоси маркази бўлиб, Лондон LIFFE биржаси ҳисобланади. Молиявий фьючерслар деганда, олдиндан эркин биржа савдосида аниқланган стандарт нархларда молиявий инструментларни шартнома бажарилиш муддатида сотиш ёки сотиб олиш мажбурияти тушунилади. Молиявий инструментлар бўйича фьючерс савдолари 1970 йилларнинг I ярим йиллигида бошланган. Юқори даражадаги инфляциянинг узоқ вақт давом этиши фоиз рискларидан ҳимояланиш муаммосини келтириб чиқарди. Бунинг натижасида бундай фьючерс шартномаларини тузишга эҳтиёж туғилди.

Молиявий фьючерсларнинг қўйидаги икки тури мавжуд:

- фоиз ставкалари бўйича фьючерслар;
- акциялар индекси бўйича фьючерслар.

Молиявий фьючерс шартномалари асосини аниқ бир молиявий инструмент ёки қимматли қофозлар ташкил этади. Бу турдаги фьючерс шартномалари моҳиятини аниқ тушуниш учун, уларнинг турлари бўйича қисқача тўхталиб ўтсак. Қимматли қофозларнинг қуидаги турлари мавжуд:

- даромадлилиги қатъий белгиланган қимматли қофозлар. Буларга облигациялар, депозит сертификатлари, векселлар киради;

- даромадлилиги қатъий белгиланмаган қимматли қофозлар. Буларга акцияни мисол келтиришимиз мумкин.

- Аралаш шаклдаги қимматли қофозлар. Буларга опцион қарзлари, конверсион қарз мажбуриятлари киради.

Облигациялар – унинг эгаси пул маблағлари тўлаганлигини билдирадиган ва унга қатъий фоиз тўлаган ҳолда белгиланган муддатда ўз номинал қийматини қоплаш мажбуриятини тасдиқлайдиган қиммат қофозлардир.

Депозит сертификатлари – бу омонатчи томонидан пул маблағларининг омонатга қўйилганилиги ҳақидаги банкнинг (кредит муассасаларининг) гувоҳномаси бўлиб, у омонатчи ёки унинг ҳукуқий ворисининг депозит суммасини ва у бўйича фоизларни белгиланган муддатда олиш ҳукуқини тасдиқлайдиган қимматли қофозdir.

Купон – қимматли қофозларнинг қирқилган талон шаклидаги қисми бўлиб, унинг эгасига белгиланган муддатда фоизлар бўйича суммани олиш ҳукуқини беради. Одатда, купон облигацияларга бириткирилади.

Вексель – қарз мажбурияти бўлиб, вексель берувчининг ушбу векселда кўрсатилган муддатда тақдим этилганда вексель эгасига унинг номинал қийматини тўлаб бериш гувоҳини берувчи қимматли қофоз ва тўлов воситасидир.

Давлат қимматли қофозларига хазина векселлари, хазина мажбуриятлари ва хазина облигациялари киради.

Хазина векселлари – қисқа муддатли давлат мажбуриятлари бўлиб, одатда чиқарилган вақтдан бошлаб бир йил мобайнида узилади ва дисконт тарзда, яъни улар узиладиган номиналидан паст нархда сотилади. Биринчи маротаба хазина векселлари 1877 йил Буюк Британиядациқарилган.

Хазина мажбуриятлари – ўрта муддатли давлат мажбуриятлари ҳисобланниб, бир йилдан ўн йилгача муддатга

чиқарилади. **Хазина векселларидан фарқи унинг номиналидан паст нархда сотилмайди.**

Хазина облигациялари – узоқ муддатли қарз мажбурияти ҳисобланади ва ўн йилдан ўттиз йилгача бўлган муддатга чиқарилади. Улар бўйича купон фоизлари тўланади.

Акция – амал қилиш муддати белгиланмаган, юридик ёки жисмоний шахс томонидан акциядорлик жамиятининг устав фондига муайян улуш қўшганлиги, акция эгасининг ушбу жамият мулкида иштирокини тасдиқлайдиган ҳамда унга дивиденд олиш ва шу жамиятни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини берадиган қимматли қофоздир.

Ҳозирги кунда акциялар индексига асосланган фьючерс шартномалари тез суръатда ривожланиб бормоқда. Инвесторлар бундай шартнома орқали ўз акция портфелини суғурталайдилар. Индекслар бўйича биринчи маротаба 1982 йил Канзас Сити Борд оғ Трейдда битим тузиленган. Ҳозирги кунда қўйидаги уч индекслар бўйича битим тузиш жуда кенг тарқалган:

- Доу-Джонс индекси;
- NYSE Composite индекси;
- Standart & Poor's 500.

Доу-джонс индекси. «Доу-джонс энд компани» фирмаси томонидан 1896-йилдан бери эълон қилиб келинмоқда. 1884-йили биринчи маротаба Чарльз Генри Доу ўн битта компания акциялари баҳоси бўйича ўртacha арифметик қийматини ҳисоблаган. 1896-йилга келиб, бу кўрсаткич ўн иккита компания акциялари бўйича ҳисобланилган ва «Доу Джонснинг ўртacha саноат индекси» деб номланган. 1928-йилда индекс ўз ичига ўттизта энг йирик компаниялар акцияларини олди. Ҳозирда ҳам худди шундай. Индекс биржা ёпилиши вақтидаги ҳар кунги акциялар баҳосини ўртacha арифметик қиймати сифатида аниқланилади. Ҳозирги пайтда саноат компаниялари учун ўттизта йирик корпорациялар акциялари асосида, транспорт компаниялари учун йигирмата фирма акциялари асосида, коммунал хўжалик корхоналари учун ўн бешта компания акциялари асосида индекс ҳисобланади. Бу индекслар ҳар куни эълон қилинади ва шулар асосида Доу-Джонс бўйича умумий индекс ҳисобланади

Нью-Йорк фонд биржаси индекси (NYSE Composite) 1500 оддий акциялар баҳоси бўйича ўрта арифметик усулда ҳисобланилади. 1966-йилдан бери эълон қилиб келинмоқда.

Standart & Poor's индекси – 500 та америка компанияларининг акциялари бўйича ўртача тортилган арифметик усулда ҳисобланилади. Бу индекс ўз ичига тўрт юста саноат, йигирмата транспорт, қирқта молиявий ва қирқта коммунал компаниялари акцияларини олади.

Бу индекслардан ташқари, яна Японияда «Никкей», «Топикс», Германияда «Дакс», Францияда «Сас-40», Гонконгда «Hang Seng» индекслари ҳам мавжудки, ҳозирда булар ҳам кенг қўлланилмоқда. Молиявий фьючерс бозорини муҳим секторларидан яна бири – бу фоиз ставкалари бўйича фьючерс бозори ҳисобланади. 1975-йилдан бери бундай шартнома тузилиб келинмоқда. Фоиз ставкалари бўйича фьючерс шартномаларининг икки турини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- фоиз ставкаларига қисқа муддатли фьючерс шартномалари. Бундай шартнома асосини ички ва ташки (евровалюта) депозитлар ташкил этади;
- фоиз ставкаларига қисқа, ўрта ва узоқ муддатли фьючерслар. Бундай шартномалар давлат қимматли қоғозларига асосланади.

Фоиз ставкалари бўйича фьючерс шартномаларининг айримлари ниҳоятда юқори ликвидлидир. Масалан, Чикаго Борд оғ Трейд хазина облигациялари фьючерси (1998 йили бундай шартнома бўйича айланма 83 млн. ни ташкил этган), Чикаго меркантайл Эксчейнджни уч ойли евродоллар фьючерслари (1998 90 млн. ни ташкил этган), Франция МАТИФ биржасининг давлат облигациялари фьючерслари, Япония ТИФФЕ биржасининг уч ойли евроиена депозитлари фьючерслари кабилардир.

Агар молиявий фьючерслар ўсиш тенденциясига назар ташласак, 1976 йилда бутун АҚШ биржа оборотининг атиги 1% қимматли қоғозларга тўғри келар эди, шартномалар асосан қишлоқ жўжалиги маҳсулотларига тузилар эди. Лекин молиявий фьючерслар савдоси шу қадар тез ривожландики, 1980-йилга келиб 33% биржа обороти, 1987-йилда эса 77%, 1998-йилда 70% биржа обороти қимматли қоғоз бўйича тузилган шартномалардан иборат бўлди. 1975-йилда Чикаго

Борд оф Трейд биржасида 20125 молиявий фьючерс рүйхатдан ўтган бўлса, 1990-йиллар ўрталарига келиб, бу миқдор 120 млн. ни ташкил этди.

Валюталар бўйича тузилган шартномалар салмоғи бу икки йил мобайнида деярли ўзгармаган ва 5 фоиз атрофида бўлган. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари бўйича эса фьючерс шартномалари салмоғи йилдан йилга камайиб бормокда. Масалан, 1990-йилда 22 фоиз шартнома қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари бўйича тузилган бўлса, 2002-йилга келиб бу кўрсаткич 19 фоизни ташкил этди. Охирги йилларда молиявий фьючерсларнинг тез суръатда ривожланишига сабаб, молиявий инструментларининг охирги йилларда кўпайиши ва уларга ишончнинг ошиши бўлган. Бундан ташқари, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини ҳақиқатда етказиб бериш ва сақлаб туриш ҳаражатларни кўпайтиришга олиб келиш мумкин.

37-Жадвал.

1988-1998 йиллар мобайнида мобайнида фьючерс бозоридаги позициялар динамикаси³

Йиллар	Жами	Молиявий инструментлар бўйича	Валюталар бўйича
Ой охирига очик позицияларнинг ўртача миқдори (шартномаларда)			
1988	1973043	665617	170882
1993	3398057	1492253	219762
1998	6671956	3776614	335580
Сотилган фьючерс шартномалари миқдори			
1988	183098076	96886878	19061077
1993	261422699	134096949	28769019
1998	394182422	234261790	21213938
Шартнома бажарилиш вақтидаги ёпилмаган позициялар миқдори			
1988	1246836	447756	239891
1993	1771544	890212	385120
1998	2890167	1903974	502451

³ Манба: "Commodity Futures Trading Commission" Annual Report, 1998.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, охирги икки ўн йилликда валюта ва молиявий фьючерсларнинг биржа айланмасида тутган улуси йилдан йилга ошган.

1998-йили бутун биржа оборотининг 65% валюта ва молиявий фьючерсларга тўғри келган бўлса, 2000-йилга келиб бу кўрсаткич 69% ни ташкил этган.

Молиявий инструментлар бўйича энг кўп сотилган фьючерс шартномалари 1995-йилга (260 млн) тўғри келса валюталар бўйича 1992-йилига (39 млн) тўғри келади. Юқоридаги кўрсаткичларга асосланиб айтиши мумкинки, фьючерс бозорининг келажаги – бу молиявий фьючерслардир.

3-§. Фьючерс операциясини амалга ошириш тартиби

Шундай қилиб, фьючерс операциялари фақат биржа орқали амалга оширилади. Биржанинг ўзи унинг шартларини ишлаб чиқади ва улар конкрет бир актив тури учун стандартлаштирилган бўлади. Шу сабабли фьючерс шартномаси юқори ликвидидир. Улар учун кенг иккиламчи бозор мавжуд, чунки унинг шартлари барча инвемторлар учун бир хилдир. Бундай ташқари биржа дилерлар институти асосида маълумотлар бозорини ташкил қиласи, унда дилерлар доимий равишда фьючерс шартномаларини сотишади ва харид қилишади. Инвестор ҳар доим фьючерс шартномасини сотиб олиши ва сотиши мумкинлигига ва келгусида ўз позициясини офсет битими ёрдамида осонликча ёпа олишига ишонади. Шу билан бир вақтда шартнома шартларининг стандарт характерда эканлиги контрагентлар учун ноқулайчилик туғдириши мумкин. Масалан, уларга бирон-бир товарни бошқа миқдорда, бошқа жойда ва бошқа пайтда етказиб бериш керак бўлиб қолади. Бундан ташқари, биржада контрагент ҳоҳлаган актив учун фьючерс шартномаси мавжуд бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун фьючерс битимларини тузишдан мақсад активни ҳақиқаитдан ҳам етказиб беришлар ҳам эмас, балки контрагентларнинг позициялари хеджерлаш ёки баҳолар фарқида ўйнашдир. Инвесторларнинг фьючерслар бўйича позицияларнинг мутлақ кўпчилиги офсет битими орқали

ёпилади ва фақат 2-5%лари жаҳон амалиётида керакли активни ҳақиқатда етказиб бериш билан тугалланади.

Активни етказиб бериш мажбуриятини олган шахс қисқа позицияни эгаллайди, яъни шартномани сотади. Активни қабул қилмоқчи бўлган шахс узун позицияни эгаллайди, яъни шартнома сотиб олади. Биржада фьючерс шартномаси тугаллангандан кейин, у рўйхатдан ўтказилади ва шу пайтдан сотувчи ва харидор бир бири учун «йўқолади». Ҳар бир контрагент учун қарши томон бўлиб, биржা ҳисоб-китоб палатаси чиқади. Яъни, сотувчи учун харидор, харидор учун сотувчи бўлади. Агар шартнома эгаси иштирокчиси активни етказиб бериш/қабул қилишни ҳоҳласа, у ўз позициясини ёпмай туради ва ўрнатилган тартибда палатага ўз мажбуриятларини бажаришга тайёрлиги ҳақида хабар беради. Бу ҳолатда ҳисоб-китоб палатаси тескари позицияли шахсни танлайди ва унга активни етказиб бериш/қабул қилиш ҳақида хабар беради. Етказиб бериш қунини одатда етказиб берувчи танлайди.

Фьючерс шартномасини тузиш инвестордан ҳеч қандай ҳаражат талаб этмайди, комиссион ҳақни ҳисобга олмагандა. Лекин шартномани тузаётган омонатчига бир қатор талаблар қўяди. Очиқ позицияли инвестор, позицияси учун ёки қисқа бўлса ҳам, брокер компания счётига гаров сифатида маълум маблагни ўтказиш керак бўлади. Бу сумма бошлангич маржа деб аталади, гаров ўтказилган счёт эса маржа счёти деб юритилади. Маржанинг минимал микдори ҳисоб-китоб палатаси томонидан шартнома асосида ётган актив нархининг ўтган вақт даврида ўзгаришидан келиб чиқсан ҳолда ўрнатилади. Аъзо бўлмаган брокер компания керакли счётини ҳисоб-китоб палатасининг бирон-бир аъзосида очади. Ҳисоб-китоб палатаси, шунингдек, маржанинг энг кам даражасини ҳам белгилайди. Бу шуни билдирадики, мижознинг маржа счётидаги пул суммаси ҳеч қаҷон бу даражадан пастга тушмаслиги керак.

Форвард сингари фьючерс нархининг келажакдаги ўсишида харидор ютади, сотувчи эса ютқазади. Фьючерс нархининг пасайишида аксинча, сотувчи ютади, харидор ютқазади. Форвардда ютуқ-йўқотишлар инвесторлар томонидан шартнома муддатли тугаганда ўзаро ҳисоб-китоб ўтказилаётганда тўланади. Фьючерс шартномалари бўйича

ҳисоб-китоб палатаси ҳар савдо кунининг охирида инвесторлар позицияларини қайта ҳисоб-китоб қиласидилар, ютуқ суммасини ютқазган счётидан ютган томон счётига ўтказиб беради. Бу сумма вариацион (ўзгарувчан) маржа деб аталади.

Шундай қилиб, ҳар кунги натижалар бўйича шартнома иштирокчилари ё ютуқ оладилар. ё ютқазадилар, ёқотадилар. Агар инвесторнинг маржа счётида палата ўрнатган энг кичик маржа миқдоридан кўп сумма йиғилиб қолса, у бу суммани счётдан олиб фойдаланиши мумкин. Шу билан бирга, омонатчининг йўқотишлари ҳисобига счётдаги сумма энг паст даражадан тушиб кетса, брокер мижозининг қўшимча сумма киритиши кераклиги ҳакида ҳабар беради. Агар инвестор керакли суммани киритмаса, брокер унинг позициясини оффсет битими ёрдамида ёнади. Ҳисоб-китоб палатаси ҳар савдо кунининг охирида қиласидиган ўзаро ҳисоб-китоб (клиринг) бажариши техникасини қўйидаги З-жадвалда кўришимиз мумкин.

37-жадвал

**Ҳисоб-китоб палатаси бажарилган фьючерс
шартномалари бўйича клиринг**

	Очиқ позициялар	Кунлар			
		0	1	2	3
Фьючерс нархи	1500	1520	1530	1550	
Маржанинг пастки даражаси					
Сотиб оловчи позицияси:					
Маржа счёти	100	120	130	150	
Ўзгарувчан маржа йигилган ютуқлар/йўқотишлар		20	10	20	
		20	30	50	
Сотувчи позицияси:					
Маржа счёти	100	80	70	70	
Ўзгарувчан маржа йигилган ютуқлар/йўқотишлар		-20	-10	-20	
		-20	-30	-50	

Манба: А.Н.Буренин “ФФиОР” М-“Тривола” – 1995

Жадвалдан кўриниб турганидек, 0 кунининг охирида контрагентлар А товарни \$1500 фьючерс нархи бўйича етказиб бериш учун шартнома тузишли. Ҳар иккала томон

маржа счётига \$100 миқдоридаги бошланчич маржа ўтказдилар. Бу шартнома бўйича маржанинг энг паст даражаси \$70 ни ташкил этади. Биринчи куннинг охирида фьючерс нархи \$1520га чиқди. Нарх кўтарилигани сабабли бу ҳолда сотиб оловучи ютади. Шунинг учун ҳисоб-китоб палатаси сотувчи счётидан унинг счётига \$20 ни ўтказади. Иккинчи куни фьючерс нархи яна \$10 га ошади. Шунга монанд ҳисоб-китоб палатаси сотувчининг маржа счётидан сотиб оловчига ютуқ сифатида яна \$10 ўтказиб берди. Учинчи куни нарх \$1550га етди. Сотувчи яна \$20 зарар кўрди. Сотувчининг маржа счётида учинчи куннинг охирида маржанинг энг паст даражасига тенг сумма қолган. Шунинг учун брокер сотувчига ўзгарувчан маржа сифатида \$20 киритиш зарурлиги ҳиқида хабар беради. Фараз қиласайлик, учинчи куннинг охирида инвесторлар ўз позициясини оффсет битими ёрдамида ёпишли. Натижада уч кун давомида сотиб оловчи \$50 лик фойда кўрди. Бу маблагни у \$100гина инвестиция қилиб топди. Шундай қилиб, бу операция даромадлилиги уч кун учун 50%ни ташкил қилди. Шунга монанд, сотувчининг зарари \$50 ни ёки бошлагич инвестиция суммасининг 50%ни ташкил қилади. Юқорида айтиб ўтганимдек, клиринг палатаси ҳар савдо куннинг охирида томонлар позицияларини корректировка қилиб туради. Позицияларни тартибга солиш ҳисоб-китоб (котировка) нархи асосида амалга оширилади.

Жаҳон амалиётида ҳисобо-китоб нархи деганда, савдо куннинг охирида садо ёпилишидан олдин савдо қилинган фьючерс шартномалар нархининг ўртачаси тушинилади.

Кўйида 4-жадвалда валюта фъчерси котировкаси келтирилган.

Жадвал бўйича тушинтириш:

1. Шартнома хажми.
2. Шартномани баҳолаш бирлиги
3. Етказиб бериш ойлари
4. Сессияни очиш пайтидаги шартнома нархи
5. Кун давомидаги энг баланд нарх
6. Кун давомидаги энг паст нарх
7. Ҳисоб-китоб нархи, яъни сессияни ёпиш пайтидаги нарх

8. Биржа куни давомида ҳисоб-китоб нархининг ўзгариши

9. Шартноманинг савдо ҳаёти давомида ўрнатилган энг паст ва энг юқони нархлар

10. Шартномалар бўйича очиқ позициялар (муомаладаги шартномалар сонини кўрсатади)

11. Жами очиқ позициялар йигиндиси ва ўтган савдо кунидан фарқи

12. Ўтган икки савдо сессиясида савдо қилинган шартномалар сони


Фьючерс нархлари ўзгариши устида спекуляция қилишда нархларнинг кескин тебранишга олиб келиши мумкин. Бу ҳолда йирик йўқотишлар банкротлик ҳолатларини келтириб чиқаради, битим ижроси кафолати тизими хавф остида қолиши мумкин. Буларнинг олдини олиш мақсадида биржа ҳар бир шартнома тури бўйича жорий куннинг фьючерс нархини ўрган куннинг котировка нархидан фарқланиши лимитини ўрганади. Масалан, ўтган куннинг ҳисоб-китоб нархи 100 сўм га teng бўлган дейлик. Юқори ва пастга ўзгаришлар лимити 5 %ни ташкил қиласди. Бу шуни билдирадики, жорий савдо сессияси давомида фьючерс нархи 95 сўмдан 105 сўмгача чегара ичидаги ўзгариши мумкин. Агар фьючерс бу интервалдан четга чиқса, биржа бу шартнома билан савдо қилишни тўхтатади, лекин баъзи ҳолларда биржа нарх чегараларини ўзгартириши мумкин. Савдода чайқовчилмкни чеклаш, инвесторларга “совуш”га имкон бериш ва бозор конъюкторларига реал баҳо бериш мақсадида тўхтатилади. Савдони қисқа вақтга ёки савдо куннинг охиригача тўхтатишлари мумкин.

Агар фьючерс нархи олдинги котировка нархидан бир неча лимит интервалига фарқ қиласа, шартнома савдоси келаси кунларда очилади ва ҳеч қандай битимларсиз дарров ёпилади. Бу ҳолат фьючерс нархи лимит нархига келгувчи давом этади.

Берилган вазиятда янги котировка нархи даражасида белгиланади. Буларни қуйидаги графикда ифодалаш мумкин:

график1

Фьючерс шартномаси савдосиниг лимит чеклашлари.



Манба: www.futurenet.org

Айтайлик, ўтган күннинг котировка нархи 60 сүм даражасида белгиланди, лимит фарқланишлар 5 сүм миқдорда, кейинги кун (1-кун) савдо очилишда фьючерс нархи 80 сүмга кўтарилиб кетди. Бириси ўша заҳотиёқ савдони ёпди: битимлар бу нархда тузилмади, яъни котировка ўрнатилди. Кейинги куни (2-кун) фьючерс нархи олдинги даражада қолди, шунинг учун шартнома билан савдо амалга оширилмади, котировка архи эса 70 сүм миқдорида ўрнатилди ва шу ҳолда 4 кунгача давом этди. Тўртинчи куни фьючерс нархи лимит чегаралари ичига тушди ва шартнома билан савдо қайта тикланди.

Нарх тебранишини чеклаш йўқотиш рискини камайтириш ва банкротликни олдини олиш нуқтai назаридан катта аҳамиятга эга, лекин бу механизм биржা ёпиқ бўлган вақт давомида фьючерс шартномаларининг ликвидилигини йўқотишига олиб келади. Бундан ташқари, ҳар доим ҳам фьючерс нархи спекулянтлар фойдасига кескин ўзгармайди, чунки у бу активнинг спот бозоридаги ҳолатининг ўзига хос “ойнаси” ҳисобланади. Лимитлар тизими шунга олиб келадики, маълум давр мобайнида расман белгиланган фьючерс нархи ва мувозанатлашган нарх ўртасида фарқ мавжуд бўлади. Берилган салбий ҳолатларни бозорга таъсирини камайтириш учун биржা чеклашларни етказиб бериши ойи келган фьючерс шартномалари учун олиб ташлайди.

Спекулятив активликни камайтириш мақсадида биржада позицион лимит ўрнатади, яъни шартномаларнинг умумий миқдори ва битта инвестор очик қилиб ушлаб турган контрактлар сонини уларнинг турган муддати бўйича чеклаб қўяди, лекин бу чеклашлар хедисерлар учун қўлланилмайди.

Фьючерс нархи шартнома тузилаётган пайтда белгиланади. У инвесторнинг керакли активнинг келажакдаги спот-нархи учун кутишни акс эттиради. Спот ва фьючерс нархи ўртасидаги фарқ базис деб аталади. У мантиқан форвард дисконти / премиясига ўхшайди ва ички фоиз ставкаси билан чет эл фоиз ставкаси ўртасидаги фарқقا боғлиқ бўлади. Фьючерс нархини ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади.

$$FU = Sx \frac{1+r^*}{1+r} \frac{91}{365}$$

Мисол учун, $r=0,076$; $r^*=0,061$ спот нархи $S=\text{US\$ } -,7524$ / \$A шартнома тузилган кун 19 март ва етказиб бериш куни 18 июнь бўлган шартнома учун фьючерс нархи қуйидагича топилади:

$$FU = 0,7524x \frac{1+0,061}{1+0,076} \frac{91}{365} = 0,7496$$

$$Basis = FU - S = 0,7496 - 0,7524 = -0,028$$

Бу мисолда базис фьючерс нархини камайтиради, шунинг учун фьючерс шартномаси мавжуд бўлган фоиз ставкалари фарқига мос равишда $F=\text{US \$ } 0,7496$ / \$A баҳоланади. Кучайиб бораётган \$F учун ва кучсизланиб бораётган \$A учун базис графикда қуйидагича тасвирланади:



График 2. \$A кучастгандаги базис US \$ / \$A




График 3. \$A кучисланастгани базис US \$ / \$A

Манба: John C. Hull “Futures and options markets” Chird Edition 1997

Фьючерс шартномаси тузилаётгандаги фьючерс нархи активнинг спот нархидан баланд ёки паст бўлиши мумкин. Фьючерс нархи спот нархидан баланд бўлган ҳол контанго, фьючерс нархи спот нархидан паст бўлган ҳол эса бэкуордейшн деб аталади.


Графика 4. Контанго ва бэкуордейшн



Манба: John C. Hull "Futures and options markets" 1997

Тугаш муддатлари ҳар хил бўлган бир нечта фьючерс шартномаларида яқин шартномаларнинг фьючерс нархи узокроқ шартноманинг фьючерс нархидан кичик бўлса, бу ҳолат нормал контанго, аксинча бўлганда нормал бэкуордейши дейилади.

График 5. Нормал контанго ва нормал бэкуордейши
фьючерс нархи




Манба: John C. Hull "Futures and options markets" 1997

Юқоридаги графикларда етказиб бериш пайтига келганда, фьючерс нархи спот нархига teng бўлиши кўрсатилган. Бу қонуният шундай келиб чиқадики, биринчидан, инвестор фьючерс шартномаси бўйича активни ҳақиқатан етказиб бериши ёки қабул қилиши мумкин. Иккинчидан, агар фьючерс ва спот нархи ўртасида фарқ мавжуд бўлса, арбитраж рацияси ўтказишга имкон тугилади.

Фараз қилайлик, шартнома муддатининг тугаши вақтида, фьючерс нархи спот нархидан юқори бўлди. (6-график). Бунда арбитражёр фьючерсни сотади ва активни спот бозоридан ссотиб олади.

Етказиб бериш кунида у ўз мажбуриятларини сотиб олинган актив ҳисобига бажаради. Фьючерс ва спот нархи ўртасидаги фарқ (20 сўм) арбитражёр фойдасини ташкил к^и график-6

график-7



Манба: www.altfutures.com

Кўриб ўтилган ҳолатда арбитражёrlар фьючерсларни сотишини бошлайдилар, уларнинг таклифлари бозорда ошади ва натижада нарх тушади.

Шу билан бирга, улар керакли активларни спот бозорида харид қилишни бошлайдилар, натижада, уларнинг талаби нархни оширади. Якуннда фьючерс ва спот нархлари бир хил ёки деярли бир жил бўлади.

Энди етказиб бериш санасига келиб фьючерс нархи спот нархидан паст бўлиши ҳолатини кўрамиз. Бунда арбитражёр активни спот бўйича сотади ва фьючерс шартномасини сотиб олади. Шартнома бўйича унга етказиб берилган актив ёрдамида у спот бўйича мажбуриятларини бажаради. Унинг операциядан кўрган фойдаси спот ва фьючерс нархи ўртасидаги фарқقا teng бўлади. (7-гр).

Юқоридаги ҳолатда инвесторлар фьючерс асосида ётган активларни сотишини бошлайдилар, натижада уларнинг нархи тушади. Шу билан бирга арбитражёrlар фьючерларни сотиб оладилар, натижада фьючерс нархи кўтарилади ва бу спот ва фьючерс нархларининг тенглашишига олиб келади. Шунинг учун ҳам фьючерлар бозорда келажакдаги ўзгаришларни аниқ билиш муҳим аҳамият касб этади.

4-§. Валюта биржасидаги фьючерс операцияларининг таҳлили.

90-йилларда фьючерлар бозорида молиявий фьючерс салмоғи ниҳоятда юқори даражада ошди, айниқса, валютавий фьючерслар савдоси кенг тарқалди. Бунинг асосий сабаби этиб, халқаро савдонинг юқори даражада ривожланиши ва капиталлар ҳаракатининг ўсишини кўрсатиши мумкинки, бунинг натижасида вужудга келган турли йўқотиш хавфларини бартараф этиш зарурияти туғилди. Айниқса, экспорт ва импорт операциялари ҳажмининг ўсиши валюта рискларидан ҳимояланиш зарурлигини келтириб чиқаради. Бунда албатта, фьючерс шартномалари ўрни каттадир. Қуйида валюта рискларини бартараф этишда фьючерс шартномаларидан фойдаланиш аҳамияти ва усувлари ёритилган. Бунинг учун қуйидаги жадваллар (5 ва 6) таҳлилини келтирамиз.

Buying hedge

Спот валюта бозори	Фьючерс валюта бозори
	1996 йил, сентябр (шартнома түзилган сана) Экспортёр етказиш санаси 1997й март ойи бўлган \$A 100000 ҳажмдаги, алмашинув курси US \$ 0,80/\$A бўлган фьючерс шартномасини сотиб олади. Сотиб олиш нархи US \$ 80000(=US \$ 0,80/\$A100000), депозит US \$ 1500
	1997 йил, март (етказиш санаси) Ечим 1. Экспортёр \$A100000 ни қабул қиласди ва унга US \$ 80000 тўлайди. US \$ 1500 депозит қайтарилади
Экспортёр US \$ 80000ни US \$ 0,82/\$ A спот курси бўйича \$ A 97561га алмаштиради	Ечим 2. Экспортёр Март \$ A контрактини жорий фьючерс алмашинув курси (=спот курси) US \$ 0,82/\$ A бўйича US \$ 82000 (=US \$ 0,82/\$ A x \$ A 100000)га сотади. Сотиб олиш нархи US \$ 80000 Сотиш нархи US \$ 82000 Фьючерс битимидан олинган фойда US \$ 2000 US \$ 1500 депозит қайтарилади.
\$A	Экспортёр учун якуний US \$ 97561 Экспорт тушуми 80000 Фьючерс фойдаси 2000 2439 Жами тушумлар 82000 100000

Selling hedge

Спот валюта бозори	Фьючерс валюта бозори
1996 йил, сентябр (шартнома түзилган сана)	Импортёр етказиш санаси 1997 Март, алмашинув курси $FU=US\$0,80/\A бўлган $\$A100000$ лик битта фьючерс шартномасини сотди. Сотиш нархи $US \$ 80000 (=US\$0,80/ \$A100000)$, депозит 1500 US \$
1997 йил, март (етказиш санаси)	Импортёр $\$A100000$ ни етказиб беради ва келишувга кўра US \$ 80000 олади. US \$ 1500 депозит қайтарилади
Ечим 1.	Имортёр Март $\$ A$ шартномасини фьючерс курси (=спот курси) $US\$0,78/\A бўйича $US\$78000$ га қайта сотиб олади. Сотиб олиш нархи US \$ 78000 Сотиш нархи US \$ 80000 Фьючерс битимидан келган фойда US \$ 2000
Ечим 2.	Имортёр US \$ 80000ни жорий март спот-курси $US \$ 0,78/\$ A$ бўйича $\$A102564$ га сотиб олади
Экспортёр учун якуний $\$A$	Имортёр тўлови 80000 102564 Фьючерс фойдаси -2000 -2439 Соф импорт қиймати 78000 100000

Манба: www.altfutures.com

Валюта фьючерслари орқали хеджерлаш икки хил амалга оширилади: хедж сотиб олиш (buying hedge) ва хедж сотиш (selling hedge).

Buuying hedgedan мақсад- чет эл валютаси тушумини валюта курсининг салбий ўзгаришларидан ҳимоя қилишдир.

Мисол. Экспортёр 1996-йил сентябрда 1997 йил март ойининг бошларида US \$ 80000 тусишини кутапти. У Австралия долларининг ҳозирги S=US \$ 0,78/ \$ А спот курсидан кўтарилишини сезмоқда. Бозор ҳам буни сезганлиги боис, 1997 йил март учун фьючерс нархи FU=US \$ 0,80/ \$ А даражасида ўрнатилди. Шу сабабли экспортёр кутаётган US \$ тушумни фьючерс бозорида \$ А 100000га сотиш имконига эга. Экспортёр 1996 йил сентябрда етказиш санаси 1997-йил март ойи бўлган \$ А 100000 ҳажмдаги нархи US \$ 0,80/ \$ А бўлган битта Австралия доллари фьючерсини сотиб олади. US \$ 1500 депозит ва комиссион ҳақлардан ташқари ҳеч қандай чиқимлар сентябрда бўлмайди (жадвал 5).

1997 йил март ойида хеджерлаган экспортёр олдида иккита йўл бор. Биринчisi, экспортёр фьючерс бўйича \$ А 100000ни қабул қиласи. Унга ҳақни экспорт тушуми US \$ 80000 билан ъўлайди. Иккинчisi, экспортёр сотиб олинган шартномани 1997 Март \$ А шартномасини US \$ 0,82/\$ А курси бўйича сотиш орқали оффсетлайди. Австралия долларининг қадри ошганлиги сабабли шартнома баландроқ US \$ 82000 нархда сотилади, сотиб олиш нархи US \$ 80000 эди. Хеджер фьючерс бозорида US \$ 2000 (= \$ А 2439) фойда кўради. Бу фойда спот бозоридаги заарни қоплайди. АҚШ долларининг қадри тушганлиги учун US \$ 80000 экспорт тушуми фақатгина \$ А 97561га алмашади. Бу тушум \$ А 2439 фьючерс фойдаси билан биргаликда \$ А 100000ни таъминлайди.

Экспорт қайси йўлни таъминламасин у доимо \$ А 100000 олишга ишонади. Агар Австралия доллари қадри US \$ 0,75/\$ А га тушганда ҳам у рискдан ҳимояланган бўлади. Биринчи ечим, хеджер US \$ 80000 тушумини фьючерс бўйича \$ А 100000га алмаштиради. Иккинчи ечим, хеджер фьючерс бозорида US \$ 5000 (= \$ А 6667) заарар кўради, чунки у шартноманинг сотиш нархи (US \$ 75000) сотиб олиш нархидан (US \$ 80000) пастроқ. Лекин, тушумини энди у US \$ 0,75/ \$ А курс бўйича \$ А 106667 га сотиши мумкин.

Фьючерс зарари билан бирга экспортёр хеджерланган \$ А 100000 суммага эга бўлади.

Selling hedge чет эл валютасидаги мажбуриятларни валюта курси рискидан ҳимояйайди.

Мисол. Импорт ёр 1997 йил март ойида US \$ 80000 тўлов амалга оширилиши кераклиги ҳақида 1996 йил сентябрь ойида ҳабар топди. Сентябрдаги спот курси $S=US \$ 0,82/A$ га тенг. Импортёр Австралия долларининг қадри тушишидан хавотирда, чунки унда импорт мажбуриятларининг ички валютадаги ошибб кетади. Фьючерс бозори мажбуриятларнинг сугуртасини кафолатлайди. Валюта фьючерс бозори ҳам ички валютанинг девальвациясини кутишмоқда, шунинг учун 1997 Март \$A шартномаси $FU=US \$ 0,80/\A курси бўйича сотилмоқда. Буни 6-жадвалда кўриш мумкин.

Импортёр шу шартномадан битта сотади. Шартнома нархи US \$ 80000ни ташкил этади. Импортёр US \$ 1500 депозит тўлайди. Импортёр мажбурияти \$ A 100000га тенг бўлди ва валюта курси мана шу ойлар ичida қандай ўзгармасин, импорт мажбурияти бу миқдордан ошмайди. 1997 йил март, ойида импортёр \$ A 100000ни етказиб бериб US \$ 80000 олиши ва мажбуриятини тўлаши мумкин. У депозитини қайтариб олади. Яна бир альтернатив вариант шуки, импортёр 1997 йил март \$ A шартномани US \$ 0,78/\$ A курси бўйича қайта сотиб олади ва US \$ 78000 нархни тўлайди. Бу фьючерс битими сотиши нархи сотиб олиш нархидан баланд бўлганлиги учун US \$ 2000 (= \$ A 2564) фойда келтиради. Шу \$ 80000ни спот бозорида US \$ 0,78/\$A курси бўйича \$ A 102564га сотиб олади. Бу заарар фьючерс фойдаси билан қопланиб (\$ A 102564-\$ A 2564), импорт мажбурияти суммаси \$ A 100000ни ташкил этади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, 1997-йил март алмашинуви курси қайси томонга ўзаришга қарамай, хеджерлаш самарадорлигича қолаверади. Масалан, алмашинув курси сентябрь ва март оралиғида ошса (US \$нинг қадри тушса) хеджерлаш фьючерс операциясидан зарар кўради. Лекин бу зарар US \$ 80000 ни спот бозоридан арzonроққа сотиб олиш эвазига қопланади. Алмашинув курси 1997-йил марта US \$ 0,85/\$A бўлди дейлик. Бу ҳолда импортёр март \$A шартномасини $FU=0,85$ бўйича US \$ 85000 (=US \$ 0,85/\$A хеджерлаш \$A 100000)га сотиб олади. US \$

5000 заар қўради. Импортёр US \$ 80000ни спот бозоридан \$ A 94118га олади. \$A 5882 (=US \$ 5000) фойда қўради. Ана шу фойда фьючерсдан келган зарарни қоплайди.

Фьючерс бозорлари чайқовчилар билан ҳам машҳурдирлар. Уларни фьючерс бозорига кичик капитал билан катта фойда олиш мумкинлиги жалб қиласди. US \$1500 бошлигич депозит орқали \$A 100000лик шартнома сотиб олиниши ёки сотиши мумкин. Чайқовчиликни хеджерлаш фарқлаш учун хеджерлаш битимини қисқача қўриб чиқамиз. Хеджерлаш валютани ҳақиқатда етказиб беради (қабул қиласди) ёки фьючерс позициясини нақд пул бозорида нархи тўғри келган битим ёрдамида оффсеттайди. Хеджерлаш жараёнининг охирида хеджерлаш доимо валютанинг шартномадаги суммасига эга бўлади. Бу чайқовчининг мақсадига тўғри келмайди. Чайқовчинини фақатгина фьючерс битимидан фойда олиш қизиқтиради ва унга келишилган суммага зарурат йўқдир. Хеджерлаш ўзини келажакда актив ва пассивлари ифодаланган хорижий валютаси алмашинув курсининг ўзгаришидан ҳимоялайди ва шу тариқа алмашинув курси рискини бартараф қиласди. Чайқовчиликдандан келадиган фойда ишончсиз, шубҳали бўлади ва кўпгина зарарга айланниши мумкин.

Чайқовчи ўзига олган алмашинув курси хеджерлаш боғлиқ ҳолда узун (сотиб олиш) ёки қисқа (сотиш) позициясини эгаллайди. Агар у алмашинув курси келишилган курсдан кўтарилишини кутаётган бўлса, узун позицияни ва аксинча, алмашинув курси келишилган курсдан пасайиб кетиши кутилаётган бўлса, қисқа позицияни эгаллайди. Чайқовчи узун позицияни эгаллаган битимни қўриб чиқайлик. Тушунтириш осон бўлиши учун 5-жадвалдаги ўзгарувчи миқдорлардан фойдаланамиз. Чайковчи 1996 йил сентябрь ойида \$ A 100000лик шартномани FU=US\$ 0,80/\$A бўйича сотиб олади. Сотиб олиш нархи US \$ 80000; US \$ 1500 депозит тўланди. Чайковчи кутганидек, миллий валюта қадри 1997 йил март ойида US \$ 0,82/\$A га кўтарилди. Хеджерлаш бўлгандагидек, чайковчи ўз фьючерс шартномасини икки йўл орқали амалга ошириши мумкин. Биринчиси, чайқовчи \$ A 100000 ни қабул қиласди ва келишилгандек, US \$ 80000 тўлайди. Депозит қайтарилади. 80000 ни март спот бозорида

US \$ 0,82/\$A алмашинув курси бўйича \$ A 97561 га сотиб олишҳам мумкин. Шу тариқа \$ A 100000 дан \$A 2439 (=US \$ 2000)ни чайқовчи фойда сифатида ушлаб қолади. Лекин бу ечим усули мавжуд капитал суммасининг вақтингчалик сарфини ўз ичига олади. Шунинг учун чайқовчилар позицияни ёпишни маъқул кўришади. Иккинчи усулда, шартнома муддати келганда, спекулянт бўлган Март \$A шартномасини фьючерс курси US \$ 0,82/\$A US \$ 82000 нархда сотади. Сотиб олиш нархи US \$ 82000 дан паст бўлгани учун мос битимлар хеджерлаш US \$ 2000 (=\$ 12439) фойда қолади. Лекин хеджерлаш экспортёрдан фарқли равишда спекулянт ҳеч қандай спот валюта битимларини етказиб бериш санасида тузмайди. Вазият ҳар доим ҳам кутган тарафга бурилмайд. Алмашинув курси келишилган курсдан тушган ҳолда узун позициядаги чайқовчи зарар кўради. Масалан, март оидаги US \$ 0,75/\$A алмашинув курси бўлиши чайқовчи қайси ечим усулини танлаганига қарамай, US \$ 5000 (=\$ A 6667) зарар олиб келади.

Энди қисқа позицияни эгаллаган чайқовчини кўриб чиқайлик. Бу ҳолатда алмашинув курси Март шартномасини курсидан тушиб кетиши кутилмоқда. 6-жадвал шартларига кўра, март спот курси (US \$ 0,78/\$A) фьючерс шартномаси курси US \$ 0,80/\$Aдан пастга ўзгармоқда. Агар етказиб бериш амалга оширилса (Ечим 1), чайқовчи \$ A 100000ни спот бозорида US \$ 78000га сотиб олади ва \$ A шартномасини фьючерс бозорида US \$ 80000 га етказиб беради. US \$ 2000 (\$ A 2564) фойда қолади. Шунга ўхшаб, чайқовчи позициясини қарши битим билан ёнадиган бўлса (Ечим 2), фьючерс битими ҳудди шу миқдордаги фойдани кўрсатади. Агар алмашинув курси шартнома курсидан ошибб кетса, чайқовчи зарар кўради.

Қисқача айтадиган бўлсак, чайқовчи қисқа ёки узун позицияга қуйидаги ҳолларда туради:

$$\begin{aligned} FU < S_{t+1}^e & \quad \text{узун (харид) позицияси} \\ FU > S_{t+1}^e & \quad \text{қисқа (сотиш) позицияси} \end{aligned}$$

Фойда олиш усулларига қараб, фьючерс стратегиялари турлича бўлади. Уларга вақтлараро ва товарлараро спред киради. Вақтлараро спред муддатлари турлича бўлган бир актив фьючерс шартномасини бир вақтнинг ўзида сотиб олиш

ва сотишины ўз ичига олади. Стратегиянинг мақсади шартномалар нархлари мутаносиблик интилишдан иборатdir.

Мисол. Сентябр ойида трейдер шундай ҳолатни кузатди: етказиши муддати 1993-йил декабрь бўлган \$ 1000 лик фьючерс шартномаси 1630-рубль нархда сотилмоқда. Етказиб бериши муддати ноябр бўлган шартноманинг нархи 1400 рубль. Олдинги нархлар динамикасига кўра икки ой ўртасидаги спред ўрта миқдорда 150 рублни ташкил қилиш керак. Трейдер декабрдаги \$ курси баландроқ деб ҳисоблагани учун, у декабрь шартномасини сотади ва ноябрнигини сотиб олади. Дейлик, кейинги сессиясида декабр шартномасининг нархи 1540 рубльга тушиб кетди, ноябрники эса 1380 рублга тушиб кетди. Декабр шартномаси бўйича трейдер фойдаси:

90 рубль * 1000 = 90000 рублни ташкил этади. Спред бўйича умумий фойда 70000 рублга teng бўлади. Бизнинг мисолда трейдер фақат декабр шартномасини ёки бир вақтнинг ўзида ҳам декабрь ҳам ноябрь шартномасини сотганида кўпроқ фойда олган бўлар эди. Лекин бу ҳатти-ҳаракат катта ризк билан бўлади. Агар баъзи бир сабабларга кўра \$ курси тепага кўтарилиганда, инвестор катта зарар кўярар эди.

Буқа спреди ва айиқ спреди фарқланади. Буқа спреди узоқ шартнома бўйича узун позицияни ва яқин шартнома бўйича қисқа позицияни назарда тутади. Айиқ спреди узоқ шартнома бўйича қисқа ва яқин шартнома бўйича узоқ позицияни ўз ичига олади. Инвестор биринчи стратегияни шакиллантираётганда спред сотиб оламан, иккинчисида спред сотаман, дейди. Инвестор спред ҳажми ўсишини кутса спред сотиб олади, камайишини кутса спред сотади.

Фьючерс стратегияларига шунингдек, базис билан савдо киради. У фьючерс шартномасини сотиб олиш (сотиш) билан биргаликда базис активини сотиши (сотиб олиши)ни назарда тутади. Инвестор фьючерс шартномасини сотса ва базис активини сотиб олса, базисни сотиб олади. Тескари ҳаракат базисни сотиши дейилади. Биринчи ҳолатда инвестор базис ҳажмини ўсишига, иккинчисида эса камайишига умид қиласи. Омонатчи бу стратегияларни спред ёки базис ҳажми етказиб бериши нархига teng бўлмаган ҳолатда қўллайди.

Кейинги стратегия бир вақтда уч шартномани бирлаштиради ва капалак спреди дейилади. У ўртача фьючерс шартномаси умумий бўлган айиқ спреди ва буқа спредини ўз ичига олади. Инвестор бу стратегияни ўрта ва четги шартномалар ўртасида керакли спред ҳажми бўлмаган ва фьючерс нархлари қайси тарафга ўзгариши ноаниқ бўлган ҳолатда шакллантиради.

Мисол. Инвестор қуйидаги ҳолатни кузатмоқда: етказиш муддати январ бўлган \$ 1000 шартнома 2800 рубль нархда сотилмоқда, февраль – 2900, март – 3100 рубль. Январь-февраль спреди 100 рубл, феврал-март спреди 200 рублга тенг.

Кейнги сессияда шартномалар нархлари ўртасида фарқлар йўқолиши мумкин, лекин тенглашиш январ ва феврал шартномаси нархининг ўсини ёки март шартномаси нархининг тушиши натижасида ҳам ҳосил бўлиши мумкин. Омонатчи январь-февраль спреди ошади ва феврал-март спреди камаяди деб ўйлаб, январь-февраль спредини сотиб олади. Бунда у капалак спредини сотмоқда, дейилади.

Дейлик, кейинги сессияда фьючерс нархи январники 2850 рубль, февралники 3000 рубл ва мартники 3150 рублга кўтарилиди. Январь-февраль спреди бўйича даромад 1 \$га

$$-(2850-2800)+(3000-2900)=50 \text{ рублни ташкил этади.}$$

Февраль-март бўйича даромад

$$(3000-2900)-(3150-3100)=50 \text{ рублни ташкил этади.}$$

Умумий фойда 1 \$ га 100 рублни ёки 1000 \$ га 100000 рублни ташкил этди.

Хуллас, инвестор қайси спредни шакиллантирмасин, унинг мақсади битта рискдан ҳосил бўлиши ва қолаверса, фойда кўришдир. Шундай экан, албатта, инвестор ҳатти-ҳаракати шу мақсадга йўналтирилган бўлади.

Буни кейинги-товарлар бирлашмасига фьючерс операциялари таҳлилида ҳам кўриш мумкин.

5-§. Товарлар биржасидаги фьючерс операциялари таҳлили.

Валюта фьючерслари сингари товар фьючерслари билан совда қилиш уч шаклдан биттасида амалга оширилади. Биринчиси чайқовчилик бўлиб, капитални ўстиришнинг усули

сифатида шартномаларни қўллайдиган инвесторлар орасида кенг тарқалгандир. Улар кўп товарлар учун хос бўлган нархларнинг кескин тебраниши ҳисобига бойлик орттирадилар. Нархларнинг ўз ҳаракати чайқовчиларни жалб қилсада, у бошқа инвесторларни қўрқитиши ҳам мумкин. Эҳтиёткорроқ инвесторларнинг баъзилари комбинациясига ёки спредда ўйнашга – товар фьючерсларига инвестиция қилишнинг иккинчи шаклига мурожаат қилишади. Улар рискнинг чекланган имкониятида нархлар тебранишидан даромад олишга мўлжалланган пухта ўйланган савдо техникасини қўллашади. Ва ниҳоят, ишлаб чиқарувчилар ўз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида хедисерлашнинг турли хил стратегияларини қўллайдилар.

Чайқовчилик. Индивид кумушга бўлган февраль шартномасини бир трояунцияси 533,5 цент нархида сотиб олди, бирламчи мариса 1000 долл. Битта кумуш шартномаси 5000 троя унцияни ўз ичига олган учун унинг бозор қиймати 26675 доллар. Агар кумуш нархи кўтарлса, инвестор пул топади. Шундай деб фараз қиласлик, январда (шартнома муддатининг тугашига бир ой қолганда) шартнома нархи 552 центга кўтарилади. Бунда чайковчи бу шартномани сотади ва ҳар бир унциядан 18,5 цент (552-533,5) фойда олади. Бу атиги 1000 доллар хеджерлаш 925 доллар фойда олишга имкон беради. Албатта, кумуш нархи ўсиши ўрнига 18,5 центга тушиб кетиши ҳам мумкин эди. Бу ҳолатда инвестор бошлангич қўйилмасига тенг микдорда зарар кўради. Лекин “қоплашсиз” сотаётган инвестор учун нархнинг тушибиши айни муддао бўлади. Бунинг учун феврал шартномасини бир унцияси 533,5 цент нархда сотади ва маълум вақт ўтгандан сўнг унцияси 515 цент бўйича сотиб олади. Бу ҳолатдаги 18,5 центлик фарқ (спред) фойдани билдиради, чунки сотиш нархи харид нархидан юқоридир.

Спредда ўйнаш.

Чайқовчилик шартномалари нархлар динамикасида спекуляция қилишга ҳаракатлардан кўра инвесторлар эҳтиёткорроқ тактикасини, яъни спредда ўйнаш ёки комбинациялаш стратегясини қўллашлари мумкин. Инвестор битта шартномани сотиб ва иккинчисини бир вақтнинг ўзида сотиб олиш орқали спред ҳосил қиласи. Битимнинг бир томони зарар келтириши мумкин бўлса ҳам, иккинчи

томонидан келадиган фойда уни компенсация қилишдан ҳам юқори бўлиши битимнинг умумий натижасида маълум фойда суммасини келтириши мумкин. Агар инвестор ҳисоб-китоби нотўғри чиқса, спред заарларни чеклаши мумкин. Мисол. Фараз қилайлий, биз А шартномасини 533,5 цент бўйича сотиб оламиз ва бир вақтда Б шартномасини 575,5 цент бўйича муддатга “қоплашсиз” сотамиз. Бир оз вақтдан сўнг, А шартномасини 542 цент бўйича сотиб юборамиз ва бир вақтда Б шартномасини 579 цент бўйича сотиб олиб қоплаймиз.

Натижада биз А шартномаси бўйича узун позициядан 8,5 цент (542-533,5) фойда оламиз, лекин Б шартномаси бўйича қисқа позициядан 3,5 цент (575,5-579) йўқотамиз. Соф натижа 5 цент даромад шаклида қолди, агар кумуш шартномаси бўйича ҳисобласак, 5000 фунтли шартнома учун 250 доллар фойдани ташкил қиласди.

Хеджерлаш.

Хедис – бу ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчилар томонидан қўлланиладиган ҳимояланиш усулидир. Масалан, мол етказиб берувчи ёки фермер товар фьючерси орқали хеджерлаш сотилаётган товар учун энг юқори нархни олиш мақсадида тўлаши мумкин. Товарни ҳом-ашё сифатида қўлловчи ишлаб чиқарувчи эса бу товарларни мумкин қадар паст нархди сотиб олиши учун хеджерлаш фойдаланиши мумкин. Самарали хеджерлаш, умуман олганда, товар етказувчи учун қўшимча даромадни ва ишлаб чиқарувчи учун камайтирилган харажатни билдиради.

Қуйидаги мисол орқали товар фьючерслари ёрдамида хеджерлаш қандай амалта оширилишини қўришимиз мумкин.

Мисол. Фараз қилайлик ишлаб чиқарувчи платинадан асосий ҳом-ашё сифатида фойдаланилади. Ҳозир йил боши ва платина унцияси 480 доллар нархида сотилмоқда. Лекин унинг нархи тезда кўтарилиши ва йил охирида анча қиммат бўлиши кутилмоқда. Келажакда нархнинг ўсишидан ҳимояланиш мақсадида ишлаб чиқарувчи платина фьючерс шартномасини унцияси 505 доллар бўйича сотиб олади. Дейлик, саккиз ойдан сўнг платина нархи ҳаикатан ошди (580 доллар), шунингдек фьючерс шартномаси нархи ҳам кўтарилиди ва ҳозир хеджерлаш унцияси 625 долларга сотилмоқда. Ишлаб чиқарувчи 50 унциялик фьючерс

шартномасининг ҳар бир унциясидан 120 доллар ва бутун битим бўйича 6000 доллар фойда олади. Бу фойдани у платина нархини ошганлигини (очик бозорда) компенсация қилиш учун ишлашади. Платина нархи унцияга 100 долларга ошганлиги учун фьючерс шартномасидан фойда ундан 1000 долларга ортиқ. Бу ишлаб чиқарувчи учун муваффақиятли хедис бўлди, чунки унинг ёрдамида у ҳом-ашё қиймати устидан назоратни сақлаб қолди ва ўз ҳаражатлари даражасини бошқарб турла олади.

6-§. Ўзбекистон Республикасида фьючерс операцияларини кўллаш имкониятлари

Фьючерс бозори турли хавф-хатарларни бартараф этишда муҳим восита ҳисобланар экан, бу бозорни Ўзбекистонда ҳам шакллантирилса мақсадга мувофиқ бўлади. Юқорида кўрсатиб ўтилгандек, ҳозирда фьючерс шартномаларининг асосий қисми валюта рискларидан суғурталанишга қаратилган, чунки валюта операциялари ҳозирги кунда банкларнинг даромад манбаи сифатида муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, бизнинг мамлакатимизда валюта операцияларини амалга ошириш бўйича муаммолар ҳозирда ҳам талайгина. Ана шундай муаммолардан энг асосийси – бу валютамиз бўйича ички ва ташқи эркин конвертациянинг йўғлигидир. Валютани эркин айрибошлишни йўқлиги, Марказий банк томонидан қатъий белгиланган алмаштириш курсларининг ўрнатилиши валюта операцияларига бўлган қизиқиши сўндиради. Бундан ташқари, ташқи иқтисодий алоқалар ривожланишни секинлаштиради, шу билан бирга чет элликлар билан иқтисодий ҳамкорлик қилишга тўсқинлик қиласи. Бунинг натижасида хорижий сармоялар орқали келиб тушиши мумкин бўлган валюта тушумларининг анча қисмидан маҳрум бўламиз. Эркин конвертациянинг очилиши, биринчи ўринда, валюта операциялари учун кенг имкониятлар яратади ва унинг ривожини тезлаштиради. Миллий валюта билан конверсион операциялар бўйича битим тузиш ҳажми кенгаяди ва бу ўз навбатида, чет эл инвесторларини жалб этади, оқибатда валюта қадри ошишига эришилади.

Эркин конвертацияни жорий этилиши натижасида своп, хеджерлаш, фьючерс каби инструментлар ривожланиши тезлашади, чунки валютанинг эркин ҳаракатланиши валюта курси ўзгаришидан сугурталаниш заруриятини келтириб чиқарди.

Ҳозирда миллий валютанинг конвертацияси билан боғлиқ муаммо бевосита чет эл инвестицияси жалб этиши билан боғлиқдир. Мамлакатнинг жаҳон бозорига кириб бориши ва чет эл инвасияларини жалб этиш миқиёсининг кенгайиши, ўз навбатида, ички валюта бозорини ривожлантиришга олиб келади.

Миллий валюта конвертациясидан ташқари, яна бир қанча факторлар валюта операцияларини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, мамлакатимизда банк системаси эндиликда ривожланмоқда, чет эл инвесторлари эса ўз маблағларини хеджерлаш бунга ҳам эътибор берадилар, аниқроғи мамлакат рискини ҳисобга олишади. Бу эса пул бозорига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Мамлакатимизда конверсион операциялар бозори ҳам эндигина ривожланаётганлиги учун, ташки валюта бозорида конверсион битимларнинг асосий қисми спот битимларига тўғри келмоқда. Мамлакатимизнинг ўзидағи валюта бозорида эса фьючерс ва опцион битимларини тузиш учун маҳсус такомиллаштирилган система мавжуд эмас, лекин шуни ҳам айтиш керакки, бу борада бир қанча ишларнинг бажарилганлиги, албатта, қувонарлидир (гарчи товарлар биржасида бўлса ҳам).

Фьючерс ва опционларни эмиссия қилиш ҳуқуқи ва қоидалари ҳамда муомалага киритиш тартиби "Кимматли қоғозларни чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисида"ги Низомда кўрсатилган.

Ўз ўрнида шуни айтиш жоизки, ҳозирда бундай операцияларни амалга оширишда мамлакатимизда етакчи мутахассисларнинг ва бу соҳага тегишли адабиётларнинг йўқлиги ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Ана ша муаммони бартараф этиш мақсадида республикамиизда бир қанча маҳсус тайёрлов марказлари очилган. Бундан ташқари тижорат банклари фаолиятини янада самаралироқ бўлиши учун REUTERS фирмаси жалб қилиниб, айнан шу фирма, асбоб-ускуналари билан тижорат банклари жихозланнилмоқда.

Бу фирма ҳизматларидан ТИФ Миллий банки, Асака банки, АБН Амро банк ва Саноат-қурилиш банки бир неча йиллардан бери фойдаланмоқда.

1-январь 1999-йил евронинг муомалага киритилиши ҳам валюта операцияларини ўз таъсирини кўрсатди. Буни муайян бир Европа мамлакатларининг валютасига ихтисослаштирилган дилерлар фаолиятида салбий натижаларнинг кузатилганлигига кўришимиз мумкин. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, евронинг муомалага киритилишидан Ўзбекистон учун фойдали томони шундаки, бу мамлакатлар иқтисодий ўсиши ва улар томонидан талабнинг ошиши Ўзбекистон билан ташки алоқаларни, биринчи ўринда, экспорт ҳажмининг ошиши турткни бўлади.

Демак, конвертацияни тўлалигича очиш бир қанча муаммоларни ҳал этади. Бунинг учун мамлакат етарли микдорда валюта заҳирасига эга бўлиши даркор. Бизнинг асосий валюта маблағлари манбаймиз сифатида ҳозиргача пахта ва олтин бўлиб келмоқда. Шунинг учун ҳам барча олиб борилаётган ислоҳотлар ана шундай муаммоларни бартараф этишга қаратилгандир.

Мамлакатимизда товарлар фьючерси ҳам энди-энди шаклланиб келмоқда. Ўзбекистон агар индустрисал мамлакат ҳисобланади. Ахолини хеджерлаш қисми ҳозирда ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулоти этиштириш билан шуғулланади. Мустақиликка эришгунга қадар, деярли, барча этиштирилган маҳсулотлар ва яратилган товарлар қатъий белгиланган нарх бўйича олди-сотди қилинар эди. Энди эса бу маҳсулотлар ўз эгасини топди ва унинг баҳоси юқори талаб ва таклиф асосида шакллана бошланди. Хеджерлаш яратилган маҳсулотлар бўйича баҳо рискининг мавжудлиги фьючерс битимлари каби муддатли битимларни тузиш зарурлигини келтириб чиқаради. Ҳозирда форвард муддатли битимлари фьючерс муддатли битимларга нисботан Ўзбекистонда анча яхши йўлга қўйилган. Бунинг сабаби фьючерс шартномалари активга стандартлаштирилганлигидир. Шундай бўлса ҳам охирги йиллар мобайнида фьючерс шартномалари орқали бир қанча товарлар олди-сотди қилинган (7-жадвал)

40-Жадвал

2001-2003 йиллар мобайнида Ўзбекистонда тузилган фьючерс шартномалари ҳажми.

Йиллар	Шартномалар миқдори (дона)	Шартномалар ҳажми (млн. сўм)
2001	614	22608,13
2002	373	17660,47
2003(май оийгача)	139	5663,7

Манба: “Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржаси”

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики фьючерс шартномалари ҳажми йилдан йилга камайиб борган. Бунинг сабаби фьючерс битимлари бўйича ягона системанинг мавжуд эмаслиги ва етарли даражада ҳуқуқий меъёрларнинг талаб даражасида эмаслиги ҳамда биржа фаолиятининг ривожланмаганлиги ҳам бўлиши мумкин. “Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржаси”си 1994 йил апрел оида ташкил этилган. Биржа ўз фаолиятини “Биржа ва биржа фаолияти тўғрисида”га қонунга кўра олиб боради. Ҳозирда биржа фаолиятини мувофиқлаштирувчи ягона орган (ассоциация, федерация) ташкил этилмаган.

Бозор талабига жавоб берувчи такомиллашган, кўп тармоқли товар хом-ашё биржаси ташкил этилса, кўпгина муаммолар ўз ечимини топади, бозор механизми ҳам айнан шунда намоён бўлади, чунки биржа ташкиллаштирилган ултуржи бозор сифатида бутун ҳалқ хўжалиги ҳолатини ҳарактерлайди. Индикатор бўлиб, талаб ва таклиф асосида шаклланувчи биржа курси хизмат қиласди.

Хуллас, товар биржасининг ривожланган системаси яратилсагина, фьючерслар бозори ривожланади. Товар биржасида савдо системаси тўғриланмас экан, товарлар бўйича фьючерс бозори фаолияти ҳам ривожланмайди.

XII боб. Валюта рисклари ва уларни бошқариш

1-§. Валюта рисклари, уларнинг моҳияти, турлари ва юзага келиш сабаблари

Халқаро иқтисодий муносабатларда товар ва хизматларнинг алмашинувида уларнинг аниқ бир эквивалент қийматларини аниқлаш баъзи қийинчиликлар туғдиради. Халқаро савдо ва тўлов муносабатлари ҳар доим валюта ҳаракати билан боғланган ва шу боис халқаро иқтисодий алоқаларнинг жар қайси субъекти учун ҳисоб-китоблар чет эл валютасида амалга оширилади. Натижада, турли хил иқтисодий омиллар таъсирида халқаро шартнома амалга оширгунга қадар бўлган давр мобайнида, битим имзоланганди валюта курси бошқа валюта курсига нисбатан тушиб кетиши мумкин ва бу шартнома иштирокчиларидан бирининг фаолиятида тўғридан-тугри ёки эгри моддий йўқотишлар бўлишига олиб келиши мумкин.

70-йилларнинг бошида сузид юрувчи валюта курси режимига ўтилиши халқаро иқтисодий муносабалар учун жиддий қийинчиликлар туғдириди. Валюта риски деганда кенг маънода, валюта курсларининг тебраниши оқибатида халқаро иқтисодий алоқалар иштирокчиларининг халқаро иқтисодий алоқалари ва хўжалик фаолияти натижаларининг ўзгариши имкониятлари тушунилади. Валюта рискига халқаро иқтисодий операцияларнинг барча субъектлари дуч келишади. Буларга давлат, банклар, савдо ва саноат компаниялари, бошқа юридик ва жисмоний шахсларни мисол қилиш мумкин.

Валюта курсларининг бекарор ўсиши халқаро меҳнат тақсимотининг бузилишга сабаб бўлади, товар ва хизматларнинг эквивалент қийматларда алмашинувини қийинлаштиради, халқаро савдо ҳажми ва уни баланслаштиришга салбий таъсир кўрсатади. Валюта курсларининг нобарқарорлиги экспортер ва импортёrlарнинг чет элдан маҳсулот сотиб олиш ва чет элга маҳсулот сотиши ҳажмларини қисқартиришларига сабаб бўлади. Чунки улар келгусида валюта курси қандай ўзгаришларини аниқ билишмайди. Масалан, инпортер валюта рискларига йўлиқишдан хавфсираб товарни чет элдан сотиб олишдан кўра ўз мамлакатдан сотиб олишни афзал кўради. Қуйидаги жадвалда Ўзбекистон Республикасида 2002-йил давомида курсларни ўзгариши билан танишиб чиқамиз.

Валюта рискларига халқаро савдо операцияларида

экспортер ҳам, импортер ҳам түқнаш келади. Агар шартнома импортер мамлакати валютасида ёки учинчи бир мамлакат валютасида тузилган бўлса ва товар пули маълум муддатдан кейин тўланиши расмийлаштирилган бўлса экспортер валюта рискига йўлиқади. Шартномада кўрсатилган валюта курси экспортернинг миллий валюта курсига нисбатан тушиб кетганда экспортер зарар кўриши мумкин. Чунки у миллий валютасида ҳисоблаб қўйган суммани олмайди ва режалаштирган фойдага ҳам эга бўлмайди.

Импортер учун валюта риски қўйидаги пайтда намоён бўлади; яъни агар у баҳоси чет эл валютасида фиксацияланган товарни сотиб олаётган пайтда чет эл валютасининг курси миллий валюта курсига нисбатан ошиб кетса. Бунда импортер шартнома имзоланган вақтдагига қарагандা ўз миллий валютасида кўпроқ сумма тўлашга мажбур бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, шартнома тузилган вақт билан унинг бажарилиши ўртасидаги муддат қанчалик узоклашиб борар экан, валюта хавф-хатари ҳам шунга пропорционал равишда ортиб боради.

41-жадвал

2002 йилда Ўзбекистон Республикаси сўмига нисбатан чет эл валютасини расмий курсининг ўзгариши

Кун, ой, йил	1 АҚШ доллари	1 евро	инглиз фунт стерлинги	1 Россия рубли
01.01.02	688,00	607,71	997,81	22,77
08.01.02	688,18	617,37	994,01	22,83
15.01.02	688,90	616,29	998,35	22,63
22.01.02	691,40	612,23	995,13	22,61
29.01.02	693,12	599,90	977,58	22,65
05.02.02	694,83	599,01	984,16	22,65
12.02.02	693,02	604,66	981,45	22,53
19.02.02	693,17	605,28	992,90	22,49
26.02.02	693,31	606,16	991,90	22,48
05.03.02	693,72	600,14	984,80	22,42
12.03.02	694,00	606,90	986,52	22,39
19.03.02	694,72	611,35	987,82	22,34
26.03.02	695,38	609,08	989,66	22,31
02.04.02	696,02	607,83	992,39	22,37
09.04.02	699,65	614,15	1001,69	22,41

16.04.02	703,03	619,58	1009,97	22,55
23.04.02	706,92	628,81	1022,70	22,68
30.04.02	710,57	640,29	1035,94	22,78
07.05.02	715,34	654,89	1050,41	22,91
14.05.02	719,26	657,40	1052,35	23,04
21.05.02	723,84	665,93	1058,47	23,16
28.05.02	728,09	670,57	1061,05	23,27
04.06.02	733,47	683,23	1067,57	23,43
11.06.02	739,38	695,31	1076,17	23,55
18.06.02	745,41	704,41	1100,30	23,74
25.06.02	750,05	726,42	1122,22	23,85
02.07.02	752,76	748,70	1154,21	23,94
09.07.02	754,87	742,94	1155,63	23,95
16.07.02	757,04	752,95	1176,36	23,99
23.07.02	759,13	765,35	1194,42	24,07
30.07.02	761,25	750,36	1191,36	24,16
06.08.02	764,11	752,04	1199,27	24,22
13.08.02	766,94	746,31	1171,81	24,30
20.08.02	769,83	758,82	1187,23	24,39
27.08.02	780,28	756,72	1187,43	24,71
03.09.02	784,50	768,97	1214,33	24,85
10.09.02	788,69	773,86	1229,41	24,95
17.09.02	792,93	768,57	1228,49	25,06
24.09.02	807,75	792,56	1255,16	25,53
01.10.02	820,06	806,36	1282,98	25,92
08.10.02	831,22	813,10	1299,45	26,24
15.10.02	852,31	842,59	1331,56	26,91
22.10.02	871,43	847,73	1351,24	27,51
29.10.02	880,55	858,36	1363,00	27,75
05.11.02	883,36	879,74	1381,31	27,81
12.11.02	885,54	896,79	1409,25	27,87
19.11.02	902,67	911,16	1424,95	28,27
26.11.02	920,02	914,50	1448,85	28,91
03.12.02	922,73	915,62	1435,68	28,98
10.12.02	924,19	934,17	1459,02	29,01
17.12.02	929,45	948,69	1476,62	29,17
24.12.02	948,94	974,09	1520,77	29,80
31.12.02	970,00	1012,58	1555,49	30,52

Манба: "Банк ахборотномаси" газетасы 2003 йил, 1-сон.

Валюта рискларининг юзага чиқиши шакли сифатида шартнома иштирокчиси битим имзоланаётган вақтда олишни ёки тўлашни режалаштирган сумма билан келиб тушган ёки тўланган сумма орасидаги фарқни ҳисоблашимиз мумкин. Миллый валюта режалаштирилаётган сумма шартнома имзоланиш вақтида чет эл валютасида «спот» курс бўйича ҳисобланади. Агар чет эл валютасидаги шартнома ҳажмини (суммасини) - M билан, шартнома имзоланган вақтдаги «спот» курсини - Ko билан, шартнома амалга оширилишини вақтидаги «спот» курсини - Ki билан белгиласак (котировка миллый валютага нисбатан 1 бирлик чет эл валютаси қилиб белгиланган), кутилаётган валюта риски M*Ko ва M*Ki ўртасидаги фарқ орқали аниқланади. Тушумнинг камайиши экспортер учун ва тўловнинг ошиши импортер учун шартнома натижаларининг ёмонлашганлигиги билдиради.

Бозор иқтисодиёти корхона, жамоа бирлашмалари, кооперативлар, банклар ва фуқаролар ташқи иқтисодий фаолиятини амалга оширишлари валюта хўжалик мустақилиги учун кенг имкониятлар яратиб беради. Лекин, сир.эмаски, жаҳон капитал бозорида фаолият юритиш хавф-хатар билан боғлиқ бўлади. Кўпинча, рискдан бутқул кутилиб бўлмайди, балки унинг даржаси пасайтирилади. Валюта рискини пасайтирища банкларнинг ўрни муҳим. Банк тизимини эркинлаштириш ва корпоратив банклар фаолиятини универсаллаштириш шароитида банк рискини баҳолаш ва назорат қилиш фоятда муҳим аҳамиятга эга. Биз бу мавзуда асосан, валюта риски тўғрисида тўхталмоқчимиз.

Валюта риски валюта бозорларида операциялар бажариш, банк операциялари бозорининг байналминаллашуви транс миллий корхоналар ташкил этилиши билан боғлиқ.

Валюта риски деганда ташқи иқтисодий фаолиятда турли валюта операциялар ўтказиши жараёнида айирбошлиш курсларининг ўзгариши натижасида нисбатан зарар кўриш ёки юкори фойда олиш эҳтимоли тушунилади.

Валюта риски кўлами валютани сотиб олиш қобилиятининг пасайтириши (кўтарилиши) даражасига боғлиқ.

Агар экспортчи контрактларни тўлов валютаси курси тушгунга қадар имзоласа, у курс натижасида зарар кўриши мумкин. У ҳолда, тушум маблағи миллый валютага ўтирилганда илгари кўзда тутилгандан кам бўлиб чиқади.

Импортчи эса валюта курси ошганда зарар кўради, чунки мазкур валюта харири учун кўпроқ валюта маблағи керак бўлади.

Халқаро амалиётда ташки иқтисодий фаолиятни ташкил этишининг ҳар қандай шаклида валюта риски сотувчи ҳисоб рақамига тааллуқли бўлади.

Миллий молия бозорида фаолият юритилганда рискин прогноз қилиш мумкин ҳиеобланса, худудий ва халқаро молия бозорларида прогноз қилиш жуда қийин.

Валюта курсининг ўзгаришига қўйидаги омиллар таъсир кўрсатиш мумкин:

1. Фоиз ставкаларининг ўзгариши.
2. Жорий савдо балансининг ҳолати.
3. Инфляция даражаси.
4. Иқтисодий ва сиёсий шароитлар.
5. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви.

Валюта риски З категорияга ажратиш мумкин:

1. Трансмецион риск - бу ҳисоб амалиёти бўлиб унда фирма ёки банкнинг хорижий валютадаги активлари ва мажбуриятлари миллий валютага ўтказилаётганда айирбошлиш курс ўзгарганилиги натижасида ўзгариши содир бўлади. Агар миллий валютада ифодаланган хорижий валюта қимматлашса, у ҳолда фирма ёки банкнинг хорижий активлари, мажбуриятлари ва мулкий қиймати ҳам миллий валютага нисбатан ошади. Агарда хорижий валюта айирбошлиш курси қадрсизланса, тезкари ҳодиса юз беради.

2. Транзакция (битим) риски ҳам валюта риски ҳисобланниб, у хорижий валютада аниқланган тушум ва тўловлар бўйича ҳисоб рақамларга тегишли бўлади. Агар транзакцион кўриниш тегишли хеджирлаш чора-тадбирлари орқали бартараф этилмаса, айирбошлиш курси фирма даромадига миллий валютадаги тушумга ва тўловлар қиймати ўзгаришига таъсир кўрсатади. Барқарорлик сиёсатини кўрсатиш мақсадида тижорат банклари ўз вақтида клиентлардан транзакцион ҳаражатлар ўзгариш экитимолини бутунлай хеджирлашларини маслаҳат беришлари ва ҳатто талаб қилишлари лозим.

Банклар, мижозлари сингари, рискинин минималлаштиришдан манфаатдор халқаро банклар ва фирмалар айирбошлиш курсини прогнозлашга кўп вақт ва ҳаракатлар сарфлайдилар. Лекин, ҳисоб-китоб жараёни жудда

мураккаб, чунки айирбошлаш курслари нафақат ички фоиз ставкалари ёрдамида, балки бошқа кўп мураккаб кўрсаткичлар ёрдамида аниqlанади.

Айирбошлаш курсларни ва фоиз ставкаларни прогнозлашга майиллик вакт натижада, хорижий валюта позицияларни очиқ (хеджирламасдан) қолдириш баъзан ачинарли ҳолатларга олиб келади.

Тижорат банклар валюта айирбошлаш бўлинмалари ҳам, кўпинча, очиқ позиция юритишга ҳаракат қиласидилар: «узун» позицияни (хорижий валюта захираларини кўпайтирадилар) ёки «қисқа» позиция (валюта ҳисоб рақамларда қолдиғни камайтирадилар) қолдирадилар. Мазкур мақсад рискни қабул қилиш банк иқтисодчиси ёки валюта диллери томонидан тайёрланган ва бошқарувчи (менеджер) томонидан мақулланган валюта прогнози асосида амалга ошади.

Шундай қилиб, банк менежментининг валюта савдоси борасидаги энг самарали сиёсати қуийдагилардан иборат:

а) мижозлар томонидан такиллаштирилган тижорат транзакциялар учун валюта битимлар (транзакциялар)ни чеклаш;

б) валюта кассалар учун овернайт операцияларига қатъий лимитлар ўрнатиш ва фақат корпоратив клиентлар томонидан мунтазам талаб қилинадиган асосий конвертирунучи валюталар учун лимитларни чеклаш;

в) валюта савдосида актив иштирок этадиган корпоратив ва банк мижозлар учун кундузги иш кунида валюта айирбошлаш ва овернайт учун лимитлар ўрнатиш ва мазкур мижозлар активларининг доимо мониторингини амалга ошириш.

3. Иқтисодий риск мазкур тур валюта рискининг энг муҳим тури бўлиб, у мултимиллий фирма учун жуда муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодий риск айирбошлаш курсининг фирма активлари қийматига узоқ муддатли таъсирини баҳолайди.

Валюта иқтисодий рискини баҳолаш қийин, чунки валюта курси ўзгариши самарасини баҳолаш жараёнида бир вактнинг ўзида унинг пул оқимларига таъсири ва инфомециянинг нисбий даражаси анализини олиб бориши лозим. Бу ҳар қайси валюта учун керак.

Валюта курсларини фирмага иқтисодий таъсири курс ўзгариши инфляция даражалари ўртасидаги фарқ билан буткул қопланганлиги ёки йўқлигига боғлиқ. Агар баҳо назорати,

монетар сиёсат ўзгариши ва бошқалар, деб реал валюта курси ва нисбий нархлар ўзгарса, у ҳолда нисбий нарх ўзгариши охир-оқибатда фирманинг узоқ муддатли рақобат хавф-хатарини аниқлайди. Бунда белтиланган валюта курслари режими сузид юборувчи курслар режимига нисбатан каттароқ валюта рақобат рискига эга бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, банклар валюта операциялардан зарар кўриш хавф-хатарини пасайтириш учун алоҳида операция бўйича алоҳида валюта рискини назорат қилиш усулида фойдаланадилар (валюта писандалари, ҳимоя писандалари, олтин писандалар, мултивалюта писандалари, кафолатларни қўллаш). Форвард битимлари ва своп битимлари. Банклар хорижий валютадаги актив ва мажбуриятларнинг ҳажми ва муддатларига лимитлар кўйиш, ва ҳар бир алоҳида валюта бўйича лимитларни мунтазам кузатиш ва мониторинг қилиш орқали стабил сиёсат ишлаб чиқаришлари лозим. Муолажалар ва лимитлар банк кредит сиёсати билан аниқланиши лозим.

Хозирги кунда Ўзбекистонда валюта бозорини эркинлаштириш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилалепти. Бу тадбирлар валюта операциялари қўламини кенгайтириб, уларни жаҳон амалиётига мувофиқлаштиришга ёрдам беради. Шу мақсадда, манфаатдор органлар халқаро валюта бозорининг фаолият механизмини чукур ўрганишлари лозим. Замонавий шароитда валюта рискини назорат қилиш воситаларини тўғри қўллаш жуда муҳим, чунки акс ҳолда, валюта тебранишлари давлат иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатади.

✓ 2-§. Валюта рискларни бошқариш

Одатда валюта рисклари банкларда турли усулларда бошқарилади. Банк ички тизимида валюта рискларини бошқаришнинг биринчи қадами бўлиб, валюта операцияларига лимитлар ўрнатилиши ҳисобланади. Хусусан, қўйидаги бир қатор лимитлар кенг тарқалган:

Хорижий давлатларга лимитлар (мижозлар ва контржамкорлар билан бир кун мобайнида операциялар ўтказилиш учун ҳар бир алоҳида мамалакат суммасида максимал даражадаги қиймат ўрнатилиади).

Контржамкорлар ва мижозлар билан операцияларга

лимитлар (ҳар бир контрҳамкор, мижоз ёки мижозлар турига операциялар ўтказиши учун максимал даражадаги қиймат ўрнатилади).

Дастак лимитлари (савдо учун валюталар ва савдо дастаклари учун лозим бўлган рўйхатни белгилаган ҳолда фойдаланилган дастаклар ва валюталар бўйича чекловларни ўрнатиш).

Ҳар бир кун ва бир дилерга лимит ўрнатилади (савдо қилинаётган хорижий валюта, ҳар бир алоҳида дилер ва ҳар бир алоҳида дастак учун кейинги кунга ўтказишнинг эҳтимолий улуши бўйича, одатда, эҳтимолий очиқ позициянинг максимал ҳажми ўрнатилади).

Заарлар лимити (максимал даражадаги заарлар ҳажми ўрнатилади, бундан сўнг эса барча очиқ позициялар заарлар билан қопланиши лозим). Баъзи банкларда бундай лимит ҳар иш кунига ёки алоҳида даврга (одатда 1 ой) га белгиланади, баъзи банкларда 7 алоҳида дастакларга тақсимланади, баъзиларида эса алоҳида дилерларга ўрнатилиши ҳам мумкин. Лимитлардан ташқари жаҳон амалиётида валюта хатарларининг қуидаги усуллари қўлланилади:

- актив ва пассив бўйича валюта олди-соттисининг ўзаро ҳисоби, у «МЭТчинг» усули деб аталиб, унда валюта чиқимишининг кўрсаткичидан валюта киrimi ҳисоб қилиниши ёрдамида банк уларнинг ҳажмига ва ўз навбатида ўз хатарларига таъсир ўтказиши имконига эга бўлади;

- «неттинг» усулининг қўлланилиши яъни бунда валюталарни мустаҳкамлаш эвазига битимлар миқдорини қисқартиришнинг максимал имконияти. Бунинг учун банклар бўлинмалар ташкил этиб, бу бўлимлар хорижий валюталарни олди-сотди қилиш бўйича буюртмалар тушишини мувофиқлаштириб боради:

- ахборот маҳсулотларига эгалик қилиш ёрдамида қўшимча ахборотлар олиш, бунда ихтисослашган фирмаларнинг реал вақт тартибида валюта курслари ва сўнгти ахборотлари ҳаракати ифодаланган бўлади;

- ҳар кунлик асосда валюта бозорларини чукур ўрганиш ва таҳлил этиш.

3-§. Банк амалиётида валюта рисклари бошқаруви жорий ҳолатининг таҳлили

Яқинда ўз пул бирликларини муомалага киритган ва миллий валюта бозори шакллана бошлаган Шарқий Европа ва Ўрта Осиё мамлакатларида валюта дилинги масалаларида аниқ амалий ёрдамга эҳтиёж жуда катта эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ўзбекистонда ҳам шунга гувоҳ бўлиш мумкин.

Мамлакатлар ўртасида валюта муносабатлари тизими яхши йўлга қўйилмас экан, жаҳон иқтисодиёти амал қила олмайди. Ҳаракатчан ва сезигр жаҳон валюта бозори барча вақт минтақалари орқали ўтиб, туну кун ишлаб турибди. Маълумки, унинг савдо ҳажми бир кунда 1,5 млрд. долларга етиши мумкин.

Валюта бозорида ишлаш, унда иштирок этиш, айниқса, валюта ва фоиз хатарларини суғурталаш соҳасида асосий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлишни талаб қиласди. Банклар хеджирлаш воситаларидан хатарларни камайтириш усусларидан фойдалана билишлари, қулай валюта курсларини таъминлашлари муҳимдир.

Лекин, агар дилер валюта ва фоиз бозорларидағи вазиятни ҳамда ундан келиб чиқадиган хатарларни аниқ тасаввур қилмаса, фоиз ва курс рискларини суғурталаш воситаларидан фойдаланиб бўлмайди. Бу рискларни билиш ва назорат қилиш ҳозирги савдо тизимида қатнашишни таъминлайди.

Кучайиб борувчи рақобатчилик, конъюктуранинг ва фаолият шароитларининг бекарорлиги - валюта бозорининг асосий хоссаларидир. Бу ўзгаришлар банклар ва уларнинг мижозларига, корхоналар ва ташки савдо таъсир кўрсатади. Ҳозирги вақтда жаҳон валюта бозорида мижозларнинг валюта билан қиласдиган операциялари улуши ортиб бормоқда.

Ўзбекистон ҳалқаро бозорга кириш учун ўзининг ташки иқтисодий муносабатларини ривожлантиришга ҳаракат қилмоқда. Шубҳасиз, бу жараённи ишончли ҳисоб-китоб тизимини таъминлайдиган тегишли шаклларга киритиш: биржадаги муддатли савдоларга кўпроқ иштирокчиларни киритиш, операциялар ҳажмларини ошириб бориш, валюта сиёсати режаларини самарали амалга ошириш учун биржанинг бошқа савдо имкониятларидан фойдаланиш керак.

Ҳозир Ўзбекистонда хорижий валюта билан савдо қилишнинг асосий қисми бир мунча барқарор молиявий

муносабатлар таркиб топган энг йирик банклар кўлида жамланган. Улар ташқи иқтисодий муносабатларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ операциялар ва ички валюта операцияларнинг аксарият қисмини амалга ошироқмокда. Йирик бўлмаган тижорат банклари халқаро операцияларни ё хорижий вакил банклар билан ёки йирик банкларнинг Ўзбекистондаги вакиллик ҳисоб вараклари орқали олиб борадилар. Уларнинг айримлари эса валюта операцияларини ўзлаштиришда дастлабки қадамларигина ташламоқда.

Агар айтайлик, Германия билан таққослайдиган бўлсак, у ердаги вазият бутунлай бошқача. Тегишли лицензияси бўлган ҳар қандай банк ташқи иқтисодий битимларнинг барча турларини мустақил амалга оширади. Битимларни электрон ахборот тизимлари ва бозорнинг бошқа иштирокчилари билан доимий алоқада бўлиш ёрдамида амалга оширади. Банк ўз мижозидан хорижий валютани сотиб олиш ёки сотиш ҳақида топшириқ олгач, бу битимнинг банклараро бозорда ўтказади. Банкда факат еврова хисобваракқа эга бўлган мижоз билан хисоб-китоб еврова шу ҳисоб варак орқали олиб борилади. Хорижий валютадаги эквивалент эса аҳолида эса банк ҳисоб варагида хисобга олинади. Кўпгина корхоналар маълум бир валютада битим тузганларида шу валютада ҳисоб варак очадилар. Шу хисобварак орқали валютани сотиб олиш ва сотиш бевосита амалга оширилади.

Банк учун ўз маблағлари ҳисобидан хорижий валютани сотиб олиш ва сотишдан мақсад валюта курслари ўзгаришидан фойда олишdir. Ҳозирги вақтда банклараро бозорда савдонинг энг катта ҳажми АҚШ долларидаги битимларга тўғри келмоқда. Лекин бошқа алмашув курсларига, масалан: инглиз фунти/ (Euro..(GBP/EUR), япон иенаси / Euro (JPY/EUR), Швейцария franki/Euro (CHF/EUR)га қизиқиши ортиб бормоқда.

Банклараро савдонинг ўсиши бозорларнинг ликвидлигини ҳам оширади. Банклар корхоналар ва инвесторларга бозорда эркин айланётган валюталар тез конвертация қилиниши таъминлаб беришлари мумкин.

Валюта ва фоиз битимларида банкларарабо воситачиликни кўпинча брокерлик идоралари ўз зиммаларига олади. Банклар билан брокерлар ҳамкорлигининг афзаллиги улар телефон ва бошқа коммуникация воситалари орқали доимий алоқада бўлишидадир. Бирокер билан ҳамкорлик қилувчи банклар унга

валютани сотиб олиш ва сотиш ҳақида топшириқлар берадилар ва курсларни белгилайдилар. Шу тариқа, тез битимлар тузиш учун реал имкониятта эга бўладилар. Валюта операциялари бозори қатнашчиларига айланishiни истаган маҳаллий тижорат банклари, аввало, ўзларини яхши мижозлар билан таъминлашлари керак. Улар мижозлар билан таъминлашлари улар мижозларнинг талаб қилинаётган хорижий валютани сотиб олиш ва етказиб бериш ёки экспорт тушумини конвертациялаш ҳақидаги топшириқлари сифатли ва муддатида бажарилишинигина эмас, балки мижозларга валютанинг алмаштиришнинг қулай шартлари, жатарларни сугурталаш воситалари ҳақида маслаҳат беришни ҳам кафолатлашлари керак бўлади. Яъни профессионал хизматни таъминлашлари керак.

Банклар учун хорижий валюта билан савдо қиласидан зарур ташкилий тузилма-дилинг бўлимини ташкил этиш ҳам жуда муҳимдир. У фронт-офис (мижозлар билан ишлаш), бек-офис (маъмурият) ва бухгалтерията бўлиниши керак. Бу вазифаларни аниқ тақсимлаш имконини беради. Валюта операциялари битимиши тузишни ташкил этиш ва унинг технологиясига етарли эътибор бериш керак.

Хозирги замон валюта диллингини компьютер ва телекоммуникация техникасиз, маҳсус телефон ускуналари ва ахборот агентларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Форекс операцияларини амалга оширадиган банклар молиявий ахборотни узатадиган тегишли тизимдан фойдалангандар маъқул. Унинг аъзолари турли вақт минтақаларида бўлишларига қармай, энг керакли хизматни ўз пайтида оладилар.

Халқаро операциялар амалга оширилганида мавжуд рискларнинг ҳамма турлари юз бериши мумкинлигини ҳисобга оладиган банк менежментини ишлаб чиқиш зарурлигига эътиборни қаратмоқчиман. Банк раҳбарияти валюта операцияларини бошқарувчи билан бўлажак фаолиятта тайёрланишини маслаҳат берган бўлардим. Чунки жақон бозорида ишлашнинг асосий принципи аста-секин, доимо, эҳтиёт бўлиб (slowly, constantly, carefully) ҳаракат қилишини талаб қилмоқда. Маҳаллий банклар томонидан юқори савиядада бажариладиган хорижий валюта билан савдо операцияларининг кўпайиши мамлакатнинг иктисадий ёрдам бериши аниқдир.

Форвард курси.

Товар ва сервис битимлари уч, олти ой ёки ундан кўпроқ муддатда тўлаш шарти билан тузилади ва шу билан бирга сотиб олинган ҳамда сотилган валютанинг ҳажми ва тўлов муддатлари кўрсатилади. Шу пайтдан бошлиб, корхона учун валюта хатари мавжуд бўлади. Чунки валюта курслари шартнома тузилган вақтдан, то тўлов вақтигача бўлган даврда корхона учун нокулай тарзда ўзгариши мумкин.

Уч ойдан кейин хорижий валютани тушишини кўтараётган экспортчига ҳозирги пайтда бу валютани қандай спот курси бўйича ички валютага алмаштириб олиши мумкинлиги маълум. Лекин кейинги ойларда курс қандай ўзгариши ва тўлов муддати келганида хорижий валюта учун ўз мамлакатининг валютасида қандай эквивалент олиши мумкинлиги унга маълум эмас. Импортчига ҳам хорижий валютада ўз ҳисоб-китобларини амалга ошириш учун уч ёки олти ойдан кейин ички валютада қанча суммами алмаштириши кераклиги ноаниқ.

Банклар бўлажак валюта талабларини ёки мажбуриятларни таъминлаш учун ўз мижозларига форвард битим (outright), яъни иккала тарафнинг бир валютани маълум вақт ўтгач конвертациялаш ҳақидаги келишувини таклиф қиладилар. Бунда алмашув курси контракт тузиш вақтида белгиланади.

Форвард курсини ҳисоблаш учун контрактлар тузиш пайтидаги спот курсларигина эмас, балки иккала валюта бўйича фоиз ставкалари ҳам асос бўлади. Умуман олганда, экспортчи шартнома тузиш жараёнидаёқ бўлажак валюта тушумининг эквивалентини олиши мумкин. Бунинг учун у хорижий валютада кредит олиши ва олинган суммани сотиш споти курси бўйича ички валютага алмаштириши мумкин. Спот курси бўйича сотиб олган суммани маълум фоиз эвазига инвестициялаш мумкин. Импортчи учун бугун конвертация қилиниши керак бўлган хорижий валютадаги мажбурият ички валютада кредит билан, спот битими оркали ички валютани хорижий валютага конвертациялаш ҳамда тўлов муддати келгунча маълум фоизлар эвазига омонатга қўйиш билан бараварлашади.

Шундай қилиб, форвард курси спот курсидан ва сотиб олинадиган ёки сотиладиган ва тўлов муддати келгунча фоиз эвазига омонатга қўйиладиган валюталардан келадиган фоиз ставкалари фарқидан ташкил топади. Фоиз риски бўлмаган

мамлакатлар валютаси маълум муддатга сотилиши мумкин эмас.

Валюталар бўйича фоизларнинг фарқи бандларда ифодаланади ва улар спот курси билан қўшилади ёки ундан қўшилса, гап мукофот ҳақида, агар айрилса-дисконт ҳақида боради.

Валюталаштириш.

Форвард битимларини валюталаштириш спот битимларини валюталаштириш қоидалари бўйича амалга оширилади. Ой ва йилнинг охирги кунлари бундан мустасно. Агар форвард битимини валюталаштириш ой ёки йилнинг дам олинадиган ёки байрам қилинадиган охирги кунига тўгри келса, шундан кейинги эмас, балки олдинги иш куни валюталаштириш санаси, деб ҳисобаланади. Масалан, спот битими 2 ой муддатга 2002-йил 31 октябр, душунба кунида валюталаштирилди, дейлик. Демак, дастлабки валюталаштириш 31 декабрь, шанба куни, форвард битимини валюталаштириш эса 30 декабрь, жума куни юз беради.

Мукофот ва дисконтни ҳисоблаш.

Мукофот ва дисконт фоиз ставкаларининг фарқи, спот курси ва битим тузилган сана ҳисоблаб чиқарилади. Ҳисоб қилиш чоғида олинадиган фоиз ставкалари ички бозорнинг эмас, балки Европа бозорининг ставкаларидир. Улар барча валюталар учун тенг шароитларни таъминлаб беради: эмитент мамлакатдаги энг кам валюта захиралари ҳисобга киритилмайди.

Дисконт ва мукофот қўйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқарилади:

Спот курси x Фоизлардаги фарқ x кунлар Дисконт / мукофот

$$(360 \times 100) + (\text{Савдо қилинаётган валюта фоизи} x \text{ кунлар})$$

42-жадвал

Дисконт ва мукофотни шартли маълумотлар асосида қўйидаги тарзда ҳисоблаб чиқариш мумкин,

Валюта	Фоиз ставка	Муддат	Спот курси
USD ("олинган")	4,125 фоиз~	90 кун	1,5000
DEM (сотилган)	7 фоиз	90 кун	

Юқорида кўрсатилган формула бўйича спот курси билан форвард курси ўртасидаги фарқни ҳисоблаб чиқамиш:

1500x2.875x90

$$\text{Дисконт/мукофот} = \frac{1500 \times 2.875 \times 90}{(360 \times 100) + (4,125 \times 9)} = 0,0107$$

Дисконт ёки мукофот ва одатда, “плюс” ёки “минус” белгисини кўймаган ҳолда ифодаланади. Шундай экан, гап мукофот ҳақида ёки дисконт ҳақида бораётганлитини билиш керак. 107-117 деган ахборот бу спот курсига қўшиш ёки ташлаш кераклигини билдирамайди. Агар савдо қилинаётган валюта бўйича фоиз ставкалари даражалари ва валюта курси маълум бўлса, кўрсатилган бандларни кўшиш ёки айриш кераклигини дарров айтиб бериш мумкин бўлади.

Айтайлик, 20 кундан кейин 10 млн. доллар оладиган дилер бу битимнинг хавфсизлигини таъминлаш учун долларда кредит олиш, долларни спот курси бўйича немис маркаларига конвертациялаш ва уларни 90 кунга омонатга кўйишга қарор қиласди.

Натижада:

олинган: USD 10 000 000,-+фоиз харажатлари 103125,-=10 103 125, омонатга кўйилган DEM 15 000 000,-+фоиз даромади 262 500,-=15 262 500. 90 кундан кейин 10 103 125 долларга 15 262 500 марка тўғри келади.

1 доллар эквиваленти:

Форвард курси = 152 625 00,00 / 10103 125,00=1,5107 этади.

Ушбу мисолда котировкаланаётган валюта - немис маркасининг фоиз ставкаси савдо қилинаётган валюта-долларнинг фоиз ставкасидан юкори. Шу сабабли, форвард курси спотдан 107 банд юкори.

Бунда 10 175 000 долларга 15 154 488 марка эквивалент мос келади: 1 доллар учун бу:

Форвард курси = 15 154 688,00 / 10 175 000,00=1,4894 DEMни англатади.

Бунда форвард курси 1,5000 бўлган спот курсидан 106 банд кам. Мана шу мисоллардан қўйидаги қоида келиб чиқади:

Савдо қилинаётган фоиз ставкаси < котировка қилинаётган валютанинг фоиз ставкасидан - мукофот - форвард курси > спот курси фоиз ставкаси > котировка ган валютанинг фоиз ставкасидан - дисконт - форвард курси < спот курсидан.

Агар дисконт ёки мукофот лум бўлса, “кўприк” солиш керак. Чунки кўпинча савдо вақтида котировка қилинганида ёки

матбуотда гап дисконт ёки мукофот хақида бораёттанилиги күрсатылмайды.

Шу билан бирга, ҳисоб-китобни түгри олиб бориш зарур. Спот курси билан форвард курси ўртасидаги фарқ ставкаларига қараб белгиланади. Айтайлик, у биринчи ҳолатда; 110 (bid) - 115 (offer)ни ва иккинчи ҳолатда 115 (bid) - 110 (offer)ни ташкил этсін. Ҳисоблаш қуйидагича бўлиши керак:

110-115 фарки спот курсига қўшилади, 115-110 фарки эса ундан айириб ташланади. Иккала ҳолда ҳам сотиб форвард курси сотиш курсидан паст.

Тескари ҳисобланганда, яъни агар 110-115 спот курсидан айирилса, 115-110 эса унга қўшилса, форвард курси қуйидагича бўлади:

Бунда сотиб олиш ва сотиш курслари бир хил, банк бир хил курсда сотиб олади ва сотади. Демак, амалга оширилган ҳисоб-китоблар түгри эмас. : қуйидаги қоида келиб чиқади; сотиб олиш курси < сотиш курсидан - мукофот - форвард курси > спот курсидан; сотиб олиш курси-сотиш курсидан - дисконт - форвард курси < спот курсидан.

Валюта савдосидаги рисклар.

Банк тузадиган ҳар бир валюта ёки кредит битимида турли рисклар мавжуд бўлади. Уларни иккита асосий гуруҳга ажратиш мумкин: бозор рисклари контрагент рисклари. Бозор рисклари деганда нархлар: фоиз ставкалари, валюта курслари ва шу кабилар ўзгариши оқибатида зарар кўриш риски тушунилади. Битим бўйича шерикнинг ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажармаслиги контрагент рисклари деб ҳисобланади; уларни яна шерикчилик рисклари деб ҳам аташади. Иккала гуруҳ келиб чиқили ва ўз оқибатлари жиҳатидан фарқланади. Масалан, бозор рисклари жумласига валюта рискини фоиз рискини ва своп ставкасининг ўзгариш рискини киритадилар. Контрагент рисклари; трансферт (пул ўтказиш) ижро этиш ва тўлов рисклари киритилади.

Бозор рисклари.

Бозор рисклари валюта ва кредит битимларида позициялар ёпиқ бўлмаганида бозор нархлари нархлари ўзгариши оқибатида пайдо бўлади. Улар трансакциявий ёки операция рисклари деб ҳам аталади. Алмашув курси ёки фоиз ставкалари нокулай ўзгариши очик позициялари битимлардан зарар кўришга олиб

келади.

Валюта риски

Валюта курсининг ўзгариши риски (курс риски) – очик позицияда хорижий валютада кўрилиши мумкин бўлган заарлардир.

Хорижий валютадаги позиция ёпилмай қолган давр қанча узоқ давом этса, алмашув курсининг нокуладай ўзгариш хавфи шунча катта бўлади. Курс кескин ўзгариб турганида бу риск битим тузиш вақтидаёқ вужудга келади.

Масалан, агар А банк мизжозга 5 млн. долларни немис маркалар-ида 1,5550 курси буйича сотса ва бу суммани дарҳол ёпмаса, у ҳолда курс ўсганида валюта заарлари пайдо бўлади. Улар қўйида келтирилган мисолда 25000 маркани ташкил этади. (4-жадвалга қаралсин).

43-жадвал

Курс ўсгандаги валюта заарини пайдо бўлиши

Битим	USD	Курс	DEM
Сотиш	5 000 000,-	1,5550	7 775 000,-
Курсининг ўсиши		+ 0,0050	
Сотиб олиш	5 000 000,-	1,5600	7 800 000, -фоиз 25 000,-

Алмашув курсига тижорат ёки чайқовчилик талаби ёки таклифигина эмас, балки шу билан бирга, иқтисодий ва сиёсий воқеалар ҳам тъясир кўрсатади.

Фоиз риски.

Ёпилмаган кредит позициясида фоиз ўзгариш берди ва дарҳол позицияни ёпмади, фоиз ставкаларининг ўзгариши жатари, яъни уларнинг динамикаси деган риск мавжуд бўлади. Агар пул бериш ёки пул олиш бу битимлар кейинчалик анча қулай фоиз ставка фоиз ставкаси бўлишини кутиб, ёпилмаган бўлса, ставкаларнинг салбий ўзгариши ва позицияни ёпиш вақтида зарар кўриш хавфи пайдо бўлади. Айтайлик, А банк бошқа банкка 20 млн. маркка кредит берди ва дарҳол позицияни ёпмади, фоиз ставкалари эса битим ёпилгунга қадар 0,125 фоиз ошиди (5-жадвалга каранг).

44-жадвал

Ёпилмаган позицияда фоиз ставкасини ўзгариши

Битим	DEM	Фоиз ставкаси	Муддат	Фоиз даромадлари/

				харажатлари
Солинган	20 000 000,-	5,00 фоиз	90 кун	+ 250 000
Фоиз ставка- сининг ўсиши		0,25 фоиз		
Олинди	20 000 000,-	5,25 фоиз	90 кун	262,500 фоиз,- 12,500 фоиз,-

Рискларни бошқариш.

Рискларни назорат қилиш учун реал имконият мавжуд. 1974 йил январида Келнданги "И.Д. Херштатт" банк уйининг даҳшатли ҳалокати валюта дилингидаган заарлар нақадар катта бўлиши мумкинлигини намойиш қилди.

Валюта билан операция қилишнинг салбий оқибатлари жатарли эканлиги банклар ва корхоналарнинг туғилаётган жатарларни камайтириши керак бўлган валюта бўлимларида ички назорат тизимларини кучайтиришни талаб қиласи.

Бозор ва контрагент рискларини чеклаш учун банклар ички лимитлар тизимини жорий этишлари зарур. Бу лимитларга риоя этилиши доимий назорат остида бўлмоғи керак. Бунинг устига қўлгина банклар ўз валюта бўлинмалари учун анча тор, позицион деб аталадиган лимитларни белгилаб кўядилар. Улар, бир томондан, кун давомида туғиладиган рискларнинг юқори чегарасини (кундузги лимитларни), иккинчи томондан эса, эртаси куни вужудга келиши мумкин бўлган хорижий валютадаги позиция учун юқори чегарани (тунги (overnight) лимитлар) белгилаб қўядилар. Коида тарикасида ички лимитларни хазина банк раҳбарияти билан келишиб белгилайди.

Контрагент рисклари учун лимитларни, яъни бир шерик билан тузилган барча битимлар суммасини белгилаш ва назорат қилиш, асосан, банкнинг кредит бўлинмалари зиммасига юқлатилади.

Ҳар қайси банк ички чеклашларни ўзи белгиланганлиги сабабли, умуман олганда, фақат ушбу лимитларнинг эҳтимол тутилган миқдорлари ҳақидагина сўз юритиши мумкин.

Кундузги лимитлар.

Кундузги лимитлар деганда, банкнинг дилинг бўлинмаси

иши куни давомида эга бўлиши мумкин бўлган очик фоиз позицияларини ва хорижий валютадаги позицияларини чегаралаш тушунилади.

Хорижий валютадаги айрим позицияларни чегаралаш миқдори банкнинг барча дилинг операциялари учун милллий валютада белгиланадиган охирги суммага боғлиқ бўлади. Ушбу сумма банкнинг эҳтиёжларига боғлиқ ҳолда турли хорижий валюталар бўйича тақсимланади. Дилинг бўлинмаси раҳбарияти қайси валютада очик позицияга эга бўлиш ҳақида қарор қабул қиласди.

Кўп миқдордаги валюталар билан фаол савдо қилувчи банк ҳар қайси валюта позицияси учун умумий эмас, балки алоҳида лимитни белгилайди. Унинг миқдори муайян валюта учун жавобгар бўлган алоҳида дилернинг тажрибасига ҳам, бозорнинг ликвидлигига ҳам боғлиқ бўлади.

Умуман олганда, алмашув курси қаттиқ ўзгариб турадиган валюталарга тааллуқли бўлган курс хатарлари курси ўзгаришлари катта бўлмаган валюталарга нисбатан бир карра (АҚШ доллари, фунт стерлинг, Австралия доллари).

Тунги лимитлар.

Немис банклари учун позициялар миқдори қонун билан чегаралаб қўйилмаган. Лекин маҳсус 1-а Низом билан бир кундан ортиқ сақланиб турадиган позициялар учун юкори чегара белгилаб қўйилади. Мана шу чегарага қарамай, кўпгина банклар дилинг бўлинмалари учун яна алоҳида, тор, тунги (overnight) лимитни белгилаб қўядилар.

Бунда ҳам милллий валютадаги умумий максимал суммани белгилаш имконияти мавжуд бўлиб, бу сумма билан хорижий валюталардаги барча очик позициялар чегаралаб қўйилади. Бироқ, банкларнинг катта дилинг бўлинмаларида кундузги лимитларни белгилашща туғиладиган муаммо пайдо бўлади. Бу муаммо умумий суммани айрим валюталар бўйича тақсимлашдан иборатdir. Шу сабабли, тунги лимит кўпинча ҳар қайси валюта учун алоҳида берилади. Умумий лимит эса кўшиш йўли билан ҳисоблаб чиқарилади.

Кун давомида ёпилмасдан, анча узоқ муддатта, маҳаллий иши вақтидан ташқари очик қоладиган курси ва фоизлар иши вақти доирасидагидан кўра кўпроқ ўзгариш хатарига дуч келади. Коида тарикасида, бу вақтда курсларнинг ноxуш ўзгаришига Трансатлантика бозорларидагига қараганда тезроқ

муносабат билдирилади. Шу сабабли, ички чегараси кундузги лимитларнидан анча паstdир.

Контрагентлар учун лимитлар.

Контрагентлар учун лимит муайян муддат мобайнида шерик билан валюта битимлари тузилиши мумкин бўлган умумий суммадан иборатdir.

Мамлакатлар бўйича лимитнинг контрагентлар учун лимитни тақсимлашнинг дастлабки шартидир. Умуман олганда, бирон-бир мамлакат ва контрагентнинг суммаси мамлакат бўйича лимит суммасига мос бўлади. Лекин мамлакат сиёсий ёки иқтисодий жиҳатдан бекарор, айрим контрагентларнинг тўлов қобилияти эса яхши контрагент лимитнинг суммасидан ортиқ бўлиши мумкин. Амалий фаолиятда банк агар шерикда ҳали лимит бўлса, мамлакат лимити эса ишлатиб булинган бўлса, у бундай шерик билан битим тузишдан бош тортиши керак.

Банклар ва корхоналар учун лимитлар.

Контрагентлар учун лимитлар, одатда, умумий кредит таркибий қисми деб ҳисобланади ва улар кредит бўлинмалари кузатиб борилади. Агар валюта битимлари фақат муайян фоиз ставкаси бўйича умумий лимитга киритилса, у ҳолда битим бўйича шерикка бериладиган қарз пуллар ушбу лимитда тўлик суммада акс эттирилади.

Кўпгина банкларда контрагентлар учун валюта лимитини форвард битимлар ва слот битимлар бўйича тақсимлаш усули қўлланилади. Форвард битимларида ижро этиш ва тўлов хатар-спот битимлардагидан юқори баҳолангандиги сабабли, слот операцияларига лимитлар кўпинча форвард битимларига лимитлардан ортиқ бўлади. Муддати 12 ойдан ортиқ бўлган операциялар учун кўпчилик ҳолларда алоҳида лимитлар белгиланади.

Марказий бўлимлари ва филиаллари турли майдончаларда фаол савдо ва биргалиқда иш олиб борувчи шерикларга эга концернлар учун лимитлар битта майдончада савдо қиласидиган банклар учун белгиланадиган лимитларга қараганда анча мукаммал бўлади. Бунда турли вариантлардан фойдаланилади.

Биринчидан, концерннинг ҳар қайси савдо шериги бўйича марказ ҳам, филиаллар учун ҳам умумий лимит белгиланади. Умумий лимитдан кейин улар ҳақида маълумотлар компьютер тармоғига киритилишини ва у орқали барча савдо бўлимларига узатилишини тақозо этади. Иккинчидан, ҳар қайси савдо учун

унинг контрагентлар бош банк белгилайди ва бошқаради.

Шахсий мижозлар лимитлар.

Германияда банклар хусусий мижоз форвард битимларини алоҳида бошқариш мавжуд. Масалан, биржа ҳақидаги қонун кредит институтлари хусусий мижозлар билан форвард битимлари тузишдан олдин уларни муқаррар равищда рисклар ва биржа форвард битимлари чогида зарар кўриш оқибатлари ҳақида ёзма равищда хабардор қилиш-назарда тутилади. Ўз навбатида, мижоз ҳам ушбу ахборотни олганлигини ёзма равищда тасдиқлаши керак.

Биржа форвард битимлари жумласига валюта хатарлари бўлган барча контрактлар ҳам, масалан, опцион битимлари, форвард валюта битимлари киради. Одатда, бундай битимларни тузишдан олдин банклар хусусий мижозлардан зарар кўрилган улар ўрнини қоплаши мумкин бўлган гаров таъминотини тақдим этишни талаб қиласидилар. Ахборот хатида мижоз зарар катта бўлган тақдирда унинг мол-мулки олиб қўйилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиради.

Баъзи огоҳлантиришлар.

Валюта дилери битим тузиш ҳақида қарор қабул қилинганида бозор иштироқчиларининг юриш-туришини кузатар экан, у эга бўлиши мумкин бўлган имкониятларни ҳам айтиб ўтиш зарур.

1991 йил январида Валюта бозори қатнашчиларининг ҳалқаро уюшмаси Хулқ-атвор кодекси (Code of conduct) доирасида савдода вужудга келадиган муаммоли вазиятлар муносабати билан айрим огоҳлантириш ва маслаҳатларни берди. Бу вазиятларниң асосийлари қўйдагилардир

- савдо ҳажмларининг банк қўламига нисбатан кутилмаганда кенгайиб кетиши (бу ҳамма вақт ҳам иирик банкларга тегишли бўлавермайди);

- вакил банкларининг клиринг ҳисоб варакларида айланмаларниң одатдан ташқари кўлайиши;

- нормал савдо муомаласидаги ўзгаришлар, очик позициялар бўйича ҳар куни ёки қисқа вақтта своллар тузилиши керак. Бу ҳол бозорда қатнашишнинг кучайишига ва банк ҳисобварақларидаги айланманинг ортишига олиб ортишга олиб келади;

- битимлар, айникса форвард битимлар тасдиқланмайди;

- битим бўйича шерик бажарилмаган контрактни

текшириш ҳақидаги сўровга ноаниқ ахборот беради;

- дилерлар бошқа банклар билан битим тузишга халақит бериш учун кўпинча сотиб олиш ва сотиш курслари ўртасидаги фарқни ошириб кўрсатадилар. Агар контрагент мана шу нарх билан савдо қилишга тайёр бўлса, айниқса, своп битимларида, у бозорнинг бошқа иштирокчилари билан битим тузиша қийналаётган бўлиши мумкин.

4-§. Валюта рискларини сугурталаш масалалари

Ушбу параграфда валюта рискларини олдини олиш йўлларидан бири бўлган сугурталаш масалалари билан танишиб чиқамиз.

Валюта рискларидан сугурталаниш усувлари.

Валюта рискларидан сугурталанишнинг икки усули қўлланилади:

- валюта битимлари;
- форвард операциялари.

Валюта битимлари шартнома матнида маҳсус шартларни ўз ичига олган бўлиши керак, яъни тўлов қиймати битимдаги валютага нисбатан тўловдаги валюта курсининг ўзгаришига қараб мутаносиб равишда қайта кўриб чиқилиши лозим. Валюта битимлари валюта ва товар бозордаги ўзгаришларни тегишли тўловлар ҳажми билан боғлайди. Бу валюта рискларидан сугурталанишнинг энг кенг тарқалган усулидир.

Валюта битимлари билвосита, бевосита ва мултъвалюталик бўлади.

Бевосита валюта битимлари товар нархи кенгроқ тарқалган ҳалқаро ҳисоб валютаси (АҚШ доллари, япон иенаси ва б.) да қайд этилган, тўлов эса бошқа пул бирлигига, одатда, миллый валюта кўзда тутилса қўлланилади. Мазкур битимнинг матни тахмонан шундай ифодаланади: Нархи АҚШ долларида, тўлов япон иенасида.

Агар тўлов арафасида долларнинг иенадаги курси шартнома тузилаётган кундаги курсга нисбатан ўзгарса, унда мувофиқ равишда товар нархи ҳам, тўлов қиймати ҳам ўзгаради.

Бевосита (тўғридан-тўғри) валюта битими валюта тўлови мос келган, лекин шартнома кўрсатилган тўлов қиймати кўрсаткичи бошқа валютага нисбатан, яъни анча барқарор

бўлиш битим валютасига нисбатан таъсирда бўлганида қўлланилади. Бевосита валюта битими валютами аввалги даражада харид қилиши имконини сақлашга қаратилган.

Ушбу битимнинг ифодаси тахминан шундай бўлиши мумкин: «Товар нархи ва тўлов АҚШ доллларида. Агар тўлов кунида Нью-Йорк валюта бозорида япон иенасига бўлган курс унинг шартнома тузилаётганидаги курсидан кам бўлса, унда товар нархи ва тўлов қиймати мос равищда долларда юқори бўлади».

Мультивалюта битимлари-бу шундай битимларки, унда тўлов қиймати коррекцияси тўлов валюта курси ўзгаришига тенг тарзда ҳаракатланади, лекин бунда битта валюта эмас, балки махсус тенглашган бир даста валюталар (валюталар мажмуаси)га, яъни уларнинг курси алоҳида бир усул бўйича ўртача кўрсаткичга асосланади, масалан, «мажмуа»даги валюталардан ҳар бирига ўртача арифметик фоиз базасида чекланган курс келиб чиқиши даражасидаги ёки келишилган валюталар мажмуасининг ўртача арифметик ҳисоботи ўзгариши базасида.

Валюта рискларининг суғурталашнинг форвард операциялари моҳияти қўйидагичадир. Форвард валюта битими-валютанинг маълум қийматини сотиш ёки харид қилиш бўлиб, унда олди-сотди битими кунидаги курс бўйича амалга ошириш ва битимни тузиш вақти ўртасидаги оралиқдадир. Бунда форвард курси спот курси плус соф даромадлар ёки соф харажатлар фоизи бўйича ҳисобланади:

- спот бўйича харид қилинган ва тўлов муддати келгунча қадар депозитга қўйилган валюталар;
- спот бўйича сотилган ва тўлов муддати битим даражасидаги контр ҳамкелгунга қадар кор томонидан депозитга қўйилган валюталар.

Соф даромадлар ёки соф харажатлар «пипса»лар орқали ифодаланади ва спот курсидан мувофиқ тарзда қўшилади ёки чиқариб ташланади.

Форвард операцияларидан фойдаланилаётган вақтда экспортер тўловлар тушганининг жадвалини тахминан билгач, шартнома тузайтганда ўз банки билан олди-сотдини имзолайди, бунда олдиндан аниқланган курс бўйича хорижий валютадаги келгуси тўловларнинг қийматини унга лозим топади. Экспортнинг яхши томони шундаки, у миллий валютадаги нақд

тушумни белгилаб, тўловни¹ олишдан олдин шартнома нархини белгилайди. Форвард битимини тузатётган банк шартномада кўрсатилган вақтда олдиндан аниқланган миллий валюта бўйича эквивалентни қўйиш мажбуриятини олдаи. Бунда ушбу вақтда миллий валютанинг реал бозор курсига нисбатан ўзгариши эътиборга олинмайди. Корхона эса валютанинг банкка келиб тушишини таъминлашга маъсулиятли бўлади ёки валютани четта юбориш тақдимини экспорт қилаётган ёки импорт қилаётган мамлакатга қарашлилигидан келиб чиқиб таъминлади.

Импортчи эса аксинча, агар шартномада кўрсатилган тўлов валютасининг курси кўтарилиши кузатилсафорворд битими ёрдамида банкдан хорижий валютани харид қиласди.

Шунга кўра, хорижий инвестор валюта курсининг эҳтимолий тушиши хатаридаги сугурталарниши мумкин, яъни инвестицияларини маълум давр учун банкка сотиш мумкинки, бунда ўз активларини йўқотишдан сақланилади.

Шундай қилиб, мижоз ўз рискларини сугурталади. Рискни ўз зиммасига олди. Шу вақтдан бошлаб банк ўзига олинган рискни хеджерлаб олиш керак.

Шунинг учун банк худди шу шуни худди шу қийматдаги маблагфа ва худди шу валютада бошқа банк билан форворд битимини тузади ёки ихтисослашган биржада фьючерс битимини имзолайди.

Шубҳасиз, валюта рискларини чеклаш учун хеджерлаш қўлланилади.

Хеджерлаш – бу эҳтимол йўқотишлар хатарини камайтириш жараёни. Фирма барча рискларни хеджерлаш, ҳеч нарсани хеджерламаслик ёки танлаб-танлаб хеджерлаши мумкин. Фирма, шунингдек, олиб сотарлики онгли ва онгсиз тарзда амалга ошириши мумкин.

Хеджерлашнинг мавжуд бўлмаслиги икки сабабдан бўлиши мумкин. Биринчидан, фирма рискларини билмаслиги ёки уларни камайтириш имкониятларини билмаслиги мумкин. Иккинчидан, фирма алмаштирув курслари ёки фоиз устамалари ўзгаришсиз колиши ёки унинг фойдасига ўзгариши мумкинлигини ҳисоблайди. Натижада фирма олиб сотарлик қиласди: агар унинг кутганлари тўғри чиқса, у ютади, акс холда, у зарар кўради.

Барча рискларни хеджерлаш – улардан бутунлай халос

бўлишнинг бирдан-бир усулидир. Бироқ компанияларнинг молиявий директорлари танланган хеджерлашни афзал биладилар.

Агар улар валюта курслари ёки устама фоизлар ўзлари фойдасига ўзгармаслигини билсалар, хатарни хеджерлашади, бироқ харакатлар ўзлари фойдасига ўзгарса хатарни қопламай қўя қолишади. Бунинг ўз айнан олиб сотарлардир. Кизиги шундаки, башоратчилар – профессионаллар одатда ўз баҳоларида адашишади, бироқ компанияларнинг молиявий бўлим ходимлари, шинавандалар, ўз туйгуларига ишонишга давом этадилар ва уларнинг башоратлари тўғри чиқади.

Хеджерлашнинг ёмон томони шундаки, (яъни барча хатарларни камайтириш), комиссиянлар ва аукционлар мукофотига сарфланадиган қимматликларнинг кўтлигидир. Танланган хеджерлаш деб умумий ҳаражатларни камайтирилиши усули сифатида кўриш мумкин. Бошқа усул, бу хатарларни курслар ёки устамалар маълум даражада ўзгаргандан кейин суғурталашдир. Ҳисоблаш мумкинки, компания кўнгилсиз ўзгаришларга чидаши мумкин, лекин улар лозим топилган кўратилич, позицияни келгусидаги заарларни бартараф этиш учун тўлиқ хеджерлаш керак. Бундай йўл тутиш алмаштирув курслари ёки устама фоизлари барқарор ёки ижобий йўналишда ўзгараётганидаги ҳолатларда ҳаражатларни суғурталашдан сақлади. Нарх курсларидаги ўзгаришлар хатаридан суғурталаш шартномаси хедж дейилади (инглизча – буталар, иҳоталаш).¹

Хеджерлашни амалга ошираётган хўжалик объекти хеджер деб аталади.

Хеджерлашнинг икки операцияси мавжуд:

- юқорилашга хеджерлаш;
- пасайишга хеджерлаш.

Юқорилашга хеджерлаш ёки харид билан хеджерлаш бу муддатли шартномаларни харид қилиш бўйича биржа операциясидир: опцион ёки форвардлар. Юқорилашдаги хеджерлаш келгусида эҳтимол тутилган валюта курсининг ошишидан суғурталашни тақаזו этади. У валюта сотиб олингунга қадар анча вакт илгари валюта курсининг харид нархини белгилаб бериш мумкин. Тасаввур қилайликки, З ойдан кейин валюта курси ўсади, лекин валюта айнан З ойдан кейин

¹ Балабапов И.Т. «Риск менеджмент». Москва.: Финансы и статистика, 1997.

керак бўлади.

Валюта курси ўсиши эҳтимолидаги йўқотишни қоплаш учун бугунги нархларда форвард шартномалари ёки опционларни сотиб олиш ва 3 ойдан кейин айнан валюта керак бўлган вақтда уларни сотиш керак. Бинобарин, валюта курси ва у билан боғлиқ бўлган муддатли шартнома бир йўналишда пропорционал тарзда ўзгараётгани туфайли, бу шартномани валюта курси кўтарилган даражагача нархда сотиб юбориш мумкин бўлади. Шу билан ўсишини хеджерлаётган хеджер ўзини валютанинг келгусидан ўсиши мумкин бўлган курсидан суғурталайди.

Пасайишга хеджерлаш ёки сотиш билан хеджерлаш – бу муддатли шартномаларни сотиш орқали бўладиган биржা операциясидир. Пасайишни хеджерлаётган хеджер, келгусида валюта сотишни. мўлжаллайди ва шунинг учун биржада форвард шартномаси ёки опционини сота туриб, валюта курсининг келгусида тушиши эҳтимолидан ўзини суғурталайди.

Тасаввур қиласликки, валюта курси 3 ойдан кейин пасаяди, валютани эса айнан 3 ойдан кейин сотиш керак. Валюта курси пасайишдан зарарларини қоплаш учун бугунги кунда хеджер муддатли шартномани юқори нархда сотади, валютани 3 ойдан кейин сотаётганде эса (дарвоҷе бунда курс тушган бўлади) худди шундай муддатли шартномани пасайтирилган нархда (деярли ўша нархда) сотиб олади. Шундай қилиб, пасайишдаги хедж валютани кенгроқ сотиш лозим бўлганида қўлланилади.

Хеджер бозордаги валюта курсининг аниқ бўлмаганидан келиб чиқсан хатарни пасайтиришга интилади, бунда муддатли шартномаларни харид қилиш ёки сотиш ёрдамидан фойдаланилади. Бу курсни қайд этиш, харажат ва даромадларни аниқроқ бўлишига олиб келади. Лекин иштирокчилар хеджирлаш билан боғлиқ бўлган хатар бартараф бўлмайди. Уни олибсотарлар ўз зиммасига олишади, яъни маълум бир хатарга онгли равишда бораётган бозор иштирокчилари.

Хеджирлаш, авваламбор, фьючерс бозорида амалга оширилади. Хеджер ўз хатарининг бир улушини нимагадир сотиш учун бозорга келади. Олиб сотар фойда кўриш умидида хатарни ўз зиммасига олади.

Муддатли шартномалар бозорида олиб сотарлар мухим ўрни тутишади. Нархлардаги фарқ устида ўйнаб, фойда

кўришни мақсадланган ва айни вақтда жатарларни зиммасига олган олибсотарлар бозорда нархларнинг барқарорлигини таъминлайди.

Олиб-сотарларни муайян бир товар (валюта)нинг келтирилиши ёки амалга оширилиши қизиктирмайди. Бозор уларга нархлардаги «ўйинқарорлиги» билан жозибали туюллади. Шунинг учун улар маълум бир валюта позицияларини эгаллайшади. фьючерс битимларини тузищдаги партиялар ҳажми катта бўлмайди. Шунинг учун олибсотар бозорда катта имкониятларга эгадир. Бироқ бундай эркинлик унга хатар ҳам келтиради.

Муҳим жиҳати яна шундаки, олибсотар, одатда, битта бозорга жалб этилгандир. Агар хеджер реал товар бозорида қўлга киритилган фьючерс бозоридаги фойдаси билан ўз зарарларини қоплай олса, олибсотар фьючерс бозоридаги эҳтимолий йўқотишларга тайёр туриши лозим.

Биржада муддатли шартномаларини харид қиласр экан, олиб сотар кафолатли бадал тўлайди ва бу бадал юқорилиги риск даражасини аниқлайди.

Агар валюта курси пасайса, шартнома харид қилган олибсотар кафолатли бадалга тенг бўлган қийматни йўқотади. Мободо валюта курси ўssa, олибсотар кафолатли бадалга тенг бўлган қийматни ўзига қайтариб олади ва валюта курсларидаги фарқлардан ҳамда сотиб олинган шартномадан қўшимча даромад кўради.

Битимлар билан боғлиқ хатарлар, яъни валюта алмаштирувани кўзда тутувчи, нархлар сиёсати ёрдамида бошқарилиши мумкин. Бундан ташқари хатарга пулларни олиш ва тўлаш муддатлари муҳим таъсири кўрсатиш мумкин. Операцион валюта хатарлари пасайишнинг юқорида баён этилган ҳаракатларидан ташқари фирма, шунингдек, қўйидагича йўл тутиш ҳам мумкин –импорт вақтида тўлов амалга оширилган валютада счёт фактура товар харидорига ёзиб берилади.

Бироқ бу вариантлар доим ҳам қулай эмас харидор учун ва уларни бажариш қиймати.

Хеджерлашнинг аниқ усуллари қуйидагилардир:

- 1) Форвард валюта операциялари;
- 2) валюта фьючерслари;
- 3) валюта операциялари;

- 4) СВОП операциялари;
- 5) кредиторлик ва дебиторлик қарздорликнинг актив ва пассивларида тизимли балансировка;
- 6) тўлов муддатини ўзгартириш;
- 7) хорижий валютада кредитлаш ва инвестициялаш;
- 8) валюта қарздорлигига қайта тизимлаш;
- 9) параллел ссудалар;
- 10) лизинг;
- 11) хорижий валютада талабномаларни диспоитлаш;
- 12) «валюта жалтаси»ни кўллаш;
- 13) ўз-ўзини сугурталаш.

Валюта хеджерлаш усулларининг ҳаётга татбиқ этилишини алоҳида кўриб чиқамиз.

Валюта операцияларини хеджерлашнинг анъанавий ва кенг тарқалган тури бўлиб муддатли (форвард) битимлари ҳисобланади.

Муддатли контрактлардан бири бўлиб йирик мажус сироатларда савдо қилинадиган валюта фьючерслари ҳисобланади.

Валюта фьючерслари илк бор 1972 йили Чикаго валюта бозорида қўлланила бошланди. Валюта фьючерси – биржадаги муддатли битим бўлиб, унга асосан маълум валюта билгиланган курс бўйича битим имзоланаётган вақтдаги курс бўйича бирор вакъ ўтгандан кейин амал қиласиди.

Валюта фьючерслари форвард операцияларидан қуидагилари билан фарқланади:

1. Фьючерслар, бир стандарт контрактлар билан савдодир.
2. Фьючерснинг мажбурий шарт бўлиб кафолатли депозит ҳисобланади.
3. Контрагентлар билан ҳисоб-китоблар валюта биржасидаги клиринг палатаси орқали амалга оширилади, у ўз навбатида ҳам икки томон учун воситачи, ҳам битим кафолатчиси ҳисобланади.

Фьючерснинг форвард контрактидан афзаллиги шундаки, у юқори ликвиддир, ҳамда валюта биржасида доимо котировкасида туради. Фьючерс ёрдамида экспортёrlар ўз операцияларини хеджерлашлари мумкин.

Валюта фьючерсларининг хариди мижозлар билан бўладиган битимлардаги курс тебранишлари оқибатида юз берадиган зарарни четлаб ўтиш мумкин.

Фьючерслар бўйича спот битимлари банклараро йил ўн икки ой бўлиб ўтади. Мижозлар билан операциялар бўйича очик позицияларни (форвортлар, опционлар, своплар) банклар, одатда биржаси фьючерс бозорларида хеджерлашади.

Валюта фьючерслари бозорида хеджер бу – фьючерс контрактини харид қилаётган шахсадир- у спот бозорида хорижий валюта курси кўтарилигудек бўлса, у фьючерс битимида белгиланган тузукроқ нархда сотиб олиши кафолатланади. Шундай қилиб, спот битими бўйича заарлар хеджер томонидан фьючерс валюта бозорида хорижий валюта нархи кўтарилиши ёки аксинча бўлишидан фойда кўриши ҳисобига қопланади. Яна бир ёзилмаган қонунни айтиш керак – спот бозорида валюта доимо фьючерс контракти муддати амал қилиши яқинлашгани сайин фьючерс бозори курси билан яқинлашишга интилади.

Фьючерс битимининг бошқа кўриниши СВОПдир. СВОП битими бир валютани бошқа валютага маълум муддатга алмаштириб туриш ҳисобланию, ўз навбатида нақд спот ва муддатли форворт битимлари комбинациясини акс эттиради.

Иккала битим бир вақтда тузилади, унда муайян бир хил ҳамкорлар, олдиндан белгиланган курслар иштирок этади. СВОП валюта курси тебранишлари ва устама фоиз хатарларини бартараф этувчи восита сифатида кўлланилади.

СВОП битимлари банклар учун қулайдир, чунки қопланмаган валюта позициясини ташкил этмайди, банкларнинг хорижий валютадаги талаб ва мажбуриятлари мос тушади.

СВОП мақсадлари қўйидагилардир:

- халқаро ҳисоб-китоблар учун керакли валютага эгалик қилиш;
- валюта резервлари диверсификацияси сиёсатини амалга ошириш;
- жорий ҳисобларда маълум қолдиқларни ушлаб туриш;
- мижознинг хорижий валютага бўлган талабини қондириш ва бошқалар.

СВОП битимида айниқса, Марказий банклар кўп мурожат этишади. Улар СВОПдан валюта кризислари вақтида вақтингчалик валюта резервларини қувватлаш ва валюта интервенциясини ўtkазиш учун фойдаланадилар.

Валюта опционы – опцион харидори ва валюта стоувчи ўртасидаги битим бўлиб, унда опцион харидорига валютани

шартлашилган муддат оралиғида сотиш ёки харид қилиш хукуқини берадиган сотувчига бериладиган мукофотдир.

Сотувчи ўзини заар күришдан сұғурталамоқчи бўлган ҳолларда валюта опционлари қўлланилади, бунда валюта курсларининг ўзгариши мұхим аҳамиятга эга. Шундай қилиб, опцион контракти сотувчи учун мажбурий, харидор учун мажбурий бўлмайди.

Опцион, худди сұғурта битимиға ўхшаб, опцион сотувчисининг хатари ҳисобланадики, бу хатар унга экспортер ёки инвестор томонидан ўтиши мумкин. Шунинг учун опцион сотувчиси унинг курсини доимо камайтириб, мукофотни оширишга ҳаракат қиласадики, бу нарса харидорга қўл келмайди. Опцион ёрдамида хеджирлаш валюта курсининг ёмон тарзда ўзгаришидан муҳофаза этади. Камчилик шундаки, опцион мукофотлари учун ҳаражатлар тўланади.

Сўнгти вакътларда валюта фоизли ва инвестицион хатарларни сұғурталаш учун қўйидаги молиявий дастаклар қўлланилади: молиявий фьючерслар ва молиявий опционлар (қимматли қоғозлар билан опционлар), келгусидаги устама фоиз бўйича келишув, қўшимча сұгурута шартлари билан қимматли қоғозларни чиқариш ва бошқа. Сұғурталашнинг бу усуллари бозорларда рақобат курашидан аҳволи танг бўлган экспортер ва инвесторларга муайян мукофот пули эвазига ўзларининг валюта, кредит ва фоизли хатарларини банкларга ўтказиб юборишилари имконини беради, ваҳдоланики банклар учун эса бу хатарларни қабул қилиш фойда кўришининг бир йўлидир. Янги молиявий дастаклар билан операциялар, қоида тарикасида, шунинг учун жаҳон молия марказларида жамланганки, чунки қатор мамлакатларнинг қонунчилиги уларни қўллашни чеклаб турибди. Сұғурталашнинг бу усуллари тез ва кенг тараққий этајпти.

Форвард операциялари ёрдамида хеджерлаш бу томонларнинг белгиланган валюта курси бўйича олдиндан белгиланган санада валюта конверсиясини ўтказиши тушунилади. Муддатли ёки форвард контракти – бу икки томон учун (сотувчи ва харидор) мажбуриятдир, яъни сотувчи харидор олишга мажбур маълум валютани маълум курс бўйича маълум муддатда сотишга мажбурдир. Форвард операцияларининг қулагилиги шундаки, унда олдиндан ҳаражатлар бўлмайди ва курс бўйича салбий ўзгаришдан муҳофаза бўлади. Форвард

операцияларининг ноқулайлиги ҳақида гапирганда эса айтиш керакки, унда қўлга киритилмай қолиши мумкин бўлган фойда риски бўйича заарлар бўлиши мумкин. Форвард операциялари валюта рисклари суғуртаси тури сифатида форвард қопламаси билан фоизли арбитраж ўтказаётганда қўлланилади.

Фоизли арбитраж – бу шундай битимки, у валюта билан конверсияли (алмаштирув) ҳамда депозитар операцияни бирлаштиради, унда турди валюталар бўйича устама фоизи ҳисобидан фойда кўрилади. Фоизли арбитраж икки шаклга эга.

- форвард қопламасисиз;
- форвард қопламаси билан.

Форвард қопламасисиз фоизли арибитетраж- бу валютани жорий курс бўйича сотиб олиб, кейинчалик депозитга қўшиши ва депозит муддати тугагач, жорий курс бўйича қайтарма конверсия бўйича ҳарид қилишади.

Форвард қопламаси билан фоизли арбитраж – бу жорий курс бўйича валюта ҳарид қилиш уни муддатли депозитга жойлаштириш ва бир вақтда форвард курси бўйича сотиш. Бу фоизли арбитраж шакли валюта хатарларини келтириб чиқармайди.

Тизимли балансировкада актив ва пассивларни қўллаб-куватловчи шундай мақсад қўзланадики, валюта курсидаги ўзгаришлардаги заарларни фойдага ўзгариширади, бу бошқа банк позицияларидағи ўзгаришлардан олинган бўлади. Бу ўринда фойда ва заарлар акс этадиган валюта токчаларининг мувафиқ келтирилиши қўлланилади. Бошқача айтганда, хорижий валютани олиш ёки тўлашни истаб ҳар сафар контракт тузатганда корхона ёки банк ўша валютани танлаши керакки, у валюта унинг «очиқ» валюта позициларини (очиқ валюта позицияси – бу банкнинг хорижий валютада битим қилиш жараёнида талаб ва мажбуриятларининг тўғри келмаслиги) тўлиқ ёки қисман ёпишга ёрдам беради.

Тўлов муддати ўзгариши деб, ҳисоб-китобларни ўтказиши муддатлари устидан манипуляция қилишни англашиб, бу кўпинча валюта курслари ёки тўлов валютасидаги кескин ўзгаришлар эҳтимол туттилганда кузатилади. бу тактикага оид кўп қўлланадиган усуллар қуйидагилардир: товар ва жизматларга вактидан илгари тўловни амалга ошириш (валюта курси ва тўлов валютаси кўтарилиши эҳтимол қилинганда), ва аксинча, тўловни (курс тушиши кутилаётганда), фойда

репатркациясининг тезлашиши ёки секинлашуви, кредитлар асосий қийматининг сўндирилиши ва фоиз ҳамда дивидендлар тўланиши тўхтатиб туриш.

Хорижий валюта олувчининг мувофиқлаштирилиши конверсия муддатлари миллий валютада қўлга киритилган пул ва бошқалар.

Параллел ссудалар турли мамлакатларда жойлашган корхона ва банклар томонидан миллий валютада ўзаро кредитлаши тушунилади. Иккала ссуда бир вақт учун ажратилиди. Моҳиятига кўра бу турдаги ссудалар спот шартларида ва бир вақтнинг ўзида форвард сотуви билан валютани харид қилиш орқали спот битими деб қаралади, лекин хеджерлаш муддати шундай узоқ бўлиши мумкинки, бу муддат ҳатто форвард битимлари бозорларига хос эмасdir.

Хорижий валютада тўлов талабномаларини дисконтлаш векселларни дисконтлашнинг бир тури бўлиб, хорижий валютадаги қарздорликни талаб қилиш ҳукуқининг миллий валютада ёки бошқа валютада зудлик билан тўланишига алмашинуви деб тушуниш керак. Бундай операциялар форфетирлаш деб аталади. Факторинг операцияларидан фарқли ўлароқ банк (бу ўринда) барча тижорат хатарларини ўз зиммасига олган ҳолда (хусусан тўловга қобилиятсизлик хатарини ҳам) қийматга ва тўлиқ даврга векселларни сотиб олади, бу ўринда муомала ҳукуқи (ретресс), яъни аввалги мулкдорга тегишли бўлган ҳукуқ ҳисобга кирмайди. Анъанавий ҳисобдорликдан фарқи шундаки, форфетирлаш, одатда, йирик қийматга, тўлов узайтирилган (ярим йилдан 3 йилгача) жиҳозларни сотиб олишда қўлланилади ва банкнинг кафолатини (аввало) кўзда тутади.

“Валюта саватчasi” бу маълум пропорциядаги бир қанча валюталар йиғилмасидир. Агар бундай саватча хеджерлашда фойдаланилса, унга шу хилдаги валюталар киритиладики, уларнинг курси қарама-қарши ҳолатда «тебраниб», ўз оқимини мувозанатга солиб туради ва “саватча”даги умумий қийматни барқарорлаштириб боради.

Ўз-ўзини сугурталаш корхоналар ва банклар томонидан амалга оширилади, бунда улар мустақиллар ва хеджерлашнинг бошқа усуллари билан биргаликда рўёбга чиқараверадилар. Бунда шу нарса кўзланадики, валюта курси ўзгаришидан эҳтимол қилинган зарар қиймати олдиндан нархга кўтказилади

(агар бозор конъюктураси буни тақозо этса) ва сугурта жамғармаси ташкил этилиши учун фойдаланилади.¹

Саноат тараққий этган мамлакатларда ижтисослашган экспорт фирмалари инвестор ва экспортёларга малакали маслаҳат бериш билан шуғулланади. Бунда инвестицияларни ва хорижий валютадаги түловларни оптимал тарзда хеджерлаш бўйича ўз маслаҳатларини беришади (қачон, қайси муддатта, қайси валютада).

Бундан ташқари, банклар ҳам аналитик таҳлилчилар штатига эга бўлиб, ёки курслар ҳаракати бўйича таҳлилни кўриб туриб, мижозлар хатарларини бошқариш бўйича комплекс хизматлар тақдим этишади. Хеджерлаш жараёни муддатли битимлар бозоридаги талаб ва таклифга ўз таъсирини ўtkазади, бу билан баъзи турдаги валюталар курсига босим ўtkазилади, айниқса улар курсининг тебраниши ноаниқ бўлиб турганда кучли таъсир ўtkазади.

Валюта рискларини бошқаришининг яна бир тури валюта курслари ҳаракати таҳлилидир. Бу таҳлил фундаментал ва техник бўлади.

Фундаментал таҳлили таклифга асосланган бунда валюта курсларининг ўзгариши эмитенти бўлган давлатнинг макроиқтисодий ривожланишига боғлиқ. Фундаменталистлар деб ўзларини ҳисобловчи таҳлилчилар давлатларининг макроиқтисодий кўрсаткичларини узоқ кузатадилар ва валюта курсидаги ҳаракатларни узоқ келажак учун башорат қиладилар. Макроиқтисодий омиллар бор-йўғи 3-4 та валюта турига таъсир ўtkазиши мумкин. Ушбу курслар таҳлили учун, одатда, баъзавий кўрсаткичлар ва хорижий валюта курслари ўзгарши ўрганилади.

Техник таҳлил эса макроиқтисодий кўрсаткичлар қисқа муддатли ва ўрта келажакдаги валюта курсларида кам акс этади. Бундан ташқари валюта курсидаги ўзгаришларни математик тизим орқали аниқлаб, таҳлил этса бўлади.

Техник таҳлил валюта курси тебранишлари тенденциясини кузатади ва валютани сотиш ёки харид қилишга туртки беради.

¹ Жуков Е.Ф. «Банки и банковские операции». Москва ЮНИТИ 1997 г.

5-§. Валюта рискини баҳолаш усуллари ва рискни пасайтириш омиллари

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётта йўналтирилган молия тизими ўрнатилиш шароитида молиявий муносабатларни корхона даражасида (мувофиқлаштириш) механизми иқтисодий муносабатлар макрорегуляторлари каби мұхим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда молиявий менежмент фан сифатида яқиндагина ташкил топди, лекин шундай бўлсада, ҳозирги кунда у корхона ресурсларини рискни ҳисобга олиб, бошқаришнинг универсал воситаси сифатида тараққий топди.

Рискдан сугурталаш назариясига ўйинлар математик назарияси билан яхши киришган. Шуни назарда тутиб, риск назариясининг асосий тушунчаларига изоҳ бериб ўтиш лозим. Риск сўзи барча луғатларда «зарар эҳтимоли» маъносида таърифланади. Шундай қилиб, жавф-хатар амалга оширилган битим, келишув ёки бозорнинг бошқа транзакцияси натижасига қатъий ишонмасликни билдиради.

Бу табиий албатта, чунки тижоратда у ёки бу хўжалик операциялар хусусиятларидан келиб чиқадиган пул йўқотишлар жавфи доим мавжуд бўлган ва бўлади.

Умумий ҳолда рискни бошқариш деганда, кейинги зарар миқдорини чегаралашга олиб келадиган олдини олиш хатти-харакатлар конкрет тўплами ёрдамида фавқулотда вазиятлардаги жимояланишни англатади. Рискни бошқариш методи деганда, 2 турдаги хатти-харакатлар тушунилади: бир хил турдаги риск остидаги тадбиркорлар ўртасида заарларни қайта тақсимлаш, ёки сугурта фирмасига ёрдам учун мурожаат қилиш.

Рискни бошқаришнинг 5 методи ҳақида гапириш қабул қилинган:

- * воз кечиш;
- * огоҳлантириш;
- * контрол;
- * сугурталаш;
- * тан олиш.

Рискга тортилган амалдан воз кечиш тадбиркор томонидан мумкин ютуқни йўқотишни англаатади. Йўқотишлардан холис бўлиш ва хатарли контрактда фойда олиш – риск назариясининг олий қўлланиш мақсадидир. Йўқотишларни бир

сугурта ҳисобига оғоғлантириш хавф-хатардасында зарар күришни огоҳлантиришнинг энг паст даражаси. Инвестор рискчи «0»гача пасайтириш имконияти учун бир қисм даромаддағы воз кечишига, ҳаражат қилишига тайёр бўлади.

Заарни тан олиш биринчидан зарар суммаси кичик бўлганда қўлланилади. Иккинчидан, заарни тан олиш тури бўлиб риск диверсификацияси, яъни бир хавф-хатарни иккинчига айлантириш ёки бир рискни зарари камроқ бўлган бир неча турга «майдалаш» хизмат қилади.

Молиявий рискни бошқариш методлари амалга ошириш усулига кўра жисмоний ва иқтисодий ҳимояга ажратилади. Инвестор молиявий рискни пасайтиришнинг маълум бир турини танлаганида қўйидаги қоидалардан келиб чиқиб, иш тутиши лозим:

- ўз капиталидан кўпроқ капиталга таваккал қилиб бўлмайди;
- кичик иш учун катта маблағни рискга қўйиш мумкин эмас.

Мазкур принципларни амалиётда қўллаш шуни англатадики, аввал мазкур тур риск бўйича мавжуд бўлган максимал заарни ҳисоблаб чиқиб уни ўз капитали ҳажми билан таққослаш лозим, кейин эса эҳтимолни максимал заарни ўз молия ресурслар умумий ҳажми билан солитириш керак. Охирги босқичда эса мазкур риск банкротликка олиб келиш-келмаслигини аниқлаш лозим. Шундай қилиб, молиявий рискларни бошқаришда назариясининг барча жамиятлари иштирок этади: режалаштиришдан бошлаб то контролгача.

Валюта рискини баҳолаш ва бошқариш жараёни бта кетмакет босқичга ажратилиши мумкин:

- * мақсадни аниқлаш;
- * рискни аниқлаш;
- * рискни бошқариш;
- * рискни бошқариш методини танлаш;
- * бошқаришни амалга ошириш;
- * натижаларни чиқариш

Шундай қилиб, даромад ва ҳаражатлар турли валютада акс этадиган ҳар бир корхона валюта риски таъсири остига тушади. Шу сабабли, валюта курсининг фавқулотда пасайиши жуда катта ютуқча ёки зарага олиб келиши мумкин. Шундай экан, бу корхона ва ташкилотлар ўзларида валюта рискини баҳолаш

ҳамда бошқариш фаолиятини оптимал тарзда ташкил қилишлари лозим.

Фақатгина мазкур тизимлашган мақсадли тадбирлар орқали ҳалқаро операциялар иштирокчилари нафакат ўз даромадлари қийматини сақлашлари, балки кулай шароитда қўшимча даромадга ҳам эга бўлишлари мумкин бўлади. Бунинг учун, албатта, ҳар бир корхонада валюта рискини баҳолаш билан махсус экспер特 мутахассислар шуғуллансалар мақсадга мувофиқ бўлади.

Валюта рискини олдини олиш ёки ундан ҳимоя қилиш учун чет эл валютасининг қиймати кўтарилиш ёки кадрсизланиши рискидан турлича хеджирлаш усувлари тарқалмоқда. Валюта фьючерс битимлари хежирлаш усувларидан энг кенг тарқалгани ҳисобланади. Валюта фьючерс бўйича сотувчи белгиланган нарҳ бўйича чет эл валютасига келишилган суммасини белгиланган нарҳ бўйича чет эл валютасига келишилган суммасини белгиланган муддатда сотиш, харидор эса сотиб олиш мажбуриятини олади. Валютани сотиб олиш қимматининг кўтарилиши таваккалидан хеджирлаш ва битимни тўлашга олинган валюта қийматининг пасайишидан хежирлаш фарқ қилинади. Биринчи ҳолда, импортчи мижоз ўзини ташки савдо битими тўловини бажариш мақсадида чет эл валютасини сотиб олиш пайтидаги қиймат кўтарилиши таваккалидан ҳимоя қиласди. Импортчи тузилган битим бўйича экспортчига тўловни бажариш учун яқин келажакда чет эл валютасинини сотиб олиши зарурлигини олдиндан билиб, банк воситасидаги экспортчи билан ҳисоб-китоб қилиш пайтида уни қониқтирадиган муайян нарҳ бўйича фьючерсларни чет эл валютасида сотиб олади. Агар экспортчи билан ҳисоб-китоб қилиш муддати етгунча қадар чет эл валютасининг нархи ёки курси кўтарилса, импортчи ўша ўзи сотиб олган фьючерс битимни юқори курс бўйича сотади. Олинган фойда экспортчи билан ҳисоб-китоб қилиш пайтида энди амалда сотиб оладиган чет эл валютасининг юқори қийматини қоплайди. Олинадиган чет эл валютасининг юқори қийматини қоплайди. Олинадиган чет эл валютасини қийматининг кутиладиган пасайиши рискидан ҳимоя қилиш лозим бўлган ҳолда экспортчи олдинига фьючерс битимини ҳали ҳам юқори нарҳда сотади. Сўнгра худди кутилганидек, чет эл валютанинг жорий курси ҳақиқатдан ҳам пасайганда экспортчи фьючерс валюта битимини энди нисбатан арzon нарҳда сотиб

олади. Олинган фойда имконидан амалда олинган чет эл валютасининг пасайган қийматини қоплади.

Валюта рискидан ҳимоя қилишнинг юқорида баён қилинган усулидан бошқа усуллар ҳам мавжуд – валюта опционы, валюта своплари, форвард битимлар.

Валюта рискини пасайтириш усулларида алоҳида-алоҳида тўхталиши лозим топдим.

Форвард шартномаси.

Муддатли валюта шартномалари бир неча турдан иборат. Форвард шартномаси уларнинг кўринишларидан биридир. Форвард одатда 6 ойга, яъни асосан 1 йилгача муддатга тузиладиган шартномадир. Унинг асосий иштирокчилари тижорат банки ва мижоз.

Форвард шартномасининг асосини фор курси ташкил этади.

$$\begin{array}{c} \text{Спот} \quad + \quad \text{мукофот} \\ \text{Форвард курси} = \\ \text{курси} \quad - \quad \text{дисконт} \end{array}$$

Мукофот ва дисконт услуби орқали аниқланган курс «аутрайт» курси деб аталади.

Муддатига қараб форвард курслари – 1 ойлик, 2 ойлик, 3 ойлик ва хоказо, 1 йилгача курслар бўлиши мумкин. Агарда спот операциясининг асосий мақсади сотиб олиш ва сотиш баҳоси фарқи сифатида фойда омил бўлса, форвард операциясининг мақсади – бу валюта хавфхатаридан ҳимоялаш, яъни хеджерлаш.

Форвард операцияси – бу муддатли валюта операцияси бўлиб шартнома 1 йилгача бўлган муддатга тузилади, аммо курс эса шартнома тузилган кунда белгиланади. Шартноманинг ижроси эса белгиланган муддатда амалга ошади. Масалан, мижоз банк билан 1000000 АҚШ долларни сотиб олишга форвард шартлари асосида 3 ойлик шартнома тузган бўлса, яъни 1 январда тузилган шартнома асосида 30 марта 1000000 АҚШ долларни етказиб бериш шарти билан. Унда банк 1 январда мижоздан 3 ойлик форвард курси асосида 1000000 АҚШ долларга эквивалент бўлган сўмларни олади. Шартнома муддати етганда эса, мижозга 1000000 АҚШ долларни етказиб беради.

Амалиётда форвард курслари олдиндан муддатларига қараб банкда ҳисобланган бўлади, ва кўпинча валюталарни бир-

бирига дисконт ёки мукофот котировка қилинишига ва котировка услубларига эътибор берилади. Форвард курси заминида спот курси ётади Масалан, АҚШ доллар GBPга нисбатан мукофот билан котировка қилинганды спот курсига мукофот қўшилади, агарда котировка тўғри бўлса, ва айрилади агарда котировка тескари бўлса.

Тўғри котировкада мукофот спот курсга қўшилади, дисконт эса айрилади. Тескари котировкада мукофот спот курсдан айрилади, дисконт эса қўшилади. Форвард шартномаларига зарурат асосан, экспорт ва импортерларда туғилади, ҳамда бу зарурат валюта курсини ўзгариши билан боғлиқ ризк туфайлидир.

Мисол. Швейцариялик экспортчи 1000000 АҚШ доллар ҳажмида валюта тушумини олган ва шу тушум 30 кун мобайнида бўш бўлганилиги сабабли валюта курси ўзгариши рискидан ўзини ҳимля қилиш мақсадида экспортчи 1000000 АҚШ долларни банкка 30 кунга форвард шартлари асосида сотишга қарор қиласди.

Бозордаги шароит

Спот курс: АҚШ доллар/CHF	1,8410	1,8425
3 ойлик % ставка (евро\$)	7	71/8
CHF бўйича 3 ойлик % ставка	45/8	47/8

Шартнома муддати – 94 кун

1. Швейцариялик банк мижоздан 1000000 АҚШ долларни 94 кундан сўнг CHF эвазига аниқланиши керак бўлган курс асосида етказиб бериш шартли билан олади.

2. Банк валюта рискини бартараф этиш мақсадида, шу заҳоти АҚШ долларни CHFга Нью-Йоркга 1,8410 бозор курси спот шартлари асосида сотиб юборади.

3. Банк ўз мажбуриятлари бўйича жавоб бера олмаслик рискининг олдини олиш мақсадида тўлов муддатларидан келиб чиқсан ҳолда:

а) 1000000 АҚШ долларни Евродоллар бозорида 3 ойга 71/8 % устида қарзга (кредит) олади.

б) бу суммани CHFга айлантириб 3 ойга 45/8% устидан депозитга қўяди.

4. Бу операциялар банкка 1 йилда қўйидагича тушади:

$$\frac{(4 \frac{5}{8} - 7 \frac{1}{8}) \times 1.8410}{100 \times 360} = -0.0460 \text{ CHF}$$

3 ойга эса бу қўйидагини ташкил этади

$$\frac{0,0460 \times 90}{360} = -0,0012 \quad \text{CHF}$$

5. Евродолларда олинган кредит бўйича харажат:

$$\frac{1000000 \times 7 \frac{1}{8} \times 94}{100 \times 360} = 18617 \quad \text{USD}$$

6. Швейцария франкидаги (CHF) депозитга даромад:

$$\frac{1841000 \times 4 \frac{5}{8} \times 94}{100 \times 360} = 22256,67 \quad \text{CHF}$$

7. Тахминий форвард курси = $1,8410 - 0,012 = 1,8290$

8. $18617 \times 1,8290 = 34050$ CHF, яъни кредит харажатлари АҚШ доллардан CHFr'a айлантирилади.

9. $1841000 - 34050 + 22256,67 = 1829206,67$ CHF

10. $\frac{1829206,67 \text{ CHF}}{1000000 \text{ USD}} = 1,8292$

Фарқи – 0,0118 дисконт, яъни спот билан форвард курсининг фарқи.

Фьючерс шартномалари.

Фьючерс операциялари муддатли валюта операциялари туркумига киради. Фьючерс операциялари – муддатли валюта операциялар бўлиб, шартноманинг курси шартнома тузилаётган пайтда қайд этилади, шартноманинг ўзи эса келгусидаги маълум бир санада акс этади. Шартнома иштирокчилари бўлиб сотувчи ва сотиб олувчилар бўлиб, улар шартларга асосан бўлак тўловини кафолат сифатида тўлайдилар. Иштирокчилар орасидаги ҳисоб-китоблар клиринг палатаси орқали амалга оширилди. Фьючерс шартномаларининг мақсади товар етказиб бериш эмас, балки хеджерлашдир.

Молиявий фьючерс 70-йилларнинг бошида пайдо бўлган. Бундай фьючерсларни олди-сотидисига воситачи сифатида майдонга биржа чиқади.

Биржадаги маржа тизими ҳосил бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай камомадни қоплаш имконини беради. Мазкур маржанинг манбаси-иштирокчилар бадалларидир. Бадаллар иштирокчилар томонидан шартнома амалга ошгунга қадар биржага тўланади. Масалан, 25000 АҚШ доллар қўйматига эга контрактни тузиш учун 1500 АҚШ доллар ҳажмида бўнек ҳосил қилиш зарур, ҳам сотувчи ҳам сотиб олувчи томонидан.

Мисол. Сотиб олувчи биржа воситачиси орқали 25000 GBP қўйматга эга контактни сотиб олмоқчи. Ижроси жорий йилнинг декабр ойида (ойнинг 3-чоршанбаси ёки ундан кейинги биринчи

иш куни). Шартнома курси 1 GBP=2 АҚШ доллар, бу ердаги контактнинг қиймати 50000 АҚШ доллар. Бунга кўра, сотиб олувчи фирмага 1500 АҚШ доллар ҳажмида бўнак тўйлайди. Биржа ҳар савдо кунининг оҳирида контрактларни савдо кунининг оҳирида контрактларни қайта баҳолашни амалга оширилади. Биржа ёпилишига бўлган курс асосида. Агар биржа ёпилишига 1,98 АҚШ долларгача пасайиб кетса, сотиб олувчи 500 АҚШ доллар ҳажмида зарар кўради. Бундай ҳолатда биржа сотиб олувчидан суғурта маржасини тўлашини талаб қилмай ди. Чунки бунинг кўрган зарари тўланган бўнак ҳажмидан катта эмас. Маржанинг қолган 1000 АҚШ доллардаги ҳажми келгуси операция кунига ўтади ва ўтувчи маржа бўлиб ҳисобланади. Бироқ GBP янада қадрсизланиб, 1 GBP=1,95 АҚШ долларгача тушиб кетса, унда контрактнинг баҳоси 48750 АҚШ долларга тенг бўлиб қолади ва сотиб олувчи бу ҳолда биржани эртаси кун очилишига қадар бўлак сифатида 250 АҚШ долларни ўтказишига мажбути бўлади. Мақсад ўзининг суғурта маржаси ҳажмини 1000 АҚШ долларгача етказиши. Аксинча бўлганда эса, яъни контрактни кунлик қайта баҳоланишлари оқибатида фойда хосил бўлса, ўтадиган маржани минимум ҳажми сақланган ҳолда у сотиб олувчи ҳисоб рақамига ўтказилиб юборилади.

Шундай қилиб марта тизими биржага савдо кунининг оҳириша барча ижро этилмаган контрактларни қайта баҳолаш имконини беради.

Мисол. Компания З ойдан сўнг кредит олиш зарар ва З ойдан сўнгти кредитни олиш санаси газнахона векселлари бўйича фьючерс контракти бўйича ҳисоб-китоб санасига тўғри келади.

Векселлар бўйича даромад йиллик 13 %ни ташкил этади. Қарзнинг баҳоси эса йиллик 15 %ни ташкил этади. Агарда қарз олувчи бозордаги келгусидаги вазиятни кўра била олса ва фоиз ставкалари 2003 йилдан сўнг 17 ва ундан юқори фоизларга ўсиб кетишини кўра билолса, у сўзсиз бир ойдан сўнг етказиб бериш шарти билан ёки бир нечта газнахона векселларини сотишига қарор қиласди. Йиллик 13 % баҳосида З ойдан сўнг етказиб бериш шарти билан. Сотувчининг тахминлари тўғри чиқиб векселлари бўйича даромад йиллик 15 %га кўтарилса қарз баҳоси эса йиллик 17 %гача кўтарилса, унда қарзни олиш ва газнахона векселларини сотиши муддати келганда у йиллик 2 %ни тежаб қолади ва қарз бўйича ўз харажатларини йиллик 15

% атрофида мувоғиқлаштиради. Мисол шартидан күриниб турибидики, бозордаги амал қилаёттан фоиз ставкалари қанчалик ююри бўлса ғазнахона вексели бўйича даромад ва қарз бўйича ҳаражат фарқа, яъни маржа шунчалик катта бўлади. Ғазнахона векселлари бўйича даромад йиллик 13% бўлгандан қарзлар бўйича ўртача йиллик фоиз ставкалари 15 % атрофида бўлади.

Опцион шартномалари

Одатда, кўшимчалар сифатидаги мукофот ёки дисконтлар контрагентларни шу соҳа бўйича қанчалик маълумотга эга бўлганлигига боғлиқ ва улар шартнома предмети бўлиб ҳисобланади. Бунинг муносабати билан бу ерда мухим аҳамияти билан опцион шартномалар касб этади.

Опцион – лотингча сўздан олинган бўлиб, танлов маъносини билдиради. Опцион – маълум бир активни шартномада қайд этилган баҳода олдиндан келишилган санада ёки келишилган маълум бир давр ичидаги сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқини (сотиб олувчи опционы учун) бошқа берилishi ҳақидаги 2 тарафлама шартномадир.

45-жадвал

Валюта опционы – қуийдаги шаклга эга бўлган 2 брокер
(диллер) орасидаги шартнома

Давр	Мижоз рақами
Опцион	
иштирокчи	контрагент
сотиб олиш	сотиш
Контракт	етказиш вақти тури
страйк баҳо	мукофот сони

Шартнома бўйича бир брокер ёзиб опционынни бошқа брокерга беради. Бошқа брокер эса уни сотиб олади ва опционынни шартлари кўзда тутган муддат ичидаги уни (страйк баҳо) ўрнатилган курс асосида опционынни ёзиб берган шахсдан (сотиб олувчи опционы) маълум бир миждордаги валютани сотиб олиш ёки унга бу валютани сотиш (сотувчи опционы) ҳуқуқига эга бўлади.

Шундай қилиб опционал сотувчини валютани сотишга (ёки сотиб олишга) мажбур, опционынни сотиб олувчи шахс эса буни қилиш шарт эмас, яъни у валютани сотиб олиши ёки сотиб олмаслиги мумкин. демак, опцион сотиб олувчини алмашув

курсини келишилган (страйк) баҳодан ошиқ ёқимсиз ўзгаришдан ҳимоя қилувчи валюта рискларини суғурта қилишни шаклидир. Опцион унга агарда алмашув курс «страйк» баҳодан ошиқ унга ёқимли тарафга ўзгарса даромад олиш имконини беради.

Опционни «страйк» баҳога нисбатан алмашув (жорий) курсини ўсиши «апсайт» деб аталади, яъни инглизчада «юкори томони». Унинг «страйк» баҳога нисбатан пасайиши эса «даунсайт» деб аталади.

Опционнинг 3 тури мавжуд:

1. Сотиб олишга опцион – бу опционни сотиб оловчи шахсни валюта курсининг ўзиш хавфидан (ёки маълум бир санага ҳисоб-китоб қилишдан) ўзини ҳимоя қилиш мақсадида унинг мазкур валютани сотиб олиш (ёки ҳисоб-китобни амалга ошириш) ҳуқуқидир (мажбурияти эмас).

2. Сотишга опцион – бу опционни сотиб олган шахсни валюта қадрсизланышдан ўзини ҳимоя қилиш мақсадида шу опционни сотишга (ёки маълум санага ҳисоб-китоб қилиш) ҳуқуқини (мажбуриятини) билдиради.

3. Опцион – стеллаж. Бу опцион эгасига валютани базис баҳоси бўйича сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқини беради (бир вақтнинг ўзида сотиб олиш ва сотишни эмас).

Опционда унинг муддати кўрсатилади. Опционнинг муддати – бу сана ёки маълум бир давр бўлиб, сана ёки давр муҳлати ўтиб кетса мазкур опционни ишлатиб бўлмайди.

Амалиётда опционни 2 усули мавжуд: европача ва америкача.

Европача стилда опцион фақат маълум бир белгиланган санага ишлатилиши мумкин.

Америкача усулда опцион даврининг исталган пайтида ишлатилиши мумкин.

Опцион ўз курсига эга. Опцион курси бу страйл баҳодир. Бу валютани сотиб олиш ёки сотиш мумкин бўлган баҳодир. Опционни сотиб оловчи шахс опционни сотувчи ёки уни ёзиб берган шахсга мукофот, деб аталувчи комиссия ҳақини тўлайди. Мукофот – бу опционнинг баҳосидир. Опционни сотиб оловчи шахснинг хавф-хатари шу мукофот миқдори билан чекланади, ўз навбатида опционни сотувчи шахснинг риски эса олинган мукофот миқдорига камаяди. Опционга эгалик қилиш уни сотиб олган шахсга олдиндан билиб бўлмайдиган келгусидаги ўзгаришлардан ўзини ҳимоя қилиш имконини беради. Опцион

шартномаси опцион эгаси учун ижро этилиши мажбурий бўлган шартнома эмас. Шунинг учун ҳам, агарда, опцион амалга ошмаса эгаси уни бериб юбориши ёки ишлатмасдан қолдириши мумкин.

Сотиб олишга опцион эгасига валютани нисюатан паст курсда сотиб олиш ва даромад олиш ҳуқуқини беради. бу даромад қўйидаги формула асосида аниқланади.

$$D = (R_1 - R_0) \times n - K \cdot n$$

$$D = (R_1 - R_0 - K) \times n$$

Бу ерда: D - сотиб олишга опциондан келадиган даромад
 R_1 - опцион ижроси пайтидаги бозордаги валюта курси
 R_0 - страйлк баҳо (валютани сотиб олишга опцион курси)
K - опцион мукофоти
n - опцион бўйича сотиб олинаётган валюта миқдори
Своп шартномаси.

«Своп» операцияси - бу ҳисоб-китоб саналари турлича бўлган, тахминан, тенг ҳажмидаги хорижий валютани бир вақтнинг ўзида сотилиши ва сотиб олишидир. «Своп» - бу валютани сўнгти сотув кафолати билан вақтингчалик сотиб олиш. Амалиётда «своп» бир вақтнинг ўзида валюта алмашуви билан боғлиқ 2 алоҳида контрактни имзоланишини кўзда тутади. Бу контрактлар қарама-қарши йўналишларга ва турли ҳисоб-китоб саналарига эга. Бу контрактларни бири бўйича, биринчи валюта иккингчи валюта ҳисобига маълум бир санада етказиб бериш шарти билан сотиб олинади. Иккинчи контракт бўйича, 1-валюта 2 валютага бошқа санада етказиб бериш шарти билан сотиб юборилади. Своп валюта операцияларини кўп ҳолларда банклар амалга оширади.

Валюта курсларини прогнозлашдаги муаммолар.

Акциялар нарҳи каби валюта курслари ҳам турли хил «янгиликлар», яъни кутилмаган иқтисодий ва сиёсий воқеалардан таъсирланади, шунинг учун ҳам акциялар нарҳлари каби валюта курсларини прогнозлаш жуда қийин. Кўнглилк фирмалар валюта курслари прогнозларини индивидуал инвесторлар, халқаро корпорациялар ва валюта бозорида молиявий қизиқишига эга бўлган бошқа агентларга сотадилар.

Нью-Йорк Университетидан Ричард М.Левич ўзининг таникли изланишда 1982 йилда валюта курслари прогнози билан шугулланган бир қатор компаниялар фаолиятлари таҳлилини

амалга оширган. Таҳлил натижасида, профессионал прогнозчиларнинг прогнозлари тизимлашган тарзда тўғри берилишини исботловчи етарли далил топа олмади. Лекин, бу форвард курслари аниқ прогноз дегани эмас албатта.

Левичнинг ўтказган анализи билан қисқача танишиш натижасида мен шундай хуносага келдимки, валюта курсига кутилмаган «янгиликлар» бугунги кунда устун даражада таъсир кўрсатади, ва бунинг натижасида валюта курсларини деярли прогноз қилиб бўлмайди.

6-§. Валюта рискларини бошқариш билан боғлиқ муаммолар ва уларни олдини олиши

Валюта рискларини бошқариш билан боғлиқ муаммоларни ўрганиши ва уларнинг ечимларини топиш, банк тизимини янада барқарор бўлишини таъминлайди. Бугунги кунда тижорат банклари томонидан иқтисодиётни барча тармоқларини инвестициялаш жараёни ички ва ташки маблағлар билан таъминланмоқда. Бунда хорижий кредит линиялар бўйича ҳам турли операциялар бажарилмоқда. Бу жараёнда албатта валюта рискларини эътиборга олиш банкнинг молиявий барқарорлигига таъсирини ўтказмай қолмайди. Банкларни хорижий валютада амалга оширадиган операциялари янада кўпайиб боради.

Валюта рискларини бошқариш муаммолари.

Хорижий валютада операциялар ўтказаёттан банк иккита рискга дуч келади:

- ❖ Валюта курсларидаги салбий харакат ёки устама фоизларининг очиқ позицияларига таъсири;
- ❖ Иккинчи томоннинг спот, форвард ёки депозит мажбуриятлари бўйича мажбуриятлари имзоланишидан олдин банкрот бўлиши.

Бир қанча иирик банклар томонидан кўрилган заарлар бу харакатларни қуидаги икки омил билан таснифлаш мумкинлигини кўрсатади.

- Бошқарув ёки банк бош бошқарувчисининг тўлиқ хабардорлиги ёки вакиллигида бажариладиган операциялар;
- Банк бошқаруви ваколатсиз ёки ваколатидан ташқари тарзда хорижий валюта операциялари бўлими дилерлари томонидан бажариладиган операциялар.

Бундан ташқари олиб-сотарлик ҳолатлари кўп бўлган ҳолларда бизнес ҳажми ҳам кўпроқ бўлган.

Демак, банкнинг халқаро бозорда юритиши мумкин бўлган бизнеси умумий ҳажми унинг нуфузи, ўрин-мавқеига боғлиқ экан, қолаверса, тўловга қобилиятилилигига алоқадор экан, унда бозорнинг бошқа иштирокчилари учун уларнинг шубҳали стандартлари нимага асосланishiни аниқлашиб бўлмайди.

Олиб-сотарлик холатларининг кўз очиб юмгунча қисқа давр оралиғида вужудга келиши, қолаверса ҳеч бир шубҳа тугдирмаган тарзда вужудга келиши доирасида шахсий операциялар ҳажмини одатдаги дилинг битимлари сирасига киритиш нотўғри бўлади.

Дилингнинг бу аспектлари, яъни иккинчи томонга битимларни ёки корреспондент-банкка дилинг операциялари мавжудлиги тўғрисида кўрсатма бериши ва бунга ваколат олинмагани кўрсатилса, бу ҳолатлар қўйидагича аниқланиши мумкин:

- банк ёки бўлим учун одатий тусдагидан фарқли ўлароқ савдонинг бирдан кўратирилиб кетиши, лекин шуни ҳисобга олиш керакки, агар йирик банклар назарда тутилаётган бўлса юқорида эслатилганидек, унда шубҳали огохлантириш бўлиши мумкин;

- банкнинг кореспондент-банклар билан клиринг ҳисоби муомаласининг кўпайиши тақозо этилади, айниқса, овердрафтларнинг хусусий тарзда тақдим этилиши.

Клиринг ҳисоблари бўйича муомала бир қанча битимларининг умумий қийматини акс эттирад экан, у бошқа томонларда шубҳа уйғотмаслиги керак. Бу жуда фойдали битим бўлиши мумкин.

Дилинг ўтказишининг одатдаги шаклиниң ўзгартирилиши. Очиқ позициялар фақатгина валюталар форвард асосида келтирилсанни мумкин, лекин валюталар спот бўйича сотилса ёки олинса ҳам қўлланилади, бунда валюта кундан кунга ва қисқа давр оралиғида алмаштирилиши шарт бўлади. Бундай операциялар уларнинг бозорда кўпайишига олиб келади, шунингдек клиринг ҳисоблари бўйича муомалада бўлишини кўпайтиради. Йўқотиш хатари банк муддатли валюта операциялари бўйича нетто позицияни олиб бораётганда юзага келиши мумкин. Бу ерда соф очиқ позиция йўқ, чунки ҳариднинг умумий қиймати сотувнинг умумий қийматига мувофиқ келади, лекин мос келмайдиган форвард операциялар муддати бўйича хатарлар мавжуд бўлади:

- битим бўйича, айниқса форвард операциялари бўйича тасдиқ олмаслиқ;
- тўйламайдиган контракт тасдиғи бўйича аризага қоникарли жавоб олмаслиқ;
- бозорга номувофиқ бўлган даражада ўрнатилган нархларда битимларни ўтказишга хоҳиш билдириш

Своп операциялари учун спот устамаларини кўллашни сўраш. Форвард контракти учун муддат етиб келаётганида банк муддатни узайтириш учун спот бўйича жорий ставкага мурожаат қилиб, контрактни бекор қилиши мумкин. Бунда муддат тугайди ва форвард бўйича янги ставкаси асосида белгиланади.

Валюта рисклари даражасини икки усули қўлаган ҳолда камайтириш мумкин:

- валюта нархини тўғри танлаш;
- валюта позицияларини контрактлар бўйича мувофиқлаштириш.

Валюта нархини тўғри танлаш усули ташки иқтисодий контрактда нархлар шундай валютада белгиланади, ундаги курс ўзгариши муайян ташкилот учун фойдали бўлиши керак. Экспортёр учун бу «кучли» валюта ҳисобланади, яъни контракт муддати давомида унинг курси ошиб тўлагани маъқул. Импортёр учун эса «кучсиз» валюта керак бўлиб, унинг учун курс тушиб турган маъқуллар. Шуни айтиш жоизки, валюта курсини тахмин қилиш бор-йўғи 70%га тўғри чиқиши мумкин. Бундан ташқари томонларнинг манфаатлари зид келгани учун доим ҳам мос валютани қидириб топиш осон кечмайди. Шунинг учун валюта танланаётганда шартноманинг қайсиadir банди бўйича ён босишига тўғри келади (нарх, кредит, таъминот ва б.), бу эса доим ҳам манфаатли эмас).

Валюта позицияларини мувофиқлаштириш усули турли давлатлардан бўлган ҳамкорлар билан тузилаётган ташки иқтисодий битимлар вақтида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузилиши мумкин. Бунда пул талаблари ва мажбуриятлари бўйича барқарорлик таъминланиши мумкин ва бунда икки усул бор:

- экспорт ва импорт битимлари бўйича контрактлар имзоланаётганда улар бир валютада ва тўлов муддатлари бир хиллашган бўлиши назорат қилинади. Бунда экспорт бўйича курсдаги ўзгаришлардан кўрилган зарар импорт ҳисобига

қопланади ва аксинча;

- агар юритувчи субъект биргина ташки иқтисодий фаолиятга ихтисослашса, унда валюта тизими диверсификацияси мақсадга мувофиқдир, яни қарама-қарши ўзгариш тенденциясига эга бўлган тур валюталарининг кўлланиши мумкин.

Валюта рискларини олдини олишнинг яна бир тури бу валюта опционларидан фойдаланишдир. Валюта опционы бу қимматбаҳо қоз бўлиб, у ўз эгаси маълум миқдордаги валютани белгиланган курс бўйича белгиланган вақтда сотиш ёки сотиб олиш хуқуқини беради. Форвард битимларидан фарқли равишда валюта опционлари ўз эгасига мажбурият юклайди. Валюта опционнинг икки тури мавжуд:

- а) колл опцион;
- в) пут опцион.

Кол опцион валютани сотиб олиш хуқуқини беради. Пут опцион эса валюталарни сотиш хуқуқини беради.

Опционнинг икки хил стандарти мавжуд:

- а) европача опцион, бунда опцион эгаси муддати тутагандан сўнггина уни ишлатиш хуқуқига эга;
- б) америкача опцион, бунда опцион эгаси опциондан битим даври мобайнида холаган вақтда ойдаланиши мумкин.

Валюта рискларини бартараф қилишда валюта опционидан фойдаланила бошланига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Валюта опционидан фойдаланишини қўйидаги мисолда кўришимиз мумкин:

Айтайлик, америкалик экспортер алмашув курси 19000 долл. ф.ст. бўлган актда англиялик импортерга 1000000 ф.ст. суммадаги товарни сотишга карор қилди. Худди шу пайтда Филадельфия фонд биржасига келди ва уларги фунт стерлингни сотиб эвазига доллар олиш бўйича опцион шартномасини имзолади ва 25000 доллар миқдорида мукофот тўлади. Импортердан 1000000 ф.ст. олиш вақтида экспортер опционни (унга) сотиш ёки сотмасликни ҳал қилиш керак. Агар жорий алмашув курси 19000 дол. ф.ст. дан юкори бўлса, экспортер опциондан воз кечади, чунки у фунт стерлингдаги пулларини бозор курсида конвертрлаб кўпроқ маблағга эга бўлади. Тўғри у 25000 доллар йўқотади: лекин бу сумма суғурта ролини бажаради.

Агар алмашув курси 19000 долл. ф.ст. дан тушиб кетса

олайлик 18000 дол.ст.га экспортер опциондан фойдаланади ва фунт стерлингни келишилган курс бўйича, яъни 19000 долл. ф.ст. дан алмаштирилади. Унинг ҳисобрақамига 25000 доллар мукофот тўлаганлиги ҳисобига 1900000 доллар келиб тушади.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки тушумлар (тўловлар) қанча ва қачон келиб тушиши аниқ бўлган ҳолатда фирмалар форвард битимларидан фойдаланишади. Акс ҳолда опционлардан кўпроқ фойдаланилади. Опцион форвард шартномаларига қараганда қимматроқ молиявий инструмент ҳисоблансада, валюта бозорлари нобарқарор бўлган ҳолатларда асосан опционлар қўлланилади.

XIII боб. Жаҳон валюта бозорининг жаҳон иқтисодиётидаги тутган ўрни

1-§. Олтин ва унинг иқтисодиётдаги тарихий роли

Олтиннинг пул сифатида мавқенини олиши бир неча босқичларда ривожланиш ва тараққиётни ўзида гавдалантиради.

Ушбу металл, барчани сеҳрловчи ва ўзига тортувчи кучга эга. Қадимий ва ўрта асрлар дунёсида «олтин» сўзи бекиёс куч-қудрат ва шон-шуҳрат синоними сифатида қўлланилган. Ба ҳеч қандай бошқа металл инсоният тарихида бунчалик бекиёс роль ўйнамаган. Унга эгалик қилиш учун қонли жанглар олиб борилган, ҳукмдорлар ағдарилигана, бутун давлатлар ва халқлар босиб олинган, вайрон қилиниб, оғир жиноятлар содир этилган. Ушбу жозибадор сарик металл инсонларни ўзига жалб қилиши билан бирга уларга анча ташвиш ва бесарамжонлик келтиради.

Айирбошлаш жараёнининг ривожланишида инсонларни ўзига маҳлиё қилган, мавжуд барча товарлар ичидаги умумий эквивалент сифатида ажралиб чиққан, ўзининг сифати ва жозибаси, тез әгилувчанлиги ва осон бўлакларга бўлиниши ва бирлашиши, бошқа товарларга нисбатан ҳатти-ҳаракат талаб қилиб, кўп қийматни ифода қилиши ва бошқа ижобий хусусиятларида устунликка эга бўлган олтин ажралиб чиққан.

Инсоният олтиндан 6000 йилдан бери фойдаланиб келмоқда. Шундай экан, олтин тарихини цивилизация тарихи, деб ҳисобласак ҳам бўлади. Пулнинг айрим хислатларини бу металл қадимги дунёning кўпроқ ривожланган ҳудудларида бундан 4-4,5 минг йиллар илгари ўзида акс эттиради, ундан биринчи танга пуллар эса, тахминан, 2,5 минг йиллар олдин пайдо бўлди. Унинг ватани Лидия-Кичик Осиёning гарбий қисмида жойлашган қудратли давлат бўлди. Лидия, Греция ўзининг шарқий қўшинлари билан жуда кенг савдо ишларини олиб борди. Савдо-сотик ишларда ҳисоб-китобни қулайлаштириш мақсадида лидияликлар зарб қилинган олтин танга - Лидия бош ҳудоси Бемарий тимсоли бўлмиш югураётган тулки тасвирланган статер муомалага киритилди. Лидия Эрон шохи Кир

томонидан босиб олингандан сўнг, олтин тангалар Яқин ва Узоқ Шарқнинг бошқа мамлакатларида ҳам зарб килина бошланди. Масалан, Эрон шохи Доро 1нинг камондан ўқ отаётган сурат тасвирланган олтин тангалари кенг тарқалган.

Олтиннинг пул сифатидаги ҳаёти шундай бошланди. Универсал тўлов воситаси сифатида у бутун дунёда бир-бирига умуман боғлиқ бўлмаган Америкадаги инклар ва ацтеклар давлатидан - Япония ва Хитой империясигача қўлланила бошланди. Олтиннинг бунчалик жозибадорлигига ва оммавийлашганига сабаб нимада?

Албатта, гап фақатгина деярли сеҳрловчи ташқи кўринишидагина эмас, физик хусусиятларида ҳамдир. Олтин - бир жинсли, пластик, жуда майда зарраларигача бўйинадиган, химик ва физик инерт (бу унинг узоқ абадийлигини билдиради) ва компакт моддадир. Ниҳоят, нисбатан табиатда кам учраши ва қийинчилик билан эришилиши (айниқса, қадимги ва ўрта асрлар технологияси шароитида) уни идеал «хазина» сифатида намоён қилди. Узок вақт давомида олтинни роли ўзгармас ва беқиёс бўлиб келди ва уни бойлик ва бахт-саодат рамзи сифатида намоён қилди.

Бироқ, тарихимизнинг иккинчи минг йиллари сўнгига келиб, олтиннинг ролида демонитизацияция кўринишида қатор амалий ўзгаришлар содир бўлди. Олтиннинг демонитизацияси - пул функциясини доимий равишда йўқотиб боришидир. Олтиннинг муомаладан аста-секинлик билан чиқиб кетиши ва унинг ўрнига қоғоз пул бирликлари кенг тарқалган XІІІ-XІХ асрларда ёқ бошланган эди.

Олтин демонитизацияси объектив ва субъектив сабабларга асосланган:

1. Олтин захираларининг камайиши (уни қазиб олишнинг қийинлашуви);
2. Олтин танга пулларнинг қўлдан-қўлга ўтиши натижасида ёйилиши ва улар оғирлигининг камайиши;
3. Олтин тангаларнинг таркибининг бузилиши (танга таркибида олтиндан кўра бошқа, турли металларнинг аралашмасининг салмоғини кўпайиши);
4. Давлат харажатларини (бюджет дефицитини) қоплаш учун қоғоз пулларни чиқариши заруриятининг юзага келиши;
5. Олтин пуллар замонавий товар ишлаб чиқариш талабларига мос келмайди;

6. Кредит муносабатларининг ривожланиши билан кредит пуллар - банкнотлар, векселлар, чеклар - доимий равишда олтинни аввалига ички пул муомаласидан, сўнгра эса халқаро валюта муносабатларидан сиқиб чиқара бошлади;

7. Субъектив факторлар - АҚШ валюта сиёсати, олтин билан операцияларнинг давлат томонидан бошқарилиши - унинг демонитизациясини тезлаштирди.

Олтин демонитизациясини тарихан қуидагича шарҳлашимиз мумкин:

Жаҳон хўжалигининг ривожланиши, савдо ҳажмининг ортиб бориши билан бирга капитал жамғарилиши бошланган давридаёт олтин етишмаслиги муаммоси чуқурлашди. Европа мамлакатларининг пассив баланси туфайли олтин Шарқка чиқиб кета бошлади. Натижада, давлат иқтисодий сиёсатининг асосий мақсади олтинни мамлакатда ушлаб қолиш бўлиб қолди. Ана шундай пайтда, Америка, Осиё, Африка, Австралиянинг бой қимматбаҳо металларига денгиз йўли очилди.

Актив ривожланаётган бозор иқтисодиёти олтин захираларига қараганда тез ўсиб бориши натижасида XIX охири XIII аср бошида Хитойда ўйлаб чиқарилган хўжалик айланмасини таъминлаш учун олтин етишмаслигини тўлдиришга мўлжалланган қофоз пуллар кенг тарқала бошлади. Шундай қилиб, дунёда олтин пуллар ўрнини астасекин қофоз пуллар эгаллай бошлади. Ҳукуматлар бу жараённи янги инструментлар билан бошқара олмадилар, жудаям ортиқча пул эмиссиясига йўл қўйдилар ва бу ҳолат пул тизимининг издан чиқишига олиб кела бошлади.

2-§. Халқаро иқтисодий муносабатларда олтин стандарти даври

Кўриб ўтилган обьектив омиллар асосида XIX асрда кўпчилик мамлакатлар томонидан банкнотларнинг 100 % олтин билан қопланишини кафолатлайдиган олтин стандарти қабул қилинди. Бу таъминланганлик Австралия, Америка (Клондайк), Жанубий Африка ва Россия (Сибирь)даги янги конларининг очилиши, уларнинг қайта ишлаш қобилиятини кучайиши натижасида амалга ошди. Биринчи бўлиб, олтин

стандартни ўша даврнинг энг бой давлати - Англия йўлга қўйган.

Олтин стандарти киритилган мамлакатларга давлат қонуний тартибда миллий валютада олтиннинг миқдорий ҳажмини ўрнатади, ички бозорда муомалага чекланмаган миқдорда олтин тангаларни чиқаради, бошқа пуллар унга нисбатан тобе рол ўйнайди ва исталган пайтда олtingа эркин айрбошлиниши мумкин бўлади. Бундан ташқари давлат барча товарлар баҳосини олтин бирликларида ифодалайди, олтинни эркин олиб келишга ва олиб чиқишга йўл қўяди ва рухсат беради.

Кейинчалик, миллий валюта баҳосининг олtingа боғланиши, биринчидан, ҳар бир мамлакат ҳукумати томонидан олтин билан таъминланиши мумкин бўлган миқдорда қоғоз пулларни чиқаришга ҳаракат қилинган ва бу эса ортиқча пул эмиссиясини ва у билан боғлиқ инфляцияни тўхтатиб турган, иккинчидан, турли миллий валюталар ўртасидаги ўзаро нисбатлар қайд этилган ва бу нисбатан доимий бўлиб халқаро ҳисобларда барқарорликни таъминлаган.

Масалан, агар 1929 йилда 1 фунт стерлинг - 7,32 г соф олтинни, АҚШ доллари - 1,5 г соф олтинни ташкил этган бўлса, улар ўртасидаги ўзаро нисбат ёки паритети (тengлиги) 1ф.с. =4,86 АҚШ долларига teng бўлган.

XIX аср ўрталаридан XX аср бошларигача олтин стандарти асосан бир гурӯҳ юқори ривожланган мамлакатларни қамраб олган мукаммал пул тизими ҳисобланган. 1913 йилда уч етакчи давлат - АҚШ, Буюк Британия, Франция ҳиссасига жаҳон олтин монетар муомаласининг 62 фоизи ёки 3,5 минг тонна олтин тўғри келган.

Шу билан бирга, ўша даврларда ёқ халқаро ҳисоб-китобларда олtingа қараганда қулайроқ бўлган, қоғоз пуллардан фойдаланилган. Иқтисодчиларнинг баҳолашича, 1894 йилда халқаро тўлов айланмасида олтин улуши бор йўғи 3,5 %ни ташкил этган, яъни банклараро ҳисоб-китоблар асосан валюталарда амалга оширилган. Бу даврда Буюк Британия етакчи иқтисодий ва молиявий давлат бўлган ва фунт стерлинг олтин каби халқаро тўловларда эркин муомаладаги асосий валюта ҳисобланган. Шунингдек, АҚШ

доллари, Франция франки ва бошқа ривожланган мамлакатларнинг пул бирликларидан ҳам кенг фойдаланилган. Миллий валюталарни бир мамлакатдан бошқасига «ўтиб юриши» уларга бўлган талаб ва тақлифга, улар улар ўртасидаги нисбатга таъсир қилиб турган ва натижада уларнинг бозор курси яратилган.

Миллий валюталарнинг бозор курслари олтин паритетидан олтинни тўлов учун ташиш билан боғлиқ бўлган транспорт харажатлари миқдорида фарқ қиласа.

Бундай фарқ учналил сезиларли даражада бўлмай, нисбатан барқарор бўлган, шунинг учун ҳам, валюта курслари расман белгилаб қўйилган, деб ҳисобласак бўлади.

Бироқ, олтин стандарти ҳам ҳолатни ўнглай олмади. Пул бирликлари олтин таркибининг доимий пасайиб бориши бошланди, баъзи давлатлар чиқарилган кредит пулларни олтин билан қоплаш коэффицентини минимал ҳолатда ўрната бошладилар - қоғоз цулларни тўла қоплаш учун олтиннинг етишмаслиги ва олтинни пул тизими лангари сифатида сақлаш заруратини юзага келтирди.

Биринчи жаҳон уруши бошланиши билан ҳукуматлар ўз харажатларини кескин оширишларига тўғри келди ва олтин - монетар стандарти тугатилди. Натижада барча мамлакатлар томонидан қоғоз пулларни олtinga алмаштириш тўхтатилди, унинг муомала соҳаси кескин торайиб, ултуржи ва ҳалқаро айланмалар билан бўладиган операцияларни фақат марказий ва йирик хусусий банклар амалга оширадиган бўлдилар. Ҳалқаро операцияларда етакчи ўринни кредит ва қоғоз пуллар эгаллай бошлади, уларнинг баҳоси олtinga боғланмаган эди. Давлатлар пул чиқаришни кўпайтира бошладилар, инфляция кучайиб борди, бу эса пул-молия ҳисоб-китобларида зарур бўлган маълумотлар чалкашлигига олиб келди. Икки жаҳон урушлари ўртасидаги даврда иқтисодий ҳамда сиёсий вазиятнинг бекарорлиги чуқур инқизозга ва пировардида Жаҳон валюта тизимининг тарқаб кетишига олиб келди.

Уруш ва урушдан кейинги давр жаҳондаги етакчи мамлакатлар ўзаро муносабатларини тубдан ўзгартириб юборди ва бу ўзгаришлар ҳалқаро иқтисодий муаммолар, шу жумладан, валюта муносабатлари характерига таъсир этди. Бу муносабатларда АҚШнинг мавқеи кескин ошиди ва шунга

мувофиқ унинг миллий валютаси - долларнинг ҳам роли ўсиб борди. Урушдан кейинги давр воқелигини ва хусусиятини ҳисобга олувчи янги жаҳон валюта тизимини шакллантириш зарурати туғилди. Янги валюта тизимининг асослари 1944 йилда, Бреттон-Вудсда (АҚШ) бўлиб ўтган валюта-молия масалалари бўйича Халқаро конференцияда қўйилган. Бреттон-Вудс жаҳон валюта тизимининг хусусияти шундан иборатки, унда олтиннинг миллий валюталар қийматини ўлчаш воситаси, халқаро резервларнинг асосий шакли ва тўлов баланси тақчиллигини қоплаш воситаси сифатидаги роли қайта тикланган. Аммо, бу вақтда АҚШ доллари Халқаро валюта муносабатларида асосий рол ўйнагани сабабли, олтинга нисбатан эркин айрбошланди, яъни бу валюта амалда халқаро тўловларда олтиннинг teng ҳуқуқли эквиваленти бўлиб чиқа бошлади. Давлатлар ўз валюталарининг олтин миқдорини ўрнатдилар ва шу билан уларнинг бозор курси ҳам олтинга, ҳам долларга нисбатан қайд этилди.

Бошқача айтганда, Бреттон-Вудсдаги келишув олтин доллар стандартига ўтиш ҳақида эди. Чунки эндиликда олтинга эркин равишда фақат доллар алмаштирилар эди, чунки АҚШ урушда мутлақ иқтисодий ва сиёсий лидер бўлиб чиқди ва бунинг учун етарли олтин захираларига (Жаҳон бўйича олтин ҳажмининг 4/3 қисми) эга эдилар. Энди бошқа барча валюталар долларга алмаштирилар, - ишончлилиги бўйича бу бевосита олтин таъминотига мос келади, деб ҳисобланар эди. Шу тарзда, олтин захиралари доллар асосий валютага айланишига ва халқаро тўловлар тизимида бош ўринни эгаллашига ёрдам берди.

Бреттон-Вудс валюта тизимининг бошқа муҳим хусусияти - халқаро валюта тизимининг биринчи бор ташкилий жиҳатдан тузилганилиги эди. Максус ташкил этилган Халқаро валюта фонди (ХВФ) ва Умумжаҳон банки бу ташкилотларга аъзо мамлакатлар ўртасида валюта - молия муносабатларини тартибга солиб туришлари лозим эди, яъни Жаҳон валюта бозорида интизом қоидаларини, халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибларини ўрнатиш, валюта курслари ҳаракатини бошқариш, мамлакатларга молиявий ёрдам кўрсатиш ва ҳакозолар.

60-йилларнинг бошларида халқаро иқтисодий муносабатларда Фарбий Европа мамлакатлари ва Япониянинг иқтисодий имкониятлари тикланди ва роли фаоллашди, АҚШ тўлов балансида тақчиллик (дефицит)нинг кучайиб бориши шароитида етакчи миллий валюталар курсини белгиловчи, долларда мужассамлашган олтиннинг расмий баҳоси тобора ноҳақоний бўлиб борди. Дастрраб, Халқаро валюта фондида қатнашувчи мамлакатлар томонидан, олтиннинг бозор баҳосини барқарорлаштиришга қаратилган маҳсус битим қабул қилинди, лекин бу ҳам самара бермади.

Ба яна қайта, энг аввал таклиф қайишқоғлигига ўз ифодасини топган олтиннинг товар хусусиятлари, шунингдек, унинг долларни тўла таъминлаш учун етишмаслиги, унинг халқаро ҳисоб-китобларда пул сифатида фойдаланишидан узил-кесил воз кечишига мажбур қилди.

1969 йилда янги халқаро пул бирлиги - жаҳон пул массасининг ортишини, жаҳон ишлаб чиқаришнинг ўсишини ва халқаро алоқаларни мувофиқлаштириш мақсадида етакчи валюталар ҳисоб-китоб саватини ўзида акс эттирувчи - CDP қабул қилинди, 1971 йилда долларни олтинга алмаштириш тўхтатилди, бунинг натижасида миллий валюталарнинг олтин билан ҳар қандай алоқаси йўқолди ва уларнинг баҳоси юқори даражада валюта бозоридаги талаб ва таклифга боғлиқ бўлиб қолди: **ХВФ** га аъзо мамлакатлар аста-секин сузуб юрувчи курсларга ўта бошладилар.

Шу тарзда, муомалада олтиннинг бошқа пуллар билан мунтазам алмашиниб бориши хусусан унинг тез ўсаётган жаҳон савдоси истеъмолини таъминлаш учун товар сифатида етишмаслигининг ортиб бориши билан юзага келди. Ҳукуматлар томонидан бозорда жорий ҳажмни назорат қилиш имконсизлиги ҳам олтиннинг монетар функциясини бажаришга халақит берди. Талаб ва таклифнинг тебрабаниб туриши унинг объектив қийматини, демакки, унинг пул бирлиги сифатида қийматини ҳам камайтирди. Қазиб олиш шароитларининг (таниарх) ўзгариши пулдаги баҳосининг тўсатдан ўзгаришига олиб келди. Шунинг учун ҳам муомалада олтиннинг қофоз ва кредит пуллар билан алмашиниши иқтисодиёт учун шубҳасиз самара келтирди.

3-§. Жаҳон олтин бозорининг ишлаш механизми.

Қимматбаҳо металлар бозорининг очиқлиги даражасини бошқаришнинг асосий дастаги бўлиб қуидагилар ҳисобланади:

- олиб кириш ва олиб чиқиш учун квоталар, резидентлар;
- жаҳон бозори қатнашчилари ва норезидентлар;
- ички бозор қатнашчилари фаолиятини лицензиялаш, чегара йигимлари ва божлар, чекловчи солиқлар ва акцизлар;
- қимматбаҳо металлар импортёрлари таклифи ва экспортёрлари талабини ҳисобга олган ҳолда нархнинг шаклланиш механизми.

Давлат томонидан бозор қатнашчиларига иқтисодий таъсир қуидаги каби ричаглар ёрдамида амалга оширилади:

- солиқ ва божхона сиёсати, давлат буюртмасининг иқтисодий жалб этувчанлиги;
- кредитлар бўйича давлат кафолатлари;
- конлардан фойдаланиш шартлари, ниҳоят тўғридан-тўғри бюджет қўйилмалари.

Қимматбаҳо металларнинг ички бозори ривожланиши шартли даражаларининг асосий характеристикалари жадвалда келтирилган.

46-жадвал

Кимматбаҳо металлар ички бозорининг ривожланиши шартли даражаларининг асосий кўрсаткичлари

Бозорнинг баҳоси	Бозорнинг ривожланиш даражаси		
	Юқори	Ўрта	Паст
Бозорнинг очиқлик даражаси	Очиқ бозор	Чекланган бозор	Ёпиқ бозор
Қимматбаҳо металларнинг айланиш қобилияти	Эркин муомала	Чекланган муомала	Муомаладан чиқариб ташланган
Давлат статуси	Тенглар ичida тенг	Имтиёзли қатнашчи	Ягона сотувчи ва сотиб олувчи

Давлат эҳтиёжлари учун сотиб олиш механизми	Конкурс тарзда ёхуд умумий асосларда	Приоритет	Администратор марказлашган
Бозор монополлаш даражаси	Кучсиз	Ўртacha	Кучли
Бозор инфра тузиљмаси	Ривожлангани	Кучсиз ривожланган	Ривожланмаган
Ички талаб	Юқори	Ўртacha	Паст
Хўжалик фаолияти шароитларида ўзгарувчанлиги	Стабил даражада	Мунтазам ўзгарувчан шароит	Олдиндан айтиб бўлмайдиган даражада ўзгарувчан шароит

Манба: "Экономическое обозрение" Март 2002

Жадвалда таснифланган кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда, жаҳон олтин бозорига:

- товарлар эркин муомалада бўлувчи;
- давлатларнинг бир-бирига ва бошқа қатнашчиларга бўлган муносабатларида тенг ҳуқуқли статуси;
- рақобатли;
- ривожланган тузилмага эга;
- юқори талаб ва хўжалик фаолиятининг барқарор шароитларига асосланган очиқ бозор сифатида қарашимиз мумкин.

Олтин бозорлари - олтин савдосининг маҳсус марказлариидир. У ерда олтиннинг саноатда фойдаланиш, хусусий тезаврация (тезаврация - олтиннинг ҳазина каби жамғарилиши), инвестиция, ризк сугуртаси, чайқовчилик, ҳалқаро ҳисоб-китобларда зарур валютага эга бўлиш мақсадларида бозор нархи бўйича мунтазам олди-сотдиси амалга оширилади.

Қимматбаҳо металлар билан бўладиган биржা битимларининг қатнашчилари доирасини инвесторлар, сугурталовчилар (хеджерлар) ва олиб-сотарлар ташкил қиласди. Бугунги кунда товар биржалари, асосан, фьючерс

биржалари бўлиб қолди ва асосан, нарх таваккалчилик билан бўлган битимлар савдо майдони функциясини бажармоқда.

Савдо майдонларининг очилиши ва информацион енгиллиги, қимматбаҳо металлар биржа савдоларнинг байналминаллашуви (Гонконг, Сингапур, Сидней, Сан-Паулу, Токио) ва ҳисоб-китоблар олиб бориш, битимлар тузишнинг жалқаро компьютерлашган тизимиға ўтиш кенг доирадаги истеъмолчиларнинг манфаатларига хизмат кўрсатадиган янги бозорни вужудга келтирди. Олтин савдосининг энг йирик жалқаро марказлари бўлиб, Лондон ва Цюрих (нақд металл бозорларининг ихтисослашуви), Нью-Йорк ва Токио (фьючерс контрактлари ва бошқа ишлаб чиқилган молиявий инструментлар савдоси) ҳисобланади. Етакчи марказлардан ташқари, регионал ва ички бозорлар ҳам амал қиласиди. Битимлар ҳажми бўйича, Европада биринчи ўринни Париж, Осиёда - Бомбей, Америкада - Нью-Йорк эгаллади.

Истеъмол даражасини шакллантиришда айнан ички бозорларнинг алоҳида маҳсус роли ажратилади, чунки уларда сотиш ҳажми жаҳон бозорларидан фарқли равища, қандайдир жиҳдий тўсик билан чегараланмаган.

Олтиннинг пулнинг икки функцияси - қиймат ўлчови ва муомала воситаси функциясини бажаришдан расман воз кечиши - олтиннинг давлат институтлари назоратидан чиқиб кетишига олиб келди. Шу тарзда бозор кучларининг таъсири кучайди. Жаҳонда олтин бозорининг эркинлашуви давом этмоқда. Бироқ, олтиннинг эркин олди-сотдиси, айниқса чегарадан олиб ўтилишига ҳамма давлатлар томонидан рухсат этилмаган. Ҳатто эркин олтин бозорлари батафсил, бошқа товарларга тенглаштириб бўлмайдиган регламентациялар остига олинган. Ушбу бозорлар эркинлигини ошириш борасида бозор нарх шаклланишининг энг ёқимли бўлмаган жиҳати - нархнинг кучли тебраниши намоён бўлмоқда.

Барча замонавий бозорларда, молиявий каби товар бозорларида ҳам, мунтазам равища фьючерс, опцион ва ҳоказолар каби хосила (ясама) дастакларининг роли ортиб бормоқда. Иқтисодий тараққиётнинг, базавий активлар ликвидлигини ошириш ва рискни хеджерлаш учун жалб қилинган ушбу хосилалари улкан даромад жалб қилишининг мустақил соҳасига айланниб қолди. Айтиш етарлики, Лондон

ва Цюрикдаги марказлар билан «қоғоз» олтин бозорлари айланмасининг атиги 1 -2 %ини ташкил қиласди.

Ҳамонки, иккинчи бозорда даромад турли вақтлардаги базавий активлар нархининг фарқидан олинар экан, бу ерда нархнинг кучли тебраниши жуда ҳам фойдалидир. Бозорнинг виртуал қисми қанчалик ривожланган бўлса, у шунчалик спекулятив бўлади. 1980 йилда олтиннинг нархи унциясига 850 долларгача ошишида Чикаго олтин олиб-сотарлари катта рол ўйнади, қайсики уларнинг кўпчилигига форвард битимларини амалга ошириш мuddати келган эди.

Бундай бозорларда бойиб кетишнинг муҳим манбаси бу - ахборотдир, шунинг учун ҳам ҳар қандай ёмон ахборотлар каби яхши ахборотларга ҳам катта эътибор қаратилиади. Швецариянинг 2000 йилдан сўнг 10 йил давомида 1400 тонна олтин захираларини сотиши мумкинлиги (умумхалқ референдумида қонуннинг ўзгартирилиши ёқланган тақдирда) ҳақидаги мурожаати жаҳон бозорларида олтин нархининг кескин тушиб кетишига олиб келди.

Шунинг учун ҳам, сўнгти йилларда амалга оширилган баъзи мамлакатлар марказий банклари резервларидан йирик ҳажмида олтиннинг сотилишига, физик ҳажми нуқтаи назаридан эмас, балки маълум тенденцияни шакллантириш тўғрисидаги сигнал сифатида қаралган.

Ахборотга боғлиқ бўлган бозор учун энг ёмони - ноаниклик. Эҳтиёткорлик юзасидан «ўйинчилар» эҳтимоллиги жуда кичик бўлсада энг ёмон варианти ҳам ҳисобга олишади. Шунинг учун ҳам олтиннинг амалдаги нархида расмий олтин захираларининг катта қисмини сотилиши ва унга эргашиб келадиган хусусий тезаврацион захираларни сотиш саросимаси тушганлиги сабабли, таклифнинг бирданига ўсиши ва талабнинг қисқариши эҳтимоллари эътиборга олишади. Агар, Марказий банклар казиналаридан олтин сотишга қарор қилишган экан, бозорни беҳуда тўлқинтирмаслик учун олдиндан келишиш ва келгуси ўн йиллик учун сотиш режа-графигини тузиши зарур бўлар эди.

Олтин бозорлари амал қилишининг ўзига хослиги хусусида сўз юритсак, ушбу бозорларда майда ва йирик олтин қўйилмаларининг олди-сотдиси амалга оширилади. Улар қаторига: - халқаро турдаги олтин қўйилмалар - 400

тром унцияси (12,5кг) оғирлигига юқори қотишма тозалиги билан (995-пробадан кам бўлмаган):

- йирик қўйилмалар 900 дан 916,6 г гача оғирликда, майда қўйилмалар 100,5дан 990 г гача оғирликда. Қўйилмаларнинг вазн тезаврацион талабни қондириш мақсадида 1-10 г гача камайтирилади. Қўйма олтин ҳали ҳам эсдалил медаллар ва медальонлар харидига ўз ўрнини бўшатмаслиги мумкин.

Олтин бозорида қадимги (олтин монета стандарти давридан) ва янги зарб қилинган тангаларга алоҳида талаб мавжуд. Ушбу тангаларни зарб қилиш давлат монета саройлари, айрим ҳолларда, хусусий фирмалар томонидан амалга оширилади. Олтин тангаларни қонуний тўлов воситаси сифатида чиқариш уларнинг экспорти ва импортида солиқ тўловларидан қочиши имконини беради, шунингдек, уларнинг олди-сотдиси валюта айрбошлиш каби намоён бўлади. Тангалар зарб қилишга мамлакатлар ҳар йили 200 т., келажакда эса 300 т. олтин сарфлайди. 40 малакат 93 турдаги тангаларни чиқаради. ЖАРда қазиб олинадиган олтиннинг уч қисмини тангалар тайёрлашга сарфлайди (1967 й.дан) ва уларни 1970 йилдан бери экспорт қилади. Монеталар олтин бозорида олтин таркиби устига қўшимча қўшилган бозор нархida сотилади. Олтин, шунингдек, лист, пластинка, сим шаклларида, олтин сертификатлар - эгасига у ёрдамида ушбу металнинг маълум ҳажмини олиш ҳуқуқини билдирувчи ҳужжат кўринишларида сотилади.

Олтин бозори ташкилий жиҳатдан олтин билан операцияларни амалга оширишга вакил қилинган бир неча банклар консорциуми сифатида намоён бўлади. Улар сотувчи ва харидорлар ўртасида воситачилик операцияларини амалга оширади, уларнинг талабларини ўзида жамлаширади, уларни ўзаро келиша олиши бўйича солиштиради. Нархларнинг ўртаси бозор даражасини қайд қиласди (одатда 1 кунда 2 марта). Бундан ташқари, маҳсус фирмалар олтинларни сақлаш ва тозалаш, қўйилмаларни тайёрлаш билан шуғулланади.

Жаҳонда 50дан ортиқ олтин бозорлари саналади: 11-Фарбий Европада (Лондон, Цюрих, Париж, Женева ва б.), 19-Осиёда (Байрут, Токио...), 14-Америкада (5-АҚШ), 8-Африкада. Давлат томонидан рухсат этилган режимдан қатъий назар, олтин бозорлари 4 категорияга бўлинади:

- Жаҳон (Лондон, Цюрих, Нью-Йорк, Чикаго, Сянган (Гонконг), Дубай ва б);

- Ички эркин (Париж, Милан, Истамбул, Рио-де-Жанейро);

- Маҳаллий бошқариладиган (Афина, Коҳира);

- «Қора» бозорлар;

1968-йилгача энг йирик жаҳон олтин бозори бўлиб ЖАР дан муентазам келадиган металларни сотувчи ва сотиб олувчи Лондон ҳисобланар эди. Цюрихда сотиладиган металларнинг деярли ярми бошқа бозорларда қайта сотилади. Лондон олтин бозорида 5ta йирик компания ҳукумронлик қилади. Цюрихда эса - Швецария банкларининг «катта учлиги», 70-йилларнинг ўрталаридан бошлаб жаҳон олтин бозорлари ичida Нью-Йорк ва Чикаго бозорлари олдинга чиқди. Бу ходиса 1975-йилда АҚШ фуқаролари томонидан олтин операцияларининг бажарилишининг 40 йиллик таъқиқланиши бекор қилиниши билан боғлиқ тарзда юз берди.

Ички эркин олтин бозорлари (Париж, Гамбург, Франкфурт-Майн, Амстердам, Вена ва бошқалар) маҳаллий инвесторлар ва тезавраторларда ўз ўрнини топади. Бу эса, ушбу бозорларда танглар, металлар, майдар қўйилмалар билан операциялар кўпликни ташкил қилишини аниqlаштиради.

Олтин монеталар бозорида ЖАР, Канада ва АҚШ ўртасида ўткир рақобат бормоқда.

«Қора» олтин бозорлари олтин билан операцияларда тарқаладиган давлат томонидан олиб бориладиган валютавий чеклашларга қарши реакция сифатида келиб чиқади.

Олтин билан операциялар 1974-йилдан сўнг янада барқ уриб ривожланди, ўзининг янги қирраларини намоён қила борди. Бу эса ўз навбатида жаҳон олтин савдоси марказларининг роли ва аҳамиятини оширди:

Бугунги кунда қимматбаҳо металлар бўйича жаҳон савдосининг маркази Лондон ҳисобланади. Ўзининг ҳозирги шаклида ушбу бозор 1919 йилдан бери амал қиласи. Унинг асосий қатнашчилари бўлиб олдинги каби ҳозир ҳам - «firm» клуби-Лондоннинг олтин брокерлари бўлиб қолмоқда. Улар қаторига куйдагилар киради:

- N.M.Rotshild and sons;

- Samuel Montaque;

- Republic Mays London;
- Standart Chartered Bank;
- Mocatta Group;
- Deutsche Sharps Picksley.

Айнан, Лондон олтин бозорида 1919-йилдан бери кунда икки марта ўтказиладиган фикинг йиғимини ташкиллаштирилади. Нархнинг ўсиши ёки тушиши харид қилиш ва сотиш учун тушган талабномаларнинг миқдорига боғлиқ; агар харид қилишга талабномалар миқдори кўпроқ бўйсса, нарх ошади, ва аксинча, қатъий нарх талаб ва таклиф ўртасида тенглик вужудга келгандагина эълон қилинади.

Лондон бозори нархлари айниқса намойишкор ҳисобланади ва турли тоифадаги ҳисоб-китоблар учун маълумотлар базаси сифатида ишлатилади, тенглаштирган ҳолда узоқ муддатли контракларда гаровга қўйилади.

Фикингда савдо обьекти бўлиб стандартлаштирилган куйилмалар ("good-delivery-bars") ҳисобланади. ҳар бир куйилма серия номери, пробаси (тозалиги) тўгрисида белги, тайёрланиш штампига эга бўлиши зарур.

Анчагина узоқ вақт Лондон олтин бозори корезидентлар учун мўлжалланган эди, яъни валюта назорати актига мувофиқ, Буюк Британия резидентлари олтинга эга бўлиш қуқуқига эга эмас эди, профессионал дилерлар эса Англия банкидан лицензия олишга мажбур эдилар.

70-йилларда энг йирик олтин савдоси маркази Цюрих бўлиб қолди. Бу метал савдосида Цюрихнинг катта ролига, Швецария ва бошқа Фарб мамлакатларида қазиб олинган олтингнинг 70 %ни импорт қилиши гувоҳлик бера олади. Уларнинг 60 %ни кейинчалик жаҳоннинг турли регионларига реэкспорт қилинади.

Цюрих олтин бозорининг маркет мейкерлари бўлиб «катта учлик» (UBS, SBG,Gredit Swis) банклари ҳисобланади.

Улар янги шароитларга ва мижозларнинг талабларидағи ўзгаришларга жуда тез мослашади. Ушбу банкларга йирик брокерлик фирмаси Pretek AG хизмат қиласи. У нафақат реал товар билан савдони амалга оширади, балки форвард ва опцион бозорларида ҳам иш юритади.

Швецария банкларининг бошқа банклардан афзаллиги шундаки, улар дунёнинг турли регионларида жаҳон олтин бозорларида кенг иштирок этади. Улар Европада

(Женева, Цюрик, Лондон), АҚШда (Нью-Йорк), Узок Шарқ (Токио, Сингапур, Гонконг), Австралия (Мельбурн)да қымматбаҳо металлар бозорида намоён бўлади. Бу уларга халқаро олтин бозорларида куну-тун катнашиш имконини беради. Мижозларга ўлчамлари бўйича турли олтин қўйилмалари ва операцияларнинг кенг спектори, шу жумладан, мураккаб хосилавий молия инструментлари таклиф қилинади.

Бугунги кунда, Нью-Йорк ва Чикаго ҳам энг йирик марказларга айланган. Бу ерда жаҳон бўйича олтин фьючерс операцияларининг 90 %и амалга оширилади.

4-§. Жаҳон олтин бозорида олтин билан операциялар, олtinga бўлган талаб ва таклифнинг таҳлили.

1974 йилгача битим тузилгандан кейин 48 соатдан сўнг бажариладиган олтин билан накд битимлар кўпчиликни ташкил килар эди. Лондон бозорлари билан бирга улар кўпроқ Цюрих, Париж, Сянгандаги олтин бозорларида жамланган эди. Лондон бозорининг ихтисослашуви «фикинг» муҳокамасида шаклланади. 5 фирма аъзолари - «Н.М.Ротишльд энд санс» фирмаси бошлиқ ушбу бозор аъзолари кунда икки марта «фиксинг»да олтиннинг мўлжалланаётган нархини расман қайд этиш учун (1968 йилдан бошлаб долларда) йигилишади. Мазкур муҳокама яна Цюрихда ва Парижда ҳам амалга оширилади, лекин Лондон котировкаси олтиннинг жаҳон нархи эволюциясига амалий жиҳатдан таъсир ўтказади.

Пулнинг инфляцион қадрсизланиши таваккалчилигини суфурталаш учун инвесторлар баъзида олтинни натурада (қуйилма, тангалар) сотиб оладилар Фойда олиш учун ва айни пайтда инфляцион таваккалчиликни суфурталаш учун улар юқори дивидендларга умид боғлаган ҳолда олтин қазиб чиқарувчи компаниялар акцияларини сотиб оладилар.

Рискли инвестицияларни амалга ошириш учун инвестор 1975 йилдан бошлаб АҚШда кенг тарқалган олтин билан муддатли битимлар (форвард ва фьючерс) ни афзал кўришади. Улар одатда 1;3;6 ой муддатларга тузилади ва битим тузилаёттандаги нархлар бўйича амалга оширилади.

Олтин билан фьючерс битимларида оператор кафолат депозити қўйиши зарур (олтин бозоридан келиб чиқсан ҳолда 280дан 2000 долларгача). Контракт ҳажми бозор ихтисослашувига мос ҳолда қатъий аниқланади. Энг кўп тарқалган битимлар 100 унция, камида 1 ва 3 кг бўлиши мумкин.

Олтин билан муддатли келишувлар бозорнинг тузилиши сариқ металл савдога механизмини кўринишидан янгилади. Бу АҚШга 1978 йилдан бошлаб Лондон ва Цюрихни ортда қолдирган ҳолда олтин билан операциялар жаҳон марказига айланишига олиб келди. 1972 йилдан иш бошлаган Канада олтин биржаси Нью-Йорк ва Чикаго билан рақобатга дош бера олмади ва инвесторларга олтин билан опционлар таклиф қила бошлади.

Олтин билан форвард операциялари бозорида уч хил тоифа ажратилиди:

1. Хеджерлаш - олтин нархидаги ўзгаришлардаги рискни суғурталаш мақсадида. Нарх пасайишидан хавфсираган ҳолда, олтин эгаси олтинни маълум муддатга ўзининг контролига сотади. Бунда ушбу контрагент олтин сотиш бўйича шошилинч битимни тузиш режасини олган бўлади. Лекин, бунда олтинни олиш мумкин бўлган фойдадан қуруқ қолади. Бундай операциялар ҳажми унчалик катта эмас.

2. Спекулятив муддатли битимлар - фойда олиш мақсадида олтин олди-сотдиси - кўпроқ тарқалган.

3. Валюта арбитражига хос бўлган олтин билан арбитраж операциялари. Лекин, ундан фарқ қилган ҳолда амалиётда нафақат вақтингчалик, балки давомли арбитражлар ҳам мавжуд, чунки турли бозорлардаги олтин нархидаги фарқ сақланади.

Хеджерлаш операциялари билан асосан йирик олтин қазиб олувчи компаниялар шуғулланади, чунки улар учун олаётган маҳсулотнинг келгусида кўзлаган нархида сотилишини таъминлаш муҳимдир ("Майнинг Джорнал" хеджерлаш соҳасида муваффақиятли иш юритаётган компаниялар ўнлиги).

Йирик олтин ишлаб чиқарувчи компаниялар ўз бойликларини нархлар қўйса шунинг босимида хеджинг фаолиятига жалб қилди. Олтин бўйича Жаҳон Совети учун ўтказилган яқиндаги изланишлар шундай хулоса берди -

сўнгги ўн йил ичидаги хеджирлашдан фойдаланишнинг драмматик тарзда ортиши олтин нархининг барқарор тушишида рол ўйнади.

Хеджирлашда компания дилердан ёки Марказий банкдан металлни қарз олган «кўприк банк» («банк-бык»)лардан олтинни қарзга олади. Компания ушбу олтиндандан фойдаланиш ҳуқуқи учун қийматининг 2 %га яқин суммани тўлайди. Олтин зудлик билан товар бозорида сотилади. Компания ушбу тушумни банкка жойлаштиргач, 6 % ва ундан юқори фойда билан қайтариб олиш имкониятига эга бўлади. Ўртадаги фарқдан компания фойда кўради. Бир неча йилдан сўнг компаниянинг ўзи қазиб чиқарган олтин «кўприк банк»ка қоплама сифатида қайтарилади.

«Майнинг Джорнэл» бюллетени хеджирлаш фаолиятида муваффақиятли иш юритаётган компаниялар ўнлиги фаолияти натижаларини (йилллик) расмий эълон қилди.

-жадвал

Дунёнинг етакчи компаниялари хеджирлаш натижалари
унция/доллар (1998 й.)

Фойда	Компания	Контракт ҳажми	Қазиб олиш таннарихи
229	Delta Gold	403	174
224	Barrick Gold	420	196
215	Normandy	474	259
215	Aurora Gold	416	201
211	Great Central	452	241
202	Sons of Gwalia	513	311
192	Cambior	452	260
189	Ashanti	450	261
186	Pegasus	460	274
182	TVX Gold	419	237

Манба: «Экономическое обозрение» Март 2002

Жадвалдан кўринадики, хеджирлашда юқори фойда олишда Delta Gold 1-ўринда турибди. 229 доллар/унция 2-ўринда эса, Barrick Gold фойдасига 224 доллар фойда олган ҳолда турибди. Кейинги иккинчи ўринда Normandy ва Aurora

Gold 215 доллар унция фойда кўрсаткичи билан бўлишиб олинган. Шунингдек, ушбу етакчи ўнлик рўйхатида Great Central (211 доллар), Sons of Gwalia (202 доллар), Cambior (192 доллар), Ashanti (189 доллар), Pegasys (186 доллар), ТУХ Gold (182 доллар) компаниялари киритилган.

Махсуслашган операциялардан бири бўлиб, олтин билан «своп» битими - нақд ва муддатли контрбитим тузиш ҳисобланади. Масалан, дилер нақд битим шартларида 100 унция олтин сотиб олади (358 доллар нархида) ва бир вақтда 100 унция бўйича муддатли 10ни контракт сотади (унциясига 369 доллар нархда). Олтин билан «своп» операцияси банкдаги депозит каби ишончли ва кўпроқ фойдалидир. Олтин билан битимлар иштирокчилари доираси сўнгти 20 йил ичидаги кенгайди. Нафақат йирик банклар, унга катта бўлмаган молия институтлари ҳам олтин билан ўзининг ҳисобига ва мижозларнинг ҳисобига савдони амалга ошироқдалар.

Бугунги кунда хорижий валюта қоида бўйича АҚШ долларига карши олтин билан «своп» операциялари кенг тарқалди. Ҳозирги пайтда .бундай операциялар етарлича стандартлашган ва жаҳон олтин бозорларида тарқалган, бу унинг валюта ва депозит бозорлари билан алоқани кучайтиради Марказий банклар, шунингдек, олтин билан «своп» операцияларини хорижий валютани қўлга киритиш мақсадларида амалда қўлламоқдалар. Моҳиятига кўра, бу олтин таъминоти остида валюта кредитини олишни билдириди, бунда қарз олувчи банк ушбу олтинга бўлган эгалик хуқуқини сақлаб қолади.

1976-йилда ЖАР Резерв банки уч Швейцария банкига 5 миллион унция (155,5 г.) олтинни «спот» шарти билан 550 млн. долларга сотди ва бир вақтининг ўзида 3 ой муддатга ушбу олтинни сотиб олишга форвард битими тузди. 1982-йилда олтин билан «своп» операциясини Бразилия расмий валюта захираларини тўлдириш учун тузди. Шундай операциялар Собиқ Иттифоқда ҳам қўлланилган эди.

Олтин аукционлар-олтинни оммавий савдо билан сотиш, 70-йилларда асл металл савдосининг шундай шакли амалда қўлланилди. 1979-йилда шу йул билан ялпи олтин сотиш ҳажемининг 1/3 қисми амалга оширилди. Нарх ўрнатиш методига боғлиқ ҳолда аукционларда операциялар ёки «классик» методда, ёхуд «Голландия» методи бўйича амалга

оширилади. «Классик» методда сотиб олувшылар, кимнинг талабномасида нархлар сотувчи томонидан ўрнатилган нархлардан юқори бўлса, шу харидорлар талабномаларида кўрсатган нархлар суммасида олтин учун пул тўлайдилар. Иккинчи методда эса, сотувчи юқорироқ нархлардаги талабномалар қондирилладиган ягона нархни белгилайди. 70-йилларда олтин аукционлари маълум даврлар оралиғида ХВФ, АҚШ ҳукуматлари, Ҳиндистон, Португалия томонидан ўтказилган.

Ямайка келишувига мувофиқ, ХВФ 1976 йил июндан 1980-йил майгача бўлган даврда 777,6 т. олтинни 45 аукционда сотган. Ривожланаётган мамлакатлар ўзларининг ХВФда «ракобатсиз» шартларда квоталари чегарасида олтин сотиб олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар (аукционнинг ўртача нархи бўйича) 46 т. олtinga эга бўлдилар. Олтиннинг собиқ расмий нархи ва сотиш нархи орасидаги фарқ (42,22 доллар) кўринишидаги фойда ривожланаётган мамлакатларга имтиёзли кредитлар бериш учун ХВФнинг ишонч фондига қисман ўтказилган (5,7 млрд. доллардан 4,6 млрд. доллари).

АҚШ молия вазирлиги вақти-вақти билан ўзининг олтин захираларининг бир қисмини аукционларда расман сотишга мурожаат қилиб турди. Расмий мақсадларда долларнинг мамлакатдан оқиб чиқишида хусусий шахслар томонидан ташқаридан олтин сотиб олиши билан боғлиқ, олtinga спекулятив талабнинг кучсизланиши билан боғлиқ узилишлар сабаб бўлди. Ҳақиқатда, олтиннинг сотилиши тўлов баланси дефицитини қоплаш учун зарур бўлган эди. 1975-йилда 2 аукционда 38,9 т. олтин сотилди, 1978-1979 йилларда ҳар ойлик аукционларида яна 491 т. олтин (расмий резервларнинг 5 %и) 4,1 млрд. долларга сотилди. Кейинчалик аукционлар норегуляр сотишлар билан ўрин алмашди. Ҳиндистон 1978 йил май-июнда етти аукцион ўтказди. Ушбу аукционларда олтиннинг мамлакатга нолегал олиб кирилишига қарши кураш мақсадида расмий захиралардан 6 т. олтин сотилди.

90-йиллар охирида қатор мамлакатлар марказий банклари ва ХВФнинг уларнинг валюта резервларини тўлдириш мақсадларида олтин сотиш тенденциялари белгилаб қўйилади.

Унга мувофиқ, олтин сотиш режалаштираётган давлатлар олтинларни маълум вақт оралиғида бўлиб-бўлиб сотишлар ҳажми ва муддатларини, сотиш муддатлари ва бошқалар батафсил кўрсатилган режа-графикни ишлаб чиқдилар ва эълон қиласидилар.

Олтин нархининг ўзгариши билан боғлиқ операциялар бугунги кунда мукаммал алоқа-коммуникация тури шарофати билан кенг қулоч ёзди. The Gold Fields Mineral Consultancy вакилларининг таъкидлашича, марказий банклари сотишлари плюс ишлаб чиқарувчилар томонидан хеджерлаш ва спекулятив инвестицион фондлар томонидан сотишлар биргина 1977 йилда 2 маротаба ошли ва 1179 тоннага етди.

Ҳар қандай товар ва хизматлар бозори, моддий ва номоддий қийматликлар, хусусан қимматли қоғозлар бозорлари каби олтин бозорлари ҳам ўз қонун қоидалари асосида амал қиласиди. Шундай экан, талаб ва таклиф олтин бозорлари учун ҳам характерлидир.

Олтин таклифи, биринчи навбатда янгидан қазиб чиқариш, расмий резервлар ва жамғарилган олтин захираларидан ташкил топади, яъни олтин бозорларида олтинлар юқоридаги манбаларидан сотилиши мумкин.

Олтинга бўлган талаб эса, заргарлик ишларида, саноат ишлаб чиқаришда, инвестиция, давлат резервларига харидларда намоён бўлади.

Талаб ва таклиф ўртасидаги нисбий муносабатларда нарх шаклланади ва улар ўзгаришига мувофиқ ўзгариб боради. Олтин нархининг йиллар давомидаги динамикаси талаб ва таклиф ўзгариши орқали изоҳланади.

Қуйида юқорида айтиб ўтилган омиллар ва уларнинг таҳлили хусусида тўхталамиз.

48-жадвал

Жаҳон олтин ишлаб чиқариши (соф металл т.сида)

Давлатлар	1980 й	1990 й	1995 й	1996 й	1997 й	1998 й	1999 й
ЖАР	675	605	522	495	492	464	450
АҚШ	30	294	319	329	362	366	342
Австралия	17	244	254	290	313	310	303
Канада	52	167	150	165	172	164	158

Хитой	50	54	133	145	149	160	156
Индонезия	2	18	74	92	102	139	155
Россия	255	270	142	133	138	127	138
Перу	5	15	57	65	75	91	127
Ўзбекистон	-	-	67	78	82	80	86
Гана	11	17	53	50	56	73	78
Бошқа мамлакатл ар	168	408	503	516	540	567	583
Бутун жаҳон	1265	2132	2274	2353	2481	2541	2576

Манба: «Деньги и кредит» 9/2000

Ушбу жадвалдаги жаҳон олтин ишлаб чиқариш 1980-йилда бутун жаҳон бўйича 1265 т.дан 1999-йилда 2576 тоннага етди, яъни 1311 т.ча кўпайди. Бу асосан давлатлар мисолида кўрганимизда, АҚШ давлати мос равишда 30 т.дан 342 т.га етди. Индонезияда 2т.дан 155 т.га кўпайди. Олтин ишлаб чиқарувчи мамлакатлар қаторига мустақилликдан кейин Ўзбекистон Республикаси ҳам қўшилди ва 1999-йилда 86 т. олтин қазиб чиқарди.

Олтин институти маълумотларига мувофиқ, 1999-йилда Африкага жаҳон олтин ишлаб чиқаришнинг - 27 % тўғри келади, кейинги ўринларда Шимолий Америка -21 %, Лотин Америкаси -13 %, Осиё 9%.

Хусусан, дунё бўйича олтин таклифининг асосий субъектлари бўлмиш мамлакатларда сўнгги йилларда олтин ишлаб чиқариш миқдорлари жадвалда келтирилган.

Бу ўринда ЖАР олтин ишлаб чиқариш 1980 йилда - 675 т.дан 1999 йилда 450 тоннагача мунтазам камайиб келган бўлсада, бу соҳада ушбу мамлакатни яққол лидер деб атасак бўлади. Шунингдек, ушбу етакчи ўнлик мамлакатларига АҚШ, Австралия, Канада, Хитой, Индонезия, Россия, Перу, Ўзбекистон, Гана ташкил қиласиди. Жадвал маълумотларидан шу нарса кўринадики, ушбу барча мамлакатларда, хусусан, Ўзбекистон ва бошқа мамлакатларда олтин ишлаб чиқариш умумий тарзда йилдан-йилга ўсиб келмоқда. Сўнгги 2-3 йил ичida ЖАР, АҚШ, Австралия, Канада, Хитой давлатлари олтин ишлаб чиқаришнинг бироз пасайишини олтин

нархларининг тушиб кетиши билан изоҳлашимиз мумкин. Бутун жаҳон олтин ишлаб чиқариши 1999 йилда 2576 т.ни ташкил қилди,

49-жадвал

Дунё бўйича олтин қазиб олиш ва унинг истеъмоли

Йиллар	1991	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001
Дунё бўйича олтин қазиб олиш	2159	2234	2287	2278	2273	2357	2464	2636	2540	3745	3483
Шу жумладан											
ЖАР	601,1	614,1	619,5	579,3	522,4	494,5	491,7	482	449,5	428	399
АҚШ	293,5	322,2	332,1	326	317	326	362	366	340	355	335
Австралия	236,1	243,5	247,2	256,2	253,5	288,8	314,5	321	303	296	291
Канада	175,3	161,4	150,9	146,4	150,3	163,5	171,1	166	158	155	159
Россия	143,7	134,5	144,2	136,8	127,8	119,8	123,9	114	126	155	168
Ўзбекистон	75	84,5	66,6	64,4	66	78	81,7	83	84	88	86
Индонезия	24	46	52	55	74	92	101	151	130	139	175
Перу	15	18	27	39	57	65	75	92	128	133	133
Бразилия	88,6	86	75,7	72,4	64,4	60	59	58,5	55		
Дунё бўйича олтин истеъмоли			2605,4	2591,6	2864,5	2779,5	3053,6	2712	3282	3281	
Олтиннинг унция учун ўртача нархи (АҚШ долл.)			359,2	384,1	384,1	387,9	331,3	294	278,6	279	
Олтиннинг грамм учун ўртача нархи (АҚШ долл.)			11,55	12,35	12,35	12,47	10,65	9,46	8,96	8,97	

Олтин қазиб олиш ва рудалар ва концентлардан ишлаб чиқариш билан жаҳоннинг 80дан ортиқ мамлакатлари шуғулланади. Бу рўйхатда етакчи ўнликни ЖАР, АҚШ,


Австралия, Канада, Россия, Хитой, Ўзбекистон, Индонезия, Перу ва Бразилиялар ташкил қилади. Ушбу мамлакатларда сўнгти ўн йилликда олтин қазиб олиш динамикаси жадвалда келтирилган.

Жадвал маълумотларидан кўринадики сўнгти ўн йил 1991--2001 йиллар оралиғида дунё бўйича олтин қазиб олиш ҳажми тахминан 1,5 минг тоннага ортган 2000-йилда дунё бўйича олтин қазиб олиш ўз тарихида энг юқори йиллик ҳажмга эришди - 3745 тонна. Ушбу кўрсаткич 1980 йил даражасидан деярли уч баробар юқоридир.

Энг иирик олтин қазиб олувчи давлат - ЖАР, шунингдек Канада, Бразилияда йилдан йилга олтин қазиб олиш ҳажми тобора камайиб бораётган бўлса, бошқа давлатларда, хусусан Ўзбекистонда ҳам, олтин қазиб чиқариши йиллик ҳажми оз бўлсада стабил равишда ўсиб бормоқда. Масалан, Индонезия 1991 йил 24 т. кўрсаткичга эга бўлган бўлса, 2001 йилда 175 т. олтин қазиб олиб юқори ўсишга эришилди.

2-диаграмма

Дунё бўйича қазиб олишда давлатлар улуси (2001).



Манба: «Экономическое обозрение» Март 2002

2001 йил якунлари бўйича дунёда 3483 т. олтин қазиб олинган бўлса, бу ҳажмдаги дунё мамлакатларининг улуси қуидаги 1- диаграммада тасвирланган. Ҳозирда дунёда 230дан ортиқ давлат бўлса, уларнинг деярли ҳар бирида олтин қазиб чиқариш йўлга қўйилган. Шу нуқтаи назардан диаграммада алоҳида қайд этилган давлатлардан бошқа

мамлакатларга қазиб олинган олтиннинг 45 % тўғри келиши табиий, албаттa. Бу борада олтин қазиб олиш бўйича дунёда биринчи ўринда турувчи ЖАРга 2001 йилда қазиб олинган олтиннинг 11 % тўғри келган. Кейинги ўринда АҚШ бўлиб, унинг салмоғи 10 %ни ташкил қилди. Шунингдек, 2001 йилда қазиб олинган олтиннинг умумий ҳажмида давлатлар қўйидаги улушга эга: Австралия – 8 %, Канада – 5 %, Россия – 5 %, Хитой – 5 %, Ўзбекистон – 2 %, Индонезия – 5 %, Перу – 4 %.

ЖАР ва АҚШда сўнгти йилларда олтин қазиб чиқариш камайиб бораётганилиги назарда тутган ҳолда, кейинчалик қазиб чиқариладиган олтин умумий ҳажмида юқоридаги давлатлар улушларининг ортиши кутилмоқда.

Металл баҳосининг пастлиги шароитларида, фойда даражасини сақлаб қолиш учун, олтин қазиб оловчи компанииялар, нафақат ишлаб чиқаришининг ташкил қилишнинг илгор шаклларини интенсив қўллаш орқали қазиб чиқарилаётган олтин таннархини туширишга, шу билан бирга дунёning илгари ўзлаштирилмаган ҳудудларидаги янги, арzonроқ конларни эксплуатация киритишига мажбур бўлмоқдалар. Бу эса, чет мамлакатлarda разведка ишларини кенгайтириши талаб қиласи ва бугунги кунда янги конларни актив разведкаси бормоқда. Иқтисодий ривожланиш ва янги иш ўринларини яратилишидан манфаатдор бўлган ҳукуматлар бунинг учун энг қулай режим яратмоқдалар. Шу тарзда сўнгти 5 йилда ушбу мақсаддаги харажатлар Африкада 5 маротаба, Лотин Америкасида 4 марта, Осиёда 3 маротаба ошди.

Кўпгина компанииялар ўз капиталларини жамлаб, уларни ўзлаштирилмаган олтин конлари ва нисбатан паст ишлаб чиқариш харажатлари мавжуд бўлган ривожланаётган мамлакатлар тоф-кон саноатига жойлаштирилмоқдалар. Сўнгти йилларда 1 грамм олтиннинг қазиб олиш ўртacha таннархи асосий ишлаб чиқарувчи мамлакатларда 7дан (АҚШда) – 8,5гача (ЖАРда) тебраниб турди, ривожланаётган мамлакатларда эса, у сезиларли даражада паст – мисол учун Пануа -Янис Гвинеяда 5 доллардан сал кўпроқ.

Бироқ, ҳатто олтин қазиб оловчи компаниияларнинг ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва минерал хом ашё базасини кенгайтиришдаги сезиларли ютуқлар ҳам

уларни ўз келажагига ишонч билан қараашга ёрдам берса олмади. Жаҳон олтин бозорлари «сотувчининг бозори» бўлишни бас қилди. Қимматбаҳо металл ишлаб чиқарувчининг унинг нархи тўғрисидаги фикри аллақачон ҳеч кимни қизиқтирмай қўйган. Улар ушбу нархни самарадорлик учун курашда мўлжал сифатида қабул қилишлари мумкин, лекин ўrnата олмайдилар. Бундан ташқари талаб ва таклиф ўrtасидаги тўғри алоқа бузилиб кетди: 1997-1999 йиллардаги нархлар тушиши истеъмолнинг 18 % ортишига олиб келди.

Қўйидаги жадвалда 1999-2000 йил бўйича етакчи олтин қазиб олувчи компанияларнинг кўrsatкичлари келтирилган.

50-жадвал

**Жаҳоннинг 1999-2000 й.да етакчи олтин
қазиб олувчи компаниялари**

№	Компания	Мамлакат	Казиб чиқариш (т.)	
			1999	2000
1.	Anglo Gold	ЖАР	215	225,3
2.	Newmont Mining	АҚШ	130	152,3
3.	Gold Fields	ЖАР	119	117,9
4.	Barruck gold	Канада	114	116,5
5.	Placer Dome	Канада	96	92,7
6.	Rio Tinto	Буюк Британия	94	85
7.	Homestake Mining	АҚШ	75	72,5
8.	Harmony	ЖАР	40	66,8
9.	Normandy Mining	Австралия	59	64,5
10.	McMoRan C&G	АҚШ	67	47,9

Маълумотлар 9 ой учун

Манба: <http://www.goldinstitute.org> 2000

Жадвалдан кўринадики, олтин қазиб олиш бўйича Anglo Gold компанияси биринчи ўринда турибди, бу компания 1999-йилда 215 т. 2000 йилда эса 225,3 т. олтин қазиб олган. Кейинги ўринда бизга анча таниш бўлган Newmont Mining

1999 йилда 130 т. 2000 йилда 152,3 т. умумий ҳажымда олтин қазиб чиқарган. Олтин операцияларида етакчи бўлган Gold Fields BaBarrick Gold мос равишда 1999 йил 119 ва 114 т., 2000-йилда 117,9 ва 116,5 т. олтин қазиб олинган. Шунингдек, ушбу етакчи ўнлик рўйхатта Placer Dome, Rio Tinto, Homestake Mining, Harmony, Normandy Mining, McMoRan C&G компаниялари бор.

Олтиннинг ўзига хос ҳусусиятларидан бири шундаки, уни йўқ қилиш жуда қийин. Бугунги кунда қачонлардир қазиб олинган олтинларнинг 90 %и захираларда жойлашган ва у исталган вақтда бозорга ташланиши мумкин.

Назарий жиҳатдан олтиннинг барча «ер ости» захиралари, унга бўлган талабни 30 йил мобайнида қондириши мумкин. Олтин оддий товар бўлганда эди, унинг нархи яна узоқ вақт ишлаб чиқариш ўртacha қиймати (1997 йил - 315 АҚШ доллари троя унцияси учун)дан паст бўлиб қолган бўлар эди. Ҳисобланишича, инсоният тарихида қазиб чиқарилган 120000 тонна олтин бутун дунё бўйлаб тарқалган ва агарда нархлари тўғри келса, яна янгидан сотилиши мумкин. Ушбу захираларнинг деярли ярмини қайта ишланган металлар, ҳар йили металл сифатида қайта ишланадиган олтинларнинг бир қисми ташкил этади. Айниқса «махфий» омбор (36000 т.дан кўпроқ) марказий банклар ва бошқа расмий давлат муассасалари захираларида жойлашган. Лекин, олтин - бу оддийгина товар эмас. Ҳисоб-китобларга кўра фақатгина марказий банклардаги олтинлар ишлаб чиқариш томонидан амалдаги талабнинг 8 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида қондириши мумкин.

Ҳозирги пайтда етакчи жаҳон мамлакатлари, шунингдек, резерв валюта эмитентлари ўз олтин захираларини ишлатиш ниятида эмас, ривожланётган мамлакатлар эса, нархлар тушиши тўлқинида ҳозирда харид қилишни актив олиб бормоқда.

Ниҳоят жаҳоннинг катта қисмини эгаллайдиган, олтинни Ҳусусий муомаладан сикib чиқарадиган қудратли молиявий тизим хали яратилмаган. Бунда олтин етарлича кенг бўлмаган ва ривожланмаган банк ва суғурта муассасалари турининг муқобили бўлиб хизмат қиласди. Ернинг барча аҳолисини етарлича молиявий хизматлар билан таъминлаш жараёни минимум ярим аср вақтни олади.

Жаҳон бозорида олтин таклифининг яна бир аҳамияти манбаси -олтин чиқиндиларини қайта ишлаш - саноат чиқитларини ва истеъмолдан чиқсан олтин буюмларни қайта ишлаш ҳисобланади. Иккиламчи металл ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўртача 25-30 %ини ташкил қилган ҳолда ўсиб бормоқда.

Сўнгги йилларда кўпгина компаниялар олтин ишлаб чиқариш ҳажмини қисқартирган ҳолда нархлар тушишига мослаша бошладилар. Паст нархлар бир неча компанияларни банкротликка олиб келди. АҚШ конларида иш бошлаган Pegesus ҳам шулар жумласидан. ЖАРдаги йирик компания Anglo Gold ишлаб чиқариши 17 % (жаҳон бўйича 2 %)га қисқартириди.

Тарихий кузатилаётган даврда ер конларидан қазиб олинган олтинларнинг йигма ҳажми, мутахассислар баҳосига кўра 135 минг тоннадан ошади. Уларнинг 40 %и заргарлик буюмлари сифатида намоён бўлди, 30 %и давлат захираларида тўпланган, деярли 20 %и тезавраторларда жойлашган (қўйилмалар ва танталар кўринишида) ва фақатгина 10 %и техника ва технология мақсадларида фойдаланади. Яъни олtingга талаб юқоридаги каби секторларда вужудга келади.

Олтиннинг роли ҳақида Deutsche Morgan Grenfell молиячиси Роб Вайнберг томонидан берилган таклифдан яқинроғини топилиш мумкин: «Олтин бир пайтнинг ўзида бир нечта функцияни бажаради», - деб ёзади у, - у безак ва саноат металли, фаровонликни ифодалаш воситаси ва жамғарманинг кўринимас формаси, қизиқарли ўйин доналари ва суғуртаси бўлиши мумкин:

У расман пул эмаслигига қарамасдан халқаро резерв фондидир. Қисқаси у турли одамлар учун турли функцияларни бажаради ва улар олtingга турли вақтларда турли сабабларга кўра қизиқишиди.

Олтин бозорида талаб фирмалар, тижорат банклари, хусусий шахслар томонидан вужудга келади. Марказий банклар томонидан олtingга талаб чекланганлиги учун, у асосан хусусий секторда жамланган. Иқтисодий нуқтаи назардан, олтин бозорида қуйидаги талаб манбалари ажратилади - заргарлик ишларида ва саноат қурилишида фойдаланиш, хусусий тезаврация ва инвестиция, спекулятив

битимлар, Марказий банклар томонидан харидлар ва бошқалар.

Қуйидаги жадвалда сүнгти 4 та беш йиллик даврларда олтин истеъмолининг юқоридаги тармоқлар бўйича тақсимланиши кўрсаткичлари келтирилган.

51-жадвал

Жаҳон олтин истеъмоли таркиби

	1980-	1985-	1990-	1980-	1985-	1990-	
	1995-	1984	1994	1995-	1989	1994	
	Йиллар ўртача (т.)				Жамига нисбатан %да		
Заргарлик ишлари	842	1484	2496	3854	49,4	59,6	71,7
Бошқа Саноат Тармоқлари	221	291	343	488	13	11,5	9,9
Инвестициялар	524	631	458	457	30,7	25,4	13,1
Давлат Резервларига харидлар	118	86	186	250	6,9	3,5	5,3
Жами	170 5	2492	3483	4161	100	100	100

Манба: «Деньги и кредит». №8.2000

Жаҳон олтин истеъмоли таркиби жадвалининг таҳлили: Ушбу даврларда олтиннинг заргарлик ишларида истеъмол қилиши жуда юқори ўсиш суратларига эга. Кўрилаётган даврларда истеъмол ҳажми 842 тдан 3054 т.гача ортган, яъни 49,4 %дан-73,4 %гача кўтарилган, яъни сўнгги даврда олтин истеъмолининг 3/4 қисми шу соҳада юз берган саноат тармоқларида олтин истеъмоли кўрилаётган даврларда 221дан 400 тоннагача ўсан бўлсада, умумий ҳажмдаги улуши 3 %дан 9,7 %гача йилдан йилга камайиб келган.

Инвестициялар секторида истеъмол ҳажмининг яққол қисқаришини кўришимиз мумкин: 30,7 % - 25,4 %-13,1 %-10,9 %, зеро олтин ўзининг ликвид пул ва жамғарма функциясини тобора йўқотиб бормоқда. Давлат резервларига харид қилиш дастлабки 5 йилликдан сўнг 118 т. (6,9%)дан 86 т. (3,5%)гача қисқарган бўлсада, кейинги даврларда олтин нархининг тушишига муқобил равишда муттасил равишда кўпайиб бормоқда – 186 т. (5,3 %)-256 т. (6 %).

Юқорида кўриб ўтганимиздек, заргарлик саноатининг олтин истеъмолидаги улуши жуда катта миқдорда ошган. Дунё бўйича заргарлик буюмларига талабнинг ёппасига ўсиши хали давом этмоқда.

Аҳолиси 2,5 млрд.дан ошадиган Ҳиндистон ва Индонезияда, иқтисодий ўсиш шароитларида олtingа янада кўпроқ талаб намоён бўлиб боради. Шундай экан, якин 30-50 йилларда олтин истеъмоли истиқболлари ниҳоятда ишонччилидир. Бу борада Ҳиндистон ниҳоятда фаолдир, сўнгги 5 йил ичida олтин безаклар ишлаб чиқариш 2 баробар ортди. Лекин, бу бозор нархларига ниҳоятда зид келувчандир.

Юқоридагиларни батафсил изоҳлаш мақсадида қуидаги жадвалларни кўриб чиқамиз.

Жадвалда фабрикацион талаб бўйича (заргарлик ишлари ва саноат қурилиши, саноатнинг энг янги тармоқлари - радиоэлектроника, атом-ракета техникаси, тиш протез саноати ва бошқалар) асосий олтин истеъмолчи давлатларда истеъмол қилинган олтин миқдорлари келтирилган. Ушбу жадвални қисқача таҳлил қиласидиган бўлсак, Ҳиндистонда, юқорида айтиб ўтганимиздек, бу соҳада жуда катта прогресс бормоқда - 1998 йилда 722 т. Италияда ҳам олтин буюмлар ишлаб чиқариш структураси яхши ривожланганлиги сабабли фабрикацион талаб бўйича олтин истеъмоли дунё бўйича 2-ўринда турибди - 1999 йилда 523 т. Саноати ривожланган АҚШ эса, 3 ўринда -323 т. қолганлар эса, асосан, яқин ва Узоқ Шарқ мамлакатларидир.

52-жадвал

**Асосий олтин истеъмолчилари
(фабрикацион талаб, соф металл т.)**

	1980 й.	1990 й.	1995 й.	1996 й.	1997 й.	1998 й.	1999 й.
Хинди斯顿	51	241	426	455	627	722	685
Италия	117	396	458	450	512	547	523
АҚШ	150	215	245	246	272	208	323
Хитой	-	46	217	203	242	189	182
Япония	73	205	189	187	183	152	159
Саудия Арабистон	10	90	156	157	204	167	149
Туркия	12	133	126	157	188	181	139
Индонезия	15	84	133	132	119	62	126
Миср	17	69	61	69	123	118	114
Жанубий Корея	2	67	82	84	83	66	93
Бошка мамлакатла р	499	1137	1202	1197	1354	1208	1229
Бутун жаҳон	946	2683	3295	3337	3907	3720	3722

53-жадвал

**Заргарлик ишларида олтингдан фойдаланиш
(соф металл т.сида)**

	1980 й.	1990 й.	1995 й.	1996 й.	1997 й.	1998 й.	1999 й.
Хинди斯顿	50	239	401	428	594	683	644
Италия	107	381	446	439	500	535	511
АҚШ	59	127	158	152	159	170	178
Хитой	0	35	204	189	214	173	176
Саудия Арабистон	8	66	53	154	200	165	149
Индонезия	15	84	133	132	119	62	126
Туркия	10	131	100	141	168	159	125

Миср	17	69	60	69	123	118	104
Малайзия	3	45	78	82	101	67	68
Тайвань	3	95	102	91	87	65	63
Бошқа мамлакатлар	241	95	102	91	87	65	63
Бутун жаҳон	513	2188	2792	2851	3345	3152	3128

Манба: «Деньги и кредит» 9/2000

Шунингдек, 1999 йилда истеъмол қилинган олтинларнинг умумий ҳажмида АҚШ – 9 %, Хитой – 5 %, Япония – 4 %, Саудия Арабистони – 4 %, Туркия – 4 %, Индонезия – 3 %, Миср – 3 %, Жанубий Корея – 2 % улушкига эга. Булардан ташқари, бошқа давлатлар олтиннинг 34 %ини истеъмол қилишган.

Олтин монометаллизми шароитида олтин нархи иррационал тушунча эди, лекин олтин пуллар иккиласи чирик ифодасига муҳтоҷ эмас эди. Олтин стандарти бекор қилинганидан сўнг кредит пулларда ифодаланган олтин нархи реал тушунчага айланниб қолди, чунки олтиннинг муюмаладан чиқиб кетиши билан у бевосита товар массасига эмас, олтин бозори операцияларида кредит пулларга қарши туради. Олтиннинг расмий ва бозор нархлари фарқланади. 40 йил мобайнида (1933-1976 й.) АҚШ хазиначилиги расмий нархни унциясига 35 доллар, кейинчалик 38 ва 42,22 доллар қайд этиб келди. Бу нарх одатда кескин тебранадиган бозор нархига (1980-й.да 850 долларгача) мос тушган эди. Шунинг учун, олтиннинг расмий нархи узоқ вақт давомида давлатлараро бошқариш обьекти бўлиб келди.

ХВФ АҚШ босими остида урушдан сўнг ўз аъзоларини олтиннинг доллардаги ўзгармас ифодасини сақлаш мақсадида операцияларни фақатгина расмий нархда бажаришга мажбур қилди. Бироқ, баъзи алоҳида мамлакатлар (Франция, Италия) эркин бозорларда нархлар фарқидан фойда олган ҳолда расмий нархда олинган олтинни нолегал сотдилар.

Расмий нархдан бозор нархларининг ошиб бориши билан аста-секин лаж-кредит пулларда ифодаланадиган расмий олтин нархи устига қўшимча пайдо бўлди. Лаж одатда фоизларда ҳисобланади. Агар, мисол учун, олтиннинг бозор

нархи 90 долларга етган бўлса, бунда лаж 55 доллар (90-35) ёки 157 % (90-35/35*100 %)ни ташкил қиласди.

54-жадвал

Расмий олтин резервлари
(йил охирига, соф металл тонналарида)

	1980	1990	1995	1996	1997	1998	1999	2000
АҚШ	8221	8146	8140	8139	8138	8137	8139	8137
Германия	3701	3701	3701	3701	3701	3701	3469	3469
Франция	3182	3182	3182	3182	3182	3184	3025	3025
Швейцария	2590	2590	2590	2590	2590	2590	2590	2420
Италия	2592	2592	2592	2592	2592	2593	2452	2452
Голландия	1709	1709	1352	1352	1053	1052	982	912
Япония	754	754	754	754	754	754	754	764
Буюк Британия	732	737	717	717	716	715	640	480
Португалия	690	616	625	625	625	625	607	607
Испания	454	607	608	608	608	608	523	523
ХВФ	3217	3217	3217	3217	3217	3217	3217	3217
Бошка мамлакатлар ва ташкилотлар	7994	7733	7065	6923	6598	6285	7093	2865
Жаҳон бўйича	3583	3558	3454	3439	3377	3346	3349	2887
жами	7	2	2	9	3	1	0	1

www.gold.org

Ушбу йиллар оралигига резервлар миқдори 1-2т.га ўзгариб турди. Германия 1998 йилгача олтин резервларини каътий ўзгармас равишда 3707 т.да ушлаб турди. 1999-2000 йилларда уларнинг миқдори 3469 т. гача камайтирилди. Худди шунда Францияда ҳам резервлар миқдори 1998 йилгача деярли ўзгармайкелди(3182т) ва 1999-2000 йилларда

Давлатлараро нархни тартибга солишинг селк тажрибаси сифатида «золотой пул» (рус фаолияти пайдо бўлди «золотой пул») Бозор нархини расмий даражада стабиллаштириш мақсадида Лондон олтин бозорларида кушма операциялар учун АҚШ ва Гарбий Европанинг 7 давлати томонидан тузилган маҳсус ташкилот эди. Унга

мувофиқ ойлик муддатлар мобайнида Англия Банки барча олтинларни ўз ҳисобидан сотди ва сотиб олди. Ҳар ойда йигинди чиқарилиб операциялар бўйича сальдо ташкилот аъзоларига уларнинг квоталарига пропорционал тарзда бўлиб берилди. Ҳар бир мамлакат Англия банкига ташкилот агенти сифатида уз захираларидан олтин бериб турди. Валюта кризиси даврида олтиннинг бозор нархини кўтарилиб кетишини тўхтатиш учун, мамлакатлар - юқоридаги ташкилот катнашчиларрасмий захираларидан қўшимча олтин сотишга мажбур бўлишиди. 1967-йил ноябрда фунтстерлинг девальвациясидан сўнг, «олтин талвасаси» натижасида давлатлараро олтин нархини тартибга солиш учун 3 минг тонна олтин сарф қилинди ва бу 1968-йил март ойида тарқатиб юборилишига олиб келди.

Олтин нархини давлатлараро тартибга солиш ва бошқариш талаб ва таклифга боғлиқ бўлган бозорнинг нарх шакллантирувчи омилларига барҳам бера олмади.

Ягона олтин бозорининг ўрнига қўш бозор ва металлнинг икки нархи вужудга келди.

(1968-1973 й.) Расмий бозорларда Марказий банкларнинг олтин билан операциялари долларнинг барқарор ҳолатини ушлаб туриш учун туширилган расмий нархларда амалга оширилди. Ҳудди шу давлатлараро олтин савдоси нархлар талаб ва таклифга боғлиқ ҳолда тебраниб турадиган хусусий олтин бозорларидан сунъий равища ажратилган эди. 1971 йил ноябрда валюта ва энергия кризисининг чуқурлашуви шароитида Марказий банклар келишувига асосан олтиннинг иккиласмчи бозори ва иккиласмчи нархи бекор қилинди. (Буюк Британия, Бельгия, Италия, Голландия, АҚШ, ГФР Марказий банклари) Олтиннинг қўш нархи тажрибаларнинг барбод бўлиши қайд қилинган олтин наритети расмий нархларига асосланган сунъий характерни фош қилиб қўйди ва бу уларнинг 1976-1978 йилларда бекор қилинишига олиб келди.

Олтин бозор нархини шакллантириш - кўп омилли жараён: у иқтисодий, сиёсий, спекулятив факторларига боғлиқ ҳолда тебранади. Оширувчи, қимматлаштирувчи иқтисодий ностабиллик, инфляция, тўлов балансининг номутаносиблиги валюта курслари ва фоиз ставкаларининг тебраниш шароитларида инвестицион, тезаврацион талабнинг

ва олтиндандан саноатда фойдаланиш миқдорининг кўпайиши киради.

Хозирги пайтда жаҳон олтин бозори хусусий тижорат асосида амал қиласидан ва давлат бошқарувидан бутунлай холис, физик металл ва «қоғоз олтин» билан глобал ва тунукун савдо-сотик қилишининг ривожланган таркиби каби тузилган. Бундай шароитларда товар-олтиннинг нархи фақатгина талаб ва таклифнинг ҳолати орқали аниқланади: ўз навбатида айнан бозор нархининг ҳаракати орқали ҳар қандай моментда талаб-таклифнинг мувозанатлашувига эришилади. Коида бўйича ҳар бир савдо марказида (улар бир неча унликни ташкил қиласиди) ўзининг маҳаллий нархи ўрнатилади, бироқ замонавий алоқа воситаларининг шарофати билан локал котировкалар асосланган ягона олтин нархида тартибланади. Шаклланган амалиёт бўйича олтин нархи, анъанага кўра, Лондон котировкасида ҳисобланади.

Олтиннинг жаҳон бўйича бозор нархи доимий ва шу билан бирга ниҳоятда сезиларли даражада тебраниб туради. Олтин бозори либерализацияси (эркинлаштириш) дан сўнг 70 йилларнинг ўрталаридан 80-йилларнинг ўрталаригача унинг нархи 10 маротаба ошди - троянцияси учун 35 дан 350 долларгача ва олтин умумий инвистицион товарларнинг энг яхшиси бўлиб қолди. Кейин изма-из нархлар унциясига 300-500 доллар чегарасида тебраниб турган ўн йиллик давр келди.

Дастлаб, биз кўраётган даврнинг дастлабки йилида-1989-йилда олтин баҳоси 375 доллар/унция атрофида бўлган бўлса, 1990-йилда бу нарх бироз ошган, яъни 384 доллар. 1991-1992-йилларда олтин нархларида пасайиш жараёни кузатилди - 360 доллар -345 доллар. Шундан кейинги 4 йил мобайнида нархлар аста-секин ўса бошлади- 360 доллар (1993 й.). 386 доллар (1994 й). 1996 йилда нарх биз кураётган даврдаги энг юқори чунки - 388 долларгача кутарилди ва шундан кейин кескин тушиб кетди: 331 доллар-294 доллар - 279 доллар. Шундай бўлгандা, 2000 йилда нархларда бироз бўлсада яхши томонга силжиш кузатилди. -282 доллар.

1996 йилда ЕТнинг қатор давлатлари Европа Иттифоқини тузиш ва ягона валютага ўтиш арафасида олтин захираларини қайта баҳолашни бошладилар. Олтин нархи пастга тушиб кетди. 1976-йилда у биржаларда 375-400

доллар чегарасида ўзгариб турди, 1997-йилда -325-365 доллар, 1998-йилда 300 доллардан пастга тушиб кетди. Европа биржаларида эса (Лондон, Париж, Франкфурт, Люксембург) ўртача 295 долларни ташкил этди. Ўша пайтларда нархларнинг тушиши банклар ўз резервларини катта ҳажмини сотиши билан боғлиқ эди: 1997-йилда 14 мамлакат банклари 825 тонна олтинни савдога чиқарди, яна 246т. атрофида - Шимолий Америка ва Европа хусусий инвесторлари. Агарда АҚШ - энг катта олтин захираси эгаси (8 минг т. дан ортиқ) ёки Швецария ўз олтинларининг гарчи бир қисмини бозорга чиқариш қарор қилинганида эди, унда жаҳон бозори узил-кесил барбод бўлар эди.

Гарб мамлакатларининг стабил ўсуви иқтисодиёти шароитларида олтин зарурий резерв ва инфляцияларини воситалар жамғаришнинг ишончли инструменти ролини йўқотди ва бунинг натижасида хусусий олтин эгалари МБ лар резервларини сота бошладилар.

Бундай, шароитда ким бошқалардан олдинроқ сотишга улгурса, ўша юқорироқ фойда олади. Кўпгина янги «ўйинчилар» учун бозорнинг барқарорлиги эмас,балки ўзгарувчанлиги унинг асосий жалб қилувчи хислати бўлиб қолди: улар учун нархлар тушадими ёки ўсадими аҳамияти йўқ, асосийси улар ўзгарган. Бир неча АҚШ тижорат банклари олтин сотиш бўйича фьючерс операцияларини бажариш орқали катта фойда оладилар. Ушбу олтин битим-контракт тузилаётган паллада ўзларида бўлмаган, лекин кейинчалик етказиб бериш муддати келганда уни кам нархларда сотиб олиш мумкин бўлган.

Олтинга бўлган паст нархлар шароитида жаҳон сақловчилари -резерв валюта эмитентлари - ўз олтин захиралари муомаласида эҳтиёткор сиёсатни амалга ошириди, ривожланадиган мамлакатлар эса, ўз расмий резервларини нисбатан паст нархларда тўлдириш имкониятига эга бўлдилар. Бу улар учун жуда муҳим, зеро уларда ҳам олтинни сиқиб чиқарувчи қудратли молиявий тизим яратилмаган ва кучсиз ривожланган ва аҳоли кенг қатламларини қамраб олмайдиган банк ва суғурта муаммолари тармоғининг муқобили сифатида хизмат қиласиди.

· 5-§. Марказий банкларнинг расмий олтин захиралари билан операцияларнинг таҳлили

Марказий банклар олтиндан аллақачондан бери фойдаланишиади. Ўз қиймати бўйича Марказий банклар ихтиёрида жойлашган олтин захиралари жаҳон саноати ишлаб чиқаришининг 13 йиллик ҳажмига эквивалентdir. Ҳозирги вақтда шундай олтин захиралари тахминан 900 миллион унцияни ташкил қиласди. Ушбу захираларнинг ўлчамлари сўнгги 50 йил ичидаги ўзгармаган бўлсада, уларнинг Марказий банклардаги резервларидағи улуши. ХВФ маълумотларига кўра, 62 дан 25 %гача қисқарди. Валюталарнинг сузуви курслари ва ривожланган хусусий банк сектори системаси амал қилган ҳозирги замонда, резервлар ҳалқаро савдо ёрдамчиси ва ҳалқаро кредитлар кафолати ролини кам ўйнайди. Бунинг ўрнига резервлар валюта бозоридаги спекулятив қужумларни қайтарувчи инструмент ролини бажармоқда. Бундай шароитларда олтин захираларининг роли унча катта эмас. Бироқ резервнинг шундай шаклини сақлаб қолишнинг бир неча сабаблари бор.

Олтиннинг нархи тебраниши мумкинлиги - шубҳасиз, лекин резервни ташкил қилувчи валюталарнинг ҳам алмашинув курси, ҳам процент ставкалари ўзгариб туради. Резервлар диверсификацияси стратегияси бир турдаги активга ориентирланишидан кўра ишончлидир.

Олтин алоҳида олинган мамлакат иқтисодиётига, иқтисодий сиёсатига бевосита таъсирини ўз ичига олмайди. Шунинг учун унинг позицияси валютаси резерв сифатида ишлатилаётган мамлакатда инфляциядан зарарлана олмайди.

Чет давлатлар қимматли қоғозларидан шакллантирилган резервлар, ушбу мамлакат ҳукуматининг административ чоралари ходисаси ҳолатида заиф бўлиб қолади. Олтин эса анчагина дуруст химояланган ва зарур бўлганида фойдаланиш мумкин.

Бундан ташқари ҳамма мамлакат олтин захираларини ушлаб захираларини ушлаб турувчи ҳукуматга катта ишонч кўрсатади, резервларда олтин улушининг кўпайиши рейтинг ва консалтинг агентлари қарорларига ижобий таъсир кўрсатади.

АҚШ ва бошқа мамлакатларда, ҳозирги даврда, барча марказий эмиссион банкларда мамлакат валюта резервларининг бир қисми сифатида олтин сақланади. Шу билан бирга «олтин позицияси» пул муомаласида умуман ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Бу шу нарсани англатадики, ҳазиначилик томонидан олтин харид қилиш марказий эмиссион банкининг олтин сертификалари пайдо бўлишига олиб келмайди.

Марказий эмиссион банк ўз валюта резервларига олтин билан бирга қўйидаги активларга ҳам қўшади:

- СДР (исталган валюта жамланмасида ифодаланган халқаро пул бирлиги)

- резерв валюта кирими.

Жаҳон олтин омборлари ҳар бири 12,5 кг массадаги (995-проба) Банк қўйилмалари кўринишида жойлаштирилган 35 минг т. олтинни сақлади. Жаҳон захиралари қўйидаги тартибда тақсимланади.

Манхэттен-13 минг т. Форт нокс-4,5, Германия Марказий банки 3,7 ва Швецария Марказий банки - 3,5 минг т.

1978 йилгача ҳар қайси давлатнинг олтин захираларига пул тизимининг стабиллиги кафолати бўлиб хизмат қиласидан миллый мулк сифатида қаралар эди. Жаҳон оммаси учун ушбу бурилиши йилида олтин пул муомаласидан олиб ташланди, зеро, у қиймат ўлчови бўлишни бутунлай тўхтатди. Олтиннинг тан олинган ягона баҳслашмайдиган хислати - унинг юқори ликвидлигидир, яъни валютага тезда сотилиш қобилиятидир. Демонитизация жараёни олтин тақдирига салбий таъсир кўрсатди - у, қиммат бўлсада, оддий товарга айланиб қолди.

Миллий олтин захиралари учун юридик эгалик турли мамлакатларда Марказий банкларга, ҳазиначилик ва маҳсус давлат муассасалари (фондлари)га тегишли бўлади. Францияда, мисол учун, олтин захираларини Марказий банкида сақланади. Италияда улар Италия банки ва Молия вазирлигининг валюта бюроси ўртасида бўлашиб олинган.

Жаҳонда энг йирик «сарик металл» эгалари бўлиб - АҚШ, ГФР, Швейцария, Франция, Италия, Белгия, Голландия ҳисобланади. Саноати ривожланган мамлакатларга жаҳон марказлашган захираларининг 83 % тўғри келади.

Энг йирик олтин сақловчиларидан бири бўлиб ХВФ ҳисобланади. Энг катта олтин сақланадиган жой Нью-Йоркда - Манхэттен серкоя ерлари қаърида жойлашган, у ерда шаҳар Федерал резерв банкининг ертўлалари жойлаштирилган. Бу ерда АҚШ ва хусусан - 70 дан ортиқ мамлакатлар шунингдек, ХВФ захиралари сақланади.

Ушбу омборхона 30-йилларда Жаҳон уруши билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган. Уруш оқибатида ўз олтинларидан ажralиб қолиши хавфи бартараф қилиш учун қатор давлатлар ўз олтинларини нейтрал зона - АҚШга келтириб қўйилган ва уларнинг кўпчилиги хали ҳам шу ерда сақланади. Ушбу омборнинг чуқурлиги 25 м. темир эшик 90 тонна оғирликка эга, бу ерда 120 дан ортиқ мустаҳкам сейфлар жойлаштирилган. Уларнинг энг гиганти, трапеция ёки параллелипипед шаклидаги 12,5 кглик стандарт қўйилмалардан 107 мингтасини сифдира олади (умумий оғирлиги - 1337,5 тонна!!!).

6-§. Ҳозирги даврда Ўзбекистон ва жаҳон олтин бозори, улардаги муаммолар ва уларни ечиш

Ўзбекистон Республикаси мустаҳкамлика эришгандан сўнг, мамлакат иқтисодий потенциаллигини ушлаб туриш, иқтисодий аҳволни мустаҳкамлашда ўзимизда мавжуд ликвид активлар, хусусан, олтин захираларининг аҳамияти катта бўлди. Шунинг учун ҳам, олтин конларини қайта ишлаш, олтиндан оқилона фойдаланишга катта эътибор берилмоқда.

Ҳозирги вақтда республикада 40 та қимматбаҳо металл конлари топилган. Олтиннинг асосий захиралари олтин конларининг ўзида - Марказий Қизилқумда жойлашган бўлиб тасдиқланган захиралари бўйича республикани тўртингчи ўринга олиб чиқади. Мурунтов кони дунёдаги гигант конлар жумласига киради. У Евросиё қитъасида руда таркибида олтин юқори даражада бўлган энг йирик кондир. Мурунтов кони - жуда катта манба бўлиб ундан ҳар йили миллионлаб кубметр кон тупроғи қазиб олинади. Ундан дунёдаги энг сифатли олтин олиш мумкин. Шу ҳолнинг ўзиёқ дунёning олтин қазиб олувчи саноати учун ноёб намунадир.

Олтин тозалашда (энг соф металл олтин) жараёнининг замонавий технологияси жорий ётилган. Бу технология бир қатор, «ноу-хау»ни ўз ичига олади. Натижада олтин товар кўринишига эга бўлган, софлик даражаси «тўртта тўққиз»га тенг асл олтин олинмоқда. Ана шу олтин Ўзбекистонга жуда кўплаб халқаро совринлар келтирди.

Кўп йиллар фойдаланиш натижасида Мурунтов конини четида катта ҳажмда минераллашган уюмлар ажратилган ва тўплаб қўйилган эди. Унинг такибидаги олтин микдорини олиш имкони йўқ эди. Бугунги кунда ана шу минераллашган уюмлар Американинг «Ньюмонт - Майнинг Корпорейшн» компанияси иштирокида энг янги технологиялар жалб этилиб, қайта ишланмоқда.

Сўнгги йилларда инфраструктураси яхши ривожланган Самарқанд ва Тошкент вилоятларида олтин рудали конлар аниқланди ва қидириб топилди. Дунёning энг йирик олтин рудали вилояти бўлган Қизилқумда Мурунтовдан ташқари Ажибугут, Булуткон, Балнантов, Аристантов, Турбой ва бошقا янги конлар аниқланиб ўрганилмоқда. Қизилқум минтақасидаги барча олтин конларининг мухим хусусияти шундан иборатки, руданинг таркибида олтин кўп микдорда бўлиб, у очиқ усулда қазиб олинади. Мухандислик тармоқлари, коммуникациялар (сув, газ, электр энергияси, темир йўл ва автомобиль йўллари) ҳам мавжуд.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ликвидлик даражаси юқори бўлган фойдали қазилмаларни ўзлаштиришга қаратилган инвестициялар катта-катта даромадлар келтиради. Дунёning етакчи чет эл компаниялари ва фирмалари ҳозирнинг ўзида бу йўналишда фаол қатнашмоқда.

1992 йилда олтин қазиб олиш бўйича «Зарафшон - Ньюмонт» Ўзбекистон Америка қўшма корхонаси ташкил этилган эди. Корхонанинг муассаси Американинг «Ньюмонт Майнинг Корпорейшн» компаниясидир. Ушбу қўшма корхона Мурунтов кони агдармаларининг минераллашган уюмидан олтин ажратиб олиш мақсадида барпо этилди, қиймати 220 млн. АҚШ долларига тенг бўлган завод кўрилиши 1993-йил октябрда бошланди ва бор йўғи 18 ойда 1995-йил майда тутатилди. 1995-йилда қўшма корхона олтиннинг биринчи туркумини ишлаб чиқарди.

1994-йилда «Омонтов Голжфилде» Ўзбекистон Британия қўшма корхонаси ташкил этилди. Унинг чет эллик муассасалари Лонро компанияси (Буюк Британия) ва Халқаро Молия корпорацияси ҳисобланади. Қўшма корхонанинг мақсади Доваутов Омонтов олтин конларини ўзлаштиришдир.

Фарб назоратчилари ушбу фактни таъкидлашмоқдаки, сўнгги ўн йил ичидаги олтин қазиб чиқариш ҳажмини оширишда Қизилқум конларида уни изчил ривожланган ҳолда, Ўзбекистон, айниқса, эътиборга молик прогрессни намойиш этмоқда. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан сўнг, асосий олтин етиштирувчилари ўнлиги рўйхатида 9-ўринни, МДҲ мамлакатлари ичидаги - иккинчи (Россиядан сўнг) ўринни эгаллайди.

Республикамиз мустақиллика эришганидан сўнг 1991-йилда республикада олтин қазиб олишда анча юқори кўрсаткич, яъни 75 т.га эришилди. 1996-йилда бу миқдор 10 т.га камайиб кетди ва 4 йил давомида деярли ўзгаришсиз бир оз тебраниб турди. Яъни, 1992-й.-64,5 т., 1993-й.-66,6 т., 1994-й.-64,4 т., 1995-й.-66 т. 1996-йили республикада 73 тонна олтин қазиб чиқаришига эришилди, зеро худди шу йилдан бошлаб янги тузилган Зарафшон-Ньюмонт қўшма корхонаси тўлиқ куч билан ишлай бошлади ва олтин қазиб олиш ҳажми йилдан-йилга аста-секин стабил равишда ўса бошлади. 1997-й.да 81,7 т., 1998-й.да 83 т. 1999-й.да 84 т., 2000-йилда 88 т. олтин қазиб чиқаришига эришилди. 2001-йилда, маълумотларга кўра 86 т. олтин қазиб олинди.

Юқоридаги кўрсаткични, 2005-йилда 87 т.гача кўтариш режалаштирилмоқда.

Олтин қазиб олиш саноати Ўзбекистонда хорижий инвесторларни жалб қилувчи омиллардан бири ҳисобланади. Вужудга келган пайтдан бошлаб, актив ривожланган ва бой хом ашё базасига эга бўлган ҳолда янги конларнинг изчил изланишлари ва юқори квалификациялашган персонал ҳисобига муттасил кенгайиб бораётган саноат стратегиялашган ва экспертга мўлжалланганлар қаторига киради. У беш олтин қазиб чиқариш корхоналарини, уч олтин чиқарувчи фабрика ва замонавий ишлаб чиқариш учун хом ашё етиштириш бўйича бир майдаловчи - ишхтовал қурилмани ўз ичига олади. Аллақачон фойдаланилаётган энг

муҳим конлар - Кочбулоқ, Қизилолмасой, Пирмиоб, Гузаксой, Маржонбулоқ, Зармитон, Қорақутон ва бошқалардир.

Саноатни ривожлантириш ва унинг инвестицион жалб қилинувчалигини ошириш бугунги кунда 2005 йилгача мўлжалланган, қимматбаҳо металлар ишлаб чиқариш экспорт потенциалини кенгайтириш дастури доирасида амалга оширилмоқда. У қимматбаҳо металлар ишлаб чиқаришни 2,7 марта кўпайтириш мўлжалланган ва бу экспорт потенциалини – 1997-йилдаги 44 млн. доллардан 2005-йилда – 125 млн. долларгача оширишга имкон беради.

Ўзбекистонда олтин қазиб олиш саноатини ривожлантиришнинг муҳим таркибий қисмларидан бири, айниқса, сўнгги йилларда хорижий инвестицияларни жалб қилиш қолмоқда. Бу соҳада Мурунтов конлари бўйича тузилган Зарафшон -Ньюмонт қўшма корхонаси ҳақида сўз юритиб ўтдик. 2000-йилда ушбу корхона унциясига 130 доллар умумий харажатларда 450 минг унция олтин ишлаб чиқарди.

Хозирги вақтда Давлат Геология Қўмитаси турли хорижий компаниялар билан қатор лойиҳаларни ишлаб чиқмоқда. Шунингдек, 2001-йилда Навоий вилояти ва Самарқанд Нурота тоғларида кичик ҳажмидаги сочма ва асосий олтин конларини қайта ишлаш бўйича «RIK international» - Америка компанияси билан қўшма корхона тузиш режалаштирилмоқда. Мазкур лойиҳа 1-босқич реализациясининг тахминий қиймати 6 млн. долларини ташкил қиласади. Унинг ресурс баҳоси Олтинқозон (Жанубий нуратов) майда, асосий олтин конлари бўлади.

Экспертларнинг ҳисоблашича, жаҳон олтин бозори конъюктураси ва унинг истиқболларини ўрганган ҳолда, унча катта бўлмаган конларни қайта ишлаш инвесторлар учун энг перспектив ва жалб қилувчи омил бўлиб қолади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 1992 й. 8 декабр.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Конуни, (1998. 24 декабрь). Халқ сўзи, 1999. 12 январь. 7-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Конуни, (1998. 30 апрель). Халқ сўзи, 1999 й. 12 январь. 7-сон.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлар ҳукуқларининг кафолатлари ва уларни химоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Конун. (1998. 30 апрель). Солиқ ва божхона хабарлари, 1998 й. 22-сон.
5. «Лизинг тизимини ривожлантиришни янада рагбатлантиришга доир чора тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни. 2002 йил. 1 сентябрь.
6. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Конун. Т. «Ўзбекистон». 1995 йил.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конуни. 1996 йил 25 апрел.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Конуни. 2000 йил.
9. Ўзбекистон Республикасининг банк тизимида валютани тартибга солишта оид Қонунчилик жужжатлари тўплами»Т.: «Ўзбекистон» 2004.
10. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик жужжатлари тўплами, Тошкент «Ўзбекистон» 2003 йил.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Банк тизимини ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Карори, 1999 йил 15 январь.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг кичик бизнесни тўлиқ қўламда ривожлантириш бўйича дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Карори, 2002 йил 6 июн №201.
13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Эркин конвертация қилинадиган валютада инвестицион лойиҳаларини кредитлаш тартиби тўғрисида»ги Низоми, 1999 йил 22 март №294.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2000 йил 21 марта ПФ-2564-сонли фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш маъсуллиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2002 йил 2 апрелдаги Фармони.

16. И.А.Каримов «Ўзбекистон буюк келажак сари» Тошкент «Ўзбекистон» 1998 йил.
17. И.А.Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» Тошкент «Ўзбекистон» 1995 йил.
18. И.А.Каримов «Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.» -Т.: Ўзбекистон, 1996 йил.
19. И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» Тошкент. «Ўзбекистон», 1997 й.
20. И.А.Каримов «Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби» Тошкент, «Ўзбекистон», 1996 й.
21. И.А.Каримов «Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этипдири» асарини ўрганиш бўйича ўқув – кўргазмали кўлланма. – Т.: «Ўзбекистон», 2005.
22. Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий « йўвалишиларига бағишлиланган мажлисиидаги маъruzаси. Халқ сўзи, 2003 й. 18 февраль.
23. Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2005 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишиларига бағишлиланган мажлисиидаги маъruzаси. Халқ сўзи, 2005 й. 19 январ.
24. Абдуллаева Ш.З. Наврӯзова К.Н «Банкларда бухгалтерия ҳисоби асослари» Ўқув кўлланма Т., ТМИ, 2002.
25. Абдуллаева Ш.З. «Банк рисклари ва уларни шакллантириш асослари». Тошкент, ТМИ, 2000 йил.
26. Абдуллаева Ш.З. «Либерализации банковские системы Республики в условиях углубления экономических реформ». Тошкент, ТМИ, 2003 йил.
27. Абдуллаева Ш.З. «Банк иши» ўқув кўлланмаси Т. «Молия»-2000
28. Абдуллаева Ш.З. «Пул, кредит ва банклар.» -Т.: Ўқитувчи, 2003 йил.
29. Абдуллаева Ш.З. «Банк рисклари ва кредитлаш». -Т.: Молия, 2002 йил.
30. Абрамов В. Л. Мировая экономика. Учебное пособие. – М.: «Дашков и К», 2004.
- 31.Абалов А.Э. Международный рынок драгоценных металлов: основные принципы функционирования Москва. “Финансы и статистика”: –2001.
- 32.Алексеев Ю.П. Международная торговля. М.:–2000.
- 33.Артемкина И.Е. Международные операции по коммерческим операциям, М.:2000.
- 34.Антонов В.А. Мировая валютная система и международные

- расчеты – М.: ТЕИС, 2000 год.
- 35.Афонина С.В. Электронные деньги: - С-Пб.: Питер, 2001.
36. Авдокушин Е.Ф. «Международные экономические отношения». Учеб. пособие / 6-е Переработка и дополнение – М.: Изд. Дом. Маркетинг 2001 год
37. Антонов В.А. Мировая валютная система и международные расчёты. – М.: ТЕИС 2000 год
38. Аскаров И., Додобоев Ю.Т., Мамутова Х.Ш., Основы международного таможенного права. Учебное пособие. Ф.: КУНПЦП, 1999.
- 39.Баранов Э.А., Хмыз О.В. Рынки: валютные и ценные бумаги. – М.: Экзамен 2001.
- 40.Бутми Г.В. Золотая валюта К пониманию макроэкономики государства и мира. - С-Пб.: Питер, 2000.
41. Белоглазова Г. Н. Деньги, кредит, банки. – М.: Юрайт – издат, 2005.
- 42.Балабанов И.Т. Валютный рынок и валютные операции в России, М.:–2000.
- 43.Березина Е. Международные операции коммерческим банков. М.: -1999.
- 44.Банки и реальность Учебное пособие. Институт экономического развития мирового банка. М.: -1998.
- 45.Банковское дело: Управление и технология: Учёб. Пособие для ВУЗов Под ред. Проф. А.Н. Товаршева, Н. Юнитидана, 2001 год
- 46.Банки и банковское дело /Под. Ред. И.Т. Балабанова – СПб Питер 2001
- 47.Братко А.Г. Банковское право: Теория и практика –М:ПРИОР. 2000
- 48.Болкаторов Б.И. Практикум по международной экономической статистике. – М:Издательство Дело и Сервис, 2000.
49. Банки и банковское дело /Под. Ред. И.Т. Балабанова – СПб Питер 2001
50. Банковское дело. Под ред. проф.Лаврушина О.И. -М.: ФиС, 2003 год.
51. Банковское дело: Управление и технология: Учёб. Пособие для ВУЗов Под ред. Проф. А.Н. Товаршева, Н. Юнитидана, 2001 год
52. Банковское дело: Учебник./ Под. ред.: Г.Г., Коробовой.-М.: Экономист, 2004.
53. Баранов Э.А., Хмыз О.В. Рынки: валютные и ценные бумаги. – М.: Экзамин 2001 год
54. Болкаторов Б.И. Практикум по международной экономической статистике. –М: Издательство Дело и Сервис, 2000 год
55. Братко А.Г. Центральный банк в банковской системе России – М.: Спарт, 2001 год
56. Бутми Г.В. Золотая валюта К пониманию макроэкономики государства и мира. - СПб: Питер, 2000 год

57. Базылев Н. И., Мишкевич М. В., Мировая экономика: Учеб. Полсобие.- Мн.: «Мисанта», 2004.
58. Балабанов И.Т., Ганчарук О.В., Савинская Н.А., Деньги финансовые институты. Краткий курс.- СПб: Питер, 2002.
59. Ваҳобов А.В. Межбюджетные трансферты в системе взаимоотношений бюджетов различных уровней. Учебное пособие. - Т.: ТГИ, 2004
60. Васильев Н. М., Катырин С. Н. Лепе Л. Н. Лизинг как механизм развития инвестиций и предпринимательства. - М.: ДЕКА, 1999.
61. Вагравен В.Д. «Управление рисками коммерческого банка» Институт экономического развития мирового банка. М.: -1999.
62. Владимирская А.С. Валютные операции. М.: -2001
63. Валовая Д. Валютный рынок и его колебания М.: -2001
64. Варьаш И.Ю. Инвестиции и хеджирования: Учебно-практические пособие для вузов. - М.: ПРИОР, 2001 год
65. Варьаш И.Ю. Банковская социология: Экспертные оценки в банковском деле -СПб: Альфа 1999г.
66. Вахрий П.И. Финансовый анализ коммерческих и некоммерческих организаций: Учеб. пособие - М; Издательство - книготорговых центр Маркетинг, 2001 год
67. Вершигора Е.Е. Менеджмент: Учеб. Пособие 2-с изд перерав и доп -М.Инфра-М 2000
68. Викулин А.Ю. Антимонопольное регулирование рынка банковских услуг: Учебно-практическое пособие / От в ред. Г.А. Тосуянин - М: Издательство БЕК, 2001 год
- 69.Гладкова И.Н. Наличные рубли и валюта. Москва:-1999
70. Гафарлы М.С. и др. «Узбекская модель развития» Москва 2000.
71. Галицкая С.Б. Денежное обращение. Кредит, Финансы (Теории и Российская практика). Учебное пособие.- М: Международные отношения, 2002.
- 72.Дадалко В.А. и др. Налогообложение в системе международных экономических отношений. Учеб. пособие - Мн.: Армит – Маркетинг Менеджмент, 2000.
- 73.Ершев М.В. Валютно-финансовые механизмы в современном мире. -М.: ОАО НПО Издательство Экономика, 2000.
- 74.Иванов Н.С. Международные кредитные отношения. М.: -1999.
75. Иванов А.Н. Банковские услуги: Зарубежный и Российский опыт- М.: Финансы и статистика, 2002.
76. Кидуэлл Д.С., Петерсон Р.Л. Бескуэлл. Финансовые институты, рынки и деньги. - СПб.: Издательство Питер, 2000 год
77. Ковалев В.В. Методы оценки инвестиционных проектов - М.: Финансы и статистика, 2001 год

78. Костюнина Г.М., Ливенцев Н.Н. Международная практика регулирования иностранных инвестиций: Учеб. пособие - М.: Анкил, 2001 год
79. Кратко И.Г. Международное предпринимательство: Учеб. пособие - М.: ИНФРА - М, 2001 год
80. Круглов В.В. «Основы международных валютно-финансовых и кредитных отношений» Москва, «Инфра-М», 1998 г.
81. Курочкин Д.Н. Евро: новая валюта для Старого света. Проблемы становления и перспективы развития Европейского экономического и валютного союза. - Мн: Европейский гуманитарный университет, 2000 год
82. Казимачомедов А.А.Ильясов С.М.Организация денежно-кредитного регулирования. Москва:-2001
83. Крутик А.Б. Хайкин М.М. Основы финансовой деятельности предприятия: Учеб. Пос. СПб: Бизнес-пресс,1999
- 84.Казимачомедов . А.А.Ильясов С.М.Организация денежно-кредитного регулирования. Москва:-2001
- 85.Ковалев В.В. Финансовый анализ. Москва:- 2001
- 86.Красавина Л.Н. Международные расчетные отношения. М:- 2001.
- 87.Красавина Л.Н. Международные, валютные, кредитные и финансовые отношения, М:-2001.
- 88.Купчинский В.А., Уминич А.С. Система управления ресурсами банка Москва:-2000
- 89.Кемпбелл Р. Идр. «Экономика», М.:-1998.
90. Лаврушин О.И. «Банковское дело» М., 2001 год.
91. Лаврушин О.И «Деньги, кредит и банки» Учебник М-2002 г.
92. Лачинов М.М. Основы внешнеэкономической деятельности в строительстве: Учеб. пособие - М.: Стройиздат. 2001 год
93. Ломагин Н.А. и др. Введение в теорию международных отношений и анализ внешней политики: Учеб. пособие/ 2-е изд. Переработка и дополнение. - М.: Мир Т. 2001 год
94. Луис Ричард Д Деловые культуры в международном бизнесе. От столкновения к взаимопониманию: Пер. с англ. - М.: «Дело», 1999.
95. Международные экономические отношения Учебник/ Под. Ред. Н.Н. Ливецева , - М.: Московский гос. институт международных отношений, Российская политическая энциклопедия, 2001 год
96. Миллер Л.Р., Дэвид Д., Ван-Хуз. Современные деньги и банковское дело. С англ. - М.: ИНФРА - М.: 2000 год
97. Мировая экономика. Экономика зарубежных стран. Под ред. проф. В.П.Колесова и др. Москва Флинта 2001.
98. Мировая экономика и международные экономические отношения. Серия учебники. Учеб. пособие./ под ред. Акавоновой

- Е.С., О.Н. Воронковой, Н.Н.Гаврилко. - Ростов н\д . Феникс , 2001 год
- 99.Мировая экономика и международные экономические отношения. Учеб. Пос. под Ред. Акавоновой Е.С., О.Н. Воронковой, Н.Н. Гаврилко. 2001
- 100.Мировая экономика под ред. Проф. В.П. Колесова и др. -М.: Флинта, 2001.
- 101.Миллер Л.Р., Дэвид Д.Ван-Хуз. Современные деньги и банковское дело. Пер. С англ. Москва.: ИНФРА, 2000.
- 102.Наговицына А.Г., Иванов Б.В. Валютный курс. М.: - 1998.
103. Оксфордская иллюстрированная энциклопедия, 9 т. 3-2-е. изд. испр. Всемирная история. С древнейших времён и др. 1800 года/ Пер. с англ. - м.: Издательство Дом ИНФРА - М, Издательство Весь Мир, 2000 год
- 104.Павлова Л.Н. «Финансовый менеджмент» Москва.: - 2001
105. Палий В.Ф. Международные стандарты финансовой отчетности.- М.: ИНФРА-М.: 2003.
- 106.Пивоваров А.Г. Англо-русский словарь по внешней торговле и международным транспортным операциям. Москва.: - 2001.
- 107.Погорецкий А.И. Экономика и экономическая политика Германии в XX веке. Научное издание. - С-Пб.: Издательство Михайлова В.А., 2001.
- 108.Постников С.П., Попов С.А. Мировая экономика и экономическое положение России: Сборник статистики, 2001.
109. Роджер Музэрс. Эффективное управление/ Пер. с анг. Серия «Маркетинг и менеджмент в России и зарубежом». - М.: Издательство «Фипресс», 1998 год
- 110.Рубцов Б.В. Зарубежные фондовые рынки. -М., 1999.
- 111.Рудый К.В. «Финансово-кредитные системы зарубежных стран» Учебное пособие-М.: Новое знание, 2003.
112. Стригин А.В. Мировая экономика. Москва Экзамен 2001.
- 113.Савчук В.П. Примеко С.И. Величко Е.Г. Анализ азборка инвестиционных проектов: Учеб. пос. - Киев: Эльга, 1999.
- 114.Стоянова Е.С. и др. Управление оборотным капиталом -М: Перспектива, 1998.
- 115.Слепович В.С. Деловой английский / Под ред. В.С. Слеповича. - М.: Н. Тетра система, 2001.
- 116.Стригин А.В. Мировая экономика. - М.: Экзолиен, 2001.
117. Хамидов И.А., Алимов А.М. Ўзбекистон Республикасида ташки иқтисодий фаолият асослари: - Дарслик/ Масъул мухаррир: Х.Бобоев - Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси «Адабиёт жамғармаси» нашр, 2001 йил
118. Жиряева Е.В. Экспертиза в таможенным деле и международной торговле.- СПб.: Питер, 2003.
119. Жарковская Е.П. Банковское дело. - 2-е изд. М.: Омего- Л,

2004.

- 120.Шеремет А.Д. Финансовы анализ в коммерческом банке. -М.: Финансы и статистика, 2000.
- 121.Ширинская Е.Б. Операции коммерческих банков и зарубежный опыт. -М., 1998.
- 122.Эрвид Дж. Доллан и др. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика, -М.: 1997.
123. Ashauer H. Einfuhrung in die Bankwesen. -Bonn.: Finanz Verlag,1999.
124. Frederick S. Miskin. The Economics of Money, Banking and Financial markets. 2 nd Edition, USA 2000.
125. Schmidt T.C. Geld, Kredit und Banken. -Hamburg.: UNI Verlag, 2000.
126. The Federal Reserve System Purposes and Functions. 8 th Edition Washington DC. USA 1999.
- 127.www.bfa.uz
- 128.<http://www.bankofengland.co.uk/markets/forex/index.htm>
- 129.[www. bankir. ru](http://www.bankir.ru)
- 130.<http://www.federalreserve.gov>
- 131.<http://www.uzland.uz>
- 132.<http://www.gov.uz>
- 133.<http://www.aza.uz>
- 134.<http://www.mfa.uz>
- 135.<http://www.bearingpoint.uz>

МУНДАРИЖА

Кирил.....	3
I-боб. Валюта муносабатлари ва валюта тизими.....	6
1-§. Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта муносабатларининг юзага келишининг объектив асослари.....	6
2-§. Валюта тизими ва унинг турлари.....	23
3-§. Жаҳон валюта тизими (жвт) ва унинг эволюцияси.....	27
4-§. Минтақавий валюта тизими (МВТ)	32
5-§. Европа ҳамжамияти ва унинг ташкил топишни.....	33
6-§. Европа валюта тизими ташкил топишининг ўзига хос хусусиятлари.....	40
7-§. Европа Иттифоқи доирасида олиб борилаёттан ягона валюта ва кредит сиёсати.....	56
8-§. Европа валюта тизимидаги муаммолари ҳамда унинг жаҳон валюта тизимидаги роли.....	62
II-боб. Валюта курси ва унинг режимлари.....	70
1-§. Валюта ва унинг иқтисодий можиҳити.....	70
2-§. Валюта курсининг мазмуни ва уни котировкалаш масалалари.....	72
3-§. Валюта курсини ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ва уни тартибга солиш воситалари.....	82
4-§. Валюта курсининг мамлакат иқтисодиётига ва халқаро иқтисодий муносабатларга таъсири ва унинг барқарорлитини таъминлаш йўллари.....	96
Шбоб. Валюта операциялари ва уларнинг турлари.....	98
1-§. Валюта бозори ва уни тартибга солиш.....	98
2-§. Валюта бозорининг ривожланиш жараёнлари ва уларнинг турлари.....	106
3-§. Валюта операциялари ва уларнинг турлари.....	117
4-§. Валюта операциялари билан боғлиқ рискларни сугурталаш.....	144
5-§.. Ўзбекистонда валюта бозори ва валюта операциялари.....	150

6-§. Ўзбекистонда валюта операцияларини амалга ошириш асослари.....	156
7-§. Ўзбекистонда валюта операцияларини ривожлантириш имкониятлари.....	158
8-§. Валюта операцияларини амалга оширишда тижорат банкларининг роли.....	160
9-§. Ички валюта бозорида хорижий валютани сотиш ва сотиб олиш тартиби.....	164
IV-боб. Валюта сиёсати ва унинг асосий шакллари.....	172
1-§. Валюта сиёсати ва унинг моҳияти.....	172
2-§. Валюта сиёсатининг мақсади, вазифалари ва асосий шакллари.....	174
3-§. Валюта сиёсатида конвертация жараёнинг ўрни ва роли.....	177
4-§. Ўзбекистонда валюта сиёсатининг асосий йўналишлари	185
V-боб. Марказий банкнинг валюта сиёсати.....	194
1-§. Марказий банкнинг валюта сиёсатининг мақсади ва асосий вазифалари	194
2-§. Марказий банкнинг валюта сиёсати	202
3-§. Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюта-сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари.....	208
4-§. Валютавий чеклашлар классификацияси.....	215
5-§. Валюта чеклашларнинг мамлакат иқтисодиётига ва халқаро иқтисодий муносабатларга таъсири.....	223
6-§. Валюта алмаштириш шахобчалари фаолиятини ташкил этиш тартиби.....	229
7-§. Валюта алмаштириш шахобчаларида ўтказиладиган операциялар ва уларнинг ҳисоби.....	223
8-§. Ўзбекистонда валюта муносабатларини эркинлаштириш ва валюта айирбошлиш шахобчаларининг фаолиятини такомиллаштириш.....	243
VI-боб. Халқаро ҳисоб-китоблар ва уларнинг асосий шакллари.....	255
1-§. Халқаро ҳисоб-китоблар тушунчаси ва унинг зарурлиги.....	255
2-§. Банк ўтказмаси.....	259
3-§. Очиқ ҳисобварақ бўйича ҳисоб-китоблар.....	263
4-§. Инкассо	265
5-§. Ҳужжатлаштирилган аккредитив	272
6-§. Чек	286
7-§. Халқаро ҳисоб-китобларда SWIFT тизими	297
VII-боб. Валютавий инқизорлар ва уларнинг шакллари.....	309
1-§. Валюта инқизорзи, унинг моҳияти ва турлари.....	309

2-§. Валюта инқизозида валюта курсларининг ўзгариши ва валютани бошқариш сиёсати.....	237
VIII-боб. Тўлов баланси ва валюта муносабатлари.....	321
1-§. Тўлов баланси, унинг моҳияти, ва таркиби.....	321
2-§. Тўлов балансини тузиш схемаси.....	327
3-§.Тўлов балансини тузишнинг методологик асослари	332
4-§. Тўлов баланси таҳлили.....	343
5-§. Тўлов балансини тақчиллиги ва уни бартараф этиш йўллари.....	349
IX-боб. Халқаро кредитлар ва уларни ташкил қилиши асослари.....	355
1-§. Халқаро кредитнинг асосий қоида ва тамойиллари.....	355
2-§. Халқаро кредитнинг функциялари ва шакллари.....	357
3-§. Халқаро кредитнинг хусусиятлари ва имкониятлари.....	363
4-§.Халқаро кредит бўйича фоиз ставкаси ва кредит баҳоси.....	366
5-§. Халқаро кредитлар бўйича рисклар ва уларни бошқариш.....	376
6-§. Ривожланадиган мамлакатларни халқаро кредитлари ва молиялаштириш хусусиятлари.....	379
7-§. Халқаро кредитлар бўйича қарздорлик муоммосининг юзага келиш сабаблари ва иқтисодий оқибатлари.....	389
8-§. Халқаро кредит бўйича қарздорлик муаммоси.....	397
9-§. Халқаро кредит бўйича қарздорликни бошқариш.....	402
10-§. Халқаро кредитларни сугурталаш.....	407
X боб.Ташкин савдо операцияларини кредитлаш	
1-§.Ташкин иқтисодий фаолият ва ташкин савдонинг объектив зарурлиги.....	412
2-§. Ўзбекистон иқтисодиётида экспорт ва импортнинг тутган ўрни ва салмоги.....	419
3-§.Халқаро савдода импорт операцияларини ташкил қилишнинг хукукий асослари.....	423
4-§.Экспорт ва импорт операцияларида хужжатлаштирилган аккредитивдан фойдаланиш имкониятлари.....	429
5-§.Ўзбекистон билан халқаро савдода хужжатлаштирилган аккредитивдан фойдалашини кенгайтириш.....	441
XI-боб. Фьючерс операцияси ва уни амалга ошириш тартиби.....	448
1-§. Фьючерс операцияси тўғрисида тушунча ва унинг иқтисодий моҳияти.....	448
2-§. Фьючерс бозорларининг ривожланиши	455
3-§. Фьючерс операциясини амалга ошириш тартиби	463
4-§. Валюта биржасидаги фьючерс операцияларининг таҳлили.....	473
5-§.Товарлар биржасидаги фьючерс операциялари таҳлили.....	481
6-§.Ўзбекистон Республикасида фьючерс операцияларини	

кўллашимкониятлари.....	484
 XII-боб. Валюта рисклари ва уларни бошқариш.....	488
1-§. Валюта рисклари, уларнинг моҳияти, турлари ва юзага келиш сабаблари.....	488
2-§. Валюта рискларини бошқариш.....	494
3-§. Банк амалиётида валюта рисклари бошқаруви жорий ҳолатининг таҳлили.....	496
4-§. Валюта рискларини сугурталаш масалалари.....	508
5-§. Валюта рискини баҳолаш усуллари ва рискини пасайтириш омиллари.....	520
6-§. Валюта рискларини бошқариш билан боғлиқ муаммолар ва уларни амалгаошириш.....	530
 XIII-боб. Жаҳон валюта бозорининг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни.....	523
1-§. Олтин ва унинг иқтисодиётдаги тирихий роли.....	535
2-§. Халқаро иқтисодий муносабатларда олтин стандарти даври.....	537
3-§. Жаҳон олтин бозорининг ишлаш механизми	542
4-§. Жаҳон олтин бозорида олтин билан операциялар олтинга бўлган таълаб ва тақлифнинг таҳлили.....	549
5-§. Марказий банкларнинг расмий олтин заҳиралари билан операцияларнинг таҳлили.....	570
6-§. Ҳозирги даврда Ўзбекистон ва жаҳон олтин бозори, улардаги муаммолар ва уларни ечиш.....	572
Адабиётлар.....	576

Халқаро валюта-кредит муносабатлари.

Дарслік

АБДУЛЛАЕВА ШАРБАТ ЗУЛФИКАРОВНА

Мұхаррір: Э. Бозоров

Босишта рухсат этилди	28.11.05
Қоғоз бичими	30x42 1/8
Ҳисоб нашр табоги	35.1 6.т.
Адади	500
Буортма	№ 246

“IQTISOD-MOLIYA” нашриети, 700084, Тошкент, Ҳ. Асомов күчаси, 7-үй

**Тошкент Молия институти босмахонасида «RISO» нусха
күпайтириш қурилмасида чоп этилди.**

700084, Тошкент шаҳри Ҳ.Асомов күчаси, 7-үй.

